

АМИР ТЕМУР ЖАҲОН ТАРИХИДА



AMIR TEMUR



03.03.21
19-30



АМИР ТЕМУР ЖАҲОН ТАРИХИДА



«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006

TAJDU ARIM
№ 391153

А 30

Амир Темур жахон тарихида / Масъул мухаррир:
Р. Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов
(рахбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. — Т.: «Шарқ»,
2006. — 336 б.

Сарлавҳада ЮНЕСКО.

ББК 63.3(5У)

ISBN 978-9943-00-001-8

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияс
Бош таҳририяти, 2001, 2006

АМИР ТЕМУР
ЖАҲОН
ТАРИХИДА



Инсоният жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик шахслар ҳиссасини муносиб баҳолайди. Бинобарин, уларнинг саъй-ҳаракатлари янги-янги авлодлар эътиборини катта куч билан ўзига жалб этиши мутлақо табиийдир.

Амир Темур — тарихда энг буюк шахслардан бири. Ажабланарлиси шундаки, XIV асрнинг энг ёрқин ва мўътабар зотининг буюклиги кейинчалик ҳар турли афсоналару уйдирмалар гирдобида қолиб кетди.

Хайрият, ҳақиқат голиб келди. Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислоҳотчиси, жасур адолатпеша, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги сиймоси ҳар турли мафкуравий таъсиротларга, камситилган ва адолатсиз баҳоларга қарамай, асрлар оша яшаб келди.

Амир Темур маънавий меросининг ўзаги — Самарқанддир. Афсона шаҳар. Жаҳон меъморчилигининг дурдонаси. Бунёдкор Инсон теран заковати ва чексиз хаёлотининг ноёб ижоди намунаси.

Мен Самарқандда туғилганман, менга Амир Темур буюк даҳосини акс эттирувчи, таровати ва муҳташамлигини тавсифлашга сўз ожизлик қиладиган обидалар юртида яшаб, вояга етиш насиб этди. Илк болалик кезларимдан жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшган тарихий обидалар, бетакрор маданиятнинг узоқ ва жўшқин даври бунёдкорлиги нафасидан баҳра олиб яшадим.

Маънавий бойлик, ўй-хаёлларнинг софлиги ва ахлоқийлиги, нафислик, Ўзбекистон халқининг яратувчилик табиати асрлар давомида Гўри Амир, Регистон, Шоҳизинда, Тоқи заргарон, Бибихоним масжиди, Улугбек расадхонаси ва бошқа кўплаб жаҳон аҳамиятига молик дурдоналар нафосати таъсирида шаклланди.


Қадимий тараққиёт анъаналари Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Тошкентда, Фарғона ва Сурхондарё водийларида, шунингдек, Туркистон ҳудудидаги бошқа ёдгорликларда, ўтган асрлар тароватини ўзида сақлаган пухта ўйланган кўплаб ўқув марказлари, мадраса, кутубхоналарда ўз ифодасини топди.

Эрк ва мустақилликка эришган ўзбек халқи бугунги кунда тарихнинг ана шу обидаларини авайлаб сақлаб, мисли кўрилмаган иштиёқ билан ўз миллий анъаналарини қайта тикламоқда, бегона майл ва биз учун номақбул мафкура билан атайлаб яширилган ўзининг бой тарихи ва маданияти саҳифаларини заргарона янгитдан яратяпти.

Юксак маънавиятни қайтариш — Ўзбекистонда очиқ, замонавий, демократик жамиятни барпо этишда гоаят муҳимдир.

Тақдим этилаётган китоб Амир Темур ва Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаганлиги ҳақида ҳужжатлар асосида сермазмун ҳикоя қилади.

Имоним комилки, талабчан ўқувчи ундан Марказий Осиёнинг маданий тараққиёти ҳақида кўплаб янги маълумотлар олади. Шарқ Ренессансининг шонли давлари ила мароқ билан танишиб, қониқиш ҳосил қилади.



ИСЛОМ КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Оламда шундай номлар борки, улар кишини хаёлга чўмдиради, уларнинг сеҳри у номларни эшитганинг ёки ёзувини кўрганинг ҳамон дарҳол таъсир эта бошлайди. Хаёлот сари етаклайдиган номлар орасида тасаввуризмизни ром этадиган бир ном бор, у ҳам бўлса Самарқанддир. Бу ном ёрқин, сержило, мушки анбар, хаёлот саройлари, карвонлар гулгуласи, бокира сас ва англамаган ҳиссиётлар гирдобидан ҳосил бўлгандек гўё...

Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларини ўқир эканман, Марказий Осиё мазкур қисмининг XIV аср маданиятини — меъморий бойликларини, шеърят нафосатини, техник ва илмий топқирлигини, ушбу маданиятга афсонавий жаҳонгир Амир Темурнинг таъсири ва ҳоказоларни кашф этдим.

1995 йилда мен орзуни воқелик билан қиёслаш имконига эга бўлдим. Самарқанд бундай қиёслашдан мутлақо зиён кўрмади: нақадар гўзал. Қай бири билан — унинг улугвор ўтмиши биланми ёки бугунги латофати биланми, кўпроқ ҳайратланишингни билмайсан.

Хўш, Самарқанд сизни хаёлотга етакляптими? Ундай бўлса, иккиланиб ўтирмай, ўз тасаввурингизда пайдо бўлган Темурийлар даври сиймолари образларига шўнгинг. Шунда сизда Ўзбекистонни, унинг тарихини, унинг маданиятини, унинг халқини янада теранроқ кашф этиши иштиёқи намоён бўлади.

ФЕДЕРИКО МАЙОР
ЮНЕСКОнинг 1987—1999 йиллардаги
Бош директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Эҳтиром

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темури ҳайкалини очиб маросимга йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиши имконидан маҳрум эди. Амир Темури номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурури туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириши эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарагай Баҳодури ўғли Амир Темури ёшлик чоғидан мард, довиорак, гурурли, ўтқир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди. Ҳадис илмини ўрганди. Иймон-этиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзиде буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темури давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморлик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурининг маданият ва дин аҳлларига кўрғазган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темури ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-де, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда. «Куч — адолатдадир!» демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битари эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.



Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аجدодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин! Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Амир Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанамиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий гурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва гайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлгай!

Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август (1)

Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин!

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шахрида бошланаётгани чуқур раҳзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда Темурийлар даврининг илм-фанининг маданият ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиши учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда «Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннаҳр» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан бунёд турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк Ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги Сугд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар пайдошолликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ал-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскорига» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», — деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоян бўлди.





Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий мурасага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг «Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!» деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машғум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яқсон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Кўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар! ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир. Ишончим комилки, меъморий ёдгорликлар, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва



бадший шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Фарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўрғазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк Ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Фарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — «Шухрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўрғазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель, Париж (2)



Халқимиз бор экан, Амир Темури номи барҳаётдир!

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темури руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аجدодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темури номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлгусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлгай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлараро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темури ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини «миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат» деб билган Амир Темури халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темуридек буюк саркарда, Амир Темуридек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темури — бизнинг шаън-шавкатимиз, гурури-ифтихоримиздир.

Амир Темури — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темури буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурибек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.



У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — Чигатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, сугориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноксиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қурутган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки ордан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байрогини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.



Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва ша-рафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобоколонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи Давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.



Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупрогини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки покларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, ма-на шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшипти, десак, асло муболага бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюклик ва даҳолик қудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шахар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шоншавкатини оширишидаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шахри «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шахримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аجدодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

Самарқанд шаҳрида Амир Темур хайкалининг
очилиш маросимида сўзланган нутқ,
1996 йил 18 октябрь (4)

Соҳибқирон камолга етган юрт

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва ши-жоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун Қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини гоаят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришида ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам хоки поклари билан мукаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Хурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаяётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, гурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамшиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузунинг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темури бобомиз бу кошона пештоқиға шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларға маълум: «Кимки бизнинг шон-шухратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларға назар солсин».

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурининг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрниға ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрниға ўнта кўчат эктирдим».

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темури Шарқни Фарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришға ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурининг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карамии улуғ Аллоҳ халқимизға, Ватанимизға шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизға Амир Темуридек буюк соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганға ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрға қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темури маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темури сиймосини эслаши керак.

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темури бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охириға келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилтираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишға қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишиға қўшган алоҳида хизматларини эътиборға олиб, Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темури» ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларға топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларға муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояға етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни соҳибқирон Амир Темурининг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

**Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темури ҳайкалининг
очилиш маросимида сўзланган нутқ,
1996 йил 18 октябрь (5)**





Адолат ва қудрат ТИМСОЛИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи мамлакатимизда зўр шоду хуррамлик билан давом этмоқда. 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Бундан уч йил муқаддам гўзал Тошкент марказида ҳазрати Темурнинг улугвор суворий ҳайкали ўрнатилган эди.

Эндиликда бир-бири билан узвий боғлиқ бу уч муаззам бадиий обида шавкатли аждодимизнинг адолат ва қудрат рамзи бўлган беназир сиймосини яхлит ҳолда тасаввур этиши имконини беради.

Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тантаналар чоғида Соҳибқирон тимсолини мужассам этган ҳайкаллар маросимга йигилган жамоат, узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборат агентлигининг мухбири Президент Ислоҳ Каримовдан Амир Темур образининг мазкур бадиий талқинлари ҳақидаги таассуротларини сўради. Юртбошимиз мухбирнинг саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан, бундай деди:

— Аввало, бу ҳайкалларда Амир Темурнинг салобатли ва улугвор қиёфаси муносиб тарзда яратилган, деб айтсак, муболага бўлмайди. Шахсан мен Соҳибқирон бобомизнинг сиймосига боқар эканман, вужудимни ички бир ҳаяжон чулғайди. Диққат билан қарасангиз, ҳазрати Темурнинг нуруний, шижоатли қиёфасида у зотнинг бу дунёга келиб қилган ишларидан, кезган йўлларида, сурунли ўтган умридан, тузган беқиёс давлатидан мамнунлик ифодасини уқishi мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанддаги ёдгорликда Амир Темур буюк салтанат тахтида султонлар султонига мос виқор ва салобат билан ўтирибди. Соҳибқироннинг қадди-қомати ҳам, савлатли чехраси ҳам унинг тоза насл-насабидан, тангри ёрлақанган улуғ зот эканидан далолат беради.

Амир Темур ҳайкалларида эътиборга молик яна бир маъно ўз ифодасини топган. Соҳибқироннинг шафқат ва айни пайтда қатъият билан боқувчи нигоҳи унинг бепоён салтанатини қамраб олгандек, бу улкан ҳудуддаги барча халқлар ва элатларнинг аҳвол-руҳиясидан огоҳ бўлиб тургандек таассурот қолдиради. Гўёки бобокалонимиз: «Мен бор эканман, менинг руҳим барҳаёт экан, эл-улусда омонлик ва фаровонлик мудом барқарор бўлғай, менким Амир Темур — тинчлик ва осойишталик кафилиман», деб тургандек.

Менинг назаримда, Соҳибқироннинг бу ҳайкаллари нафақат бадиий, балки катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилятлари намоён бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириши ва сафарбар этишига ишонман.

Бу гўзал ва улугвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил савдоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади. «Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завол топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд



этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлгусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз — адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат — бизнинг дастуримиздир».

Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриётлар бўлишига даъват этади.



*Чиндан ҳам, Амир Темурнинг юртимизда мағрур қад ростлаб турган
улуғвор ҳайкаллари, халқимизнинг асрий орзулари, пок ва муқаддас ниятлари
ушалганидан, дуо-фотиҳалари ижобат бўлганидан яна бир бор далолат беради.*

1996 йил, 18 октябрь (6)

Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз

Хонимлар ва жаноблар!
Конференциянинг мухтарам иштирокчилари!
Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналардаги иштирокчингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва Темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намояндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, дастлаб шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг манتيқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улугбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳларимиз ҳам тўсатдан, яъни бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар ана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўйи, ҳувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса

шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг, Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Берунийнинг, «Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан, Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонидан қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболага бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик гояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бирёқлама баҳо берилди. Бу гоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва гайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириши бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишига бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бутун дунёнинг қарийб 50 мамлакатаида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва Темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, гоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман. Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириши манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шунини тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилати биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшинлари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда

испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош гоё бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

«... Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир ланг тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Учинчидан, соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Зангиота мақбаралари, Оқсарой ва Шохи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «ободчиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, сугориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

«Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», деганда Амир Темур, энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиши, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташириф буюрмасин, Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморлик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг авлодлари, айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиши билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошдан оқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат гамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишини ниҳоясига етказётганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўйиши шарт эдимми? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улуғвор режалар ва ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуқлари»да шундай дейди: «Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».

Амир Темурнинг Қуръони каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону диёнатни қанчалар пок ва мукаммал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сарфарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

«... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турунлар, қатъиятли ва мардонвор

бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминиди узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашининг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришининг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмоқчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз!», — деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўплаб долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишидаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир.

Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва Темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига
бағишланган халқаро илмий
конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь, Тошкент (7)

Иқтибослар

Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Гамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV–XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш зарур деб ҳисоблаган Франция қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир (8).

* * *

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақибанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, гайратига-гайрат, ишончига-ишонч қўшади (9).

* * *

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

- кенгаш;
- маслаҳату машварат;
- қатъий қарор;
- тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.

Бу тўрт омил, яъни – кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқтиради соҳибқирон бобомиз (10).

* * *

Олий зобитларни тайёрлашда Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинishi лозим. Биз буюк бобомиз Амир Темурнинг саркардалиқ истеъдоди ва ҳарбий стратегияси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилганини ҳамиша ёдда тутишимиз ва ҳеч қачон унутмаслигимиз керак (11).

* * *

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган соҳибқирон Амир Темур ўз Тузуқларида: «Тажрибамда кўрилганким, ишибилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради», деб ёзган эди (12).

* * *

Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Буюк Амир Темур таваллуд топган бу қутлуг замин аҳли бугунги кунда улуғ бобокалонимизнинг 660 йиллик шонли тўйига бутун мамлакат халқи қаторида зўр тайёргарлик кўрмоқда.

Амир Темур юбилеи бутунлай янги, миллий давлатчилигимиз шаклланиб, жамиятимиз тубдан ислоҳ этилаётган тарихий бир даврда ўтиши билан диққатга сазовордир (13).

* * *

Соҳибқирон юбилеи дунёнинг маданият ўчоқларидан бири – Парижда бошлангани, нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО бу ҳақда махсус қарор қабул қилгани ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта. Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро

даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз. Ўйлайманки, биз нимага эришган бўлсак, ана шу савобли ишларимиз учун Аллоҳнинг бизга инъом этган марҳаматидандир.

Амир Темур юбилейи муносабати билан қурилган иншоотлардан бири — Темур ва Темурийлар тарихи Давлат музейидир. Миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланиб бунёд этилган мазкур бино кўзни қувонтиради. Гўзаллиги, саҳобати билан гуруримизга гурур қўшади. Иншооллох, бу музейни биз буюк бобомизнинг тўйи арафасида, муборак жума куни очамиз. Бу маросим миллий анъаналаримизнинг намоёниши бўлади. Унда маданиятимиз арбоблари, дин вакиллари, тарихимизни муқаддас ҳисоблаган барча кишилар иштирок этади. Эсимда, бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида Амир Темур ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлганди. Балким Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий каби муборак зотларнинг номини асрлар чангидан тозартириб, ҳурматларини жойига қўйганимиз ана шу ғайритабиий ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан яратганимиз бизга куч-қудрат ато этган, ҳар хил офату балолардан, ёмон кўзлардан асрагандир (14).

* * *

Амир Темур юбилейининг байрам қилиниши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар мобайнида «босқинчи» Темур, «вайрон қилувчи» Темур ҳақида ўқиган ва эшитган вақтимизда неча бор ўзимизга ўзимиз: «Қандай қилиб унинг даврида она заминимизда маданият ва иқтисодиёт бу қадар равнақ топган экан?», — дея савол берар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшиларимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — соҳибқирон Амир Темур шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир (15).

* * *

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этияпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишига тил ҳам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга ҳеч қандай мантқиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий қошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам «Куч — адолатда» дейиши мумкинми?! (16).

* * *

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у мўғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида «мўғул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар», деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этганидан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача бирон-

таси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темур қаёқдаю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий гурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, ганимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Аваламбор, биз бирор аجدодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда, улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шаҳрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморлик ишларини айтмайсизми? Ким «Куч — адолатдадир» деган оламушул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувида оид мумтоз асар — «Темур тузуклари»ни ёзган ким? Умуман, кишилиқ тарихида ана шундай йўналишида асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи? (17).

* * *

Бу кўҳна заминнинг буюк ўғлонлари ҳақида узоқ гапириш мумкин, лекин улар орасида бир зот борки, у халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Бу зот мана шу заминда таваллуд топган, шу заминда униб-ўсган, камолга етган соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Тарихда машҳур шахслар кўп ўтган, лекин... дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маънавият ҳомийси бўлган?

Бу улуғ зотнинг халқимиз тарихидаги ўлмас хизматларини қадрлаб, уни воёга етказган заминга ҳурмат-эҳтиромимизнинг ифодаси сифатида Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Бу ерда соҳибқироннинг муаззам ҳайкали ўрнатилгани ана шу эҳтиромнинг яна бир тимсолидир, десам ҳато бўлмайди (18).

* * *

Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли тўфон ва бўронларига мардона бардош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч — юксак маънавият ва адолатга интилиш туйғуси бўлган.

Бамисоли қушнинг парвози учун қўш қанот қанчалик зарур бўлса, инсониятнинг ҳаёти ва тараққиёти учун мана шу икки буюк тамойил ҳамини таянч ва суянч бўлиб келади.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганар эканмиз, ана шу ҳақиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз.

Шубҳа йўқки, «Куч — адолатдадир» деган гоёни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улуғ аждодларимизнинг камол топишида ҳам «ҳидоя» сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.

Шу маънода, бизнинг адолатли жамият барпо этиши йўлида амалга ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илдишларга эга, десак, янглишмаган бўламиз (19).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ф А Р М О Н И

1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида

Буюк давлат арбоби Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз жамоатчилигидан тушаётган кўплаб таклифларни инобатга олиб, унинг давлатчиликни барпо этишдаги, фан, таълим ва маданият тараққиётидаги улкан хиссасини назарда тутиб, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланиши тўғрисидаги қарорига эътиборан халқаро ва республика миқёсида тадбирлар ўтказилаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон фуқароларининг, ёш авлоднинг миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида

1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри
1995 йил 26 декабрь*



Ўзбекистон Республикасининг
«АМИР ТЕМУР»
ордени




«Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотландилар. «Амир Темур» ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирландилар.

«Амир Темур» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

«Амир Темур» орденини таъсис этиш ҳақида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
қабул қилган ва Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.А.КАРИМОВ**
1996 йил 26 апрелда имзолаган
Ўзбекистон Республикаси Қонунидан.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
1996 ЙИЛ 14 МАРТДАГИ «ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН**



Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс этириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан сугорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қ а р о р қ и л а д и :

1. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда ижодий уюшмалар ва кенг жамоатчиликнинг таклифи асосида:

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Темурийлар тарихи Давлат музейи ташкил этилсин;

музей учун махсус бино Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонида барпо этилсин.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Темурийлар тарихи Давлат музейини ташкил этиш
тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.А.КАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ


Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 665 йиллигини нишонлаш, маънавий қадриятларимизни келгуси авлодларга етказишни таъминлаш ҳамда уни кенг тарғиб қилиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи Давлат музейи қошида «Амир Темур жаҳон тарихида» номли илмий-оммабоп китобнинг иккинчи тўла нашрини яратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Фармойишидан. 1998 йил 25 август**












АМИР ТЕМУР
ВА
ТЕМУРИЙЛАР





бўлган Юнон-Бахтар (Грек-Бактрия) подшолиги шаклланди.

Юнон-Бахтар подшолиги юксак ривожланган даврда ҳозирги Ўзбекистон (Хоразм ва Фарғонадан ташқари), Тожикистон, Афғонистон ва Покистон ерларини ўз тасарруфига олган. Маданият нуқтаи назаридан Юнон-Бахтар подшолиги нодир ҳодиса бўлиб, унда юнон ёзуви ва тили тарқалган эди (11).

М.а. II аср ўрталарида Юнон-Бахтар давлати шарқдан келган кўчманчи қабилалар зарбасидан қулади. Бу — қабилалар иттифоқи бўлиб, унга юежилардан ташқари усунлар, тахарлар ва сакарауқлар ҳам кирган (12). Этник жиҳатдан мазкур қабилалар таркибида турк, мўғул тилларида, эроний тилларда сўзлашувчилар билан бирга, эхтимол, финн-угор тиллари вакиллари ҳам бўлган.

Марказий Осиёнинг қадимги тарихида Кангха давлати муҳим ўрин тутди. Бу давлат м.а. II—I асрларда ҳукм сурган бўлиб, Кеш вилоятини ҳам ўз ичига олган. Хитой манбаларида бу давлатнинг номи Кангюй деб аталган. «Авесто»да ва қадимги ҳинд достони «Махобҳорат»да Марказий Осиёда яшаган «қанқа» элати эслатилган. Фирдавсийнинг «Шохнома»сида Турон шоҳи Афросиёбнинг қальъаси Кангдиз тилга олинган. Бу манбаларнинг ҳаммасида у давлат Амударёдан шимолда жойлашганлиги таъкидланган.

Кангюй давлати кушонлар давридан аввал ҳукм сурган. Аммо «канг» «қанг» номи билан Сирдарёнинг қуйи оқимида ўрта

асрларда ҳам мавжуд бўлган. Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол бўйларида кўчманчилик қилган ўғуз, кипчак, қангли қабилаларининг номи ўша қангларга бориб тақалади.

М.а. I аср ўрталарида кушонлар Бахтарзаминда ўз ҳокимиятини ўрнатдилар. Сўнг улар ҳудудларни босиб олишга киришиб, Шимоли-ғарбий Ҳиндистон, Суғд ва Шошни қўшиб олдилар ва Шарқий Туркистонга ўз таъсирларини ўтказдилар (13).

IV—V асрлар оралиғида сосонийлар, хионитлар ва эфталитларнинг зарбаларидан Кушонлар давлати қулади. Лекин бу давлат Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кушонлар даврида Марказий Осиё, Хитой ва

Узоқ Шарқда будда дини ва ҳинд маданиятининг бошқа жиҳатлари тарқалди.

Марказий Осиёда кушонлардан кейин ҳам қабилаларнинг алмашилиши давом этди. 467—470 йиллар орасида бу ерда эфталитлар пайдо бўлдилар ва улар бундан аввал кушонларни енгган хионитларни яқсон қилдилар.

Эфталитлар тез орада қудратли давлат ташкил қилдилар ва VI аср бошларида Шарқий Туркистонни ҳамда Шимолий Ҳиндистонни забт этдилар. Ундан бир оз аввал, V асрнинг охириги ўн йилликларида эфталитлар Эрон сосонийларини бир неча марта оғир мағлубиятга учратдилар ва уларни ҳар йили ўлпон тўлашга мажбур қилдилар (14).

Эфталитлар туркийзабон хуннларнинг қолдиқлари бўлиб (15), ўз ёзувлари бўлганлиги билан Марказий Осиё маданиятида чуқур из қолдирдилар.

VI аср ўрталарида Марказий Осиёнинг ғарбига шарқ томондан туркийлар келди. Улар тез орада эфталитларнинг Марказий Осиёдаги ерларини босиб олиб, ғарбда Қрим яриморолигача етиб бордилар. Шу тариқа Тинч океандан Қора денгизгача бўлган улкан ҳудудда буюк салтанат — Турк хоқонлиги юзага келди (16).

Улар Сосоний Эронининг Шарқий Хуросондаги ерларининг бир қисмини, Хирот атрофларини ва Сеистонни ўз мулкларига қўшиб олдилар (17). Шундан сўнг форслар тилида «Туркистон» («Туркийлар мамлақати») деган янги ном пайдо бўлиб, Эрондан шимолдаги Туркий хоқонликка қарашли ерлар шу ном билан атала бошлади.

VII аср охирига келиб, Туркий хоқонлигининг ҳарбий қудрати сусайди ва 670 йилда у икки қисмга: Ғарбий туркий хоқонлик ва Шарқий туркий хоқонликка ажралди.

Туркий хоқонлик даврида Марказий Осиёнинг деярли ҳамма ерида туркийлашиш жараёни бошланади (18). Бу жараёнда асосан суғдлар, қадимги хоразмликлар ва бахтарлар иштирок этади.

VII асрнинг иккинчи чорагида араб қўшинлари ғарб, шарқ ва шимолга йўл оладилар ва 651 йили Сосоний Эронини босиб оладилар. 651—652 йиллари араб қўшинлари Амударё соҳилига етиб келади (19). Бироқ улар бир неча йилгача дарёдан ўтишга журъат этолмайдилар, ниҳоят 674 йили Ромитан ва Пойкандга юриш қиладилар (20).

Арабларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга қилган илк юришлари асосан талон-

(Подшоҳ) ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи биллиб қилсин. яъни раият подшоҳининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай булгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бировнинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яқин сўзни ҳаммадан эшитиш зарур булса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик ёхуд устун бўлмасликлари керак.

«Темур тузуклари»

сонийлар, хионитлар ва эфталитларнинг зарбаларидан Кушонлар давлати қулади. Лекин бу давлат Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кушонлар даврида Марказий Осиё, Хитой ва



чилик мақсадида бўлган эди. Мовароуннахрни бутунлай босиб олиш учун ҳарбий юришлар 705 йили Қутайба ибн Муслим Хуросон волийси этиб тайинланганидан кейин бошланди.

Қутайба аниқ мақсадни кўзлаб Иккидарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғидаги шаҳар ва қишлоқларни ғарб ва жануб томондан босиб ола бошлайди. Табарийнинг айтишича, 706 йили Пойкандга қилинган юришда араблар қўлига шунча кўп бойлик тушгандики, «бунақа мол Хуросонда ҳеч вақт қўлга киритилмаган эди».

Шундай қилиб, Қутайба Пойкандда қўлга киритган катта бойлик эвазига Суғднинг бошқа ерларини ҳам босиб ола бошлайди.

Мовароуннахрнинг жангари халқи Қутайбанинг ҳар бир юришидан кейин яна кўзғолон кўтарар ва босқинчиларга катта талафот етказар эди. Биргина Бухоронинг ўзига Қутайба бир неча марта юриш қилди.

Қутайба ибн Муслим шиддатли ва қирғинли жанглр натижаси ўларок VIII асрда Мовароуннахр ва Хоразмда араблар ҳукмронлигини ўрнатишга муяссар бўлди. Қутайбанинг кўп йиллик қирғин жанглари Суғд ва Хоразмнинг бой илмий ва маданий мероси учун оғир фалокат бўлди. Қутайба Хоразмда олиб борган жанглр оқибати ҳақида Абу Райхон Беруний шундай ёзган: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди». Беруний «Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг қотибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қуйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлиб қолганликларини» алоҳида таъкидлаб ўтади (21).

Қутайба барча зўравонликлари билан ҳам Хуросон, Суғд, Хоразм ва Фарғона аҳолисининг руҳини синдира олмади. Мамлакатнинг турли тарафларида истилочиларга қарши чиқишлар ва кўзғолонлар бўлиб турди. Шу боис улар Искандар қўллаган тadbир бўйича маҳаллий зодагонларни ишга сола бошладилар. Улардан бири — ал-Маъмуннинг 813 йилда халифалик тахтига ўтиришига сабаб бўлган лашкарбоши Тохир ибн Хусайн 821 йили халифаликнинг шарқий ерлари ноиби этиб тайинланади.

Тохир 822 йилдаёқ халифалик номини жума намозидаги хутбадан чиқаради. Бу эса Бағдоддан ажралиш билан баробар эди. Лекин халифа ал-Маъмун бунга аҳамият бермади. Хуросон ва халифалик шарқидаги бошқа ерлар шу тарика мустақилликка эришди. Шундай бўлса ҳам, анъанага кўра яна анча вақтгача Хуросон ноиби халифа томонидан тасдиқланиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халифалик даврида Мовароуннахр ва Хуросон заминларида дунё фанининг улкан сиймолари: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абул Аббос ал-Жавҳарий, Ибн Турк ал-Хутталиий, Аҳмад ал-Марвазий, Холид ал-Марварудий каби буюк олимлари етишиб чиқдилар.

Сомонийлар сулоласи аввалги Хуросон ва Мовароуннахрда ҳукм суриб, Тоҳирийларга нисбатан мустақилроқ бўлди. Сулола асосчиси Сомонхудо Балх яқинидан келиб чиққан (22). Унинг набиралари Нух, Аҳмад, Яхё ва Илёслар халифа ал-Маъмунга хизмат қилишган. Яхши хизматлари учун улар халифадан иктаъ олганлар: Нухга — Самарқанд, Аҳмадга — Фарғона, Яхёга — Шош ва Илёсга Хирот теккан. Ака-укалар Мовароуннахрда мустақкам ўрнашиб олдилар. Улар орасида шижоатлироқ бўлган Аҳмад аста-секин кучая бориб, биродарларига тегишли ерларда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатди. 864 йили Аҳмад вафот этганидан сўнг ўғли Наср унинг вориси бўлди. Халифа ал-Муътаид 875 йили уни тан олди ва ўлкани бошқариш ҳақида унга ёрлик берди. Унинг укаси Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (892—907) даврида Сомонийлар давлати юксак қудратга эришди ва Ғарбий Эрондан Етгисувгача чўзилган салтанатга айланди.

X асрнинг охириги ўн йиллигида Қашқардан то Исфижобгача (Сайрамгача) бўлган ораликда туркий Қорахонийлар давлати шаклланди. Бу давлат қарлуқ, чигил, арғу ва яғмо каби туркий элатларнинг сиёсий бирикмаси эди.

Туркийларнинг бир қисми ўтроқ ва бир қисми кўчманчи эди. Сусайиб бораётган Сомонийлар давлатининг амирлари Қорахонийлар билан тез-тез чегара тўқнашувлари қилиб турардилар. Илк пайтларда Қорахонийлар Сомонийларга нисбатан мудоффаа сиёсатини олиб борар эдилар. Бироқ Қора-



Амир Темур Марказий Осиё уммиши тараққиётининг барча сиёсий, иқтисодий ва маданий меросини узида гавдалантирди. У X ва XI асрларда фалсафа, тиббиёт, астрономия, география, тарих ва адабиёт соҳаларида араб ва форс тилларида ажойиб асарлар яратилган юрtda ўсиб, улгайган. Ана шу асарлар кейинчалик Европа Уйғониш даврини рағбатлантирди ва кўп асрлар олдиндан Европа фани заҳирасини таъминлади... Амир Темурнинг тарих саҳнасига келиши тасодиф эмас, зеро, у ўз даврининг энг иқтидорли вақили эди.

Хильда Хукхэм



хоний ҳукмдор Сотук Буғрохон 992 йили тўсатдан ҳужум қилиб, сомонийларнинг пойтахти Бухорони забт этди. Лекин бетоблиги туфайли у тез орада Бухорони ташлаб, Самарқандга кетишга мажбур бўлди. У ерда ҳам узок турмай, Қашқарга қайтди ва йўлда вафот этди. Буғрохоннинг ўрнига ўтирган қорахонийларнинг шижоатли хони Наср сомонийларга қарши жиддий ҳаракат олиб борди ва 999 йили Бухорога ғолиб сифатида кириб келди.

1005 йилгача сўнги сомонийлар қорахонийларни Бухородан ҳайдашга уриндилар, лекин шу йили охириги сомоний амир Мунтасир ўлдирилганидан сўнг сомонийлар ҳукмронлиги тугади.

Қорахонийларнинг илк пойтахти Исикқўлдан ғарброкдаги Болосоғун эди, кейин у Ўзгандга кўчди. Лекин Қашқар уларнинг маънавий пойтахти бўлиб қолаверди.

Қорахонийлар давлатининг равнақи XI асрнинг иккинчи ярмига тўғри келди. Ўша даврда туркий ёзув ва адабиётнинг буюк намуналари — Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»и юзага келди.

Шош, Фарғона вилоятлари ва Сурхондарё, Қашқадарё воҳалари аҳолисининг туркийлашиши қорахонийлар даврида асосан тугалланган эди.

Қорахонийлар давлати XI аср охиригача ҳукм сурди. XII аср бошида у аста-секин аввал салжуқийларга, сўнг хоразмшоҳлар ва қорахитойларга тобе бўлиб қолди. Қорахонийлар сулоласи XIII аср бошида хоразмшоҳлар — ануштегинлар томонидан тугатилди.

XI асрнинг 30-йилларида Сирдарёнинг қуйи оқимида қиниқ уруғидан чиққан салжуқ туркийлари тарих саҳнасига келади. Уларнинг аждоди Салжук (вафоти тахминан 922 йил) X аср бошидан ўз уруғи билан бирга исломни қабул қилади ва бошқа кўчманчи ўғуз туркийларидан ажралиб, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жанд шахрида ўтроқлашади.

Салжуқнинг кейинги авлодлари Жанд ябғуси Шоҳ Малик билан чиқишолмайдилар ва уларнинг бир қисми 1018 йили Хоразм орқали Хуросонга ўтиб, Нисо ва Обивард атрофларида жойлашади.

1035 йили Салжуқнинг набиралари Тўғрулбек Мухаммад, Муғрибек Довуд ва уларнинг тоғаси Убай Арислон Пайғу

Жанд ябғуси Шоҳ Малик билан урушиб енгилдилар ва жанубга — Нурота тоғи этакларига чекинишга мажбур бўладилар. Сўнг улар ўн минг ўтов билан Амударёдан ўтиб, Хуросондаги Марв ва Нисо атрофларига жойлашадилар. Бу ерларга келиб, улар Султон Масъуд Ғазнавийдан «сув ва яйлов» талаб қиладилар. Нисо, Фарова ва Дехистон вилоятлари, яъни ҳозирги Туркманистоннинг маркази ва жануби-ғарби уларга берилади (23).

Бирок бу ҳам салжуқларни қаноатлантирмади. Улар ғазнавийлар билан тез-тез бўлиб турадиган тўқнашувларда ғалабага эришиб, янги ерларни қўлга кирита бордилар. 1038 йили юз берган йирик тўқнашувда салжуқлар Нишопурни забт этдилар ва Тўғрулбек ўзини султон деб эълон қилди. Шу тариқа Буюк Салжуқлар салтанатига асос солинди.

1040 йил баҳорида Хуросондаги Данданакон қишлоғи яқинида юз берган жангда салжуқлар Султон Масъуд Ғазнавийнинг лашкарларини тор-мор қилдилар. Ғалабадан сўнг улар ғазнавийларнинг Эрондаги барча ерларини ўз мулкларига айлантирдилар.

Тез орада Тўғрулбек Гургон, Табаристон, Хоразм ва Озарбайжонни забт этади, 1055 йилда эса у Ироқи Арабни Бағдод билан бирга босиб олади. Султон Алп Арислон (1063—1072) Кичик Осиёдаги Малазгирт (Манцикерт) яқинида 1071 йили бўлган жангда Византия подшоҳи Роман IV Диогенни енгиб, унинг ўзини асир олади. Шундан сўнг бутун Кичик Осиё то Эгей ва Ўрта денгиз сохилларигача Салжуқийларга қарам бўлади.

Султон Маликшоҳ (1072—1092) даврида Салжуқийлар салтанати энг юксак қудратга эришади. Бу даврга келиб салтанат худудлари Эгей ва Ўрта денгизлардан то Хитой чегараларигача чўзиларди (24).

Ўша кезларда Салжуқийлар давлати бағрида бошқа бир салтанат — Буюк хоразмшоҳлар — ануштегинлар салтанатининг яратилишига омиллар ҳозирланаётган эди.


1041 йили салжуқийлар ўзларининг ашаддий душмани бўлган Жанд ябғуси Шоҳ Маликка қарши юриш қилиб, уни тор-мор келтирадилар ва Хоразмни босиб оладилар. Шундан бошлаб улар Хоразмга ўз ноибларини тайинлайдилар.

Буюк хоразмшоҳлар — ануштегинларнинг аждоди Ануштегин Фарчоғий ёшлигида Бадғис яқинида Мурғоб дарёси бўйлаб чўзилган тоғли ўлка Фарчистонда туркий-

Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди.

«Темур тузуклари»

Гўри Амир мақбараси.
Самарқанд.






Гўри Амир мақбараси.
Умумий кўриниши.
Самарқанд.




Гўри Амир мақбараси.
Кириш пештоқи.
Самарқанд. →


Гўри Амир мақбараси.
Меъморий безакнинг
бир қисми. → →




Гўри Амир мақбараси. Ички кўриниши.



Гўри Амир мақбараси. Ички кўриниши.



Гўри Амир мақбараси деворидаги безакнинг бир қисми.




Гўри Амир мақбараси. Ички қисмининг безатилиши.

Амир Темур Жоме масжиди.
Самарқанд.





Шоҳи Зинданинг икки
гумбазли мажмуаси.
Чортоқдан кўриниши.
Самарқанд.




Қутлуғ оқа мақбараси. XIV аср.



Уста Олим Насафий мақбараси. XIV аср.



Амирзода мақбараси. XIV аср.



3-сонли Чортоқ.

лардан бўлган ғулом (мамлук) эди. Ҳаша даврда бир салжук амирига хизмат қиларди. Яхши хизмати туфайли султон мулозимлари қаторига қўшилади ва Султон Маликшоҳнинг ишончли кишиларидан бўлиб қолади. 1077 йили султон унга Хоразмга мутасаррифлик мансабини ва Хоразм шихнаси деган унвонни беради. Шу тариқа Ануштегин Хоразм билан боғланади. 1097 йили Ануштегин вафот этади. Султон Барқерук (1094–1104) унинг ўғли Кутбуддин Муҳаммадни Хоразмга волий этиб тайинлаб, унга Хоразмшоҳ лақабини берди (25).

Хоразм ҳокимлари қадимдан хоразмшоҳ деб аталарди. Лекин Ануштегинларгача бўлган барча хоразмшоҳлар сулолаларининг давлат чегаралари Хоразмдан ташқарига чиқмас эди. Ануштегинлар сулоласи эса нафақат Хоразм, балки ўттизга яқин мусулмон давлатларини ўз мулкларига қўшди. Шунинг учун Ануштегинлар сулоласи Буюк Хоразмшоҳлар дейилади.

Хоразмшоҳ Кутбуддин Муҳаммад Султон Санжарга тобе эди ва то вафотигача (1127 йил) унга содиқ қолди. Унинг ўғли Отсиз (1127–1156) ҳам аввалига Султон Санжарга садоқат билан хизмат қилди. Бироқ кейинчалик бир неча марта султон қўшинларига қарши чиқди. Аввалига Санжар бу чиқишларни бостириб турди. Кейинчалик ташқи шароит уни Хоразмшоҳнинг қилмишларига аҳамият бермасликка

мажбур қилди. Отсиз эса бундан дархол фойдаланиб, ўз мулкни Хуросонгача бўлган ерлар ҳисобига кенгайтирди.

Кейинги хоразмшоҳлар Эл Арислон (1156–1172) ва Алоуддин Такаш мустақиллик сиёсатини давом эттирдилар. Султон Такаш 1194 йил июнида бўлган жангда энг сўнгги салжук султони Тўғрул III ни ўлдириб, Эроннинг талай қисмини ўз давлати таркибига қўшиб, унинг тўлақонли ҳукмдори бўлиб қолди.

Такашнинг ўғли Алоуддин Муҳаммад (1200–1220) даврида Буюк Хоразмшоҳлар – Ануштегинлар давлати юқори чўққига кўтарилди. Унинг ерлари Ироқ ва Шарқий Онадўлидан Хитой ва Ҳиндистонгача, Орол денгизи ва Дашти Қипчоқдан Ҳинд океанигача чўзилган эди. Уммонда ҳам Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг номи билан хутба ўқиларди (26).

Салтанатда кўпсонли шаҳарлар, ўнлаб мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар ва қарвонсаройлар барпо этилганди.

Хуллас, Иккидарё оралиғининг қарийб уч минг йиллик узоқ ва бой ўтмиши нечача буюк салтанатлар тарихи, уларнинг иқтисодий, маданий юксалиши ва инқирози билан билан тўлиб-тошган. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу қўҳна замин хусусан илм ва маданият соҳасида шу қадар юксак ютуқларга эришганки, ҳозирги замон тараққиётини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Туркистон мўғул истибдоди даврида

Хоразмшоҳ Такаш Дашти Қипчоққа қилган юришларидан бирида (1180 йил атрофида) Қипчоқ хони Жонқиши билан иттифоқ тузади. Иттифоқ шартига кўра, Такаш хоннинг қизи Туркон хотунга уйланади. Баёт (ёки қанғели) урувидан бўлган Туркон хотун ўз қабила-уруғларини ва бошқа қипчоқ қабилаларининг кўплаб вакилларини ўзи билан бирга Хоразмга олиб келди. Туркон хотун табиатан ўта давлатпараст бўлиб, ўз уруғларини қаттиқ қўллар ва ўзи ҳам уларнинг қўллашига таянар эди.

Хоразмшоҳ Султон Алоуддин Муҳаммад давлат раҳбари ҳисобланса ҳам, аслида у онаси Туркон хотуннинг иродасига тўла бўйсунар эди. Туркон хотун эса ички ва ташқи сиёсат масалаларида иккинчи давлат раҳбари бўлиб, баъзи масалаларда ўғлига хатто қаршилиқ ҳам қиларди.

Туркон хотун мудом хоразмшоҳлар пойтахти Гурганчда бўлиб, ўз қаср ва мулкига эга эди ва бу мулк муттасил кенгайиб борарди. Чунки хоразмшоҳ бирон худудни забт этса ёки ўз давлатига қўшиб олса, онасига ва унинг яқинларига албатта энг яхши жойларни ажратиб берарди.

Туркон хотун султон устидан ҳукм юритиш билан бирга давлатнинг маблағи, молини бемалол харажат қила олар, олий амирлар ва мансабдорларга буйруқ бера оларди.

Бундай ҳолат мамлакатда осойишталикни сақлаб туришга имкон бермади. Давлат пойдеворини путурдан кетказадиган омиллардан яна бири шу эдики, Туркон хотун ва Хоразмшоҳ Гурганчда асирликда турган, Хоразмшоҳ томонидан

Амударёнинг нариги томонидаги мамлакат унинг ватани эди, у ўз юришларидан қайтгач, ҳар гал шу ерга келарди. Бутун ҳаётининг мазмуни мусулмон оламини бўйсундиришдан иборат булган.

Тилман Нагель



забт этилган мамлакат ва ўлкаларнинг ҳокимларини бирин-кетин йўқ қилиб турдилар.

Мўғул истилоси хавфи туғилган пайтда мамлакатда ички низо ва жанжаллар кучайиб, шоҳ билан саркардалар ва Туркон хотун ўртасидаги зиддият янада авж олди. Юзага келган вазият Хоразмшоҳнинг сиёсий ва ҳарбий муаммоларни ҳал этишда, айниқса, мамлакат мудофаасини ташкил этиш масалаларида бутунлай ожиз эканлигини кўрсатди.

Қашқар ва Хўтанни қўлга киритган мўғуллар Хоразмшоҳ Муҳаммад давлатининг чегараларига бақамти келди. Лекин Хоразмшоҳ одамларининг мўғуллар билан муносабати 1215 йилдаёқ, у Ироқи Ажамни забт этганидан кейин бошланган эди. Хоразмшоҳ Чингизхон Хитойни босиб олганини эшитганидан сўнг, бу хабарнинг рост эканлигини аниқлаш учун Хитойга Саййид Баҳоуддин ар-Розий бошчилигида элчиларни юборган.

Чингизхон элчиларни 1215 йил июнида қабул қилиб, юзаки иззат-эътибор ва хушмуомалалик изҳор этди. У Хоразмшоҳ хузурига ўз элчиларини 500 туялик қарвон ва Хоразмшоҳ Муҳаммадга аталган бой ҳадялар билан юборди.

Кўп ўтмай, Чингизхоннинг яна бир гуруҳ элчилари Хоразмга келиб, Хоразмшоҳга бой ҳадялар тақдим қилди. Элчилар Махмуд ал-Хоразмий, Али Хожа ал-Бухорий ва Юсуф Қанқа ал-Ўтрорий Хоразмшоҳга ҳадялар билан бирга Чингизхоннинг шахсий мактубини ҳам топширдилар. Мактубда жумладан: «Сен менга худди ўғлимдексан», деган сўзлар ҳам бор эди (1).

Ўз даврининг жуда ўқимишли одамларидан бири бўлган Хоразмшоҳ Чингизхоннинг мактубидаги бу сўзлар Хитой дипломатияси тилида «Сен менинг тобеимсан» маъносини аниқлаганини фаҳмлаб, ғазабга келди.

Махмуд ал-Хоразмий бошчилигидаги элчилар Пекинга қайтиб келганидан сўнг Чингизхон Хоразмга яна бир савдогар элчилар қарвонини жиҳозлаб юборди, унда 450 нафар мусулмон савдогар бўлиб, қарвонга элчи Ухуна бошчилик қиларди.

Шу элчиликлар вақтида 1218 йил охирида Хоразмшоҳ аскарларининг мўғуллар билан биринчи тўқнашуви юз берди. Бу пайтда мўғул ҳарбий бирлашмалари Дашти Қипчоққа қочган меркит

қабиласини таъқиб қилиб, Хоразмшоҳ мулкига чегарадош ерларда ҳарбий ҳаракатлар олиб борарди.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг 60 минг кишилик лашкари билан Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи бошчилик қилаётган мўғул кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган уч кунлик жангда хоразмийлардан 20 минг аскар, мўғуллардан эса бундан анча кам аскар ҳалок бўлди.

Жангнинг тўртинчи куни Жўжи ўз кўшинларини олиб кетди. Мазкур жангда Хоразмшоҳнинг катта ўғли Жалолиддин Манқбурни (Мангуберди) илк бор ўз ҳарбий маҳоратини ва жасоратини намойиш қилди. Ўша кезлар Чингизхон томонидан юборилган Ухуна бошчилигидаги қарвон Ўтрорга етиб келди. Барча савдогарлар Ўтрордаги ноиб, Хоразмшоҳнинг холаваччаси Ғайрхон Инал томонидан жосус сифатида тутуққа олинди (2). Ғайрхон Хоразмшоҳни воқеадан хабардор қилди. Хоразмшоҳ Муҳаммад элчиларни асир олишни буюрди. Бироқ Ғайрхон барча савдогарларни ўлдириб, бутун молларини эгаллаб олди.

Бу хабар Чингизхонга етганида у тўтқмасдан, Ибн Қафраж Бўғрани икки мўғул билан бирга Хоразмшоҳ хузурига элчи қилиб юборди ва Ғайрхон Иналнинг уларга топширилишини талаб қилди. Бироқ Хоразмшоҳ Ибн Қафраж Бўғрани ва унинг ҳамроҳларини қатл эттирди.

Ўз элчиси Ибн Қафраж ҳам ўлдирилганини эшитганидан сўнг Чингизхон ғарбга юришга қарор қилди.

Аммо Чингизхоннинг мусулмон мамлакатларига юришининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд эди.

Маълумки, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг отаси Алоуддин Такаш Бағдодни ўзига бўйсундиришга интилган эди (3). Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳам бу борада икки марта дипломатик ҳаракат қилди ва бир марта 1217 йили Бағдодга муваффақиятсиз юриш уюштирди (4). Бу воқеалар ҳаммаси хоразмшоҳлардан халифанинг эътимодини қайтарди ва улар орасидаги муносабат душманликка айланди. Шунинг учун халифа фурсат қулай келганида қандайдир қудратли душманни хоразмшоҳларга қарши қўйишга ҳаракат қилар эди.

Ўрта асрнинг кўпгина муаллифлари халифа ан-Носир Чингизхонга мактуб йўллаб, уни Хоразмшоҳга қарши ҳужум қилишга ундаган ва ҳатто унга Хоразмшоҳнинг мамлақати ва лашкари ҳақида жосуслик маълумотларини юбориб турган, деган фикрни билдирганлар (5).

Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва jisмоний зарарларни исботлаганидан кейин, уни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

«Темур тузуклари»



Яна бир сабаб шуки, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад хаддан ташқари ўзига бино қўйган бўлиб, ўзини ягона ҳоким деб биларди ва забт қилган ерларида маҳаллий ҳокимларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига ўз қариндошларидан ноиблар қўярди. Аксарият ҳолларда улар бедодлик қилишарди.

Шунинг учун мўғуллар бостириб келганида маҳаллий аҳоли бирор марта ҳам хоразмликлар тарафини олмади. Хоразмшоҳ хизматида бўлган кўплаб қорахитойлар, хуросонликлар, дайламликлар ва бошқа хоразмлик бўлмаганлар ҳам дарҳол мўғуллар тарафига ўтиб кетдилар.

Чингизхон ва унинг лашкарбошилари бу вазиятдан мохирлик билан фойдаландилар.

Шундай хавотирли бир пайтда Хоразмшоҳнинг ўз амирлари ва лашкарбошиларига ишонмаганлиги унинг аҳолини янада огирлаштирди.

Мўғул истилоси арафасида Хоразмшоҳ харбий кенгаш қақирди. Бирок, ўз саркардалари, хусусан давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивакӣй ва ўғли Манкбурнининг 400 минг кишилик лашкарини Сирдарё бўйига жамлаб, мўғулларга қарши жанг уюштириш бўйича таклифини қабул қилмай, Мовароуннахрни мудофаа қилиш керак ва ҳар бир шаҳарни мўғуллар билан жанг қилишлари учун ўз ҳолларига қўйиш керак, деган қарорга келди. Бунда Хоразмшоҳ учта машъум хатога йўл қўйди: биринчиси — душман босқини арафасида у 1219 йилнинг 16 марти — 1220 йилнинг 7 марти учун уч баробар хирож солигини тўплашни буюрди. Маблағнинг бир қисмини Самарқанд атрофини қалъа девори билан ўрашга сарфлашга мўлжаллаган эди. Бирок Хоразмшоҳ мудофаа деворини қуриб улгурмай, мўғуллар келиб қолдилар.

Иккинчи хатоси — кўнгилли аскар тўплашдан иборат эди. Хирожнинг бир қисмини шуларга сарфлаш мўлжалланган эди. Бирок кўнгиллилар йўлда эканликларида душман жосуслари Хоразмшоҳ қочди, деган овоза тарқатди ва кўнгиллиларнинг कराги бўлмай қолди.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг учинчи ва энг машъум хатоси — у ўз лашкарини Мовароуннахр ва Туркистон шаҳарларининг мудофааси учун бўлиб ташлади. Натижада, ҳар бир шаҳар-қўрғон олдида мўғуллар сон жиҳатидан ортиқ бўлиб, уларни осонлик билан босиб олдилар.

1219 йил сентябрида мўғуллар Ўтрорни қамал қилдилар. Шаҳарни Ғайрихон Инал 60 минг кишилик аскар билан мудофаа

қиларди. Чингизхон шаҳарнинг яхши истеҳкомланганлигини кўриб, қамал узокқа чўзилишини англади ва бу ерда ўғиллари Чигатой ҳамда Ўқдайни қолдириб, лашкарининг асосий кучини уч қисмга бўлди: биринчисини — катта ўғли Жўжи қўл остида шимолга, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жанд ва Барчинлиғкентни босиб олиш учун юборди; иккинчисини — Улақ нўйон ва Сукету Черби қўл остида жанубга Банокат ва Хўжандни босиб олишга юборди; ўзи эса кичик ўғли Тўлуй, Жаба нўйон ва Субутой билан бирга Мовароуннахрга бостириб кириб, Самарқанд ва Бухоро тарафга юзланди.

Мўғуллар Ўтрорни олти ойдан сўнг қўрғон лашкарбошиларида бирининг сотқинлиги натижасида қўлга киритдилар. Мудофаачилар қирғин қилинди, мўғуллар ҳам кўп талафот кўрди. Каттик қаршилик кўрсатган Ғайрихон Инал азоблаб ўлдирилди.

1220 йил феввалида Ўтрорни қўлга киритган мўғуллар қалъани вайрон қилиб, тирик қолган аҳолини, хоразмшоҳнинг бошқа шаҳарларини олишда фойдаланиш учун, ўзлари билан олиб кетишди.

Сирдарёнинг қуйи оқимида Жўжи бошчилигида юборилган аскарлар бир ҳафталик жангдан сўнг аввал Сигноқ шаҳрини, кейин қиска ҳужум натижасида Ўзганд, Барчинлиғкент ва Ашнас шаҳарларини олдилар.

Кейинроқ Жўжи Жанд, Шаҳрикант ва Ёркент шаҳарлари тарафга юзланди. Жанд шаҳри 1219 йил 21 апрелида жангсиз олинди.

Улақ нўйон, Сукету Черби ва Тўқай бошчилигида жанубга йўл олган мўғул аскарлари Банокат шаҳрига яқинлашиб келдилар, уни Илатғу Малик бошчилигида қанғли туркийлари мудофаа қиларди. Уч кунлик қаршиликдан сўнг шаҳар мўғулларга таслим бўлди.

Шундан кейин мўғул аскарларининг 20 минг кишилик жануб гуруҳи Хўжанд тарафга йўналди.

Хўжанд мудофаасини Алоуддин Муҳаммаднинг қариндоши, хоразмшоҳлар давлатининг энг қахрамон ва буюк лашкарбошиларидан бири Темур Малик бошқарарди. Мўғулларнинг 70 минг кишилик лашкарига қаршилик кўрсатишнинг фойдасизлиги-



«Узун эркли кишилар» (яъни мўғулларнинг энг яхши авлодлари 1259—1304 йиллардаги ўзаро урушларда ҳалок бўлдилар, омон қолганлари эса чўл кишилари — саҳроийларга айландилар. Улар юксак мусулмон маданиятидан ҳузурланшидек қадимий анъанани афзал билиб, уни бойитишди ва бунда уларга «қолоқ» ва «ёввойи» туюлган ўз хешлари билан курашда ўзларини қурбон қилишди. Айнан ушбу бегоналашув мўғулларнинг аجدодларига туркийлар ва тожиклар билан бирлашиш имкониятини берди... Юксак элнинг тикланиши рўй берди ва темирчиларнинг бой маданияти Марказий Осиёда XVI асргача, Ҳиндистонда эса XVIII асрга қадар яшаб келди.

Л. Н. Гумилёв



ни англаган Темур Малик минг кишилик аскарни билан Сирдарё ўртасидаги бир оролда мустақамланиб олди. Оролдаги қалъага мўғулларнинг ўқ ва манжаниқ тошлари етмас эди.

Мўғуллар қандай қилиб бўлса ҳам оролни олишга интилиб, оролни бир томонидан сув оқимини харсанглар билан тўсишга уриндилар.

Узоқ муддат қаршилик кўрсатишга имконияти бўлмаган Темур Малик одамлари ва отларини 70 қайикка жойлаштирди, қурол ва озиқ-овқат олиб, кечаси дарё оқими бўйлаб сузиб кетди. Мўғуллар бу довуракларни дарёнинг иккала қирғоғидан таъкиб қила бошладилар.

Темур Малик Барчинликентга яқинлашганида, мўғуллар қайиқлардан кўприк ясаб, Темур Малик қайиқларининг йўлини тўсдилар.

Шунда Темур Малик бу хавфли тўсиққа яқин сузиб келмай, ўз аскарлари билан қирғоққа чиқди. У душман томонидан таъкиб этилиб, бир неча кун давомида ҳужумни даф қилиб борди. Ниҳоят, уч душманга қарши унинг бир ўзи қолди. Улардан бирини Темур Малик ўқ отиб ўлдирди. Қолган икки мўғул кўриб, қочди. Шу тариқа Темур Малик омон-эсон Гурганчга етиб олиб, шаҳар мудофаачиларига қўшилди (6).

Бу пайт мўғулларнинг асосий кучлари Чингизхон бошчилигида Бухоро тарафга кетди. Йўлда Зарнуқ ва Нур шаҳарчалари жангсиз эгалланиб, уларнинг ёш йигитлари камал ишларига олиб кетилди.

1220 йил 7 февралда мўғуллар Бухорони қамал қилдилар. Шаҳар мудофааси учун Хоразмшоҳ Муҳаммад амир Ихтиёрдин Кушлу ва ҳожиб Ўғул Инончхон бошчилигида 30 минг аскар ажратган эди (7). Бухоро шаҳри ташқарисидаги жанг уч кеча-кундуз давом этди. Амир Кушлу ва бошқа лашкарбошилар жангни қиздириб, душманни шундай сиқувга олдиларки, мўғуллар чекинишга мажбур бўлдилар, баъзилари қочдилар.

Лекин Хоразмшоҳ амирлари бу ғалабадан фойдалана билмадилар ва ҳужумни давом эттириш ўрнига, душман сафини ёриб ўтиб, ҳаммалари ҳар тарафга тарқалиб кетдилар. Кейин мўғуллар тарқалиб кетган аскарларнинг амир Кушлудан бошқа барчасини кириб ташлади.

Шаҳарни ҳимоя қилиши керак бўлган аскарлар шармандаларча қочганлигини кўрган Бухоро аҳли ўзини душманга топшириб, ундан шафқат тилади. Қози Бадриддин бошчилигидаги шаҳар вакиллари

Чингизхонга пешвоз чиқдилар. Мўғуллар 1220 йил 10 февралда шаҳарга кирдилар. Лекин шаҳарликлар ва аскарларнинг бир қисми қалъа ичига бекиниб, 12 кун давомида қаршилик кўрсатдилар.

Чингизхоннинг буйруғи билан аҳолига ваҳшиёна жазо берилди ва имом Рукниддин Имомзода, унинг ўғли қози Садриддин ва Бухоронинг бошқа уламолари қатл қилинди.

Кейин Чингизхон лашкари Самарқанд ҳужумига шайланди. Шаҳар ўрдусида 110 минг аскар бўлиб, шундан 60 минг туркийлар, ғурийлар, халажлар ва хуросонликлар эди. Хоразмийлар аскарни 50 минг кишини ташкил қиларди. Ундан ташқари Самарқандда 20 та жанговар фил бор эди.

Аmmo самарқандликлар аскарлардан ҳам, филлардан ҳам тўла фойдалана билмадилар. Маккор душман бир хийла ишлаб, лаёқатсиз амирларни лақиллатди.

Самарқанд 1220 йил 17 мартада мўғуллар томонидан забт этилди.

Шундай қилиб, қудратли Хоразмшоҳлар салтанати юз кундан ортиқроқ муддатда қулатилди. Лекин мўғуллар тўла ғалабага эришиши учун Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммадни асир олиши ва мамлакат пойтахти Гурганчни забт этиши керак эди.

Чингизхон биринчи масалани ҳал қилиш учун Жаба нўйон ва Субутой бошчилигида сараланган 20 минг аскарни жиҳозлаб, уларга Хоразмшоҳни кечаю кундуз таъкиб қилиб, Алоуддин Муҳаммадни тириклайин тутиб келтиришни буюрди.

Мўғуллар Ўтрорни олганидан сўнг кўнглида ўрнашиб қолган кўрқув туфайли бир жойда туролмайдиган бўлиб қолган, безовталаниб бир жойдан иккинчи жойга кўчаверган Хоразмшоҳ касал бўлиб қолди. У онасининг сиқуви билан Қутбуддин Ўзликшоҳни валиахд (тожу тахт меросхўри) этиб тайинлаган эди. Ўлимидан олдин Хоразмшоҳ катта ўғли Жалолиддинни бошқа икки ўғли — Ўзликшоҳ ва Оқшоҳ гувоҳлигида валиахд этиб тайинлади.

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад 1220 йил декабрида Каспий денгизидаги Ашур Ода оролида вафот этди ва ўша ерга кўмилди.

Чингизхон Гурганчни олишга киришиб, лашкар юборади.

Туркон хотун хоҳласа, шаҳарни ҳимоя қила оларди, бироқ чўчиб, Хоразмшоҳ хотинларию кичик болаларини, хазинаю барча қимматбаҳо буюмларни олиб, тутқунликдаги 26 султон ва ҳокимлар, уларнинг





болаларини ўлдиришни буюриб, шаҳарни тарк этди.

Туркон хотун Мозандарондаги Илал калъасига келиб тушди. Кўп ўтмай, қалъага мўғуллар яқинлашиб келдилар ва уни тўрт ой қамалдан сўнг олдилар. Малика Хоразмшоҳнинг бутун ҳарам ва болалари билан бирга асир тушди. Туркон хотун 1233 йили хору зорликда вафот этди.

Туркон хотун томонидан тарк этилган Гурганч муайян муддат хаяжон ва хадикда ҳаёт кечирди. Али Кўхий Даруғон деган бир каллоб ҳокимиятни қўлга олди. Шаҳарда бузғунчилик ва тартибсизликлар авж олди, ғалаён, талон-торож ва қирғин бошланди.

Давлат девонининг амалдорлари мушриф (бошқарувчи) Имомиддин ва Шарофуддин Кўппак шаҳарга қайтиб келиб, ўлган Хоразмшоҳ номидан ўз номларига сохта ваколатнома битиб, шу йўл билан Али Кўхий Даруғонни четлатдилар ва шаҳар девонининг даромадларини ўз қўлларига олиб, тартиб ўрнатдилар.

Бу орада Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин укалари Ўзлийшоҳ ва Оқшоҳ билан бирга шаҳарга кириб келди. Шаҳар аҳолиси Жалолиддин тарафида бўлса ҳам, Ўзлийшоҳнинг тарафдорлари Жалолиддиннинг тахтга ворислик ҳуқуқини тан олмадилар.

Туркон хотуннинг қариндошларидан иборат амирлар янги Хоразмшоҳга бўйсунмадилар ва Туркон хотуннинг укаси Хумор Тегинни султон деб эълон қилдилар. Хумор Тегин ва унинг амирлари қўл остида 90 минг кишилик қўшин бор эди. Улар Хоразмшоҳ Жалолиддинга қарши фитна уюштирдилар. Лекин бу ҳақда огоҳлантирилган Хоразмшоҳ Темур Малик бошчилигидаги содиқ уч юз аскар билан шаҳарни ташлаб кетди. Уч кундан сўнг, мўғуллар келаётганини эшитиб, Ўзлийшоҳ билан Оқшоҳ ҳам шаҳарни тарк этдилар.

Мўғуллар Гурганчга яқинлашиб келиб, шаҳар қамалига ҳозирлик кўра бошладилар. Тез орада Чигатой ва Ўқдай бошлиқ мўғулларнинг 100 мингдан зиёд кишилик асосий кучлари етиб келди.

Мўғуллар Гурганч қамалига ўша даврнинг энг замонавий қамал техникасини ишга солдилар. Лекин шаҳарликларнинг сабот, қатъият ва мардлик билан мудофаа қилишлари шаҳарни олишга имкон бермади.

Шунда мўғуллар Самарқандни эгаллашда қўллаган тактикани ишга солишди. Улар қўшиннинг бир қисмини пистирмада

қолдириб, киши кўзига қамални бўшатаётгандай иш тутишди, оз куч билан хужум қилиб туришди. Таассуфки, айрим амирлар бу тузоққа илиниб, гўёки чекинаётган мўғулларни таъқиб этиш учун кўплаб отлик ва пиёда жангчиларни шаҳардан чиқара бошладилар. Душман эса пистирмадан чиқиб, гурганчликларни қуршаб олиб, қира бошлади. Шаҳарлик жангчиларнинг айримларигина қуршовдан чиқиб, Хуросонга қараб кетишга муваффақ бўлди.

Мўғуллар биринчи кун чекина бошлаган шаҳарликларни қувиб, бир дарвозадан шаҳарга кирди, бироқ жангчилар ва шаҳарликлар уларга шундай қаршилик кўрсатишдики, душман қочиб чиқишга мажбур бўлди.

Кейинги кун мўғуллар шаҳарга ёриб киришга яна уриниб кўришди, аммо мудофаадаги жангчилар уларни яна қувиб чиқарди.

Мўғуллар шаҳарни олишнинг уддасидан чиқолмай, қамални давом эттиришди. Нафақат мўғул саркардалари, балки Чигатой ва Ўқдай ҳам мудофеълар олдида чорасиз қолишди. Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи етиб келгачгина уларнинг иши олға босди.

Жўжи мусулмон оламининг гўзал шаҳри бўлмиш Хоразмшоҳлар пойтахтини зиён етказмай қўлга киритмоқчи бўлганди, чунки отаси унга бутун Мовароуннахрни улус қилиб беришни ваъда қилганди. Шу боис Жўжи таслим бўлишни талаб қилиб шаҳарга ўз одамларини йўллади. Чигатой эса бунга кўнмай, Гурганчни вайрон этиш тарафдори бўлди.

Шаҳар қамали давом этарди. Мўғуллар шаҳарликларга таслим бўлишни яна бир бор таклиф қилишди. Жангчилар ва Гурганч аҳолиси таслим бўлиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифларни қатъият билан рад этиб, душманнинг қаттиқ сиқувини қайтариб, мудофаани давом эттиришди. Мўғуллар эса чоҳларни тўлдириб, шаҳар деворига яқинлашиб келишди. Амударёдаги тўғонни бузиб, Гурганчни сувга бостирмоққа уриниб кўришди, лекин мудофеълар душманнинг уч минг кишилик лашкарини тор-мор келтиришди.

Мўғуллар шаҳарни етти ой давомида самарасиз қамал қилиб туришди. Шаҳарликларнинг қатъияти ва матонати, шунингдек Чингизхон ўғиллари орасидаги биринчилик учун кураш мўғулларга шаҳарни эгаллаш имконини бермади. Бундай вазият Чингизхонни бутун қўшинни кичик ўғли Ўқдай қўлига беришга мажбур этди. Шун-





дан сўнггина мўғуллар Гурганчга уюшқоқлик билан ҳужум қила бошладилар, натижада уларни тўхтатиб туришнинг имкони қолмади. Хумор Тегин ва унинг аъёнлари шаҳар дарвозаларини очиб, мўғуллардан шафқат сўраб таслим бўлишга мажбур бўлишди. Бироқ шаҳарликлар қаршилик кўрсатишни қатъият билан давом эттиришди. Мўғуллар шаҳарга киргач, химоячиларга қарши етти кун кўча жанглари олиб боришди, ҳужум билан қўлга олинган ҳар бир уй, ҳар бир бинони қорамой сепиб ёндиришди. Мўғуллар маҳалла кетидан маҳаллани олиб шаҳарни эгаллай бошлашди. Душман бир маҳаллани қўлга киритса, мудофаачилар бошқа маҳаллага ўтишарди.

Мўғуллар аввал ҳеч қаерда бу қадар қаршиликка дуч келмаганликлари ҳамда Гурганчда кўп талафот кўрганликлари боис кутуриб талаб қилишарди. Ниҳоят, шаҳарнинг сўнгги маҳалласи ҳам уларнинг қўлига ўтди. Шунда мўғуллар бутун аҳолини шаҳардан олиб чиқиб, 100 минг хунармандни ажратиб олиб, Мўғулистонга жўнатишди. Сўнг барча эркаклар ва болаларни қиличдан ўтказишди. 50 минг мўғул жангчисининг ҳар бирига 24 қатл қилинган гурганчлик тўғри келди. Ҳалок этилганларнинг умумий сони 1 миллион 200 минг кишини ташкил қиларди. Шундан сўнг мўғуллар махсус сувга бостирилиб, балчиққа айлантирилган майдонга барча асира аёлларни олиб чиқиб, қип-яланғоч ечинтириб, икки гуруҳга ажратишди-да, муштлашишга мажбур этишди. Улар Гурганч аёллари эрлари билан елкама-елка туриб мардонатор жанг қилганликларини таъна қилишди. Бу шармандали ишдан сўнг тирик қолган аёлларни қиличдан ўтказишди. Жами камида 400 минг аёл қатл қилинди.

Етти ойлик қамал пайтида ҳамда шиддатли кўча жангларида камида 200 минг шаҳарлик ҳалок бўлди, зеро шаҳар қалъасидаги жангнинг ўзида 90 минг нафар жангчидан биронтаси тирик қолмади. Аёлларни ҳисобга олмаганда, жами ҳалок бўлганлар ҳамда Мўғулистонга зўрлаб олиб кетилган қосиб-хунармандлар 1 миллион 600 минг кишидан кам эмасди. Бинобарин, Гурганч аҳолисининг умумий сони камида 2 миллион кишидан иборат бўлган экан. Мўғуллар келгунича шаҳарни тарк этганлар бунга қирмайди.

Шундан сўнг мўғуллар шаҳарни вайрон қила бошладилар. Амударё устига қурилган тўғон бузилди, шаҳар Амударё суви остида қолди. Бебаҳо меъморий ва маданий ёдгорликлар, қимматли қўлёзмалар, шу

жумладан ягона нусхадаги ўзига хос асарлар сақланган кутубхоналар йўқ қилинди. Гурганч чуғзу зоғ ошиёнига айланди.

Гурганч таслим бўлиши билан Моваруннаҳр ва Туркистондаги ҳарбий ҳаракатлар поёнига етиб, мамлакатнинг Хуросон ва Эрондаги ерларига кўчди. Мўғуллар йўлидаги Хуросоннинг энг йирик шаҳри Нисо эди. Мўғуллар 15 кунлик қамалдан сўнг шаҳарни эгалладилар. Мўғуллар аҳолини шаҳардан ташқарига олиб чиқиб, 70 минг кишини қилич дамидан ўтказишди. Хоразм давлатининг таниқли давлат арбоби Шаҳобиддин ал-Хивакий ҳам шу ерда тутиб қатл қилинди. Хуросондаги Хабушон вилоятининг Вашта қишлоғида мўғуллар Ўзлийшоҳ ва Окшоҳга етиб олдилар. Аввалига шаҳзодалар мўғулларнинг таъқиб гуруҳини тор-мор қилдилар. Кейин улар қуршаб олиниб, чоғиб ташланди. Хоразмшоҳнинг учинчи ўғли Рукниддин Гурсанчти мўғуллардан қочиб, Устунаванд қалъасига яширинди. Олти ой қаршилик кўрсатганидан сўнг қалъа таслим бўлди. Рукниддинни Тоймас нўйон ҳузурига келтирдилар, у шаҳзодадан тиз чўкишни талаб қилди. Рад жавобини олгач Рукниддин Гурсанчтини азоблаб қатл қилдирди.

1221 йилнинг эрта баҳорида мўғуллар Марвни қамал қила бошладилар. Мўғулларнинг бошқа шаҳарлардаги шафқатсизликларидан хабардор бўлган Марв аҳолиси 1221 йил 5 февралда ўзини қолибнинг шафқатига топширди. Бу ерда ҳам, мўғуллар одатларига кўра, аҳолини шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, қосиб-хунармандларни ҳамда хушрўй аёлларни танлаб ажратиб олдилар, қолганларни икки кун давомида қатл қилдилар. Биринчи куннинг ўзидаёқ 700 минг эркак қиличдан ўтказилди. Мурдаларни ҳисоблашганда 1 миллион 300 мингдан ошиб кетди. Бу саноққа қирмаганлар ҳам бор эди.

1221 йилнинг ёзи ва кузи давомида мўғуллар Балх, Термиз, Завзон, Андхуд, Нишопур, Тус, Хиротни ва Хуросоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқларини эгалладилар.

Шу тариқа ўрта асрларнинг энг йирик давлатларидан бири бўлган Хоразмшоҳлар давлати нисбатан қисқа муддат ичида тор-мор этилди.

Шундай даҳшат ва парокандалик шароитида биргина Жалололдин совуққонлигу мулоҳазаларнинг қатъийлигини сақлаб қолди. 1220 йил охирида у сафдоши Темур Малик ва 300 отлик билан Гурганчни ташлаб, Нисо тарафига йўл олганди. Бу шаҳар

яқинида уларни 700 отлиқ мўғул кутиб турарди. Жалололидин дарҳол улар билан жанг бошлади ва мўғулларнинг деярли ҳаммасини қириб ташлади, бир неча кишигина қочиб қутулди. Бу хоразмликларнинг мўғуллар устидан эришган биринчи ғалабаси эди.

Сўнг Жалололидин лашкар тўплаб, мўғулларга ҳал этувчи зарба беришга қарор қилиб, Нишопур тарафига йўл олди. Шу мақсадда у 1221 йил февралда турли томонларга чопар юбориб, лашкар ва аслаҳа тўплашни буюрди. Мўғуллар Жалололидиннинг лашкар тўплашни охирига етказишига имкон бермагач, зудлик билан Ғазна тарафга йўл олди. Қандаҳор яқинида отасининг амакиваччаси Аминалмулк 10 минг кишилиқ турк аскарлари билан унга қўшилди. Бир оздан сўнг улар бирга Қандаҳорни қамал этиш билан машғул бўлган мўғулларга ҳужум қилдилар. Шиддатли жанг уч кун давом этди. Мўғуллар енгилб, яқсон қилинди. Ўз аскарларининг енгилганлигини эшитган Чингизхон ғазабланиб, Ғазнага кетаётган Жалололидинни таъқиб қилишни буюрди.

1221 йил бошида халаж қўшинлари билан Сайфуддин Ифрок, Балх ҳокими Абзам Малик, афғон кўнгилилари билан Музаффар Малик ва қарлуқ қўшинлари билан ал-Ҳасан келиб, Ғазнада Жалололидинга қўшилдилар. Уларнинг ҳар бирида 30 минг кишилиқ қўшин бор эди. Жалололидиннинг қўл остида 60 минг аскар, Аминалмулкда 40 минг аскар бор эди.

Жалололидин бу улкан лашкарини Ғазнадан олиб чиқиб, Текечук ва Мўлғур бошчилигида Валиён қалъасини қамал этаётган мўғулларга ҳужум қилди. Уч кунлик жангда мингта мўғул ўлдирилди. Уларнинг қолганлари қочиб, Панж дарёсидан ўтгач, кўприкни бузиб ташлашди.

Шу пайт Шиғи Кутуку нўйон бошчилигидаги 45 минг кишилиқ мўғул лашкари етиб келди. Аммо Ғазна яқинида Парвон остонасида бўлган икки кунлик жанг натижасида мўғуллар тор-мор келтирилди.

Мўғулларнинг ана шу мағлубиятидан сўнг Чингизхоннинг ўзи Жалололидиннинг жазосини бермоқчи бўлди ва улкан лашкари билан у томон йўл олди. Лекин унга Жалололидин билан жанг қилиш насиб бўлмади. Парвон яқинидаги жангдан сўнг Жалололидин лашкарининг қўлига катта ўлжа тушган эди. Уни тақсимлаш асносида таллашиш ва ажралиш рўй берди. Халажлар, афғонлар ва қарлуқлар Жалололидин қароргоҳини ташлаб кетдилар.

Катта кучларидан ажралган Жалололидин Ғазнада душманнинг сон жиҳатидан устун кучлари олдида қолиши хавфли эди. Шунинг учун у зудлик билан Ғазнани ташлаб кетди. Бироқ Чингизхоннинг Султонни тутиш учун юборган илғор қисми Гардиз яқинида Жалололидинга етиб олди. Хоразмшоҳ душманга тўсатдан ҳужум қилди, уни енгиб, йўлида давом этди.

Чингизхон Синд дарёси соҳилида Жалололидинга етиб олди. Бу ерда тарихдаги энг шиддатли уч кунлик жанг рўй берди. Чингизхон Хоразмшоҳга ўқ узмасликни, уни тириклайин тутиб келишни буюрди. Мўғуллар буйруққа бўйсуниб, ўралганлар атрофидаги халқани қирғоққа қараб торайтириб бордилар. Бу пайтга келиб Жалололидиннинг атрофидаги аскарларнинг талай қисми қирилиб бўлган эди.

Жангнинг учинчи куни, яъни 1221 йил 21 ноябрида Жалололидин 700 аскар билан қаршилиқ кўрсатиб турар эди.

Ниҳоят, у асир тушиши аниқлигини англагач, харамини сувга чўктиришни буюриб, ўзи бутун жиҳозию оти билан биргалликда сувга ташлаб, нариги қирғоққа сузиб ўтди.

Жалололидин билан бирга амирлар Қўлбарс Баҳодур, Қабқуҳ ва Саъиддин Али бошчилигидаги 4 минг аскар ҳам Синднинг чап соҳилига ўтди. Маҳаллий ҳокимлар келгиндиларни душманларча кутиб олдилар. Шатр ўлкаси ҳокими ўзининг мингта отлиқ аскар ва беш минг пиёдаси билан Жалололидинга ҳужум ҳам қилди. Аммо Хоразмшоҳ отини олдинроқ қамчилаб, бир

зарба билан ҳинд аскарларини пароканда қилди. Жалололидиннинг бу ғалабаси Шимолиғарбий Ҳиндистондаги бошқа ҳокимларга ҳам таъсир қилди ва уларнинг ақсарияти Хоразмшоҳга бўйсунди. Хоразмшоҳ Жалололидин 1224 йил бошигача Ҳиндистонда турди ва шу муддат давомида у ерда ўз номи билан кумуш ва мис тангалар зарб эттирди, барча мулкларда унинг номи билан хутба ўқилди (8).

Хоразмшоҳ ерларининг асосий қисми ғарбда бўлганлиги учун Жалололидин Кермон орқали Ғарбий Эрон ва Озарбайжонга ўтди. Барча ерларнинг ҳокимлари унга тобелик изҳор этдилар. Ироқи Ажам ва Озарбайжонга келгандан сўнг Жалололидин яна куч тўплаб бошлади.



Деярли бартараф этиб бўлмайдиган икки гов, бизнинг таассуб ва тарихнинг янглишлиги — бизнинг Амир Темурни билишимизга ва баҳолашимизга монелик қилди. Бироқ кўпгина муаллифларнинг ўз салномаларида уни сохта баён этганликлари муҳим эмас, ахир унинг номи миллатлар воқеаномаларида ўчмас ёзувларда қайд этилмаганми?! Ахир, авлодлари фойдаланиб келган зафарлари унинг буюк заковатини исботлаш учун етарли эмасми?

Л. Ланглэ



Султон Жалолиддин халифа ан-Носирнинг мўғуллар билан шармандаларча ёзишмалари ва унинг Хоразмшоҳлар давлатини йўқ қилиш борасидаги махфий кирдикорлари, қилмишлари ҳақида сарой хужжатларидан биларди. Шунинг учун 1225 йил бошида Жалолиддин Бағдодга юриш бошлади. У бутун Ироқи Арабни ишғол қилиб, Бағдод атрофларида турди, лекин халифалик пойтахтига киришга ботинмай, Озарбайжонга қайтиб келди. Жалолиддин Фарбий Эрон ва Озарбайжонда туриб, Табризни ўзининг пойтахти қилиб олди. У Миср, Сурия ва Қўния салтанати билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. 1226 йил баҳоридаги юриш натижасида у Гуржистонни ўз мулкига қўшиб олди.

1227 йили Жалолиддин ўзига қарши юборилган мўғул кучларини батамом тормор'этди, мусулмон давлатларининг мўғулларга қарши бирлашмасини уюштиришга кўп ҳаракат қилди. Бироқ унинг бу борадаги барча уринишлари зое кетди. Қўшни мусулмон давлатларининг бошлиқлари Хоразмшоҳнинг бундай ҳаракатларига ишончсизлик билан қарадилар ва иғво билан бирор тўқнашув чиқаришга интилдилар.

Хоразмшоҳ Жалолиддин Эрон, Озарбайжон, қисман Шарқий Анатолия, Ширвон ва Гуржистонда 1231 йил ўртасигача, яъни ўлдирилгунига қадар ҳукм сурди (9). «Хоразмшоҳ Жалолиддин подшоҳлиги, — деб ёзган эди К.Е.Босворт, — мўғулларнинг Ўрта Шарққа йўлини тўсиш борасидаги қаҳрамонона, лекин беҳуда ҳаракатларда ўтди» (10). Бироқ Султон Жалолиддиннинг ҳаётлиги даврида мўғуллар Ўрта Шарқни босиб ололмадилар. Бу воқеа анча кейин — 1256 йили рўй берди. Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин ҳаётлигида ўн йил давомида мўғулларни нафақат Ўрта Шарққа, балки Шарқий Европага ҳам қўймади. Бу даврда мўғуллар Мовароуннаҳр ва Хоразмда мустаҳкам ўрнашиб олдилар.

Чингизхон, 1227 йил августида юз берган ўлиmidан анча аввал, мўғуллардаги одат бўйича, тўрт ўғлининг ҳар бирига ўтлоқ сифатида юрт ажратиб берди. 1227 йил февралда ўлган катта ўғли Жўжи ва унинг авлодларига Фарбий Сибир, Дашти Қипчоқ, Сирдарёнинг Сифноқдан шимолдаги қуйи оқими ерларини ва Шимоли-фарбий Хоразмни мулк қилиб берди.

Шарқий Туркистон, Етгисув, Мовароуннаҳр, Жануби-шарқий Хоразм ва Амударёга тугаш жанубдаги ерларни иккинчи ўғли Чигатойга берди.

Босиб олинган ерларнинг жануби, яъни

Тибет, Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ва Тиёншон тоғларидаги ерларни учинчи ўғли Ўқдайга берди. Лекин бу мулк баъзи сабабларга кўра шаклланмади.

Энг кичик ўғли Тўлуйга Чингизхон асл Мўғулистон билан Хитойни берди. Бу мулкларни юрт ҳам, улус ҳам дейиларди.

Улкан жуғрофий ҳудудларни босиб олган мўғуллар шаҳар ишлаб чиқариши ва суғорма деҳқончиликка асосланган маданий юртларни бошқариш малакасига эга эмас эдилар. Шу сабабли улар босиб олган ерларида ўзларига маълум бўлган мусулмонларни бошқариш ишларига жалб қила бошладилар.

Чигатой улусида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун мамлакат Чингизхон ҳузуридан Хоразмшоҳ Муҳаммадга элчи бўлиб келган савдогар Маҳмуд Ялавоч ихтиёрига берилди. Маҳмуд Ялавоч мўғулларнинг улусдаги ноиб бўлиб қолди.

Мўғул истилоси Мовароуннаҳр хўжалигига оғир зарба берди. Мўғул истилосининг аввалги ўнйилликларида мамлакат хўжалигининг умумий аҳволи аянчли бўлди. Ўз навбатида, бу аҳвол Маҳмуд Ялавоч бошқариш услубининг натижаси ҳам эди. У ўз бойлигини орттириш мақсадида хонга мумкин қадар лаганбардорлик қиларди.

Мамлакатда ўрнатилган бу тартиб аҳолининг ғазабини қўзғотмай иложи йўқ эди. Деҳқонлар ва шаҳарликларнинг норозилиги натижасида 1238 йили Бухорода Маҳмуд Торобий бошчилигида қўзғолон кўтарилди.

Буюк Улусда ҳокимият тепасига Манғу қоон (1251—1260) келганидан сўнг аҳвол бирмунча барқарорлашди. Бундан аввал Маҳмуд Торобий қўзғолон қилган 1238 йилдаёқ Чигатой Маҳмуд Ялавочни ҳокимиятдан четлатиб, ўрнига унинг ўғли савдогар Масъудбекни қўйди. Масъудбек мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга жиддий киришди.

Чигатой улусида тахтга Кўппакхон келгунига (1309 йилга) қадар хонлар қароргоҳи Или дарёси водийсида эди. Улар кўчманчи ҳаёт кечириб, маданий минтакаларнинг ички ҳаётига аралашмас эдилар. Мўғул хонларидан биринчи бўлиб Кўппакхон қароргоҳини Мовароуннаҳрга кўчирди. У Насаф яқинидаги бир қаср (мўғулчада «қарши») қурди, кейинчалик у ривожланиб, Қарши шаҳрига айланди.

Кўппак мўғул хонларидан биринчи бўлиб, 1321 йили пул ва маъмурий ислохотларни амалга оширди (11). У жорий этган «кўппакий» олтин динорлар элхон-



лар давлатида ва Олтин Ўрдада ҳатто XIV аср охирларида ҳам кадрланарди. Пул Бухоро билан Самарқандда зарб қилинарди.

Ҳаётга жорий этилаётган ижобий ўзгаришлар ва иқтисоднинг жонланиши XIV асрнинг қиркинчи йилларида Чигатой улусида бошланган феодал низолар натижасида тўхтаб қолди. Хонлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилган Тармаширинхон (1326—1334) бу низо ва жанжаллар натижасида ўлдирилди. Унинг даврида ислом давлат динига айланганди. У ҳаётлигида Кўшпакхон бошлаган ислохотларни давом эттиришга ҳаракат қилди.

Хонлардан Кўшпак ва Тармаширин давлатни бошқаришни осонлаштириш кераклигини англадилар. Шу мақсадда улар маъмурий бўлинишни ислох қилдилар, мамлакатнинг ўлкалари ва вилоятларини туманлар ва ўрчинларга бўлдилар. Бу майда маъмурий бўлимларнинг ҳокимлари — беклар хон билан бирга келган уруғ бошлиқларидан тайинланардилар. Бу уруғнинг энг йириклари тўртта эди: арлотлар, жалойирлар, қавчинлар ва барлослар. Қавчинлар асосан хон хизматида эдилар. Арлотлар Амударё бўйларида, жалойирлар — Хўжанд атрофларида, барлослар Қашқадарёда жойлашган эдилар.

Хар бир уруғ бошлиғи шу уруғ ерларининг беги (амири) эди. Бу уруғларнинг ҳаммаси ё туркийлар, ёки аллақачонлар туркийлашиб бўлган мўғуллар эдилар. Чигатой улусидаги мўғуллар XIII аср охиридаёқ бутунлай туркийлашиб бўлдилар. Жўжи улусида бу жараён XIV аср биринчи ярмининг ўрталарида тугади.

Чигатой улусида бошланган сарой низолари натижасида хон ҳокимияти кучсизланиб қолди. Хонларнинг тез-тез алмашиниб туриши бундан гувоҳлик берарди. Тармаширин ўлдирилганидан то Қазонхон (1343—1346) тахтга келгунига қадар ўтган тўққиз йил орасида бешта хон алмашди. Бу хонлар қароргоҳни Или дарёси водийсига кўчиргандилар. Қазонхон пойтахтни яна Қашқадарёга кўчирди. Қаршидан ғарброқда у ўзига бир сарой қуриб, уни Занжир Сарой деб атади.

Қазонхон Мовароуннаҳрда кучли ҳокимият ўрнатишга ҳаракат қилди, бироқ уруғ бекларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шундай уруғ бошлиқларидан бири амир Қазағон хонга қарши исён кўтарди ва «ўзининг» хони — Донишмандчани тахтга ўтказди. 1346 йили Қазонхон тахтдан туширилиб, ўлдирилди ва ҳокимият амир Қазағоннинг қўлига ўтди. Бироқ унинг

ҳокимияти фақат Мовароуннаҳрга ва Амударёга жанубдан туташ ерларга тарқалар эди.

Чигатой улусининг Мовароуннаҳрдан шарқдаги ерлари бир дуглат бегининг қўлига ўтди. Мовароуннаҳр беклари ҳам, дуглат беклари ҳам ўз ҳокимиятларини қонунлаштириш учун ораларидаги чигатойлардан бирини хонликка кўтарар эдилар.

Мовароуннаҳрдаги хонлар аслида қўғирчоқ хонлар бўлиб, амалда ҳеч қандай ҳокимиятга эга эмас эдилар. Лекин дуглат беклари томонидан кўтарилган хонлар ҳокимиятга эга эдилар. Уларнинг баъзилари кучли ҳукумат туза олдилар ва ҳатто тахтни мерос қилиб бердилар ҳам.

Иккала давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми бир хил бўлиб, иккаласида ҳам бир хил туркий қабилалар яшарди. Мовароуннаҳрдаги барлос, арлот, жалойир ва қавчин уруғлари, шарқдаги дуглат ва баҳрин уруғлари тил ва маданият нуқтаи назаридан бир туркий халққа тегишли эдилар. Шундай бўлса ҳам мовароуннаҳрликлар ўзларини чигатойлар, шарқдагилар эса ўзларини мўғул ва мамлакатларини Мўғулистон деб атадилар. Лекин булар аслида этник мўғул бўлмай, бир пайтлар аجدодлари мўғул бўлганлиги ва мўғул тартиблари ҳамда урф-одатларини кўпроқ сақлаб қолганлиги учунгина ўзларини шундай номлаганлар. Чигатойлар Мўғулистонни яна Жета (ёки Жата — тажанг, тез, баджаҳл маъносиде) деб ҳам атаганлар.

Хулоғу улуси — буюк хон Хубилайнинг (1260—1294) акаси Хулоғунинг улуси унинг 1256 йили ғарбдаги мусулмон ерларида мўғуллар ҳокимиятини тиклаш мақсадида қилган юриши натижасида шаклланди. Бу улусга Эрон, Шарқий Анатолия, Жанубий Кавказ ва Ироқ кирарди. Қозонхон (1295—1304) ҳукм сурган даврда бу улус мўғуллари исломни қабул қилдилар.

Улус хонлари доимо кўшниларига таҳдид солиб, Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда хонлари билан Кавказдаги ерлар учун рақобатда бўлардилар. Чигатой авлодлари билан эса улар Хуросондаги ерлар учун рақобат қилардилар. Бу улуснинг энг сўнгги кучли хони Абу Саъид (1317—1335) 1323 йили Миср мамлуклари билан битим тузди ва Сурияни босиб олиш учун олиб борилган кўпийлик урушларга чек қўйди. Ўша йилдан Сурия бутунлай Миср ихтиёрига ўтди. 1335 йили Абу Саъид ўлганидан сўнг то 1353 йилгача бу улусда бир неча хон алмашди, сўнгра у майда бўлақларга парчаланиб кетди: Ироқда —





жалойирийлар, Форсда — музаффарийлар, Хуросонда — 1381 йилгача сарбадорлар, Хирот ва унинг атрофида 1389 йилгача куртлар ҳукм сурди. Бундан ташқари, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Шарқий Анатолия, Ироқ ва Сурия шарқида бу ерларда кўчманчилик қилиб юрган Қора кўюнлу туркманларнинг сардори Қора Юсуф бедодлик қилиб юрарди. Қора Юсуфнинг фаолияти туфайли бу ўлкалар жуда хавфли бўлиб қолган эди. Султон Ахмад Жалойир ҳам бу соҳада Қора Юсуфдан қолишмасди, унга кўмаклашарди. Пировардида шу икки шахс фаолияти туфайли Яқин ва Ўрта Шарқдаги карвон йўллари беркилиб қолди.

Мовароуннаҳр савдогарлари ва мусулмонлари савдо карвонлари ҳамда Маккаю Мадинага ҳаж карвонларини чекка ва узок йўللардан олиб ўтадиган бўлдилар. Натижада Марказий Осиё худудининг иқтисодий катта зарар кўра бошлади.

Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи улусида, яъни Ғарбий Сибир, Дашти Қипчоқ, Русия, Шимоли-ғарбий Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларда ҳам аҳвол барқарор эмас эди. Ташқи сиёсатда Жўжи авлодлари доим Чигатой ва Хулогу улуслари ерларининг бир қисмини тортиб олишга даъват этди.

Жўжи улуси (Олтин Ўрда) ҳеч қандай диний ва иқтисодий умумийликка эга бўлмаган турли халқлар ва маданиятларнинг сунъий бирлашмаси эди.

Ботухон томонидан 1236—1256 йиллар орасида бу улусга қўшиб олинган Русия XIV аср ўртасида ҳали ягона давлат бўлмай, ўнга йирик ва йигирмата майда князлик ва мулклардан иборат эди. Рус князликлари мустақилликка эришиш ва мўғул зулмидан халос бўлишга интилиб, ўз мулкларини кенгайтириб, ҳарбий қудратларини оширишга ҳаракат қилдилар. Ўша даврда бу ҳаракатни Москва, Владимир ва Твер князликлари бошқарарди. Бироқ Ўрда хонлари князликлардаги аҳволни ҳушёрлик билан кузатиб борар, уларнинг кучайишига йўл қўй-

май, бирини бошқаси билан уриштириб қўяр ва уларга катта ўлпонлар солардилар. Ундан ташқари, мўғуллар вақти-вақти билан Русиянинг ички вилоятларига юриш қилиб, князликлар, мулклар ва шаҳарларни кучсизлантирардилар.

Ўрда хони Ўзбекхон (1312—1341) 1327 йили жазо қўшинларини юбориб, Твер князлигини яқсон қилди. Шундан кейин Москва князлигининг мавқеи орта борди. Москва Русиянинг кучайиши Жўжи улусининг сусайиши билан бир вақтда содир бўлди. Бу жараённинг бошланиши Ўзбекхон ҳукмронлигининг охириги йилларига тўғри келди. Ўрда хонларидан биринчи бўлиб Ўзбекхон исломни қабул қилди. Тез орада ислом бу улуснинг туркийлашган аҳолиси орасида ҳам тарқалди. Шуни ҳам айтиш керакки, Олтин Ўрдада ҳам нисбатан камсонли бўлган этник мўғуллар кўпсонли туркий муҳитда қоришиб, туркийлашиб кетдилар (12). Лекин бу улусда тотор номи сақланди

XIV аср ўрталарига келиб Олтин Ўрданинг кучсизланганлиги аниқ сезила бошлади. Бунинг далили шуки, 1349 йилдан 1379 йилгача ўтган ўттиз йил мобайнида Ўрда тахтида 26 та хон алмашди. Бироқ Ўрда бирмунча заифлашганлигига қарамай, ҳали рус князликларига нисбатан кучли эди.

Жўжи улуси билан Чигатой улуси орасидаги ҳудудий нуқталардан яна бири Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сигноқ шаҳри бўлиб, шу ердан жанубга кўпроқ ҳужум қилиб туриларди.

Чигатой авлодлари ҳам Хулогу ва Жўжи улуслари ерларига тез-тез ҳужум қилиб турардилар. Чигатойларнинг жанубдаги таянч нуқтаси бўлган Кобулда доим уларнинг вакили турарди.

Шундай қилиб, XIV аср ўрталарига келиб, учала ғарбий улусда ҳам ҳокимият учун кураш кучайди. Бу курашда маҳаллий беклардан фақат энг кучлиларигина ғалабага эришарди. Бу давр ҳар тарафлама жуда мураккаб, зиддиятларга тўла эди. Чунки у тушкунлик ва емирилиш аломатлари билан бирга айни вақтда уйғониш ва буюк юксалиш жиҳатларини ҳам намоён этарди.

Мўғул иштироки пўтурдан кетган мусулмон юксак элини қувватлантирди, бироқ унинг маданий бетакрорлигини бузмади. Тиллар, дин, нафосат маромлари сақланиб қолди, мусулмон оламининг ташаббускорлиги, таъсир кучи шу қадар ўсдики, у XIV—XVIII асрларни камраган давр учун бемалол етарли бўлди.

Л. Н. Гумилёв



Мустабидларга қарши кураш ва мустақил давлат барпо этиш — Амир Темурнинг буюк тарихий хизмати



АМИР ТЕМУРНИНГ ЁШЛИК ВА БАЛОҒАТ ЙИЛЛАРИ

Шарафуддин Али Яздий (1) ва Фасих Хавофийнинг (2) маълумотларига кўра, Амир Темур хижрий 736 йил 25 шаббонда (1336 йил 8 апрелида) таваллуд топган. Ибн Арабшоҳ унинг туғилган ери Кеш (ҳозирги Шахрисабз) яқинидаги Хожа Илғор қишлоғи эканлигини айтган (3).

Амир Темурнинг отаси Амир Тарағай барлос уруғининг ҳарбий бошлиқлари — бекларидан бўлган. Унинг аждодлари Чигатой ва Чингизхонлар саройи яқинларидан эди. Француз тарихчиси Рене Груссе 1941 йили нашр этилган «Дашт салтанати» асарида Амир Темурнинг барлос уруғидан келиб чиққанлиги ҳақида шундай ёзган эди: «Темурийларнинг тарихчилари унинг шажарасини Чингизхон сафдошларидан бирига ва хатто чингизийлардан бирига олиб бориб улашга ҳаракат қилардилар. Аслида эса у ҳеч қандай мўғул эмасди, туркий эди. У Мовароуннахрнинг барлос уруғидан чиққан аслзода оилалардан бирига тегишли бўлиб, улар Кеш атрофида ўз мулкларига эга бўлганлар ва унга хокимлик қилганлар» (4).

Бошқа бир француз тарихчиси Луи Базен бу айтилганларни қуйидагича шарҳлайди: «Мўғулларнинг 1240 йили ёзилган «Махфий тарихи»да келтирилган маълумотларни Амир Темур 1405 йили ўлганидан кейин темурий тарихчилар келтирган маълумот билан солиштириш шуни кўрсатдики, булар Амир Темурни ўзи ҳам тасаввур қилмаган чингизийларга қонуний тегишли қилиб кўрсатишга уринганлар. У фақат ҳаётининг охирига яқин Чингиз авлоди Ҳизр Хожахоннинг қизига уйланиш йўли билан унга қариндош бўлди» (5). Демак, Темурнинг барлос уруғидан бўлиши билан бирга, унинг мўғуллар ва Чингизхонга алоқаси йўқ.

Амир Темурнинг отаси Амир Тарағай Чигатой улусидаги эътиборли кишилардан бўлганлигининг яна бир далили шуки, у йилда бир марта Или дарёси бўйида хон томонидан чақириладиган қурултойга таклиф қилинарди. Тарағайбекнинг нафақат Мовароуннахрдаги, балки Мўғулистондаги йирик амирлардан яқин танишлари бўлиб,

кейинчалик Амир Темур бу алоқадан фойдаланди. Шундай қилиб, Тарағайбек Чигатой улусининг кўзга кўринган бекларидан бўлган.

Бироқ беклардан келиб чиққанликларига қарамай, Амир Темур отасининг ҳам, бобоси Амир Баргулнинг ҳам ҳарбий ишга майли бўлмаган. Тарағайбек такводор мусулмон бўлиб, кўп вақтини дарвешлар билан бирга ўтказган. Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Тарағайбек уламо ва сулаҳо ва муттақиларга мушфиқ ва меҳрибон эрди. Буларнинг мажлисида борур эрди, ложурма бу жихатдинким, ҳазрат ҳақнинг секур бандаларини секур эрди» (6).

Тарағайбек пири тасаввуф шайхи Шамсуддин Кулолни айникса чуқур эҳтиром қилади. Кейинчалик шайх Кулол Амир Темурнинг ҳам пири бўлди. Тарағайбек 1360 йилда қазо қилди.

Амир Темурнинг онаси Такина хотун муштипар аёл эди.

Темур етти ёшга тўлганида отаси уни мадрасага ўқишга беради. У ерда Темурга сўзлар жадвалини берадилар ва у ўқий бошлайди (7). Бундан кўринадики, Амир Темур ўз уйида ўқишни ўрганиб олгач, мадрасага қатнаган.

Амир Темурнинг болалик йиллари ҳақида Яздий шундай ёзади: «Ҳазрат Ҳаққ субҳонаҳу ва таоло ани истиқомат бешиқидан чиқориб ва лутф дояси сути билан парвариш берди. Ҳадди тамйиз ва ақлда етконда ҳаракат ва қилиғидин салтанат иши андин зохир бўлур эрди. Ва анинг эш-кучидин ва айтмақ ва эшитмақларидин подшоҳлик ва шахриёрлик тариқаси кун киби йаруқ кўринур эрди.

Яна тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз ёви деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

«Темур тузуклари»

*Чу ёшлар била ўйнар эрди мудом,
Дер эрди аларга: «Келинлар тамом,
Ки мен шоҳ бўлгаймен ва барчангиз,
Мани шоҳ атаб, ўзга сўз демангиз».
Келур эрдилар ёшлар қошига,
Ани шоҳ атаб, кўтариб бошига.
Бўлур эрди бир гўдак анга амир,
Яна бири анга чу доно вазир.*



*Яғочу қамши бирла инсон этиб,
Хар иш буюруб, анга фармон этиб.
Дер эрдиким, ул ёрлик эшитмади,
Ёзуғлуқ қилиб ани буюрмади.
Дер эрди: «Кесинглар бошини равон,
Ки мундин нари ҳеч киши дар жаҳон
Шаҳаншоҳ ҳукмидин ул чиқмағай,
На ким шаҳ дегай, ўзга иш қилмағай» (8).*

У тезда ўқ отмоқ, отланиб чопмоқни севиб қолди ва уруш ўйинларига майл кўрсатди. У овни шу қадар севиб қоладики, ҳатто кечаю кундузларни овда ўтказиши мумкин эди.

Шубҳасиз, Амир Темур ўспиринлик ва ёшлик йилларидаги бу ҳарбий-спорт ўйини ва машғулоти билан отаси Тарағайбекка хизмат қилган махсус мураббийлар ёрдамида шуғулланган. Бирок уларнинг номи тарихда сақланмади. Ўрта асрларда Осиёнинг мусулмон мамлакатларида подшо ва амирлар саройида отабек мансаби бўлиб, мансаб эгасининг вазифаси подшо ва амир ўғлини баъзи илмларга ўргатиш билан бир қаторда, унинг ҳарбий ва жисмоний тарбияси билан яхши шуғулланиб, бадани ва руҳини чиниқтиришдан иборат бўлган.

Амир Темурнинг рухий-маънавий мураббийлари, пирларининг номлари тарихда маълум. Уларнинг биринчиси юқорида эслатилган шайх Шамсуддин Кулол бўлиб, Амир Темур биринчи марта унинг ҳузурига келгани ҳақида маълумот сақланган. Ўспирин Темур жулдир чопонда шайх ҳузурига келади. Бу вақт шайх ўз атрофидаги дарвешлар билан зикр тушаётган эди. Темур зикр тугадини сабр билан кутади. Ниҳоят, зикр тугаб, шайх унинг олдига келганида, Темур тиз чўкиб, пешонасини унинг оёғига қўяди ва қўлини ўпади. Шунда шайх дарвешлар билан бирга Амир Темур ҳаққига дуо қилади (9). Кейинчалик Амир Темур бу дуони ўз муваффақиятларининг сабабчиси деб билган.

Бизнингча, Темур 14 – 20 ёшларида отасининг маслагидан борган ва шайх Кулолга яқин бўлиб, содда ҳаёт кечирган кўринади. Юқорида Яздийдан Тарағайбек ҳақида айтилганлар шу фикрга олиб келади ва Ибн Арабшоҳ келтирган хабар («жулдир чопон») буни тасдиқлайди. Бу ҳолда Амир Те-

мурнинг бу хабарларни расмий солнома-ларга киритмагани тушунарлидир: балки у султон бўлганидан сўнг ўспиринлигидаги ўша ахволдан уялгандир.

Ўрта аср муаллифларидан фақат Ибн Арабшоҳ Темур ёшлик йилларида Амир Қазағоннинг ҳузурига келгани ва унинг набирасига уйлангани ҳақида хабар (икки ривоят) келтиради. Биринчи ривоятга кўра, Темурни Қазағонбекнинг ҳузурига унинг набираси Амир Хусайннинг отбоқари олиб келган, иккинчи ривоятга кўра, отаси Тарағайбек келтирган (10).

Бу воқеа 1355 йил баҳори ва ёзи оралиғида содир бўлгани эҳтимол, чунки ўша йил ёзида Амир Қазағон Темурни ўзининг набираси Ўлжай Туркон оқага, яъни бундан бир неча йил аввал ўлган катта ўғли Амир Мусаллонинг қизига — Амир Хусайннинг синглисига уйлантириб қўяди. Балки ҳодиса мазкур икки ривоятнинг умумий ўртачасидек бўлгандир, яъни Темур отбоқар орқали Амир Хусайн ва унинг синглиси билан танишган ва улар Темурни Амир Қазағонга отаси олиб боришини маслаҳат бергандирлар.

Хуллас, воқеа кай йўсинда бўлганлигидан қатъи назар, Амир Қазағон Темурнинг ақлу заковати, паҳлавон салобати, шижоат ва жасоратига қойил қолиб, ўша 1355 йил ёзида набираси Ўлжай Туркон оқани унга никоҳлаб беради. Бирок бунгача Темурнинг хотини бор эди: ўша йил баҳоридан отаси уни Жаку Барлоснинг қизига уйлантирган эди. Кейинги йили 20 ёшлик Темур икки ўғил кўради — Ўлжай Туркон оқа 1356 йил ёзида Жаҳонгир Мирзони туғади, кузида Жаку Барлоснинг қизи Мирзо Умаршайхни туғади.

Ёш Темурнинг Амир Қазағонга ёқиб қолган табиий хислат ва фазилатлари ҳақида Яздий бундай тавсифни келтиради: «Анинг давлатманд зотиким, мазҳари лутфи Илохий эрди, шафқат ва хайрдин ўзга иш муборак кўнглига кечмас эрди... (11).

Яздийнинг бу сўзларида мактов оханги сезилиб туришига қарамай, умуман Амир Темурга тўғри баҳо берган. Манбаларга кўра, Амир Темурнинг феъл-атвори босиб бўлган, жиззакилик ва жиртакилик унга хос бўлмаган. Унинг феъл-атворидаги худди ана шу хусусиятлари маслакдошларини ўзига жалб қиларди. Унинг ичкиликка (жовир) майли йўқлиги билан фикр-мулоҳазалари теран ва идрокли эди. У оғир вазиятларда тўғри ечимни осонлик билан топарди. Шунинг учун болаликдаги дўстлари ва мактабдош ўртоқлари атрофига тўпланишиб, биргаликда машқ ва мусобақаларда иштирок этар, ўз баданларини ва рухларини чиниқтиришар, аста-секин навқар бўлишиб, ҳарбий гуруҳга шакллана

*Амир Темур ёшлигидаёқ ақ-
лининг тиниқлиги ва жасурли-
ги билан ажралиб турарди. Ун-
да ҳарбий истеъдод эрта на-
моён бўлди, у отда юриш маш-
қини олган ва камондан отиш-
га моҳир эди.*

А. Якубовский

борардилар. Амир Темурнинг болалик йилларидаги дўстлари орасида Аббос Баходур, Жаҳоншоҳбек, Қимори Иноқ, Сулаймоншоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек, Хиндушоҳ Қарқара ва бошқалар бор эди. Кейинчалик улар Амир Темурнинг лашкар-бошилари ва сафдошлари бўлдилар.

Амир Темурнинг ёшлик пайтидаги оғир синовлар XIV аср 50-йилларининг охиригача Мовароуннахр бош амири ва хотининг бобоси Амир Қазағоннинг ўлимидан кейин бошланди. Бу пайтга келиб Мовароуннахрда тарқоқлик, амирларнинг ўза-ро кураши янада кучайди.

Кураш пировардида Амир Қазағоннинг кўеви Қутлуғ Темур ўз қайноғасига нисбатан фитна уюштирди ва 1358 йили уни ўлдирди. Қазағоннинг ўрнига амирлик лавозимига унинг иккинчи ўғли Абдуллох ўтирди. Унинг даврида бошбошдоқлик, хўжасизлик ва тарқоқлик шу қадар кучайдики, Абдуллох мамлакатни бутунлай идора қилолмай қолди ва бир йилдан сўнг ўлдирилди.

1358 йил охири ва 1359 йили мамлакатда ҳокимиятга даъвогарлик қилаётган амирлар ўртасидаги низо ва жанжалларда ўтди. Яъний бу ҳақда шундай ёзади: «Олам ичра ҳар тарафда ғавғолар пайдо бўлди. Ва нўйонлардин ҳар кишидаким, оз-чўқ кучи бор эрди, салтанат даъво қилур эрди.

Ва Кеш вилояти тавобиъи биланким, қадимдин бери ҳазрат соҳибқирон ато-атоларида эрди, Ҳожи Барлосбекка тааллуқ эрди, ўз қарорида эрди.

Ва Хўжанд вилояти Боязид Жалойирда эрди ва баъзи вилоят Хусайн ибн Мусалло ибн Қазағонбекда эрди. Ва ул киши-қароси билан ағосининг юртини тилар эрди.

Ўлжай Буға Сулдуз Балхда эрди ва анда салтанат даъвоси қилур эрди.

Ва Шибурғонда Мухаммад Ҳожа Апардийким, наймондин эрди, ул тақи даъвои салтанат қилур эрди.

Бадахшон шоҳлари бир-бирига бош эн-дурмай, бир-бирининг бошида бир даъвои бор эрди. Ва Кайхусрав ва Ўлжайту Апардий Хутталон вилоятида эрдилар. Ва Хизр Йасурийким, анинг қадим юрти Сарипул ва Тоткантиким, Самарқандда тааллуқ вилоятлар эрди, барча Йасурийларни жамъ қилиб ҳеч кишини кўзига илмас эрди. Ва кўрсатилган бекларнинг орасида яна муқотила урушлар бўлуб, кўп киши талаф бўлди» (12).

Ана шу Мовароуннахрдаги нотинчлик, ғалаён ва сурон шароитида Чигатоё улуси шарқий қисмининг хони Туғлуқ Темур

(1359—1363) бундан фойдаланмоқчи бўлди ва улуснинг ғарбий қисмини ҳам ўз мулкига қўшиб олиш мақсадида Мовароуннахр тарафига лашкар сурди. 1360 йил январига келиб, Сирдарё билан Тошкент оралиғидаги Чаноқ Булоқ деган мавзеда тўхтади. Бу ерда хон беклари билан кенгашиб, ёрлик билан кераит уруғидан Улуғ Темурни, арканут уруғидан Ҳожибекни ва қанғли уруғидан Беккичикни Кешга юборди.

Буни эшитган Ҳожи Барлос ваҳимага тушиб, бутун уруғи билан Хуросонга кетишга қарор қилади. Амир Темур уни Амударёгача кузатиб, у ерда Ҳожибекка бундай дейди: «Мамлакат агар ҳокимсиз қолса, ул мамлакатда юз паришонлик воқеъ бўлуб ва бўлғон эл-улус муҳолифлардин хароб бўлғайлар. Маслаҳат ул турурким, сиз Хуросон сори борсангиз, мен Кеш вилояти сори ёнғаймен, ва эл-улуска кўнгул бериб, келгон беклар билан йарашиб, хон хизматиға борғайменким, вилоят хароб бўлмағай ва раъиятларким, ҳазрат Парвардигорнинг бандалари турурлар, заҳмат ва ташвишда тушмағайлар» (13).

1360 йил январиди, хали йигирма тўрт ёшга тўлмаган Амир Темур фақат бир ўзи хон билан музокарага боргани дикқатга сазовордир. Бундан кўринадики, Амир Темур шу ёшида Мовароуннахрнинг кўзга кўринган ғарбий ва сиёсий арбоби бўлиб етишган. Амир Темур хон томонидан Кешга юборилган беклар билан кенгашиб, хонга хизмат қилишга тайёрлигини билдирди. Шунда хон ўз ёрлиғи билан уни Кеш вилоятининг даруғаси этиб тайинлайди. Амир Темур ўз вилоятига қайтиб келади, Туғлуқ Темур эса Мўғулистонга қайтиб кетади.

Шуни айтиш керакки, Туғлуқ Темурнинг бу биринчи келишида Амир Темурнинг хон ҳузурига бориши — кучлар тенг бўлмай, шароит тақозо қилганида ноиложликдан қўйилган сиёсий ҳамда стратегик қадам эди. Лекин Амир Темур қўйган бу қадами билан мамлакатда мўғуллар талонининг олдини олди ва раъиятни бу фалокатдан қутқарди.

Энди мамлакатда осойишталик ўрнатилгандек бўлган эди. Лекин, аслида, бундай бўлиб чиқмади. Хон кетганидан сўнг бир оз вақт ўтмасиданоқ амирлардан Баён Сулдуз, Хизр Ясаурий, Боязид Жалойир ва Хуросондан қайтиб келган Ҳожи Барлос исён ва ғалаён кўтардилар.



Кимнинг ақли ва шижоати ни синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб берардим.

«Темур тузуқлари»



Уларга нисбатан анча ёш бўлган Темурнинг даруғалигига улар рози бўлмадилар. Ички низо аввалгидан кучли тус олди ва энди даруға сифатида Амир Темур ҳам унда иштирок этишга мажбур бўлди. Бу ҳодисалардан воқиф бўлган Туғлуқ Темур 1361 йил мартада Мовароуннахрга иккинчи марта келди ва Хўжанд яқинидаги чўлда тўхтади. Бу гал хон Мовароуннахр бекларига нисбатан бир оз қаттиққўллик қилди. У Боязид Жалойир билан Баён Сулдузни ясаққа тортди (қатл этди). Хожи Барлос яна Хуросонга кочди ва у ерда ўлдирилди.

Хон Хожи Барлоснинг қариндоши Темурга нисбатан қандай сиёсат тутиши номаълум эди, лекин Амир Темур отасининг эски таниши, хонга яқин бўлган Мўғулистоннинг йирик беги, қарликот уруғидан бўлган Ҳамидбек унга хомийлик қилди. Ҳамидбек уни хоннинг ўрдусига чақириб, хон билан таништирди. Сўнгра хон ўша йил баҳори ва ёзини Мовароуннахрда ўтказиб, Амир Темурнинг қайноғаси Амир Ҳусайн билан жанг қилди, уни енгиб, то Ҳиндукуш тоғларигача таъкиб этди ва кузда Жетага (Мўғулистонга) қайтиб кетди.

Қайтишидан аввал у ёрлик эълон қилиб, ўғли Илёс Хожани Мовароуннахр подшохи этиб тайинлади ва «барчадин улуб бек Беккичкни қилиб, ўғлига тобшурди... Ва ул ҳазратдин давлат ва саодат зоҳир эрди, мамлакат забтини анга берди» (14). Демак, бу гал Амир Темур бутун Мовароуннахрни бошқариш лавозимини олган. Бу эса жуда катта лавозим бўлиб, XIV аср 60-йилларининг бошларидаёқ Мовароуннахрнинг энг йирик шахси бўлиб шаклланганидан далолат беради.

Бироқ хон юртига қайтиши билан амир Беккичик Амир Темурга нисбатан иғво ва фитналар уюштиради. Шу жиҳатдан Амир Темур Беккичик ва Илёс Хожа билан мураса қила олмайди. Мамлакатда туриши

хавfli бўлиб қолгач, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади. Бу воқеа 1361 йил охирларига тўғри келади. Шу кездан унинг ҳаётида саргузаштлар даври бошланади.

И. М. Мўминов

Аввалига Амир Темур қайноғаси Амир Ҳусайнни излаб, уни Хива яқинидаги чўлдан топади. Улар Хива даруғаси Тўкалнинг ҳузурига боришга келишишади, бироқ Илёс Хожа Тўкалга уларни тутишни буюрганини эшитиб, жанубга йўл олишади. Тўкал минг кишилик

аскари билан уларни таъкиб қилиб, етиб олади.

Темурбек ва Ҳусайнбек одамлари хотинлари билан бирга 60 киши эди. Булар 1000 кишилик аскар билан жангга киришга мажбур бўладилар. Қирғинбарот жангдан сўнг душманнинг минг кишисидан элик киши, Амир Темурда эса етти киши қолади. Шундан сўнг Тўкал жангни тўхташга мажбур бўлади ва чекинади.

Кейин Ҳусайн ва Темур хотинлари билан бирга Моҳонда туркман Алибек Жониқурбоний ибн Арғуншоҳ қўлида 62 кун асир бўладилар. Тутқунликдан қутулгандан сўнг Ҳусайн ва Амир Темур Гармсири Ҳирмандда (ҳозирги Афғонистоннинг жануби-шарқидаги Хилмандда) учрашишга келишиб, бир-бирларидан ажраладилар.

Амир Темур Кеш томон кетади ва Хузор (ҳозирги Фузур) яқинидаги бутазорда икки ой яшириниб ётади. Кейин Самарқандда, опаси Қутлуғ Туркон океанинг уйида 48 кун бекиниб ётади. Бу ерда узоқ туриш хавfli эди, чунки Илёс Хожа Амир Темурни бутун Мовароуннахрдан излаётган эди. Шунинг учун Амир Темур Мовароуннахрни бутунлай тарк этиб, Гармсири Ҳирмандга, Амир Ҳусайн ҳузурига боради. У ерда икковлон минг кишилик аскар тўплайдилар.

Шу пайт Сеистон даруғаси ҳарбий ёрдам сўраб уларга мурожаат қилади. Сеистонда мекронийлар билан бўлган жангда Мамақтув деган киши отган ўқ Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғини жароҳатлайди. Сўнг Амир Темур яна Ҳусайдан ажралиб, Хуросон жанубидаги Арсаф чўлида бир ой жароҳатларини даволайди. Бу воқеа 1362 йил кузига тўғри келади. Жароҳатлар даволанганидан сўнг Амир Темурнинг ўнг оёғи бир оз оқсоқланадиган бўлади. Унг қўлидаги жароҳати қилич ушлашга халал бермайди. Умуман, жароҳатлар унинг жанговарлик фаолиятига безарар эди.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн кейинги икки йил давомида Илёс Хожа бошчилигидаги Жета лашкари билан бир неча марта жанг қилдилар. Ва, ниҳоят, 1364 йил охирида улар мўғулларни Мовароуннахр худудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ 1365 йил баҳорида яна шарқдан душманнинг кўпсонли лашкари келаётир, деган хабар тарқалади. Амир Темур ва Амир Ҳусайн Тошкент билан Чинос ўртасида Чирчиқ бўйида лашкар тўплайдилар. Душман Конибодом тарафидан яқинлашиб

келарди. Сўнг икки тараф лашкари саф тортиб турди.

Чигатойлар лашкарининг ўнг қўлида Хусайнбек ва сўл қўлида Темурбек турдилар. Жанг ҳижрий 766 йил рамазон бошида (1365 йил 22 май куни) юз берди. Аввалига чигатойларнинг устунлиги сезилди. Лекин душман тарафи ҳалол жангда енголмаслигини сезиб, найранг ишлатади: йадачи йада тошини ишлатиб, ёмғир ёғдирди: ёруғ кунда тўфон кўтарилиб, момақалди-рок бўлди ва «анча йамғур тўқдиким, олам тўла сув бўлди ва андоқ балчиқ бўлдиким, от еридин тебрана олмай ва отлику йаёққа мажоли ҳаракат йўқ эрди. Ва ўз ерларига хайрон бўлуб, йамғур жиҳатидин бошларига капанак тортиб туруб эрдиларким, мухолиф черики аларга етти, капанакларини бошларидин ташлаб уруш қилдилар» (15).

Шундай овир об-ҳаво шароитига қарамай, Амир Темур сўл қўлдан душманнинг ўнг қўл тарафига қаттиқ ҳужум қилади ва душманнинг бу тарафини ҳам, Илёс Хожaxonни ҳам чекинишга мажбур этади. Лекин душманнинг сўл қўли Шамсуддинбек бошчилигида чигатойларнинг Амир Хусайн раҳбарлигидаги ўнг қўлига қаттиқ ҳужум қилади. Амир Темур ўнг қўлнинг чекинаётганини кўриб, навкарини Амир Хусайн ёнига юборади, қўшинларини қалб ва сўл қўл тарафига яқинлаштиришини буюради. Лекин Амир Хусайн бунга қўнмайди.

Шундан сўнг душман ташаббусни қўлига олиб, чигатойларни иккига ажратиб юборади ва ғалабага эришади. Бу жангда Амир Темур Мовароуннахр ҳокими бўлишига қадар ва, умуман, тарихида биринчи марта, у ҳам бўлса, Амир Хусайннинг айби билан мағлубиятга учради. Бу жанг тарихга «жанги лой» номи билан кирди.

Мазкур жангда Амир Хусайн жанг усуллари санъатида ўзининг нўноқлиги ва нокомиллигини ошкор қилди. Кейинги воқеалар унинг, ҳатто, номардлигини ҳам кўрсатди. Жангдан сўнг у ўз мулки — Соли Саройга қайтади ва бутун яқин уруғларини йиғиб, Амударёдан ўтади-да, Кобул яқинидаги Шабарту қалъасига келиб тўхтади. Амир Хусайн, агар Жета лашкари келгудек бўлса, Хиндистонга қочишга ҳам тайёргарлик кўриб қўяди. Амир Хусайн Амир Темурга ҳам дарёдан кечишни маслаҳат берганида, у: «Ҳар ким борса борсун. Менга ҳиммат қўймаским, қўйгаймеким ётлар вилоятқа кириб, элга жафо қилгай. Яна бир қатла черик йиғиштириб, мухолифлар билан урушурмен!» — деб мағрур жавоб беради (16).

«Жанги лой»дан сўнг ўтган вақт мобайнида душманда жасорат пайдо бўлиб, Самарқандни ўраб олади. Бу пайт шаҳарни ўровчи истехком деворлари йўқ эди. Шаҳар аҳолиси сарбадорлар Мавлонозода Самарқандий, Мавлоно Хўрдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий Наддофлар бошчилигида шаҳарни мудофаа қиладилар. Шаҳар кўчаларига кўчабандлар қуриб, душманни шаҳарга киритмайдилар. Манбада келтирилганидек, «муддати ул шаҳарнинг раъиятлари бовужуд улким, алар ичида ҳокими йўқ эрди, андоқ уруштиларким, малак фалакда аларга махтади. Ва Жета черикини қўймадиларким, шаҳарнинг яқинида келгайлар» (17).

Шаҳар камали узокқа чўзилиб, шаҳарликлар Самарқандни мардона мухофаза қилаётган эдилар, душман ҳам шаҳарни ололмай, анча ҳолдан тойган эди. Шу пайт, кутилмаганда, душман отлари орасида вабо тарқалди ва кўп «от ўлдиким, тўрт киши орасида бир от қолмади. Ва бу жиҳатдин барча (мўғул) паришон бўлуб қайттилар. Кўпи эгарларини орқаларига солиб, тиркашларини қўлтукларига тутуб кеттилар» (18).

Мўғуллар кетганидан сўнг шаҳарликлар ўз холига қолиб, тартибсизликлар бошланди. «Раъиятлар бир-бирига зулм қила бошладилар. Ҳар кимдаким, қуч-қувват бор эрди, ғурур ели бошида пайдо бўлуб, аёғини ўз хадидин юқори қўяр эрди, жавр элигини узотиб, фасод қилур эрди» (19). Юз берган бундай шароитда сарбадорларнинг пешволари ўзларининг шаҳарни бошқара олмасликларини кўрсатдилар. Аслида бу тартибсизликларга уларнинг ўзи йўл қўйган эди.

Бу ҳақда биринчи бўлиб Амир Темур эшитди ва лашкар тўплаб, Самарқанд тарафга йўл олди. Бу ҳақда у Амир Хусайнни огоҳлантирди.

1366 йил баҳорида Амир Темур ва Амир Хусайн Самарқандга келадилар. Бу ерда юз берган тартибсизликлар ва зўравонликларнинг асосий айбдорлари суд қилинади. Айбдорлар сарбадорлар эканлиги исботланганидан сўнг Амир Темур Мавлонозода Самарқандийни ўз ҳимоясига олади, қолганлари Конирилда дорга осилади.

Бу воқеада Амир Хусайн мамлакат ҳокими сифатида намоён бўлди. У Амир Темур лашкарбошилари Жақубек, Сайфуддинбек, Оқ Буға, Элчи Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшиларга «жанги лой»даги



Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

«Темур тузуклари»



мағлубият айбдорлари деб катта жарима солади. Улар айтилган миқдордаги жаримани тўлашга кодир эмас эдилар, шунинг учун ёрдам сўраб Амир Темурга мурожаат этишади. «Хазратнинг химмати андоқ буюрдиким, — деб ёзади Яздий, — алар учун, не-нимасиким бор турур, бергай. Ул жумладин икки исирфақим, маҳди улё Ўлжай Турконнинг эрди, Хусайнбекка йибарди. Ва Хусайнбек ани кўруб билдиким, синглининг турур. Аммо хирси андоқ бўлуб эрдиким, синглининг хаққини кўрмай, аларни олди» (20).

Амир Хусайннинг тамагирлиги, кўрқоклиги ва иродасизлиги Амир Темурнинг хислатларига бутунлай зид бўлиб, бу икки шахс орасида душманлик деворини кўтарди. Ўша 1366 йил охирида Темурнинг хотини Ўлжай Туркон оқа, яъни Амир Хусайннинг синглиси вафот этади. Шундан сўнг иккала амир ўртасида қариндошлик муносабатлари ҳам узилиб, фақат душманлик қолади.

Мовароуннахр ва умуман Чигатоё улузининг икки йирик амири ўртасида бундай муносабат юзага келганидан сўнг уруғлар ҳам, лашкар қатламлари ҳам Амир Темур ва Амир Хусайн тарафдорларига ажрала бошладилар. Жанубликлар орасида Хусайннинг тарафдорлари кўпроқ эди. Лекин шимолдагилардан Ясаурийлар уруғи Амир Хусайнга хайрихоҳлик билдирганини англаб, Амир Темурнинг беклари унинг ҳузурига келадилар ва Ясаурий уруғини ҳибсга олишни маслаҳат берадилар. Шунда Амир Темур бу ишни раво кўрмай, ман этади ва бундай дейди: «Агар мундоқ иш қилсак, мундин нори аларга бир нек соридин эътимодлари бўлмағай ва бизга зарар теккай. Давлат эвимиз йахшилик била бино

Омад унга кулиб боқди, бу равшан, бунга, аввало, ўзининг бор қобилиятини ва инсоний эзгуликни муайян мақсад йўлида оқилона қўллай билишигина ёрдам берди. Амир Темур Доро, Искандар, Қайсар салоҳиятига тенг ёки уларнинг барини ортда қолдирувчи буюк ишни адо этиб ҳоқимият тепасига келди ва кетмакет галабага эришаверди.

Тильман Нагель

бўлса анга ҳеч киши зарар еткура олмағай. Ва ул йағочким адл ва эҳсондин сув ичса қоронлиқ мевасин бергай» (21).

Амир Темур бу сўзларни айтганида энди 31 ёшга қадам қўйган эди. Унинг бу сўзлари Амир Темур шу ёшга келиб хайрпарвар арбоб бўлиб шаклланиганидан дарак беради. Бу сўзлар бир умр унинг ҳаётий шиори бўлиб қолди ва у доимо шу шиорга амал қилди.

Амир Темур билан Хусайн орасидаги муносабатнинг кескинлашуви улар ўртасида тўқнашувларга олиб келди. 1367 йил бошларидан 1370 йил баҳоригача бўлган вақт ичида бундай тўқнашувлар бир

неча марта рўй беради. Бу орада улар икки марта ярашишди. Иккала амир ўртасидаги асосий тўқнашув 1370 йил апрелида Балх яқинида юз берди. Амир Хусайн батамом енгилгач, Амир Темурнинг ҳузурига ўз ўғлини юбориб, гуноҳидан кечишни ва Маккага ҳажга боришга рухсат беришни сўрайди. Соҳибқирон бунга розилик бераётган чоғда Амир Хусайннинг ўзини банди қилиб, қўллари боғланган ҳолда Амир Темур ҳузурига келтиришади. Амир Темур Амир Хусайннинг қонидан кечади. Бироқ Амир Хусайннинг маккорлиги ва бадқирдорлигини яхши билган беклар бунга рози бўлишмади, чунки агар Амир Хусайн ҳозир қутулиб қолса, яна аскар тўплаб, фитна уюштириши, ташвишлар орттириши турган гап эди. Кайхусрав Хутталоний Амир Хусайн томонидан ўлдирилган укаси Кайқубоднинг хунини талаб қилади.

Амир Темур Амир Хусайннинг чуқур бахтиқаролигини кўриб ва ўтмишдаги у билан қариндошлиги, дўстлиги ва яхши дамларни эслаб, ўгирилиб олди. Шу пайт Улжайту Апардий Кайхусрав билан Муаййидбекка ишора қилади ва улар ташқарига чиқиб, Хусайннинг қалласини оладилар. Амирлар Хусайннинг ҳозир бўлган ўғилларини ҳам қатл этадилар. Хусайнбек ибн Мусалло ибн Амир Қазоғон Балхдаги Хожа Уқоша кабристонига қўмилади.

Шундан сўнг амирлар Хусайннинг хотинлари ва тўплаган мол-мулкларини Амир Темурнинг ҳузурига келтирадилар. Хусайн хотинларидан Қазон Султонхоннинг қизи Сароймулкхонимни (шу боис Соҳибқирон «гурагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини олган), Хизр Ясаурийнинг қизи Ислом оқани, Баён Сулдузининг қизи Улус оқани ва Тагай Туркон хотунни Амир Темур ўз ҳарамига олади (22). Хусайннинг бошқа хотинлари билан мол-мулкни бекларга бўлишиб беради.

1370 йил баҳорида Чигатоё улусининг барча беклари тўпланиб, қурултой чақирадилар. Унда Амир Темур Гурагонни ҳукмдор деб эълон қиладилар ва унга байъат (эътироф) этадилар. Бу воқеа хижрий 771 йилнинг 12 рамазонида (1370 йил 9 апрелида), яъни милодий ҳисобда 34 ёшга тўлган қунининг эртасига юз берган эди.

Амир Темур Амир Хусайн билан бўлган охирги жангдан бир неча кун аввал Термизга яқинлашиб келар экан, шаҳарга уч фарсах (қарийб 70 километр) масофа қолганида Биё (ҳозирги Исо Термизий қишлоғи, Шеробод тумани) мавзеида Макка



шарифларидан бири бўлмиш Саййид Барака ўрдуга келиб, Соҳибқиронга султонлик рамзи — ноқора ва байроқни топширган эди. Бу эса исломнинг муқаддас шаҳарла-

ри Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварадаги ислом пешволари Амир Темурни қўллаётганликларини билдирарди. Амир Темур бундан бағоят рухланди.



МОВАРОУННАХР ҲУКМДОРИ

Балхдаги қурултой Амир Темурни Мовароуннахрнинг ягона подшоҳи деб сайлаб, мамлакатда узоқ даврлардан орзу қилинган тинчлик, барқарорлик ва тартиб ўрнатишига имкон берди. Лекин қурултой мамлакат чегараларини ва подшоҳликка солиқ йиғиладиган ерларни аниқ кўрсатиб бермади. Бу масалани Амир Темурнинг шахсан ўзи ҳал қилиши керак эди. Ундан ташқари, салтанатга махфий ва ошқора даъвогарлар масаласи ҳам ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган эди. Амир Темур дарҳол бу масалаларни ҳал қилишга киришди.

1370 йил ёзи бошларидан Амир Темур ўзига пойтахт қилиб танлаган Самарқанд шаҳрининг девори, қалъаси, сарой ва қасрларини бунёд эттирди ва хароб бўлган биноларни тиклашга киришди.

Қисқа муддатда Самарқанддаги харобалар тикланди, шаҳар чиройи очилиб, пойтахт тусини олди. Шундан сўнг Амир Темур исёнкор салтанат даъвогарлари ва мамлакат ҳудудлари масаласини ҳал қилишга киришди.

1371 йили Амир Темурнинг сафдоши Муҳаммад Хожа Апардийнинг ўғли, Шибурён (ҳозирги Афғонистон шимоли-ғарбида) ҳокими Зинда Чашм исёнкорлик қилди, лекин у лавозимидан тезда четлатилди. Амир Темурнинг йирик лашкарбошиси Кайхусрав Хутталоний эса бутунлай душманликка майл билдирди, уни четлатиш учун бир оз вақт керак бўлди.

Мамлакат ҳудуди масаласининг бирмунча мураккаблиги унинг Амир Темур ташқи сиёсати билан алоқадорлигида эди.

Шуни айтиш керакки, улуслар хонлари давридаёқ, юқорида айтганимиздек, улусларнинг ерлари ва чегаралари аниқ эмас эди; бу масалада Чигатой хонлари Олтин Ўрда хонлари билан Хоразмдаги ерлар учун ва Хулоғу авлодлари билан Шимоли-ғарбий Хуросондаги ерлар учун тез-тез тўқнашиб туришарди. Чигатой улуси Амир Қазағон даврида иккига бўлинганидан сўнг улуснинг шарқий қисми — Мўғулистон хонлари улуснинг барча ерларига даъво қила бошлагандилар. 1360 йил январидан 60-йиллар охиригача Мўғулистон хонлари

Туглуқ Темур, Илёс Хожа ва бошқаларнинг Мовароуннахрга қилган қайта-қайта юришлари Амир Темур давлати учун шарқдан катта хавф мавжудлигини исботлаган эди. Амир Темур дарҳол ана шу хавфни бартараф этишга киришди.

Ички низоли нотинч йилларда Хоразм масаласи янада мураккаблашди. Шимоли-ғарбий Хоразмнинг, яъни унинг Жўжи улусига қарашли қисмининг ҳокими Хусайн Сўфий Мовароуннахрдаги ноаниқлик ва ҳўжасизликдан фойдаланиб, 1365 йили чигатойлар мулкининг Хива ва Котни ўз ичига олган жануби-шарқий қисмини ўз мулкига қўшиб олади.

Амударёдан жанубдаги ерлар хусусида аҳвол бундай эди. Ҳозирги Афғонистоннинг кўп қисми аввалдан чигатойларга қарам эди. 1327 йили Тармаширинхон Шимолий Ҳиндистонга юриш қилгандан сўнг чигатойлар бу ерларга ҳам даъво қила бошлашди. Лекин Афғонистоннинг ғарби ва жанубидаги ерлар Хулоғу улусининг мулки ҳисобланарди. Бу улус кучсизланиб, парчаланганидан кейин Хирот, Ғазна ва Қандаҳор вилоятларида Афғонистон марказидаги Ғур вилоятидан чиққан Куртлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлаганди. Амир Қазағон даврида, 1351 йилиёқ Хирот Куртлари чигатойларга тобе бўлиб қолди.

Амир Темур Жетага (Мўғулистонга) биринчи юришини 1371 йил бошларида амалга оширди. У кўп ҳам узоқлашмай, Сирдарёдан ўтиб тўхтайтиди ва душман тарафига амирлари Хитойи Баҳодур ва Шайх Али Баҳодур бошчилигида кўшин юборади. Аммо Амир Темур улар эришган натижадан қониқмай, ўша йили лашкар тўплаб, Жетага иккинчи марта юриш қилади. Бу гал Соҳибқирон Сайрам ва Янгидан ўтиб, Санка Ёғоч мавзеигача етади ва душманга қаттиқ зарба бериб қайтади (23).

1371 йил кузида Амир Темур Хоразмга Сўфий хузурига Алқа тавочини элчи қилиб юборади. Элчи орқали жўнатилган мактуб-

Давлат ишларини салтанат қонуни-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тура ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, ситох раъият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортигига даъвогарлик қила олмади.

«Темур тузуклари»





да Ҳусайн Сўфийдан элчи билан бирга Хива ва Котнинг охирги беш йиллик солигини бериб юборишини ва Хоразмга дахл қилмасликни талаб этиб, шу тақдирдагина икки орада дўстлик бўлиши мумкинлигини баён қилади.

В.В. Бартольд Амир Темур ва Ҳусайн Сўфий муносабатларини шарҳлаб, гўё «XIV асрда чигатойлар давлати мусулмон деб ҳисобланмаган» лигини ва Ҳусайн Сўфий Амир Темурга юборган жавобида гўё «Сизнинг мамлакатингиз — жанг вилояти (яъни кофирлар мулки) ва мусулмонларнинг бурчи — сизлар билан жанг қилиш» деган эканлигини ёзган эди (24). Аслида эса, Яздийнинг гувоҳлик беришича, Ҳусайн Сўфий Амир Темурга жавобида: «Мен бу вилоятни қилич билан олибмен, яна қилич билан мендин олғайлар» деган эди (25).

Алқа тавочи Хоразмдан Ҳусайн Сўфийнинг жавобини келтирганидан сўнг Амир Темур Хоразмга юриш қилмоқчи бўлган эди. Лекин Мавлоно Жалололдиннинг маслаҳатига кириб, муаммони тинч йўл билан ҳал қилишга яна бир бор уринди ва уни Хоразмга элчи қилиб юборди. «Мавлоно Жалололдин мусулмонларнинг некхоҳлиғи учун Хоразмга борди, — деб ёзади Яздий. — Ва Ҳусайн Сўфийни кўруб, насихатлар ва пандлар анга деди ва ойоти Куръондин ва Ҳадисдин анга яхши сўзлар деди. Аммо ул бу давлатқа лойиқ бўлмагон жиҳатидин қабул қилмади ва буюрдиким, ул азизни беркитиб, қалъага солди. Ҳазрат Соҳибқирон бу хабарни эшитгач черик йиғилмоққа фармонлади» (26).

Ҳусайн Сўфийнинг бу бемулоҳаза қилмиши урушни муқаррарлаштирди. 1372 йил баҳорида Амир Темур Хоразмга юриш учун лашкар тўплайди. Ўша кезде Ҳирот ва Қўхистоннинг ҳокими Малик Гиёсиддин Курт ўзининг Темурга тобелигини билдириб, қатор от ва хачирлару туяларга ортилган қимматбаҳо ҳадяларни элчиси Ҳожи Вазир билан Самарқандга юборади. Амир

Темур бу ҳадяларни мамнуният билан қабул қилиб, у ҳам, ўз навбатида, ишончли одами-ни Ҳожи Вазирга қўшиб ҳадялар билан Ҳиротга юборади. Ундан ташқари, ўша кезларда қайнотаси Жаку Барлосни

Қундуз, Бағлон ва Кобул вилоятларига ҳоким қилиб юборади ва у ерлардаги бурулдай уруғини унга тобе қилиб топширади. Шундан сўнг Хоразм юришига отланади.

Ана шу юриш асносида Гурганч қамалда турган пайтида тўсатдан Ҳусайн Сўфий вафот этади. Унинг ўрнига Хоразм ҳокими бўлган укаси Юсуф Сўфий Амир Темурга бўйсунушини маълум қилади ва бу ҳақда келишув бўлади. Келишувга биноан ака-ука Сўфийларнинг энг кичиги Оқ Сўфийнинг қизи Севинбекани Соҳибқирон катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга сўрайди. Оқ Сўфий Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қизи Шакарбекага уйланган эди. Шунинг учун буларнинг қизи Севинбека кўпроқ Хонзода номи билан маълум эди.

Хоразмликлар Амир Темурнинг шартини мамнунлик билан қабул қилдилар ва қизни сепи билан Хоразмдан Самарқандга кейинроқ юборишга келишилади. Шундан сўнг Амир Темур пойтахтга қайтиб келади.

Бирок бир неча ой ўтгач Юсуф Сўфий Хонзодани Самарқандга юбориш ўрнига аскарни билан Котга келиб, унинг чигатойлардан иборат ўрдусини ғорат қилади ва шаҳарни вайрон этади. Юсуф Сўфийнинг бу қилмиши Амир Темурнинг Хоразмга иккинчи марта юришига сабаб бўлди. 1373 йил эрта баҳорида лашкар тўплаб Хоразмга юради. Чигатой лашкари Хоразм ерига келганида Юсуф Сўфий тавба-тазарру изхор қилади ва иш тинчлик билан тугайди. Хонзода тантанали равишда Самарқандга юборилади ва 1374 йил июнида Жаҳонгир Мирзо Хонзода хонимга уйланади.

Амир Темур Мўғулистондаги вазиятни диққат билан кузатиб борарди, чунки ўша тарафдан Мовароуннахрга кўплаб хавфхатар келган эди. Илёс Хожохон ўлимидан сўнг мамлакатни дуғлат уруғидан Қамариддин бошқарарди. Қамариддин жуда урушқоқ бўлиб, Амир Темур унинг ҳаракатлари ва режаларидан яхши хабардор эди. Шунинг учун душманнинг янги ҳужумини кутиб ўтирмай, бўлажак ҳужумнинг олдини олиш мақсадида 1375 йил баҳорида Жетага учинчи марта юришга ҳозирлик кўради. Бу гал у Иссиққўлдан шарқдаги Барака Ғўриён водийсигача ва Или дарёсигача этади. Сўнг душманни таъқиб қилиб, Учфармон ва Отбоши орқали шарқдан Фарғона водийсига киради. Амир Темур Жета лашкарбошиси Шамсуддинбекнинг қизи Дилшод оқага уйланиши муносабати билан Арпа ўтлоғида узок муддат тўхтайдди. Кейин Ўзганд ва Хўжандда қисқа муддат тўхтаб, йил охирида Занжир Саройга келади ва 1375/1376 йил кишини ўша ерда ўтказди.

Мамлакатга қаттиқ ҳокимият керак эди ва Амир Темур уни барто этди... Амир Темур кироий «аскарий хукмдор» бўлиб қолди.

Л. Н. Гумилёв





ди Хоразм қўнғиротлари Жўжи улуси билан узвий боғлиқ бўлиб, бу муносабатлардан Амир Темур воқиф эди. Албатта, Амир Темур Хоразмнинг яна бу улусга оғишини истамас эди. Шунинг учун 1376 йил баҳорида Хоразмга учинчи юриш қилади. Бироқ бу вақтда, Фарғонада исён кўтарилганлиги учун Амир Темур ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлади. Исёнкор амирлар Сари Буға билан Одилшоҳга Мўғулистондан келган Камариддин ҳам қўшилади. Шу сабабдан Амир Темур Андижон орқали Мўғулистонга тўртинчи юриш қилади. Лекин тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо оғир касал бўлиб қолганини эшитиб, дарҳол орқага қайтади. Муҳаммад Жаҳонгир 1376 йил ўрталарида йигирма ёшида вафот этади. Ундан икки фарзанд: Хонзодадан туғилган ўн бир ойлик Муҳаммад Султон ва отасининг ўлимидан қирқ кун кейин Илёс Ясаурийнинг қизи Бахт Малик оқадан туғилган Пир Муҳаммад қолди.

Ўша кезларда Камариддин муаммоси Амир Темурни кўп ташвишга соларди. Унинг нафасини ростлаб олишига ва яна куч тўплашига имкон бермаслик керак эди. Шунинг учун Амир Темур Мўғулистон тарафига тез-тез юришлар қилиб туради.

Фарзандининг таъзияси тугаганидан сўнг Камариддинга қарши бир гуруҳни юборди, яна йил охирида ўзи Мўғулистонга бешинчи юриш қилади. Иссиқкўлдан ғарброкдаги Буғам Ойкўл (Буғам жарлиги) мавзеида душманга етиб олади. Қонли жанглардан сўнг Камариддин, аввалгидек яна қочиб улгуради. Амир Темур душманни Чуй дарёси водийсидаги Қўчқор мавзеигача таъкиб қилиб, у ерга етганида «Тўхтамиш Ўғлон Ўрусхондин кўркүб, қочиб, хизматқа келгуси турур» (27) деган хабар олади.

Олтин Ўрда хони Ўрусхон, асли Дашти Қипчоқ ўзбекларидан, укаси Тўй Хожа Ўғлонни, яъни Тўхтамишнинг отасини, Русияга юришдан бўйин товлагани учун (1376) ясоққа тортди. Ўч олиш учун Тўхтамиш унинг ўғилларидан бирини ўлдирди (28) ва ўша даврда уни ўз паноҳига олиши мумкин бўлган бирдан-бир химоячи Амир Темур хузурига борди.

Соҳибқирон Тўхтамишни лашкаридаги ўзбек беги Туман Темурга топшириб, ўзи Сирдарёдан Ўзганд орқали Самарқандга қайтади. Туман Темур Тўхтамишни Самарқандга — Амир Темур хузурига келтирганида, Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича: «Ул ҳазрат анинг мақдамини азиз тутуб, таъаззум ва иноятлар қилди ва тўй бериб, хайма-хиргоҳ ва наққора ва нафир

ва қатор тевалару отлар ва яна нимақим, подшоҳлиғда керак турур, барчани йасаб берди ва ани ўғул ўқуди» (29). Сўнг Тўхтамишга Саброн ва Сифноқ вилоятини бериб, унга аскар қўшиб, маконига элтти.

Бироқ Тўхтамиш у ерда узоқ туролмади. Ўрусхоннинг ўғилларидан бири — Қутлуғ Қия билан урушиб, енгилди ва яна Темурбекнинг хузурига қайтиб келди. Соҳибқирон уни аввалгидан ҳам яхши кутиб олди, илгаригидан ҳам яхши жиҳозлаб, Сабронга юборди. Бу гал Ўрусхоннинг катта ўғли Тўхта Қия кўп аскар билан келади. Жангда Тўхтамиш қақшатқич зарбага учрайди ва ҳатто Сирдарё бўйида ҳалок бўлишига бир баҳя қолади: уни Амир Темурнинг одами ўлимдан қутқаради.

Шундан сўнг, кўп ўтмай, Ўрусхон улкан лашкар билан Амир Темурга қарши чиқади ва Сифноқ яқинида тўхтади. Амир Темур лашкари билан Ўтрор яқинида турарди. 1376 йил охирларида қаттиқ совуқ уч ой давом этади, бу ҳол иккала лашкар асосий қисмларининг тўқнашувига монелик қилади. Фақат кичик гуруҳлар орасидагина майда тўқнашувлар бўлиб, уларда Амир Темур аскарларининг қўли баланд келади. Соҳибқирон айғоқчилари Ўрусхон ўзининг асосий кучлари билан юртига кетганини маълум қилдилар. Шунда Амир Темур ҳам Кешга қайтиб келади.

Аслида, «Кешга қайтиб келиш» душманни чалғитиб, хотиржам ва калака қилиш йўлидаги бир ҳарбий хийла бўлса ажаб эмас. Чунки у Кешда атиги саккиз кун туриб, яна катта лашкар билан Дашти Қипчоққа — Ўрусхонга қарши юради. Ана шу юришда у Тўхтамишни ўзига ғажирчи — йўл кўрсатувчи қилиб олади. Ўн беш кундан сўнг Жайрон Қамиш деган мавзеда душманни бепарво ва паришонхотир ҳолатда учратади. Амир Темур лашкари душманга дарҳол ҳужум қилиб, уни пароканда этади ва катта ўлжа олади. Шу пайт Ўрусхон ва унинг ўғли Тўхта Қия бирин-кетин ўладилар. Амир Темур Тўхтамишни Дашти Қипчоқнинг хонлик тахтига ўтказиб, ўзи 1377 йил мартада Самарқандга қайтди.

Амир Темур Дашти Қипчоқдан кетганидан сўнг Ўрусхоннинг бошқа ўғли — Темур Малик Тўхтамишга ҳужум қилиб, уни енгади. Тўхтамиш қочиб, яна Темур хузурига келади. Бу гал Амир Темур катта лашкар жиҳозлаб, Тўхтамишни ўзининг бекари билан ўша йил кузида Сифноққа элтади ва хонлик тахтига кўтаради. Тўхтамиш қишни Сифноқда ўтказиб, 1378 йилнинг баҳорида Дашти Қипчоқ пойтахти





Саройни олади ва Жўжи улусининг хони бўлади.

Амир Темур қарийб икки йил давомида Тўхтамишнинг иши билан машғул бўлганига қарамай Самарқандда қурилиш ва ободончилик ишларини ҳам кучайтириб юборади.

1377 йили Амир Мусонинг қизи Туман оқага уйланади. Шундан сўнг у Самарқанд шаҳрининг теграсида ўн икки боғ барпо қилади ва улар ичида сарой ва кўшклар қуради (30). Боғларнинг бири ёш хотинига аталган эди. 1376 йилиёқ Соҳибқирон Ўрусхон билан курашда машғул бўлганида, Хоразм ҳокими Юсуф Сўфий фурсатдан фойдаланиб, қариндошлик муносабатларию оддий мантиққа зид равишда лашкар билан келиб, Бухоро ва унинг атрофларини ғорат қилади. Темур Хоразмга элчи оркали мактуб юборади, унда қариндошлик муносабатлари ўрнатилганидан сўнг бундай ишларни қилмаслик кераклиги ҳақида айтилган эди. Юсуф Сўфий элчини зиндонга ташлайди. Амир Темур Хоразмга бошқа элчини жиддий оғоҳлантириш маъмунида битилган янги мактуб билан юборади, Юсуф Сўфий бу элчини ҳам банди қилади. Шундан сўнг Хоразмга навбатдаги юриш муқаррарлашади.

Амир Темур Хоразмга 1379 йил қишида навбатдаги — тўртинчи юриш қилди. Гурганччи қамал этиш пайтида худди ўша давр Европасидагидек рицарлик манзараси юз берди. Амир Темур шаҳар қамали билан машғул бўлиб турганида, Юсуф Сўфий мусулмонларнинг қони бекорга тўқилмасин учун Амир Темур билан яккама-якка курашишни таклиф қилди. Темурбек буни бажонидил қабул қилади ва амирларининг қаршилигига қарамай, тўлиқ ҳарбий жиҳозланиб, қалъа тарафига йўл олди. Ҳандаққа яқинлашиб келиб, Юсуф Сўфийни курашга даъват этади. Бироқ Юсуф Сўфий сўзида турмади ва қалъадан чиқмади.

Ўртада бўлиб ўтган жангда Амир Темур ғалаба қозониб, шаҳарни қўлга киритади. Сўнг Кешга қайтиб, Занжир Саройда қишлайди.

1380 йил баҳорида Амир Темур Кешнинг қалъа деворларини бунёд этади ва ўрта асрларнинг буюк меъморий иншоотларидан Оксарой қурилишини бошлайди.

Хуллас, Амир Темур 1380 йил баҳорига келиб, яъни ўн йил ичида Жетага беш мар-

та ва Хоразмга тўрт марта юриш қилиб, Марказий Осиёнинг бу қисмлари билан боғлиқ муаммоларни деярли ҳал қилиб бўлди. Энди Хоразм Амир Темур давлатининг таркибига бутунлай кирди.

Мамлакат шарқий худудларининг хавфсизлиги деярли Ғулжагача таъминланди. Навбатдаги муаммо — Хуросон масаласи эди.

Юқорида айтганимиздек, Хирот Куртлари давлати XIV аср ўрталаридан чигатойларга тобе бўлиб қолган эди. Тобелик шундан иборат эдики, Хирот ҳокими йиллик қурултойларда иштирок этиши, лозим бўлганда ҳарбий қисм етказиб бериши ва Мовароуннаҳр ҳокимига ҳадя сифатида йиллик солиқ тўлаб туриши керак эди.

1380 йил бошларида Амир Темур Хирот ҳокими Малик Ғиёсиддинга элчи юбориб, эрта баҳорда чақириладиган қурултойга таклиф қилади. Малик Амир Темурнинг яқин дўсти ва сафдоши Ҳожид Сайфуддинбек келсагина қурултойда қатнашишга розилик беради. Сайфуддинбек Хиротга келиб, шаҳарни мустаҳкамлаш бўйича катта курилиш олиб борилаётганини кўрди: ички қалъа девори баланд кўтарилиб, иккинчи қавати бунёд этилаётган эди. Шаҳар атрофидаги боғ ва экинзорларни ҳам ўз ичига олувчи ташки девор қурилади бошлаганди. Хирот ҳокимининг урушга тайёрланаётганлиги равшанлашди. Устига устак Малик Ғиёсиддин Сайфуддинбекка жавоб беришга шўшилмаётган эди.

Шунда Сайфуддинбек Маликка билдирмай, Хиротдан чиқиб кетади ва бутун кўрганларини Амир Темурга бориб айтади. Шу пайт Амир Темур 1362 йили Кешда турганида унга азоб берган Алибек ибн Арғуншоҳ Жониқурбоний келиб, Амир Темурга итоат билдиради. Амир Темур ўтмишни эслаб ўтирмай, уни яхши қабул қилади, у билан Хуросонга юриш ҳақида кенгашади. Алибек буни маъқул тошиб, ёрдам беражagini билдиради.

Алибек Жониқурбоний Шимолий Хуросоннинг ҳокими бўлиб, катта обрўга эга эди. Ҳозирги Туркменистоннинг деярли бутун худуди унинг таъсир доирасида бўлган. Алибек бўйсунганидан сўнг эса Амир Темур давлати худуди Каспий денгизгача етди. Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг ҳам Амир Темурга тобелигини эътиборга олиб, унинг давлатини 1380 йилдан бошлаб салтанат деб қарамоқ керак.



АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ



Шарафуддин Али Яздий Амир Темур ушбу сўзларни айтганлигини ёзади: «ҳазрат соҳибкироннинг ҳиммати раво кўрмас эрдиким, олам ичинда андин ўзга киши мамолик амрида даҳл қилғай, ё «Вилоят менга тегар», деб даъво қилғай. Доим муборак тилида кечар эрдиким, «Дунё андоқ ер йўқ турурким, икки киши анда даҳл қилғай ва дунёни йасағон Парвардигор бир турур. Дунёда ҳам подшоҳ бир керак» (31).

Бу сўзлар Амир Темурга тиркалган бўлишига қарамай, ана шу воқеалардан анча кейин ҳам у жаҳонгирликка майл билдирмайди. Дунёнинг талайгина қисмини забт этганидан кейин ҳам, ҳарбий кучи тўлиб-тошган бир пайтда, негадир, Олтин Урдани тўла-тўқис ўз мулкига қўшиб олмади, Болкон ярим оролини, Фракияни ҳам ўз мулкига киритмади ёки Европанинг бошқа қисмини забт этишга киришмади. Бизнингча, у фақат мўғулларнинг уч ғарбий улусини бўйсундиришгагина интилган кўринади. 1380 йилга келиб, фақат Хулоғу улуси, яъни асосан Эрон ерлари, бўйсундирилмай қолган эди.

Шарафуддин Али ёзганидек, «Ул маҳалда Эрон вилоятида ҳар мамлакатда бир жамоат бош чиқариб, подшоҳлик қилур эрдилар. Ҳазрат соҳибкирон Турон вилоятини мусаххар қилғондин сўнг муборак хотирига туштиким, Эрон вилоятини забт қилғай. Эрон сори мутаважжих бўлди» (32).

Демак, Амир Темурнинг Эронга юриши, аслида, унинг босқинчилик мақсадидан эмас, балки Эроннинг парчаланиб ётганлиги ва ҳимоясизлигидандир.

1380 йили Амир Темур 14 яшар ўғли Мироншоҳни Хуросон ҳокими этиб тайинлади ва эллик қўшин — 25 минг кишилик аскар билан Амударёнинг сўл соҳилига ўтказиб юборди. Мироншоҳ қишни Балхда ўтказди.

1381 йил эрта баҳорида Амир Темур Амударёдан ўтиб, Андхуд (ҳозир Афғонистондаги Андхой)га келди. Бу ерда у маҳаллий авлиё Бобо Сангуни зиёрат қилди. Авлиё дарвеш кўринишида, жазаваси тутган ҳолда Амир Темурнинг оёғи остига қўй тўшини ташлади. Амир Темур бу ҳолни яхши белги билиб, «тўшни олиб дедиким: «Хуросонким, ер юзининг тўши турур, бизга Тангри бергуси турур». Ва ўшандоқ бўлди» (33).

Амир Темур Ҳиротни жануб тарафидан айланиб ўтди ва авлиё дарвеш Зайнуддин Абу Бакр Тайободийни зиёрат қилди. Ав-

лиё унга дуо-фотиха ўқиди. Тайободий Шамсуддин Кулол ва Саййид Баракадан сўнг Амир Темурнинг учинчи пири бўлди.

Ҳирот енгил уруш билан олинди, чунки шаҳар аҳолиси Малик Ғиёсиддинни қўлламади. Шаҳарликлардан фақат омонлик солиғи олинди.

Алибек Жониқурбонийга тааллуқли Тус ва Қалот шаҳарлари, Хуросон сарбадорларининг пойтахти Сабзавор ва Мозандароннинг ҳокими Валибекка тегишли Исфароин қаршиликсиз таслим бўлдилар. Алибекнинг ўзи тобелик изҳор қилди.

Шундан сўнг Амир Темур Мовароуннаҳрга қайтиб келиб, Бухорода кишлади.

1381 йил кузида Амир Темурнинг суюкли қизи Тоғайшоҳ тўсатдан вафот этди. Бу айрилиқ Амир Темурга кучли таъсир қилиб, у узоқ муддат катта қайғу билан таъзияда бўлди. Ҳатто дунё ишларига, шу жумладан давлат ишларига ҳам қўли бормади.

Шу вақтда ёвуз Алибек Жониқурбоний Мозандарон ҳокими Валибекни йўлдан уриб, у билан бирга Сабзаворни камал қилди. Шаҳар ҳокимлигига Амир Темурнинг синглиси Ширинбеканинг эри Али Муаййид ўтказилган эди. Амир Темурга Сабзавор воқеаси ҳақида хабар етказилганида у бунга аҳамият бермай, қизига мотамини давом эттираверди.

Опаси Қутлуғ Туркон оқа Амир Темурга шундай мурожаат қилади: «Агар мундоқ бепарволик қилсанг, олам бир-бир бўлуб

бузулғай. Худойнинг хатосига ҳеч чора йўқ турур. То олам бор эрмиш, ушбу тариқ эрмиш. Ғам емак фойда қилмас. Агар мундоқ бўлсанг, раъият ва мамолик паришон бўлуб, худойнинг бандалари бехонумон бўлғай. Нечук бир жамоат бебоклар Мозандарондин чиқиб, бисёр мусулмонларни бехонумон қилиб турурлар? Тариқа бу турурким, алар дафъи учун отланиб, андоқ гушмол бергайсенким, ўзга ҳеч кишига мундоқ ҳаво ва ҳавас бўлмағай» (34). Опасининг хайрихоҳлик билан айтган бу сўзлари Амир Темурни ҳушёр торгтириб, 1382 йилдаги Хуросон юришига сафарбар қилди.

Амир Темур 1383 йил бошида, қиш ўрталарида Хуросонга иккинчи юриш тай-

Амир Темурнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар орасида унинг фақат туйғугагина эмас, балки маънавийликка ҳақи асосланган фавқулодда кучли ақлий қобилиятлари кузга яққол ташланади. Ўзига содиқ жангчиларни жалб этиш ва уларни ғутиб туришга, ўта даражада ҳаракатчан сиёсий тузилма ишлашга, ана шу тузилмани узгартириш ва қушинларни куз қуриб қулоқ эшитмаган кулмадаги зафарларга элтишга қодир тажрибали сиёсатчилар ва лашкарбошилар орасида биринчи эди.

Б. Манс



ёргарлигини кўрди ва Бухоро тарафга йўл олди. Бу юришда у Мозандаронгача етди, Хуросон янгидан фатҳ қилинди, Алибек Жониқурбоний асир олиниб, Самарқандга юборилди.

1383 йили Хирот ва Сабзавор ҳокимлари исён кўтардилар. Исённи бостириш учун ўша йилнинг кузида Амир Темур Хуросонга янги юриш қилди. Исён бостирилганидан сўнг Сеистонга ўтди. Хирманд дарёсига яқинлашганида уни 1362 йили ярадор қилган Мамақтув ҳадялар билан келди. Мамақтув қатл қилинди. Амир Темур Қалот ва Қандаҳор шаҳарларини бўйсундириб, Самарқандга қайтди.

1384 йили Амир Темур Шимолий Эронга янги юриш қилиб, Озарбайжондаги Султониягача етиб борди ва 1385 йили Самарқандга қайтиб келди. Бу ва ундан олдинги юришларида Амир Темурнинг ҳали бутун Эронни забт этиш мақсади йўқ эди. Бундай мақсад кейинроқ — 1386 йил бошларидаги воқеалар сабабли пайдо бўлди.

1386 йил бошларида Тўхтамиш 90 минг кишилиқ лашкар билан Дарбанд орқали Табризга ўтиб, уни талади ва Озарбайжоннинг бошқа шаҳарларини ҳам ғорат қилиб, келган йўлидан орқасига қараб кетди. «Бу хабар ҳазрат соҳибқиронга етти, — деб ёзади Яздий, — мусулмонлар учун кўнгли асру малул бўлди ва бу жиҳатдин Эрон вилоятининг забтига хотирин қўйиб вожиб кўрдиким, ул вилоятларни забт қилғайким, мундин нари анда йаағи кирмагай. Анинг учунким, Эрон вилоятида андоқ подшоҳким, Эрон вилоятини забт қилғай, йўқ. Ва бир неча подшоҳиким, бор эрди, барчаси бир-бирига йаағи эрдилар, бир-биридин

Салтанатим корхонасининг тузуқини тузишга киришдим. Қонун ва қондаларга (тўра ва тузуқка) таяниб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеининг ўлчовини белгилаб олишинг ва мувофиқ иш юритишинг керак.

«Темур тузуқлари»

кўрқуб, вилоятларидин чиқа олмас эдилар. Анинг учун мундоқ балолар рабият ва фақиру мискинга тегар эрди» (35).

Тўхтамишнинг Эронга қилган бу зуғуми ва бундан кейинги ҳужуми ҳам унинг ғарбий Эронга қилган оддий сайили бўлмай, балки унинг бундан мақсади Эронни бутунлай забт этиш эди. Агар Амир Темур бўлмаганида Тўхтамиш Эронни босиб оларди. Фақат бунинг учун қулай фурсат кутаётган эди. Ҳозирча у Амир Темурнинг «томири уришини» текшираётган эди. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамишнинг Эронни босиб олиши олдини олиб, 1386 йили забт этиш мақсади билан Эронга «уч йиллик юриш» бошлайди. Амир Те-

мурнинг Эронга бу ва кейинги юришлари Тўхтамишнинг Эронга шимолдан келишида ўзига яраша тўсиқ бўлди. Моҳиятан, Амир Темур Эронни янги татар-мўғул истилосидан сақлади.

1386 йил ёзида Амир Темур Гуржистонга биринчи марта юриш қилиб, Тифлисни олди, подшоҳ Бағрат асир тушди.

Ўша кезларда Ширвон ҳокими Шайх Иброҳим Амир Темурга бўйсунди ва Соҳибқирон ҳаётининг сўнгги дамларигача содиқ қолди.

Шарқий Анатолия, Шимолий Ироқ ва Озарбайжонда ўша вақтларда ярим кўчманчи туркман қабиалари бирикмаси — Қора Қўюнли истиқомат қиларди (36). Шарқий Анатолиядаги кучли Аланчук, Ойдин ва Авник қалъалари шу қабиаларга тааллуқли эди. Шу қалъаларни истехком қилиб, улар бу ерлардан ўтувчи қарвонларни талардилар. Шу боис XIV асрнинг иккинчи ярмида бу ерларда қарвон алоқалари деярли тўхтаб қолган эди.

1387 йили Амир Темур Нахчивонда турганида «туркманлар зулм ва фасод эликларини узатиб, мусулмонларга ташвиш берурлар ва Ҳижоз қарвонига мутаарриз бўлурлар ва ҳеч кишини ул йўлдин ўтгали қўймаслар» (37) деган шикоят тушади. Бу хабарни олиб, Амир Темур дарҳол уларга қарши жазо гуруҳларини юборади. Лекин улар билан кураш ҳали олдинда эди. Бу пайт Шарқий Анатолиядаги Арзинжон ҳамда Арзирум шаҳарлари ва вилоятларининг ҳокими Таҳуртан Амир Темурга итоат изҳор қилади.

Амир Темур 1387 йили Бардабада (ҳозирги Барда) турганида яна Тўхтамиш Достгон орқали лашкар билан келиб, Шимолий Озарбайжонни талаб, кўп одамни ўлдиради.

Амир Темур уларга қарши аскар юборади. Қочаётган душмanning бир неча беги асир олинади. Тўхтамишнинг кўрнамаклиги Амир Темурни ажаблантирарди. У асирларга айтади: «Анинг ва бизнинг аромизда ато-ўғул ҳаққи турур. Не жиҳатидин мундоқ йамон ҳаракат андин воқий бўлди? Ва бу жиҳатдин неча минг мусулмон талаф бўлди. Эмди мундин сўнг мундоқ ишлар қилмасун ва бурунғу аҳд ва мувофиқат тариқасини ўзга қилмасун», деб буларга айтти. Ва дедиким: «Сизларни қўярбиз. Бориб анга бу сўзларни дегайсиз» (38). Сўнг асирлар қўйиб юборилади.

Шундан сўнг Эрон жануби — Форсда ва унинг пойтахти Шерозда юз берган аҳвол Амир Темур дикқатини жалб қилади.





Бу воқеалардан бир оз аввал Форс ҳокими Шох Шужоъ вафот этади. Ҳлиман аввал у ўгли Зайналобидинни ворис этиб тайинлаганди ва ворисини Амир Темурга тақдим этиб, мактуб йўллаганди (39).

Бир оз муддатдан сўнг Амир Темур Шерозга, Зайналобидиннинг хузурига ўз одамни юбориб, унга ушбу сўзларни етказтиради: «Бизнинг химматимиз ул турурким, асари андин зоҳир бўлғайким, барча олам йироқ ва йақиндин эшитгай ва билгайларким, дўстлукни нечук қилмоқ керак ва сенга йақин келиб тушуб туруббиз. Таваққуф қилмай бот келгил, то иноят ва шафқатларимизни кўруб қайтқайсенким, дўстлар шод бўлуб, душманлар ғамгин бўлғайлар» (40).

Зайналобидин Амир Темур хузурига келиш ўрнига унинг элчисини ҳибсга олди. Шундан сўнг 1387 йил кузида Амир Темур Форс вилоятига юришни бошлади. Унинг йўли Исфаҳон орқали ўтарди. Шаҳарга яқин келиб, у лашкарларни саф торттирди. Шаҳарнинг барча аъёнлари ва Зайналобидиннинг қариндошлари Амир Темурни кутиб олишга чиқдилар. Амир Темур улар билан бирга шаҳарни зиёрат қилди. Ўрдуга қайтиб келганидан сўнг шаҳар дарвозаларига қоровул қўйишни, шаҳардаги барча от ва туяларни, қурол-аслаҳани олиб, девонга топширишни буюрди. Шундан сўнг шаҳар аъёнлари «тақа хақи» деб аталган омонлик моли тўлашни бўйинларига олдилар. Кейин Амир Темур шаҳар маҳаллаларини бекларига улашиб, солиқ йиғдирди ва шаҳар аъёнларини ўрдуга сақлаттирди.

Кечаси Али Кўчапо деган шахс бир тўда каллакесарлар билан келишиб, солиқ йиғувчи муҳассилларни ўлдира бошлади. Уларнинг кўплари ўлдирилди, баъзилари қочди. Шаҳарга ўз иши билан кирган баъзи аскарлар ҳам ўлдирилди. Баъзи муҳассиллар ва аскарларни шаҳарликлар ўз уйларига беркитдилар. Ҳаммаси бўлиб уч минг киши ўлдирилган эди. Ўша кечасиёқ бу ҳақда Амир Темурга хабар етказилди.

Бутун лашкар, жумладан, Амир Темурнинг ўзи ҳам ғазабга тўлган эди, аскарлар қасос талаб қилдилар. Шундан сўнг шаҳарни қатли омга берилди: фақат икки диний арбобнинг ва муҳассиллар билан аскарларни беркитган шаҳарликларнинг уйлари дахлсиз қолдирилди.

Одатда, ҳозирги замонда Исфаҳон воқеасига баҳо бериб, Амир Темурни қонхўрликда айблайдиган тарихчилар негадир ўша қатли омнинг асосий сабабчилари ҳақида эслашни лойиқ топмайдилар. Би-

ринчидан, бу қатли омнинг асосий сабабчилари Зайналобидин эди, чунки у отасининг васиятига зид равишда Амир Темурга нисбатан фитнакорлик билан унинг элчисини ҳибсга олди. Иккинчидан, Амир Темурнинг уч минг одамни ўлдиришнинг ташаббускорлари айбдор эди. Л.Н.Гумилев ибораси билан айтсак, Амир Темур ифвогарлардан қасос олаётган ва гомостатларга нисбатан passiонерлик қувватини сарфлаётган йирик шахс, суперэтноснинг вакили эди. Шунинг учун ҳозирги замонда унга айб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Амир Темур Исфаҳондан сўнг 1387 йил декабрининг ўртасида Шероз яқинидаги Тахти Қорача деган мавзегга келиб тўхтади. Исфаҳон воқеаси ҳақида эшитган атроф вилоятларнинг кўп ҳокимлари хавфсираб Амир Темурнинг хузурига келадилар ва унинг номи билан хутба ўқийдилар. Фақат Зайналобидин ундан ўзини олиб қочади (41).

1388 йил январининг охирларида Амир Темур Шерозда турганида Мовароуннахрдан хавотирли хабарлар келади.

Амир Темур йўқлигида, фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамиш Мовароуннахрга қатта куч юборади ва Сабронни қамал қилади. Бу ҳақда эшитиб Андижондан шахзода Умаршайх ўз кучлари билан Сабронга келади. Самарқанд аскарлари ҳам бу ерга етиб келади. Сўнг юз берган жангга Тўхтамишнинг аскарлари енгади ва мамлакатнинг ички ҳудудларига қиради. Дашт кучлари Хоразм орқали Бухорога келиб, унинг атрофларини вайрон қиладилар. Кейин улар Кеш вилоятига келиб Занжир Саройни ёндирадилар ва Қарши, Хузор орқали Амударёгача ўтадилар.

Шунингдек, Амир Темурнинг йўқлиги ҳақида эшитиб, Мўғулистондан амир Анка Тўра Ташкентни талайди ва Фарғона водийсига — Андижон тарафга йўл олади. Андижонда шахзода Умаршайх унга қаттиқ қаршилик кўрсатади ва уни тоғ тарафга чекинишга мажбур қилади.

Амир Темур Шероздалигида 1388 йил февралининг бошларида бу воқеалар ҳақида эшитади. Шунда у шошилинч равишда Форс вилояти шаҳарларини Музаффарийлар ўртасида тақсимлаб, 9 февраль кунини Мовароуннахр тарафга йўл олади ва тезда Самарқандга етиб келади. Унинг келгани ҳақида эшитган душманлар ҳар тарафга қочади: мўғулистонликлар ўз юртига кета-

Амир Темур муваффақиятларининг сабаби, эҳтимол, унинг қабилавий элементларни Темурийлар салтанатининг асоси (ёки ўқ қисми) бўлган Марказий Осиёда ўзи мунтазам ёйган мусулмон маданияти элементлари билан уйғунлаштириш тажрибасидадир...

Саид Жамолiddин



ди, Тўхтамиш аскарларининг бир қисми ўз юртига кетиб, яна бир қисми Хоразмда, Гурганчда қолади.

Бу эса Амир Темурни 1388 йил эрта баҳорида Хоразмга бешинчи юриш қилишга мажбур этади. У Гурганчга яқин келиб, аҳолисини Самарқандга кўчиришни буюради. Бу ишни Амир Темур гурганчликлар Тўхтамишнинг аскари таркибида бориб Занжир Саройни ёндиришда иштирок этганлари ва душман тарафида бу ишларда қатнашиб, унга нисбатан хоинлик қилганликлари учун қасос сифатида қилган эди. Бироқ уч йилдан сўнг Амир Темур фармони билан аҳоли қайтариб келтирилди.

Амир Темурнинг Хоразмга юриши пайтида орқа тарафда Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак — Соҳибқироннинг куёви, қизи Султонбахт бегимнинг эри ўз қайночасига қарши исён кўтаради. Қўзғолон Мовароуннахрнинг жанубига тарқалади, лекин тез бостирилади.

1388 йил охирида Тўхтамиш Дашти Қипчоқдан Сирдарёнинг чап соҳилидаги Ачук Зарнукни эгаллади. Амир Темур дарҳол лашкар тўплаб, душман устига юрди. Бироқ 1388/1389 йил қишининг қаттиқ совуқлиги туфайли бир оз кутишга мажбур бўлди. 1389 йил баҳорида иккала тарафнинг кичик гуруҳлари ўртасида айрим тўқнашувлар бўлди.

Барча буюк саркардалар сингари Амир Темур ҳам ўз аскарларининг машаққат ва зафарларини баҳам кўрарди. Улардан қатъий интизомни талаб қилар, лекин мажруҳлигига қарамай, уларга бош бўлиб жанг қилар эди. Ҳеч вақт ўз жангчиларини ёлғиз қолдирмасди. У лавозими, бойлиги, ирқи, динидан қатъи назар барча учун адолат бир бўлишини ниҳоятда синчковлик билан кузатиб борар эди. ...Бундай ҳукм чиқариш одати, ўз даври энг яхши саркардасининг жасорати ва шухрати сингари, унинг жангчилар ўртасидаги эътибори ва таъсирининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Керэн Люсьен

Тўхтамиш чиғатойлар лашкарини чалғитиб чўлга киритиш, сўнг пистирмадаги кучлари билан зарба бериш мақсадида ўз лашкарини атайин «қочган қилиб кўрсатмоқчи бўлади». Лекин Соҳибқирон беклари бу найрангга учмайдилар ва Амир Темурни душманни таъқиб қилишдан тўхташиб, Мўғулистонга Туғлуқ Темурнинг ўғли Хизр Хожaxonга қарши юришга, сўнг Тўхтамишга қарши юришга кўндирадилар.

1389 йил ёзида Амир Темур Мўғулистонга бешинчи марта юриш қилади. Чиғатойлар бу гал душманнинг қочаётган гуруҳларини қувиб, мамлакатнинг анча ичкари ҳудудларига қирадилар. Лашкар Балхаш қўлининг шарқидан бориб, Эмил Ғучур мавзеига, Зайсан қўлидан жануброқдаги Чигучак шаҳри яқинига келиб тўхтади.

Соҳибқирон Амир Жаҳоншоҳ ва Уч Қаро Баҳодурни ўттиз минг кишилик ас-

кар билан шарққа юборади. Улар Иртиш дарёсидан ўтиб, Олтой тоғи этакларигача етадилар ва орқага қайтадилар. Сўнг Амир Темур жануби-ғарбий йўналишда юриб, Қорашардан шимолроқдаги Юлдуз ўтлоғида тўхтади (42). Шу ерда Амир Темур лашкарини 20—30 минг кишилик гуруҳларга бўлиб, Мўғулистоннинг турли вилоятларига юборади.

Амир Темур аскарлари Хизр Хожaxonнинг чекинаётган гуруҳларини қувлаб, бутун Шарқий Туркистонни галвирдан ўтказгандек айланиб чиқдилар. Улар Қорахожа, Қораорт, Шарғулук, Сулғанлик, Кўкёр ва бошқа шаҳарлардан ўтиб, Хитой чегарасига бевосита яқинлашдилар ва асл Мўғулистоннинг ғарбий ҳудудларига кирдилар (43).

Шу билан бирга Юлдуз ўтлоғи Амир Темур қадами етган энг шарқий мавзе бўлди. Амир Темур бу юришдан 1390 йил бошида қайтди. Хизр Хожaxonнинг ўзи қўлга тушмаган бўлса ҳам, бу юришда эришилган қатор ғалабалар мўғулларнинг кучини анча синдирди.

1390 йили Амир Темур Самарқандга қайтиб келгач, Мўғулистонга, Қамаридинга қарши 20 минг кишилик аскар юборди. Юриш жами олти ой давом этди (44).

1390 йил охирларида Амир Темур Тўхтамишга қарши биринчи асосий юришга тайёргарлик кўради. Ўша йил охирида Тошкентга келгач, Темур қирқ кун бетоб ётади. Соғайгач, 1391 йил 19 январида йўлга чиқади. Йўлда Ўтрор яқинида Қаросмон деган жойда тўхтаганида Тўхтамиш элчилари келиб, тўққиз от ва бир шунқорни тортиқ қиладилар ва унинг номидан ушбу сўзларни айтадилар: «Ул хазрат менинг била ато-ўғулдек эрди ва валинеъмат турур. Ва бу шафқатларким, менинг ҳаққимда алар қилиб турурлар, ҳеч ато ўғулга қилмас. Агар йиллар шукур десам, хануз айтмамиш бўлғаймен, мендин хабарсиз бир неча йамон бадбахтлар беадаблик қилғон турур ва ул воқибалардин хабарим йўқ турур. Эмди умид ултурурким, ул хазрат лутфу карам била бу ёзуқлардин кечиб, афв қилғайлар» (45).

Бу бир айёрлик нағмаси бўлиб, у Амир Темур юришининг олдини олиб, вақтдан ютиш учун қилинган эди. Соҳибқирон буни тўғри тушуниб, Тўхтамиш таклифини қатъиян рад этди: «Ул андаким захм еб бизга келиб эрди, барча оламга маълум турурким, ани фарзанд деб риоят қилиб, йароғлар бериб, черик тортиб, ул қишда ани миқдори от ва тева зойиъким бериб, Ўрус-



хондин элини олиб, анга бериб, подшоҳлик тахтида ани ўлтурғузиб, Жўчихон улусида хон қилдурдум. Агарчи Худойи таоло анга берди, аммо мен сабаб бўлдум. Ва ул менга ўғулдек эрди ва мен анга атодек. Эмдиким, давлатқа етти ва азимат ва шавкат пайдо қилди, ул ҳақларни унутиб, биз Эрон вилоятига борганда келиб бизнинг вилоятимизни чошиб, мусулмонларни ташвиш бериб турур. Бу қилигини ўзумга келтурмадим ва дедим: «Бу иш нодонликдин қилмиш бўлғай, ёниб, тавба қилғай». Аммо ул давлатқа андоқ мағрур бўлғон эрмишким, бу ишдин анга ҳеч парво қилмай, вилоятимизга қасд қилғон эрмиш. Ва киши йибариб эрдиким, биз Эрондин вилоятимизга келдук, келган кишиси бизнинг хабаримизни топғач қочтилар. Эмдиким билиб турурким, биз анинг сори борурбиз, ажзу ниёз йўлидин кириб, узрхоҳлук қиладур. Бас, андин неча қатла йамон ишлар воқия бўлди. Эмди анинг сўзига ишонса бўлмас ва бу юрушдин қайтмасбиз ва анинг сори борурбиз. Кўргайбизким: Тангри таборак ва таоло кимга нусрат берур. Ва агар сўзи чиндур ва ярашғали кўнгли бор бўлса, Алибекни бизга йибарсун, то ул келиб, беклар била кенгашиб, ҳар на маслаҳат кўрсалар, андоқ қилғайбиз» (46).

Шундай бўлса ҳам Амир Темур Тўхтамишхон элчиларини яхши кутиб, уларни меҳмон қилди, сўнг улар билан бирга йўлга чикди. Апрель ойи бошларида чигатой лашкари ҳозирги Марказий Қозоғистондаги Кичик тоғ ва Улуғ тоғга етди.

Сўнгра Темур лашкари билан шимолга юриб, Тобол, Ёйик (Урал) ва Ййик (Ик) дарёларидан ўтди.

Икки лашкар ўртасидаги жанг 1391 йил 18 июнь душанба куни Қундузча (ҳозир Самара билан Чистополь оралигидаги Кондурча шаҳарчаси) мавзеида юз берди. Амир Темур биринчи марта ўз лашкарини шу пайтгача қўлланмаган «етти қўл» тартибида тузди (47). Султон Маҳмуднинг номи билан ораста қилинган ва марказга қўйилган қўлга бевосита амир Сулаймоншоҳ қўмондонлик қилди. Бу қўлнинг кетидан Амир Темурнинг иккинчи қўли туради, унга бошчилик қилиш Муҳаммад Султон мирзога буюрилди. Унинг ортидан бевосита Амир Темур ихтиёрида бўлган 20 қўшун эҳтиёт қисм қилиб жойлаштирилди. Барангарга Амироншоҳ мирзонинг қўли қўйилди, амир ҳожи Сайфуддиннинг қўли қунбул-қанот қўриқчиси вазифасини ўтади. Жувангарга Умаршайх мирзонинг қўли жойлаштирилди. Унга қунбул тарзида Бер-

дибек, Сари Буға раҳбарлигидаги қўл турди. Бу қисмга ҳам жувангар, ҳам қўлни қўриқлаш вазифаси юклатилди. Марказ — қўл манғлай — авангард билан таъминланди. Қўлнинг орқа томонида олий бош қўмондон, яъни Темурбек қароргоҳи ўрнатилган чағдавул жойлаштирилди. Шу ерда бўлган эҳтиёт кучлар жангнинг тақдири Темурбек фойдасига ҳал бўлишида катта роль ўйнади.

Қарши тарафда Тўхтамишхон ҳам ўз сипоҳини беш қўлга бўлиб, уларга хонзодалардан Тош Темур ўғлон, Бек Бориқ ўғлон, Элтиқмиш ўғлон, Али ўғлон, Жўжихон улуси умаросидан Алибек, Сулаймон, Қўнғирот, Наврўз, Оқ бўта, бийлардан Айсак, Ҳасанбек, Қўка ва Ёғли сингари Дашти Қипчоқнинг номдор саркардаларини бошлиқ қилиб, саф чекиб турарди.

Мутахассислар айтилганлардан келиб чиққан ҳолда Темурбек ва Тўхтамишхон қўшинларининг жанговар тартиби — ясолини 74-бетда кўрсатилгадек схемалаштирадилар.

Амир Темур йирик жанг олдидаги одати бўйича лашкарни саф торттириб қўриқдан ўтказди ва руҳий ҳужум тактикасини қўллади: лашкарига чодир ва ўтовларини тутишни буюради. Ўзи эса бу пайт икки ракаат намоз ўқиб олади. Бунинг ҳаммаси душманни ҳайратда қолдириб, донг қотириб қўяди. Ундан ташқари, у ерда ҳозир бўлган Саййид Барака бир ҳовуч майда тош териб, «Йағи (душман) қочти!» деб, душман тарафига улоқтиради.

Биринчи ҳужумдаёқ Тўхтамишнинг ўнг қўл лашкари чекинади ва қочади. Шундан сўнг аста-секин бутун лашкари чекина бошлайди. Тўхтамишнинг ўзи Амир Темур лашкарининг тартибини бузмоқчи бўлиб, ўз қўшинлари билан бу тараф сафига уради ва чигатойларнинг орқасига ўтади. Лекин лашкарининг чекинганини эшитиб, Тўхтамиш Волга тарафга қочади.


Шундан сўнг чигатойлар чекинаётган душманни қувиб, чопадилар ва енгадилар. Душман тамомила енгилиб, тор-мор бўлган эди. Ғолибларнинг қўлига шу қадар кўп асирлар ва ўлжа тушган эдики, лашкар ўрдуси бениҳоя кенгайиб кетган эди. Шарафуддиннинг ёзишича, «андоқ қалин черик бўлуб эрдиким, агар киши ўтагини йитирур (йўқотса) эрди, бир ойда, икки ойда топмас эрди» (48).

Амир Темур 1391 йил октябрида Тошкентга келиб, келаси йил март ойида Самарқанд томонга йўл олади. Йўлда у Ақар чўлида тўхтаб, «Султон Маҳмуд Ғозий ...





Тўхтамиш армияси



Амир Темур армияси

нинг вилоятини», «Газнин, Кобул ва Зобулистонни то Хинд ҳаддигача ва Қандаҳор ва ул вилояту навоҳийларни то Синд суйигача амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга номзод қилиб берди» (49).

Амир Темур «уч йиллик юриш» пайтида 1388 йили Форсда бўлганида Эрон жанубидаги ерларнинг фатҳи Тўхтамышнинг Мовароуннаҳрга ҳужуми туфайли тўхтаб қолган эди. Амир Темур хабаргирлари Музаффарийлар орасидаги қирғинли низодан уни оғохлантирган кўринади. Амир Темур эса Шох Шужоъ васиятига кўра, уларнинг хомийси эди.

Шуларнинг барини эътиборга олган Амир Темур янгидан куч тўплаб, 1392 йил 7 июнида Эронга «беш йиллик юришга» чиқади. Бироқ Бухоро яқинидаги Жўйизар мавзеига келганида, 23 июнь куни тоби қочади. Мажбурий тўхташ бир ой давом этади ва лашкар 27 июль куни яна йўлга чиқади.

Бу юришда Амир Темур аввал Каспий денгизига жанубдан туташган Омул ва Сори вилоятларини забт қилади. Гап шундаки, бу вилоятларда шиъа мазхабидаги саййидлар яшаб, улар азонни ва жума намозини тан олмас эдилар. Бунинг устига сунна мазхабидаги Амир Темур бу ерлардан ўтаётганда унга нисбатан риёкорлик қилдилар. Лекин улар тезда бўйсундирилади.

Шундан сўнг Амир Темур жанубга, Форс томонга йўл олади: у ерда Шох Мансур Шох Шужоънинг васиятига зид равишда зўрлик билан ҳокимиятни ўз қўлига олганди. Шох Мансурнинг тақдири 1393 йил апрелидаёқ ҳал қилинган эди. Сўнгра Амир Темур Музаффарийлар уруғини сиёсий саҳнадан узоқлаштиришга қарор қилади. Уларнинг ҳокимияти ҳақида Яздий шундай хабар беради: «Муҳаммад Музаффарнинг авлоди муддати эрдиким, бу вилоятларда подшоҳлик қилур эрдилар ва ҳар бири бир шаҳарда ҳоким эрдилар. Ва ҳар бирига даъвои ул эрдиким, «Вилоятлар барча менга тааллуқ бўлғай». Ва бовужуд улким, бир-бирига қариндош эрдилар, доим бир-бирига қасд этиб, душман эдилар. Ва агар бириким, бировининг эликига тушса эрди, ани ё ўлдуруб, ё кўр қилур эрдилар, ато ўғул ва ўғул ато билан ўшул тариқ эдилар ва аларнинг жиҳатидин раёоят захматда эрди» (50).

Шох Мансур ҳукмронлиги тугатилиб, Форс вилоятида ҳокимият Амир Темур қўлига ўтганидан кейин унинг ҳузурига саййидлар, қозилар ва бошқа арбоблар келиб, ундан ҳокимиятни Музаффарийларга қайта бермаслигини ўтиниб сўрайдилар:

«Умидимиз сиздин ултурурким, бу вилоятларда йана Оли Музаффарни қўймағайсиз. Ва агар йана буларга бу вилоятларда даҳл берсангиз, вилоят бузулур ва фақир мискин хароб бўлур» (51).

Уларнинг илтимосларига биноан Форс вилоятини Амир Темур шахзода Умаршайх Мирзога беради, шаҳарларда эса ўз бекларини қўяди. 1393 йил июнида «Соҳибқирон Озарбайжон мамоликени (ва Рай) ва Дарбанди Боку ва Ширвонот ва Гилонотни тавобий ва лавоҳиқлари била Румғача амирзода Мироншоҳга иноят қилди» (52).

У пайтлар Ироқи Арабни Султон Аҳмад Жалойир ибн Увайс бошқарарди. Мазкур воқеалардан ўн йил бурун у Табризга ҳужум қилган, бу ердан уни Амир Темур қувганди. Энди Амир Темур уни жазолашга қарор қилади ва 1393 йил августида Бағдод тарафга йўл олиб, сентябрь ўрталарида шаҳарга етади. Аммо Султон Аҳмад Амир Темур келишидан анча аввал гарбга қочган эди. Шаҳар жангсиз олинади. Қочқиннинг кетидан таъқиб этувчилар юборилади.

Ироқи Араб Амир Темур қўли остига ўтганидан сўнг атрофдаги қўшнилари билан, биринчи галда Миср билан, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш керак эди. Бу ҳақда Яздий бундай хабар қилади: «Соҳибқироннинг ҳиммати ул эрдиким, йўллар анинг аййоми давлатида эмин бўлғай ва худой бандалари хар сориким борсалар, аларга ташвиш ва тараддуд бўлмағай, фароғат била бориб келғайлар. Мунга қўб саъий қилур эрди. Бу жиҳатдин Шайх Содаким, машҳури рўзгор эрди, соҳибқирон ани элчиликка Миср вилоятига Барқуқ шаҳриёр қошига тухфалар била йибарди. Ва сўзи бу эрдиким:

«Мундин бурун подшоҳларким, Чингизхон наслидин эрди, алар била муҳолифат қилур эрмишлар. Бу жиҳатдин Шом элига ва андағи вилоятларга ташвиш тегар эрмиш. Охирда аларнинг ароларида яраш бўлуб, вилоятлар эмин ва амон бўлган эрмиш. Ва подшоҳ Саъид Абу Саъидхон, анара Аллоҳ бурхонуҳу, раҳмати Ҳаққа кетиб, Чингизхон наслидин Эрон вилоятида подшоҳи қолмади. Ва ҳар мамлакатда бир киши бош чиқариб, эл-улус ва вилоятлар хароб бўлуб эрди. Бу маҳалда ҳазрат Ҳаққ иноятидин Турон ва Эрон мамлақати Ироқи Арабгача бизга мусаххар бўлди.

Амир Темур ўзини жангнинг энг қийин жойларига ташлаб ва хатарли ҳужумларга раҳбарлик қилиб, жасурлик ва темир иродани намоён этди. Унинг матонатлиги ва қатъиятлиги жанг вақтида, қўшнилари идора қилиш саноатининг таъсирчанлиги ҳамда камончиларнинг маҳорати сингари, музаффарият қозонишда кўпинча муҳим аҳамият касб этди.

Хильда Хукхэм



Эмди мусулмонларнинг некхоҳлиги бу турурким, ҳамсоғлиқ ҳаққини риъоят, аромизда бориш-келиш бўлғай ва икки тарафдин доим элчи бориш-келиш қилғай. Ва бир-биримиздан хабардор бўлғайбиз, то йўллар омон бўлуб, мусулмонлар фароғат билан бориб келгайлар ва эл ичида осойиш ва фароғат бўлғай. Вассалому аъло ман-ит табаъал худо. Вал ҳамду ли-Ллаҳи Раббил ʔаламайин» (53).

Бу элчилар Қоҳирага 1393 йил кузида юборилган эди. 1393 йил охири ва келгуси йилнинг биринчи ярмида Амир Темур Шимолий Ироқни фатҳ этиш билан машғул бўлди.

XIV аср охирига келиб ўз хомийсига нисбатан кўрнамақликни одат қилиб олган Тўхтамиш Амир Темурнинг хавфли душманига айланиб қолди.

Шундай бўлса-да, Амир Темур қон тўкилишининг тарафдори эмас эди. Ишни тинч йўл билан битириш мақсадида у Тўхтамиш ўрдусига устомон ва доно сиёсатдон Шамсуддин Олмалиғийни элчи қилиб, мактуб билан юборади. Мактубда Темур Тўхтамишни ақллиқка, бўйсунуш ва тобелиқка чақиради ва шу ҳолдагина аввалги дўстлик тикланиши мумкинлигини таъкидлайди. Тўхтамиш аввалига ярашишга мойиллик билдиради. Лекин Тўхтамиш ўзининг нодон ва калтабин бекларининг маслаҳатига қулоқ солиб «Йўқ!» жавобини берди. Бу эса жангни муқаррар қилди.

1395 йил 28 февралда Амир Темур Тўхтамишга қарши иккинчи юришга чиқади. Ҳозирги Озарбайжон билан Доғистон чегараларидаги Самур дарёси бўйида, йирик жангдан олдин бўладиган одатига кўра, Амир Темур лашкарни кўриқдан ўтказди.

Бундан сўнг Соҳибқирон лашкари Севинч (ҳозирги Чеченистондаги Сунжа) дарёси бўйида саф тортади. Душман лашкари Тарак (ҳозирги Терек) дарёси бўйида эди. Лекин Тўхтамишнинг хабаргир қоровуллари Амир Темур лашкарининг салобатини кўриб, бу ҳақда Тўхтамишга етказадилар ва у чўчиб, бир оз шимолга чекинади ва шошилинч равишда яна лашкар тўплай бошлайди. 1395 йил 14 апрелида соҳибқирон лашкари

Таракнинг чап соҳилига ўтказиб, яна саф тортиради. 15 апрелга ўтар кечаси Тўхтамишнинг бир гуруҳ лашкари тунда ҳамла қилмоқчи бўлади. Лекин чиғатойлар соҳибқироннинг «Кеча бўлгонда ҳеч киши

ўз еридин тебранмагай ва ундашмасунлар ва шабихундин воқиф бўлсунлар (ўт ёқмасунлар)!» (54) — деган фармонига амал қилиб, шайланиб ноқора ва карнайларни чалиб турган эдилар, душман яқинлашолмай, қайтиб кетади.

Икки лашкар ўртасидаги жанг 15 апрель куни юз берди. Соҳибқирон бу гал ҳам лашкарини етти қўл тартибида тузди. Иккала тараф ҳам жангга «ноқора, нафир, кавс ва кўрга» чалиб кирдилар. Бир неча соат қирғинбарот жангдан сўнг Тўхтамиш енгилиб, чекинди ва қочди.

Амир Темур Тўхтамишни қувиб, Волгадаги Туратур кечигигача боради ва «Ўрусхоннинг ўғликим, оти Қўйричақ Ўғул эрди ва ҳазратнинг мулозиматида эрди ва ўзбек йигитлариким, алар таки мулозим эрдилар. анга кўшулуб, подшоҳона йароғ бериб, олтун била тиккон жарқон ва олтун камар бериб, Жўчихоннинг улусини анга берди ва ани хон қилиб Атил (Волга) суйидин кечуруб, улус сори йибарди. Бу шаҳздаи Жўчинажод ҳукм билан юруб, паришон бўлгон эл-улусни йиғиштурмаққа машғул бўлди» (55).

Тўхтамиш бу гал ҳам қочади ва Кама дарёсининг куйи оқимидаги Булғор ўрмонларига («Булар жанғалиға») беркинади.

Амир Темур душман аскарларини қувиб, Узи (Днепр) дарёсигача етади ва Минкермон қалъасини бузади. Душманнинг баъзи гуруҳлари Днепрдан ўтиб, Сарамдайга (Бессарабияга) ва Румдаги Ирақияга (Фракияга) қочадилар.

Сўнг Амир Темур Кавказолдини бўйсундирди, кейин Олтин Ўрданинг асосий таянчи бўлмиш Ҳожитархон ва Сарой томонга йўл олди. «Ва зафарпаноҳ черики Саройға етиб, Саройни олдилар, шаҳарға ўт солиб куйдурдилар ва эл-улусини таладилар ва асир этиб келтурдилар. Бу элга бу жазо андин бўлдиким, Соҳибқирон Ироқ ва Форсқа борғонида алар келиб, Мовароуннаҳр вилоятини бўш топиб, чобтилар. Ва Қазон Султонхон йасагон саройким, Занжир Сарой номи била машҳур турур, ул ерни хароб қилиб эдилар. Анинг учун бу шаҳри Сарой ҳам хароб бўлди» (56).

Бундан сўнг Амир Темур шимолдан қайтиб, Дарбанддан ўтади ва Шамоҳа яқинида Кура дарёси бўйида тўхтаб, Ширвон элини, яъни ҳозирги Озарбайжон мамлақати ерларини Шайх Иброҳимга беради. У ердан кўчиб, Оқтом (Агдам)да тўхтади, бу ерда Озарбайжон тахти ва мамлақатини Дарбанддан Бағдодгача ва Ҳамадондан Румгача шаҳзода Мироншоҳга беради ва

Яна уз тажрибада кўрдимки, ақлли душман жоҳилу нодон дустдан яхшироқ экан. Чин дуст улдирки, дустидан ҳеч қачон ранжмайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

«Темур тузуклари»



унинг бутун мулозимларини Хуросондан Озарбайжонга келтиради.

Амир Темур «беш йиллик юриш»дан 1396 йил августида қайтди. Ватанига қайтиши билан мамлакат ободончилиги ва халқнинг аҳволи билан қаттиқ қизикди. Бу ҳақда Яздий бундай хабар беради:

«Соҳибқирон аввал авлиёларнинг мазорлариға тавоф қилди ва фуқаро ва масокинларға кўб садақалар берди. Тавофдин сўнг келиб давлат тахтида ўлтурди ва тўй тартибиға машғул бўлуб, айшу ишрат қила бошлади...

Неча кун айш-ишрат қилгондин сўнг ўзга вилоятнинг тафаххусиға ва раёйо аҳволиға машғул бўлуб, йахши-йамондин сўрай бошлади. Ва содот ва уламо ва машойх ва сулаҳоким, мамлакатларда бор эрдилар, барчани чорлаб, инъом ва лутф қилди. Ва алардин фақиру мискиннинг аҳволларини сўруб, йахши тафаххус қилди. Ва ҳар кишига золимлардин зулм тегиб эрди, ул мазлумнунг додини золимлардин олди. Зулмдорлар ва мутағаллибларни банд қилиб, аёғлариға кунда солиб, бўюнлариға душоха солиб, йахши иззалар қилди. Ва баъзини ўлдуруб, хонумонини талон қилдурди ва уч йиллик молу харжини раёйоға бағишлади. Ва ҳар вилоятда бир йахши кишини йибардиким, «Раёйо аҳволидин хабардор бўлғай ва ҳар вилоятдаким фақиру мискин ва дарвешу мустаҳаққ бўлса йиғиштуруб, йиллик озук ва тўн ва кунгалак танабон ва кафш ва этук ва фўта ва дастор берсунлар ва қишлиқ ва ёзлик тўнлар берсунлар!» Бас, барча вилоятларнинг ақобиру ашрофлари ва раёйо ва фақиру мискинлари анинг давлатидин хуррам ва хушхол бўлуб, дуо айтур эдилар» (57).

Бундан кўриниб турибдики, Амир Темурнинг XIV аср шароитида халқ (раёйо) ва фақиру мискинлар аҳволи ҳақида қайғуриши ниҳоятда буюк инсонийлик фазилати эди. Фақат фаровонлик ва рафоҳият ҳукм сурган мамлакат ҳокимигина шундай хислатларга эга бўлиши мумкин эди.

Амир Темур Хитойга юришни мўлжаллайди. Шаҳзода Муҳаммад Султон бу юриш учун моддий база — озиқ-овқат ва ем-хашак тайёрлаши керак эди. Бу ҳақда Яздий ҳам гувоҳлик беради (58).

Амир Темур Хитойга юришга ҳозирлик қўриб турганида, беқлари уни Ҳиндистонга ботроқ юришга кўндирадилар. Шундай қистов билан 1398 йил март охирида Ҳиндистонга юришга чиқади. Соҳибқирон билан бирга Сароймулк хоним ва Улуғбек ҳам йўлга чиқади. Амударёдан ўтилган

нидан сўнг Хиротдан Шохрух ҳам ўз саркарлари билан келиб қўшилади ва отаси ҳамда фарзанди билан то август ойининг ўртасигача бирга бўлади.

Амир Темур Ҳиндистонга ўтишдан аввал Афғонистон шимолида Ҳиндукуш тоғларидаги эски Кофиристон (ҳозирги Нуристон) кофирлари билан бир неча ой жанг қилади. Сўнг августда Андароб орқали Кобулга келади. Шу ойнинг ўртасида Шохрухни Хиротга ва Улуғбек билан Сароймулк хонимни Самарқандга қайтариб, ўзи 20 август куни Кобулдан чиқиб, Ҳиндистон сари йўл олади. У 24 сентябрь куни Синд дарёсидан Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхон билан жанг қилгандан сўнг 1221 йил 21 ноябрь куни кечган еридан ўтади. У пайт дарёнинг чап соҳилидаги чўллар Жалолий чўли деб аталарди (59). Бу эса Амир Темурнинг ўзи Жалолиддин Хоразмшоҳнинг тарихи ва воқеаларидан хабардор эканлигидан, унинг даврида бу ерларда буюк Хоразмшоҳ ҳақида хотиралар тирик эканлигидан далолат берарди.

Дехли султони Султон Маҳмудхон Дехлавий билан жанг 1398 йил 17 декабрь куни юз беради. Ҳиндларда ўн минг отлик, қирқ минг йаёқ ва юз йигирма фил иштирок этади. Филларнинг ҳар иккала тиш суяқларига махсус қиличлар кийдирилган бўлиб, улар бу қилични суқишга ўргатилган эди. Ундан ташқари, филнинг устига кунгурали тахт ўрнатилган бўлиб, унда беш-олтита ўқ отқувчи ҳам ўтирарди. Ҳар икки филнинг орасида тўп ва тўпчи турарди. Филларга совут ҳам кийдирилган эди.

Соҳибқирон ҳам жангга муносиб ҳозирлик кўради. У лашкар ўрдусининг олд тарафига қамиш ва ёғочдан бир қўрғон ясаттирди. Сўнг лашкар атрофига ҳандақ қаздириб, хандақнинг чеккасига Ҳиндистон говмишларидан зич қилиб боғлатиб қўйди. Ундан ташқари, Соҳибқирон филларга қарши кўплаб темир тиканлар ясатди. Тўплар жиҳозлаб қўйилди.

Жанг узок чўзилмади. Душман чигатойларнинг ҳужуми ва сиқувига бардош беролмай, сочилиб кетди. Соҳибқирон намози пешинни Дехли дарвозаси яқинига келиб ўқиди. Жангда ўн олти яшар шаҳзода Халил Султон ажойиб қахрамонлик кўрсатди, у «пиллардин бир пилни олдида солиб, утидек (сигирдек) хайдаб, Соҳибқирон қошида келтурди» (60).



Ҳазрат Соҳибқироннинг ута катта талаб-истаги ҳеч қачон ҳукмдорлик доирасини кенгайтиришдану мамлакат худудини кўламли қилишдан бирор тун ё кун гафлатда қолиб мизғимаган ва ором олмаган.

Шарафуддин Али Яздий



Султон Маҳмудхон Дехлавий тўла маълумиятга учраб, кочди. Соҳибқирон ўн бир ой давом этган Ҳиндистон юришидан 1399 йил баҳорида қайтди.

Амир Темур Ҳиндистонда юриш пайтида: агар Самарқандга саломат қайтиб борсам, бир Жоме масжиди қурдираман, деб ният қилиб қўйган эди. Шунинг учун Самарқандга келибоқ масжид қуришни буюради. 1399 йил 10 майда масжид лойихаси чизиб тайёрланди ҳамда Форс, Озарбайжон ва Ҳиндистондан келтирилган икки юз тоштарош уста ишни ўша кунийёқ бошлаб юборди. Беш юз киши тош кесиш учун тоққа юборилган эди. Тоғдан тош келтириш учун Ҳиндистондан олиб келинган тўксон беш филдан фойдаланилди. Мамлакатда маълум бўлган барча меъморлар ва хунарамандлар ишга машғул эди. Ҳар ишнинг бошига бир шахзода билан бир бек муҳассил қилиб тайинланган эди, афтидан, бу мансабдаги киши шу ишни моддий таъминловчи бўлган.

«Соҳибқирон ғояти ихтимомидинким, — деб ёзади Яздий, — масжид ишида таъаллул бўлмағай, ўзи ҳар кун келиб, ишлагонлар бошига туруб, ихтимом қилур эрди. Ва аксари авқот Хоним мадрасасида ё Туман оқа хонақоҳида туруб додхоҳ сўрур эрди. Масжиди жумъада тўрт юз саксон устун тошдин йасаб, ҳар бирининг узунлиғи етти қари (3,5 метр) эрди, қўйуб йасадилар. Ва сакфини (шипини) тошдин йасадилар ва тўрт ёнида тўрт минора ясадилар. Масжид тугангандин сўнг Дилкушо боғига бориб, тўйлар берди. Устакорларга тўнлар кийдуруб, отлар миндурди» (61).

Бу пайт Табризда шахзода Мироншоҳ билан боғлиқ бир гулгула юз берганлиги ҳақида хабар келтирдилар.

Ўша кезларда Мироншоҳ ичкиликка қаттиқ берилган ва вақтини кўпроқ майхўр ҳамтовоклар, машшоқлар билан ўтказар ва қимор ўйнар эди. Ҳатто бир гал мағрур Хонзодани қаттиқ сўқди ва балки урди ҳам. Хонзода бунга чидолмай, ғазабда дарҳол Самарқандга йўл олди. Хонзода соҳибқироннинг хузурига айнан у Табриздаги аҳвол ҳақида нохуш хабар олганида кириб келади ва дейди: «Агар соҳибқирон анинг фикрини қилмаса, ул йағилик қилур. Моликим, ҳазратқа тааллуқ эрди, тасарруф қилиб, барчани бекларига улаштурди» (62).

Бу хабарлар Амир Темурнинг яна ғарбга юришига сабаб бўлиб, Хитой юришини тағин орқага сурди. Амир Темур етти йиллик яроғ билан аскар тўплашни буюрди.

Қисқа муддатда лашкар тўпланиб, жиҳозланди. Соҳибқирон Туронзамин мамлакатини бошқариб туриш учун Самарқандда набираси Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгирни ва у билан бирга йирик бекларни қолдирди. Ўзи эса 1399 йил 10 сентябрда «етти йиллик юриш»га чиқди. Лекин аввал тажрибадор лашкарбошилар Сулаймоншоҳбек ва Саййид Хожани илғор қилиб, Табризга юборди. Райда Хуросон лашкари билан бошқа йўлдан келаётган Шохрух отасига келиб қўшилди.

Рай ва Шаҳриёрдан ўтилганида Мироншоҳ Темур қароргоҳига келади. Лекин отаси уни қабул қилмай, фақат эртаси кун эрталаб унга киришга рухсат беради. Амир Темур у билан гаплашмайди ва унга рўйхуш бермайди. Шу аснода шахзоданинг ишини Шохрух бошчилигида амирлар Темур Хожа, Оқ Буға ва Жалол ал-Ислом тафтишига тоштиради. Улар Табризга келиб, Мироншоҳнинг ноиблари ва муҳассилларини ҳибсга оладилар ва девон дафтарларини талаб қиладилар. Тафтишдан маълум бўлишича, шахзода подшоҳ девонига тегишли бир неча йиллик «дуданга» молини исроф қилиб юборган экан. Клавиҳонинг хабар беришича, Амир Темур Мироншоҳни қатл этмокчи эди, «лекин унинг учун бутун қариндошлар ва беклар сўраб, шундай тиришдиларки, Темурбек уни кечириб, аввал ўзи берган ерларидан ва мулкларидан маҳрум қилди ва уни қўриқлаган лашкарни ҳам олди» (63).

Ҳақиқатан, бу воқеалардан бир оз кейин Амир Темур Мироншоҳга нисбатан васиятини ўзгартиради.

Бу вақтда гуржилар қўшни мусулмон вилоятларига бот-бот ҳужум қилиб турарди. Бу хуружлар Амир Темурнинг қаттиқ қаҳрини келтирди. 1398–1399 йиллар воқеалари, агар Гуржистоннинг ёнида кучли давлат бўлмаса ва бу мамлакат ўз холига қўйиб қўйилса, гуржи князликлари ва подшоликлари бирлашиб олиб, қўшни ерларни босиб олиши мумкинлигини кўрсатди.

Амир Темур бу давлатнинг ҳужумлари олдини олиш мақсадида Гуржистонга юришлар қилади.

Озарбайжон, Гуржистон ва Шарқий Анатолиянинг бир қисми Темур давлатига қўшилганидан сўнг бу давлат Усмонли давлати билан қўшни бўлиб қолди.

1390 йили султон Боязид Марказий Анатолиядаги Караманлилар давлатини бўйсундирди. Шу орада Боязид Сивос ва Малатия шаҳарларини босиб олади.



Бу икки шаҳар олинганидан сўнг султон Боязид Амир Темурга тобе бўлган Арзинжон ва Арзирум шаҳарларининг ҳокими Тахуртандан мазкур шаҳарларнинг хирожини усмонлиларга юборишни, яъни уларга тобе бўлишни талаб қилади.

Тахуртан бу ҳақда Амир Темурга мактуб ёзади. Амир Темур султонни тартибга чақирмоқчи бўлади ва Мавлоно Шамсуддин Олмалиғий ёзган ушбу мактубни унга юборади: «Худой ул бандага раҳмат қилурким, ўзининг қадр мартабасини билгай. Ва ўз ҳаддидин аёғини узолмагай.

Букун бихамди Аллоҳ таоло рубъи маскун мамолики бизнинг тахти тасарруфимизда турур. Ва оламнинг салотинлари бизга мутиъ турурлар. Ва офокнинг сардорлари бизнинг амру наҳйимизда кириб турурлар. Ва жаҳоннинг гарданкашлари барча бизнинг бўсағамизда бош қўйиб турурлар.

Назм:

*Ки ер юзи барча сипоҳим эрур,
Кўк устидаги Хур қулоҳим эрур.
Жаҳон шоҳлари бандаи фармон менга,
Камина қулидур бу даврон менга.*

Ва сенинг аслу насабинг кемачи туркмонларга етар ва бу бизга равшан турур, мухтожи баён эрмас. Гурурни бошингдин чиқорғил. Бу чоққачаким сенинг вилоятингга таъарруз қилмадук, жиҳати бу эрдиким, эшитур эрдукким, сен фаранг кофирлари била ғазога машғулсен. Ва агар биз ул сори борсак, мусулмонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлғайлар. Зинҳор-зинҳорким атоларингнинг тариқаларини сақлагил ва аёғингни ўз ҳадингдин узотмағил, ўзунга мағрур бўлмағил. Вассалом» (64).

Бу мактубда Амир Темур ўзининг усмонли султондан тўла ҳарбий устунлигини ифода этган.

Ҳаддан ташқари шухратпараст Боязид мактубни ўқиб тутақиб кетган кўринади, буни унинг жавоб мактубидан яққол сезиш мумкин: «Муддати турурким кўнглумда турурким, анинг била урушқайбиз. Эмди баҳадд бўлдумким, чериким била анга борғаймен. Ва агар ул бери келмаса, Табриз ва Султонияғача борғаймен» (65).

Султоннинг жавоби Амир Темурнинг ғазабини қўзғотди ва у туркларга қарам Сивос шаҳрига ҳужум қилиб, уни тезда олди.

Боязид Йилдирим Сивоснинг Амир Темур томонидан олинганига аҳамият бермади. Шунда Амир Темур Малатияни ҳам олди.

Амир Темур лашкари билан Шом ва Мисрга қараб юрди.

1400 йил сентябрида Суриядаги Айнтоб ва Биҳишти қалъалари осонлик билан олинди. Энди гал Ҳалабга келганди. Мисрнинг мамлук султони бу қалъага бутун Шомдан кучларни йиғиб келганди. Шаҳар ўрта асрнинг энг мустаҳкам қалъаларидан бўлиб, унинг деворида икки қатор арава бемалол юриши мумкин эди. Ҳалаб икки кунлик қамалдан сўнг таслим бўлди.

Шундан кейин Ҳамо, Хўмс, Тараблус, Баалбак, Сайда ва Байрут шаҳарлари осонлик билан олинди.

1400 йили Амир Темур лашкари билан Дамашқ яқинига келди ва лашкарга хандақ казишни буюрди. Амир Темур бу гал ҳам ишни тинч йўл билан ҳал қилиш ниятида султон Фаражга элчи орқали мактуб юборди. Фараж мактубда билдирилган талабларни бажаришга мойиллик билдирди.

Иш гўё тинч йўл билан ҳал бўлгандек эди. Амир Темур бу орада лашкарини Дамашқдан шарқроқдаги Ғавда ўтлоғига кўчирмоқчи бўлди. Бироқ шаҳар ўрдусидаги аскарлар буни чекиниш деб ўйлади шекилли ёки фурсатни қулай топдими, ҳар қалай шаҳар кўнгиллилари билан бирга чигатой лашкарининг ортига ҳужум қилдилар. Шунда Амир Темур лашкарлари тўхтади ва дарҳол мудофаага ўтиб, жангга ҳозирланди. Сўнг шаҳарни ҳужум билан олишга киришди.

Дамашқ шаҳри олинганидан сўнг то Аккагача бўлган соҳилдаги шаҳарларни олиш буюрилди.

1402 йил баҳорига келиб, Қора Юсуф Туркман туфайли султон Боязид билан Амир Темур орасидаги муносабат янада оғирлаша боради. Амир Темур султон Боязидга мактуб юборади.

Орадан икки ой ўтса-да, жавоб келмайди. Шунда Амир Темур ҳужумга ўтишга қарор қилди ва бир зарба билан Шарқий Анатолияда Сивос яқинидаги Камох қалъасини олди. Шундан кейин Боязид элчилари султоннинг жавобини келтирдилар. Жавоб жуда қўпол тарзда ёзилган ва қалъанинг олинishi муносабати билан ҳақоратли сўзлар айтилган эди. Энди жанг шубҳасиз бўлиб қолди.


Сивос яқинидаги чўлда Амир Темур, одати бўйича, жангдан олдин лашкар кўригини ўтказди.



Ул бахтиёр Соҳибқироннинг маслаҳатлари, аниқ кўрсатмалари асосида шунчалик кўп ғаройиб хотиротлар ва ажойиб кечмишлар тартиб топганки, осмон қудратли донгдор султонлар ва комрон подшоҳлардан бирортаси ҳақида улардан ўнтадан биричаси ҳам ҳикоя қилинмаган.

Шарафуддин Али Яздий

Боязид Йилдирим қўшинининг жойлашиши



Амир Темур қўшинининг жойлашиши

Кўриқда султон Боязид элчилари ҳам хозир бўлди.

Лашкарлар саф бўлганидан сўнг икки тарафдан ноқора ва жанг карнайлари ча-линиб, буюк сурон солинди.

Амир Темур бу гал ҳам жангдан олдин-ги икки ракаат намозини қанда қилмади. Қоровул Боязид лашкари чарчоқ ҳолда келгани ҳақида хабар етказди. Амир Темур бундан моҳирона фойдаланиб, дарҳол от-лик сипоҳийларини жангга ташлади.

Жанг авжи қизиган пайтда Соҳибқирон бир баландликдан уни кузатиб туриб, душ-маннинг заифлашаётганини кўради ва: «Бир йўла от солсунлар!» — деб буйруқ беради. Яздийнинг ёзишича: «Қиёмат куни зоҳир бўлуб, бир сурон ва ғавво оламдин кўпдиким, харгиз бу даҳрдин мундоқ кун кўрмайдур эди. Малаклар фалакларда та-хаййур бармоғларини тишлаб, назорат қилур эрдилар» (66).

Бу жангда Соҳибқирон армияси ўзи-нинг анъанавий жанговар тартиби — ясол-да ҳаракат қилади. Сипоҳнинг қирқ кў-шин — қисмдан ташкил этилган Хумоюн маркази — қўлга Соҳибқирон бевосита қўмондонлик қилади, жуванғар лашкари Шохрух мирзо ва Халил Султон мирзо иқболи билан зийнат топади. Улуғ беклар-дан амир Сулаймоншоҳ, амир Ёдгор Анд-худий, Рустам Тоғай Буға, Суюнжак ба-ҳодир ва ўзга марду майдонлар амирзода-лар мулозиматида бўлади. Жуванғар хира-вулига мирзо Султон Хусайн, Али Султон тавочи ҳамда Мусо тайинланади. Баранғар аскарларига Амиршоҳ мирзо етакчилик қилади. Амир Шайх Нуриддин, амир Бу-рундук, Али Қавчин, амир Тахартан, Му-башшир хожи, хожи Абдуллоҳ Аббос, хожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Сан-жар, Умар Тобон, амир Шайх Иброҳим Ширвонийлар амирзода қошида туриб, хизмат камарини белларига маҳкам боғлай-дилар. Баранғар хиравулига Абу Бакр мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Қаро Усмон туркман, Таваккал барлос, Пир Али Сул-дуз сингари лашкарбонилар қўйилган эди.

Марказ — қўлнинг ўнг тарафида Тош-темур ўғлон, Умаршайх мирзонинг фарзан-ди Аҳмад мирзо, Шохсувор, Жалол бавур-чи, Тобтук, Юсуф мўғул, хожи Бобо сув-чи, Искандар, хинду Буға ва Хожа Юсуф сингари авён ва ашроф ҳамда саркардалар жойлашади. Қўлнинг чап томонидан Жа-лол Ислон, Таваккал қарқара, Али Мухам-мад, Шохвали, Жонибек, Тангрибермиш хожа, Мухаммад Халил, Шайх Хусайн ка-би баҳодирлар ўрин олади. Бу кучларга

ўзга қисмларга мададкор бўлиш вазифаси юклатилган эди. Марказ — қўлда армия-нинг асосий зафарпайкар байроғи қадалган эди. Қўшиннинг сафлари олдида Ҳиндис-тон юриши чоғида ўлжа қилинган ўттизта жанговар фил саф тортиб турар, уларнинг устида ўтирган нафтандозлар ва камонкаш-лар ҳар дақиқа ғанимга ўқ ёғдиришга тай-ёр эдилар.

Қарши тарафда Боязид Йилдирим Рум ҳамда Фаранг мамлакатларидан жамланган ҳадсиз черикига тартиб бериб, уларга ўзи-нинг энг ишончли кишиларини сардор қилиб, Соҳибқиронга зарба бериш ниятида турар эди. Рум қўшинининг олд қисмида султоннинг қайниси йигирма минг киши-лик фарангликлардан иборат лашкари би-лан саф тизиб турарди. Бу лашкар жангчи-лари бошидан оёғигача темур совутга чулганган, кўздан ўзга аъзолари кўринмас эди. Улар устидаги жавшан бандларига кулф солинган, то кулф очилмагунча совут ва дубулгани ечиб бўлмас эди.

Лашкарнинг жуванғарига княз Степан қўмондонлигидаги серб дружиначилари қўйилган эди. Черик қалби марказидан Бо-язиднинг ўзи ўрин олади. Ўғиллари Мусо, Исо ва Мустафони чағдавулга жойлашти-ради. Рум умаросининг бошқа кўзга кўрин-ган вакиллари ўзга амир ва подшолар би-лан ўзларига муқаррар бўлган ерларга ўрнашади.

Жанг муқаддимаси Мироншоҳ мирзо қўл остидаги баранғарнинг ғаним жуван-гарига берган кучли зарбаси билан бошла-нади. Серблардан ташкил этилган румлик-ларнинг бу қаноти мовароуннаҳрликларга матонат билан қаршилиқ кўрсатади.

Боязиднинг қисм қўмондонларидан би-ри амир Жаҳоншоҳ ва амир Қаро Усмон томонидан қилинган ҳамлага бардош бе-ролмай, ўз одамлари билан жанг майдони-дан юз ўгиради. Султон Хусайн мирзо бай-роғи остида тўпланган баҳодир суворийлар ҳам душманга қирғин келтиради. Соҳиб-қирондан жангга киришга рухсат олган Мухаммад Султон мирзо сўл қанотга мадад беришга отланади ва румликларнинг ба-ранғарига қўмак бериш учун ошиқаётган гуруҳ билан рўбарў келади. Икки тараф ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Оқибат амирзода сипоҳи ғолиб келади.

Умаршайх мирзонинг ўғли Пир Мухам-мад мирзо, Искандар мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва амир Шохмалик, мубориз аскар-лар билан илгари юриб, Рум черикидан кўп кишини қиличдан ўтказди. Шундан сўнг Соҳибқироннинг барча амирзодалар,





умаролар, нўёнларнинг биргаликда жасорат ва мардоналик кўрсатиб, Боязидга хужум қилиш тўғрисидаги ҳукми қисмларга ёйилади. Қўшиннинг баранғаридан Мироншоҳ мирзо, амир Жаҳоншоҳ, амир Шайх Иброҳим, Аббоснинг ўғли хожи Абдуллоҳ, амир хожи Сайфуддиннинг ўғли Султон Санжар, шунингдек, Шохруҳ мирзо, Халил Султон мирзо, амир Сулаймоншоҳ, Рустам Тоғайбуға ва ўзга номдор амиру беклар, уруш майдонининг шершикор қаҳрамонлари иттифоқ бўлиб румликларга ташланади.

Муҳаммад Султон мирзо ганим баранғари жойлашган ерни эгаллашга муваффақ бўлади. Боязид вазиятнинг бу тарзда жиддийлашганидан таҳликага тушиб, ўз баранғарига кўмакка келади ва мирзони эгаллаган жойидан суриб, ўзи у ерга жойлашиб олади. Черикнинг шикаст топган ўнг ва сўл қаног жангчилари султон атрофида тўплана бошлайди.

Кечаётган ҳолатни синчковлик билан кузатиб ва таҳлил этиб турган Соҳибқирон ҳамда падари бузрукворининг мулозими бўлиб турган Шохруҳ мирзо Боязид Йилдириш томон равона бўлади. Мироншоҳ мирзо, Султон Хусайн мирзо, баранғар ва жуванғарнинг сардорлари ва улуглари ҳам ўша томон от сурадилар ва султон ҳамда унинг қисмларини ҳалқага оладилар. Моҳир мерганлар томонидан ёғдирилган ўқ ёмғири румликларга катта талафот келтиради.

Шиддатли тўқнашув кескин ва узоқ давом этади. Ниҳоят, Темурбек қисмларининг қисувига бардоши қолмаган султон аскарлари чекина бошлайди.

Қуршовда қолган султон Боязид катта қийинчилик билан қутулиб, қочади. Амир Темур лашкари тўла ғалабага эришади ва Соҳибқирон ўрдусига қайтиб, парвардигори таолога беқиёс шукроналар қилади.

Султон Боязид устидан ғалабага 1402 йил 20 июлида эришилди.

Қочаётган султон Боязидни чифатой хони Султон Маҳмудхон қувиб етади ва банди қилади. Намози хуфтон пайти Амир Темур хузурига олиб келади.

Султоннинг қўл-оёқлари ечилиб, унга ҳурмат билан муомала қиладилар.

Амир Темур султон Боязид билан анча суҳбат қуради. Суҳбат асносида султон тавба-газарру қилиб, афв сўрайди ва умр

бўйи фарзандлари билан бирга Соҳибқирон хизматига тайёрлигини айтади.

Суҳбат охирида Амир Темур унга шохона тўн кийдиради. Султон Соҳибқироннинг лутфу карамига дуолар айтиб, ўғиллари Мусо билан Мустафонинг ҳаёт ё ўликлиги хақида хабар беришларини сўрайди. Соҳибқирон уларни топишга ваъда бериб, султонни муҳофаза қилиш учун атоқли бегини махсус қўяди.

Шундан сўнг Амир Темур ҳар куни султонни ўз хузурига келтириб, у билан суҳбат қуради ва кўнглини кўтаради.

Анқара яқинидаги ғалабадан сўнг Амир Темур лашкарини кичик гуруҳларга бўлиб, ҳар тарафга, то Ўрға, Эгей, Мармар денгизларигача юборади. Ўзи Қутаҳияда туради. У ердан икки гуруҳ элчиларни: бирини Истанбулга Византия императори хузурига мол ва бож учун, иккинчисини Фракияга, султоннинг қочқин ўғли Мусулмон Чалабий хузурига таслим бўлишини талаб қилиб юборади. Тез орада иккала гуруҳ элчилар ҳам қайтиб келдилар.

Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай хабар беради: «Бу маҳалда Истанбулга борган элчилар келдилар. Ва Такур алар била кишисини қўшуб йибариб эрди. Сўзи буким, «Ҳар неким ҳазрат соҳибқирон деб турурлар, миннат жонимга хизматда турубмен. Молу бож йибарурмен». Ва элчилар била қўб қизил тангалар била кумошлар ва отлар йибариб эрди. Соҳибқирон анга муқаррар бўлгон жузяни қабул қилдилар. Соҳибқирон аларга тўнлар кийдуруб, ижозат берди.

Соҳибқирон Булақ мавзеида етконда Мусулмонга боргон элчилар қайтдилар. Ва ул Шайх Рамазон отлиқ кишини, атоси қошида садр ва қози эрди ва вазир ҳам бўлуб эрди, ҳазрат қошида йибарди. Қўб пешкашлар била жониворлар ва отлар ва қизил тангалар ва рахту кумош келтуруб тортдилар. Ва сўзи бу ким, «Мен бир каминна хизматкорларингиздинмен. Ул ҳазрат атомни бағишлаб, ўз суҳбатида ўлтурғузуб, лутфу карам қилурлар. Мен не учун хизматда тақсир қилғаймен. Ҳар маҳалким, ишорати алайҳи бўлғай, таваққуф қилмай хизматда келгум турур». Соҳибқирон анинг сўзларидин хушхол бўлуб, анга хат битди: «Ҳар неким воқий бўлуб эрди, бўлди. Биз барчадин кечтук. Эмди керакким, ҳеч андиша қилмай бот келғайсен, то ародин шармандалиқ кетгай. Ва инояту шафқатимиздин баҳраманд бўлғайсен». Шайх Рамазонни олгун камар ва зарбофт тўн била ва олгун тож била сарафроз қилиб, ижозат бериб, Мусулмонга йибарди» (67).

Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим. саййидлари, уламолари, фузало ва машоихига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим. Уларга суюрғол. вазифалар бериб, маошларини белгиладим, ўша вилоятнинг улугларини ога-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, уз фарзандларимдек қурдим.

«Темур тузуклари»

Мазкур парчадан шундай хулоса чиқадики, Истанбулдан (Константинополдан) ташқари Византия императорига (Такурга) тегишли бўлган Эгей денгиздаги ороллар, Болқондаги Морея ва Болқоннинг усмондиларга қарам бўлган қисмлари ҳамда Фракия икки ярим йилга, яъни то Темур вафотигача унга тобе бўлган ерлар деб қаралмоғи керак.

Шуни айтиш керакки, Амир Темур ана шу юриш асносида 1402 йил 2 декабрида Эгей денгизи бўйидаги Измир қалъасини ҳам олди. Турклар бу мустақкам қалъани ўн йил қамал қилиб, ололмаган эдилар.

Ўша йил декабрида султон Боязиднинг ўғли Мусулмон Чалабийдан Шайх Рамазон ҳадялар билан яна элчи бўлиб келади ва Мусулмон Чалабий таслим бўлганини изҳор этади. Амир Темур барча ҳадяларни миннатдорчилик билан қабул қилади ва «Соҳибқирон лутфу карамидин қайсарзодага шафқат қилиб, Асрақияни (Фракияни) бўлгон тавобийи билан анга мусаллам тутуб, нишон битиб, ол тамға босиб, анга йибарди. Ва зарбофт тўн ва олтун камар ва эгар-югани олгунлук от ва мурассаъ тож йибарди. Ва элчисини ижозат берди. Ва иниси Иса Чалабийдин ҳам Қутбиддин отлик бир киши элчиликка келди. Ҳазратни кўруб, пешкашларини тортиб, арзадошти-ни ўқудилар. Анга тақи лутф ва марҳамат килди» (68).

Бинобарин, Амир Темур Мусулмон Чалабийга Фракияни туташ ерлар (тавобий) билан бирга махсус «нишон» бериб, унга ўзининг тамғасини босиши бу ерларни ўзига қарам ерлар қаторига киритганини билдиради.

1403 йил 9 мартда султон Боязид нафас қисиши ва хунақ (қон босими) касалидан вафот этади. Бу муносабат билан «Соҳибқироннинг муборак кўнгли ... қўб мутаалам бўлди ва муборак кўзидин ёш чиқиб йиғлаб: «Инна ли-Ллаҳи ва инна илайҳи рожибуна» («ҳақиқатан биз Аллоҳга тегишлимиз ва ҳақиқатан биз унинг олдига қайтамиз») ўқуди. Ҳазратнинг химматида бу эрдиким, Рум мамоликни тамом забт қилгондин сўнг Йилдирим Боязидқа бериб, йана ани тахти давлатқа ўлтурғузуб, қайтқай. Аммо тақдир хилоф этиб, Йилдирим Боязидни ўзга оламга элтти» (69).

Амир Темурнинг тўнғич ўғли Мухаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Мухаммад Султон ҳам аскар сифатида, ҳам лашкарбоши сифатида отасига ва, айниқса, бобосига ўхшаган эди. Лекин, бу йигитнинг улардан ортиқроқ бир хислати ҳам бор

эди — у китобатнинг моҳир устаси эди. Хуснихатда нодири замон эди. 1625 йили тарихчи ва сайёҳ Мутрибий Гўри Амирда Мухаммад Султоннинг қабри ёнида тўрт сандиқда унинг ўз қўли билан тилло сувида сулс билан ёзилган Қуръон ва унинг поралари нусхаларини кўрган (70).

Мухаммад Султон бир неча кун бетоб бўлиб ётгандан сўнг 1403 йил мартада вафот этди. Амир Темур учун бу огир мусибат эди. Бутун лашкар бир ҳафта қаро кийиниб мотам тутди.

Бу орада мамлук султони Носир Фараж йиллик мол ва хирож тўлашни бўйнига олиб, Мисрнинг Амир Темурга тобелигини тан олади.

1403 йил июлининг бошларида Амир Темур Кичик Осиёдан Гуржистонга келди.

Ўша йил октябрида Амир Темур Ширвонда Бойлақон шахрини барпо қилади.

Соҳибқирон бутун Эрону Турондаги олимлар, дин арбоблари ва давлат кишиларини Бойлақонга йиғиб, улкан мажлис уюштирди. «Ҳазрат Ҳумоюн хотириндин кечдиким, — деб ёзади Яздий, — боргоҳда мажлиси оммда номдор уламолар ва фузалойи тақвошиёрларнинг улкан йиғинида масоили динийнинг муаззимоти ва фарзларнинг муҳиммоти ва исломий шуруъдин билгай. Мубоҳиси шариф бўлуб, ҳар масала хусусида фойдали ва латиф сўзлар бўлди» (71).

Амир Темур 1403 йил охирида Қорабоғда ҳам Мухаммад Султоннинг вафоти муносабати билан таъзияга борган Саййид Барака, Термизнинг ховандзодалари Хожа Абдул Аввал ва Хожа Исомиддин, Хожа Афзал Кашший, Кеш шайхулисломларининг ўғиллари Абдул Ҳамид ва Абдур Раҳмон ва бошқа уламо ҳамда машойихлар иштирокида диний ва дунёвий масалалар бўйича суҳбатлар ўтказди.

Қишлоқ тугаганидан сўнг Амир Темур «етти йиллик юриш»дан қайтишга азм килди ва 1404 йил 26 мартада Самарқанд тарафга йўл олди. Аракс дарёсидан ўтиб, Наҳри Барлос анхори бўйидаги Нёматобод мавзеида тўхтади. Шу ерда «Улуғ тўй этиб, Хулуғонга тааллуқ улусни амирзода Умарға (Мироншоҳнинг ўғлига) берди ва нишон бериб, ол тамға бости. «Озарбайжон вилояти, Рум ва Истанбулгача ва Шому Мисргача анинг ҳукму фармонида бўлгай. Ва шахзодаларким, Ироқ ва Форсда турурлар, анинг сўзидин



У (Амир Темур) лашкарни бошлаб бориш ва ўлкаларни забт этиш самани эгаридан подшоҳлик ва ҳукмдорлик тахтига ҳам сафар чоғида кўтарилди. Ер юзи салтанати билан сафар вақтида Ҳақ давлатини қабул қилиб (видолашди) ва шоҳлик тахти Аллоҳнинг туганмас раҳмати тобути билан алмашди.

Шарафуддин Али Яздий



чикмасунлар ва анинг қурултойида ҳозир бўлсунлар!» (72).

Мазкур парчадан аён бўладики, фармонда эслатилган мамлакатлар ва ўлкалар, яъни Озарбайжон, Рум (Кичик Осиё), Истанбулгача, Сурия, Миср, Ироқ ва Форс Амир Темур салтанатининг таркибига кирган, чунки фармон унинг тамғаси билан тасдиқланган. Шуниси диққатга сазоворки, шахзода Умарга тегишли мулкларнинг умумий майдони 3 миллион квадрат километрни ташкил қилган.

Шундан сўнг жадал юриб, 1404 йил июлида Амир Темур Самарқандга келди.

Бу ерда «Соҳибқирони гитиситон раёйо ва хосс ва омм аҳволига машғул бўлуб, фақир мискинларга кўб садақалар бериб сийлади» (73).

Сўнгра Амир Темур ўзи солдирган Жоме масжидни бориб кўрди, унинг эшиги кичик ва торлигини кўриб, бошқа каттасига алмаштирди. Сўнг бу масжид рўпарасидаги Сароймулкхоним солдирган мадрасани кўрди ва девон амалдорлари ҳамда котибларидан Хожа Маҳмуд Довуд ва Мухаммад Жалдни йўл қўйган камчиликлари учун Кониғилда бўладиган тўйда осишни буюрди. Клавиҳо бу жазонинг гувоҳи бўлган эди (74).

1404 йил кузида Амир Темур Хитой юришига тайёргарлик кўради.

1404 – 1405 йиллар кишида Амир Темур Хитой томон отланганда қўшиннинг бир қисми Тошкентда қишлаган. Умуман, Амир Темур таржимаи ҳолида Тошкент билан боғлиқ диққатга сазовор саҳифалар бор. Жумладан, Соҳибқирон Тошкентда 1361, 1363 – 1364, 1365, 1390, 1405 йиллари бўлган. Тошкент шаҳри шимолдаги дашт ерлар билан деҳқончилик қилинадиган обод воҳалар чегарасида жойлашган муҳим стратегик жой бўлганлиги учун Амир Темур бу шаҳарга катта аҳамият берган. Тошкент 1368 – 1369 йилларда Амир Темурга тобе бўлганлиги ҳақида «Темур тузуклари»да айtilган.

«Мужмали фасихий» асарида тилга олинишича, 1390 йили Амир Темур Дашти Қипчоқ сари отланган ва Тошкентда қишлаган.

Амир Темур Тошкентда бир муддат бетоб бўлиб, тузалганидан кейин Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон билан бўладиган жангга жиддий тайёргарлик кўрганлиги ва бу ерда жуда катта қўшин тўплаганлиги аввалги саҳифаларда айтиб ўтилганди.

1390 йил декабрида Тўхтамишга қарши юришга тайёргарлик кўраётганда Тошкентдан Хўжандга бориб, Шайх Маслаҳат

мақбарасини зиёрат қилган уни таъмирлаш учун 10000 динори кўпшакий инъом этганди.

1391 йили Тошкентдан Шохрух ва амирзода Пир Мухаммадни Самарқандни идора этиш учун жўнатган. Амир Темур ўша йил кўкламида Тошкентдан чиқиб, Тўхтамишхон билан урушиш мақсадида Дашти Қипчоққа отланган. Тўхтамишхон мағлуб бўлиб, унинг улуси ва эли бутунлай тобе қилинган, Амир Темур Мироншоҳга Хуросонни идора этиш учун жўнашга Тошкентда рухсат берди.

Тошкентда бўлган кезларда Амир Темур бу ердаги азиз-авлиёлар қабрларини кўп зиёрат қилган. Зангиота мақбараси, Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Эскижўва бозори ёнидаги ҳозирги Қизилтут кўчасида авлиё Шоҳ Азиз масжиди ва бошқа ёдгорликларни курдирган (75).

Хитой юришига салтанатнинг турли тарафларидан икки юз минг отлик ва пиёда аскар тўпланди. Олиб бориладиган жанг тафсилотлари синчиклаб муҳокама қилинди. Самарқандни муҳофаза қилишни Аргуншоҳбекка ва хазинани Шайх Чурага топшириб, Амир Темур 1404 йил 27 ноябрида Самарқанддан чиқди ва ўзининг энг охирги ҳарбий юриши – Хитой юришига кетди. Бир неча кундан сўнг у Оксулотга келди.

1405 йил январида Дашти Қипчоқда санғиб юрган Тўхтамишнинг элчиси Амир Темур хузурига келди. Бу пайт Амир Темурдан ўнг тарафда Ўкдаи қоон авлоди Тайзи Ўғлон ва Жўжи авлодларидан Темурдош Ўғлон ва Жакра Ўғлон, чап тарафида Улуғбек, Иброҳим Султон ва Ийжал ўтирардилар. Элчи Тўхтамиш мактубини топширади. Мактубда у қилган гуноҳлари учун узр сўрайди. Хат ўқилганидан сўнг Амир Темур Хитой юришидан қайтганидан сўнг Тўхтамишга яна Жўжи улусини олиб беражагини ваъда қилади.

Аммо Амир Темурнинг Хитойга юриши худди Хоразмшоҳ Мухаммадниқидек амалга ошмади.

1405 йил 11 февраль куни Оксулотдан Ўтторга келган Амир Темур ўзини нохуш сеза бошлади, дарҳол иссиғи кўтарилди. Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий муолажа қилганига қарамай, аҳвол яхшиланиш ўрнига оғирлаша борди ва касалликнинг янги аломатлари пайдо бўла бошлади. Аммо ақлу ҳушида нуқсон йўқ эди. Шундай бетоблигига қарамай, лашкарнинг аҳволидан хабар сўрарди. «Аммо билдиким, бу иллатларга илож йўқ турур, қазага ризо бериб,





хотунлари била хосса улуг бекларини чорлаб, васият қилмоққа машғул бўлуб дедиким, «Таҳқиқ билурменким, рухнунг қуши бу қафас-қолипдин кетгуси турур, худойға паноҳ элтгим ва сизларни худойға топшурдум. Керакким, мен борғондин сўнг фарёду фиғон қилмағайсизким, ҳеч фойда қилмас. Ва мени худойдин омурзиш тилангиз ва рухумни фотиҳа ва дуо ва такбир билан шод қилғайсиз. Алҳамду ли-Ллоҳким, бугун Эрону Туронда кишига мажол йўқ турурким, мухолифат қилғай. Ва ҳазрат Ҳаққдин умидим борким, агарчи гуноҳим қўб турур, аммо бу жихатдин менга раҳмат қилғайким, золимларнинг эликларини мазлумлардин қиска қилибдурмен. Ва қўймадимким, менинг давримда қавийдин заиф куч егай. Агарчи дунёга вутуғи ва саботи йўқ турур, нечукким менга вафо қилмади, сизларга ҳам қилмағусидур.

Бале, дунё ишини муҳмал қўймангизким, сабаби ошуб ва мусулмонлар ташвишда бўлғайлар. Анинг учунким, киёмаг кунда сўрарлар. Эмди Пир Муҳаммад Жаҳонгирким, валийаҳд қилибмен ва ўрнумга қойиммақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлғай. Ва истиқлол ва тамкин била ўлтуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раъийат холидин хабардор бўлғай. Сизлар, керакким, анга муте бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузулмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай. Ва неча йиллик саъйи қилғоним зое бўлмағай. Ва андоқ керакким, сизнинг иттифоқингизни билиб, эл йироқдин ҳисоб олғайлар ва ҳеч кишига ул қувват бўлмағайким, мухолифат қилаолғай».

Бу насиҳатлардин сўнг дедиким: «Беклар ва бузурғлар барча ҳозир бўлуб, аҳд қилиб, онт ичсунларким, васият қилғон сўзумдин чиқмағайлар. Ва ўзга беклар ва сардорларким ғойиб турурлар, алар тақи ушбу дастур билан амал қилғайлар» (76).

Буюк салтанат асосчиси Амир Темур Гурагон ибн Амир Тарағай 1405 йил 18 феврал куни намозшом билан хуфтон орасида, «Тавҳид» калимасини такрор-такрор айтиб, ҳаётдан қўз юмди.

* * *

1360 йил бошларида Амир Темур 24 яшар йигитлигидаёқ давлат арбоби сифатида тугал шаклланиб, Мовароуннахрнинг сиёсий ва тарихий сахнасига чиққанида у вайронагарчилик, ўзаро жанжал, хоинлик ва келгиндиларнинг зўравонлиги билан юзма-юз келганди.

Мамлакат бутунлай тарқоқ холда бўлиб, бундан келгиндилар фойдаланиб, уни ўз қўлларига олган эдилар. Агар мамлакат шундай тарқоқ ва бўлинган холда қолаверса, у доимо келгинди душманларга қулай ўлжа бўлишини Амир Темур ўша пайтлардаёқ англаган эди.

У болалик чоғларидан тарихий ҳикояларни эшитавериб, ўтмишда унинг ватанида душманлар хужум қилишга журъат этолмаган буюк давлатлар бўлганлигини яхши билиб олганди. Буюк Хоразмшоҳлар давлати тарихини яхши биларди.

Шунинг учун аввал уни Чигатой улусининг бир расмий хонини ўз хузурида ушлаб туриб, бу улуснинг худудини ўз қўли остида қайта тиклаш ғояси ва сўнг бутун Чингизхон империясини қўлга олиш ғояси камради. Хитой юришидан аввал ўз хузурида буюк хон Ўқдай авлоди вакили ҳамда Жўжи авлодини тутиб тургани ва умуман 1370 йилиёқ Чигатой авлодини хонликка кўтармай, Ўқдай авлоди Суюрғатмишни хонликка кўтаргани бундан далолат беради. Унинг пировард мақсади дунёда ягона давлат ўрнатиб, бутун аҳоли хавфсизлигини таъминлаш эди.

Амир Темур ўз ғояларини амалга ошириш учун 35 йил жанг қилди.

Манбада келтирилишича, «Соҳибқирон аввал холдаким, оламдаги вилоятларида хар бирида бир подшоҳ бор эрди ва аларнинг мухолифат ва мунозибатлари жихатидин мусулмонлар ичида қўб ташвиш бор эди. Ва ҳеч ерда амин ва амонлик қолмайдур эрди. Ва йўллар ўғри ва қароқчи жихатидин боғланиб эрди ва ҳеч мусулмон ҳеч сори боролмас эрди.

Ва зоҳир турурким, инсон пайкариким, оламнинг нусхаси турур, чун мизож мухталиф бўлса, анга қавий мусхили берурларким, ул мараз андин зойил бўлғай. Ҳазрат Ҳаққ субхонаҳу ва таолонинг тақдири била азалдин мундақ муқаррар қилғон эрмишким, бу маҳалдаким оламнинг мижози эътидолдин ўтуб, мухталиф турур, ани Соҳибқирони гитиситоннинг қаҳру ғазабидин эътидол тобқай. Ани ҳазрат Ҳаққ таборак ва таоло инсон ичидин кўтариб, давлат ва нусрат бериб қўнглига солдиким, бориб оламини олғай. Ҳаққ субхонаҳу ва таоло лутфидин юруб, оз фурсатда улуг вилоятларни мусаххар қилди. Ва вилоятларни золимларнинг эликларидин қутқариб, адлу эҳсон била

Соҳибқирон давлатининг ўзига хос белгиларидан яна бири шу эдики, ҳукмдорлигининг ибтидосидан то интиҳосига қача, унинг аскарлари бирор ташқардан мағлубиятга учрамади.

Хофизу Абри



ороста қилди. Ва анинг адлидин андоқ бўлдимки, агар биров бир табақ олтун ё кумиш бошига қўйиб йалғуз саҳрода кириб бохтардин ховарғача (ғарбдан шарққача) боргай, ҳеч киши анга тик боқа олмас эрди. Аммо ул ҳолда қўб ерларни талаб аси-

ру торож қилди зарурат жиҳатидинким, агар андоқ қилмаса эрди, олам низом топмас эрди» (77).

Амир Темурнинг буюклиги шундаки, тарих унга Марказий Осиёни бирлаштиришдек тарихий бурчни юклади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Амир Темур салтанати давлат тузилишининг қонун-қоидалари жиҳатидан му-сулмон Шарқда ҳукм сурган давлатлардан деярли фарқ қилмаса-да, бошқарув тизимлари Туркистон ва Мовароуннаҳр давлатчилигининг асрий анъаналари, фатҳ этилган мамлакатларнинг маданий таъсири асосида бир қатор янги тартиб-қоидалар билан такомиллаштирилди.

Ўрта асрларнинг мазкур йирик ҳарбий-феодал давлатида аввал ҳокими мутлақ — Амир Темур Қўрагон, сўнгра унинг ворислари бевосита ҳукмронлик қилдилар. Салтанатнинг марказий маъмуриятини бош вазир — девонбеги бошлиқ етти вазирдан иборат аркони давлат бошқарган (78).

Улардан биринчиси — мамлакат ва раъият ишлари бўйича вазир вилоят ва туманлардан тўпланадиган ҳосил, солиқ-ўлпонлар ҳамда мамлакатдаги ободончилик ишлари билан шуғулланган. Иккинчиси — вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар бўйича вазир аскарлар маоши, озиқ-овқат ва қурол-яроғлари таъминоти билан машғул бўлган. Учинчиси — тижорат вазири савдогарларнинг мол-мулкларидан олинадиган закот ва бож, чорвачилиқдан йиғиладиган даромад, эгасиз қолган мол-мулкни тасарруф этиш, мерос ва меросхўрлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш каби ишларни бажарган. Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир, яъни молия ишлари вазири давлат хазинасидан сарф этиладиган харажатлар, умуман салтанат қирим-чиқимларини бошқарган.

Ана шу тўрт вазирдан ташқари, чегара вилоятлари ва тобе мамлакатлар ишларини назорат қилиб туриш учун махсус уч нафар вазир тайин этилган, улар мазкур вилоят ва мамлакатлардан давлат хазинасига келиб тушадиган даромадларни назорат қилиш ва уларга боғлиқ молиявий масалалар билан машғул бўлган. Ўз навбатида, улар салтанатнинг бош назорат хайъати — «халиса»ни ташкил этишган. Мазкур етти вазир девонбегига бўйсунган ва давлатнинг муҳим молиявий ишларини у билан бамаслаҳат олиб боришган (79). Ёзма манбалар-

дан маълум бўлишича, Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда салтанат девонхонасида Амир Довуд, Жалолиддин Ферузшоҳ, Ғиёсиддин Шох Малик, Алоуддин Алика Қўқалдош ва Алишер Навоийдек доно ва тадбиркор девонбегилар бу олий мансабда фаолият кўрсатганлар, мамлакат ободонлиги йўлида кўп хайрли ишлар қилганлар.

Шу билан бирга девонхона ҳузурида арзбеги, садри аъзам, шайхулислом ва аҳдос қозиси каби лавозимлар жорий этилган эди (80).

Арзбеги фуқаро ва сипоҳийлардан тушадиган арз ва шикоятлар ҳамда мамлакатдаги аҳвол тўғрисида маълумот тўплаш, бу борада олий даргоҳга мунтазам ахборот етказиб туриш каби вазифаларни бажарган.

Садри аъзам, яъни бош садр мамлакатдаги барча вақфларни бошқарган. У масжид, мадраса, макбара ва хонақоҳлар тасарруфидаги вақф хўжаликларининг аҳволини назорат қилиш, давлат ва ер эгалари томонидан вақф этилган ер ва мулкларни қайд этиш, вақфномалар тузиб, уларни қонунийлаштириш билан шуғулланган.

Шайхулислом мамлакат аҳолисининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шарият аҳкомлари ва ислом ақидаларининг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини назорат қилган. Адлия ишлари бўйича белгиланган қозийул қуззот, яъни давлатнинг бош қозиси «аҳдос қозиси» номи билан юритилиб, у фуқаро ишлари билан машғул бўлган. Булардан ташқари, салтанат маҳкамаларида қирим-чиқимларни ва қундалиқ харажатларни қайд этувчи махсус котиб тайинланган.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус, вилоят ва туманларга бўлиниб, уларни ҳоким, ноиб ва туманбошилар бошқаришган. Уларнинг аксарияти ҳарбий мансабдор — амирлардан иборат эди. Ҳар бир шаҳар ва вилоятда ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутаваллиси ва муҳтасиби (молияга хилоф ишларни текширувчи) бўлган. Лашкарлар учун махсус қози тайин этилган.



Шунингдек, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қутвол, яъни комендант тайинланиб, унга шаҳар ва қалъа истехкомларини таъмирлаш ва шаҳар мудофаази вазифалари юкланган. Шубҳасиз, маҳаллий маъмурлар, ўз навбатида, салтанатнинг олий дево-ни — аркони давлатга бўйсунган.

Шуниси эътиборга лойикки, улус ноиблиги ёки вилоят ҳокимлигига аксарият шахзодалар ёки хизмат кўрсатган саркардаю давлат маъмурлари тайинланган. Чунки Амир Темур мамлакатни, хусусан фатҳ этилган вилоят ва ҳудудларни ўрилари, набиралари ва хизмат кўрсатган амирларига суюрғол тарзида инъом қилиб, улар орқали бошқарди.

Амир Темур ўлимидан бир оз аввал Мовароуннаҳрдан ташқари, ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни фарзандлари орасида бундай тақсимлайди: Озарбайжон, Шом, Румни, Истанбул ва Мисрни Мирзо Умар ибн Мироншоҳга, Форс ва Ироқни — Пир Муҳаммад ибн Умаршайхга, Хуросон, Мозандарон, Рай ва Сеистонни — Шоҳрух Мирзога, «Султон Махмуд Ғазнавий мулкани», Кобул ва Қандаҳордан Шимолий Ҳиндистонгача Синд дарёси ҳавзиси билан бирга — Пир Муҳаммад Жаҳонгирга, Тошкент, Сайрам, Ўттор ва Ашпарадан то Хитой чегарасигача — Улуғбекка, Фарғона, Тароздан то Хўтангача, яъни Шарқий Туркистоннинг жануби-ғарби-ни — Иброҳим Султонга беради. Гарчи булар Марказий ҳукуматга итоат этса-да, муайян даражада мустақилликка эга эди.

Мулк ҳукмдорларининг алоҳида давлат девонхонаси, қўшини бўлиб, уларнинг Марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз қўшини билан қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Суюрғол Амир Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий қилиниб, у «иктаъ» — бир бўлак ер бериш тарзида маълум туман ёки вилоятни ҳукумат ёрлиғи билан олий ҳукмдор авлодлари ва хизмат кўрсатган юқори табақа зодагонларига инъом этилган. Баъзан суюрғол ерлари олий ҳукуматнинг фармони билан авлоддан-авлодга мерос қолдирилган.

Масалан, Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир вафотидан сўнг унга тегишли Балх вилоятига Кобул, Ғазна ва Қандаҳорни қўшиб, марҳумнинг ўғли Пир Муҳаммадга берилди. Шунингдек, Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфаҳон, Мироншоҳнинг ўғли Абу Бакрга Бағдод суюрғол

қилинади. Шу тарзда Мовароуннаҳрдан ташқари, мамлакат бир қанча бўлақларга бўлиниб кетади. Вилоят ҳокимлари — шахзодалар ўз тасарруфидаги мулкларда иложи борича доимо мустақил ҳукмронлик қилишга интилар эди. Марказий ҳукумат эса вазият жиддийлашган пайтлардагина уларнинг ички ишларига аралашарди.

Шубҳасиз, суюрғол асосида қурилган мулк тартибининг ғоятда кучайиши оқибатда айрим вилоятлар мавқеи маълум даражада ошишига олиб келган ва ички низоларни келтириб чиқарган. Амир Темур ҳаётлик чоғидаёқ мамлакатнинг узок ўлкаларидагина эмас, ҳатто унинг марказий вилоятларида ҳам низо ва урушлар бўлиб турган. Лекин катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга ҳукмдор айрим вилоятларнинг феодал доиралари кўтарган исёнларни ва халқ ҳаракатларини доим осонгина бостира оларди.

Шундай қилиб, Амир Темур салтанати вилоятлардаги феодал мулкларининг бирлашмаси бўлиб, унинг маъмурий жиҳатдан такомиллашувига суюрғолнинг кенг тарқалиши жиддий монелик қилди.

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг ҳарбий тақомилига катта эътибор берди. У «амир ва амирул-умаро», яъни «бош амир» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилди. Бундай олий даражали унвонларга эга бўлган иктидорли саркардаларга у ҳатто вилоят ҳокимлиги ёки ноиблигини инъом этган. Амир Темур армияни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашқарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалалари диққат марказида турди. Шу боис, Амир Темур манбаларда машҳур саркарда ва йирик лашқарбони сифатида тилга олинади (81). Унинг ҳарбий истеъдоди, саркардалиқ маҳорати қўшинлар тузилишида, Олгин Ўрда хони Тўхтамиш, Деҳли султони Махмуд ва Туркия султони Боязидлар билан олиб борган жанглирида ва шиддатли муҳорабалар майдонида қўллаган «савқулжайш» (стратегия) ва жанг қилиш услублари — «таъбиятулжайш» (тактикалари)да намён бўлган.

Амир Темур қўшини ўнталик аскарый бирикмалар асосида тузилган навкарлардан иборат эди. Лашқар «туман» — ўн минглик, «ҳазора» — минглик; «қўшун» — беш юзлик ва «айл» — ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманларда аскарлар сони





10 минг, қўшунда 100 нафардан ортик бўлган. Амир Темур ўн минглик учун «туман оғаси», минглик бўлинмалар учун «мирихазора», юзликлар учун «қўшунбоши» ва ўнликлар учун «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни таъсис этган, уларнинг ҳақ-хуқуқларини, ойлик маошини белгилаб берган. Масалан, оддий сипоҳий минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2—4 от баробарида, айлбоши қармоғидаги навқарга нисбатан ўн баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар зиёд маош олган. Мингбошилар маоши қўшинбошиникидан уч баробар ортик эди.

Жангларда баҳодирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки вилоятни фатҳ этса, у туғ, ноғора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ҳамда бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийланган.

Бўлинма бошлиқлари — амирлар Темурга тобе бўлган қирқ аймоқ (қабил)дан ўн иккитаси: барлос, арғун, жалойир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдуз, тағай, қипчоқ, арлот, тотор ва бурулдайлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Амир Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан бири «амирул-умаро», тўрт нафари «беклар беги», юз нафари мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган.

Булардан ташқари, яна ўн икки нафар кишига бирдан то ўн иккига қадар даражали амирлик унвонлари берилган. Ўн иккинчи даражали амир, одатда, амирул-умаронинг ноиби ҳисобланган.

Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, амирул-умарога битта байроқ, ноғора, ўн минглик қўшин, туғ ва чортуғ, тўрт нафар беклар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган (82).

Бу нишонлар қўшин бўлинмаларини ҳам фарқлаб турган. Масалан, катта қизил байроқ қўшин бошлиғи — амирул-умаро ёки беклар бегининг аломати эди. От ёли боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонга кокиллар осилган икки дўл ноғора юзбошининг аломати ҳисобланарди. Отлиқ суворий қисмларни бошқариш учун ажратилган махсус отлиқ эгарининг икки томонига икки табл — довул осилиб, жанг пайтларида суворийларни муҳорабага солиш мақсадида бонг уриб улар қоқилган.

Муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг

ёзишича, ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камон билан ўттиз ўқли садок, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта захира чопкур оти, Ўрдуда ҳар бир «айл» — ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белқурак, 100 та игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди (83).

Ҳар бир вилоят белгиланган асосий — «асл» ҳамда захира — «изофа» қисмларни тўплаб берарди. Вилоятлар тош отар — сангандоз, девор бузувчи — манжаник, ўт отар ёки тўп — раъдандоз ва нафтандоз ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлар эди. Аскарний қисмларни вилоятлардан тўплаш билан тавочи мансабидаги амалдорлар шуғулланган.

Амир Темур аскарларга ва уларнинг бошлиқларига алоҳида эътибор берган. Ҳар бир зобит (бўлинманинг қўшун ёки айлбошиси) жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навқар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довжорак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала ва адолатли бўлиши лозим ҳисобланган.

Мохир ҳарбий стратег бўлган Соҳибқирон юришга жўнашдан анча аввал душманнинг қуролли кучлари, мудофаа иншоотлари, у ердаги ички вазият кабилар хақида аниқ ва тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида унинг юрти ёки қароргоҳига ўз айғоқчиларини пешма-пеш юбориб турган. Ғаним тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлингандан сўнггина юришга тараддуд қўрилган. Бу хусусда Ибн Арабшоҳ ёзади: «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топиларди. У ерларнинг барча томонларида ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар қўйган эди.

Улар чор атрофда бўлаётган ходисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазилар, нарх-наволар тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг сувратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узок, тор ёки кенлигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқда (эканлигини), шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳ-



жойлар номларини, ҳар жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шухрати ва насабини, уларнинг хунари ва (эга бўлган) воситаларини (тўла-тўқис) баён қилардилар. Натижада, Темур ўз фикри билан шу (нарсаларни) яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди» (84).

Лашкар ҳарбий юришга чиққан вақтда айниқса интизомга қаттиқ риоя қилинар эди. Ҳар бир бўлинманинг айлбоши, қўшунбошиси, туман оғаси ва амир лашкар ўз ўрнини яхши биларди ва унга қатъий риоя қиларди (85).

Сафарда энг олдинда ҳар бир лашкар қисмлари билан «хабаргири», яъни «хабарчилар» деб юритилган айғокчи — кузатувчилар бўлинмаси юрган. Бундай бўлинмага ўта довиюрак ва ботир аскарлар жалб қилинган.

Хабарчилар орқасидан соқчилар бўлинмаси йўлланган. У «ясовул» деб аталган. Лашкарнинг асосий қисмлари олдида «илғор» — авангард қисмлари ҳаракатда бўлган.

Илғор асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат бўлган. Илғор билан лашкар асосий қисмлари ораллиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва марказий қисм — «қўл», «ғўл» ёки «қалб» ва унинг атрофида захира қисмлари жойлашиб, у «изофа» деб юритилган. Уруш жараёнида жанг оқибатини ана шу изофа қисмлари ҳал қилган.

Лашкар юриши вақтида чап қанот олдинда бўлган. Бундай лашкар юришини манглай тарзида юриш дейилган. Юриш вақтида қўшинларда алоҳида йўл бошловчилар — «ғажирчилар» гуруҳи бўлиб, сафарда улар муҳим аҳамият касб этган. Амир Темурнинг ўзи ғажирчиларни лашкар қисмлари ўртасида тақсимлаб берган.

Амир Темур лашкарининг асосий жанговар қисми марказ — «қалб», ўнг ва сўл қанотлардан иборат бўлган. Унинг ўнг қаноти «баранғар», сўл қаноти эса «жуванғар» деб юритилган.

Ҳар бир қанотнинг олдида биттадан қўшимча кўрикчи илғор — авангарди, ён томонида эса биттадан кўрикчи аскарый кўшилмалар — «кунбул»лари бўлар эди. Шу тариқа қўшин етти қисм — «қўл»лардан иборат бўлиб, булардан учтаси: марказ, яъни қалб, баранғар, жуванғарлар мустақил, тўрттаси: икки илғор ва икки кунбуллар тобеъ қисмлар эди.

Қўшин бундай жойлаштирилишининг ўзига хос жиҳати шунда эдики, унинг қанот қисмлари марказий қисмга қараганда анча кучли эди. Бундан, шубҳасиз, стратегия ҳамда тактикани қўллаш мақсади кўзда тутилган.

Шарафуддин Али Яздий қўшинни етти қўлга — қисмга бўлиб жойлаштириш тартибини биринчи бўлиб Амир Темур жорий қилган, деб ёзади (86). Бу қўллар жангларда мустақил ҳаракат қилиб, фақат қўшин қўмондонига бўйсунган.

Ҳарбий юриш вақтларида йўлларда ўрду қуриб тўхташга тўғри келарди. Агар ўрду душманга яқинроқ жойлашган бўлса, унинг атрофи мудофаа иншоотлари — «туралар» — ёғочдан ишланган тўсиқлар, хандақлар, «чоҳлар»лар — чуқур ва «қочи» — марзалар билан ўраб олинар эди. Лашкар изофа қисмлари қўмондон ўрдусини кўриқлаб турар эди. Жанг вақтида улар, ўз навбатида, зарур ҳолларда жангга солинарди.

Кунбуллар эса душманнинг ўнг ёки чап қанотини ёриб киришга, ён томонидан айланиб ўтиб, орқадан зарба беришга йўл кўймасликка ҳаракат қиларди. Кунбуллар энг ботир ва тажрибали аскарлардан тузилар эди.

Лашкарда, айниқса, у жангга кирган пайтларда «йаёқлар» — пиёда аскарлар алоҳида ўрин тутган. Жанговар сафга тизилган пиёда қисмлар отличлардан олдинда турар ва душман ҳужум қилган вақтда чоҳлар ва туралар — мудофаа иншоотлари орқасига яширинган ҳолда биринчи бўлиб жангга кирардилар. Шунинг учун ҳам қанотдаги туман оға ва қўшун амирлари пиёдалар билан отличларни жанговар тартибда жойлаштиришга катта эътибор беришарди. Бундай жойлаштирилиш таркиби «ясол» деб юритилган.

Шундай қилиб, Амир Темур ўз замонасининг кучли ва энг жанговар лашкарини ташкил қила олган. Аскар бошлиқлари ва навкарларни қаршилик кўрсатувчи кучга бешафқат бўлиш руҳида тарбиялаган.

Ўз қўшинини у турли жанговар қуроляроғлар, ўт ва тош отар тўп — раъдандоз, тош отар манжаниқ ва ўзиотар қурооллар билан қуроолантирган, муҳораба қилишнинг янги ҳарбий услубларини қўллаган. Ўз қўшинидаги ҳар бир қаршилик ва норозиликка қуроол кучи билан кескин зарба берган. Ёки қутилган хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олиш чораларини кўрган.

Амир Темур қўшинини Жаҳонгир Сайфуддин ва Пурҳусайн барлослар, Оқ Буға,





Усмон Аббос, Муҳаммад Султон Қамарий, Тобон Баҳодур, Ўрус Буға, Ҳамза Сулдуз, Амир Муризода, Муҳаммад Қазғон, Сарик Атка ва Музаффар Уч Қаро каби жангларда шухрат топган маҳоратли ва жасур кишилар бошқарган (87).

Амир Темур салтанатни бошқаришда, хусусан, уни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш ва тадбир-чоралар белгилаб олиш мақсадида қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта аҳамият берган (88).

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказган қурултой ва кенгашларда шахзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашган.

Олий даражадаги бундай йиғинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий ахволига оид энг муҳим масалалар муҳокама этилар ва зарурий ишларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгиланарди.

Давлат аҳамиятига молик ҳар бир масалани ҳал этишда Амир Темур шу соҳанинг билимдонлари ва олимлар билан маслаҳатлашар эди. Масалан, 1403 йилда Кавказда Бойлақон шахрида чақирилган кенгашга олиму фузалоларни таклиф этган. Улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, унинг ободончилиги йўлида амалга оширилдиган хайрли ишлар — жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишида унга ўз маслаҳатлари билан кўмак беришларини сўраган (89).

Шуниси диққатга сазоворки, бу даврда Амир Темур салтанатида ўтказилган қурултой, кенгаш, шоҳона қабуллар ва дабдабали сарой маросимларида ўрта асрлар давлатчилигининг ўзига хос анъаналари мурасим эди. Тантанали издиҳомнинг тартиб-қоидаларидан тортиб, аъёнларнинг тўёна либосларигача катта эътибор берилган.

Масалан, расмий маросимларда амирул-умаро, беклар беги, амирлар, нўйонлар, сардорлар, улус, тумонот ва қўшунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар мансаб ва мартабаларига қараб подшоҳнинг сўл томонидан; саййидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, улуг ва олий табақали кишилар подшоҳнинг ўнг томонидан ўрин олганлар. Девонбеги ҳамда вазирлар — тахт рўбарўсидан, калонтарлар (шаҳар ҳокими), кадхудолар (қишлоқ

оқсоқоли) вазирлар ортидан жой олишган. Баҳодирлар, қиличбоз йигитлар — тахт ортидан, унинг ўнг тарафидан, қоровуллар эса тахт ортининг чап тарафидан ўрин олганлар (90).

Шубҳасиз, Амир Темур шоҳона қабул тартиботининг бир қисмини қўшни давлат ҳукмдорлари саройларидаги тантанавор маросим ва урф-одатлардан қабул қилиб, ўз саройида тараққий эттирган. Масалан, сарой хонимлари бошига шокилалаи бўрк, эгнига тилла уқа билан безатилган узун қизил кабо киярдилар. Қабонинг ёқаси қисиб турадиган, енгсиз бўлиб, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсус жориялар қўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан ўн беш нафаргача етган. Юзларига хижоб тутганлар.

Қизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли қалпоқ усти қизил ёқут, забаржад дурлар билан безатилган. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли жавоҳирию Исфажон, Мўлтон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис зеб-зийнатлари билан ўзларига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар билан безатилган қурол ва қайиш тақиб юрганлар.

Испания элчиси Клавихони Конирил мавзеида бўлиб ўтган шоҳона издиҳом, айниқса, хайратда қолдирган. Конирилда 10—15 минг чодир ўрнатилган бўлиб, издиҳомда сарой аҳли, вазирлардан ташқари, аҳолининг турли табақа вакиллари қатнашган.

Клавихо чодиргоҳда чодирларнинг мансабдор шахслар лавозими бўйича жойлаштирилиш тартиби, жиҳози ҳақида ёзади. Унинг таърифлашича, бу ерда доирасимон оддий кичик ўтовлардан тортиб, арабий ва иброҳимий чодирлари, эроний саропардаларгача ўрнатилган.

Чодирларнинг айримлари ниҳоятда катта, тўртбурчак шаклда бўлиб, эни 100 кадам, баландлиги уч найза бўйи 12 дон олтин устунда тутиб турилган. Подшоҳ ҳарам — хотин-қизлари учун ҳам алоҳида чодирлар ўрнатилган. Улар сариқ рангда, ипак билан чатилган, тилла нақшли бўлган, ташқарисига уқалар тутилган. Эшик ва деразалари ипак тизимчалар билан тортиб қўйилган.

Чодиргоҳ базмида қизиқчилар, муқаллидлар, дорбозлар билан бир қаторда қашмирий кўзбойлоқчилар ҳам қатнашган. Қизиғи шундаки, издиҳомда хонимлар ҳижобсиз иштирок этардилар. Маликалар «изни омм» — оммага руҳсат этилган базмлар уюштириб, уларга издиҳомдагиларни чор-

лардилар. Унда эркаклар, ҳаттоки насроний элчи ҳам қатнашгани таъриф этилади.

Шундай қилиб, Амир Темур ўз давлатининг тузилиши, қонун-қоидаларини тар-

тибга солиш билан бир қаторда, олий даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ анъаналарни турли хил янги шоҳона маросимлар билан ҳам бойитган.



ИЙМОН-ЭЪТИҚОДДА БАРКАМОЛ

Амир Темур ва Темурийлар яшаган даврда жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида диний тафаккур муҳим аҳамият касб этган. А. Якубовский таъкидлаганидек, ҳукмдорлар, хусусан Амир Темур, «туркий ҳарбий зодагонларнинг ёрқин намояндаси бўлиб, бу доира ислом (мусулмон) такводорлигига мудом мансублигини кўрсатади. Энг аввало, сиёсатдон сифатида Амир Темур барча ҳолатларда давлат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар доим мусулмон руҳонийларининг барча намояндалари билан ўта дўстона муносабатлар ўрнатган эди» (91). Амир Темурнинг отаси Тарағай Баходур исломда такводор бўлиб, руҳоний ва дарвешларга, айниқса, таниқли шайх Шамсуддин Кулолга нисбатан ниҳоятда хайрихоҳлик кўрсатган. Ушбу шайхни Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да шундай атаса, Ибн Арабшоҳ Шамсуддин ал-Фохурий деб атаган.

Амир Темур дин пешволари ва мусулмон руҳонийлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, ўз саройида пири муршидлар, руҳоний (маънавий) устозларни сақлаган. У ҳар вақт шариат қонун-қоидаларига қатъий риоя этган. Ибн Арабшоҳ шундай ҳикоя қилади: «Темур шайх (Шамсуддин ал-Фохурий)нинг ҳузурига кирганида у ўзининг муриду мухлислари билан чуқур ўйга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар зикр-самоларидан тўхтаб, ўзларига келгунларича, Амир Темур тик тураверди. Шайхнинг назари унга тушиши билан Темур шайхнинг қўлларини ўпишга шошилди... Шунда шайх ўз жамоасига: «Эй, жамоат! Сиз унинг ҳаққига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун унга мадад берингиз», (92) — деди. Шайхнинг ушбу дуосини Амир Темур ўз муваффақиятларининг энг биринчи сабаби деб ҳисоблади».

Амир Темур пирларидан бири Саййид Барака эди. Саййид Барака асли Макка аҳлидан бўлиб, 1370 йилда Балх қалъаси эгалланишидан олдин Амир Темур ҳузурига келиб, унга бир ноқора ва байроқ (ҳокимлик белгилари) тутқазган (93). Ва унинг келажаги порлоқ бўлишини башорат қилган.

Айтиш лозимки, сиёсий мартабасининг аввалидан бошлабоқ Амир Темур билан мусулмон руҳонийлари ўртасида мустаҳкам алоқа қарор топиб, бу алоқа унинг бутун ҳукмдорлиги даврида давом этди. Балх қалъаси ишғол этилаётган вақтда Термиз шаҳридан Амир Темур ҳузурига Худовандзода лақабини олган термизлик шайхлар ака-ука Абу-л-Маолий ва Али Акбар келгандилар. Саййид Баракага ўхшаб бу шайхлар, гарчанд зохиран бўлса-да, Амир Темур давлатининг нуфузли шахслари сифатида Соҳибқирон ҳукмронлигининг охиригача фаолият кўрсатдилар.

Бироқ В. В. Бартольд таъкидлаганидек, шундай лаҳзалар ҳам бўлганки, бу шайхлар янги ҳукмдорларига (яъни Амир Темурга) нисбатан хиёнаткорона иш содир этганлар. Чунончи, 1371 йилда Амир Темурга қарши фитна уюштирилиб, унда бир қанча амирлар қаторида баъзи руҳонийлар, жумладан, шайх Абу-л-Лайс ас-Самарқандий ва Саййид Абу-л-Маолий ат-Термизий ҳам иштирок этгандилар.

Амир Темур фитначиларга ўта кўнгилчанлик кўрсатади: шайх ас-Самарқандийга Маккага кетишга рухсат қилинади. Саййид ат-Термизий эса аввал мамлакатдан қувғин қилинган бўлса-да, сўнгра тез орада айби кечирилади, чунки 1372 йили Хоразмга қилинган юриш пайтида бу саййид ҳам қатнашган эди. Шундан кейин ҳар доим термизлик саййидлар Амир Темурнинг содиқ тарафдорларидан бўлиб қолгандилар. 1404 йили гарбга қилган охириги юришидан қайтаётиб, Амир Темур Термизда Худовандзода Али хонадонидида тўхташи ҳам шундан далолат беради (94).

Рухоният намояндалари ва таниқли илоҳиётчилар зиммасига Амир Темур ҳокимияти даврида масъулиятли вазифалар ҳам юкланарди. Масалан, 1393 йил октябрида Амир Темур Қоҳирага ўша даврда Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган аёнларидан бири шайх Соваий бончилигида кўндан-кўп қимматбаҳо совғалар ва султон

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандларини ўзимдан рози этдим. Гунноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққониёт юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва равиятни умид ва кўрқинчи орасида тутдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим.

«Темур тузуқлари»



Барқуққа мактуб билан эътиборли миссия юборган эди (95).

Юқорида зикр қилганимиз Саййид Барака ўз дуоси билан Амир Темурнинг ғанимларига қарши курашида уни қўллаб-қувватлаган эди. Масалан, 1391 йилда Қундузчада бўлган йирик жанг олдидан Саййид Барака дуо қилиб, омад тилагани учун Амир Темур ундан ғоятда мамнун бўлган эди (96).

Манбаларда 1404 йил кишида Қорабоғда Амир Темур хузурига Саййид Барака ва термизлик шайхлардан самарқандлик шайхулисломлар Хожа Абд ал-Аввал ва унинг амакиваччаси Хожа Исомиддин, кешлик Хожа Афзал ва шайхулисломнинг ўғиллари Абдуҳамид ва Абдуррахмон келганликлари айтилади. Шунингдек, бухоролик шайхлар ҳам ҳозир бўлганликлари ҳақида фикр билдирилса-да, лекин улардан бирортасининг исми-шарифи келтирилмайди. Машхур шайх Баҳоуддин Нақшбанд Амир Темурга замондош бўлган эса-да, ҳозирча манбаларда Амир Темур саройи билан Бухоро шайхлари ўртасидаги алоқалар хусусида аниқ маълумотлар учрамади.

Амир Темур ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳоний намояндаларига ҳар вақт хайрихоҳлик билан муносабатда бўлган. Ҳатто забот этилган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарлар ҳимоя остига олиниб, кўпинча улар шахсан Амир Темур хузурига келтирилган — у эса уламою фузало билан мунозара юритишни ёқтирарди. Жумладан, у илоҳиётчи уламолар, файласуфлар, тарихнавислар, мунажжиму риёзиёт илми олимлари билан мунозара қиларди. У олимларни ўзи билан шундай мунозараларда бемалол эмин-эркин суҳбат юритишга рағбатлантирарди. Агар улар Амир Темурда катта таасурот қолдирсалар, уларни ўз саройига ёки Самарқандга хизматга таклиф қилар ёхуд ўз мамлакатларида қолишларига бағри кенглик билан руҳсат этарди (97).

Амир Темур талабига итоат билдирмаган Бағдод шаҳри ишғол қилинганда, қайсарлик билдирганликлари учун шаҳар аҳли қаттиқ жазога тортилганда ҳам «фақат диний арбоблар жазодан қутулиб қолдилар» (98), деб ёзади суриялик замонавий ҳарбий тадқиқотчи Муҳаммад Асадуллоҳ Сафёеъ Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китобида.

В. В. Бартольд

да ҳам «фақат диний арбоблар жазодан қутулиб қолдилар» (98), деб ёзади суриялик замонавий ҳарбий тадқиқотчи Муҳаммад Асадуллоҳ Сафёеъ Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китобида.

Сохибқирон доимо азиз-авлиёларнинг ҳурмати бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эҳтиром билан қарарди. Масалан, суриялик олим Акрам Ҳасан ал-Алабийнинг ёзишича, Дамашқда турганида Амир Темур Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари Умм Салама ва Умм Ҳабибанинг мақбаралари устига муносиб гумбазлар қурдирган (99). Бошқа бир араб муаллифи Мазҳар Шихобнинг таъкидлашича, Дамашққа келган биринчи куниёқ Амир Темур, энг аввал, умавийларнинг машхур Жомеъ (ал-Жомеъ ал-Умавий)сини зиёрат қилиб, унда намоз ўқиган.

Шунингдек, Дамашқда Амир Темур саҳоба Билол ал-Ҳабашийнинг ҳам қабрини зиёрат қилиб, дуои-фотиҳалар ўқиган (100). «Зафарнома»да келтирилишича, Амир Темур Ясса шаҳрида Аҳмад Яссавий қабрини кўп зиёрат қилган (101). Унинг фармонида кўра, бу табаррук шайхнинг қабри устида улкан мақбара бунёд этилган.

Азиз-авлиёларнинг мазорларини ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш Сохибқирон учун қатъий одат бўлиб, у ҳар қачон, ҳатто ҳарбий юришлари пайтида ҳам бу одатга қаттиқ риоя қиларди. Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мазорлари жойлашган шаҳарларга у зоти покларнинг руҳларига ҳурмат юзасидан зиён-заҳмат етишига йўл қўймасди.

Масалан, Амир Темур ўз ҳарбий бошлиқлари ва кўшинларига Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, мусулмонларнинг йирик ҳарбий қўмондони Холид ибн Валиднинг қабри жойлашган Ҳўмс шаҳрига заҳмат етказмасликни буюрган (102).

Амир Темурнинг азиз-авлиёларга, дини исломнинг ҳомийларига, уларнинг мазорларига муносабати «Темур тузуклари»да батафсил баён қилинган: «Мен шундай талаб қўйдимки, пайғамбарнинг авлодлари, уламолар, машоих, фузало, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар...

Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чирок билан таъминласинлар. Биринчи навбатда, амир ул-мўминин, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг — унга Аллоҳнинг қарами ва эҳсони бўлсин — муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Хуллани вақф этиб берсинлар.

Имом Ҳусайннинг — Аллоҳ ундан рози бўлсин — нурга чўмган мазори, авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг муқаддас қабри (равзаси), имоми аъзам

Шубҳасиз, Амир Темур уламолар ҳомийси эди, улар билан тепта-тенг суҳбатлашарди, пайғамбар авлодларига алоҳида ҳурмат муносабатида бўларди, Амир Темурнинг ўз авлодларидан ташқари саййидлар унинг давлатида, чамаси, бирдан-бир дахлсиз кишилар ҳисобланганлар... Амир Темур эътиқод ва шариятни мустаҳкамлаш борасида гамхўрлик қилди.



Абу Ханифанинг — унга Аллохнинг раҳмати бўлсин — мақбарасини ва Бағдодда нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари ва акобирларидан ҳар бирининг мазорларини яхши сақлаш учун баҳоли қудрат Карбало, Бағдод ва улар атрофидаги кишлоқлар ва бошқа ерлар вақфдан маблағ ажратсинлар.

Имом Мусо Козим, имом Мухаммад Тақи, Салмон Форсийларнинг нурли равалари учун эса Жазоир экин майдонларидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг табаррук мозори учун Кутах баст ва Тус шаҳри атрофидаги ерларидан вақф ажратсинлар ва гилам, чироқ ҳамда кундалик ейиш-ичишини белгиласинлар, шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мазорлари ва қабрлари учун ҳар бирига алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар» (103).

Маълумки, Амир Темур уламою фузалога ҳурмат-этибор билан қараб, уларнинг фикрини инобатга оларди, турли мавзуларда улар билан мунозаралар қиларди.

Машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун (1332—1406) Амир Темур кўшинлари томонидан муҳосарада бўлган Дамашққа келиб қолган эди. Шу аснода у Амир Темур томонидан қабул қилинади ва икки буюк инсон ўртасида узок ва мароқли суҳбат бўлиб ўтади. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқирон ҳазратларига Куръони каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадя қилганда Амир Темур шошилинич ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпиб бошига қўйган.

Шуниси диққатга сазоворки, бошқа давлатлар, айниқса мусулмон давлатлари бошлиқларига йўллаган мактубларида Амир Темур Куръон оятларидан кўп фойдаланарди. Масалан, 1393 йили Миср султони Барқуққа жўнатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти марта муқаддас китобдан оятлар келтириб, ўз фикрини ифода қилган.

Амир Темур шариат арконларини мустаҳкамлаш, дини ислом қонун-қоидаларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор берар эди. Шариат қонун-қоидаларига ҳилоф иш қилганлар қаттиқ жазоланган. Адолат ва қонунларга амал қилиш Амир Темур фаолиятининг таркибий асосларидан эди. Дини исломни ёйишга у бутун куч-қувватини сарфлади. Шу боисдан ҳам баъзи номусулмон давлатларга (масалан, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон) бўлган юришларини, аввало, у ўша мамлакатларда ислом динини ёйиш (жорий қилиш),

у жойларда мусулмонларга кўрсатилаётган жабр-зулмни бартараф қилиш билан изоҳлаган эди.

Ёзма манбаларда, тарихий асарларда келтирилган талай маълумотлар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккаи мукаррамага ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан ўтадиган жойларда йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар, шунингдек бу қароқчи ва йўлтўсарлардан нафақат марказий осиелик тижорат аҳли ва савдо қарвонлари, балки маҳаллий савдогарлар ҳам кўп жабр-зулм кўрардилар. Шу боисдан ҳам Амир Темур Бағдодда турган пайтида маҳаллий савдогарлар нажот излаб соҳибқиронга мурожаат қилдилар. Соҳибқирон теъда бу борада тегишли ишларни амалга ошириб, қароқчи ва йўлтўсарларни бартараф қилди ва Ироқ йўлларидаги хавф-хатарлар тугатилиб, осойишталик таъминланди. Бу борада диққатга молик аниқ маълумотлар Миср тарихчиси Муҳиддин Абдулқодир ал-Фурайшийнинг «Ал-Жавоҳир ал-музиййа фи табақот ал-Ҳанафийя» («Ҳанафия табақалари хусусида порлоқ жавоҳирлар») номли асарида келтирилган.

Тарихчининг ёзишича, Маккаи мукаррамани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этиб ватанларига қайтаётган марказий осиелик ҳожилар қарвонига Ироқ ҳудудларида қароқчилар ҳужум қилиб, улардан етмиш нафарини ўлдириб, мол-мулкларини талон-торож қилганлар. Ўлдирилганлар орасида кўплаб уламою фузало, шу жумладан машҳур аллома Нажмиддин ан-Насафийнинг ўғли, ҳадис ва фикҳ бўйича етук олим Аҳмад ан-Насафий ҳам бўлган (104). Марказий Осиелик ҳожиларнинг мудҳиш бу қирғинбароти ҳақида йирик араб тарихчиси Ибн ал-Асир ҳам гоътада таассуф билан ёзиб, ушбу қабих қирпичок вақтида шафқатсиз ўлдирилган таниқли уламою фузалоларнинг хотирасига Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўплаб шаҳар ва кишлоқларида аза очиб, мотам тутилганлигини таъкидлайди (105).

Мавриди келганда шуни айтиш керакки, чамаси, умрининг охирларида, хусусан турк султони Йилдирим Боязид устидан қозонган ғалабасидан кейин Амир Темур Маккаи мукаррамани зиёрат



(Амир Темур): «(Ҳукмдор) солиҳ кишилар, аҳли тақво ва ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик намойиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариатга ҳилоф ишларнинг кўпайишини ва нолайиқ қонун-қоидаларни тағтуғи билан йўқотишини зарур ва лозим деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради, салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади».

Хофизу Абруъ



килиб, ҳаж ибодатини адо этишни иродат қилганлар. Ҳар ҳолда, ўша давр воқеаларидан яхши хабардор бўлган XV аср Миср тарихчиси Ибн Тағрибердининг ёзишича, 1404 йилда соҳибқироннинг Маккаи мукарама зиёратига келиши ҳақида муқаддас шаҳарда хабар тарқалган. Макка амири Турон мамлакати соҳибини муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўрган. Лекин номаълум сабабларга кўра соҳибқироннинг ушбу зиёрати амалга ошмай қолган (106).

Араб олими Мазҳар Шихобнинг таъкидлашича, Дамашқ муҳосараси пайтида шаҳар қалъасида муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинага тегишли бўлган вақф ерларидан йиғиб олинган фалла ҳосили беркитиб қўйилганлиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳақдаги хабар Амир Темур қулоғига етгач, у ушбу фаллани дарҳол соттириб, тушган маблағни Макка ва Мадина шаҳарлари амирлари ихтиёрига юборади. Дамашқдан, шунингдек, Қуддуси шарифга ҳам соҳибқирон номидан қимматбаҳо совғалар жўнатилади (107).

Амир Темур ва унинг авлодлари — Темурийлар саройларида хилма-хил мавзулардаги китоблар ва нодир қўлёзмалар сақланганидан бой кутубхоналар — «Дор ул-кутуб» («Китоблар уйлари») фаолият кўрсатарди. Хукмдорлар ушбу билим хазиналарини муттасил янги қўлёзмалар билан бойитиб бориш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, шу мақсад учун керакли маблағ ажратардилар.

Далилларга мурожаат қилайлик. Мисрлик йирик олим Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372 — 1449) кўпдан-кўп тарихий асарларнинг муаллифи сифатида машҳур, шунингдек унинг бой ва кенг қамровли илмий фаолиятида диний йўналишдаги ўзига хос қимматли асарлар ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Мана шу асарлари жумласидан ал-Асқалонийнинг буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ» («Ишончли тўплам») асари шарҳига бағишланган ўн уч жилдан иборат «Фатҳ ал-борий ли-шарҳи ас-Саҳийҳ ал-Бухорий» йирик асари ҳам бор. Бу «Саҳийҳ ал-Бухорий»га бағишланган энг яхши шарҳ ҳисобланади. Ушбу қимматли шарҳ тез орада бутун мусулмон оламида шухрат топди. Кўп султонлару подшоҳлар ўз кутубхоналари учун ал-Асқалоний шарҳини топиб келтиришга ҳаракат қилдилар. Шохрух Мирзо ҳам Қожирага ўз уламоларини юбориб, ушбу шарҳдан бир неча нусхасини ўз кутубхонаси учун олдириб келтирди. Шунинг ҳам айтиш кераки, Амир Темур хукмронлиги даврида фатҳ этилган айрим мамлакатлардан олиму уламолар билан бир қаторда Самарқандга қимматли муҳим китоблар ҳам келтирилган.

Амир Темур ислом дини ва унинг қонун-қоидаларининг оташин хомийси сифатида ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Бу фикрни ўз «Тузуклар»ида батафсил баён этган (108).

Иқтисодий ва савдо алоқалари

ҲУНАРМАНДЛИК ВА ҲУНАРМАНДЛАР

XIV аср охири — XV асрда Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳунармандликнинг етакчи соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Шаҳарлик тўқувчилар турли хилдаги оддий ва қимматбаҳо матоларни тўқиш билан шуғулланар эдилар.

Бу даврда қимматбаҳо матоларга талаб ортди. Тор доирадаги зодагонлар талабининг кондирини мақсадида жуда қимматбаҳо турдаги газламалар ишлаб чиқарилар эди.

Амир Темур ва Темурийлар даври ҳунармандлари тўқиган қимматбаҳо матоларнинг қолдиқлари Самарқанддаги Гўри Амир, Шохизинда мақбараларидаги айрим машҳур шахсларнинг қабрларидан топилган. Сақланиб қолган мато парчалари ай-

тарли кўп эмас. Лекин уларни атрофлича ўрганиш бу матолар шойи газламалар эканлигини, юқори сифатли бу матоларни ўз ҳунарини яхши эгаллаган ҳунармандлар тўқиганлигини кўрсатади (1).

XIV—XV асрларга оид матолар ва тўқувчилар ҳақидаги айрим маълумотлар шу даврга оид ёзма манбаларда, хусусан, қозилик қарорларида, олди-сотди ахдномаларида, вақф ёрлиқларида ва бошқа ҳужжатларда сақланиб қолган. Мавжуд маълумотлар таҳлили газламалар номи, сифати ва беағи, улардан кийим кийган шахсларнинг ижтимоий жихатдан қайси табақага мансублиги, Амир Темур ва Темурийлар даврида тўқимачиликнинг ривож-



ланиш даражасини яққол акс эттиради. Аҳоли зодагон қисмининг байрамона кийими кенг тарқалган бахмалдан тикилар эди. Шундай матодан бадавлат хонадонларда кўрпа-кўрпача, чойшаб ва ёстик тайёрланган. Бахмалдан ғилоф ҳам тайёрланган. Самарқанддаги мақбаралардан бирининг вақф мулки рўйхатида Қуръон ўралган бахмал парчаси ҳам эслатиб ўтилади (2).

Самарқандда бахмалнинг қизил рангли алоҳида тури ишлаб чиқарилган. Қирмиз хашаротидан олинадиган рангга бўяб тайёрланадиган бу мато «бахмали қирмизи» номи билан машҳур эди.

Қирмизи жуда қимматбаҳо бўёқ ҳисобланган. Иссиқ сув, сирка кислотаси, 150 – 175 та қанотсиз қирмиз хашаротидан бир грамм қирмизи бўёқ олинган. Бундай бўёқ узоқ мамлакатлардан олиб келинган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин анча кейинги давр манбаларида бу хашарот Бухоро хонлиги чўлларидаги бутазорларда учраши қайд этилган. Бундай мато бошқа мамлакатларга ҳам олиб кетилганлиги унинг қимматбаҳолиги ва олий сифатлилигига далолатдир. «Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар» (3).

Олий навли жун мато — сиқарлот ҳам қирмизи ранг билан бўялар эди. Сиқарлотдан юқори табақа вакиллари учун устки кийимлар тикилган. Шунингдек, ундан қимматбаҳо чодирлар ҳам тайёрланган.

Манбаларда келтирилишича, онаси Гавхаршодбегим Самарқандга ташриф буюрганида Мирзо Улуғбек қирмизи натифа тортиқ этган (4).

Амир Темур ва Темурийлар даврида қимматбаҳо матолар орасида кимхоб (камка) муҳим ўрин тутган. Манбаларда юқори лавозимли кишиларнинг уй жиҳозлари орасида кимхобдан тикилганлари ҳам эслатиб ўтилади. Жумладан, кўрпа-тўшак, бошқа қимматбаҳо буюмлар, шунингдек, Қуръонни сақлаш учун кимхобдан тикилган халта ва ҳоказо. Кимхобдан қимматбаҳо либос ҳам тикилган. Ёзма манбаларда айниқса кимхоб тўнлар тез-тез тилга олинади. Амир Темур саройига ўзга юртлардан келган элчиларга кимхоб тўнлар кийдирилган. Масалан, Самарқандга Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо билан келган кишиларга ҳам шундай тўнлар кийдирилган. Қимматбаҳо катан матоси ҳам аҳолининг зодагон қисми орасида машҳур эди. Ундан либос ва дастурхон тайёрланган. Алишер Навоийнинг ёзишича, савдогарлар катанни бўз нарҳида сотиб олишни,

бўзни эса катан нарҳида сотишни орзу қилардилар (5).

Амир Сухробнинг қизи Ҳабиба Султон бегим номидан 1464 йили Самарқанддаги мақбаралардан бирига вақф этилган мулклар орасида қабр устига миср катанидан тайёрланган ёпинғич ёпилгани эслатиб ўтилади. Самарқандлик Устод Тангрибердибойнинг меросини ўзида акс эттирган ҳужжатда эса бошқа мол-мулклар билан бир қаторда катандан тикилган бешта тўшак кўрсатиб ўтилган (6). Марказий Осиё шаҳарларида катан ишлаб чиқарилгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Амир Темур ва Темурийлар даврида катанни асосан Миср етказиб берар эди.

Самарқанд ҳамда Амир Темур ва Темурийлар давлатининг бошқа шаҳарлари бозорларида фўта деб аталувчи енгил юпка мато сотилган. Унинг пахтадан, ипакдан ва жундан тайёрланган турлари бўлган. Эркаклар салла тарзида ўраган мато ҳам, аёллар бошига ўраган узунчоқ рўмол ҳам, тўн устидан боғланадиган белбоғ ҳам фўта деб юритилган. Самарқандлик ва хиротлик мусаввирларнинг миниатюраларида эркаклар кўйлаклари устидан белбоғ боғланган ҳолда акс эттирилган бўлиб, уларнинг учлари зар билан тикилгани кўзга яққол ташланади. Фўта парчалари ҳаммомда ишлатиладиган сочик вазифасини ҳам ўтаган.

Ёзма манбаларда хинд, миср фўталари тилга олинади. Самарқанд худудида ҳам фўта ишлаб чиқарилган. Самарқандлик фўта тўқувчи усталар — Устод Шохмуҳаммад фўтабофга Мир Муҳаммад деган бола, Устод Субҳига эса Субҳонқули исмли бола шогирдликка олинганлиги ҳақидаги қозилик ҳукмлари мавжуд (7).

Амир Темур ва Темурийлар даврига оид манбалардан ўша даврларда тафта номини олган юпка, силлиқ ипакли матодан фойдаланилгани маълум. Хусайн Хоразмийнинг вақф ёрлиғига кўра, тафтадан салла тайёрланган.

Вақф мутаваллиси ҳар йили Хусайн Хоразмий авлодларини, уларнинг маблағи етмаган ҳолда, салла учун тафта билан таъминлаб турган (8).

Ўша даврда ишлаб чиқарилган олача газламаси пахта толасидан тайёрланган, лекин ним ипак кўринишида ҳам бўлиши мумкин эди. Одатда, асосан йўл-йўл чизиқлар билан безатилган олачага аҳолининг талаби катта эди. Илк ўрта



Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю (лекин), обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар, йўл устида ҳар манзилга работлар қурилсин.

«Темур тузуқлари»



асрлардан машхур бўлган занданачи матосига XIV—XV асрларда ҳам талаб катта бўлиб, у пахтадан тайёрланар эди. Новгородда археологик қазилмалар чоғида топилган қайин пўстлогига ёзилган хат ва Тевтон ордени хужжатхонасидаги 1401 йилга оид хужжатдан аён бўлдики, занданачи Фарбий ва Шаркий Европада ҳам тарқалган. Амир Темури ва Темурийлар даврида Европа мамлакатларига юборилган моллар орасида занданачи оддий шаҳарликлар харид қилишга қурби етмайдиган матолардан ҳисобланган. Пахта толасидан бўзнинг бадавлат аҳоли учун мўлжалланган юпка хилидан тортиб, қалин, оқланмаган, сарғиш ёки қулранг хилигача тўқилар эди. Оддий аҳоли учун анча қалинроқ, лекин иссиқни ўзида яхши сақловчи рангоранг бўз тўқилган. Читгарлар бўёқни ўзлари тайёрлашган. Шубҳасиз, бу ҳол улардан муайян кимёвий жараёнларни билишни, унча-мунча нақш санъатидан хабардор бўлишни талаб этар эди.

Рашидиддиннинг XIII асрга оид маълумотида кўра, Шарққа йўл олган бухоролик уч савдогарнинг моллари орасида қарбас, занданачи, зар қўшиб тўқилган парча — зарбофт ва бошқа матолар ҳам бўлган. Муаррихнинг ёзишича, Чингизхон зарбофтнинг ҳар бўлаги учун бир болиш олтин, қарбас ва занданачининг ҳар бўлаги учун бир болишдан қумуш беришни буюрган (9).

Хуллас, Мовароуннаҳр хунармандлари пахта, ипак ва жундан хилма-хил мато тайёрлашган. Муайян газмол турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қишлоқлар маълум. Бухоро яқинидаги қачонлардир занданачи газмоли ишлаб чиқарувчи устахоналари билан машхур бўлган Зандана қишлоғи шулар жумласидан. Бухоро яқинидаги Олачабофтан қишлоғи аҳолиси олача ишлаб чиқариш билан машғул бўлган. Бундай қишлоқлар хунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулот, одатда, ўзга мамлакатларда сотиш учун мўлжалланар эди.

Мато табиий бўёқларда бўялган. Бибиҳоним даҳмасидан топилган ва орада олти аср ўтганига қарамай ўзининг рангли безагини йўқотмаган ним чириган мато парчаси бунга яққол мисол бўла олади. Бўёқ тайёрлашда таркибий қисмлар оғирликлари нисбатига алоҳида эътибор бериш лозим бўлган, бунда махсус тарози ва ўлчов тошларидан

фойдаланилган. Ранг тайёрлаш усули кўп йиллик меҳнат ва тажриба асосида такомиллашган ва, одатда, сир тutilган.

Бўёқ тўқимачилик ва кулолчиликдан ташқари, хунармандликнинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатилган. Жумладан, қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам табиий ва баъзи минерал бўёқлар кенг қўлланилган. Бой безаклар билан битилган кўпгина қўлёзмаларнинг хошиясига пушти, оч феруза, сарғиш, хаворанг қоғозлардан кесиб ёпиштирилган. Хаттотлик санъати бўйича аллома Султон Али Машҳадий кўз чарчамаслиги учун оқ қоғозга эмас, балки нимтатир ранг берилган қоғозга ёзишни маслаҳат беради. Хол-хол ва тўқ рангдаги қоғозларга рангли сиёҳ билан хат битилган. Тўқ рангдаги қоғозларда рангли ёзув чиройлидир (10).

Нўхат ранг қоғоз «Мажмуайи васоик» хужжатлар тўпламида эслатиб ўтилади. Султон Али Машҳадийнинг сўзларига қараганда, қоғозга сариқ ранг бериш учун заъфарон ишлатилган. «Хитойи қоғоз» номи билан аталувчи қоғознинг керакли рангдагисини олиш учун унга заъфарон, хина ва бир неча томчи сиёҳ қўшилган (11). Турли рангларда бўялган қоғозларнинг ҳар бири Шарқ манбаларида алоҳида маънони билдирган. Масалан, кўк ранг мотамни, қизил эса байрам кайфиятини англатган.

Амир Темури ва Темурийлар даврида тарихшунослик борасида рўй берган кескин юксалиш натижасида тарихий асарлар, шунингдек, насрий, шеърий ва аниқ фанлар соҳасида талайгина асарлар юзага келди. Кўплаб буйруқ ва фармойишлар чиқарилиб, давлат ёзишмалари амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб ёзув қоғози, айниқса, олий навли қоғоз талаб қилар эди. Олий навли қоғозни асосан ҳукмдорлар ва уларга яқин амирлар, йирик давлат амалдорлари ишлатишган. Шунинг учун бундай қоғоз «Султон қоғози» номи билан машхур бўлган.

Султон Али Машҳадий Самарқанд қоғозининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ёзар экан, унинг чидамлилиги, силлиқлиги, сиёҳни ўзига шиммаслиги каби хоссаларини кўрсатиб ўтган. Самарқандлик хунармандлар паст сифатли қоғоз ҳам ишлаб чиқарганлар. Ўша давр қўлёзмаларида «тоза ва оқ қоғоз» ва оддий қоғознинг эслатиб ўтилиши бежиз эмас (12).

Самарқанд Темурийлар даврида ҳам Шарқнинг қоғоз ишлаб чиқарувчи марказларидан бири бўлиб қолди. Амир Темури ва унинг авлодлари даврида Мовароуннаҳрда қўлёзмалар, одатда, Самарқанд қоғозидан

Самарқанд XV аср бошларида Осиё ва Европа халқларининг Марказий Осиё орқали олиб борган кенг кўламли савдосининг маркази бўлган. Самарқанддан Кичик Осиёга, Урта денгизга, Хитойга ва Хиндистонга олиб борувчи жаҳон аҳамиятига молик савдо йўллари ўтган.

Н. И. Леонов



битилар эди. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 4472-раками остида сақланаётган қўлёзмаси айнан Самарқанд қоғозида битилган (13).

Мовароуннаҳр хунармандлигининг тараккий этган муҳим соҳаларидан бири — кулолчилик Амир Темур ва Темурийлар даврида янада ривожланди. Кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Самарқанд атрофидаги ерлар тупроғидан унумли фойдаланилган. Руи Гонсалес де Клавихонинг эътирофи этишича, бу энг яхши тупрок хисобланган.

Хунарманд кулоллар турли идиш-товоклар ясаган. Амир Темур қалъаси худудида топилган XV аср археологик осори атиқалари орасида ҳар хил коса, катта ва кичик лаганлар, тоғора, шунингдек чирок мавжудлиги бунинг далилидир (14).

XIV—XV асрларда ҳашаматли биноларни безашда қўлланиладиган кошинкор тахтачалар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сифатли лой тайёрлашнинг унутилиб кетган усули қайта тикланди. Натижада кошинлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Муайян тоифадаги зодагонлар олтин ва кумуш билан ҳошияланган қимматбаҳо идишлардан фойдаланишган. Ўзга юртлардан келган меҳмонлар олтин ва кумуш қадахларда шароб билан сийланган. 1464 йили Ҳабиба Султон бегим номидан Самарқанддаги мақбаралардан бирига вақф этилган мулк ҳужжатида металл буюмлар, жумладан, мис лангард (қозон), мис наила (ширин сув тайёрлаш учун мўлжалланган қозонсимон идиш), бронза хуланчи (коса), бронза офтоба, икки бронза шамдон ва қадахча, олтин суви юритилган, бош қисми кумушдан ясалган машраба (қозонсимон идиш), темир фонус, дастаси ҳайвон тишидан ясалган кемухт (чарм) қинли пичоқ, темир қоплама саҳтиён теридан ясалган сандик, олтин суви юритилган иккита бронза коса, бирига олтин суви юритилган икки мис шамдон ва бошқалар қайд этилган (15).

Ушбу рўйхат XV асрда Самарқанддаги зодагон оилаларда турли хил металл уй-рўзгор буюмларидан фойдаланилганлигини кўрсатади.

Бундай маълумотлар адабиётларда келтирилган «Ўрта Осиёда бронза XIII асрдаёқ муомаладан чиқиб кетган» деган фикрнинг асоссизлигини исботлайди (16). Қолаверса, аҳоли турмушида бронза буюмлар ишлатилганлиги ва шундай идишлар мавжуд бўлганлиги, металл эритиш печларининг топилиши ҳам Амир Темур ва Те-

мурийлар даврида Мовароуннаҳр хунармандлари бронза буюмлар ясаганлигидан далолат беради.

Амир Темур даврида танга зарб этиш учун конлардан кумуш қазиб олинган.

Амир Темур ва Темурийлар давлатида қимматбаҳо металлларни қайта ишлаш билан боғлиқ хунармандлик соҳалари ҳам ривож топган.

Амир Темурнинг ўзи, унинг хотинлари ва темурий султонлар ўзларига қимматбаҳо тошлар, дур ва марваридлар, олтин ва кумушдан ишланган заргарлик буюмлари билан зеб беришни севар эдилар.

Марказий Осиё хунармандлигида гиламчилик алоҳида ўрин тутган. Анвойи гиламлар Амир Темур саройларини безар эди. Хукмрон сулоланинг оилавий тантаналари, ҳукмдорнинг ҳарбий юришлардан қайтиши ва элчиларнинг келиши муносабати билан пойтахт шаҳарларнинг асосий кўчалари ва уйларининг деворлари гиламлар билан безатиларди.

Сарой деворлари ва чодирлар ҳам безак пардалар, турли расмли матолар, ипак ва парча газмоллар билан безатилган. Дид билан безатилган кўча ва майдонлар таърифни Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо ва бошқалар ўз асарларида баён этганлар.

Аҳолининг бир қисми кўнчиликка ихтисослашган. Улар совунгар, читгар ва бошқа хунармандлар каби асосан шаҳарнинг чеккаларида фаолият кўрсатар эдилар. Зеро, қайта ишлов бериладиган хом ашёдан тарқаладиган ёқимсиз хид ҳам бундай турдаги ишлаб чиқаришни шаҳар чеккасида ташкил этишни талаб этар эди.

Амир Темур ва Темурийлар давлати шаҳарларида ривож топган хунармандлик турларидан бири этикдўзлик эди. Ишлаб чиқариладиган пойабзал турига қараб бу хунармандлар маҳсидўз, юмшоқ таг чармли этик тикувчи, кавшдўз, қаттиқ таг чармли (муза) этик тикувчи музадўзлар каби мутахассисларга бўлинар эди. Эркаклар пойабзали кўплаб тайёрланар эди. Эски пойабзал таъмирловчи кўхнадўзлар ҳам этикдўзларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этган.

XIII—XIV асрларда давлатга қарашли йирик хунармандлик устахоналарида қуллар меҳнатидан фойдаланилган.

Турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил этган шарқшунос олим И.П. Петрушевский «X—XV асрларда феодал ишлаб чиқариш усули хукмрон бўлган бир даврда қулдорлик қолдиги ҳам муайян





роль ўйнаган: куллар меҳнати йирик давлат устахоналарида (корхоналар), баъзан эса йирик ер эгаларининг қишлоқдаги хўжалигида кенг қўлланилган»лигини таъкидлайди (17).

Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқанд қалъасида жойлашган корхона ҳақидаги маълумоти диққатга сазовор. Унинг ёзишча, Амир Темур бу ерда мингга яқин асир хунармандларни сақлаган, улар йил бўйи совут, дубулға, камон ва ўқ ясашган. Амир Темур шаҳардан етти йиллик юришга кетган вақтдан то қайтиб келгунигача қадар асирлар ясаган қурол-яроғларни унинг олдига қўйишларини буюрган (18).

Хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақаси гуруҳига мансуб эди. XV аср ва XVI аср бошларида яшаган шоирлар, муסיқачи-ю созандалар, муаррихларнинг бир қисми бадавлат хунармандлар ва майда савдогарлар орасидан етишиб чиққан эдилар. Масалан, самарқандлик шоирлардан Жавҳарий совунгарлар растасининг оқсоқоли, мавлоно Хавофий — тикувчи, мавлоно Мир Аргун — хаймадўз, яъни чодир тикувчи, мавлоно Кобулий ғазолфуруш — калава сотувчи, мавлоно Камардўз — тасма тикувчи ва Бисотий Самарқандий — бўйра тўкувчи хунармандлардан бўлган.

Шубҳасиз, хунармандликнинг юксалиши кўп жиҳатдан ички ва ташқи савдонинг умумий ҳолатига боғлиқ эди. Шунинг учун Темур ва унинг ворислари мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига катта аҳамият бердилар. Бу даврда давлат ҳудудлари ва вилоятлари бўйлаб кесиб ўтган барча карвон йўлларида қатор катта-кичик работлар ва ёмлар барпо этилар, карвонсарой ва хонақоҳлар қурилди. Натижада карвон қатнови жонланиб, ички савдо гавжумлашди.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг марказий шаҳарларида тепаси тим қилиб ёпилган янги-янги бозор — чорсуларнинг сони кўпайиб, расталар кенгайди. Шаҳарларда ички савдо ривож топиб, шаҳарлар билан деҳқончилик воҳалари ва қўчманчи чорвадор дашт аҳолиси ўртасида савдо-сотик алоқалари кучайди. Марказий шаҳарлар мол айирбошлаш савдосида муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда мамлакат пойтахти Самарқанд шаҳрида савдо ва хунармандликнинг жуда ҳам ривож топ-

ганлиги Руи Гонсалес де Клавихони хайратда қолдирган эди.

Клавихо Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги, арзонлиги ҳақида гапириб, шаҳар хунармандлиги маҳсулотларини ҳам қайд қилади: «Бу ернинг бойлиги фақат емакликларнинг мўл-кўллигидагина эмас, балки ўзида кўплаб ишлаб чиқариладиган ипак матолар: кимхоб, ҳар хил ии ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда молларнинг сероблигидадир».

«Бу шаҳарда олди-сотди учун қулай махсус савдо растасининг мавжуд эмаслиги туфайли, подшо шаҳар бўйлаб катта қўча чиқаришни, унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дўконлар қуришни буюрди. Бу қўча шаҳарнинг четидан бошланиши ва бутун шаҳар орқали ўтиб, иккинчи четига бориб етиши керак эди. Подшоҳ кўрсатиб берган йўналишда қўча ўтказила бошланди. Қўча йўналишидаги уй-жойлар, кимники бўлишидан қатъи назар, бузиб текисланди... Қўчани кенг олиб, унинг ҳар икки томонига савдо дўконлари қуришди, ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан қопланган баланд курсилар ўрнатилди. Барча дўконлар жуфт-жуфт қилиб бир-бирига туташтирилди. Қўчанинг тепаси эса бошдан-оёқ тим қилиб равоқсимон шаклда ёпилди. Ёруғлик тушиши учун унга қатор дарчалар ўрнатилди. Дўконлар қуриб битирилиши биланоқ, уларга савдогарлар ўрнашар ва турли молларни сотишга киришардилар. Қўчанинг ҳар ер-ҳар ерида ҳовузлар қавланган бўлиб, улар сувга тўлдириб қўйилгаиди... Қундуз куни ишлаган кишилар кеч кириши билан уйларига кетишар ва уларнинг ўрнига кечаси ишлаш учун бошқалари келишар эди, айримлари уйларни бузар, бошқалари ер текислар ва учинчилари қурилиш билан банд эди... Бундай катта қурилиш йигирма кундан озроқ муддатда амалга оширилгани, шубҳасиз, кишини хайратга солади», — деб хикоя қилган эди Клавихо (19).

Амир Темур ҳукмронлиги даврига оид ёзма манбалардан келтирилган маълумотлар Самарқанд хунармандлиги нечоғлик юксак ривожланганини кўрсатади. Самарқанд регистони атрофидаги хунармандлик даҳаларининг сезиларли ўсиб бориши ҳам Амир Темур ва Темурийлар даврида хунармандликнинг ривожланиши учун олдинги даврларга нисбатан қулай шарт-шароитлар етилганлигидан далолат беради.

Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва Фарбий Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатishi Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиши жараёнини жадаллаштирди. Бу ҳол, айниқса, ислом илоҳиётининг ёйилишига ва ислом оламиндан ўзлаштирилган бир қатор санъат ва хунармандликларнинг бойлишига тааллуқлидир. XV асрда Самарқанд ва Хирот орқали утувчи савдо йўллари ҳам бу даврда савдо-сотик жараёнини жадаллаштирди.

Саид Жамолiddин

лар мол айирбошлаш савдосида муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда мамлакат пойтахти Самарқанд шаҳрида савдо ва хунармандликнинг жуда ҳам ривож топ-





Амир Темур ва Темурийлар даври хунармандлиги ҳамда маданияти худудий чекланмаган. Бу ўринда Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги маълумоти диққатга сазовордир. Унинг ёзишича, ширали овозли қўшиқчилар моҳир созандалар жўрлигида форслардек, араб мусикалари остида, туркийлар одатлари асосида, муғуллар овози билан хитойликларнинг қўшиқ айтиш қоюнлари ва олтойликларнинг ўлчови билан қуйлаганлар (20).

Амир Темур ва Темурийлар давлати иқтисодий ички ва ташқи савдога таянар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида савдо расталари ва бозорларни, йўллари яхшилаш ва асосий карвон йўлларида янги карвонсаройлар барпо этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Шаҳарнинг турли қисмларида савдо-хунармандлик иншоотлари барпо этилди, бозор худуди кенгайтирилди.

Иқтисослашган бозор расталарида муайян маҳсулот тури билан савдо олиб борилар эди. Самарқанд бозорларига хос бу хусусият нафақат ўша давр муаррихларининг, балки кейинги давр муаллифларининг ҳам ҳайратига сазовор бўлган. Захириддин Муҳаммад Бобур ўз хотираларида кўроқ Амир Темур даврида Самарқанд буюмларига иқтисослашган савдо расталари мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Унинг ёзишича: «... бу шаҳрда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Ҳар хирфгарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига маҳлуб эмастур, тавр расмедур» (21). Шаҳарда турли усулларда пиширилган ва тузланган гўшт ва товуклар, шунингдек нон ва мевалар сотиладиган майдонлар кўп бўлганлиги ҳақида маълумот XV аср бошларига оиддир.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ички қайта қуришларга юз тутмаган Бухоро шаҳри ҳам иқтисослашган бозорларга эга бўлган. Антони Женкинсоннинг ёзишича: «Бу ерда ҳар бир хунармандлик соҳаси ўз ўрнига ва ўз бозорига эга бўлган» (22).

Одатда, раста номи у сотиладиган маҳсулот номи билан белгиланар эди. Пахта, пилла, йиғирилган ип, анор, қўқат, пилёз бозорлари ҳақида ёзма манбаларда учрайдиган маълумотлар Самарқанднинг қишлоқ билан хунармандлик маҳсулотлари, хом ашё ва ним маҳсулот билан савдотик алоқаларида бўлганлигидан далолат беради.

Бозорларда шаҳар савдоси мужассамлашган бўлиб, бу ерда хунармандлик ишлаб чиқариши ҳам жойлашган эди. Кўпги-

на дўконлар нафақат савдо-сотикни амалга оширувчи жой, балки хунарманд ўз маҳсулотини шу ерда тайёрлаб, шу ерда сотадиган жой вазифасини ҳам ўтаган.

Самарқандда Амир Темур буйруғи билан барпо этилган боғларга олиб борувчи йўллар ёқасида бозорлар жойлашган бўлиб, уларда дунёнинг ҳеч ерида учрамайдиган энг яхши қовун-тарвузлар, мева ва сабзавотлар, бошқа турли моллар билан савдо қилинган.

Бозор шаҳар ҳаётининг маркази бўлган. У, шунингдек, бадий адабиёт, турли фан соҳаларидаги ютуқлар билан фикр алмашинадиган жой вазифасини ҳам ўтаган. Бу ерда ҳукмдор буйруқлари ўқиб эшиттирилган, айбдорлар жазоланган.

Шаҳарнинг марказий бозорида пул айирбошланадиган саррофхона жойлашган. Бозор маҳсулотларга нарх белгиланадиган жой ҳам эди. Нарх ҳаддан ташқари кўтариб юборилганда сотувчилар қаттиқ жазоланган ва савдогарларни химоя қилишган (23).

Бозорларда, одатда, кўзбойловчилар, дорбозлар, курашчилар, қўғирчоқбозлар турли томошалар кўрсатар эди.

Ўзаро урушларнинг сусайиши ва Марказий ҳокимиятнинг кучайиши натижасида мамлакатнинг турли вилоятлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланиб борди. Мовароуннаҳрнинг қишлоқ ва шаҳарларидан Самарқанд бозорига келтириладиган ва муайян талабларга жавоб берадиган маҳсулотларнинг бир қисми чет эллик савдогарларга сотиш ва бошқа шаҳарларга жўнатиш учун мўлжалланарди.

Кенг тармоқли Буюк Ипак йўли Мовароуннаҳр шаҳарларини Ҳиндистон, Эрон, Волга бўйи, ҳозирги Афғонистон, Хитой, Туркия шаҳарлари билан боғларди.

Амир Темур давлатининг ривожидан савдонинг аҳамиятини жуда яхши тушунар эди. Шу нуқтаи назардан у сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қиларди.

Кичик Осиеда бўлган вақтида Амир Темур Франция қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан олиб борган дипломатик ёзишмаларида фарб мамлакатлари билан мунтазам савдо алоқалари ўрнатиш истагини билдиради. Савдогарларнинг диний мансублигидан қатъи назар, уларни савдо эркинлиги билан таъминлаш икки томондан қўйилган муҳим шартлардан бири эди.

Ҳар бир мамлакатнинг раёияти билан булган муомалада уларга нисбатан ҳолислик билан иш тутсинлар. Яна буюрдики, ҳар бир мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик йўқотилсин.

«Темур тузуклари»





Қиролларнинг хатларида христиан-савдогарларнинг ҳам шахсий, ҳам савдо соҳасидаги саводини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилган. Амир Темурга юборилган хатларнинг бирида: «Чин дилдан шуни Сиздан илтимос қиламизки, бизнинг савдогарларимиз Сизнинг мулкингизга шахсий хайрихоҳлигингиз остида кириб келсалар. Сизнинг савдогарларингизнинг бизнинг мулкка кириб келишидан биз ҳам манфаатдормиз», — дейилади (24).

Амир Темурнинг вафоти бу ниятларнинг амалга ошишига монелик қилди. Шунга қарамай, Марказий Осиё ёзма манбаларида Ғарбий Европа хунармандлари яратган буюмларнинг, хусусан ажойиб пичоқлар, қурол-аслаҳа, кўзойнак, соат ва ҳоказоларнинг эслатиб ўтилиши кейинги даврларда ҳам марказий осийлик ва ғарбий европалик савдогарлар ўртасида муайян алоқалар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, у бу ерга фақат дипломатик вазифани бажаришнигина эмас, балки Испания билан Марказий Осиё ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида Самарқанддаги моллар нархи, кейинчалик Испаниядан келтирилиши мумкин бўлган ва маҳаллий савдогарларни қизиқтирган маҳсулот турларини аниқлашни ҳам мақсад қилиб олган эди.

Амир Темур савдо йўлларини яхши сақлашга жуда катта эътибор билан қараб, уларни салтанат сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг асосий қон томири деб ҳисоблаган.

Ўзга давлатлар билан савдо алоқаларининг илдам ривожланиши натижасида янги-янги карвонсаройлар барпо этилди. Амир Темур буйруғига биноан кўпинча дала ўртасида, жануби-ғарбий вилоятлардан Самарқандга элтувчи йўлларда то пойтахт шаҳарга қадар савдо аҳли, элчилар, саёҳатчилар тўхтаб дам олишларига мўлжалланган «катта уйлар» — карвонсаройлар қурилган.

Бундан ташқари, отлар сақланадиган бекатлар ҳам ташкил этилган. Бундай масканлар муҳим карвон йўлларининг барчасида бўлиб, уларда доим хориған отларни алмаштириб олиш мумкин эди. Аҳоли яшайдиган ерлардан анча узоқда, дашти биёбонлардан ўтадиган карвон

йўлларида жойлашган карвонсаройлар махсус ирригация иншоотлари ёрдамида сув билан таъминланарди. Ана шундай карвонсаройлардан бири ҳақида манбаларда қуйидагича маълумот келтирилган: «Икки кунлик йўл давомида ҳавонинг жуда иссиқлиги ва сувнинг жуда камлиги туфайли бирорта ҳам турар жой кўринмади. Карвонсаройлардаги сув эса бу ердан бир кунлик узоқликдаги жойдан ер ости қувурлари орқали келтирилади» (25).

Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарларининг Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари Буюк Ипак йўлининг анъанавий тармоқлари орқали амалга оширилган. Бу йирик йўл орқали кечган иқтисодий жараёнга Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Андижон каби савдо-хунармандлик марказларигина эмас, балки Мовароуннахрнинг анча майда шаҳар ва кишлоклари ҳам жалб этилган эди.

Самарқандда ўтказилган йиллик ярмаркаларга турли мамлакатлардан — «Хитой, Ҳиндистон, Тотория ва бошқа ерлардан» хилма-хил товарлар келтирилган.

Мовароуннахрнинг Хитой билан савдо-дипломатик алоқалари кенгайиб борган. Хитой императорининг теурий ҳукмдорларга юборган совғалари рўйхатида аҳолининг юқори табақаси эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган моллар, хусусан, чинни буюмлар, ов қушлари, қоғознинг алоҳида нави ва бошқалар мавжуд эди. Икки давлат ўртасида маҳсулот айирбошлашда хунармандлар учун зарурий ниммаҳсулот алмашиш катта ўрин тутганки, бу турли худудлар аҳолисининг иқтисодий алоқалари ривожланганлигидан далолат беради.

Пилла қурти боқиш ва ипак мато ишлаб чиқариш кўпгина мамлакатларда ўзлаштирилганига қарамасдан, Хитойдан Теурийлар давлатига юборилган совғалар рўйхатида шойи ва ундан тикилган кийим-кечак ўз аксини топган. Шу билан бирга, Мовароуннахр усталари турли газламалар, хусусан олий нав ипак газламалар тайёрланган.

Захириддин Муҳаммад Бобур Самарқанд карвонлари билан Хитойга борган савдогарларнинг сони, улар савдосининг ҳажми ҳақида ҳам хабар бериб ўтади.

Теурийлар даврида Мовароуннахр ва Ҳиндистон хунармандлари ясаган маҳсулотларни айирбошлаш анчагина жонланган эди. Ҳиндистондан зар қўшиб тўқилган юққа оқ матолар, ишлаб чиқарилган жойи-

Амир Темур уз салтанатида бошқарув ва савдо-сотиққа катта эътибор берди. У ўзи танлаб олган амалдорларга нисбатан жуда қаттиққўл эди. У барча вилоятларда, айниқса, унинг йўқлигида тартиб ҳамда адолат бўлишини хоҳларди. Узоқ юртларга қилган юришларидан қайтар экан, у ҳисоботлар тузар ва йўл қўйилган хатоларни тўғрилар эди. Ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмаган қуринарди.

Керэн Люсьен

га қараб хайдаробод, гужарот, банорас матолари деб аталувчи газмоллар, шунингдек шакар ва бўёқлар олиб келинар эди (26). Хиндистон билан бундай муносабатлар айниқса Захириддин Мухаммад Бобур даврида ривож топди.

Самарқандга турли мамлакатларнинг маҳсулотлари қаторида «Русь ва Тоториядан» чарм ва зиғирдан тайёрланган матолар келтирилар эди. Юқори сифатли чарм Волга орқали Булғордан олиб келинар эди. «Булғори» деб аталган бундай чармдан пойабзал усти, қимматбаҳо эгарлар, хуржун, китобнинг безакли филофи, безакли ўқ-ёй филофи, эгар, жабдуқ ва ҳоказолар тайёрланган. Кейинчалик «булғори» чарми «Волгадаги тоторлар мамлакати Қозонда» ишлаб чиқарилса-да, Марказий Осиёга Москвадан мунтазам жўнатиб турилган (27).

Испан элчиларининг учрашув ва саёхатлари баёнидан Самарқандга Испаниядан келтирилган моллар рўйхатида Флоренцияда тикилган кийим, юпка мато, тўқ қизил газлама, кумуш коса, мовут ва жундан тикилган кийимлар ва бошқа моллар учрайди.

Амир Темур Испания қироли юборган совғаларни қабул қилиб олар экан, жуда

мамнун бўлган эди. Улар орасида Амир Темур хотини учун қизил мовут, шунингдек ов лочинлари ҳам бўлган. Термизда испан элчиларини кутиб олишга чиққан чопарга Флоренция кўйлаги совға қилганлар, Испания қироли саройига юборилган Амир Темур элчиси Самарқандга испанча либосда қайтиб келган.

Амир Темур Самарқандни бутун худуднинг ички ва ташқи савдосини бошқариб турувчи марказ сифатида кўришни хоҳлар эди. Самарқанднинг ички ва ташқи савдоси хунармандлар, қишлоқ аҳли, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида товар айирбош-лашни мувофиқлаштирувчилик ролини бажарди. У қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-ини бозор билан боғлаб турди, қишлоқ меҳнаткашларини қўшимча хом ашё, ниммаҳсулот ва баъзи хунармандлик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришга рағбатлантириб, улар хўжалигининг иқтисодий имкониятларини кенгайтди. Бу борада Самарқанд яқинида жойлашган қишлоқлар, жумладан, Амир Темур буйруғи билан бунёд этилган қишлоқлар анча узоқда жойлашган ва натурал хўжалик сақланиб қолган қишлоқлардан тубдан фарқ қилар эди.



ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ОБОДОНЧИЛИК

Амир Темур ва темурийлар давлатни бошқаришда мамлакат мустақиллигига, эл-юрт осойишталигига, уни обод этишга катта аҳамият бердилар.

Бу даврда мўғулларнинг муттасил босқинлари оқибатида вайронага айланган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Банокат (Шохрухия) каби қадимий шаҳарлар, бирмунча катта-кичик қалъа ва истехкомлар қайта тикланди. Узоқ-яқин вилоятлар ва туманларда янги шаҳарлар, мустаҳкам кўрғону қалъалар қад кўтарди... Марказий шаҳарлар ва уларнинг атрофида кўркам маъмурий, маърифий, жамоат бинолари, сув иншоотлари қурилиб, боғ-бўстонлар барпо этилди.

Амир Темур ўзи барпо этган бу улкан салтанатнинг шон-шухрати учун унинг марказий қисми — Мовароуннаҳрни, айниқса, Самарқанд шаҳрини ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берди. У забт этилган мамлакатлардан бойликлардан ташқари, моҳир хунарманду мусаввир-наққошларни, меъмору бинокорларни, муҳандис, олимларни Мовароуннаҳрга олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг ҳар бир зафарли ва севинчли воқеани муҳташам меъморий обидани барпо этиш билан нишонлаш одати бор эди. Шу мақсадда Хиндистондан олиб келинган моҳир бинокорлар, Хоразм, Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб ва Шарқнинг бошқа кўпгина шаҳарларининг машҳур уста хунармандлари мамлакатда гўзал иншоотлар бино қилдилар.

Амир Темур ўз ҳукмдорлигининг илк даврида Кеш шаҳрини мамлакат пойтахтига айлантириш ниятида унинг ободонлигига катта аҳамият берди. Бу ерда дунёга донғи кетган Оқсарой қад кўтарди. Бу муҳташам саройнинг пештоқи, тоқу равоқлари, деворлари зангори ва олтин ранг арабий нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар билан зийнатланди. Соҳибқирон Кешни Марказий Осиёнинг маънавий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббатул илм вал-адаб», яъни

Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шоирлари, фозил кишилари, дарвешлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Фақир мускин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар. Мударрислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар.

«Темур тузуклари»



«Илм ва адаб (тарбия)нинг гумбази» деган унвонга эга бўлди. Аммо Захириддин Бобур таърифлаганидек, «Темурбекнинг зоди-буди Кештин учун уни шаҳар ва пойтахт қилурга кўп саъй ва ихтиомлар этди. Олий иморатлар Кешта бино қилди. Чун Кешнинг қобилияти шаҳар бўларга Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ихтиёр қилди» (28).

Амир Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахтига айлантиришни ният қилар экан, унинг бой ва ранг-баранг ўтмиши, географик жихатдан қулай жойлашганлигини ҳамда соф хавосини ҳисобга олган.

У машҳур меъмор ва усталар иштирокида кенгашлар ўтказди. Қуриладиган бинолар ўрни обдан текшириб кўрилди ва шаҳарнинг бош режа-лойиҳаси яратилди.

Самарқанд нафақат ўзининг ободлиги, бойлиги ва гўзаллиги билан, балки юксак даражада ривожланган илм-фани, санъат ва маданияти билан ҳам донг таратди. Чунки Соҳибқирон бу муаззам шаҳарга турли юртлардан иқтидорли олимлар, меъморлар ва мусаввирлар, бошқа истеъдодли мутахассисларни йиққан эди.

Ўша даврнинг энг катта илмий кашфиётлари, фалсафий ғоялари, меъморлик, тасвирий санъат ва бошқа соҳалардаги улуғвор ютуқлар Самарқандда туғилар, улғаяр, сўнгра Амир Темур давлатининг турли чеккаларига тарқалар эди, яъни пойтахт Самарқанд ўзига хос ижодий лабораторияга айланган эди. Бу борада айниқса меъморлар жуда илгарилаб кетган эдилар.

Самарқандда Амир Темур даврида қурилган ҳар бир меъморий обида, пойдеворидан тортиб то гумбазининг учигача, кошчиларидан тортиб виштларигача ягона, тугал ва мукамал гўзал қиёфага эга эди. Шунингдек, бу даврда қурилган кўпгина саройларнинг деворларига кенг кўламда монументал рангтасвирлар ҳам ишланган эди. Уларда Амир Темурнинг Ҳиндистон, Эрон ва Дашти Қипчоққа қилган зафарли

юришлари, элчиларни қабул қилиш маросимлари, олиму уламо билан суҳбатлари, тўй ва базм сахналари ўта мохирлик билан акс эттирилган эди.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур олиб бораётган бинокорлик ишларидан хайратда қолган эди. Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темур ўз фаолиятида, хусусан бинокорлик соҳасидаги ишларида ҳам аввало сиёсий мақсадларни кўзда тутди.

Шахрисабздаги машҳур Оксаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, қурган иморатларимизга боқ» деган хитобнома битилганлиги фикримиз далилидир. Туркистон шахрида Аҳмад Яссавий мақбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган. Дехқончилик вохалари билан бепоён Дашти Қипчоқ яйловлари чегарасида қад кўтарган бу улуғвор меъморий иншоот кўчманчи чорвадорлар наздида Амир Темур давлатининг куч-қудрати ва маҳобати-га ишора эди.

Самарқандда Амир Темур фармойиши билан қурилган йирик меъморий обидалар орасида шаҳар Жоме масжидининг бино қилиниши айниқса диққатга сазовордир. 1399 йил май ойида бошланган, шахзодалар ва амирлар бошчилик қилган бу қурилишга меъмору бинокорлар ва наққошу ганчкорлар билан бир қаторда юзлаб сангбур (тош қазувчи) ва сангтарош (тош йўнувчи)лар жалб этилган. Бинонинг пойдевори хоро (гранит) тошлардан ишланиб, тўрт бурчагида тўртта баланд минора тикланди. Баландлиги 7 қари (3,5 метрли) 480 та мармар устунли масжид сахнига тарашланган тош тахтачалар тўшалди. Масжид айлана деворининг ички томони ва тоқлари юзаси Қурьони карим оятларидан тошга ўйилган китоба ёзувлар билан зийнатланди (29).

Темурийларнинг боғлари ҳақидаги маълумотлар ёзма манбалар орқали бизгача етиб келган. Ўша давр боғларининг меъморий қиёфаси хусусидаги умумий тушунчаларни Руи Гонсалес де Клавихо, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ ва Захириддин Бобур асарларидан топиш мумкин.

Бу боғларнинг тархи, ҳақиқатдан ҳам, ақл-идрок билан тузилган, уларни бунёд этишда истеъдодли меъморлар қатнашган. Тарих улардан айримларининг номини бизгача етказган. Шулардан бири Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаший бўлиб, Амир Темур давридаги аксарият боғларнинг ижодкоридир. Боғ меъморларидан яна бири Султон Маҳмуддир. Бу меъмор Ҳусайн Бойқаро хукмронлик қилган йилларда Ҳиротда кўплаб боғлар бунёд этган. Булар Самарқанд боғларига монанд яратилган.

Клавихо шаҳарнинг шарқ томонидаги «Боғи Дилкушо» ҳақида гапирар экан, бундай деб ёзади: «Соҳибқирон боғига баланд ва салобатли дарвозалардан кирилади, улар виштдан кўтарилган бўлиб, чини кошинлар билан безатилган, зангори

1370 йил мартида Амир Темур Самарқандга қайтиб, уни ўз давлатининг пойтахти қилди, кейин қонунларни ва ўз ҳокимияти давлат тузумини тартибга солди.

Ибн Арабшоҳ

кошинларга олтин суви югуртирилган» (30).

Бурчаклардаги миноралар боққа кўрк бағишлаб турар эди. Боғ ўртасидан кенг хиёбон ўтарди.

Хиёбондан юриб борилса, уч қаватли кўшк ёки сарой рўбарў бўлади. Унинг атрофига чинор ва тут экилган. Боғнинг юкори қисмида ховузлар бўлган. Кўшк деворларига кошинлар қопланган. Шифти нақш билан безатилган. Захириддин Бобур деворларда Амир Темурнинг Ҳиндистонга сифари манзаралари туширилган суратлар борлигини эслаб ўтади.

Боғда катта сарой билан бир қаторда жуда кўп кўшк ва айвонлар бўлган, улар кўркам безатилган, ости қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган. Буларни Клавихо ўз эсдаликларида жуда батафсил таърифлаб берган.

Дарахтлар қатъий тартибда экилган: соя ташлаб турадиган дарахтлар билан бир қаторда мевали дарахтлар ҳам кўп экилган.

Узумзорлар кўп бўлган. Самарқандликлар ўз ажодларининг узумзорларини эхтиром билан парвариш қилишган. Эрта баҳордан кеч кузгача гулзорлар яшнаб турган.

Ариқлардан сув мавж уриб оқиб турган, булоқлардан сув тошиб чиққан. Ховузлар, ҳавзалар сувга тўлиб турган, шунинг учун ҳам атроф салқин ва хуштабиат бўлган. Бу ерга келган ҳар қандай одам саратон жазирамасини унутган, баъзи боғларда, хусусан, «Боғи Нав»да фавворалар бўлган.

Манбаларда келтирилишича, шаҳарнинг шарқ томонидаги Боғи Дилкушонинг ташқи ҳовлисида подшоҳ саройи бўлиб, унда қуролланган аскарлар турган, ички ҳовлида эса туғлар билан безатилган олти жанговар фил сафга тизилган. Учинчи ҳовли Амир Темурнинг меҳмон қабул қиладиган олтин тахтли қароргоҳи бўлган. Бу ҳовлиларнинг ташқарисидagi гирдига олма ва чинор ўтказилган, ховузларнинг фавворасида қизил ва сариқ олмалар қалқиб ўйнаб турган.

Амир Темур Самарқанд атрофида ўзининг хеш-ақраболарига атаб кўпгина кўркам кўшклар, гўзал боғ ва бўстонлар барпо эттирган. Мохир меъмор, тажрибали соҳибкорларнинг ақл-заковати, меҳнати-ю маҳорати билан барпо этилган чорбоғлар (31) ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр бўстончилиги ва боғдорчилик санъатининг намуналаридандир. Манбаларда таърифланишича, шаҳар атрофи ўша кезларда Са-

марқанднинг энг гўзал ва энг ҳашаматли қисми ҳисобланган. Бу ерда кенглиги бир ярим чақиримли боғлар ва улардаги сайилгоҳлардан ташқари, аркони давлатнинг ўйин-кулги ўтказадиган масканлари — ишратхонаю хилватхоналари жойлашган. Шаҳар жанубидаги Боғи Биҳишт — гўзал меъморий услубда қурилган сарой хушманзара боғи билан машҳур эди. Шарафуддин Али Яздийнинг таърифлашича, бу шаҳар Табризнинг соф оқ мрамаридан бино қилиниб, атрофи хандақ билан ихота этилган. Боғнинг бир тарафида ҳайвонот боғи ҳам бўлган. Амир Темур бу саройни Мироншоҳнинг суюкли қизига ҳадя этган эди. Боғи Чинор ҳам шаҳарнинг шу қисмида эди. Боғда кўркам чинорлар бўй чўзган, сўлим йўлаклар хоч шаклидаги қасрга олиб борарди. Қаср ташқариси Шом нақошларининг моҳирона ижоди билан, ичкарисини гўзал сурат ва лавҳалар билан зийнатланган. Боғи Шамол ва Боғи Нав саройлари тўғри бурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам эди. Замини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли бўлган.

Самарқанд ва унинг атрофидаги шоҳона сарой ва боғларда тантанали маросимлар — тўю томошалар, издиҳомлар, сайиллар-у шоҳона меҳмондорчиликлар ўтказилган. Айниқса шаҳар атрофидаги боғларда ташкил этилган издиҳом ва сайиллар ниҳоятда гавжум бўлиб, уларда Самарқанд аҳолисининг деярли ҳамма табақа вакиллари, давлатмандлару фақирлар иштирок этган.

Манбаларда қайд этилишича, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда унинг амри фармони билан Мовароуннаҳр, Хуросон ва Озарбайжонда бир қанча шаҳар ва қалъалар қайта тикланди. Шу жумладан мўғуллар босқини оқибатида буткул вайрон бўлган Сирдарё соҳилидаги қадимги Банокат 1392 йилда қайта қурилиб, теварак-атроф аҳолиси бу ерга кўчириб жойлаштирилди. Бу шаҳар Амир Темурнинг кенжа ўғли номи билан Шохрухия деб аталди.

Амир Темур бошлаб берган бунёдкорлик ишлари унинг воқислари томонидан давом эттирилди. Темурий шахзодалардан тортиб, нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимларию айрим маликаларгача ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини марказий шаҳар ва уларнинг атрофида шоҳона кўшк-саройлар қуришдан ташқари, хайрия ишларига,



Бирон чақирим йўл йўқки, унда қишлоқ ёки ўзлаштирилмаган ер булмасин: улар шу қадар машҳурки, Темурбекнинг «Менинг уттиз чақиримга чўзилган боғим бор» деб айтган сўзлари, афтидан, ана шу туманларга оиддир.

Захириддин Бобур



масжиду мадрасалар, хонақоҳу шифохоналар, ҳаммому чорсу, бозор расталари, рабату карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ-роғлар, бўстонлар бино этишга сарф қилдилар, катта-катта экин майдонлари, тегирмон, обжувоз, мойжувоз ва дўконлар каби кўчмас мулкларни вақф қилиб, мударрис олимлару толиби илмлар, зоҳидлар ва обид машойихларга маош белгиладилар.

Хирот, Машҳад, Балх ва Марв шаҳарлари ҳамда мавзеларининг обод этилишида Шохрухнинг ҳиссаси буюқдир. 1405 йилда у Темурийлар давлати тахтига ўтиргач, Хиротни қайта қуришга киришди. Бу ишга амир Ферузшоҳни бошлиқ қилиб тайинлади. Қурилиш Хирот шаҳри ташқи деворини таъмирлаш ҳамда Хуросон фатҳ этилган вақтда қопқалари бузилган Ирок, Хуш, Ферузобод, Малик ва Қипчоқ номли дарвозахоналарига темир қопланган янги дарвозалар ўрнатишдан бошланди. 1410 йилда шаҳар бозорида пишиқ гиштдан бино қилинган ганчкор тоқу равоқлар ва гумбазлар билан ёпилган меъморий мажмуа қад кўтарди. Чорсуга айланган бу меъморий обида мураббаъ (квадрат) шаклида қурилган бўлиб, унда расталар бўйлаб қатор дўконлар, баланд супалар ва кенг хужралар жойлашган эди. Хиротнинг шаҳар марказида жойлашган ана шу энг гавжум маскани тўрт дарвозали бўлиб, улар тўғри Чорсуга элган.

Ўша йили Шохрухнинг фармони билан Хирот шаҳрининг шимоли-шарқида жойлашган Боғи сафед мавзеида бир боғ ва кўшк, шаҳар ичида эса хашаматли катта сарой, бир-бирига туташган икки мадраса ва хонақоҳ бино қилинди. Мадрасаларга мавлоно Жалолиддин Юсуф Увбакий, Жалолиддин Абдурахим Ёраҳмад, мавлоно Носируддин Лутфуллоҳ ибн Хожа Азизуллоҳ каби уламолар мударрис этиб тайинландилар.

Хонақоҳда шайхлик мансаби шайхулисом Хожа Алоуддин Чистийга топширилди (32). Ўз навбатида, жуда кўп экинзор ерлар ва мулклар бу эътиқод ва маърифат масканларига вақф қилинди. 1415–1416 йилларда Хиротнинг машҳур қадимги истехкоми — Ихтиёруддин қалъасининг қайта қурилишида 700 минг нафар хашарчи иштирок этди (33).

XV асрда Хуросон, унинг пойтахти Хирот ва шаҳар атрофида амалга оширилган ободончилик ҳақида сўз юритилар экан, Улуғбекнинг онаси номи билан боғлиқ Машҳаднинг Гавҳаршод Жоме масжиди ва Хирот яқинидаги шу номли мадра-

сани қайд этиш муҳимдир. Гавҳаршод мадрасаси 1432 йилда Хиротнинг шимолида Сарипули Инжил мавзеида бино қилинди. Мадраса қурилишига Қувомиддин меъмор Шерозий бошчилик қилди. Бу илмгоҳ қуриб битирилгач, Шайх Шаҳобуддин ибн Шайх Рукнуддин мадрасага бош мударрис этиб тайинланди (34).

Шохрухнинг нуфузли бош вазирларидан амир Ғиёсуддин Шох Малик ўзига суюрғол қилиб берилган Хоразм ўлкасида, амир Жалолиддин Ферузшоҳ Балх вилоятида кўпгина мадрасалар, масжиду хонақоҳлар, рабату ҳовузлар қурдиришди. Сердаромад катта мулклар ва ҳосилдор экинзорлар вақф қилинди (35).

XV асрда Мовароуннаҳр, хусусан, унинг пойтахти Самарқанд, шунингдек, Бухоро, Хўжанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда жамоат эҳтиёжи учун зарурий кўплаб хашаматли бинолар қад кўтарди. Темурий ҳукмдорлар орасида, айниқса, Улуғбек бобоси Амир Темурдек бунёдкор бўлиб, мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият берди. У ҳукмдорлик қилган даврда кўплаб масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва карвонсаройлар қурдирди. Мозорот ва зиёратгоҳлар обод этилди. Амир Темур даврида қуриб битказилмаган талайгина биноларни поёнига етказди. Ғўри Амирнинг кириш пештоқи, Шохизинда мажмуасидаги баъзи макбаралар, Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжиди, Яссидидаги Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир.

Улуғбек Самарқандни обод қилишга алоҳида эътибор берди. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланди. Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонақоҳ, карвонсарой, ўймакор ёғочдан ишланган Муқаттаъ масжиди бино қилинди. Икки юз ўн гумбазли Қўқалдош Жоме масжиди қад кўтарди (36).

Ана шу мухташам бинолардан фақат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сақланиб қолган, холос.

Улуғбек даврида Регистон майдонида бино қилинган Мирзой Ҳаммоми ва карвонсаройи, Чилсутун (қирқ устун) ва Чиннихона саройлари диққатга сазовордир. Мирзой карвонсаройида кўпинча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнишган. Бобурнинг ёзишича, Чилсутун ва Чиннихона саройлари ниҳоятда мухташам ва кўркем бўлган (37).

Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Бухоро ва Самарқандни илму маъ-

рифат даргоҳига айлантиришга интилди. Унинг фармони билан 1417 йили Бухорода, 1420 йили Самарқандда ва 1433 йили Гиждувонда мадрасалар бино қилинди. Мовароуннахрнинг ана шу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар ўз замонасининг дорилфунуни эди.

Мадрасаларда илоҳиёт илмлари билан бир қаторда, математика (риёзиёт), геометрия (ҳандаса), астрономия (илми хайъат), медицина (тиббиёт), тарих, география, поэтика (илми аруз), араб тили ва унинг морфологияси каби дунёвий фанлар ҳам ўқитиларди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, биргина Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида юздан ортиқ талаба истиқомат қилган ва билим олган.

Мадрасада иқтидорли олимлардан Шамсуддин Муҳаммад Хавофий ётачки мударрис бўлган. Ўрта асрларнинг машҳур олимлари Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Мирзо Улуғбек ва унинг шогирди Алоуддин Али Кушчилар турли фанлардан дарс берганлар. Бу даврда Самарқандда, шунингдек, Хоним, Ферузшоҳ, Шоҳ Малик, Ҳожибек, Мирабдували ва Қутбиддин садр номли бир неча мадраса ишлаб турган.

Улуғбек томонидан амалга оширилган қурилишлар орасида 1424–1428 йилларда Самарқандда Обираҳмат анхори бўйида бино қилинган расадхона алоҳида ўрин тутди. Доира шаклидаги бу улкан иншоотнинг айланаси 47 метр, баландлиги 31 метрга тенг бўлган. Заҳириддин Бобурнинг ёзишича, у уч қаватли бўлган. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан қопланган (38). Унинг ички сахни секстант (судси фаҳрий) ва даҳлизлар билан тўрт қисмга бўлинган.

Манбаларда келтирилишича, расадхона хоналарининг деворларида осмон гумбази, самовий жисмлар, сайёраларнинг орбиталари, қўзғалмас (собита) юлдузлар, денгизлар, океанлар, тоғлар ва дашту биёбонлар бўйича иқлим минтақаларига бўлинган ер курраси ва ҳоказолар тасвирланган. Хуллас, расадхона ички деворларида коиноту ер куррасининг умумий манзараси тасвирланган бўлиб, шу туфайли бу мавзё маҳаллий аҳоли ўртасида Нақши жаҳон, яъни «Олам тасвири» номи билан шухрат топди.

Расадхона қурилишида секстант қурилмаси ва уни махсус ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилди. Расадхона хузурида фаннинг қўпгина соҳаларига тегишли қарийб ўн беш

минг жилд китобга эга бўлган бой кутубхона ташкил этилди (39).

Улуғбек вафотидан кейин Темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун узлуксиз олиб борилган ўзаро курашларнинг кучайиши оқибатида Мовароуннахр ва унинг пойтахти Самарқандда йирик қурилишлар анчагина чекланган бир пайтда Хуросон шаҳарлари, хусусан унинг пойтахти ободонлашди. Ҳиротда, айниқса, Хусайн Бойқаро (1469–1506) ҳукмронлик қилган даврда бир қанча муҳташам бино ва иншоотлар қад кўтарди.

Ҳиротнинг ободонлашиши ва унда олиб борилган қурилишларнинг аксарияти ўша вақтда Хуросонда Темурийлар давлатида вазирлик лавозимида бўлган давлатманд Мир Алишер Навоийнинг номи билан бевоҳита боғлиқдир. Маълумотларга кўра, Хуросонда, хусусан Ҳирот ва унинг атрофида Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси билан уч юздан ортиқ жамоат бинолари қурилган.

XV аср муаррихи Хондамирнинг ёзишича, Навоий ўз маблағига 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар каби хайрли иморат ва иншоотлар қурдирган. Астробод шаҳрида қурилган Мир саройи ва Жоме масжиди, Марв шаҳрида бино қилинган Хусравий мадрасаси шулар жумласидандир.

Мовароуннахр ва Хуросоннинг Темурийлар даври бунёдкорлигида ўзининг мажмуавийлиги ва бажарган амалий вазифаси жиҳатидан жамоат бинолари орасида шифохона, ҳаммом ва истироҳат боғлари алоҳида ўрин тутди. Бундай масканлар Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда XIII–XIV асрлардаёқ қад кўтариб, XV асрда Самарқанд, Бухоро, Гурганч, Тошкент, Марв, Ҳирот, Фазна, Рай ва Исфаҳон каби Шарқнинг нуфузли шаҳарларида кенг тарқалган эди.

XV аср ободончилигида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Марв, Ҳирот ва бошқа кўпгина шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар барпо этилди. Сайргоҳ боғлар асрий анъаналарга асосан уч усулда: чорбоғ, бўстон ва қўриқхона тарзида ташкил этилди. Чорбоғлар тарҳи мутаносиблик асосида тўғри геометрик шаклларда тузилган батартиб гулзор ва мевазорлардан иборат бўлиб, қўриқхоналар табиатнинг хушманзара бағрида барпо этилган.



Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутубхона ташкил қилинсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин.

«Темури тузуқлари»



Мукамаллиги, етук шакли, нафислиги ва гўзал нақшлари билан кишини махлиё этувчи бу давр ободончилик обидалари ўрта асрлар қурилиш санъатининг ажойиб дурдоналари бўлиб, минглаб заковатли кишилар меҳнатининг мевасидир. Уларда халқ ичидан етишиб чикқан моҳир меъмор, наққош ва бинокорларнинг ақлу идроки,

маҳорати ва қурилиш соҳасидаги қўп асрлик тажрибаси ўз ифодасини топган. Бу меъморий обидаларнинг муҳандису тарроҳлари гўзаллик қонунларини чуқур билганлар, ўз ижодларида даврнинг ғояси ва руҳини бера олганлар. Уларнинг меъморий усули ҳам, нақши ҳам ўзига хос хислат, фазилатларга эга.

СУФОРМА ДЕХҚОНЧИЛИК ВА ИРРИГАЦИЯ

Амир Темур ва Темурийлар мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида асосий ўрин тутган деҳқончилик ва унинг пойдевори бўлмиш суғориш ишларига катта аҳамият беришди. XIV аср охири — XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-кичик дарё ва сойлардан йирик ирригация тармоқлари чиқарилиб, коризлар қазилди, сув омборлари ва ховузлар барпо этилиб, сувга танқис айрим вилоят ва воҳалар, шаҳару қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланди. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, обикор ерларнинг майдони кенгайтирилди. Янги-янги қишлоқлар, чорбоғлар ва сайилгоҳ бўстонлар барпо этилди. Амир Темур айниқса Самарқанд воҳасини суғориб обод этишга алоҳида эътибор берди. Обираҳмат, Бозор, Коранд ва Наҳри Жаид каби суғориш тармоқлари орқали обод этилган биргина Ангор туманида деҳқончилик билан шуғулланадиган қишлоқларнинг сони 72 тага етди.

Амир Темур фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Хуросон, Эрон, Кавказ ва бошқа вилоятларда ҳам бир қанча йирик ирригация ишларини амалга оширди. Унинг фармони билан Мурғоб воҳасида қаздирилган қатор суғориш каналлари, Кобул яқинидаги Жўйинав даҳасининг Бодон анхори ёки Кавказда Бойлақон мавзеида Барлос ариғи шулар жумласидандир.

1381 йилда Хуросон фатҳ этилгач, Амир Темур Мурғоб дарёсидан каналлар қаздириб, Марв воҳасини обод қилиш тўғрисида фармон беради. Саркардалар ва давлат маъмурларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида канал қазिशга бошчилик қиладилар. Ҳофизи Аbru бу каналлардан Дилкушо, Ганжравон, Ганжхона, Умар Тобон, Шайх Абу Саъд, Шайх Али Баходир, Давлатшоҳ Жондор, Гулбоғон, Ҳасан Жондор, Бу Алоуддин иноқ, Саҳдак, Пурдор, Али Малик, Оқ Буғо, Дав-

латшоҳ бихишт, Санжидак, Мангли Хожа, Кебекчи юртчи, Қутлуг хотун кабиларнинг номларини қайд этади.

1401 йилда Кавказда Бойлақон мавзеида Амир Темур фармони билан Аракс дарёсидан чиқарилган Барлос канали замонасининг йирик суғориш иншоотларидан бири сифатида диққатга сазовордир. Унинг узунлиги 10 фарсах (60—70 км) бўлган. Канал бўйлаб кемалар бемалол қатнай олган.

XV асрнинг биринчи ярмида, Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шохрух ва Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларда ирригация ишлари айниқса ривож топди. Даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилди. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг даштликлардан янги ерларни очиш, коризлар қазиб, боғ барпо этиш, ташландик ерларни суғориб, обод этиш учун амалга оширган ҳар қандай фаолияти Темурийлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳатто бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилган.

Бу даврда Темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус водийсида ҳамда Ҳирот ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим деҳқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда амалга оширилган энг йирик суғориш ишларидан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган Дарғом анхоридан чиқарилган қадимги Ангор каналининг қайта тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси оқимининг бир қисми бу даврларда кам сувли Қашқадарё воҳасига ташланиб, унинг адоғига жойлашган деҳқончилик ерлари сув билан тўла таъминланди.

Бухоронинг қадимги суғорилган ерлари бўйлаб олиб борилган археологик тадқи-

Амир Темур жонбоз қурувчи эди, у ажойиб бог-роғли муҳташам иншоотлар барпо этди, шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Суғориш тизимлари барпо этилди ва таъмирланди, расмий тарих таъбирига кўра, у экин экишга яроқли бир қарич ерни ҳам бекор қўймасди.

В. В. Бартольд



котлардан маълум бўлишича, мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги XV асрга келиб тўла тикланди. Унинг дехқончилик ер майдони бирмунча кенгайиб, воҳанинг ғарбий чегараси ҳатто Урганжий дашти томон ичкарига 5—6 километр кириб борди. Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда (1409—1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий сарҳадига ёндошган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди.

Мўғуллар босқини даврида вайрон этилган Мурғоб дарёсининг бош тўғони Султонбанднинг Шоҳрух томонидан тикланиши ва суғориш тармоқларининг лойқадан тозаланиши туфайли Марв шаҳри ҳамда Мурғоб воҳасининг сув таъминоти тубдан яхшиланди, шаҳар атрофидаги сувсизликдан қуриб қолган ерларга қайта сув чиқарилиб, суғорма дехқончилик ер майдонини кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида эса унинг ташаббуси билан Марвируддан янги канал чиқарилиши туфайли каттагина ер майдони суғорилиб, обод этилди.

Хирот ва Машҳад атрофларида Алишер Навоийнинг ташаббуси билан амалга оширилган суғориш ишлари айниқса диққатга сазовордир. Навоий Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чошмағул мавзеида Туруқбанд сув омбори қурдирди. Ўн фарсах (60—70 км) узунликда махсус канал қаздириб, Туруқбанд сув омборида жамғарилган сув Машҳадга олиб келинди. Нати-

жада, Машҳад сув билан таъмин этилиб, шаҳар атрофидаги ерларга сув чиқарилди ва обод этилди. Бу даврга келиб ирригация техникаси ҳам тараққий қилди.

Мухандислик асосида турли суғориш иншоотлари қурилди. Темурийлар ҳамда уларга тақлид қилувчи вилоят ҳокимлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари атрофида истироҳат боғлари барпо этилиши муносабати билан кўплаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, улар тошхобуз, дарғот, наво, чигир, чархпалак, қайнама, шаршара, осма кўприк, хандак, тазар ва сардобалар каби турли сув иншоотлари билан жиҳозланди.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, ғаллакорлик, сабзавотчилик ва полизкорликда деярли ҳамма экин навлари етиштирилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўплаб хиллари кўқартирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда тармева, баҳор мавсумида эса мевақоқилар билан таъминланган.

Хўжаликнинг асосий турларидан бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида, айниқса, яйлов чорвачилиги: йилқичилик, қорақўлчилик, туячилик ҳамда подачилик муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хоҳ у дехқончилик, хоҳ чорвачилик маҳсулоти бўлсин, шубҳасиз, оддий меҳнаткаш халқнинг оғир ва машаққатли меҳнати туфайли етиштирилиб, унинг тақсимоли мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини англаган.

ЕР ЭГАЛИГИ, МОЛИЯ ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ

XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шаклидаги: мулки девоний — давлат ерлари, мулк — хусусий ерлар, мулки вақф — мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар ва, ниҳоят, жамоа ерлари бўлган. Дехқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга, аввалгидек, мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалди.

Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликқа эга шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик

ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида Хоразм — Шоҳ Малик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон — Бойсунғур; Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду баҳодирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия





жихатидан ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди. Бўйсунмагани учун Шохрух 1414 йилда Мирзо Искандарни, 1415 йилда эса Мирзо Бойқарони суюрғолдан маҳрум қилган.

Темурийлар даврида майдони жихатидан майда ва ҳақ-ҳуқуқи жихатидан анчамунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари, одатда, хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги ҳарбийларгача берилган. Бобурнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшини (ғул)нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган. Навкарларга берилган бу ерлардан ҳам солиқ ва тўловлар олинмаган.

Дехқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми хусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зиротчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик мулкдорлардан Хожа Аҳрорнинг 1300 га яқин ер-мулки бўлган. Бу мулкларнинг айримлари 300 қўшга тенг бўлган.

Бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг тарқалган. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар, асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амирлар, беклар, сарой амалдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрликни олган мулкдор исмига тархон сўзи қўшиб ай-тилган.

Тархонларнинг аксарияти жуда бой бўлган. Масалан, бу даврда Хирот атрофидаги мулклар Дарвишали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абуали Тархон қўлида тўпланган эди.

Бобур Абуали Тархоннинг шохона ҳаётини тасвирлаб, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган дабдабали тўй-томошалари, берган қимматбаҳо совға-

саломлари ва халққа қилган жабр-зулмлари тўғрисида ёзган.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнги даврида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар қўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга айланган эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, улар жуда катта сиёсий ҳуқуқдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низолар вақтида тархоннинг қўллаб-қувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этарди.

XV асрда ҳам, аввалги даврлардагидек, жуда кўп ер-сув масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мазорларга бириктирилиб, бундай ерлар мулки вақф деб аталган. Маълумки, Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-катта деҳқончилик ерлари вақф қилинган. Одатда, ер ва сувдан ташқари, кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, мадраса, шифоҳона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифоҳоналарнинг кундалик эҳтиёжи (озиқ-овқат, ёқилғи ва ёриткичлари) учун сарф этилган.

Дехқончилик ерларининг муайян қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Шубҳасиз, бундай шаклдаги жамоа ерлари мулкчиликнинг қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ сувга танқис тоғ ва тоғолди худудларида бирмунча кенг тарқалган эди. Бундай жамоавий мулкчилик, одатда, кам сувли тоғ жилғаларининг сувини жамғариш ёки ерсти сувларини ер юзига чиқариш учун қишлоқ жамоаларининг кучи билан барпо этилган ўта машаққатли ва мураккаб сув иншоотлари — қулфакли ҳовузлар ва коризлар воситасида ўзлаштирилган ерларда вужудга келган.

Мулкчиликнинг бундай тури, шубҳасиз, Темурийлар ҳукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалган бўлмаса-да, ҳар қалай мавжуд эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари деҳқон, экин майдонларига ишлов берувчилар музорий деб юритилган.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли манфаатларини уйғунлаштириш Амир Темурининг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлигининг асосий моҳиятини ташкил этиб, у бундай уйғунликни доим рағбатлантириб турарди.

Хильда Хукхэм



Музорийлар, яъни зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақаси бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинган: давлат ерларида ишловчи музорийлар; мулкдорларнинг ерларини ишловчи музорийлар; ўз ерига эга бўлган деҳқонлар; вақф мулкларида ишловчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вақф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб деҳқончилик қилган. Унинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгалари ердан ташқари, уруғлик, омоч, хўкиз, от-арава кабиларни беришига қараб белгиланган. Қандай ерда деҳқончилик қилишидан қатъи назар, музорий ҳамма вақт солиқларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Амир Темур жаҳондаги 27 мамлакатни босқичма-босқич ўз давлати таркибига киритиб, ягона давлат сафида бирлаштирди, уларнинг иқтисодий ва молия тизимини такомиллаштирди. Бу мамлакатларнинг табиий шароити бир хил бўлмаганидек, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражалари ҳам, шунингдек аҳолининг турмуш даражаси, машғулоти, бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳам бир хил эмас эди.

Амир Темур бу ўлкаларни идора қилиш усуллари ҳақида ўйлар экан, уларнинг ҳар бирида йилига қанча ялпи даромад вужудга келиши, у қандай усуллар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига тўланадиган тўловлар ва бошқа масалаларни кўз олдига келтирар, уларни шариат қонунларида кўрсатилган тавсиялар, аввал ўтган подшолар тажрибаси билан солиштирар ва маълум хулосаларга келар эди.

Шу муносабат билан Амир Темурнинг ягона мустаҳкам салтанатни шакллантириш стратегиясида молия муаммолари ўзининг муҳимлиги билан бошқа муаммолардан ажралиб турар эди. Молия давлат пул ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларни ифода қилади. Бу даврда пул муносабатлари етарли ривожланмагани сабабли натура ҳолидаги давлат ресурсларининг ҳаракати ҳам Темурнинг диққат марказида бўлган.

Амир Темур, аввало, давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқинчиларга қарамлигини узил-кесил тугатди; улкан давлатнинг мустақил давлат молиясини яратди ва уни муттасил такомиллаштириб борди. Марказлаштирилган давлат таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир ти-

зимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди.

Қуръон талабларини ўзида ифода қилган молия соҳасидаги шариат қонунлари асосида солиқ тизимини шакллантирди, бунда ҳар бир мамлакат ва аҳолининг хусусиятларини эътиборга олиб, қатор имтиёзлар жорий қилди. Давлат хазинаси ресурслари ва маҳаллий улус ҳамда туманлар ихтиёридаги маблағлар таркибига аниқлик киритди, уларнинг марказ билан молиявий муносабатларини такомиллаштирди. Европада биринчи бюджет тузилишидан (XVII аср) тахминан 3 аср аввал мамлакатни идора қилишда бюджетнинг дастлабки куртакларини ишлаб чиқди ва жорий қилди.

«Темур тузуклари»да ҳар қандай жамият учун иқтисодиёт устуворлиги ифодаланиб, қўйидаги хулоса берилган: «... давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашқар билан тикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини яхши аҳволда саранжом тутати». Бу хулоса кўпроқ хазинага тааллуқлидир, чунки ўзбек давлатчилигининг Амир Темургача бўлган тарихида қадим замонлардан бери хазинани идора қилишда Салжуқийлар сулоласининг машхур вазири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида тушунтириб берилган тартибот сақланар эди.

Ҳозирги замон тили билан айтганда, давлат ихтиёридаги хазина — икки фонддан таркиб топган. Биринчиси асосий хазина бўлиб, бунда узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи фонд жорий харажатлар учун мўлжалланган, бунинг учун маблағ етишмаганда биринчи фонддан «қарз» олинар эди. Йиллар давомида хазинанинг аҳволи ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун қўшимча солиқ ва йиғинлар чиқарилган.

Амир Темурнинг хазинани бошқаришдаги тартиботи шундан иборатки, у хазинадаги биринчи жамғарма фондини сақлаб қолган ҳолда иккинчи фонднинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назоратни кучайтирди. Ҳар иккала фонддаги маблағлар ҳаракати ёзиб бориладиган бўлди. Бундан ташқари, иккинчи фонд харажатларига маблағлар бериш вазирлар зиммасига юклатилди, ҳар бир вазир ўзига топширилган даромад ва харажатлар устидан назорат олиб борадиган бўлди.

Энг муҳими марказий хазина билан улуслар ўртасидаги молиявий муносабат-





ларга аниқлик киритилди. Маҳаллий эҳтиёжлар белгиланган тартибда маблағ билан таъминланадиган бўлди. Амир Темура аксар ҳолларда хазинанинг жорий харажатлар манбаи ҳисобланган иккинчи бўлимига алоҳида эътибор берган. Бу ҳол Амир Темурнинг солиқларнинг демократик хусусиятини яхши, чуқур ўрганганлигидан далолат беради.

Тарихдан маълумки, бир давлат иккинчи давлат ҳудудини ўз ихтиёрига олса, енгилган давлатдан товон пули — бож олган, солиқларни енгиллаштирмасдан, янги солиқлар киритиш ҳисобига солиқ юкини оғирлаштирган.

Амир Темура бундай усуллардан фойдаланмаган. «Амр этдимки, — деб ёзган эди у «Тузуқлар»да, — раъиятдан мол хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасини камбағаллаштиришга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради» (40).

Амир Темура ўз фикрини давом эттириб, ёзади: «... яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, турли кўнгилсиз ҳодисалардан омонликда бўлсин, унинг ҳосил даромадларини ҳисобга олиб иш тутсинлар. Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузуқка мувофиқ йиғсинлар» (41).

Амир Темура давлатни бошқаришининг илк даврида мўғуллардан ва маҳаллий ҳокимлардан унга қўплаб солиқ ва йиғимлар мерос қолганди. Масалан, аҳолидан маҳаллий ҳукумат хазинаси учун мўғуллар қўйидаги солиқларни ундирганлар: 1) ер ёки даромад солиғи. Олий мансабдорлар бу солиқдан озод қилинган; 2) кубчур — кўчманчи аҳолидан олинган; 3) тарғу — ҳунармандлар ва савдогарлардан олиниб, ишлаб чиқарилган ёки сотилган молнинг ўттиздан бир қисми ҳажми ҳисобида белгиланган; 4) туз солиғи; 5) жон ёки кумуш солиғи. Аҳоли турли элчилар тўхтаган жойларда уларга от-улов етказиб берган, озиқ-овқат билан таъминлаган. Бундан ташқари, мамлакат ҳунармандлари тугун деб аталган махсус тўлов тўлаб турганлар (42).

Шуни таъкидлаш керакки, Амир Темура даврида мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳал қилувчи роль ўйнаган. Мил-

лий даромаднинг энг кўп қисми шу соҳада яратилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосан ер эгалари бўлган деҳқонлар ва ерга ишлов берувчи ижарачилар амалга оширганлар. Бу даврда асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган икки турдаги: хирож ва ушр солиғи амал қилган. Давлат хазинасига келадиган даромадларнинг аксарияти ана шу солиқларга асосланган.

Бундан ташқари, қишлоқда боғдорчилик, чорвачилик ривожлангани учун мол сардарахт, мол ўтлоқ, мол сувлоқ, миробона солиқлари ҳам амалда бўлган. Ер солиғи етиштирилган ҳосилга ва ернинг сифатига қараб ҳосилнинг 1/10 дан (ушр) то 1/3 қисмигача миқдорида олинган. Савдогарлар ва ҳунармандлар тамға ёки закот тўлашган; чегарадан ўтган моллар ҳисобидан ҳам бож олинган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Маҳаллий бошқарув маҳкамалари ихтиёрига жон солиғи — саршумар, уй боши солиғи — хонашумар, фавқулодда солиқлар — аворизот олинар эди. Амир Темура фавқулодда солиқларнинг талай қисмини бекор қилди.

Амир Темура давлат арбоби даражасига кўтарилгандан кейин солиқларнинг демократик хусусиятини кўзда тутиб, унинг ҳар бир мамлакатда қандай олинганлигини аниқлаш билан жиддий шуғулланганлигини исботлайдиган далиллар мавжуд. Шулардан бири XVIII асрда яшаб ижод этган инглиз иқтисодчиси Адам Смитнинг бир асарига келтирилган (43) тамойилларнинг XIV—XV асрларда, яъни 3—4 аср олдин башорат қилинганлигидир.

Биринчи тамойил — солиқ солиш ва ундиришда адолатпарварлик тамойили. Бу тамойил солиққа тортишнинг оммавий бўлишини, солиқларнинг фуқаролар даромадларига қараб тақсимланишини ифода этади. «Темура тузуқлари»да ҳам бу тамойил кўзда тутилган.

Иккинчи тамойил — аниқлик тамойили. Унга биноан солиқ тўловчига унинг ҳисоблаш усули, тўлаш вақти олдиндан маълум бўлиши керак.

Учинчи тамойил — солиқ тўлаш ва тўланган солиқни ундириш аҳолига қулай бўлишидир. Солиқ фуқаролар учун қулай вақт ва усулда ундирилиши керак.

Тўртинчи тамойил — солиқлар муттасил такомиллаштириб борилиши, солиқ тизимига ўзгартиришлар киритилиши ва солиқ тўлаш харажатлари муттасил камайиб бориши керак.

Бу тамойиллар «Темур тузуклари»да, ўша давр хусусиятларини кўзда тутиб, шакл жиҳатидан бошқача ифодаланган бўлса ҳам, лекин мазмун жиҳатидан уларнинг бир-бирига мослигини англаш қийин эмас. «Тузуклар»да кўрсатилганидек, «солиқ ҳосил пишиб етилганидан кейин олиниши керак». «Ҳосил пишиб етилмасдан туриб раъиятдан молужиҳат олинмасин», дейилади «Тузуклар»да.

Маълумки, мўғуллар даврида солиқ тўлаш фожиага айланар эди. Амир Темур солиқ тўплашда қулайлик туғдирилиб, солиқ тўпловчилар уни «яхши сўз билан олсинлар, калтак, аркон ишлатиб, ишни уриш ва сўқишгача олиб бормасинлар, уларни банди этиб занжир билан боғламасинлар», деб кўрсатган. Бу тамойил Адам Смит асарларида қулайлик тамойили деб ифодаланган.

Маълумки, Амир Темур давригача солиқ тўпловчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан ундирилар эди. Махмуд Ялавочнинг одамлари қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳаракат қилганликлари сир эмас. Амир Темур солиқ тўпловчилар халқ устига юк бўлиб яшашларига йўл қўймаслик мақсадида уларга маош тайинлади. Мазкур тамойил Адам Смит асарида тежаш тамойили деб аталган. Бу орқали аҳолининг солиқ юки енгиллашади.

Солиқларни такомиллаштириш борасида Амир Темур ўз вақтида қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, янги ерларни ўзлаштирганлар, ташлаб кетилган ерларни тиклаб, обод қилганлар солиқлардан озод этилиб, рағбатлантирилар эди. Бундан ташқари, Амир Темур ташаббуси билан фавқулодда ва маҳаллий тарздаги солиқларнинг аксарияти дастлабки даврлардаёқ бекор қилинди.

Шуни таъкидлаш зарурки, солиқ назарияси дастлаб Фарбда эмас, балки Шарқда, Адам Смит эмас, балки Амир Темур томонидан яратилган. Тадқиқотлар Адам Смит «Темур тузуклари»дан беҳабар бўлганлигини кўрсатади.

Амир Темур ўз салтанати таркибига кирган мамлакатлардан олиниши лозим бўлган барча солиқларни марказий девонга тўпласдан, балки, суюрғол ва тархон қилиб берилган ерлардан тушадиган солиқларни идора қилишни улусларга, туманларга топширди ҳамда уларнинг ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобидан бошқа харажатларни таъминлашни жорий қилди. Бу тадбир молия масалаларини идора қилишни осонлаштирди.

Фикримизча, Амир Темур давлати молиясини таҳлил этганда марказий ва маҳаллий хазиналарга тушадиган барча тўловлар билан бирга, айрим солиқли ва солиқсиз даромадлар ҳам эътиборда тутилиши керак. Қуйида шулардан айримларини келтираемиз: чорвачилиқдан келадиган даромадлар; қўшиб олинган мамлакатлар хазиналарини мусодара қилишдан келадиган даромадлар; олтин ва қумушдан пул зарб қилишдан келадиган даромадлар; нодир металларни қазиб олиш ва уларни сотишдан келадиган даромадлар; бодарак йўқолган шахслардан қолган, вориисиз мол-мулклар, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималар, совғалар, хазинага тақдим қилинган бошқа даромадлар; ташки савдони ривожлантиришдан тушган даромадлар.

Шуни айтиш керакки, чорвачилиқдан келадиган даромадлар хазинага тўлиқ миқдорда ўтмасдан, солиқнинг қўп қисми натура тарзида ундирилар, чунки улар ҳисобидан сипоҳилар ва сарой хизматчилари озиқ-овқат билан таъминланар эди. Баъзан от, туя ва бошқа ҳайвонлар сипоҳилар ҳамда амалдорлар учун улов воситаси сифатида хизмат қилар эди. Манбаларда 40 қўйдан — 1 қўй, 120 тадан 200 тагача қўйдан — 2, 300 қўйдан — 3 қўй олингани ёки бир бош отдан 2 динор олингани ҳақида тегишли маълумотлар бор.

Бундан ташқари, Амир Темурнинг маҳсус яйловлари бўлиб, уларда зотли отлар парвариш қилинган, саройни таъминлайдиган алоҳида чорва хўжаликлари мавжуд бўлган. Табиийки, уларнинг нархи минглаб динорга тенг эканлигини ҳисобга олиб, Амир Темур замонида туташ минтақаларда йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмалари Каспий денгизига туташган ерда жойлашган Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шаҳрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган.

Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди. Маълумотларга қараганда, бу даромадлар Австрия ёки Дания давлатларининг йиллик даромадларидан қолишмас эди. Айрим йиллар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди.

Хазинанинг кам тилга олинадиган даромадлари ҳақида сўз борар экан, Амир Те-

Ул Ҳазратнинг улугвор сўзи бутунлай осмоний давлат илҳоми талқинидан иборат бўлганлиги учун, тақдир ҳукмидек, ҳеч бир соҳада асло рад этилмади.

Шарафуддин Али Яздий



мур давлати таркибига кирган ва хазинаси мусодара қилинган мамлакатлардан марказий хазинага келиб тушадиган ўлжа сифатидаги ноёб мол-мулкларни, қазиб олинган нодир металллар, олтин, қумуш ёмбилари ва кўплаб бошқа бойликларни ҳам тилга олиш жоиз.

Кўксаройдаги йирик хазина жамғарма-аслаҳоналарда Амир Темур Тўхтамишxonни тор-мор қилгандан кейин Табриз ва бошқа шаҳарлардан, Олтин Ўрда хазиналаридан қўлга киритилган ашёлар, Дехлидан келтирилган, аслида ҳинд хунармандлари юксак дид билан ясаган жозибали осори атиқалар, ҳатто Туркия султонлари салиб юришлари иштирокчиларидан мусодара қилган ва бошқа хилма-хил ноёб тарихий анжомлар мавжуд бўлганлиги бир қатор тарихий манбаларда тилга олинган.

Солиқлар тушуми каби улар ҳам рўйхатга олингану, лекин сипоҳлар ўртасида тақсимланган қисми рўйхатга киритилмаган. Афсуски, бу улкан хазина китоби бизнинг давримизга қадар сақланмаган. Булардан ташқари, хазинага олтин ва қумуш конлари, нодир металллар қазилмаларидан келтириладиган дурдоналарни ҳам ҳисобга олиш зарур. Амир Темур замонида унинг салтанатининг 40 га яқин шаҳрида, шу жумладан Самарқандда пул зарб қилиниб, бу корхоналар даромадларининг 3/4 қисми хазинага ажратилган.

Хўш, шунчалик катта хазинага эга бўлганлигига қарамай, Амир Темур нима сабабдан фуқароларни солиқдан буткул озод қилмаган, деган савол туғилиши табиий.

Амир Темур улкан ҳарбий муваффақиятларни нишонлаш учун айрим ҳолларда Самарқанд ва бошқа шаҳарлар, ҳатто қишлоқлар фуқароларини 1—2 йилга солиқдан озод қилган. Лекин хазинанинг ахволи ҳамма вақт ҳам бир хил бўлмаган. Хазинадаги маблағлар етишмаганида сипоҳларга пул ўрнига квитанция берилганлиги ҳам солномаларда қайд қилинган.

Амир Темур ўзига қарашли мамлакат аҳолисини барча солиқлардан озод этиш хазина тамойилларига зидлигини яхши билар эди. Ёшлик даврида Абулқосим Фирдавсий асарларини чуқур ўрганган Амир Темур мамлакатни бошқаришда солиқларнинг аҳамияти хусусида, жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда, уму-

ман давлатни бошқаришда улар муҳим воқита эканлиги ҳақида тегишли хулосалар чиқарган. Давлатнинг маҳаллий ва марказий бўғинлари харажатларини маъмурий идора ва саройнинг умумий сарфлари; ҳарбий харажатлар ва ҳарбий аҳамиятга молик харажатлар; мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини оширишга қаратилган харажатлар; илм-фан, маданий ва диний тадбирлар билан боғлиқ харажатлар; ижтимоий химоя харажатлари ва бошқа сарфларга ажратиш мумкин.

Маъмурий-бошқарув харажатлари хусусида сўз юритилар экан, Амир Темур салтанатининг 4 улусга бўлингани, ҳар бир улус бир неча мамлакатдан иборат эканлиги ва уларни Амир Темурнинг ўғиллари бошқарганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Масалан, Мироншоҳ Озарбайжон, Ироқ, Арманистон ҳудудларини бошқариб, уларни бирлаштирган улусга ҳоким бўлган. Ҳар бир мамлакат ўз навбатида қатор туман ва шаҳарларга бўлинган. Бу бошқарув усули мўвуллардан кўчган. Ҳар бир улус ихтиёрида ўрта ҳисоб билан 7 мингдан 12 мингга қадар сипоҳи бўлган. Уларга улус маҳкамасидан ҳақ тўланган. Бинобарин, улуслар ҳарбий харажатларининг ва маҳаллий маҳкамалар харажатларининг талайгина қисмини ўзида марказлаштирмай, уни маҳаллий маҳкамалар зиммасига юклаган. Айни вақтда барча қирим-чиқимлар назорат қилиб турилган.

Амир Темур даврида бюджетнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаган. Гап шундаки, илгари даромад ва харажатлар хазинабон дафтарида қайд қилинган бўлса, эндиликда, бу вазифа ҳар бир вазирлик бўйича меҳнат тақсимоти асосида амалга оширила бошланди; даромад ва харажатлар ихтисослашган гуруҳлар бўйича ҳисобга олинадиган бўлди.

Амир Темур девонидаги 4 вазир томонидан қирим-чиқим сметасини тузиш маҳаллий маҳкамаларга нисбатан қулайроқ бўлган эса-да, маҳаллий маҳкамаларда харажат турларининг кўплиги ишни анча мураккаблаштирган бўлиши керак.

Марказий девонда хизмат қилувчи вазирлар ўртасидаги меҳнат тақсимотида молия масалалари марказий ўрин эгаллаган. Бунда ҳар бир вазирлик бўйича қирим-чиқим сметаси тузилган, тушадиган даромадлар ва қилинган харажатлар ҳар куни ҳисоблаб борилган. Бюджет куртаклари фақат марказий девондагина эмас, балки маҳаллий бошқарув маҳкамаларида ҳам ривожлана бошлаган.

Амир этдики, раъиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раъиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизлашишига олиб боради.

«Темур тузуклари»

рени чуқур ўрганган Амир Темур мамлакатни бошқаришда солиқларнинг аҳамияти хусусида, жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий муносабатлар ўрнатишда, уму-




Улугбек мадрасаси. Самарқанд.






Улугбек мадрасаси. Умумий кўриниши.
Самарқанд.




Улугбек мадрасаси. Пештоқи.



Улугбек мадрасаси.
Ховли томонидан кўриниши.



Улугбек мадрасаси. Меъморий безакнинг бир қисми.



Улугбек мадрасаси.
Меъморий безакнинг бир қисми.

Иш қуроллари. Ўрта асрлар. →





Шамсиддин Кулол мақбараси
(XIV аср) ва Гумбази
Саййидон (XV аср).

Шамсиддин Кулол сағанаси.

«Амр қилдимки — дейилади «Тузуклар»да, — сарҳадлар ва менга тобеъ мамлакатларга оид ишларга масъул уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий муаммоларни ва келадиған даромадларни бошқарсинлар... Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин» (44).

Бюджет куртакларининг учинчи йўналиши — даромад ва харажат мувозанатини смета орқали аниқлаш, уни таҳлил қилиб, улус, туман, қолаверса, мамлакат иқтисодиётига баҳо бериш учун маълумот ҳозирлашдир. «Қайси амирга тиюл берилар экан, — дейилади «Тузуклар»да, — уни 3 йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар: агар мамлакат обод, раъият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар; агар аҳвол бунга ҳилоф равишда бўлса, ул вилоятни холиса фуқаролари солиқлардан озод қилишга ўтказилиб, уч йилгача ўша жогирдорга улуфа берилмасин» (45). Бу йўналиш бюджет куртакларидан бири қаторига кiritилиши сабаби шундаки, унинг натижалари улус ва туманларнинг келажакдаги молиявий аҳволига таъсир кўрсатган.

Харажатларни маромга келтириш шаклланаётган бюджет тизимининг бўлажак куртакларидандир. Амир Темур давридан илгари маълум йўналишларда ҳақиқий эҳтиёжни ўрганмасдан, харажатлар чамалаб берилар эди. Бунинг оқибатида орғиб қолган маблағлар хазинага қайтарилмасдан, англашилмовчиликларга сабаб бўлар эди.

Нормалар, биринчи галда, сипоҳилар, лашкарбошилар, шу билан бирга лавозимли вазирлик хизматчиларига бериладиган улуфаларда ўз ифодасини топган. Пуллик нормалар билан бирга моддий (натура) нормалар ҳам қўллана бошлади.

«Амр қилдимки, — дейилади «Тузуклар»да, — амирул-умаронинг маоши ўз қўл остидагидан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясовуллар, чаповуллар, қалақчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша мингдан то ўн минг тангагача бўлсин; аҳли мажлис бўлган саййидлар, олимлар, фозил кишилар: ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар. Пиёдалар, хизматчилар, фаррошларга юздан минггача маош берсинлар» (46).

Нормалаштириш усуллари, айниқса, моддий харажатларни ҳисоблашда кўзга ташланади. «Тузуклар»да кўрсатилишича, «оддий аскарлардан ҳар ўн саккиз киши учун ўзи билан бирга бир чодир (хайма) олсин, ҳар бир аскар икки от, бир камон, бир садоқ ўқдон (таркаш), бир қилич, ара, бигиз, бир қоп (жувол), жуводиз, болта, ўнта игна ва орқага осиладиган чарм халта (чарм пушт) олсин», (47) деб кўрсатма берилган.

Моддий нормалар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, оддий сипоҳиларга уларнинг минган отлари баҳосида, баҳодирларга тўрт отнинг баҳосигача, ўнбошиларга сипоҳиларга нисбатан ўн баробар кўп маош тайинланганини яна бир бор такрорлаб ўтиш керак. Маошларнинг от баҳосида ўлчаб белгиланиши кўп вилоятларда товарпул муносабатлари ривожланмаганлиги, иккинчи томондан, пулнинг харид қуввати ўзгариб турганлиги билан боғлиқ.

Шаклланаётган бюджет куртакларидан бири марказий девонда ва улусларда, туманларда молия нazorати ўрнатилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари белгиланишидир. Агар амалдорларнинг ўзлаштириб олган маблағи маошдан икки баробар ортиқ бўлса, шу ортиғи навбатдаги маошидан ушлаб қолинган, 3 баробар кўп бўлса, ҳаммаси айбдордан ундирилган (48).

Бюджет куртакларидан яна бири маҳаллий ҳокимиятлар ўз тасарруфидаги муассасалар фаолияти ҳақида керакли маълумот ва ҳисоботларни олиб туришидир. Ана шу ҳисоботлар маблағлар ҳаракати устидан нazorат ўрнатишга ёрдам берган. Лекин бу маълумотлар ҳозиргидай жадвал шаклида эмас, балки оддий изчил ёзма шаклда тақдим қилинган бўлса керак. Маълумки, жадвал, статистика фани маълумотларига қараганда, кейин қўллана бошланган, шу сабабли маълумотлар чалқашликлардан холи бўлмаган. Шундай қилиб, Амир Темур салтанатида Европа мамлакатларидан олдинроқ бюджет куртаклари вужудга кела бошлаган, молиявий ишларни ташкил қилишда ҳам бир қанча муваффақиятларга эришилган.

Ҳарбий ва харбий аҳамиятга молик иккинчи гуруҳ харажатларда кўпдан-кўп харбий юришлар ўз ифодасини топган бўлиб, уларни умумлаштириганда икки давр кўзга ташланади.

Биринчиси 1360 йилдан 1386 йилгача бўлиб, чорак асрни қамрайди. Иккинчиси



(Соҳибқирон) қайси томонга от суриб юзланса, фатҳ ва зафар уфори димоққа уриларди; жаҳонгирлик жиловини қайси томонга бурса, галаба ва умид насими мушк таратарди.

Ҳофиз Абрў



1386 йилдан 1402 йилгача бўлган даврдир. Иккинчи даврда биринчи даврга нисбатан кўпроқ миқдорда маблағ сарфланган. Биринчи даврда мўғуллар ҳукмронлиги узил-кесил тугатилиб, марказлашган давлат барпо этиш учун қизгин кураш олиб борилган, иккинчи даврда эса «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик» ҳарбий юришлар ташкил қилинган.

Узоқ йиллар мобайнида ташкил қилинган ҳарбий юришлар жуда катта миқдорда маблағ сарф этишни талаб этар эди. Амир Темурга тобе мамлакатлар сони кўпайиб, хазина имкониятлари ошган сари, ҳарбий юришларга ҳам илгарига нисбатан кенгрок шароит вужудга кела бошлади. Масалан, Ҳиндистонга ҳарбий юришда 92 минг сипоҳи иштирок этган, буларнинг аксарияти отлик сипоҳилар эди. 1405 йили Хитойга мўлжалланган ҳарбий юришга 200000 кишини сафарбар этиш белгиланган эди. Тўғри, биз барча ҳарбий юришлар ҳақида мисол келтириш имкониятига эга эмасмиз, лекин бу юришлар учун сарфланган харажатлар ҳақида фикр юритганда лашкарларнинг сонинигина эмас, балки уларнинг яроғ-аслаҳа, озиқ-овқат таъминотини ҳам кўзда тутишимиз керак.

Амир Темур ўша даврдаги ҳарбий техника янгиликларига алоҳида эътибор берарди. У ҳарбий қуроолар ясайдиган ҳунармандлик соҳасигагина эмас, балки Хитойга юриш бошланмасидан олдин Мовароуннахр сарҳадларида ғалла майдонларини кенгайтиришга ҳам эътибор берган. Ҳарбий харажатлар ҳақида гап борар экан, бу харажатлар ҳисобидан махфий разведкага эътибор кучайганлигини таъкидлаш жоиз.

Амир Темур айбқоччилик маълумотлари фақат ҳарбий вазиятни баҳолашдагина эмас, балки ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунар эди.

Айбқоччилик мақсадлари учун Амир Темур давлатида кўплаб маблағ ажратилган. «Тузуқлар»дан келтирилган қуйидаги парча бу харажатлар ҳақида қисман бўлса-да, тасаввур бериши мумкин: «...мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани чопар этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-хол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик. Чунончи, Тўхтамишхон-

нинг Ўрусхондан енгилгани ҳақида менга хабар келтирганларида, энди ҳузуримга паноҳ излаб келишини билдим. Шунинг учун Ўрусхонга қарши жанг қилишга тайёрлана бошладим» (49).

Маъмурий бошқарув ва сарой салтанати харажатлари ўзининг тутган ўрни ва доимий такрорланиб туриши жиҳатидан ҳарбий харажатлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Биз ана шу харажатлар ҳисобидан дабдабали саройлар, осмонўпар меъморий ёдгорликлар, шаҳар атрофидаги бири-бирдан гўзал боғлар, Аҳмад Яссавий каби буюк тарихий шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш учун қурилган обидалар ва бошқа шаҳарлардаги мухташам ёдгорликлар билан бирга, мамлакатнинг турли ерларида ўнлаб каналлар қазилганлиги, янги ерлар очилганлиги, чўлларга сув чиқарилиб, чорвачилик учун яйлов майдонлари кенгайтирилганлигини тилга олмасдан ўта олмаймиз. Лекин айрим тадқиқотчиларнинг Амир Темур асосий эътиборини фақат Самарқанд, Шахрисабз, Ҳирот, Бағдод шаҳарларига қаратган, деган фикрларига қўшила олмаймиз.

Амир Темур салтанатидаги харажатларнинг таркибий қисмларидан бири ижтимоий ҳимоя харажатлари эди. «Тузуқлар»да мамлакатдаги факиру мискин, бирор касб билан шуғулланишга ожиз, шол, қўрларга давлат ҳисобидан нафақа бериш қайта-қайта таъкидланади. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатдаги гадоларни тўплаб, кундалик ейиш-ичишларини бериб, уларга бирор вазифа юклаш, иш билан таъминлаш ҳақида тавсиялар бор.

Амир Темурнинг эътироф этишича, мамлакатни хунук кўрсатувчи омиллардан бири гадоликдир. Гадоларни тугатиш учун уларни иқтисодий жиҳатдан етарли таъминлаш керак. Шу муносабат билан Амир Темур фақат гадоларнигина эмас, балки юқорида санаб ўтилган ночорларни ҳам иқтисодий таъминлаш учун хазина молинини бешдан бир қисмини ажратган.

Амир Темур даврига қадар мамлакат хазинасидан фан ва маданиятга маблағ ажратиш тасодикий ҳодиса ҳисобланган. Маҳмуд Ғазнавий жаҳон аҳамиятига молик «Шоҳнома» асарининг ижодкори Абулқосим Фирдавсийга олтин билан эмас, балки кумуш билан мукофот бериб, буюк сиймони умрбод ранжитган. Амир Темур эса олиму меъморлар, муҳандису шоирлардан хазина маблағларини аямаган.

Амир Темур истеъдодли ҳунармандларнинг моҳирона фаолиятига, тайёрлаётган

махсулотларига юксак баҳо берар, оз вақт ичида кўп ва сифатли махсулот етиштиришни — меҳнат унумдорлиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлар эди. «Тажрибамдан кўрдимки, — деб ёзган эди у «Тузуклар» сўз бошисида, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради» (50).

Маълумки, Амир Темур даврида ҳунармандларнинг аксарияти шаҳар бозорлари майдонларида истиқомат қиларди. Амир Темур шаҳар бозорларининг савдо майдонларини жиҳозлашгагина эмас, балки хориждан келган савдогарларга энгиллик тугдириш учун ҳар бир шаҳарда карвонсаройлар қурдириб, улар ўзлари келтирган молларни сақлашига алоҳида эътибор берган. Бунда Самарқанд ва бошқа шаҳарларнинг ўз маблағларидан ташқари, марказий девондан қўшимча маблағ ажратишга яқиндан ёрдам кўрсатган.

Амир Темур нархлар устидан назорат ўрнатган, хорижий савдогарларнинг муайян нархларда мол харид қилишларини таъминлаган. Бу тадбир Марказий Осиёда ҳунарманд ва деҳқонлар етиштирган махсулотларнинг бошқа мамлакат бозорларида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берган, бу борада хорижий савдогарлардан олинадиган закот ва тамға тўловлари ҳам назоратда бўлган.

Амир Темур давлати молиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап борар экан, унинг молиявий сиёсатини бошқа давлат раҳбарларининг молиявий сиёсати билан қиёслаш бу хусусиятлар ҳақида яққол тасаввур беради. Жумладан, тарихшунос олим А. Якубовский Амир Темурнинг XI асрда ўтган йирик ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий билан солиштирма таҳлилини баён этган. Унинг фикрича, «иккалалари ҳарбий тадбирларда бир-биридан қолишмайди... аммо Султон Маҳмуд бошқа мамлакатлардан йиғиб келган бойликларни Ғазнавийлар давлатининг хўжалик ишларига сарфламади. Амир Темур бошқача эди. У яхши ҳисоб-китобли раҳбар эди».

Султон Маҳмуд Ғазнавий Амир Темурнинг акси эди. Тарихшунос Мирхонднинг

хотираларига қараганда, султон вафотидан икки кун олдин ҳаёти давомида тўплаган барча олтин-кумуш, қимматбаҳо тошлар, олтин динорлар билан тўлатилган беҳисоб бойликни кенг бир майдонга келтириб қўйишларини буюрган ва ўз бойликларидан узоқ вақт кўз узолмай, бирдан ҳўнграб йиглаб юборган. Кейин, бирон динорига тегмай, барча бойликларни хазинага қайтаришни буюрган.

Хуллас, Амир Темур ўзбек давлатчилигида молия тизими соҳасида илғор йўналишлар ва усулларни жорий қилди. Темурнинг молия стратегияси иқтисодий стратегиянинг таркибий қисми сифатида марказлашган йирик салтанатни барпо қилиш ва мустаҳкамлашда аҳамиятга эга бўлди. Амир Темур даврига қадар хазинани идора қилиш фақат даргоҳ тамойилига асосланган бўлса, унинг даврига келиб даргоҳ ва вазирлик тамойиллари биргаликда қўшиб олиб бориладиган бўлди, маҳаллий ва марказий молия маҳкамаларининг ҳуқуқлари ва вазифалари қайтадан кўриб чиқилди, хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз даромадларга ажратилди. Шу билан бирга молия соҳасида бир қанча сифат ўзгаришлари содир бўлди.

Буларнинг бари мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг халқаро мавқеининг ошишига фаол таъсир кўрсатди.

Рус олими Д.Н. Логофет таъкидлашича, Амир Темур молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатган. Хозирги кунда кенг тарқалган даромад солиғи унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди.

Амир Темурнинг иқтисодиёт, айниқса молия масалалари билан чуқур шуғулланганлиги Европада араб Монтеस्कьеси номини олган машҳур иқтисодчи олим Ибн Халдун томонидан кенг эътироф этилган. Амир Темурнинг Ибн Халдунга берган саволлари унинг иқтисодиёт илми доирасида юксак теранлик ва бой тажрибага эга эканлигини кўрсатган.



Сайишлар, олимлар фақиҳлар, фазилат ва билим эгалари, шунингдек, уйғур бахшиларини форс адаблари соҳибқиронга сафарда ҳам, уйда ҳам узлуксиз мулозимликда бўлган эканлар. Фармонга мувофиқ улардан бир гуруҳи мунтазам (равшанда) ул Ҳазратнинг юриш-туриши ва гап-сузларида, мулк, миллат ва аркони давлат аҳволида нимаики гап бўлса, тўла-туқис ёзиб борардилар. Бу шидда муболага қилинмасин, деб алоҳида таъкидлаб буюрилган эди. Шу йўсинда туркий манзума ва форсий қисса, ҳар бири ул Ҳазратнинг юриш-туришидаги энг йирик (воқеаларни) қамраб олган назм ва наср қаламига олинган эди.

Шарафуддин Али Яздий





Халқаро муносабатлар. Дипломатия ва ташқи савдо

Қудратли буюк давлат барпо қилган Амир Темур бундай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан равақ топишини ғалабаларга олиб келувчи ҳарбий юришлар билангина таъминлаб бўлмаслигини яхши ҳис этарди. Мовароуннаҳрнинг марказида, стратегик жиҳатдан қулай жойлашган Самарқанд шаҳрини пойтахт сифатида танлар экан, у Буюк Ипак йўлида жойлашган, Узок Шарқни мусулмон дунёси ҳамда Европа билан боғловчи бу шаҳар улғувор иншоотлари, дабдабали саройлари, сарой аҳлининг тантанавор кийимлари билан меҳмонларни ҳайратга солиши лозим, деб ҳисобларди. Бундан ташқари, Самарқанд азалдан илм-фан ва маърифат маркази бўлиб келганди. Мўғуллар даврида шаҳарнинг илмий ва маданий анъаналари бузилганди. Шу боис ҳукмдор шаҳарнинг ўша анъаналарини қайта тиклаш орқали юқорида кўзлаган мақсадига эришишга жазм қилди.

Бунга Мовароуннаҳрни иқтисодий ва сиёсий ҳаёт марказига айлантирибгина эришиш мумкин эди. Бунинг учун эса ғарб мамлакатлари билан Хитой ўртасида ўтмишда мавжуд бўлган асосий карвон йўларини тиклаш ва жонлантириш зарур эди.

Амир Темургача бўлган даврда феодаллар ўртасидаги жанжаллар ва ўзга четдан тез-тез бўлиб турадиган босқинлар туфайли Олтин Ўрдадан Шарқ мамлакатларига олиб борадиган карвон йўллари инқирозга учраган эди. Эгей ва Ўрта денгиз соҳилларидан то Хитой чегараларигача, Дашти

Қипчоқдан Арабистон денгизигача бўлган ораликда улкан салтанат барпо этиб, Соҳибқирон, аввало Буюк Ипак йўлининг карвон сўқмоқларини босқинчилар ҳужумидан муҳофаза қилди.

Ғарбий Эрон, Ироқ, Сурия ва Шарқий Анатолияда босқинчилар айниқса кўп эди. Бунгача ана шу мамлакатлардан ўтадиган йўллар хавфли бўлганлиги учун нафақат савдо карвонлари қатнови, балки мусулмонлар учун фарз ҳисобланган ҳаж амалини бажариш ҳам амри маҳол бўлиб қолган эди.

Буюк Ипак йўлининг ёпилиб қолган карвон сўқмоқлари Амир Темур иқтисодии

шарофатидан қайта тикланиши туфайли Мовароуннаҳрга турли мамлакатлардан сармоя ва мол оқиб кела бошлади. Бунда, биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Ахсикент, Андижон ва бошқа шаҳарларидан чиққан савдогарлар фаол қатнашдилар.

Юртимиз савдогарларини Хитой, Хиндистон, Қрим, Кичик Осиё ва Шимолий Африканинг пойтахт шаҳарлари портларида кўриш мумкин эди.

Савдо-сотиқнинг жадал ривожланиши бу минтақа тараққиётини кўп жиҳатдан илдамлаштирди. Хазина тўла бошлади. Амир Темур имкон қадар ички савдога ҳам, ташқи савдога ҳам қулай шароит яратди.

Ўрта асрларда савдо билан дипломатия уйғунлашиб кетган эди. Савдо ва дипломатия муносабатларини кенгайтириш мақсадида Амир Темур карвон йўлларини ободонлаштирди. Манзиллар ва карвонсаройлар барпо этди. У пойтахтга ёки ҳарбий ўрдуга кетаётган савдогар ва элчиларнинг бетўхтов юриши учун шароит яратилишини талаб қиларди. Шу мақсадда карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик (аравакашлик) хизмати ҳарбий интизомга бўйсундирилди. Чунончи, ҳар 30 қақирим масофада бир неча ём отлари билан ёмчи (аравакаш) турган.

Клавиҳонинг шохидлик беришича, агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда элчи истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга эди. Келтирилган бу далил Амир Темур давлатининг ҳамма ерида ёмчилик хизмати яхши йўлга қўйилганлигини ҳамда алоқа йўллари ишончли ва хавфсиз эканлигини кўрсатади: «Уларга (Кастилия элчиларига) тез юриш учун ҳар куни янги отлар беришарди, чунки, (буюк) сеньорнинг (Амир Темурнинг) буйруғи билан ҳар бир кунлик йўлда от сақланадиган жойлар хозирланган, бир жойда — юзта, бошқа ерда икки юзта от бўлиб, унинг юртидаги барча йўллар то Самарқандгача шундай тартибда эди.

Агар сеньор кимнидир бирон ерга юборадиган бўлса ёки кимдир унинг ҳузурига келаётган бўлса, улар бу отлардан фойдаланиши ва отлар кечаю кундуз тез чопиши керак эди. Одамсиз йўлларда ҳам, аҳоли зич яшайдиган жойларда ҳам отлар тайёр

Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб мол-мулки ва бошқа нарсаларни манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа ҳар хил қор-қол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин.

«Темур тузуклари»

ланган ҳаж амалини бажариш ҳам амри маҳол бўлиб қолган эди.

Буюк Ипак йўлининг ёпилиб қолган карвон сўқмоқлари Амир Темур иқтисодии



турарди. Кимсасиз жойларда сеньор яқин-роқдаги шахар ва қишлоқлар аҳолиси от ва озик-овқат келтирсин, деб катта карвонсаройлар қурдирган. Отларни парваришлаб турувчи махсус одамлар бўлиб, улар анчо (ёмчи) деб юритилган.

Шундай қилиб, подшога хабар келтирган чопарларнинг отлари эгар-жабдуқларидан ечилиб, бошқа, дам олиб турган отлар билан алмаштирилди. Чопарлар кетаётганларида анчолардан бир-икки киши уларнинг отларига қараб борарди. Улар подшо отлари турган навбатдаги бекатга етиб келганларида илгари алмаштирган ўз отларини олиб қайтишади ва йўловчига бошқа анчо ҳамроҳлик қилади.

Шунга қарамай, йўлда бирор от баногоҳ хориб қолса, дуч келган бошқа бир йўловчини отидан тушишга мажбур қилардилар ва отини олиб қўйиб, подшо отларини дам олишга қолдирадилар. Уларнинг одати шундайки, агар бирор отлиқ йўлда кетаётган бўлса, у элчи (буюк) сеньорнинг хузурига кетаётган одамга отини бериши шарт, чунки у сеньорнинг хузурига кетаяпти ёки унинг буйруғини бажараяпти. Мабодо йўловчи эътироз билдиргудек бўлса, у бу беодоблиги учун боши билан жавоб беради, зеро сеньорнинг буйруғи шундай.

Лозим бўлса, хатто аскарларнинг ҳам отлари олиб қўйилади. Бу (Кастилия) элчилар ўзлари ва ўз одамлари учун бир неча марта шундай отларни олиб қўйиб, уларни (эгаларини) отларни қайтиб олишлари учун ўз ортидан келишга мажбур қилганлар.

Айтадиларки, агар керак бўлса, нафақат оддий одамларнинг, балки хатто сеньорнинг катта ўғлининг ҳам отини олиш мумкин бўлган. Элчиларга айтдиларки, аввал шундай бир воқеа бўлган: буюк сеньорнинг

хузурига кетаётган элчилар унинг катта ўғлини отидан тушишга мажбур қилганлар. Фақат бу йўлгина эмас, балки унинг бутун мамлакатадаги йўллар шундай отлар билан таъминланганки, шундай тез юриш туфайли подшо бир неча кундаёқ ўзининг барча мулкларидан ва теварак-атрофдан хабардор бўлиши мумкин» (1).

Амир Темур давлатининг барча худудларида қаттиқ интизомга бўйсундирилган аниқ ва тезкор йўл-алоқа хизмати жорий қилинган. Муболағасиз айтиш мумкинки, бундай хизмат Амир Темур ва Темурийлар давлатининг илдам тараққиётига олиб келди.

Узоқ мамлакатлардан карвон йўллари бўйлаб келган савдогарлар ўзлари билан фақат молларгина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, турмуш тарзи, одатлари ва дини ҳақида янги-янги хабарлар келтирардилар. Улар айна вақтда маданият тарқатувчилар ҳам эдилар, чунки қўлёзма китоблар, қоғоз олиб келишар, бошқа халқлардан эшитган ҳикоя, афсона ва ривоятларни сўзлаб берардилар.

Ўз навбатида, маҳаллий савдогарлар узоқ юртларда бўлиб, жуғрофий тасаввурларини кенгайтирар, сафардан қайтиб келиб, ўз ишлари ва саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиб берардиларки, уларни муңшийлар ёзиб олишарди. Савдо шу тариқа маданият ва адабиётнинг ривожини рағбатлантирарди.

Амир Темур ўз ҳарбий ҳаракатларини узоқ ва яқин мамлакатлар ила фаол дипломатик муносабатлар билан бирга олиб борарди. Умуман у тинч йўл билан қилинган барча дипломатик ҳаракатлар ҳеч бир натижа бермаган ҳоллардагина ташқи дипломатик мақсадга эришишнинг бир воситаси сифатида урушдан фойдаланар эди.

МИСР СУЛТОНЛАРИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Амир Темурнинг Миср мамлуклари билан бўлган сиёсий муносабатлари дипломатик нуқтаи назардан жуда ибратлидир.

XIV аср охирида вужудга келган муайян халқаро вазият туфайли Осиё, қисман Африка ва Европа ҳудудида Усмонли Туркия, Амир Темур давлати, Миср мамлуклар салтанати ва Олтин Ўрда энг қудратли давлатлар сифатида сиёсий майдонга чиқди.

1382 йили Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлик

черкас мамлуклари давлати таркибига кирган Сурия, уларга тобе Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб, Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ҳам ўтарди. Шу сабаб қатор мамлакатлар ва амирликлар мамлуклар давлатини эътироф этиб, унинг ҳимоясига умид боғлаган ҳолда мамлуклар давлати билан сулҳ тузишга шошилди.

Марказий Осиёда Амир Темур марказлашган йирик давлат тузиб, унинг ғарбий



сарҳадларида нуфузи оша боргач, бу ҳаракат айниқса кучайди. Амир Темур давлатининг қудрати ва нуфузи орта бориши билан Миср мамлуклар салтанатига кўп қўшнилари мурожаат қилиб, ёрдам сўрай бошладилар. Масалан, Синжар, Қайсария ва Такрийт ҳокимлари 1383 йили Миср Султониға мактуб йўллаб, хутбани унинг номи билан ўқиганларини билдирганларида Султон Барқуқ дарҳол уларни ўз ноиблари этиб тайинлади (2).

Ўз навбатида, айтиш жоизки, бу воқеалар Амир Темурнинг баъзи араб мамлакатлари ҳудудларида пайдо бўлиши билан бир вақтда тўғри келди. Жумладан, 1386 йили Соҳибқирон қўшинлари Табриз шаҳрини қамал қилиб, ундан Қора Юсуф туркманни ҳайдаб чиқариб, шаҳарни эгаллаганида Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойир бунга кўп ҳам эътибор бермай, мамлакат ичкарасига — Бағдодга чекиниш билан чегараланди. Айни вақтда бу воқеалар яхшиликка олиб келмаслигини ҳис қилиб, туркман Қора қўюнлилар қабиласининг бошлиғи Қора Юсуф ва бир қатор араб йўлбошчилари билан Амир Темурга қарши битим тузди.

Шу битим бирга, 1388 йил охирларида Амир Темур қўшинлари Табриздан чиқиб кетганларида Қора Юсуф Миср султони Барқуққа мактуб йўллаб, Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиладганини билдирди ва ўзини Султоннинг Табриздаги ноиби этиб тайинланишини сўради (3).

Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс бадахлоқлиги билан танилган бўлиб, фисқу фужур ва бузуқликка муккасидан кетган эди. Айни вақтда у ҳоким сифатида мамлакатни ёмон идора қилар эди, хаддидан ошиб, ҳатто биродарларига ҳам зулм ўтказиб, ҳарбий бошлиқлар ва амирларни муттасил таҳқирлаб, раъиятга раҳм-шафқат қилмай, ғоят адолатсизлик ва ноҳақлик билан ҳукм юритарди.

Ундан ташқари, Қора Юсуф билан биргаликда карвонларни ва ҳожиларни талаб, карвон йўлларида қароқчилик ҳам қиларди. Шу боис Бағдод аҳли, нажот излаб Амир Темурга мактуб йўллади ва уни Султон Аҳмадга қарши юришига ундади (4).

Устига-устак Султон Аҳмад ўлгудек хасис бўлиб, бир нечта сандиққа жойлаб қўйилган мол-давлатни ва жавоҳирларидан хавотирда эди. Ҳаммадан кўра у соқчилари

мамлуклардан кўп хавфсирарди. Шу боис ўз беҳатарлигидан ташқари, мол-дунёси ва қимматбаҳо бойликларини қай тарзда қутқариш ҳақида мудом бош қотирарди. Шу мулоҳазаларга кўра, ўз иттифоқдоши Қора Юсуф ва Дамашқда ҳукм юритаётган мамлуклар билан доимий алоқада бўлиб турди.

Бир гуруҳ махсус навкарларни учқур отлар билан таъминлаб, улар зиммасига ўзи, оила аъзолари ва бойликларини қўриқлашни, зарурат туғилгудек бўлса, қочиб таяёр туришларини топширган. Ўз ҳудудлари чегарасида — пойтахт Бағдоддан 140 километр масофада хабарчи кабутарлар билан ўз кузатувчиларини ҳам қўйганки, уларга Амир Темур қўшинлари яқинлашуви ҳақида Султонни ўз вақтида огоҳ қилиш топширилган эди (5).

Шу воқеалар жараёнида Амир Темур Мордин ҳокими Маждиддин Исога мактуб йўллаб, уни ўз ҳузурига келишга даъват қилди. Лекин Мордин ҳокими Миср султонининг қўллаб-қувватлашидан умид қилиб, унинг рухсатисиз Амир Темур ҳузурига бора олмаслиги тўғрисида ўз узрини билдирди.

Бундай жавобдан ғазабланган Амир Темур унга иккинчи маротаба хат йўллаб: «Сенинг ерларинг устидан ҳукм юритишга Миср Султонининг ҳеч бир ҳаққи йўқ» (6), деган узил-кесил фикрни билдирди ҳамда хат йўллашдан мақсад Мордин ҳокими билан дўстона муносабатлар ўрнатиш эканлигини уқтирди. Амир Темур бу холис ниятли мактуб билан бирга қимматбаҳо сарпо, олтиндан ишланган буюмлар, жавоҳирлар ва кўпдан-кўп динорлар ҳам юборди.

Мордин ҳокими юқоридаги мулоқотлар ҳақида Миср Султони Барқуққа хабар етказиш тараддудида бўлганида 1393 йили Амир Темур қутилмаганда орқага қайтиб фарб томондан Бағдод устига ҳужум қилди.

Султон Аҳмад ибн Увайс Амир Темур қўшинлари ҳужуми қутилаётган шаҳарнинг фарбий томонидаги кўприқдан ўтиб, уни буздириб ташлади ва сахар чоғи ўз хонадони аъзолари, хотинлари ва бойликларини олиб шаҳарни тарк этди. Бағдодни муҳосара қилиш 1393 йил июль ойида бошланиб, икки ой давом этди ва шаҳар эгаллаш билан тугади. Муҳосара чоғидаги шиддатли жангларда кўп одам ҳалок бўлди, шаҳарнинг талай қисми, жумладан, деворлари, масжидлар ва бозорлар вайрон этилди.

Амир Темур Султон Аҳмаднинг орқасидан Мироншоҳ бошлиқ таъқиб гуруҳини

Европаликларга чегара қўйиш учун беҳуда интилган Боязид устидан қозонилган ғалаба Амир Темур ҳақида илиқ фикр юритиш учун асос бўлди.

Тильман Нагель

га ундади (4).

Устига-устак Султон Аҳмад ўлгудек хасис бўлиб, бир нечта сандиққа жойлаб қўйилган мол-давлатни ва жавоҳирларидан хавотирда эди. Ҳаммадан кўра у соқчилари



юборди. Икки кун таъқибдан сўнг қочоқлар қувиб етилди. Султоннинг бойликлари, баъзи оила аъзолари қўлга олинди, бир қисм шериклари қиличдан ўтказилиб, аксарияти асир қилинди. Султон Аҳмаднинг ўзи уч юзга яқин суворийлари билан қочиб қутулиб, ярим яланғоч ҳолда Султон Барқуқнинг ҳузурига равона бўлди.

Бағдод аҳли шаҳар дарвозаларини очиб, омонлик ўлпонини тўлади ва Амир Темур ҳокимиятини тан олди. Баъзи муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур шаҳарда икки ой бўлиб, Султон Аҳмадга тегишли бойликлар, жавохирлар ва аҳолидан олинган омонлик тўлови билан чегараланишни ҳамда шаҳарлардаги машхур усталар, хунармандлар, санъат аҳли, машшоқлар, мунажжиму меъморларни Самарқандга кўчиришни буюрган.

Айни пайтда мусулмон дунёсининг энг гуллаб-яшнаган марказларидан бири ҳисобланмиш Бағдодда ичкиликбозлик ва турли бузуқликлар авж олганлиги ҳақида хабар топган Амир Темур фармони билан шаҳарда мавжуд барча маст қилувчи ичимликларни Дажла дарёсига тўкиб юборишга, шаҳарда кенг тус олган фоҳишахоналарни зудлик билан ёпишга мажбур қилди.

Амир Темур Бағдоддан кетатуриб Қоҳирага, Султон Барқуққа оғзаки мактуб билан ўз элчиларини жўнатди. Улар давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши, савдо ва тижорат аҳллари бемалол борди-келди қилишлари, ўртада ҳеч қандай адоват ва ихтилоф бўлмаслиги ҳақидаги фикрларни билдиришди. Бироқ Султон Барқуқ элчиларни қатл этиб, ўзининг бу қилмишидан ғоятда сурурга тўлди. Бунда у кўзлаган мақсадлардан бири турклар султони Боязид эътирофини қозониш эди.

Чунончи, Амир Темур қўшинларидан бир қисми Анатолиянинг айрим худудларида туриши турк султонининг унга нисбатан очикдан-очик ғазабини кўзғатган эди. Шунга кўра, Миср ва турк султонлари Амир Темурга қарши ўзаро иттифок туздилар. Уларнинг тасаввурича, на Дажла дарёси, на Журжон денгизигача улар қўшинларига тўсиқ бўла оладиган ҳеч бир куч йўқ эди. Улар шимол томондан туркманлар, жанубдан Сурия араблари қўллаб-қувватлашига ҳам амин эдилар.

Шу режага мувофиқ турк қўшинлари Мосулгача осон етиб келган бўлса, Миср султонининг қўшинлари Дажла дарёсидан ўтиб Бағдодга кириб келди. Улар ўзлари билан Қоҳирадаги қочоқ Султон Аҳмад

ибн Увайс Жалойирни Бағдодга олиб келиб, Миср султонининг ноиб сифатида ўз тахтига ўтказдилар.

Амир Темур билан Султон Барқуқ ўртасидаги расмий алоқалар 1385 йилдан бошланган эди. Нисбатан қисқа муддатда — 1386 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ҳамда Миср Султони Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактуб ва элчилар алмашуви бўлган (7).

1385 йил ноябр ойида Амир Темур махсус элчи орқали Султон Барқуққа мактуб йўллагани маълум. Элчи Қоҳирада яхши кутиб олиниб, унга муносиб жавоб қайтарилган. Афсуски, бу мактубнинг мазмуни аниқланмай қолмоқда (8).

Аввал зикр қилинганидек, Қоҳирага Мордин ҳокимининг чопарлари келиб, Амир Темур Табризни эгаллагани, Султон Аҳмад ибн Увайс пойтахт Бағдодга чекингани ҳақида хабар етказдилар. Ўшанда Султон Аҳмад бир аёлни Султон Барқуққа йўллаб, Амир Темурнинг нияти аввал Бағдодга кириб, сўнгра Сурияга қайтиш эканлигидан султонни огоҳ қилмоқни истаганди. Аёл Дамашққа келгач, шаҳар ноиб Байдамир уни дархол Қоҳирага — султон ҳузурига жўнатди. 1387 йилда Қоҳирага келган бир хабардан Амир Темур Амид ҳокими Қора Юсуф қўшинини тор-мор қилиб, шаҳарни эгаллагани ва Қора Юсуф қочиб кетгани маълум бўлди.

Бундай хатарли воқеалардан кейин Султон Барқуқ ўз қозилари, фақиҳлари ва амирларини йиғиб машварат қилди. Узоқ давом этган тортишувлардан кейин қўшиннинг зарурияти учун вақф ерларидан бир йиллик ҳосилни йиғиб олиш ва ахборот тўплаш учун Сурияга йирик амирлар бошчилигида уч юз киши жўнатиш хусусида қарор қабул қилинди.

Қўшиннинг асосий қисми йўлга тушишидан олдин шу тариқа илғор гуруҳ жўнатиш мамлукларнинг одати эди (9). Ўша йили Амир Темур қўшинлари мамлукларга қарашли ерларга кетма-кет кўкқисдан ҳужум уюштириб турди. Уларнинг мамлуклар давлати чегараларига яқинлашиб қолгани ҳақида овозалар тарқалди.

1388 йилда мамлукларнинг Амир Темур қўшинлари билан биринчи маротаба қуролли тўқнашуви юз берди. Сивос туркманлари мамлукларнинг ҳужуми туфайли ҳимоя сўраб Амир Темурга мурожаат қилганлари бунга сабаб бўлган эди. Тўқнашувда, Амир Темур қўшинлари сон жиҳатидан кўп бўлмагани боис, ғалаба Ҳалаб ноиб Ял-





буға ан-Носирий бошчилигидаги мамлукларда бўлди.

1388 йил охирида Амир Темур ватанига қайтди. Унинг йўқлигидан фойдаланган Қора Юсуф тўсатдан Табриз устига ҳужум қилиб, шаҳарни Амир Темур одамларидан тортиб олди. Қора Юсуф бу билан чекланиб қолмай, хутбани Султон Барқуқ номига ўқитиб, шунингдек Султон Барқуқ номига пул ҳам зарб этиб, унга ўша дирхамлардан юборди. (10).

Шуни таъкидлаш керакки, Султон Барқуқ ҳар сафар Амир Темурга ўта нафрат билан муносабатда бўлиб, доимо: «Мен ...ундан қўрқмайман, чунки барча (подшоҳлар) унга қарши мени қўллаб-қувватлайди, мен фақат ибн Усмон (Боязид)дан қўрқаман» (11), — дея таъкидларди.

Воқеаларнинг шу тарзда ривожига қарамасдан беш йил тинч-осойишта ўтиб, кутилмаганда, Амир Темурнинг 1393 йилда Бағдодга қайтишидан кейин вазият хийла кескинлашди. Гап шундаки, шу йили Қайсария, Тўқат ва Сивас ҳокими Абу-л-Аббосга мактуб йўллаб, ундан ўзига итоат қилишини талаб этганди. Ҳоким бу мактубга рад жавобини берган ва мактубнинг бир нусхасини Миср Султони Барқуққа, бирини эса турк Султони Боязидга юборганди. Амир Темурнинг ғарб томон юриши эҳтимоли тобора кучайиб бориши натижасида Боязид, Барқуқ, Тўхтамыш ва Қози Бурхониддин тўртлик иттифоқини туздилар (12).

1383 йилдан буён Барқуқ билан иттифокда бўлган Абу-л-Аббос Амир Темур элчилари бошлиқлари (кибор русул)нинг калласини танасидан жудо қилиб, кесилган бошларни тирик қолган элчиларнинг бўйнига осиб, уларнинг ярмини Султон Барқуққа ва ярмини турк султони Боязидга жўнатди. Бу икки султонга мактуб ҳам йўллаб, улардан Амир Темурга қарши шошилинч ёрдам кўрсатишни сўради (13).

1393 йил октябрида Бағдодда турган Амир Темур бағоят қимматбаҳо совғалар ва мактублар билан ғоят обрў-эътиборли ва доно уламолардан шайх Совайй бошчилигидаги махсус элчиларни Султон Барқуқ ҳузурига жўнатди (14).

Элчилар Суриядаги ар-Рахба шаҳрига етиб келгач, шаҳар мутаваллиси уларни мамлакатга кириштириш учун Султон Бар-

қуқнинг рухсатини сўради ва элчилар билан бирга қуллар, жориялар ва ҳоказолардан иборат султонга кўпдан-кўп совғалари борлигини ҳам хабар қилди. Шунда элчиларни ўша жойнинг ўзида зиндонга ташлаш, Амир Темурдан келган мактуб ва совғаларни унга жўнатиш хусусида султондан амри фармон келди.

Амир Темур мактубида Мисрга қочиб келган Бағдод ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайсни мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилган эди. Бундан ташқари, мактубда Амир Темурга тегишли ҳудудлар Миср давлати яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиб, элчилар алмашиниб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш орқали савдо аҳли ва тижоратчилар учун бир мамлакатдан иккинчисига ҳеч бир тўскинликсиз бориб, ўз ишлари билан шуғулланиши учун имкон яратиш кабилар таклиф қилинган эди (15). Темурнинг бу таклифлари Султон Барқуққа ёқмади ва ҳамма жойда расм бўлган тартиботларга хилоф равишда ўз ноибига Амир Темур элчиларини қатл этишни амр қилиб (16), бу билан унга нисбатан адоватини очиқдан-очиқ изҳор этди.

Миср султони Барқуқ билан турк султони Боязид ва бошқа гуруҳлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик шу пайтдан бошланган эди. Айни вақтда Қора Юсуф Авник қалъасининг сардори, Амир Темурнинг яқин қариндоши Аталмиш билан бўлган жанг пайтида уни тутиб Султон Барқуққа жўнатганда, Султон уни дарҳол зиндонга ташлатди (17). Шу воқеалар жараёнида Халаб ва Малатия ноибларининг жангчилари билан Амир Темурнинг илғор қўшинлари ўртасида Руҳа деган жойда енгилгина тўқнашувлар бўлиб, унда Амир Темур қўшинлари мағлуб бўлгандилар.

Амир Темур қўшинининг ақсарияти кириб ташланган, қолганлари асир олинган, бир қисми ҳар тарафга қочиб кетганди. Шу жангдан кейин Амир Темурнинг қатл этилган 240 нафар аскарининг калласи бир гуруҳ асирлар билан бирга Қохирага жўнатилди (18). Бу воқеалар асносида Султон Барқуқ шошилинч равишда Амир Темурга қарши жангга ҳозирлик кўра бошлади ва уни шахсан ўзи бошқарадиган бўлди. Жангга тайёргарлик ишлари авжига чиққан пайтда Амир Темурдан Султон Барқуққа иккинчи мактуб келди.

Султон Барқуқ шаънига баъзи дўқ-пўписалар баён қилинган мазкур мактубда Амир Темур султонни элчиларни ўлдирганликда, шунингдек, ўзига топширишни

(Соҳибқирон) Миср элчисини хилъат ва камар билан тақдирлаб, кўп инъомлар берди. Сунгра унга қайтишига рухсат этиб, Мавлоно Абдуллоҳ Кешийни элчи сифатида бир гуруҳ билан унга қўшиб жўнатди. Мактуб ҳам йўллади: олтин сувида ёзилган, эни уч газ (1,8 м), узунлиги етмиш газ (42 м), машҳур хаттот мавлоно Шайх Муҳаммад хожа Бандгир Табрезий ўгли қалами билан битилган.

Шарафуддин Али Яздий



талаб қилган Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайсга бошпана берганликда айблади (19). Жавоб хатида Султон Барқуқ Амир Темурни худосиз деб атади, ўзини эса ҳар қандай тажовузкорликка қарши ислом динининг хомийси деб эълон қилиб, фақат амир-ул-мўмининга (яъни халифага) ва пайғамбарга итоат этишини билдирди.

Керакли кийим-бош ва асбоб-анжомлар тайёрланганидан кейин 1394 йил апрелида кўп сонли мамлуклар армияси Султон Барқуқ қўмондонлигида йўлга чиқди. Айни вақтда ўз одамларини атрофига олган Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс ҳам йўлга отланди.

Амир Темур бу вақтда ўғли Мироншоҳни Бағдодда қолдириб, ўзи Ҳиндистон сафарига отланган эди (20). Гарчи Амир Темурнинг Бағдоддан чиқиб кетгани хақидаги хабар Султон Барқуққа етган бўлса-да, у сафарини давом эттириб, 1394 йил майида кўп сонли армияси билан Дамашққа етиб келди.

Дамашқда Миср султони турк султони Боязид ва Олтин Ўрда элчилари билан учрашиб, Амир Темурга қарши уларнинг нафратини қўзғатди ва биргалашиб ҳаракат қилиб, ундан қутулишга рағбат билдирди. Амир Темур сиқуви натижасида ўз ерларининг ичкарасига қараб чекинган Тўхтамиш юборган элчилар ўз хонларининг Султон Барқуққа қўрсатадиган мадани чиройли ифода этиб, унинг Султон Барқуқ билан Амир Темурга қарши «мудофаа иттифоқи»ни тузишга рағбатини изҳор қилдилар (21).

Турк султони элчилари ҳам Султон Боязид Султон Барқуқнинг Амир Темур билан жангида иттифоқдош бўлишга, Миср султони тасарруфига икки юз минг киши беришга тайёр эканлигини билдирдилар (22). Ушбу таклифлари учун Султон Барқуқ уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, тегишли жавоб берди (23).

Айни вақтда Султон Барқуқ Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайсга ҳар томонлама ёрдам қўрсатиб, уни Бағдодга ўз ноиб сифатида жўнатди. Натижада Аҳмад ибн Увайс 1394 йил июнида мамлук қўшинлари ва туркман Қора Юсуфнинг ёрдами туфайли Мироншоҳ устидан галаба қозониб, Бағдодни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Аҳмад ибн Увайснинг галабасини эшитган турк султони Боязид Султон Барқуққа мактуб йўллаб, зарурат туғилса, Амир Темурга қарши курашда ўз қўшинларидан унинг ихтиёрига юборишини шахсан тас-

диқлади. Шунингдек, мамлуклар давлати ерлари билан чегарадош бўлган туркман амирликларининг бошлиқлари ҳам Султон Барқуққа итоат этишларини билдириб хабар юбордилар (24).

1395 йил бошларида Барқуқ Қохирага қайтиб келди. Орадан бир йил ўтгач Амир Темур Султон Барқуққа ўз вакилларини юбориб, Қохирада зиндонда ётган Аталмишни озод этишни талаб қилди. Султон Барқуқ бу талабга эътиборсиз қараб, Аталмишга «Миср заминида менга жуда яхши» (25) мазмунида хат ёзиб юборишни буюрди. 1399 йили Султон Барқуқ вафот этгач, Миср ва Сурия султони тахтига унинг ўн бир ёшли ўғли ан-Носир Фараж ўтирди.

Султон Барқуқнинг вафоти туфайли Мисрда вужудга келган беқарорликдан фойдаланган турк султони Боязид ал-Ублайсийн ва Малатияга хужум уюштириб, Марандни муҳосара этди.

1399 йил сентябрида Султон Фараж аборот тўплаш учун юборган амирлардан бири турк султони Боязид Сивасда ҳукм юритиб, аҳолига қўпдан-қўп кулфату нотинчликлар етказаётганлигини хабар қилганди. Иккинчи томондан, турк Султони-нинг бу хатти-ҳаракатлари Амир Темурни ранжитди.

1399 йил июлида Амир Темур Озарбайжон худудига келиб турганида турк Султони Боязидга мактуб йўллаб, одоб билан унга ўзининг Қора Юсуф ва Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс билан бўладиган урушида бетараф мавқеда бўлишини ишорат қилди.

Лекин Султон Боязид Амир Темурнинг бу маслаҳатини қулоққа олмади ва унинг хатига: «Ёрдам сўраган одамни ўз ҳолига ташлаб қўйиш туркларнинг одатидан эмас», — деб қўрслик билан жавоб қайтарди. Кейин унга қарши кучли қўшин билан боришини ва қаерга бормасин, уни таъқиб қилишини билдирди (26). Шу мулоҳазаларнинг барчасидан Амир Темур Боязид билан иттифоқ тузиш хусусида гаи юритиш бефойда, деган хулосага келди. Устига-устак Бағдодда вазият анча кескинлашган бўлиб, Амир Темур 1399 йил декабрида шахарни иккинчи марта эгаллади.

Аҳмад ибн Увайс ва унинг иттифоқдоши Қора Юсуф туркман шахардан чиқиб, ғарб томон юрдилар ва мамлуклар султони-нинг ёрдамига умид қилдилар. Улар



Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлатиб қўймакликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

«Темур тузуклари»



Халабга келиб, шаҳар ноиби Дамирдошдан бошпана сўрадилар. Аммо уларнинг етти минг суворийлари билан шаҳарда туриши Дамирдошга мушкул кўриниб, шаҳарга киришга рухсат бермади (27). Дамирдош Хома шаҳрининг ноиби Дўкмоқ ёрдамида уларга қарши кураш олиб борди, бироқ мағлубиятга учради. Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Султон Фаражга мактуб йўллаб, юзага келган вазиятни ўзларича тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Аммо ёш Султон Фараж ўз амирларининг маслаҳатига кўра бу хатти-ҳаракатларни адоват деб билиб, Дамашқ ноибига уларга қарши ҳамма жойда уруш олиб боришни буюрди. Натижада, Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф турк султони Боязидга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

Боязид улар билан иттифок тузди. Бу ҳол Амир Темур ғазабини кўзгатди ва унинг турк султони ерлари томон юриши учун замин ҳозирлади (28). Амир Темур Султон Боязиднинг Сивасдаги ноиби амир Мустафога қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Сивасга мадад кўрсатиш учун 1400 йил июлида Боязиднинг ўғли Сулаймон бошлиқ турк қўшинлари келди. Аммо Сулаймон ўз иттифокдоши Қора Юсуф билан Амир Темур зарбасига бардош бера олмай Бурсага қочди. Амир Темур аввал Сивасни, сўнгра Малатия шаҳрини ишғол қилди.

Амир Темур 1400 йил кузида ёш Султон Фаражга мактуб йўллаб, унинг отаси йўл қўйган «хатолар»ни: элчиларни ўлдирганини ва Аталмишни зиндонга солганини эслатди. У Фараждан дарҳол Аталмиш озод этилишини талаб қилди, акс ҳолда «Сурия ва Миср халқидан ўч олишини» (29) таъкидлади.

Амир Темур элчилари Халабга етиб келганларида шаҳар ноиби, одатдагидек, улар ҳақида султонга хабар юборди. Фараж худди отаси каби Халаб элчиларини зиндонга ташлашни буюрди. Ўз элчиларининг иккинчи бор таҳқирланганини билган Амир Темур Фаражни жазолашга қарор қилди. Шу боис у Миср султони устига юриш қилишга иродат этди.

Р. Гроусит

1400 йил ноябрида Амир Темур қўшинлари ал-Баҳасна устига юриш қилдилар. Қўшиннинг кудратини кўрган шаҳар ноиби дарҳол Амир Темурга итоат изҳор этди. Унинг номи билан пул зарб

этиб, жума намозида номини хутбага қўшиб ўқитди. Сўнг Амир Темур Айнтоб шаҳрини эгаллади, унинг ноиби Халабга қочиб кетгач, ўзи шаҳарга ноиб тайинлади.

Бу воқеалардан кейин Амир Темур Дамашқ ноиби Судунга мактуб йўллаб, Сивасни Султон Боязиднинг адабини бериш учун эгаллаганини, Мисрга томон юриш бошлагани эса Қохирада зиндонда ётган ўз қариндоши Аталмишни озод этиш ва бу мамлакат билан маромида муносабат ўрнаттиш мақсадида эканини изоҳлади (30).

Дамашқ ноиби бу мактубга эътибор бермади ва элчисини чормихга (салибга) тортишни буюрди (31). Бундай хатти-ҳаракатдан кейин Амир Темур қўшинлари Халаб устига ташланди.

Бу вақтда Суриянинг Дамашқ, Тароблус, Хома, Сафад ва Ғазо каби шаҳарлари ноиблари ўз қўшинлари билан Халабга тўпланган эди. Улар ўртасида бирлашиб ҳаракат қилиш хусусида ягона режа йўқ эди. Шаҳар аҳли ва бирлашган қўшинларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай шаҳарнинг мустаҳкам қалъаси ишғол қилиниб, аҳоли талон-торож этилди, шаҳар аҳли ва қўшиннинг кўпи ҳалок бўлди (32).

Кўп одамлар қувиб келаётган қўшиндан қочиш пайтида ҳалок бўлди, талай одамлар от ва филларнинг оёқлари остида қолиб нобуд бўлди. Ноиблар — Судун ва Дамирдош асир олинди.

Халабни ишғол этгач, Амир Темур Султон Фаражга яна мактуб йўллаб, Аталмишни озод этишни талаб қилди, агар шундай қилса, ўз хузурида асирда турган ноибларини ва бошқа асирларни бўшатишини билдирди.

Султон Фараж бу сафар ҳам Амир Темур талабларини рад этди. Натижада, Султоннинг бу хатти-ҳаракати шаҳар ва унинг аҳли учун қимматга тушди. Амир Темур қўшинлари пойтахт шаҳар Дамашққа йўл олди. Бу вақтда Султон Фараж ҳам Қохирадан чиққан эди.

Миср Султони 1401 йил январида Дамашққа етиб келиб, шаҳарнинг жанубий деворидан икки мил масофада жойлашган Ялбуға деган текисликда тўхтади (33). Суриянинг пойтахти томон юз тутган Амир Темур қўшинлари йўл-йўлакай Баалбак қалъасини эгаллади. Бу қалъа бетакрор нафосати ва улуғворлиги билан Амир Темурни мафтун этганди.

Амир Темур қўшинлари Дамашқ четидagi Қатана қишлоғида жойлашиб, Султон Фараж қўшинларининг юриш-туришини кузатиб турдилар.



Шуни ҳам қайд этиш керакки, Султон Фаражга охириги маротаба хат йўллаб Аталмишни озод қилиб, унинг номи билан пул зарб қилишни таклиф этганда Миср Султони ўз одатига хилоф равишда Амир Темур элчиларини иззат-икром ва хурсандчилик билан қабул қилиб, ўз қўшинининг улкан кўригини уюштириб, уларга қимматбаҳо совғалар ҳам топширган эди. Қайтишда Амир Темур элчилари Миср султонининг элчилари билан бирга қайтгандилар.

Султон Фараж жавоб хатида Аталмишни бир кун мобайнида зиндондан озод этишни ваъда қилиб, бундан кейин Амир Темур билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирганди.

Мактубларнинг бу тарздаги дўстона оҳангига қарамасдан иккала томон ҳам Дамашк остонасидаги жойларидан туриб ҳал қилувчи жангга пухта ҳозирлик кўрардилар. Лекин улар ўртасида бу жанг юз бермади. Чунки Султон Фаражга Қоҳирадан ҳамроҳ бўлиб Дамашкқа келган амирларнинг бир қисми кечаси махфий равишда Қоҳира томон жўнаб кетганлиги, шунингдек, Қоҳирада мамлуклар амири Ложин бошчилигида султонга қарши фитна тайёрланаётгани ҳақида Фаражга маълум бўлиб қолди.

Шу туфайли Султон Фараж ҳам Дамашкни ташлаб, яширинча Қоҳира томон йўлга чиқди. Ўз ҳолига ташлаб кетилган султон армияси ўртасида парокандалик бошланди. Бу ҳолатларнинг барчаси Амир Темурнинг Дамашкни эгаллаши учун имкон яратди. Гарчанд, шаҳар аҳли қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлса-да, шаҳар эгалланди (35).

Амир Темур турк султони Боязид устидан ғалабага эришганидан кейин ўз мамлакатига қайтатуриб, Султон Фаражга яна бир мактуб йўллади, унда ўзининг Султон Боязид устидан эришган зафарини таърифлаб, аввалгидек Аталмишни зиндондан озод қилишини талаб этди. Агар Султон Фараж унинг бу шартини қабул қилса, мамлук султонининг Дамашқда асир олинган амирлари ва ноибларини озод қилишни ваъда берди. Акс ҳолда у Мисрга қайтиб, уни ер билан яксон қилишини билдирди (36).

Амир Темурнинг бундай кескин баёнотидан кейин Султон Фараж Аталмишни қалъа зиндонидан озод қилиб, унга беш минг дирхам ҳадя этди ва бир неча амирлари ҳамроҳлигида уни ватанига жўнатди (37).

Шундан кейин Амир Темур билан Миср султони ўртасидаги муносабат бир қадар хайрихоҳлик тусини олди.

Бинобарин, 1403 йилда, яъни Аталмиш қайтиб келгандан кейин Амир Темур Султон Фаражга, мамлуклар мамлакатини билан дўстона муносабатлар ўрнатиш хусусида истак билдирилган мактуб билан ўз элчиларини жўнатди. Лекин Соҳибқирон томонидан Султон Фаражга юборилган икки яшил байроқ уни Қоҳира ва Дамашкқа ноиб этиб тайинлаганлигини билдириб, бу Амир Темурнинг султон шахсига муносабатини ифода этарди. Шу боис султон элчиларга илтифотсиз қаради ва ҳадяларни қабул қилмай, уларни ватанига қайтариб юборди (38).

Шу зайлдаги нозик жихатларга қарамай, Амир Темур билан Миср султони ўртасида бир қадар илиқ муносабатлар қарор топди. Чунончи, ўша даврга мансуб қатор манбаларда икки мамлакат ўртасида элчилар, мактублар алмашингани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган.

Жумладан, Ибн Арабшоҳ 1404 йил кузида Самарқанд яқинидаги Кониғилда Амир Темурнинг турк султони Боязид устидан қозонган ғалабаси шарафига ва Соҳибқироннинг олти неварасининг никоҳ тўйи (улар орасида ўн ёшли Улугбек ҳам бор) муносабати билан уюштирилган қатта тантаналарда Миср Султони ан-Носир Фаражнинг қимматбаҳо совғалар келтирган элчилари иштирок этганлиги ҳақида ёзади (39). Бу элчилар орқали Амир Темур хайрихоҳлик руҳида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган, узунасига 70 газ, энига 3 газдан иборат мактубни Султон Фаражга юборди. Айни вақтда Абдулла Кеший исмли бир кишини ҳам элчи сифатида Мисрга жўнатиб, икки ўртада сулҳ шартномаси имзолани таклиф этади.

XIV аср охири — XV аср бошида яшаб, ушбу воқеаларнинг бевосита шохиди бўлган таниқли миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, шу тарздаги сулҳ ҳақиқатан ҳам имзоланган ва Миср султони ўзини Амир Темурнинг тобеъи (вассали) деб эътироф этган (40).

Бошқа бир муаллиф Ибн ал-Ғозий Шубҳанинг таъкидлашича, 1405 йил январда, Султон Фаражга йўллаган мактубида Амир Темур унинг мамлакатига ноиложликдан ҳужум қилгани учун Миср султонига ўз узрини билдирган (41).

Юқорида келтирилган маълумотлардан Амир Темур давлати билан Миср мамлуклар салтанати ўртасидаги ўзаро муносабат-





лар йигирма йиллик (1386—1405) даврни ўз ичига олади, деб хулоса қилиш мумкин.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва набиралари ўртасида бошланган тахт учун кураш оқибатида мамлакатда парокандалик рўй берди. Шундай вазиятда Шохрух дастлаб Хирот, Хуросон ва Мозандаронда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Сўнг Халил Султондан Мовароуннахрни қайтариб олиб, у ерга ўғли Улугбекни ҳоким қилиб тайинлади.

Шохрухнинг (1405—1447) фаол ташқи сиёсати натижасида давлат сарҳадлари кенгайиб, тез орада у Мовароуннахр ва Форс ерларини ҳам тўлиғича ўз тасарруфига олди. Қора қўюнли давлати Шохрухга жузья тўлай бошлади. Кермон ҳам тобелигини эътироф этди.

Шундай қилиб, Шохрух давлати яна Амир Темур давридаги каби Миср ва Сурияни ўз ичига олган мамлуклар салтанати билан чегарадош бўлиб қолди. Улар ўртасида ўрнатилган муайян муносабатларнинг янги палласи 1429 йили Мисрда Барсбой исмли султон ҳукмронлиги даврида бошланган бўлса ажаб эмас.

Хар калай, ўша йили Шохрух Миср султони ҳузурига ўз элчисини юборган ва ундан ўша асрнинг мисрлик машҳур тарихчиларидан Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг «Фатҳ ал-борий ли-шарҳи ас-Сахийх ал-Бухорий» ва ал-Мақризийнинг «Ас-сулук ли маърифат дувал ал-мулк» («Подшоҳларнинг давлатларни билиш йўллари») номли китобларини юборишни сўраган.

Ибн Ҳажарнинг ушбу китоби 13 жилддан иборат бўлиб, ал-Бухорийнинг «Сахийх»ига шарҳ тарзида ёзилган ва мусулмон оламида катта шухрат қозонган, унинг хар бир нусхаси ўша даврда 300 динар баҳоланган. Энг муҳими, элчи орқали юборилган мактубда Шохрух ўзи махсус тайёрлатирган Каъба кисвасини (ёпинчқни) юборишга ижозат сўраганди.

Гап шундаки, хар йили ҳаж маросими ниҳоясида Каъба устига ёпиладиган кисва тайёрлаш ҳуқуқини Мисрни 1250 йилдан бери бошқараётган мамлук султонлари деярли икки аср давомида ўз қўлларида сақлаб келардилар.

Бинобарин, бу уларга мусулмон дунёси-

да раҳнамолик қилиш имконини берарди. Шу сабабли Султон Барсбойнинг бу илтимосга рад жавоби бериши табиий эди. Аммо Шохрух қўлёзма асарларнинг жуда катта ихлосманди ҳамда ислом динига эътиқоди мустаҳкам ҳоким сифатида маълум эди. Шу боисдан бу мавзуга такрор ва такрор қайтаверди.

Кисвага даъвогарлик масаласи Миср халқи орасида тез тарқалиб, катта шовшувни келтириб чиқарди. Сабаби Амир Темур қўшини Сурия шаҳарларини ишғол қилган пайтдаги хотиралар ҳали унут бўлмаган эди.

Келаси йили Шохрух айнан юқоридаги мақсадни кўзлаб, Шерознинг энг мўътабар хонадонига мансуб бўлган бир зодагонни 8 минг динарлик совға-салом билан Мисрга элчи қилиб жўнатди. Элчи Султон Барсбой томонидан қабул қилинаётган пайтда Шохрух Каъбага албатта кисва ёпажаги ҳақида қасам ичганини маълум қилди.

Шундан кейин Барсбой қасам хусусида тўртта мазҳаб қозилари кенгашини чақиртиришга мажбур бўлди. Қозилар: агар Шохрух тайёрланган кисвани сотиб, маблағини Маккадаги фақир-мискинларга эҳсон қилса, қасамидан фориг бўлади, деган мазмунда ҳукм чиқаришди. Қозилар, шунингдек Мисрда кисва учун ажратилган махсус вақфлар мавжудлигини, бинобарин, харажатлар тўлиқ қопланаётганини, Шохрухнинг кисва тайёрлашига ҳеч қандай эҳтиёж йўқлигини таъкидладилар. Аслида, Миср султонлари бу ишга бошқа ҳеч кимнинг қатнашишини истамасликлари қозиларга аён эди.

Шубҳасиз, бу жавоб Шохрухни қониқтирмади. 1435 йили у учинчи бор мактуб йўллаб, Қуддус шаҳрини зиёрат қилиш истагини билдирди. Айни вақтда у Миср қозиларини ноҳолисликда ҳамда султон розилиги йўлида ва ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳукм чиқаришда айблади. Султон Барсбой бу мактубни эътиборсиз қолдирди.

Бу воқеадан сўнг халқ таҳликага тушиб қолди. Айниқса, Шохрухнинг Усмонли туркларнинг ўша вақтдаги султони Мурад II га ва Оқ қўюнлилар амири Қора Юлукка, Зулғадир ва Кермон амирларига сарполар юборгани Барсбойга қарши иттифок тузиш учун тайёргарлик, деб тушунилди. Шохрух, ҳақиқатан, Оқ қўюнлилар бошлиғининг Мисрга қарши ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун фурсат келганлигини эътироф этди.

Султон Барсбой ҳам, ўз навбатида, ҳарбий тайёргарликни қучайтирди. Аммо у халқдан керакли маблағни тўплашга амр

У (Амир Темур) насронийлик учун ноқулай бир вақтда Европа уфқида пайдо бўлди. Буюк парчаланиш лотин черковини пугурдан кетказди, улат касаллигининг тарқалиши феодал князлар ўртасидаги низолар билан қоришиб кетди, дарвозалари олдида усмонли турклар турган силласи қуриган Византия салтанати ўз тақдирининг нима бўлишини итоаткорона кутарди. Шунга қарамай, Европа учун умид чакмоқлари чакнади. Шарқдан Усмонли турклар мулки томон сон-саноқсиз суворий қўшинларига бош бўлиб заковат соҳиби, моҳир шахматчи, малакали илоҳиётчи, буюк қўмондон Амир Темур яқинлашиб келарди.

Хильда Хукхэм



берганида қозилар норозилик билдириб, уни исрофгарчиликда айбладилар. Ўша аср Миср тарихчиси Ибн Илётнинг ёзишича, унга: «Султоннинг хотини ўғлининг хатна тўйи кунни қиймати 30 минг динорлик қўйлак кийган бир пайтда оч-ночор мусулмонларга янги солиқ солиш адолатдан эмас», — деб таъна қилдилар.

1436 йили Шохрух Султон Барсбойга тўртинчи мактубини йўллади. Бу сафар хат анча кескин ёзилган бўлиб, унда Шохрух номига хутба ўқитиш ва унинг исми билан танга зарб қилиш талаб этилганди. Бу талабни қабул қилиш вассалликни очиқ-ойдин тан олиш билан баробар эди. Султон Барсбой, ўз навбатида, элчини тахқирлаб, хат билан бирга юборилган сарпони йиртиб ташлашни буюрди.

Айтишларича, султоннинг бундай тасаруфи кўпчилик сарой ахллари ва тарихчиларига ёқмаган. Масалан, XV асрнинг машҳур Миср тарихчиси Ибн Тағриберди ўзининг «Ан-нужум аз-Зоҳира фи мулки Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира подшоҳликларида кўринувчи юлдузлар») китобида Султон Барсбойни бу иши учун танқид қилиб, аксинча, «Хатга вазмин ва босиқлик билан жавоб бериш, мамлук қўшинларининг заифлиги ҳақида сир бой бермаслик керак эди», деб ёзганди. Қандай бўлганда ҳам, мазкур элчи ал-Макризийнинг «Тарих»и ва Ибн Ҳажарнинг «Фатҳ ал-борий»сидан бир нусхадан олиб қайтгани маълум.

Шохрух билан Барсбой ўртасидаги муносабат шу зайлда кескинлашди. Шохрух Барсбойнинг ашаддий душмани бўлган Жонибекни зиндондан бўшатишга Зулғадир амирини мажбур қилди ва усмонлилар султони Мурод II билан яна алоқа боғлашга уринди. Барсбой эса бунга жавобан усмонлилар билан мудофаа иттифоқи тузишга эришди.

Султон Барсбойга қарши отланган Жонибек ва унинг иттифоқчилари Миср қўшинларидан мағлуб бўлдилар. Мисрликлар Зулғадир пойтахти Обулистонга бостириб кириб, уни вайрон қилдилар.

Миср султонининг Суриядаги ноиблари Жонибекни таъқиб қилишни давом эттиришди, пировардида у ўша пайтда Миср султони тарафидан бўлган Қора қўюнлилар бошлиғи қўлига асир тушди. Жонибекнинг боши танасидан жудо қилиниб, Қоҳирага юборилди ва Зувайла дарвозаси олдида осиб қўйилди.

Барсбой бир неча бор Оқ қўюнлилар бошлиғи ва унинг ҳомийси Шохрухга қар-

ши қўшин тортажагини эълон қилган бўлса-да, то 1438 йил июнида вафот этгунига қадар бунга жазм қилмади. Ўша давр тарихчиларининг шарҳлашича, агар Султон Барсбой тўсатдан вафот этмаганида улар ўртасида жанг бўлиши муқаррар эди.

Аслини олганда, Шохрух давлати ва Миср мамлуклар султонлиги ўртасидаги бу кураш ва рақобат замирида Фрот дарёсининг юқори оқимида, яъни ҳозирги Ироқнинг шимоли ва Суриянинг шимоли-шарқида ҳукмронлик ўрнатиш мақсади ётарди.

Ўша аснода Миср мамлуклар давлатининг сиёсий аҳволи беқарор эди. Мамлакат аҳолиси Амир Темурнинг у пайтда Мисрга қарашли бўлган Сурия шаҳарларига берган зарбасидан ҳали ўзига келмаган, Форс тарафда катта куч борлигидан таҳликада эди. Боз устига Миср давлатининг иқтисодиёти батамом издан чикқан эди.

Шохрух давлатининг аҳволи ҳам ундан яхши эмасди. Абулхайрхон бошлиқ кучманчи ўзбеклар Сирдарё бўйидаги қатор шаҳарларни ва Хоразмнинг бир қисмини Улуғбекдан тортиб олган, Мовароуннаҳр ва Эрон ерларига тез-тез ҳужум уюштириб туришганди. Шохрух ва Улуғбек шимолий сарҳадларда мунтазам катта қўшин тутиб туришга мажбур эдилар.

Барсбой вафотидан сўнг 1438 йили Миср тахтига мамлук султони Чақмоқ ўтирди. Фурсатдан фойдаланиб, унинг ҳузурига Шохрух катта ҳадялар билан ўз вакилини юборди. Яна бир неча бор ўзаро ҳадялар алмашингач, алоқалар тубдан яхшиланди. Шохрух Каъба кисвасини тайёрлаш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган ва хар сафар бу ҳақда эслагиб турарди.

Ниҳоят, Султон Чақмоқ Родос оролига қилган учинчи муваффақиятсиз ҳужумидан қайтганидан сўнг 1443 йили Каъба кисвасини тайёрлаш ҳақидаги Шохрухнинг навбатдаги илтимосига розилик берди. Аммо Султон Чақмоқ сидқидилдан рози бўлмай, балки ўзаро муносабатларни кескинлаштирмаслик мақсадида шундай қарорга келган кўринади. Хар қалай, у Шохрухга фақат ич томондан, яъни Миср султони кисваси остидан ёпиладиган каъбапўш тайёрлашни шарт қилиб қўйди.

Розилик олгани заҳоти Шохрух Қоҳирага Каъба кисваси билан ўз вакилларини юборди. Улар Мисрдан хажга борадиганлар гуруҳи билан биргаликда жўнамоғи лозим эди.

Миср султони вакилларни қалъада қабул қилди. Айни вақтда у гўё мисрликлар қалбини жароҳатламаслик учун Шохрух





кисвасини беркитиб қўйишни буюрди. Шундай кайфиятни юзага келтириш учуни, хар қалай, авом халқ ва султон аскарлари (шахсий гвардияси)дан баъзилар Шохрух вакиллари тушган масканларга хужум қилдилар ва ҳатто уларни таладилар ҳам.

Султон авом халқдан бўлган босқинчиларни жазолади-ю, лекин аскарларига тегмади. Шундан сўнг у Шохрух вакиллари-дан таланган нарсаларнинг ўрнини тўлдириб, уларни хаж сафарига ҳозирлади. Шу воқеалар шоҳиди машҳур Миср тарихчиси ас-Саховийнинг таъкидлашича, Маккага йўл олган Шохрух вакиллари орасида Амир Темурнинг собиқ завжаларидан бири ҳам бўлган.

Маккаи мукаррамада шу йили Шохрух кисваси Каъба устига Миср Султони каъбаўши остидан ёпилди. Шундай қилиб, Шохрух ўз қасамининг уддасидан чиққан бўлди. 1447 йили Шохрух вафот қилгунга қадар Миср билан дўстона алоқалар олиб борилди.

Мисрликларда кейинчалик ҳам Шохрух кисваси деган тушунча ўрнашиб қолган бўлса керак. Зеро, то 1452 йилгача айнан шу ном билан Каъба устига кисва ёпиб турилди. Нихоят, шу йили Султон Чақмоқ гўё умуман Ислом оламининг ва хусусан Миср афкор оммасининг шуурини ҳисобга олиб, Шохрух кисвасини олиб ташлаш ва фақат Миср султони кисваси билан чекла-ниш ҳақида амри фармон берди.

Ўйлаймизки, ушбу маълумотлар, бир томондан, Марказий Осиё ва Миср ўртаси-да XV асрда жўшқин дипломатик алоқалар мавжуд бўлганидан далолат берса, иккин-чи томондан, Амир Темур давридан бевоси-та кейин ҳам Шохрух мисолида Марказий Осиё ҳокимлари мусулмон дунёсида кўзга кўринган мавке, қолаверса, умумий парокандалик шароитида ҳатто раҳнамоликка даъвогар бўлганлигини аниқ исботлаб бе-ради. Шубҳасиз, бу маълумотларни чуқур ўрганиш қўҳна ва ғуборли тарихимизни ойдинлаштириш ишига ҳисса бўлиб қўшила-ди.

ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Евросиё материгида шарқдан ғарбгача ва шимолдан жанубгача ораликдаги улкан ҳудудда Буюк Ипак йўли йўналишлари бўйлаб мунтазам савдо алоқаларини ўрна-тиш, давлатлараро дипломатик муносабат-ларни ривожлантириш Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатидаги асосий стратегия бўлган ва бу ўринда Хитой ҳамда Ҳинди-стонгача қарвон йўлларини тиклаш муҳим вазифа саналган.

Хитойда 1368 йили Юань мўғул сулола-си тугагач, йирик марказлашган Мин сал-танати (1368—1644) ташкил топди. Даст-лабки пайтларда Хитойнинг сиёсатидаги асосий муаммо мўғулларнинг янги ҳужу-мига йўл қўймаслик бўлган, зеро бундай хавф мавжуд эди. Шу боис Хитой шимо-лий сарҳадларда мўғуллар билан тез-тез тўқнашиб турарди. Натижада, XIV аср-нинг сўнгги йилларида Мин

салтанати чегараси мустаҳкам-ланиб, кейинги йилларда ҳам деярли ўзгармай қолди: ши-молда Буюк Хитой девори, шимоли-ғарбда Ганьсу вилоя-ти ва ғарбда Цинхай вилояти-нинг шарқий қисми билан чегараланган эди.

Мин сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғ-

лиқ харбий тадбирлар Хитойнинг бошқа давлатлар, жумладан, Амир Темур давлати билан савдо-элчилик алоқаларини тўхта-тиб қўйди. Шу сабабдан, XIV аср иккинчи ярми дастлабки икки ўн йиллиги давомида мусулмон манбаларида ҳам, Хитой манба-ларида ҳам савдо-элчилик алоқалари ҳақидаги маълумотлар қайд этилмаган.

Амир Темур савдо алоқалари ривожига алоҳида эътибор қаратган, чунки улар Мо-вароуннаҳрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиё-сий қудратини юксалтиришга ёрдам бер-ган. Бироқ, XIV асрнинг 70—80 йилла-ридаги Хитой ва Мўғулистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият савдо-элчилик ало-қаларининг ривожланишига монелик қи-либ келди. Амир Темур 1389 йили Мўғу-листонни узил-кесил ўз тасарруфига кири-тади, иккала томонни қариндошлик ипла-ри билан боғлаш мақсадида, хижрий 800 йил раби ул-аввал ойининг бошларида (милодий 1397 йил 22 ноябрь) Жета хони Хизрхожанинг қизи Тўқал хонимни ни-коҳлаб олади. Мазкур воқеалардан сўнг, Амир Темур давлатининг Хитой билан сав-до-элчилик муносабатларини йўлга қўйиш имкони ортди, зеро, савдо йўли Мўғулис-тон оркали ўтарди.

Умуман олганда, Амир Темур ва Темур-рийлар давлати билан Хитой ўртасидаги

Темур аввало Осиё қўмон-донини бўлган ва ўз даврининг удум ва одатлари бўйича ўзи-нинг голибона қўшини ва куролларидан фойдаланди.

Г. Вамбери

нинг шарқий қисми билан чегараланган эди.

Мин сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғ-

савдо-элчилик муносабатлари масаласига тадқиқотчилар катта эътибор берганлар. Бу ҳақда европа, япон ва ўзбекистонлик олимлар томонидан бирламчи манбаларни ўрганиш асосида чоп этилган қатор илмий мақолалар мавжуд (42). Бу муносабатлар тарихи, асосан, Хитой солномалари ҳамда форсий тилдаги Шарқ ёзма манбаларида қайд этилган.

Хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV—XVII асрлар ораллигидаги тарихи анча мукамал акс этган солнома — «Мин ши лу» («Мин сулоласи императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар»)да тарихий кечинмалар йилмайил ёзилган бўлиб, унда 1388—1398 йиллар ораллигида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган (43).

Амир Темур салтанати йиллари, асосан, Мин сулоласининг дастлабки вакили император Чжу Юаньчжан (бошқа исми Тайцзу, лақаби Хуньу, 1368—1398) ҳукмронлиги вақтига тўғри келади. Хитой солномаси «Мин ши» да ёзилишича, Хитой императори, ўз навбатида, Амир Темур йўллаган элчилар ҳамда совғалар учун миннатдорчилик рамзи сифатида ўз номидан элчилар юборган.

Хитой манбаларидан «Мин ши» ва Шэнь Дефу қаламига мансуб «Ваньли. Ехобянь» («Ваньли даврида вилоятлар ҳақида қайдлар») номли асарда 1391 йили Куан Чэ бошчилигидаги Хитой элчилари Самарқандга жўнатилгани, бироқ улар Бешбалиқда Хизрхожахон томонидан ушлаб қолингани қайд этилган.

Низомиддин Шомий «Зафарнома»сида Амир Темур Ҳиндистонга юриши чоғида Кобул яқинида, унинг ҳузурига Хитой мамлакатидан Тойзи-ўғлон элчи бўлиб келгани айtilган. Бироқ Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида бунга аниқлик киритилган. Унда ёзилишича, Тойзи-ўғлон аслида Чингизхон авлодига, аниқроғи, Угэдэй наслига тегишли шоҳзода бўлиб, Қалмоқдан келган. У ўз ватани Улуг юрда қонга қарши бош кўтаради ва мағлубиятга учраб, қочиб Амир Темур ҳузурига келади.

Хитойнинг Амир Темур ва Темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, икки дипломат — Фу Ань (вафоти 1429) ва Чэнь-Чэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу маълумотлар

Хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган.

«Мин ши»да ёзилишича, Хитой императори 1395 йили Самарқандга Амир Темур ҳузурига Фу Ань бошчилигида яна элчилар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган. Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида «Мин ши лу» да ҳам хабар бор (44). Улар Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамсафар бўлганлар.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридagi маълумотга кўра, мазкур элчилар 800/1397 йилнинг қишида, Амир Темур Тошкент вилоятининг Чинос (Чиноз) қишлоғида қишлаб турганида, ўша ерга етиб келганлар. «Зафарнома»да Хитой томондан Хитой подшоси элчилари келиб Соҳибқирон ҳузурига бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилингани ва қайтишга рухсат этилгани ҳақида ёзилган (45). Бу хабар Яздий «Зафарнома»сидаги Амир Темур давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихидан дарақ берувчи ягона маълумотдир.

Фу Аннинг ушбу сафари тўғрисида дастлаб немис олими Б.Бретшнайдер ёзгани маълум. Унинг таъкидлашича, элчилар 12 йил қолиб кетганлар (46). Элчиларнинг узок вақт ушланиб қолингани сабаби темурийлар тарихи акс этган тарихий асарларда кўрсатилмаган. Лекин бунинг асосий сабаби, Хитой императори ўз мактубида Амир Темур элчилар воситасида юборган совғаларни ўлпон деб баҳолаганида бўлиб, бу ҳақда манбаларда аниқ айtilган. Масалан, Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз «Кундалиги» да Хитой подшоси Чайсканнинг «бож талаб қилиб юборган элчилари...», — деб ёзган (47). Хитой солномаси «Мин ши» да ҳам: «...Фу Ань ва бошқалар ушланиб қолинди, ўлпон келиши ҳам тўхтади...» — деган жумлани ўқиймиз (48).

Амир Темурнинг қазаблангани асосли эди, чунки Фу Ань тақдим этган ва ўлпон сўралган мактуб Хитой императорининг муҳри билан тасдиқланган бўлиб, расмий ҳужжат саналарди. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Хитой императорининг исми «Тўнғизхон» деб аталганининг сабаби ҳам эҳтимол шундандир. Амир Темурнинг Хитойга юриши сабабларидан бири ҳам Хитой



Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кутариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба тазарруъ қилиб келгач, ҳур матлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан учирдим. Марта баларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотиралариде менга нисбатан шубҳаю кўр қув бўлса, бутунлай унутти шар эди.

«Темур тузуқлари»



сафарига юборилгани Хитой олимлари тадқиқотларида таъкидланган (65) ва бу ҳақда юқорида айтилди.

Хитой манбаларида ёзилишича, Чэнь-Чэн жами уч марта—1414—1415, 1416—1418 ва 1420 йилларда Темурийлар давлатига элчи бўлиб келган (66).

Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига дастлабки сафари 1414—1415 йилларга тўғри келиши Хитой солномаларида қайд этилган. Аниқроғи, 1414 йил 3 февралда (67) Бейцзин (Пекин)га Хирот, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан элчилар келади. Улар Фу Ань билан бирга келган эдилар (68). Хитой императори уларга қўшиб ўз томонидан амалдорлар Ли Да, Чэнь-Чэн ва Ли Сянларни Темурийлар давлатига элчи қилиб жўнатади (69). «Мин ши»да мазкур Хитой элчилари Улуғбек ҳузурига юборилгани таъкидланган (70). Яна шу «Мин ши»да ёзилишича, 1415 йили 30 ноябрда Чэнь-Чэн бошчилигидаги элчилар Хитой пойтахтига қайтиб келган ва уларни кузатиб Самарқанддан элчилар совғалар билан келишган (71).

Чэнь-Чэн ўз сафар хотиралари ҳақида кундалиқни ҳам ана шу биринчи саёхати чоғида ёзган (72). Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига иккинчи сафари 1416—1418 йилларга тўғри келади (73). Хитой манбаларида ёзилишича, Чэнь-Чэн императорнинг мактуби ва совғаларини олиб, 1416 йили 3 июлда Хитойдан жўнаган (74). Бу ҳақда Темурийлар манбаларида ҳам маълумот бор. Абдураззоқ Самарқандий «Маглаи саъдайн»да (820 йил раби ул-аввал /1417 йил апрель—май) Хиротга, Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочин исмли шахслар бошчилигида жами 300 отликдан иборат Хитой элчилари келгани ва битта мактуб ҳам келтиргани ҳақида хабар беради (75).

Мактуб мазмунидан кўриниб турибдики, мазкур элчилик Хитойдан юборилган илгариги элчиликлардан анча салмоқли бўлган. Шохрух Мирзо Хитой элчилари билан бирга ўз номидан Ардашер тавочини элчи қилиб жўнатган ва у 1419 йил октябрда навбатдаги Хитой элчилари билан бирга Хиротга қайтиб келган (лекин Хитой солномаларида Ардашер нима сабабдандир Улуғбекнинг элчиси сифатида қайд этилган (76)).

Чэнь-Чэн бу сафардан 1418 йили ватанига қайтиб борган ва у билан бирга Хирот ҳамда Самарқанд шаҳарларидан Хитойга элчилар борганлар. «Бу (Самарқанд) давлати Ченни (ватанига) кузатиш ҳамда

ўлпон элтиш учун яна (Хитойга) элчилар юборди», — деб ёзилган Чэнь-Чэн фаолиятига бағишланган Хитой олимлари тадқиқотларидан бирида (77).

Чэнь-Чэннинг Темурийлар давлатига элчи сифатида Хитойдан 1420 йили учинчи марта жўнатилгани «Мин ши» да қуйидагича қайд этилган: «Юнлэ ҳукмдорлигининг 18-йилида (1420 й.) Чень билан Го Цзинга (Улуғбекнинг элчиси ва совғалари учун) ташаккур айтиш мақсадида, императорнинг мактуби ҳамда ипак матолар (дан иборат совғаларини) элтиш буюрилди» (78). Ҳатто, унинг жўнаган куни ҳам кўрсатилган: 1420 йил 20 июль (79).

Чэнь-Чэннинг ушбу сафари ҳақида Хитой манбаларида ҳам, Темурийлар тарихларида ҳам бошқа ҳеч қандай тафсилот учрамайди. Таъкидлаш жоизки, 1420 йил 20 июлда Темурийлар давлатидан юборилган Гиёсиддин Наққош қатнашган катта элчилик энди Қорахожага ва 1420 йили 14 декабрда эса Хитой пойтахти Хонбалик шаҳрига етиб борган эдилар (80). Бирок Хитой солномаларида Хитой пойтахтига кўпгина давлатлардан элчилар фақат 1422 йили келгани ёзилган (81). Бу ерда Хитой солномасидаги маълумот хато, чунки Гиёсиддин Наққош кундалигида саналар аниқ берилган. Лекин Хитой манбаларида Хитойдан 1418 йил 30 октябрда Ли-Та бошчилигида элчилар императорнинг мактуби билан Шохрух Мирзо ҳузурига жўнаганлари қайд этилган (82).

Мазкур маълумот Темурийлар манбаларида ҳам тасдиқланади. «Маглаи саъдайн»да 1419 йил октябрда Хиротга Ли До бошчилигида хитой элчилари Пи-Мочин ва Хон-Мочинлар келгани, Ардашер тавочи ҳам улар билан бирга қайтгани ва элчилар хитой подшосининг мактубини тақдим этганлари айтилган ҳамда мазкур мактубнинг матни ҳам берилган (83) (ушбу мактубда бундан олдинги хитой элчиларини ҳам сарой амири Ли До бошлаб бориб қайтгани ҳам таъкидланган).

Мазкур элчилик тасодифий бўлмаган. Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих» асарида ёзилишича, 1419 йили Хитойдан элчилар келиб, Темурийлар давлатининг турли вилоятларида бўлганлар (84). Унга жавобан 1419—1422 йилларда Темурийлар давлатидан жуда катта элчилар гуруҳи (530 киши) Хитойга бориб қайтгани ва шу муносабат билан Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси ёзилгани тарихда маълум. Лекин мазкур элчилик ҳақида Хитой солномаларида аниқ маълумот йўқ, фақат

шу йили элчи келгани айтилган, холос (ким томондан юборилгани ва исми кўрсатилмаган).

Ушбу (1419) йилдаги Хитой элчилиги вақт жихатдан Чэнь-Чэннинг учинчи сафарига мос келмайди, чунки унда Чэнь-Чэн Хитойдан 1420 йили жўнади, дейилган. Агар уни айнан Чэнь-Чэннинг учинчи сафари деб оладиган бўлсак, у холда «Мин ши» да кўрсатилган сана, яъни 1420 йил хато бўлади. Балки ҳақиқатда ҳам шундай-дир: Чэнь-Чэн Хитойдан 1419 йили йўлга чиқиб, ўша йили Темурийлар давлатига етиб келган бўлиши мумкин.

Мазкур Хитой элчилари дастлаб Самарқандда тўхтаганлиги, сўнгра Хиротга бориб, у ердан турли вилоятларга – бир гуруҳи Шерозга – Иброҳим Султон ҳузурига, яна бир гуруҳи Хоразм волийси амир Шох Малик ҳузурига борганлиги маълум.

Бунга жавобан Темурийлар давлатидан Хитойга жами 500 кишидан ортиқ элчилар гуруҳи юборилган ва унда турли вилоятлардан вакиллар бўлган: Хирот гуруҳи – Шодихожа (Шохрух элчиси), Султон Аҳмад ва Хожа Фиёсиддин Наққош (Бойсунғур элчилари); Шероздан Амир Ҳасан (Иброҳим Султон элчиси); Исфаҳондан Пахлавон Жамол (Рустам элчиси); Самарқандда уларга Кобул ва Ғазна хокими бўлмиш Суюрғатмиш элчиси – Арғадок, Хоразм волийси Шох Маликнинг элчиси – Урдубон ва Бадахшон шохининг элчиси – Тожиддин қўшилди.

Улугбекнинг элчилари эса Султоншоҳ ва Муҳаммад баҳши бошчилигида икки ой илгарироқ кетган бўлиб, улар Хонбалиқда қўшилдилар ва бирга қайтдилар. Иброҳим Султон ва Рустам элчилари, аксинча, кечроқ йўлга чиқиб, асосий элчилар гуруҳини улар сафардан қайтиб келаётган чоғда Сукжу шаҳрида учратганлар.

Фиёсиддин Наққош зиммасига Бойсунғур томонидан махсус топширик – барча кўрган-кечганларини кундалик тарзида аниқ ёзиб келиш юкланган эди. Бу вазифа тўқис адо этилиб, Фиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган сафарнома бизгача етиб келган.

Ушбу кундалиқда Темурий элчиларнинг босиб ўтган йўли аниқ қайд этилган:

Хитойга бориш: Хирот – Балх – Калиф кечуви – Самарқанд – Тошкент – Сайрам – Ашпара – Мўғулистон – Кичик Юлдуз – Турфон – Қорахожа – Кумул – Қоровул (Цзяйю – гуань), яъни Хитой чегараси – Қорамурон (Хуанхэ) дарёси – Хуснобод (Ланьчжоу) – Жандинфу (Чжендин) – Хонбалиқ (Пекин).

Хитойдан қайтиш: Хонбалиқ – Қормурон дарёси – Хуснобод – Қамжу – Сукжу – Қоровул – Хўтан – Ёркенд – Кошғар – Андигон довони. Бу ерда элчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, бир гуруҳи – Фарғона водийси орқали Самарқандга, иккинчиси – Бадахшонга, учинчиси – Қоратегин – Ҳисори Шодмон – Термиз – Балх орқали Хиротга йўл олган.

Эчиларнинг йўлига назар солсак, XV асрда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик йўли қадимги Буюк Ипак йўли билан мос тушганлигини кўрамыз. Бунда Етгисув, Фарғона ва Қоратегин йўналишлари асосий тармоқлар эди. Хирот ва Самарқанд эса ана шу йўналишдаги бош шаҳарлар бўлган.

Фиёсиддин Наққошнинг «Кундалиги» фанда Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих» асарида қайд этилган шаклда мавжуд ва хозир ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Элчилик алоқаларидан, аввало, давлатлараро савдо-сотикни ривожлантириш кўзда тутилган, бу ҳақда Темурий ҳукмдорлар ва Хитой подшоҳи ёзишмаларида ҳам қайд этилган. Улар йўллаган мактублар Ҳофизи Аbru ва Абдураззоқ Самарқандий асарларида сақланиб қолган. Жумладан, Хитой императори ўз элчилари орқали юборган мактубда (1413) шундай сўзларни ўқиймиз:

«Биз садокат зоҳир бўлсин учун табринома, кимхоб кийим ва тарқулар билан элчи жўнатдик. Бундан кейин ҳам одамларни юбориб турамыз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истақларича тижорат ва касб қилсинлар» (85).

Бундай истак Темурий ҳукмдор Шохрух томонидан ҳам маъқулланган. Унинг Хитой императорига йўллаган мактубида, жумладан, қуйидагилар ёзилган: «(Хитой) тарафдан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, элчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очик тутсалар, токи дўстлик, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват тоиса» (86).

Хитойда император Чжу-ди ҳукмдорлиги йилларида (1402–1424) савдо-элчилик алоқаларига халал берувчи кўпгина тўсиқлар, жумладан, турли солиқ ва божлар бекор қилинган эди.

Бу, ўз навбатида, ички ва ташқи савдога ижобий таъсир этди. Хитойнинг ғарбий мамлакатлар билан савдо алоқаларида





унинг ғарбий йўналиши бўйлаб жойлашган Сукжу (Цзюцзюань) ва Камжу (Чжанье) шаҳарлари асосий ўрин тутган.

Олди-сотди ишлари мазкур шаҳарлардагина йўлга қўйилган бўлиб, ажнабий савдогарлар пойтахт Хонбалиққа онда-сонда бора олганлар. Савдогар ва элчиларни кузатиб борган хизматкорларга, кўп ҳолларда, Камжу шаҳридан нарига рухсат берилмаган. Жумладан, темурий элчилар ҳам ўз хизматкорлари ва от-уловларини айнан Камжу шаҳрида қолдирганлар.

Хонбалиққача ва у ердан қайтишларида ҳам уларни император томонидан тайинланган махсус одамлар бошлаб юрган. Бундан ташқари, Гиёсиддин Наққошнинг ёзишича, Хитой мамлакатига кириш ва чиқишнинг ўзига хос расмийчиликлари бўлган.

Чунончи, Хитой чегарасида (Қоровул) Хитой ерига қадам қўйган ҳар бир кишининг исми ва ташқи қиёфаси махсус дафтарда қайд этилган ва у қайтиб чиқаётганида ана шу дафтар маълумотлари асосида текширилган.

Хитой ҳукумати бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришда иқтисодий ва сиёсий манфаатларни ҳам кўзда тутган. Бу ҳолат темурий элчиларнинг Хитой императори билан суҳбатда кўзга яққол ташланади. Хитой подшохи Темурийлар давлатининг иқтисодий ва сиёсий ахволи билан қизиқиб саволлар берган.

Гиёсиддин Наққош ўз кундалигида бу ҳақда шундай ёзади: «(Хитой) подшохи улар (элчилар)дан Шохрух ҳазратларининг хол-ахволларидан сўради ва ундан кейин: «Қораюсуф (Шохрух ҳузурига) элчи юборадими ва (Хиротга) мол келтирадиларми?» – деб сўради, элчилар: «Ҳа, элчи ва мол юборади», – дедилар... Подшоҳ яна: «Мен Қораюсуфга элчи юбормоқчиман, чунки у ерда отлар яхши экан, йўллар хавф-хатарсизми? – деб сўради. Элчилар: «Агар Султон Шохрухдан ҳукм бўлса, йўл беҳавотирдир», – дедилар. У: «Буни мен тушунаман», – деди» (87).

Шуни таъкидлаш керакки, Хитой солномаларида Хитой подшоси ҳузурига бошқа мамлакатлардан келган элчиларни ўша жой ҳукмдорининг тобелиги ва улар келтирган совға-саломларни эса тўлов деб қайд этганлар. Темурий элчиларнинг Хитойга ташрифи яна бир муҳим воқеа билан ҳам боғлиқ эди. Аниқроғи, ўша пайтда Пекинда катта қурилиш ишлари ниҳоясига етиб, бу шаҳар Хитойнинг пойтахти, деб эълон қилинган. Темурий элчилар ана шу

катта тантанага таклиф этилган бўлиши ҳам мумкин.

Амир Темур салтанатида ҳам, унинг сўнг Шохрух ҳукмдорлиги чоғида Марказий Осиё билан Хитой ўртасида савдо-элчилик муносабатларининг ривожини аввало, Мўғулистондаги сиёсий аҳвол билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мўғулистондаги ички низолар кўпинча карвонларнинг мунтазам қатновига тўсқинлик қиларди. Гиёсиддин Наққош бу ҳақда жумладан, шундай ёзади: «(элчилар) Мўғул юртига қадам қўйдилар... Шу пайтда, Вайсхон Шермухаммад ўғлонга касб қилиб, уни қатл этмоқчи бўлганлиги ва шу сабабдан, Қулмухаммад ва яна баъзи бир мўғул амирлари Вайсхондан юз ўгирганлари, уларни қўллаб бутун улус оёққа турганлиги ҳақида хабар етди... Саккизинчи жумод ал-охирда (1420 йил 20 июнь) Вайсхоннинг элчиси бўлмиш Дожини Мухаммадбекнинг ўғиллари талаганликлари ҳақида хабар келди. (Темурийлар) элчилари бундан ваҳимага тушиб, – биз шошилишимиз керак, токи тезроқ Хитой чегарасига етиб олайлик, деди» (88).

Хорижий элчиларни иззат-иқром билан қабул қилиш анъанаси Амир Темурдан кейин унинг авлодлари салтанатида ҳам сақланиб қолган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий Хирот шаҳрида 1413 йили Хитой элчиларининг кутиб олиниши ҳақида, жумладан, бундай ёзади:

«Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин подшохи ДойМинг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Ҳокони савид Шохрух томонидан) «шаҳар бозорларига зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз хунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин», деган Хумоюн фармон содир бўлди» (89).

Хулоса қилиб айтганда, Сохибқирон Амир Темур салтанатида XIV асрнинг охиригача ўн йиллигидан бошлаб ва Шохрух ҳукмдорлиги даврида (XV асрнинг биринчи ярмида) Хитой билан мунтазам савдо-элчилик муносабатлари мавжуд бўлган. Карвонлар қатнаб турган савдо йўллари эса қадимги Буюк Ипак йўли тармоқлари билан мос тушади.

Бу халқаро савдо йўли нафақат Мовароуннаҳр билан Хитой ораллигида, балки ғарбга ҳам давом этиб, жанубий йўналиш орқали то Ўрта денгиз ва Мисргача етиб борган. Савдо карвонларининг ана шу кейинги йўналишдаги қатнови Амир Темурнинг етти йиллик (1399–1404) ғарбий юришидан сўнг йўлга қўйилди. Буюк Ипак



йўли орқали савдо йўллари тизимининг айна шу даврда юзага келганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Темурийлар давлатининг Хитой билан дипломатик муносабатлари Хитойга юборилган ва Гийсиддин Наққош қатнашган 1419–1422 йиллардаги катта элчиликдан кейин ҳам давом этган. Хитой солномаларида Хитойга император Юн-Лэ ҳукмронлиги даврида Самарқанддан Мирзо Улуғбек номидан 1424 йилда; император Сюань-Дэ (асл исми Чжу Чжаныңзи; 1426–1435) даврида 1426, 1427, 1428, 1429, 1430 йилларда; император Чжэн-Тун (асл исми Чжу Цижэнь, 1436–1449) даврида 1437, 1439, 1440 йилларда элчилар келгани қайд этилган (90).

Умуман олганда, Хитой солномаларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, Улуғбек ҳукмдорлиги йилларида Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида деярли мунтазам элчилик алоқалари бўлган, деб хулоса қилиш мумкин. Бу анъана XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам қисман давом этган ва Самарқанддан Султон Аҳмад (1469–1494) номидан император Чэн-Хуа (асл исми Чжу Цзяньшэнь; 1465–1487) ҳукмронлиги даврида 1481 йилда; император Хун-Чжи (асл исми Чжу Ютан; 1488–1505) ҳукмронлиги вақтида 1488 ва 1490 йилларда элчилар келгани таъкидланган (91).

Темурийлар давлатининг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларининг XV асрдаги давомийлигини нафақат Мовароуннаҳр, балки бошқа вилоятлардан, жумладан, Хуросон, Хоразм, Исфаҳон ва Шероздан ҳам Хитойга элчилар ташриф буюрганини Хитой солномаларида қайд этилган маълумотлардан билиш мумкин. Унда 1427, 1432, 1433 йилларда Хуросоннинг турли қисмларидан, 1423, 1427, 1431 йилларда Шероздан, 1437, 1455, 1459, 1463, 1481 йилларда бевосита Хиротдан, 1431, 1434, 1491 йилларда Исфаҳондан Хитой пойтахтига элчилар келганлиги айтилган (92).

Бироқ юқорида Хитой солномалари асосида келтирилган XV асрнинг 20-йилларидан кейинги Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик алоқалари ҳақида мусулмон манбаларида маълумот қайд этилмаган ва бу ўринда Хитой солномалари ягона манба ҳисобланади. Шу билан бирга, Темурийлар тарихига оид форсий манбаларда «Чин суратхонаси», «Хитой чинниси», «Чин гўзаллари», «Чин зарбофтлари» каби иборалар ҳам ишлатилганки, бундан маъқул даврда иккала мамлакат

ўртасида мунтазам савдо-элчилик алоқалари бўлган, деб хулоса қилиш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темур ва унинг авлодлари салтанатида халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган. Буюк Ипак йўли орқали савдо йўллари тизимининг айна шу даврда қайта юзага келганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ҳиндистон. Темурийлар давлатининг савдо-элчилик алоқалари Ҳиндистон билан ҳам ривож топди. Амир Темурнинг Ҳиндистон билан муносабатлари негизида, аввало, Мовароуннаҳрдан жанубий йўналишда кетган савдо йўлини тиклаш, савдо қарвонларининг мунтазам қатновини йўлга қўйиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш сиёсати кузатилади. Зеро, Афғонистоннинг халқаро савдо йўллари ўтган тоғли вилоятларида қароқчиларнинг таҳдиди кучайган ва савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, Соҳибқирон Термиз кечувида Жайхун (Амударё)дан ўтиб, Мовароуннаҳрдан савдо қарвонлари катнайдиган асосий йўл орқали Андаробга етиб келади. Бу ерда маҳаллий аҳоли олий даргоҳга келиб, Катур ва ўша атроф вилоятлардаги қароқчиларнинг талончилиги кучайиб кетгани ва қаргас қабиласининг сардори Мусо авғон Эрёб қалъасини хароб қилгани ва ўғрилиқ ҳамда қароқчиликни касб қилиб олгани, бирор киши у ерлардан соғ-омон ўта олмаслиги ҳақида хабар берадилар. Амир Темур баланд тоғлардан иборат Кофиристон деб ном олган бу вилоятлардаги қароқчиларни йўқ қилиб, савдо йўллари-нинг хавфсизлигини таъминлайди (93).

Амир Темур Кобул яқинига етганида эса, қаргас қабиласининг сардори Мусо авғон Эрёб қалъасини хароб қилгани ва ўғрилиқ ҳамда қароқчиликни касб қилиб олгани, бирор киши у ерлардан соғ-омон ўта олмаслиги ҳақида яна хабар берадилар. Амир Темур ўз номидан Мусо авғонга ёрлик жўнатиб, қуйидагиларни маълум қилади:

«Сен Эрёб қалъасини хароб қилмишсан. Ваҳоланки, ул қўрғон Ҳиндистонга борадиган йўлда жойлашган ва вайрон этилган ҳолатда ётмаслиги керак. Зудликда (хузуримизга) етиб кел, ўшанда сени кечириб, ул вилоятни сенга топширгум ва қалъани қайта тиклагайсан» (94).

Мусо авғон ёрликқа мувофиқ тортиқлар билан етиб келади. Соҳибқирон уни қимматбаҳо зарбофт тўн, тиллаю жавохирли





камар ва қилич, эгар-жабдуқли от ва бошқа подшоҳона совғалар билан тақдирлайди; Эрёб қалъсини тиклашни буюради ва ўз лашкаридан уч юз кишини бу ишда ёрдам бериш учун белгилайди. Яздийнинг ёзишича, қалъани, ундаги жоме масжид ва бошқа масжидлар ҳамда иморатлар билан бирга, ҳаммасини ўн тўрт кунда тугал қуриб битказадилар (95).

Бундан ташқари, савдо қарвонлари қатнови ҳамда аҳолининг тинч-тоғув яшашини кўзлаб, ушбу вилоятдаги Нағз қалъасини ҳам Амир Темур юқорида таъкидланган хашар услубида ўз аскарлари ёрдамида қайта тиклайди ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, мазкур қалъага амирзода Пирмуҳаммад навкарларидан Нусрат иморийни уч юз киши билан, шунингдек, Дашти Қипчоқдан оиласи билан кўчириб келтирилган тўрт юз ўзбекни, Жўжи авлодидан Сур-ўғлон ва уларнинг бошлиғи Ёриқ-ўғлон тасарруфида, қалъани қўриқлашга қолдиради. Эрёб қалъасини бошқаришни эса Шайх Ҳасансаҳт Камолга топширади (96).

Натижада савдо қарвонларининг бемалол қатнови учун тўла имкон вужудга келади. «Ул ҳудуднинг йўллари ва атроф (ерлар) авбошлар ва қароқчилар босқинидан химояланди» (97), — деб ёзади Али Яздий мазкур савдо йўлининг ҳолати ҳақида.

Ушбу тадбирларнинг бошқа бир томони ҳам бор эди. Маълумки, ўз вақтида Амир Темур ҳозирги Афғонистон ҳудудини то Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсигача, Ҳиндистон ҳудудигача марҳум тўнғич фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли амирзода Пирмуҳаммадга суюрғол қилганди. «Соҳибкирон Кундуз, Бақлон, Кобул, Ғазни ва Қандаҳорни ён-атроф тобеъ ерлар билан бирга, то Ҳиндустон ҳудудигача Пирмуҳаммад Жаҳонгирга берган эди» (98), — деб таъкидлайди Али Яздий. Қароқчиларнинг ўзбошимчилиги эса бевосита давлат хавфсизлигига таҳдид солиб турарди ва боз устига, унинг ташқи савдо имкониятларини ҳам чекларди.

Ана шу тадбирлар натижаси ўлароқ, Мовароуннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида савдо-элчилик муносабатлари мунтазам тус олди. Чунончи, 1404 йили Самарқандга келган испан элчиси Клавиҳо бу ерга турли мамлакатлардан, жумладан, Ҳиндистондан ҳам савдо қарвонлари турли моллар олиб келганини ўз «Кундалиги»да қайд этган. (99)

Амир Темур даврида Ҳиндистон билан йўлга қўйилган савдо-элчилик алоқалари

кейинчалик ҳам давом этди. Шимолий Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Ҳиндистонга элчилар юборилгани маълум.

XV асрнинг биринчи ярмида унинг таъсир доираси янада кенгайиб, бу ўлканинг жанубий ва шарқий чеккаларини ҳам қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, ана шу даврда Осиё қитъасида куруқлик орқали ҳам, денгиз йўллари орқали ҳам мунтазам савдо алоқалари олиб борилган. Хитойдан Жўнаган савдо қарвонлари Темурийлар давлати шаҳарларида гавжум бозорларда қизгин савдо-сотик қилиб турган бир пайтда, Хитойдан денгиз йўли воситасида йўлга чиққан савдо кемалари Ҳиндистоннинг жанубий порт шаҳарларида ва ундан ғарбга, то Хўрмуз шаҳригача мунтазам қатнаб турган. «Етти иқлимнинг савдогарлари Миср, Шом,...Чину Мочин ва Хонбалиқдан бу шаҳар (Хўрмуз)га юзландилар.... Чин, Жова (Ява ороли), Бангола, Сейлондан.... кимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарга олиб келадилар», — деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафари кундалигида. Ўша кезларда Самарқандий тасвирлаган Хўрмуз шаҳри, умуман Хўрмуз бўғози маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибида бўлган ва бевосита Шохрух Мирзога бўйсунган.

Темурийлар давлатини Шохрух Мирзо бошқариб турган давр, яъни XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиндистон ярим оролида ўзига хос сиёсий-маъмурий ҳолат шакланган эди. Аниқроғи, XIV аср охирида Ҳиндистон ҳудудидаги энг кучли давлат — Деҳли султонлиги парчаланиб, бир канча майда давлатлар таркиб топди. Рожапутана, Жаунпур, Бангола, Гужарот, Малва, Баҳман султонлиги ва жунубда Вижайнагар ҳар бири мустақил давлат мақомида эди. Улар орасида низолар бўлиб турар эди; Гужарот, Баҳман султонлиги, айнқса, Вижайнагар давлатнинг ҳарбий салоҳияти анча юқори бўлган.

Айни пайтда, Шохрух Мирзо ҳукмронлиги йилларида Темурийлар давлатининг шон-шухрати Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисмларида жойлашган Бангола (ҳозирги Бангладеш давлати ҳудуди ва унга ёндош ерлар) ва Вижайнагар давлатларигача етиб борган эди. Айни пайтда ушбу ўлкалар билан мунтазам элчилик муносабатлари шаклланганини ҳам қузатиш мумкин. Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида, аниқроғи, ундаги Ҳиндис-

тон сафари кундалиги қисмида ёзилишича, Бангола подшоси (100) Хиротга элчи йўллаб Жунапур подшоси устидан шикоят қилиб ёрдам сўрайди. Шохрух Мирзо Бангола давлати элчисини яхши қабул қилиб, ўз номидан шайхулислом хожа Каримуддин Жомийни Банголага элчи сифатида жўнатади ва Жунапур подшосидан Банголага таҳдид қилмасликни талаб қилади. Мазкур элчилик ташрифидан сўнг икки ўртада адоват тўхтайдди.

Демак, Шохрух Мирзо йўллаган хожа Каримуддин Жомий Хиндистонда иккита давлат — Жунапур ва Бангола давлатларига ташриф буюргани аниқ бўлади. Қайтишда эса элчилар ўша кезларда Жанубий Хиндистондан кўплаб кемалар тўхтайдиган мустақил йирик савдо порти бўлмиш Коликут шаҳрига етиб келганлар. Коликут шаҳрининг волийси ҳам, Темурийлар давлати доврўидан таъсирланиб, мазкур элчиларга қўшиб Шохрух Мирзо хузурига элчи йўллайди ва унинг номини хутбага қўшиб ўқиш учун ижозат сўрайди. Шохрух Мирзо мазкур илтимосга ўз розилигини билдириб, бу ҳақда маълум қилиш учун, арқони давлат билан маслаҳатлашиб, Абдураззоқ Самарқандийни Коликут шаҳрига элчи қилиб жўнатади (101).

Демак, Абдураззоқ Самарқандийнинг Хиндистонга сафари Темурийлар давлатидан Жанубий Хиндистонга юборилган навбатдаги элчилик бўлиб, унга Коликут шаҳрига бориш вазифаси юклатилган.

Шу тарзда Самарқандий мазкур элчиликни бошлаб, 1442 йили йўлга чиқади ва Хўрмуз бўғози ҳамда Хинд океани орқали Жанубий Хиндистондаги Коликут банд-

рига етиб боради ва беш ойдан ортиқроқ вақт Коликут шаҳрида қолади (102). Шундан сўнг Жанубий Хиндистондаги энг йирик давлат — Бижангар подшоси Коликут волийсига Темурийлар давлати элчисини унинг хузурига жўнатиш тўғрисида мактуб йўллайди ва Абдураззоқ мазкур давлатга ташриф буюради (103).

Абдураззоқ Самарқандий муҳим элчилик вазифасини муваффақиятли адо этиб, 848/1444 йили Хиротга қайтиб келади; у билан бирга Вижаянагар подшосининг элчиси хожа Муҳаммад ҳам келганди (104). Темурийлар давлатининг олий ҳукмдори Шохрух Мирзо элчини катта мамнуният билан қабул қилади ва у билан бирга ўз номидан мавлоно Насруллоҳ Жунободийни Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборади (105). Бироқ ушбу элчиликнинг кейинги тафсилотлари ҳақида маълумот қайд қилинмаган.

Абдураззоқ Самарқандий ўзининг Хиндистонга элчилик сафари хотираларини кундалик шаклида ёзиб қолдирган ва бу ёзма ёдгорлик ҳозирги вақтда Темурийлар давлати дипломатияси тарихи бўйича муҳим манба саналади. У форс тилидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва чоп этилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, давлатлараро савдо-элчилик муносабатларини ривожлантиришга интилиш Амир Темур ҳукмдорлиги чоғида ҳам, унинг авлодлари салтанатида ҳам халқаро муносабатлар сиёсатида асосий ўринни эгаллаган. Шохрух Мирзо салтанатида дипломатик алоқалар кўлами анча кенгайиб, Жанубий Осиё мамлакатларини ҳам қамраб олган.

АМИР ТЕМУР ВА СУЛТОН БОЯЗИД МУНОСАБАТЛАРИ

Биз юқорида, Амир Темурнинг ғарбга харбий юришлари муносабати билан бу масала хусусида харбий нуқтаи назардан тўхталган эдик. Темурнинг лашкари ғарбга силжигани сари Кичик Осиё амирликлари ва Усмонли турклар билан бевосита дипломатик муносабатлар ўрнатилди борди. Бу муносабатлар XIV асрнинг 80-йилларидан бошланди.

Турк султонидан озурдаҳол бўлиб (озор чекиб), ерларидан ажралган Кичик Осиё амирлари Амир Темурга итоат билдириб, уни Йилдирим Боязидга қарши жангга ундаганлар. Жумладан, Арзинжон амири Тахурган, Кўния ҳокими Алоуддинбек Қорахоний Амир Темурнинг итоатгалаб

муносабати ижобий муносабат билдирганлар. Амир Темур мазкур амирларни ўз ҳимоясига олган турк салтанати билан бўладиган кейинги муносабатларда бу вазиятдан жуда усталик билан фойдаланган, зеро, бу хол унга харбий нуқтаи назардан жуда қулай ҳудуд ва турк султонига қарши таъна учун бир сабаб тариқасида хизмат қилган.

Амир Темур Сивасдан туриб Боязидга йўллаган иккинчи мактубида, агар Боязид сулҳга розилик берса, узрхоҳлик юзасидан бир мактуб йўллаб маълум қилишини, бу тақдирда Амир Темур ўзи ҳам Сивасдан қайтиб кетишини айтиш билан бирга, ўзининг Элхон сулоласидан эканини таъкид-





лаб, ёш жиҳатидан ҳам улуг эканига ургу бериб, Йилдирим Боязиддан итоат этишини талаб қилган (106).

Мазкур номага жавобан йўллаган мактубида Боязид Амир Темур билдираётган бутун таъналар «жанг учун бир баҳона» деган фикрни илгари сурган ва Амир Темур яқинлашар экан, турклар томони ҳам жангга ҳозир эканлигини маълум қилган (107).

Амир Темурнинг 1395 йилда Тўхтамишнинг мағлубиятга учратиши натижасида катта хавф бартараф этилган эди. Иттифокчилардан бири Қози Бурхониддин 1398 йил ёзидаги жангда ҳалок бўлган (108). Орадан кўп ўтмай, Боязид унга тегишли вилоятларга юришлар қилди. 1399 йили Барқуқ вафотидан сўнг Малатия, Лоранда (109), Дивриги қалъасини ишғол этди. Бу билан

Боязид Амир Темурга қарши курашда мутлақо яққаланиб қолган эди.

Боязид Амир Темурга ёзган мактубида орадаги мавжуд англашилмовчиликларни тушунтиришга ҳаракат қилган ва мактубининг якунида орадаги гина-қудуратларга барҳам беришни таклиф этиб, сулҳ ёки муҷодала ихтиёрини Амир Темурнинг ўзига ҳавола этган (110). Амир Темур сўнгги маротаба Йилдирим Боязидга Мароғадан йўллаган мактубда яна сулҳ таклифини илгари сурган (111).

Илк ёзма манбаларга асосан ушбу далилий маълумотларни чуқур таҳлил этиш Амир Темурнинг кўпгина хорижий мамлакатлар билан, хусусан Миср султонлари Барқуқ ва Фараж билан, шунингдек Боязид ва Тўхтамиш билан бўлган муносабатларининг ҳақиқий аҳволини тасаввур этишга ёрдам беради.

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Шарқнинг қимматбаҳо моллари азалдан ғарб мамлакатлари савдогарларининг диққатини жалб қилиб келган. Шойи, қимматбаҳо маъданлар ва тошлар, дориворлар ва Шарқнинг афсонавий турфа бойликлари ғарб мамлакатларида доим манзур бўлган. Яккахудолик, лекин ҳар хил диний эътиқод: Шарқда исломнинг ва ғарбда насронийликнинг ғалабаси савдо-сотик ишларига монелик қила олмади.

Ҳатто, салиб юришлари даврида ҳам Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо унумли ривожланиб борди. Бироқ XIV аср ўртасида Эрон ва Ироқда мўғулларнинг Хулоғуийлар сулоласи салтанатининг тугаши ва ўша даврда Олтин Ўрдада мўғуллар ҳукмининг сусайиши билан боғлиқ бўлган нотинчликлар юзага келиши сабабли ғарб савдогарлари ва моллари учун Марказий Осиё бозорларига йўл ёпилди ва бу халқаро савдога талафот етказди.

XIV аср охирида ёш Усмонли давлатининг кучайиши ва унинг Эгей ҳамда Қора денгизларни туташтирувчи бўғозларни ўз қўлига олиши натижасида ғарбликлар учун Марказий Осиё ва Узоқ Шарққа олиб борувчи йўллар ёпилди. Шу тариха ғарб мамлакатлари учун «турк масаласи» юзага келди. Уни халқ қилмай туриб, Ҳиндистон ва Хитойга ўтиб бўлмасди.

Европа салибчилари 1396 йили Болгариядаги Никопол шаҳри яқинида мағлубиятга учраганларидан сўнг Византия императори Мануил II Палеолог (1391–1425) (Шарқ манбаларида Такур деб аталган) 1399 йили ғарбдан ёрдам сўраб мурожаат қилди. У туркларга қарши Рим папаси билан иттифок тузмоқчи эди.

Шу кезларда Амир Темур қудрати ва унинг кўп ерларни забт этгани ҳақида Трапезунд салтанати орқали Европага хабарлар ета бошлади. Ғарб давлатлари раҳбарлари Амир Темур билан мулоқотга киришдилар.

1400 йил августида Амир Темур ўз лашкари билан Шимоли-шарқий Анатолиядаги Мингкўл яқинида турганида худди шундай имконият туғилган эди.

«Бу маҳалда Фарангдин элчилар келиб, — деб ёзади Шарафуддин Али Яздий, — Муродбекнинг ўғли, Рум қайсарларидин эрди ва фаранг эли ани асир қилиб эрдилар, ани келтурдилар. Беклар элчиларни соҳибқиронга кўрсатди, ҳазрат аларни йаҳим кўрди, тўнлар кийдуруб ёндурди. Ва алар Тарабзун йўлидин қайтиб бордилар» (112).

Бошқа манбаларга қўра, келган элчилар аслида Константинополнинг Пера даҳасидан келган генуяликлардир. Элчилар не мақсадда келганликлари ҳақида айтилмаган бўлса ҳам, Амир Темур бундан аввалроқ Трапезунд (Тарабзун) салтанати билан алоқа ўрнатганлиги маълум.

Унинг ҳарбий истеъдодига гап йўқ. Унинг жасорати душман сари интилтирганига қарамай, у донишманд сиёсатчи бўлиб, қачон тўхтаб ўз мўддатини куттиш кераклигини яхши биларди.

Р. Гроусит



Бинобарин, Амир Темур XIV асрнинг охириги ўн йиллигида Византия салтанати билан ҳам алоқа ўрнатган, чунки Трапезунд Константинопол маъмурлари ва Пера билан узвий боғлиқ эди.

Демак, бундан кўринадикки, Амир Темур Боязидга қарши курашда ўзининг куруқликдаги ҳаракатларини генуяликлар ва юнонларнинг сувдаги ҳаракатлари билан мослаштирмоқчи бўлган.

Амир Темур билан европаликлар ўрта-сида неча ўнлаб элчиликлар бўлган. Кўпинча адабий ёки тарихий ёдгорликларда изи қолган элчиликлар эслатиб ўтилади. Бу ўринда гап иккита — Кастилия элчилиги ва Амир Темур томонидан жўнатилган роҳиб — архиепископ Иоанн элчилиги ҳақида бормоқда.

Генуя ва Венеция сенатининг ҳисоб-ки-тобларида ана шу элчиликларнинг келди-кетдиси ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Мазкур маълумотларда элчиларнинг келиши ва бунга қанча маблағ сарфлангани қайд этилган, чунки бу ўринда гап фақат бухгалтерия ҳисоботи ҳақидагина бормоқда. Сир тутилган сиёсий мактублар бу ҳисоботларда акс этмаган.

Мурод қўмондонлигида, кейинчалик унинг ўғли Боязид қўмондонлигида Усмонли турклар 1396 йилда Никопол остоналарида ўзларига қарши турган насроний давлатлари уюшмасини яқсон этиб, Фарбий Европани қўлга кирита бошладилар ва Константинополда ўз қароргоҳларига асос солдилар.

Генуяликлар ва венецияликлар (уларнинг бўлинмалари Кавказ, Тана, Сарой ва Астраханда турар эди) Осиё билан савдо-сотик қилишар ва Амир Темурнинг зафарларидан хабардор эдилар. Улар Амир Темур 1386 йил кишида Гуржистонни, Арманистонни забт этганидан, 1387 йилда Арзирумга яқинлашиб қолганидан хабардор эдилар. Улар Усмонли султонлигининг қўшнисини бўлган Арзинжон ҳукмдори, туркман амири Тахурган, гарчи у султонликни босиб олишга роса уринган бўлса ҳам, энди Амир Темурга тобелигидан, Соҳибкирон унинг ҳомийси бўлиб қолганлигидан вокиф эдилар.

Шундай қилиб, агар икки улуғ лашкар-бошидан бири аҳволни чигаллаштирадиган бўлса, чақмоқдан ўт чиқиб кетиши мумкин эди. Шу боисдан ҳам, генуяликлар ва венецияликлар Амир Темур билан яқинлашиш сиёсатини тутганликларига ажабланмаса ҳам бўлади. Боязид уларнинг ҳаёт-мамотига таҳдид солганида Константинопол

императорини унга қарши гижгижладилар.

Айни пайтда Амир Темур 1395—1396 йилларда Олтин Ўрда устидан ғалаба қозонгандан кейин яна Кавказни эгаллаб, Кичик Осиё билан яқинлашди. У Тана, Астрахан ва Саройни эгаллади, Ўрда билан савдо-сотик қилиб турган Венеция ва Генуя бўлинмалари ер билан яқсон этилди ва шу тариқа Қора денгиз билан тутшиб кетган Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи тўсиб қўйилди.

Европаликлар ва Амир Темур жўнатган дипломатик миссияларни Анқара жангидан аввалги, шу жанг вақтидаги, шу жангдан кейинги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Анқара жангидан аввалги миссиялар ниҳоятда сир тутилар эди, чунки генуяликлар, венецияликлар ва византияликлар Боязиднинг қаҳр-ғазабидан чўчирдилар, айни вақтда улар муросаи-мадора сиёсатини, гўёки мутелик сиёсатини юритишар эди, Амир Темурнинг барча буюк юришлари сиру асрор пардасига ўралган эди. Шу билан бирга ҳисоб дафтарида, айниқса, Генуянинг ҳисоб дафтарларида кўпдан-кўп чопарларнинг келиш-кетиши ҳақида қисқа, лўнда битиклар мавжуд. Жумладан, «Генуя давлатининг архивлари»да келтирилишича, бу битикларни Мишел Балар ўзининг «Генуя Италияси» (113) асарида таҳлил қилган.

1394 ва 1399 йилда Византия императорининг Константинополдаги муовини Амир Темур ҳузурига Франсуа исмли доминикан монахини икки марта элчи қилиб жўнатди. Унга Сандро (уни баъзи манбаларда Сарацинус деб ҳам атайдилар) ҳамроҳ бўлган. Сандро Генуя Подестати билан яқин алоқада бўлган, чунки унинг қўлида Генуянинг ҳомийси бўлган Франция қиролининг Амир Темур номига ёзилган мактуби мавжуд эди. Франсуа ўзининг биринчи сафари чоғида, агар Амир Темур Боязидга қарши уруш очгудай бўлса, Шарқий Ўрта денгиз ёқасида жойлашган Европа давлатлари ёрдам берадилар, деган фикрни Амир Темурга етказди.

Амир Темурнинг жавоби маълум эмас, лекин бу жавоб, албатта, бирор-бир талабга боғлиқ бўлган, чунки Франсуа ўз ҳамроҳи Сандро билан иккинчи бор Амир Темур ҳузурига келганида, Франция қиролининг мактуби билан тасдиқланган Константинопол императорининг мажбуриятларини унга изхор



Агар ганим ситохийдан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга (панох истаб) келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

«Темур тузуклари»



этди. Бунга кўра, агар Амир Темур Боязидга қарши уруш бошласа, одатда, Боязидга мўлжалланган хирож Амир Темурга берилиши айтилган эди.

Константинополь императорининг Амир Темурга ёзган ва Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган мактубида битилган айрим жумлалар ана шу элчиликлар ҳақида гувоҳлик беради.

Биобарин, монах Франсуа воситачилигида европаликлар билан Амир Темур ўртасида дўстона мулоқот бошланган.

1400 йил мобайнида Венеция сенати Амир Темур ҳузурига ўзининг икки вакили — Андреа Жистиниани ва Матео Барбадиголарни жўнатди (114).

1401 йил август ойида асли пералик, кейинчалик Генуяда ўтрок бўлиб қолган кишининг ҳисоб дафтарида ёзилганига қараганда, бу шахарга Амир Темур элчиси келган. Мазкур элчи император саройига ташриф буюрган, бу ўша вақтдаёқ император билан Амир Темур ўртасида алоқа ўрнатилган, дейиш учун асос бўлади.

Ана шу икки элчи Пера генуяликларининг усмонлилар билан иттифоқдан ва ҳар қандай ҳолислиқдан воз кечишини илтимос қилишган. Ушбу илтимос мамнунлик билан қабул қилинди ва элчиларга иккита от тухфа этилди.

Перадаги ҳисоб дафтарида 1402 йил 18 майдан 21 июнигача бўлган даврда Амир Темур элчиси келиб кетганлиги таъкидланган.

Нухаси Венеция архивларида сақланган бир мактубга қараганда (115), 1402 йил июнида ёки июль ойи бошларида Амир Темур монах Франсуани Константинополь императорининг муовини ҳузурига жўнатган (император бу вақтда Европага ёрдам сўраб жўнаб кетган эди). Ушбу мактубда Амир Темур монах Франсуани қабул қилганини, монах унга ёққанини ва у Трапезунд императоридан ўзаро иттифоқ учун йиғирмата яхши қуролланган галерларни талаб қилганини ёзади, шундан кейин Амир Темур муовинга Боязид ҳузурига монах Франсуа ҳамроҳлигида элчилар жўнатганини маълум қилади.

Элчилар Константинополь ва Пера шу вақтгача Боязидга берадиган хирожни бундан буён Амир Темурга тўлаши лозимлигини айтишлари керак бўлган. Хатда илова қилинганидек, Константинополь муштарак иш учун яна 20 галер тақдим этиши керак, шундан сўнг Амир Темур Боязид билан уруш бошлаш ниятидадир.

Византия императорининг Константинопольдаги муовини Иоанн VII эса, ўз навба-

тида, Амир Темур кучларининг бир қисмини Босфор орқали Европага ўтказиб қўйишга ваъда берди. Бироқ Анқара жангидан сўнг улар ўз ваъдасига амал қилмади. Аммо Константинополь тез орада Амир Темурнинг ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Анқара яқинидаги жанг бутун ғарб оламининг диққатини жалб қилди, зеро Анқарада Европанинг тақдири ҳал қилинаётган эди. Француз қироли Карл VI нинг, Византия императори Мануил II нинг, Рим Папасининг, Генуянинг, Венециянинг ҳамда Кастилия ва Лионнинг қироли Генрих III нинг элчилари бу урушни кузатиб турган эдилар. Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласуелослар испан қиролининг элчилари эди.

Европа давлатларининг Анқарадаги жангга қизиқиши тасодифий эмас эди. Усмонли султонининг Жануби-шарқий Европада эришган қатор ғалабалари ўша пайтларда катта қудратга эга бўлмаган Европа монархлари учун даҳшатли огоҳлантириш эди.

Салибчиларнинг 1396 йилдаги мағлубияти ўша пайтда нафақат алоҳида бир Европа давлати, балки давлатларнинг бирлашган кучлари ҳам Усмонли султонининг қудратига бас келолмаслигини кўрсатди. Шунинг учун, агар Амир Темур бўлмаганида, бутун Европанинг ёки унинг бир қисмининг усмонлилар томонидан босиб олиниши эртами-кечми бўладиган иш эди.

Анқара остонасидаги жангда Кастилия қиролининг элчиси тасодифан ҳозир бўлиб қолган эди. Қирол ўзининг икки кибор (дворян)ини Кичик Осиёга жўнатар экан, бундан мақсад Боязид ва Темур ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, уларнинг Европага муносабатини билиб олиш эди. 1402 йил майи ёки июнида шу икки испанни Боязид қабул қилди.

Амир Темур яқинлашиб қолганида бу элчилар Анқара қалъасидаги ҳарамга яшириб қўйилди. Улар жангни ва Амир Темурнинг жангдан кейин қалъага кириб келишини қалъа деворлари устида туриб кузатдилар. Шундай қилиб, улар биринчи бўлиб Соҳибқиронни ғалаба билан қутлаш имконига эга бўлдилар, Амир Темур элчиларни қабул қилди. Улар Соҳибқирон ўз қироллари Генрих III билан дўстона муносабат ўрнатиш тўғрисида мурожаат этдилар.

Элчилар Европага қайтиб кетишгаётганида Амир Темур улар орқали Боязид ҳарамидан озод этилган, насл-насаби тоза



уч нафар ёш қизни ўз номидан Кастилия қиролига совға қилди. Уларга ўз элчиси Муҳаммад ал-Кешийни ҳам қўшиб юборди. Унинг қўлида 1402 йил август санаси қўйилган ва қиролга аталган дўстона хат бор эди. Мактубда Амир Темур Боязид устидан галаба қозонганини айтиб, насронийларга меҳр-оқибатли бўлишини баён этган. Мактубнинг нусхасигина сақланган.

Анқара жангидан кейин Амир Темур юборган отлик аскарлар, туркларнинг қаршилигини енгиб, иложи борича кўпроқ ўлжани қўлга киритганидан сўнгра жанг тугади. Шундан сўнг Амир Темур билан европаликлар ўртасида элчилар борди-келдиси яна ҳам илдамлашди. Лекин бу учрашувлар тафсилоти бизга маълум эмас.

Амир Темур ўзини ҳамма эътироф этишини талаб қилар ва илгари Боязидга тўлаб келинган хирожни эндиликда ўзига тўлашларига мажбур этмоқчи эди. У Туркияда қолмоқчи эмас, ўз талаби тез орада бажарилишини кутар эди. У, ҳар қалай, насронийлар билан бошланган дўстона алоқаларни ривожлантирмоқчи, Европа билан бўладиган савдо-сотикни кучайтириш ниятида эди.

Дарҳақиқат, у эндиликда шу қитъадаги йўлларни назорат этиб турар ва Европа мамлакатлари билан савдо қилишдан манфаатдор эди. Унинг европалик иттифоқчилари, аввало, куч-қудратга тўлган ҳукмдорни ранжитмасликни ўйлашар, Боязид салтанатини синдиргани учун Европа Амир Темурдан миннатдор эканини изҳор этишни исташар ва ваъда қилинган хирожни унга тўлай бошлашга киришмоқчи эканликларини маълум қилишарди. Улар ёши 66 дан ошган Амир Темурни анча қартайиб қолган деб ўйлаб, тахтдан кетиши мумкинлиги учун вақтдан ютиш ҳаёлида эдилар.

Родос рицарлари томонидан муҳофаза қилинаётган Измир қалъасигина, гарчи тантанали буйруқ бўлса-да, дарвозаларини очмади, оқибатда бошига катта кулфат тушди.

1402 йил 2 сентябрь куни Константинопол императори муовинининг икки вакили — Подестат Бартоломео Росо ва унинг ёрдамчиси Жано Ломеллино Амир Темурга пешвоз чиқиб, унга бериладиган хирожнинг миқдори ва турлари ҳақида келишиб олмақчи бўлишди.

1402 йил сентябри бошларида Янги Фосея (грек-турк савдосининг муҳим маркази) шахри вакили Мессир Галеаццо Амир Темур ҳузурига келиб, уч кун турди ва 22 сентябрда жўнаб кетди.

Ўша вақтда Амир Темур ҳузурига Европадаги бошқа мамлакатлар элчилари ҳам хирож билан келишди. Булар орасида Франсуа Гаттилузио чопари, Лесбос ва Хиос оролида ҳукмронлик қилган генуялик Маоно ҳам бор эди.

Худди ўша ойда Амир Темур элчилари Перага келишди, элчиларга совға-саломлар инъом этилди.

1402 йил декабрида эса, Византия императорининг Константинополдаги муовини вакили Колажане Кайрано Амир Темур ҳузурига йўл олди.

Амир Темур 1402 йил ноябрь ва декабрь ойлари оралиғида ўғли Пир Муҳаммадни ва Шайх Нуриддинни рицарлар қалъаси бошлиғи ҳузурига элчи сифатида юборди. Улардан таслим бўлиш ва исломни қабул қилиш талаб этилди. Рицарлардан рад жавоби олганидан кейин, 1402 йил 2 декабрида Амир Темур қалъага бир неча кун ҳужум қилди. Барча рицарлар халок бўлишди.

1403 йил январида Генуя Подестати Амир Темур ҳузурига йўл олди.

Боязид устидан қўлга киритилган галаба катта тарихий аҳамиятга эга. Бу пайтларда Фарбий Европа, аввало Италия илк Ренессанс даврини ўтаётган эди. Италиянинг шаҳар-давлатлари бўлмиш Венеция ва Генуя эса усмонлиларга душман эди.

Агар Боязид Анқара яқинида галабага эришганида, унинг қудрати бир неча баробар ортиб кетарди, чунки у холда бутун ислом давлатлари унинг таъсир доирасига ўтарди. Бу эса, биринчи галда, Венеция ва Италия учун ҳалокат билан баробар эди.

Анқара жангидан сўнг Франция ва Англия ёзишмалар орқали Амир Темур билан дипломатик муносабат ўрнатди. Француз қироли Карл VI билан Амир Темур ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қисми Франция ҳужжатхонасида сақланган.

Улардан англашилишича, Амир Темур Франция қиролининг таклифларини рад этмаган ва Карл VI нинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаган. Амир Темурнинг форсча ёзилган ва 1402 йил 1 август сана-



Унинг (Амир Темурнинг) душман устидан галабаси бир ерда вайроналиклардан, бошқа ерларда эса ҳалокатдан сақланишга ёрдам берди. Улар Константинопол ҳалокатини ва Византиянинг улим азобини 50 йил орқага сурди. Сунгги солиб юриши мағлубиятга учраганлигини ҳисобга оладиган бўлсак бундаги муддатни орқага суриш насронийлик ва Европа такдири учун ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Амир Темур галабасининг рус князликлари учун ҳам аҳамияти озмишча бўлмади. Унинг Олтин Урда устидан галабаси ягона Русия давлатини барпо этиш йўлидаги асосий говни бартараф этди. Шимоллий даштлардаги мўғул ҳукмронлиги тугатилди ва жанубга кўчган қуруқликдаги қарвон савдоси рус давлатларига (князликларига) узоқ мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятини берди.

Хильда Хукхэм



си қўйилган мактуби аслида Анқара жангидан (1402 йил 20 июль) аввал ёзилган бўлиб, унга сана кейин қўйилганлиги аниқланди. Мактубда Амир Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо алоқаларини ўрнатиш истагини билдирган.

Амир Темурнинг бизгача сақланиб қолган лотинча таржимадаги иккинчи мактуби ҳам 1402 йил 1 август билан саналанган. Иккала мактубни ҳам Султониянинг католик архиепископи Иоанн III Францияга олиб борган.

Архиепископ Иоанн бошчилигидаги элчиларнинг 1403 йил июнида Парижга ташриф буюрганликлари ҳақидаги хабар «Франклар қилмишларининг даврий битиги» да келтирилган. Элчи Парижга келиши билан ташрифнинг асосий мақсадлариини тантанали равишда баён қилди:

1) Амир Темурнинг турк султони устидан ғалабаси ва турк султониининг асир қилинганлиги ҳақида, Боязид томонидан асир олинган насронийларнинг озод этилганлиги ва агар яна бошқа насроний асирлар бўлса, Амир Темурнинг уларни ҳам озод этиш майли борлигини маълум қилиш;

2) Франция салтанати буюклигининг шохиди бўлиш истагини ва Амир Темур салтанати хашаматини билдириш.

Шундан сўнг элчи Амир Темур насроний давлатларни қизиқтирувчи қуйидаги икки таклифни киритишини айтди:

1) икки давлат савдогарларининг эркин савдо муносабатларини таъминлаш;

2) агар қирол герцоглар рози бўлишса, бу савдо эркинлигини тегишли битим орқали кучга киритиш.

Карл VI нинг Амир Темур номига 1403

йил 15 июлда йўллаган биригина мактуби сақланган. Мактуб: «Карл, худонинг марҳамати билан французларнинг қироли, энг шавкатли ва энг ғолиб ҳазрат подшоҳ Темурбекка салом ва тинчлик бўлсин» сўзлари билан бошланади. Сўнгра мактубда Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш масаласига катта ўрин берилган. Карл VI мактубидан унинг фуқаролари Амир Те-

мур мулкига бемалол бора олганликлари аниқлашади.

Амир Темур билан Карл VI ўртасидаги ёзишмадан маълум бўлишича, иккала подшоҳ ҳам савдо битими тузишдан манфаат-

дор (116). Бирок 1405 йил февралда Амир Темур вафот этиши бу ишни поёнига етказиш имконини бермади.

Амир Темур ва Мироншоҳ Англия билан дипломатик ёзишмалар олиб боришган. Англия қироли Генрих IV (1399—1413) нинг лотинча ёзилган ва Мироншоҳ билан Амир Темурга йўлланган икки мактуби сақланган. Бир тарафдан, Амир Темур ва Мироншоҳ билан, иккинчи тарафдан, Англия қироли ўртасида яна ўша эслатилган Султония архиепископи Иоанн воситачи бўлган. Архиепископ Иоанннинг дипломатик ташрифи 1399 йил (Генрих IV тахтга ўтирган йил) билан 1404 йил орасидаги даврни ўз ичига олади (117).

Генрих IV дан келган мактубда Мирзо Мироншоҳ «Мирасса Амиасса» деб аталган. Қирол Мироншоҳнинг католикларга бўлган дўстона ва хайрихоҳлик муносабатлари ва «айниқса диний арбобларга ва франко-католикларга лутфи карам бахш этиб, насроний савдогарларнинг шахсий ва фаолият хавфсизлигини таъминлаганлиги ва баробарига савдо ғаразига хайрихоҳлиги» учун миннатдорчилик изҳор этади.

Мактубда, «буюк иодшоҳ католик динининг ҳомийси... бундан кейин ҳам бу қадар тавфиқли ва саодатли ниятлардан воз кечмаслигига» умид билдирилади, ҳамонки «жаноби олийлари ўз хоҳишлари билан ... худонинг шукри учун давлат ишларига таллуқли баъзи масалалар хусусида ва шу вақтдан бошлаб сулҳ борасида биз билан дўстона битим тузишга ирода этибдилар, жаноби олийлари билишни лозим топсинларким, биз ана шу битимга бизнинг номимиздан мазкур архиепископ имзо чекишини астойдил истаймиз». Англия қироли архиепископ Иоаннга тўла ишонишини билдиради: у инглизларининг ишларидан яхши хабардор.

Мактуб бундай яқунланади: «Бизнинг илтимосимизга кўра ҳам, унинг олий мартабасига кўра ҳам (архиепископнинг) сўзларига тўла ишонишингизни сўраймиз, шунингдек унга бўйсунганларнинг ҳаммасини ва махсус бириктирилган яна неча шахсни ҳам қабул қилишингизни сўраймиз, бизга ҳаммасини аниқ тавсиф этингки, биз ҳам ўз тарафимиздан жанобларининг истақларини бажо келтиргаймиз» (118).

Мактуб Лондон шимолидаги Хортфордда февраль ойида, аниқланишича, 1402 йилда (мактубда йил кўрсатилмаган) ёзилган.

Генрих IV нинг Амир Темурга мактуби Соҳибқироннинг хозиргача сақланган мак-

Амирларим ва сипоҳларимни мартаба ва унвонлар, олтин-қумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга (ўз ёнимдан) ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариг тутмадим. Уларнинг юмушларини енгилаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга олдим ва уларни тарбият қилдим.

«Темур тузуклари»



тубига жавобан ёзилган. У шундай бошланади: «Генрих, худонинг марҳамати билан Англия ва Франция қироли, шунингдек Ирландия ҳокими, буюк ва қудратли подшоҳ Темурбекка, Тангрини севувчи дўстга, ҳаммасининг халоскорига салом ва тинчлик бўлсин».

Мактубда айтиладики, Амир Темурнинг Англия қиролига мудом дўстлик муносабати (бу ҳақда у архиепископ Иоанндан билди), қирол бунга арзимаса ҳам, Англияда юқори баҳоланади. Амир Темурга бунинг учун миннатдорчилик билдирилади. Қирол Амир Темур фуқаролари билан Генрих фуқаролари ўртасида эркин савдо муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги таклифга розилик билдиради. У яна ёзади: «бундан кейин ҳам бизга ва фуқароларимизга мудом хайрихоҳлигингиз билан тасарруфингиздаги мулкингизга борсалар ва сизнинг савдогарларингиз ҳам бизнинг мулкимизга келишса, биз шунинг тарафдоримиз».

Қирол Амир Темурнинг «умумий душман — турк султони Боязид устидан эришган буюк ғалабаси» туфайли «катта энгиллик ва катта хурсандчилик сезгани»ни билдиради.

Мактубда яна айтиладики, мактуб муаллифи «нафақат хайрихоҳлик билан, балки дўстлик» муносабатида бўлган архиепископ Иоанн подшога қиролнинг ушбу мактубини топшириши керак, шунингдек «ишлар ва ҳаракатлар ҳақида унга оғзаки айтиши керак, чунки унга (архиепископ Иоаннга) фикрларимиз батафсил айтилган». Британия қироли унга юкланган, қирол номидан айтиши керак бўлган барча сўзларига тўла ишонишни сўрайди (119).

Мактубдан аён бўладики, архиепископ Иоанн Англияга боришдан аввал Мирон-

шоҳнинг буйруғи билан Францияга бориб келган.

Доминикан ордени монахи Франциск Амир Темурнинг ишончли кишиларидан бири бўлган. Унинг номи Амир Темурнинг Византия императори муовинига йўллаган мактубларида ва француз қироли Карл VI, инглиз қироли Генрих IV номларига юборилган икки мактубида эслатилган. Бу монах Амир Темурнинг дипломатик вазифасини бажариш билан бирга унга Ғарб ҳақида маълумотлар келтирган. У ҳақда бошқа маълумотлар сақланмаган.

Европа қироллари билан бўлган ёзишмалардан маълумки, Амир Темурнинг қудратли оламшумул давлатнинг ҳукмдори сифатида обрўси ғарбда жуда юксак бўлган. Европа монархлари уни чуқур эҳтиром билан «энг шавкатли ва энг ғолиб иодшо Темурбек», дейдилар.

Амир Темур вафотидан сўнг Темурийлар давлатида Европа давлатларига муносабат ўзгарди. Темурийларнинг бирор Ғарб мамлакати билан дипломатик муносабатда бўлганликлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Амир Темурнинг баъзи элчилари ўз вазифаларини адо этиш асносида ўлдирилган. Лекин Амир Темурнинг ўзи доимо элчи дахлсиз эканлигини таъкидлаб келган. Агар элчи ҳатто душман тарафидан келган бўлса ҳам, у доимо уларга сарпо кийдирган.

Амир Темур қарвон йўлларининг хавфсизлиги учун ҳаракат қилиб, доимо ҳам яқин, ҳам узоқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга интиларди. У улкан ҳудудлар ва кўплаб мамлакатларни бир давлатга бирлаштириб, улар орасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган.



Темурийлар даврида давлат

Амир Темур васиятига кўра, унинг валиаҳди — набираси Пир Мухаммад ибн Жаҳонгир бўлиб, Самарқанд тахтига ўтириши керак эди. Дарвоқе, Соҳибқирон бетоб бўлиб қолганида у Қандаҳорда эди. Амир Темур вафот этганда валиаҳд шахзода Пир Мухаммад Самарқандга етиб келгунига қадар бу мусибатни бошқалардан сир тутишга қарор қилинди.

Бирок, машъум ҳодиса ҳақидаги хабар ошкор бўлиб, Амир Темурнинг ворислари ва амирлар орасидаги муносабат тезда бузилди. Амир Темурнинг набираси Султон Хусайн биринчи бўлиб исён кўтарди.

У бобосининг васиятига содиқ бўлишга қасамёд этганлигига қарамай, Ўтрор яқинида ўз қўшини билан биргаликда лашкар ўрдусини ташлаб, Тошкент тарафга йўл олди. Сўнгра Халил Султон васиятга зид ўлароқ 1405 йил 18 мартада, яъни бобоси ўлиmidан бир ой ўтиши биланоқ Самарқандда ҳокимиятни тортиб олди.

Деярли ўша кунларда Шохрух «Хурсон тахтига чиқди» (1) ва унинг «Эрон ва Ироқдаги подшоҳлиги бошланди» (2).

Гарчи Амир Темур Марказий Осиё манфаатлари учун ва Москва князи билан ҳеч бир алоқасиз... Олтин Ўрда билан кураш олиб борган эсада, шунга қарамай, у фақат Марказий Осиёни бирлаштиришгагина муваффақ бўлмай, балки Русияга ҳам катта хизмат кўрсатди.

А. Якубовский



Халил Султон ўз ҳаракатлари билан Хуросонга хавф сола бошлади.

Бу вақтда Шохрух стратегик жиҳатдан Халил Султон билан унинг Озарбайжонда ҳукм сураётган отаси Мироншоҳ орасида бамисоли исканжада қолган эди.

Халил Султон акалари Абу Бақр ва Умар Мирзо Табриз тарафидан Шохрух давлатининг шимоли-ғарбий ҳудудларига зуғум қила бошладилар (3).

Шохрух шароитни тўғри баҳолаб, Амударёга шимолдан яқинлашиб келган Халил Султонга зарба беришга қарор қилди ва ўз лашкарларини Шибурғон тарафига сурди.

Шохрух Амударё бўйидаги Дука қишлоғида туриб, Мовароуннахрга ўтиш учун кўприк ясай бошлаган эди. Лекин Халил Султон Самарқанддаги Шохрухга тегишли хазинани Мовароуннахрга ўтмаслиги шарт билан қайтариб беришни ваъда қилди. Шохрух Хиротга қайтди (4).

Бундай келишув Амир Темур давлати иккига бўлинганлигини англатарди: Халил Султон Туронни бошқарарди, салтанатнинг қолган қисмини Шохрух, Мироншоҳ ўғиллари Умар ва Абу Бақр билан биргаликда Жаҳонгир ва Умаршайх авлодлари бошқардилар.

Халил Султоннинг Самарқанддаги ҳукмронлик йиллари ҳақида Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади:

Фарзандлар, қариндошлар, ёру биродарлар, қушилар ва мен билан бир вақтлар дустлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, (молу мулк, нақд пул билан) ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан пораво иш тутган бўлса, дарҳол (қўл оёғини) боғлаб, улдиришга бююрдим. Хар қилми (туриш-турмушининг пасти баландларида) турли йўллар билан си-наб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини куриб, улардан сабоқ олиб, тажрибани оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

«Темур тузуклари»

Султон Самарқанд тахтида подшоҳ бўлиб, давлат билан ўлтурди.

Ул маҳалда Самарқанддек маъмур шаҳар ер юзида йўқ эрди. Ва атроф оламдаги

фозиллар ва донишмандлар ва хунармандлар кўчлари билан анда эрдилар. Бир хазинанинг уддасидан чиқа олмас эрдилар. Ва хайма ва хиргоҳ ва саропарда ва соябон, не худким шарҳ қила олур, анинг учунким Эрону Турондаги подшоҳларнинг йиллар йиғилғон хазиналари Қалмоқдин Румғача ва Хиндустондин Шомғача, Хоразмдин Дашти Қипчоққача, Рус ва Булғор ва Фаранг — бу барча вилоятлардин ҳар нимаким олиб эрдилар, барчани мунда келтуруб жамъ этиб эрдилар ва ўтгуз олти йилким, ҳазрат Соҳибқирон оламни мусаххар қилиб эрди ва вилоятларнинг молу хирожии мунда тушар эрди, бундоқ хазина ва яроқ бу шахзоданинг эликига тушти. Тўрт йилда андоқ қилдиким, ул молдин ҳеч асар қолмади» (5).

Халил Султонни ҳокимиятдан четлатиш билан Шохрух Туронни тамомила ҳалок бўлишдан сақлади.

Халил Султон Мовароуннахр ҳукмдорлигидан маҳрум бўлгандан сўнг Шохрух Улуғбекни Шох Малик ҳомийлигида Самарқанд тахтига ўтказди.

Мовароуннахрдаги ҳарбий-сиёсий шароит билан боғлиқ ишлар туфайли Шохрух 1409 йил охиригача Самарқандда қолади. Сўнгра Улуғбекни Мовароуннахр ва Туркистоннинг ҳокими, Шох Маликни унинг ҳомийси ва маслаҳатчиси этиб тайинлаб, 1409 йил охирида Хиротга қайтиб келади. Ўша йилдан бошлаб Улуғбекнинг тўлик подшоҳлик номи Абул Фатх Муҳаммад Тарағай Улуғбек деб ёзилади (6).

Бу пайт Ўтрор ноиби, Амир Темурнинг собиқ лашкарбошиси Шайх Нуриддин ўз сафдоши Шох Малик ва Улуғбекка қарши исён кўтаради. Исёнчи катта лашкар тўплаб, Самарқанд яқинига келади ва 1410 йил 10 апрелида Шох Маликка қарши жангга киради. Улуғбек ва Шох Малик енгилдилар ва Амударёдаги Калифга чекинишга мажбур бўладилар. Муҳими, Шохрух бу воқеаларга тайёр эди ва 20 июнь куни лашкари билан Калифга яқинлашиб келади. Хуросон лашкари Амударёдан икки ерда ўтади. Калиф ва Термизда Шохрух асосий кучлар билан биринчи гуруҳда бўлиб, Шаҳрисабз тарафга йўл олади. Улуғбек билан Шох Малик иккинчи гуруҳда илғор бўлиб кетадилар. Шайх Нуриддин рақиблари дарёдан ўтганлигини эшитиб, улар тарафига юради. Жангда Шох Малик яна енгилади ва Самарқандга чекинади.

Асосий кучлар билан етиб келган Шохрух 1410 йил 12 июль куни Шайх Нурид-

дин билан жанг қилиб, уни енгади ва чекинишга мажбур қилади. Исёнчи Ўтрорга чекинади. Исённи бутунлай бостириш мақсадида Шохрух Ўтрорга Шох Маликни юборади.

Унинг шериги Хамза Сулдузни жазолаш учун Ҳисорга амир Музробни юбориб, Шохрухнинг ўзи 23 июлда Самарқанддан кетади ва 3 августда Хиротга келади.

1411 йил 11 январда амир Шох Малик Шайх Нуриддинга қарши жангга чиқади. Иккала лашкар Сабронда бир-бирига юзланади, лекин жанг бўлмайди. Музокара пайтида Шайх Нуриддин хийла билан ўлдирилади ва қалласи олинади. Улуғбекнинг хавфли душмани шу алфозда тугатилади. Мовароуннаҳрдаги ахволдан ташвишланган Шохрух 1411 йил сентябрида яна Самарқандга келади. Лекин тўла тартиб ўрнатилганлигини кўриб, ноябрь ойидаёқ ўзи билан бирга Улуғбекнинг ҳомийси Шох Маликни ҳам олиб Хиротга қайтади. Шу тариқа 1411 йил октябридан, яъни 18 ёшида Улуғбек Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг мустақил ҳокими бўлиб қолди. Аммо Амир Темур давлатининг бош ҳокими ва султони деб Шохрух ҳисобланарди. У Улуғбек мулкидаги ахволни диққат билан кузатиб борарди. «Амир Темур салтанатида у ўлганидан сўнг якка ҳокимликни сақлаб туриш мумкин бўлмайдигандек кўринган бўлса ҳам, аста-секин у Шохрухнинг фойдасига тикланди» (7).

Шохрух масъулиятли давлат лавозимларига заковатли кишиларни қўйди ва мамлакатни улар орқали бошқарди.

Шохрух Амир Темур вафотидан кейин қўлдан кетган ерларни ҳарбий ва дипломатик йўл билан яна қайтариб олди. Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан 1405 йилдан кейин босиб олинган Хоразмни қайта урушиб олиш учун 1413 йил бошида Шох Малик бошчилигида Мовароуннаҳр лашкарини юборади.

Шох Малик Хоразмни тез орада олади. Қошғарда ҳам Улуғбекка содиқ киши тахтга ўтқазилади. Бироқ 1424 йилдан бошлаб Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни Абулхайрхон бошчилигидаги Дашти Қипчоқ ўзбеклари босиб олади. XV асрнинг 30-йиллари охирига келиб Қошғар ҳам қўлдан кетади.

1447 йил мартида Шохрух вафот этганидан сўнг Темурийлар давлатида нотинчлик ва суронлар бошланди. Бутун салтанатнинг якка султони бўлиб қолган Улуғбек шундай масъулиятли дамларда улкан давлатни бошқаришга қодирлигини кўрса-

та олмади. Аксинча, отасининг вафотидан сўнг унинг давлати фожиали равишда пурдан кета бошлади.

Улуғбек ҳаётининг охириги йигирма йилини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, бу йиллар у илмга қаттиқ берилиб, давлат ишларидан узоқлаша борган. Фақат отасининг қудрати ва обрў-эътибори туфайлигина тахтни сақлаб қолган. Шохрух ўлими билан Улуғбекнинг сиёсий ҳаётдан узоқлашиб ва ҳатто ажралиб қолганлиги яққол кўринди.

Энг аввал Хуросон ва Мовароуннаҳр руҳонийлари билан Улуғбекнинг муносабати бузилди. Сўнгра унинг ҳарбий лаёқатсизлиги лашкарбошилар орасидаги обрўсини кетказди.

Ва, ниҳоят, у ўз фарзандлари Абдуллатиф ва Абдулазизларга мўътадил муносабатда бўла олмаганлиги натижасида Абдуллатиф унинг душманлари тарафига оғди. Оқибатда Улуғбек 1449 йил 25 октябрда ўз хагаларининг қурбони бўлди.

Мовароуннаҳр тахтига Абдуллатиф келди. Фарбий Эронда Бойсунғурнинг ўғли Султон Муҳаммад ҳокимиятни қўлга олди. Хиротда эса 1449 йили тахтга Бойсунғурнинг иккинчи ўғли Абул Қосим Бобур ўтирди. Абдуллатиф 1450 йил майида ўлдирилди.

Абдуллатифни ўлдирган кишилар ҳокимиятни Иброҳим Султоннинг ўғли Абдуллога топширди. Бухоронинг доругаси билан қозиси Мироншоҳнинг Абдуллатиф томонидан ҳибс қилинган набираси Абу Саъидни худди шу вақтда озод қилдилар ва унга ҳоким сифатида байъат этдилар.

Абу Саъид дарҳол Абдуллога қарши Самарқандга йўл олди, лекин енгилиб, Дашт ўзбеклари тарафига қочди. 1451 йил ёзида Абу Саъид яна Самарқанд яқинида пайдо бўлди. Бу гал у Дашт ўзбекларидан иборат лашкар билан келди. Булунғур чўлида рўй берган жангда Абдулло енгилди ва ўлдирилди. Абу Саъид Самарқандга фотих бўлиб кирди ва тахтни эгаллади.

Абу Саъид Хуросон ҳокимияти учун ҳам кураш олиб борди. Унинг Абул Қосим Бобур билан курашида, то 1457 йили Бобур вафот этгунича ажрим бўлмади. Ўша йили Абу Саъид Хиротда ҳам ҳокимиятни ўз қўлига олди. 1457 йили Темурийлар давлати яна бирлашди, лекин унинг ерлари XV аср бошларидагидан анча кичрайган эди. У пайтга келиб Ироқ, Фар-



Амир Темурнинг Усмонли турклар устидан галабаси Византия учун уларнинг истилосини ярим аср орқага сурди, Европа эса шу давр мобайнида диний ақида ва ақидапарастлик талвасаларига барҳам бериб, янги кучларга эга бўлди.

Хильда Хукхэм



бий Эрон ва Озарбайжондаги ерларнинг талай қисми қўлдан кетган эди.

Қора Юсуфнинг ўғли Жаҳоншоҳ 1453 йили бутун Фарбий Эронни Темурийлардан тортиб олган эди. 1458 йилга келиб, Абу Саъид Жаҳоншоҳ туркманнинг Ҳиротни босиб олишга уринишини даф этишига тўғри келди. Отаси доим Амир Темурдан қочиб юрган Жаҳоншоҳ Темурийларнинг Хуросондаги мулки ҳисобига ўз ерларини кенгайтирмоқчи бўлди. 1459 йили Абу Саъид Жаҳоншоҳ билан бир битим тузди, бу битимга кўра Фарбий Эрон Жаҳоншоҳ ҳукмронлигига ўтди, Хуросон эса Абу Саъиднинг қўл остида қолди.

Темурийлар давлатининг Абу Саъид томонидан бирлаштирилиши салтанат қудратининг ошишига имкон берди. Абу Саъид Улуғбекнинг назорати остида ўсиб, тарбия олган, Улуғбек унда илм ва маърифатга меҳр уйғотган эди. «Абу Саъид ўзининг ҳаёт тарзи, ишларининг буюклиги, шижоати ва истеъдоди бўйича давлат раҳбари сифатида Бобур, Акбар ва Шох Жаҳонларнинг муносиб аждоди эди» (8). Яна бир фикрга кўра, Абу Саъид Усмонли султон «Маҳмуд каби ўз даврининг энг қудратли давлат раҳбари эди» (9).

Абу Саъид ҳукмронлиги даврида Хожа Аҳрор нақшбандийлари тариқатининг нуфузи кучайди. Абу Саъид Абдуллога қарши курашганида Хожа Аҳрорнинг маънавий мададига таянгани аниқ (10).

1467 йили Жаҳоншоҳ вафот этади ва Абу Саъид Темурийларнинг Фарбий Эрондаги ҳокимиятини тиклашга қарор қилади. Лекин 1469 йили туркманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Худди ўша йили Темурийлар давлати узил-кесил иккига: Туркистон ва Хуросонга бўлинади: Туркистонда Абу Саъиднинг ўғли Аҳмад, Хуросонда эса — Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилади.

Хусайн Бойқаро 1438 йили Ҳиротда туғилган. У ҳам отаси тарафидан, ҳам онаси тарафидан Темурий эди. Отаси тарафидан у Мирзо Умаршайхнинг эвараси бўлиб, онаси тарафидан Амир Темурнинг қизи Тағай Шох Бегимнинг ўғли Хусайн Бойқаронинг набираси эди. Темур вафот этган йили унинг отаси тарафидан бобоси, яъни Умаршайхнинг ўғли Мирзо Бойқаро 12 ёшда бўлиб, Шохрух саройида эди. Бироз вақт ўтгандан сўнг Шохрух уни Қандаҳорга, Жаҳонгирнинг ўғли Қайду Мирзо саройига хизматга юборади. Бироқ, у 1415 йили Қайдуга қарши фитнада айбланиб, ҳибсга олинган.

Аввалига Шохрух уни Ҳиндистонга жўнатмоқчи бўлди, лекин унинг ўзи Қандаҳорга келганидан сўнг Бойқарони унинг хузурига олиб келдилар. 1417 йили у Самарқандга юборилди ва у ерда қатл қилинади. Ўша пайт Хусайн Бойқаронинг бўлажак отаси хали гўдак эди. Кейин у Ҳиротда, чамаси, Шохрух назорати остида яшаган, лекин давлат ишига жалб қилинмаган. Балки Шохрухнинг ўзи уни Амир Темурнинг набираси Хусайн Бойқаронинг қизи Феруза бегимга уйлантиргандир.

Хусайн Бойқаро 14 ёшида Абул Қосим Бобурнинг хизматига келди. У 1454 йили Бобурнинг Самарқандга юришида иштирок этади ва Умаршайхнинг бошқа авлодлари билан бирга Абу Саъид хузурига қолади.

Муҳаммад Мирзонинг ўғли, Хусайн Бойқаронинг амакиваччаси Султон Увайс Абу Саъидга қарши қўзғолон кўтаради. Абу Саъид бунда барча шахзодалардан гўмонсирайди ва 13 кишини, улар орасида Хусайн Бойқарони ҳам Самарқанд қалъасига қамаб қўяди. Буни эшитиб онаси Феруза бегим дархол Ҳиротдан келади: бу аёл онаси тарафидан Мироншоҳнинг набираси ва Абу Саъиднинг аммаваччаси эди. Абу Саъид унинг илтимосини бажо келтириб, ўғлини ҳибсдан бўшатади. Шундан сўнг Хусайн Бойқаро Ҳиротга қайтиб келади ва яна Абул Қосим Бобурнинг хизматига ўтади.

Худди шу пайт Хусайн Бойқаронинг мактабдош дўсти, бўлажак буюк шоир Мир Алишер Навоий ҳам унинг хизматига кирганди.

1457 йили Бобур вафот этганидан сўнг Хусайн Бойқаро Пир Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Санжар Мирзонинг хизматига келади. У Султон Хусайнни яхши қабул қилади ва қизи Бека Султон бегимни унга никоҳлаб беради.

Хусайн Бойқаро қайнотасининг ишончини қозонади ва 1457 йили Санжар Машҳадга кетганида Марвни Хусайн Бойқарога топширади. Бироқ Хусайн Бойқаро Санжарнинг мулозимлари билан мураса қила олмай, Марвни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Тажанда у Бобо Ҳасан гуруҳи билан тўқнашади ва жангда уни ўлдиради. Шундан сўнг Бобо Ҳасаннинг йигитлари Хусайн Бойқарога қўшиладилар. Кейин Султон Хусайн Бойқаро Нисони ва Жаҳоншоҳнинг аммаваччаси, туркман шахзодаси Хусайнбек қўл остидаги Астрободни олади ва шахзодани остиради.

XV аср 50-йилларининг охиридан Абу Саъид билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги муносабат душманлик тусини олади. Бунга сабаб — Хусайн Бойқаронинг Астрободга даввоси эди. Кейинчалик харбий тўқнашувга олиб келган бундай муносабат 1469 йили Абу Саъид халок бўлгунига қадар давом этади.

Ўша пайтлар Хуросон иккала Темурий шахзоданинг кураш майдонига айланади. Хусайн Бойқаронинг Ҳиротни олишга уриниши ниҳоят муваффақиятли тугайди: у 1469 йил 24 мартада шаҳарга ҳоким сифатида тантанали равишда кириб келади. Ўша кунгек Хусайн Бойқаронинг номи билан хутба ўқилади.

Шу йил апрель ойининг ўрталарида Мир Алишер Навоий Ҳиротга, Хусайн Бойқаро хизматига келади.

Хусайн Бойқаро тахтга ўтиргунига қадар исломдаги икки асосий мазҳаб — сунна ва шиага бир хил қарарди. Бир кун уни хабардор қилмай ва рухсат олмай Ҳиротда ўн икки шиа имомининг номини хутбага қўшиб ўқилади.

Шиа имоми ўз мазҳабини мақтаб ўқиганида шаҳар аҳолисининг асосий қисми бўлган суннийларнинг ғазаби қўзиди. Уларнинг вакили Султонга шикоят қилди. Хусайн Бойқаро томонидан юборилган кишилар шиа имомини шарманда қилиб минбардан туширадилар. Бу билан Хусайн Бойқаро ўзининг сунна мазҳабига мансублигини кўрсатди ва умрининг охиригача шу мазҳабда қолди.

Хусайн Бойқаро ҳукмронлигининг бошланишида — 1470 йили салтанат даввоғари Муҳаммад Ёдгорга қарши курашишига тўғри келди.

1479 йили Абу Саъиднинг ўғли Абу Бакр аввал Хусайн Бойқарога хизмат қилиб, сўнг Амударёнинг сўл соҳилида исён кўтарди. Унга қарши юборилган аскарлар қўзғолонни бостирдилар. Абу Бакр Фарбга, Астробод тарафга чекинишга мажбур бўлди. Гургон дарёси яқинида Султоннинг ўзи бошчилигидаги таъқибчилар унга етиб олдилар. Абу Бакр қўлга тушиб, қалласи олинди ва боши Ҳиротга юборилди.

Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳиротда маданият юкори чўққига кўтарилади. Шаҳарда бир неча мадраса қурилади, китобат иши ривожланади. Маданият юкори даражадалигидан шохидлик берувчи омиллардан бири шу эдики, ўша даврда яхши шеър ва китоблар тужфа сифатида тортиқ қилинарди. Байрамлар дабдабали

ўтказилар ва Амир Темур жорий этган анъанага қўра, бутун шаҳар безатиларди.

Мамлакатда катта миқёсда қурилиш ишлари олиб борилди. Бу соҳада Мир Алишер Навоий намуна кўрсатиб, Ҳиротда Султон хадя қилган ерларда ўз ҳисобидан бир қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурдирди. Бу хайр-эҳсон бинолари Ихлосия деб аталди.

Бўлажак машхур тарихчи Хондамир ана шундай хонақоҳ ва мадрасалардан бирида таълим олди. Ҳирот мадрасаларига бошқа шаҳарлардан ҳам, жумладан, Самарқанддан ҳам ўқишга келардилар. Бу эса XV аср иккинчи ярмига келиб Самарқанд ўзининг маданий устунлигини йўқотганлигини кўрсатади.

Хусайн Бойқаро одатига қўра, 1487 йил қишини Марвда ўтказади. Хусайн Бойқаро ўзи билан бирга қишлоқ ўтказаётган Мир Алишерни ўша пайтдаги Темурийларнинг йирик маданий ва маъмурий маркази бўлган Астрободга ҳоким этиб тайинлайди.

Шу муносабат билан қайд этиб ўтиш зарурки, мавжуд адабиётларда Мир Алишернинг Астробод ҳокими этиб тайинланиши тўғрисида гўё бу — шарафли сургун деган фикрлар юрарди. Бу — шубҳали фикр. Хусайн Бойқаро қишлоқни ўтказадиган Марв атрофидаги аҳоли асосан туркманлар бўлиб, улар Санжарнинг уруғидан ҳамда ўша пайтда Озарбайжонда ҳукм юритаётган Ок қўюнли туркманларига уруғдош эди. Астробод эса Темурийларнинг энг йирик маъмурий ва маданий марказларидан эди. Бу шаҳарга ҳоким бўлиш шарафли вазифа бўлгани сабабли сарой амалдорларидан кўпчилик уни қўлга киритиш учун беҳуда уринар эди. Астрободга ҳоким этиб жуда ишончли кишилар тайинланар ва бунга асло «сургун» деб бўлмайди. Бирок Мир Алишернинг у ерга ҳоким этиб тайинланишининг асл сабабини билмаган Хондамир ва Бобур, улардан олиб эса «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» асарида В.В.Бартольд ҳам бу воқеани нотўғри тушунишган. А.А.Семенов Абдуллоҳ Марвариднинг «Шарафнома» асарига таяниб, бундай фикрга қарши чиқди. Унингча, Марвга келган Султон Хусайн ўша ерлик туркманлардан Озарбайжон ҳукмдори Ёқуб Ок қўюнли Каспий бўйидаги вилоятларни қўшиб олмоқ ниятида эканлигини қандайдир йўл билан билиб қолади. Шу масалада Султон билан Озарбайжон ҳукмдори ўртасида муносабат таранглашади. Мир Алишерни эса у билан кўп йиллик яхши муносабат боғлаб турарди. Шу боис Мир Алишернинг Астробод ҳокими этиб тайинлани-





шини Султон Хусайн томонидан қўшни давлат билан муносабатни яхшилаш ниятида қўлланган дипломатик чора, деб ҳисобламоқ лозим.

Шаҳар аҳли Мир Алишерни дўстона ва тантанавор қаршилади. Бу ерда ҳам Мир Алишер, Хиротдаги каби, иззат-ҳурматда эди. Султон Хусайннинг ноиби сифатида ҳам аҳоли барча қатламлари тўғрисида ғамхўрлик қиларди. Унинг ҳоким этиб тайинланиши шу қадар шарафли ва обрў-эътибори шу қадар юқори эдики, Мозандарон, Рустамдор ва Гилон ҳокимлари унинг ҳузурига совға-салом билан элчилар йўллаб, тобелик изҳор этишган. Хатто, Ёқуб Ок қўюнли ҳам Мир Алишерни юқори лавозим билан муборақбод этиб, совға-салом юборган. Бинобарин, Мир Алишернинг Астробод ҳокими этиб тайинланиши ўзини оклаган, чунки кўзланган мақсадга эришилганди.

Алишер Навоий Астрободга юборилганидан сўнг Султон унга яқин бўлган одамлар — Низомулмулк ва Афзалиддинни мансабларидан бўшатди ва хирож девони амирлиги лавозимига Маждиддинни тайинлади. Бироқ Алишер Навоий Астрободга кетиши билан Хусайн Бойқаро бутунлай фитначилар ва лаганбардорлар қуршовида қолиб, доимий майхўрликка берилди ва тубанлашиб бораверди.

У мастлигида ўз набираси — идрокли ва жасур йигитча ва Хиротликларнинг суюклиси бўлмиш Муҳаммад Мўминни қатл қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Унинг ўлимига бутун шаҳар таъзия тутди.

XV аср охири — XVI аср бошлари Темурийлар учун ҳалокатли бўлди.

Хусайн Бойқаро ташқи душман эмас, балки ўз фарзандлари билан урушаётган бўлиб, бу унинг тўла тубанлашганидан гувохлик берарди. Бунинг устига Хусайн Бойқаро бутунлай ифвогарлар таъсирида қолган эди.

XV аср ўрталарида кўчманчи ўзбеклар Абулхайрхон бошчилигида Сирдарёнинг куйи оқими ва Дашти Қипчоқда кучли давлат тузгандилар. Бу қурол кучига асосланган кўчманчи давлат эди, 1468 йили Абулхайрхон ўлиmidан сўнг у тарқалиб кетганди.

Аммо унинг набираси Шайбонийхон ўзбек давлатини қайта тиклаш мақсадида Тему-

рийларнинг ички низоларидан ҳамда Темурийлар билан Жета мўғуллари орасидаги низодан мохирона фойдаланади.

Шайбонийхон аввал Ўтрор, Ясси ва Сайрам шаҳарларида мустаҳкам ўрнашиб олиб, 1499 йили Мовароуннаҳрни фатх қилишни бошлайди. Ўша йили у Бухорони ва 1500 йили Самарқандни олади. Лекин бу ҳали тўла ғалаба эмас эди. Чунки иккала шаҳарда ҳам Темурийларнинг тарафдорлари бор эди. Улар Андижонда турган Захириддин Муҳаммад Бобур билан ёзишиб, унга Самарқанд дарвозасини очдилар.

1501 йил апрелида Зарафшон ёнидаги жангда Бобур енгилди ва Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Бобур Шайбонийхонга қарши Темурийларни бирлаштиришга ҳарчанд уринмасин, бари бекор кетди. Айниқса, кўчманчи ўзбекларга қарши курашда Бобурни қўллаш ёки бу курашга бошчилик қилиш ўрнига, Шайбонийхон билан «ўйимачоқ ўйнаган» Хусайн Бойқаронинг хатти-ҳаракатлари уни ҳайратга солганди.

XVI аср бошида Шайбонийхон бутун Мовароуннаҳрни ва 1505 йили Хоразмни босиб олди.

Аввалиги ҳарбий маҳоратларини бутунлай йўқотган Хусайн Бойқаро 1506 йили Шайбонийхон билан курашга отланган вақтда вафот этди. Унинг ворислари — Бадиъуззамон ва Музаффар Хусайн отасининг барча иллатларини мерос қилиб олган бўлиб, душманга қаршилик кўрсата олмадилар.

1507 йили Шайбонийхон Хиротни ҳам эгаллади. Шу билан XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда Темурийлар салтанати барҳам топди.

Сўнги Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрни тарк этиб, Кобулга кетишга мажбур бўлди. Бу шаҳарни у ўзининг таянч нуқтаси қилиб олди ва у ердан аввалига Ҳиндистонга бир неча чопқин қилди, сўнгра хал қилувчи юриш натижасида Ҳиндистонни эгаллади. Бобур бу мамлакатда Темурийлар давлатининг пойдеворини курди ва у тарихда Бобурийлар давлати деб ном олди. Бобур билан бирга Ҳиндистонга темурий Ренессанс ғоялари ҳам кўчди.

Амир Темур эзгулик ва маҳоратни қўллашдан муайян мақсад йўлида ва амалий фойдалангани тўғрисида у мамлакатларга ҳукмронлик қилди, тожу тахтни эгаллади, шавкатли сулолани бошқарди.

Тильман Нагель



Темурийлар шажараси



Амир Темур ва Темурийлар 1370 йилдан то 1507 йилгача Мовароуннахр, Хурсон, Ироқ, Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда ҳукмронлик қилдилар. Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодига мансуб бўлган Захириддин Мухаммад Бобур Мирзо ва Бобурийлар 1504 йилдан 1858 йилгача, яъни 354 йил давомида Афғонистон ва Ҳиндистонда салтанатни бошқардилар. Темур ва Темурийлар сулоласи жами 488 йил ҳукмронлик қилди.

Илмий тадқиқотлар натижаси ўлароқ, Амир Темур авлодининг рўйхати ҳозир 193 нафарга етди. Булар — Жаҳонгир Мирзо авлодига мансуб 16 нафар шахзода, Умаршайх авлодига мансуб 35 шахзода, Мироншоҳ Мирзо авлодига мансуб Бобурийлар билан бирга 96 шахзода, Шохрух Мирзо авлодига мансуб 44 шахзода ва Тағай Шох (Ака Беги) зурриётига мансуб бир шахзода.

Амир Темурни «хон» эмас, амир деб аташган. Бинобарин, Темурий шахзодалар-

ни ҳам «амирзода» ёки «мирзо» деб атаганлар. Мирзо ибораси «амирзода» сўзининг қисқартирилган шаклидир. Темурий шахзодаларда «мирзо» ибораси Захириддин Мухаммад Бобур Мирзога қадар вом этиб келган. 1508 йилда Бобур Мирзо ўзининг катта ўғли — Ҳумоюннинг тугилиши муносабати билан «Ушбу тарихгача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат Мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким, мени «подшоҳ» дегайлар», — деб ёзди. Ана шу кундан эътиборан, тожу тахт эгаларини подшоҳ, унинг авлодини эса шахзода деб атаганлар. Зотан, Бобурий шахзодалар орасида «мирзо» ибораси кам учрайди.

Темурийлар шажараси — Амир Темур ва Темурийлар тарихини ўрганувчилар учун қимматли манба. Зеро, унда Темурийларга мансуб 193 нафар шахзоданинг исми, таваллуд ва тахтга ўтирган ҳамда вафот этган йиллари имкон қадар кўрсатилган.

МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО

Жаҳонгир Мирзо Амир Темурнинг катта ўғли, 1356 йилда туғилган. Хондамирнинг маълумотига кўра, унинг онаси Турмуш оқадир.

Жаҳонгир Мирзо отаси Темурга ўхшаб бир сўзли, қатъиятли ва жасур бўлган. У ёш бўлишига қарамай, ҳарбий илмдан яхшигина хабардор бўлиб, отаси Амир Темурнинг ҳарбий юришларида ўзига топширилган жанговар қисмларга моҳирона бошчилик қилган.

Амир Темурнинг Мўғулистонга юришларининг учтасида (1370—1376), шунингдек Хоразмга қилган юришларида Жаҳонгир Мирзо фаол қатнашди. Мўғулистон ҳукмдори Қамариддин жангда енгилиб қочгач, Амир Темур уни таъқиб этишни Жаҳонгир Мирзога топширди.

1373 йилда Жаҳонгир Мирзо Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфийнинг қизи Севинбекани (кейинчалик Хонзода номи билан машҳур бўлади) ўз никоҳига олади. Хон-

зода Ўзбекхоннинг набираси эди. Хонзода 1376 йили ўғил туғади. Унга Мухаммад Султон Мирзо деб исм қўядилар.

1374 йили Жаҳонгир Мирзо Илёс Ясуврийнинг қизи Бахт Мулк оқага уйланди.

1376 йили баҳорда Жаҳонгир Мирзо навбатдаги ҳарбий сафардан қайтаётиб, шамоллаб вафот этади. Унинг жасадини Шаҳрисабз (Кеш)га олиб бориб, Темурийлар хилхонасига дафн этадилар. Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг 40 кун ўтгач, Бахт Мулк оқа ўғил туғади. Унинг исмини Пир Мухаммад Мирзо деб атайдилар.

Амир Темур ўз ўғиллари орасида Жаҳонгир Мирзога алоҳида эътимод қўйган ва уни келажакда ўз тахтининг вориси деб биларди.

Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мускинларга лағархона (таом бериладиган жой) солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда сарой ва қозихона қурсинлар. Ва рағият ва зироатни қуриқловчи қурчилар (қуриқловчи ҳарбий бўлима) ҳам тайинласинлар.

«Темур тузуклари»

УМАРШАЙХ МИРЗО БАҲОДИР

Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1356 йилда туғилган. Унинг онаси Тўлин (Тўмлин) оқа эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Умаршайх Мирзо ёшлигиданоқ ҳарбий ишларга иқтидори юксак бўлиб, моҳир ча-



вандоз ва толмас жангчи бўлиб етишганди. Шу боис бўлса керак, унинг жанговарлик фаолияти ҳақида кўпгина нақл ва ривоятлар ёзиб қолдирилган.

1370 йилда Соҳибқирон Амир Темурнинг Амир Хусайн ибн Мусаллога қарши олиб борган жангида 15 ёшли Умаршайх Мирзо алоҳида жанговарлик намунасини кўрсатган. Шунингдек, у Фарғонада мўғулларга қарши кўпгина жангларда иштирок қилган. Унинг шахсий ҳаётига доир тарихий маълумотларга қараганда, у ўзининг мардлиги билан Соҳибқирон қўшинида устувор саркарда бўлган.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1393 йилда Соҳибқирон Амир Темур Умаршайх Мирзони Форс вилоятини забт этиш ишига мутасадди қилиб тайинлайди. Истахр, Фарах, Шахриёр ва шунга ўхшаш бир неча қалъаларни забт этган Умаршайх Мирзо навбатдаги Сиржон қалъасини забт этмоқ учун қалъани мухосара қилиш тараддудида эди. Бу пайт Амир Темур Миср ва Шом (Сурия)ни забт қилиш учун Диёрбакр томон йўлга чиққанди. Шу сабабдан Амир Темур Умаршайх Мирзога одам юбориб, унга ўз хузурига етиб келишни буюрди.

Умаршайх Мирзо Сиржон қалъасини мухосара қилиш ишини амир Идигу барлосга топшириб, ўзи Шерозга кетди. Шерозда ишончли кишилардан амир Сунжак хузурига келиб, уни Форс мамлакатини забт этиш ишига мутасадди қилиб тайинлаб, сўнг отаси хузурига жўнади. Умаршайх Мирзо сафар асносида Шавлистон

йўли билан юриб, Курдистондан ўтиб бораётганда, йўл чеккасида кичикроқ бир қалъага кўзи тушади. Бу қалъанинг номи ни Ҳармоту деб атардилар. Умаршайх Мирзо мазкур қалъани яқинроқдан томоша қилиш мақсадида бир тепалик устига чиқиб, қалъа томон назар ташлайди. Шу аснода, қалъа ичидан отилган ногаҳоний ўк келиб, Мирзонинг кулоғи остидаги кўк томирига тегди. Мирзо тил тортмай ўлади. Бу фалокат содир бўлгач, Мирзонинг қўшини мазкур қалъани ер билан яқсон қилиб, барча посбонларни қиличдан ўтказдилар.

Бу машъум хабар Амир Темурга етгач, кўп андух чекади. У амир Уч Қаро баҳодирни Ҳармоту қалъаси томон юборди. Амир Уч Қаро баҳодир Умаршайх Мирзонинг жасадини Шерозга олиб келади. Шерозда мотам ўтказилиб, жасадни муваққат дафн этадилар. Бир неча муддат ўтгач, марҳум Умаршайх Мирзонинг хотинлари — Севинч Қутлуг оқа бегим, Бека Мулк оқа бегим ва Мулкат оқа бегим ҳамда ҳали вояга етмаган (сағир) ўғли Искандар Мирзолар Умаршайх Мирзонинг хокини Шахрисабзга олиб кетадилар ва Темурийлар хилхона (дахма)сига дафн этадилар.

Марҳум Умаршайх Мирзодан олти ўғил қолган, катгаси Пир Муҳаммад Мирзо 16 ёшда эди. Ундан кейинчилари Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайди Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар эди. Амир Темур Форс мамлакатининг ҳукмдорлигини 16 ёшли Пир Муҳаммад Мирзога топширади.

МИРОНШОҲ МИРЗО

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги ҳукмдорлари — Шохрух, Улугбек, Мирзо Абу Саъид, Султон Аҳмад, Хусайн Бойқаро, ай-шиқса Ҳиндистонда Бобур, Акбаршоҳ Марказий Осиёда Амир Темур даврида қарор топган иқтисодиёт ва маданиятнинг ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши нагналарни давом эттирдилар.

И. М. Мўминов

Мироншоҳ Мирзо Амир Темурнинг учинчи ўғли, 1366 йилда туғилган. Унинг онаси Менглибек Оғойи Жоникурбонийдир. Мироншоҳ Мирзо 1380 йилда 14 ёшидаёқ Амир Темурнинг Хуросон юришида қатнашган. Амир Темур ана шу юриш олдидан ҳали қўлга киритилмаган Хуросонга Мироншоҳни ҳукмдор қилиб тайинлаган эди. Бинобарин, Хуросон Амир Темур томонидан забт этилгач, Мироншоҳ Ҳиротга келиб ўрнашади. 1393 йилда эса Амир Темур Шимоллий Эрон, Ироқ ва Кавказортидек улкан мамлакат (собиқ Ҳулогухон улуси)ни идора қилишни Мироншоҳга топширади.

Мироншоҳ Мирзо ёшлигиданоқ ҳарбий санъатдан маълум даражада хабардор, жасур ва ёвга нисбатан шафқатсиз жангчи сифатида ном таратган эди. Яна бир томони, ўта маишатга берилган киши бўлган. Тарихий манбаларда нақл қилинишича, Самарқандда бир зиёфат асносида Ҳиротнинг собиқ ҳукмдорининг ўғли Пир Муҳаммаднинг калласини кулиб туриб, қилич билан узиб ташлаган. Кейинчалик ўзининг бу қилмишини «мастлик»ка йўйган.

1376 йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этгач, унинг катта беваси Хонзода (Севинбека) 1382 йилда Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб берилган. Мироншоҳ Мирзо Ўзбекхоннинг набираси Хонзодага уйлангач, отаси Темур каби «Турагон» лақабига мушарраф бўлган.





Мироншоҳ Мирзо Озарбайжоннинг Султония шаҳрини ўз пойтахти қилган эди. У кейинчалик маишатга берилиб, тез-тез овга чиқарди. 1396 йил кузида навбатдаги овда отдан йиқилиб шикастланади. Тарихий манбаларда ёзилишича, ана шу жароҳатдан сўнг унда бир оз миянинг чалғиш аломатлари вужудга келган. Аммо Клавихонинг ёзишича, у Мироншоҳда ҳеч қандай савдойилик аломатини кўрмаган. Аксинча, Мироншоҳ кастилиялик элчиларни ўз замонасининг қонун-қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилган ва қиролнинг соғлиғини сўраган.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, айшу ишратга берилиб кетган Мироншоҳ давлат ишларига қарамай қўяди. У шаръий ва ношаръий хотинлар олишни кўпайтиради. Узлуксиз давом этган базмлар ва ҳар хил кўнгилочар ўйинлар ҳазинага сезиларли равишда зарба беради. Бундан ташқари, у Султония шаҳрида энг чиройли ва ҳашаматли бинолардан бирини буздиради. Шунингдек машҳур тарихчи Рашидиддиннинг Табриз шаҳридаги мақбарасини буздириб, марҳумнинг суякларини шаҳардаги яхудийлар қабристонига олиб кўмишни буюради. Ўзининг бундай хатти-ҳаракатига тарихчи Рашидиддиннинг яхудий мазҳабига мансуб эканлигини асосий сабаб қилиб кўрсатади.

Мироншоҳ ўз ҳарамидаги хотинларига ҳам ҳар хил тухмат ва бўҳтонлар қилиб, жабр-зулмни ҳаддан оширади. Ниҳоят, 1399 йилда Мироншоҳнинг катта хотини Хонзода эридан яшириқча Самарқандга — қайнотаси Амир Темурнинг ҳузурига бориб, Мироншоҳнинг кирдикорларидан шикаят қилади. Амир Темур севикли келинидан бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Амир Темур бир ҳафта давомида йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Ниҳоят, машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўлга отланади ва Озарбайжонга етиб келади. Султонияга киргач, дарҳол Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқлари — аркони давлатини тутдириб, зиндонга ташлатади.

Эртаси кун Амир Темур ўзининг энг нуфузли кишиларини тўплаб, Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқларига берилажак жазо нимадан иборат бўлиши кераклигини айтишларини талаб қилади. Йиғилганлардан садо чиқмайди. Ниҳоят, Амир Темурнинг ўзи Мироншоҳ ва унинг аркони давлатига ўлим жазосини эълон қилади. Амир Темурнинг пири Саййид Барака ва айрим амалдорлар бу ҳукмга катъиян қарши турадилар.

Эртаси шаҳар фуқароларини катта майдонга йиғиб, Мироншоҳ бошлиқ унинг барча амалдорларини қўллари боғлиқ ҳолда зиндондан чиқариб, шаҳар майдонига олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод Амир Темурнинг сўнгги буйруғини кутарди. Ниҳоят, Амир Темур қатлни бошлашга ижозат беради. Жаллод Мироншоҳнинг ўнга яқин бек ва амалдорларини бирин-кетин қатл қилгач, навбат Мироншоҳга келади. Шу аснода Саййид Барака бошлиқ барча амир ва беклар ҳамда шахзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Амир Темурдан илтижо қилиб, ёлборадилар. Шундан сўнггина Мироншоҳ банддан озод қилиниб, гуноҳи кечирилади. Қатл этилган бек ва амалдорларнинг тўплаган мол-мулки мусодара қилиниб, ҳазинага қайтарилади.

Мироншоҳнинг ҳарамидаги хотинлари ва канизакларидан фақат боласи борларигина қолдирилиб, боласизлари ҳарамдан чиқарилади. Мироншоҳ эса ҳокимиятдан четлатилиб, ўрнига унинг иккинчи ўғли — Умар Мирзо тайинланади. Мироншоҳнинг катта ўғли Абу Бакр Мирзо отаси Мироншоҳ бундан буён ўзи билан бирга қолишни бобосидан илтимос қилади. Абу Бакр Мирзонинг илтимоси қондирилгач, у отаси Мироншоҳни олиб, ўз ҳукмида бўлган Бағдодга жўнайди.

1408 йил 21 апрелда Мироншоҳ Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида туркман Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилади ва Сурхоб туманига дафн қилинади. Бир неча муддат ўтгач, Шамс Фурий номли шахс дарвеш кийимида Сурхобга бориб, яшириқча Мироншоҳнинг суякларини олиб, Мовароуннаҳрга келтиради ва унинг хоки Шаҳрисабзда Темурийлар даҳмасига дафн қилинади.

Кейинчалик, Мироншоҳнинг хоки Шаҳрисабздан Самарқандга келтирилиб, Гўри Амир мақбарасига, Амир Темурнинг ёнига дафн этилади. М.Е. Массон, ҳарҳолда Мироншоҳнинг хокини Шаҳрисабздан Самарқандга келтириб, Гўри Амирга дафн қилиниши Султон Абу Саъид Мирзо ҳукмронлиги даврида амалга ошган бўлса керак, деб тахмин қилади.

Мироншоҳдан олти ўғил ва бир неча қиз қолган. Энг катта ўғли Абу Бакр Мирзо, иккинчиси Умар Мирзо, учинчиси Халил Султон Мирзо, тўртинчиси Суюрғатмиш Мирзо, бешинчиси Ийжал Мирзо ва олтинчиси Султон Муҳаммад Мирзодир.

Маслаҳат, кенгаш, тадбир корлик, фаоллик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан гашим қўшиқларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муро-саю мадора, мурувват, сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олдим, дўсту душман билан муро-саю мадора қилдим.

«Темур тузуқлари»



ШОҲРУХ МИРЗО

Шоҳрух, унинг исми Темурийлар даври ёзма манбаларида амирзода Шоҳрух, Мирзо Шоҳрух, Шоҳрух Мирзо, Хоқони савид, Абу Наср Шоҳрух баҳодир султон шаклларида ҳам қайд этилган. (779 йил 14-раби ас-соний, пайшанба / 1377 йил 20 август, Самарқанд шаҳри – 850 йил 1-муҳаррам, якшанба / 1447 йил 19 март, Рай шаҳри) – Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, Темурийлар давлати ҳукмдори.

Ёшлик йиллари Самарқандда ўтган, шу ерда дунёвий ва диний илмлардан таълим олган. 1388 йили Амир Темур Самарқандда Боғи Биҳишт номли боғда катта тўй қилиб учта невараси – Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад ва амирзода Шоҳрухни уйлантирган.

Амир Темур 1391 йили Дашти Қипчоққа ва 1392 йили ғарбий мамлакатларга беш йиллик юришлари чоғида Шоҳрухни пойтахт Самарқандда мамлакатни бошқаришга тайинлаб қолдирган. Кўп ўтмай, Амир Темур Шоҳрухни ўз ёнига чақириб олади ва Шоҳрух шундан сўнг, жанговар ҳаракатларда қатнаша бошлайди. Бу вақтда у 17 ёшда эди. Амир Темур уни лашкарнинг манғлай ва жуванғар қисмларига тайинлайди, кейинроқ эса, Самарқандга қайтариб, пойтахтни бошқариб туришни топширади.

Амир Темур 1396 йили Шоҳрухга Хуросон ўлкасини суюрғол қилади ва тегишли қўшин ҳамда элат билан бирга уни ўз мулкига жўнатади.

Шоҳрух Амир Темурнинг етти йиллик юришида, хусусан, Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатларида бевосита қатнашган, лашкарнинг илғор, манғлай ва жуванғар қисм-

ларини бошқарган; жангларда шахсий довурақлик ва маҳорат намойиш этган. Айни пайтда, кўпчилик уни адолатпарвар, раият тинчлигини кўзловчи шахс сифатида билган; камалда қолган шаҳарлар аҳолиси аксари ҳолларда сулҳ таклифи билан Шоҳрухга мурожаат қилган ва у ҳам ўз ёрдамини аямаган. Баъзи ҳолларда Амир Темур Шоҳрухни лашкарнинг уғрук қисмини қўриқлашга мутасадди қилган.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, Амир Темур ҳаётининг кейинги йилларида Шоҳрухнинг давлатдорлик сифатларига алоҳида эътибор берган. Чунончи, Хитойга юриши чоғида, сал-

танат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, ғарбий ўлкаларни идора этиш каби катта масъулиятни Шоҳрух зиммасига юклайди ва уни Хуросонда қолдиради. Соҳибқирон 1392 йили мўғуллар босқини даврида бутунлай хароб қилинган Банокат шаҳри ўрнига янги шаҳар барпо этиб, у ерга агроф ерлардан аҳолини қўчириб обод қилади ҳамда уни Шоҳрухга суюрғол қилади ва бу шаҳар Шоҳрухия номи билан шуҳрат топади.

Амир Темур вафотидан (1405 й.) сўнг, 1405 йил мартда Шоҳрух расмий равишда Темурийлар давлати ҳукмдори сифатида Хуросон тахтига ўтирди ва ўз номидан хутба ўқитиб, пул (танга) зарб қилдирди. Шоҳрух ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида Темурийлар салтанатида кучли тарқоқлик юзага келиб, империянинг турли қисмларида яккахоқимлик учун кураш авж олди. Мовароуннаҳрда Самарқанд тахтини Халил Султон эгаллади, Озарбайжон ва Ажам Ироқини Қора Юсуф, Араб Ироқи ҳудудини Султон Аҳмад ўз қўлига киритди. Эронзаминда Темурий шаҳзодалар ўзаро низолашардилар. Мозандарон, Балх, Ғур ва бошқа вилоятларда ҳам исёнлар юзага келди. Шоҳрух салтанатда вужудга келган низолар, исёнлар, ҳокимият ва яккахоқимлик учун чиқишларни давлатдорлик қобиляти, саркардалик маҳорати, теран тафаккури, тўғри олиб борган сиёсати туфайли бирин-кетин бостиришга муваффақ бўлди.

Шоҳрух ҳукмдорлиги чоғида Темурийлар давлатининг ҳудудий кенглиги, ҳарбий салоҳияти, кучли иқтисодий мавқеини сақлашга интилди. Бунинг учун катта лашкар тузиб, Мовароуннаҳр, Эронзамин, Озарбайжонга юришлар қилиб ғалаба қозонди. Чунончи, 1429 йили Шоҳрух Озарбайжонда хавфли қарши кучга айланган амир Искандар ибн Қора Юсуф устига деярли бутун салтанати ҳудудидан лашкар йиғиб юриш қилади. Салмос чўлида иккала томон ўргасида қаттиқ жанг бўлади; Шоҳрух ўғиллари Мирзо Бойсунғурни лашкарнинг жуванғари (чап қанот)ни, Иброҳим Султонни баранғар (ўнг қанот)ни бошқаришга белгилайди; Муҳаммад Жўкини эса ўзига тегишли бўлган қўл (марказ) қисмида қолдиради. Шиддатли жангдан сўнг Шоҳрух лашкари зафар қучади. Шоҳрух Сеистон ва Бадахшонга лашкар жўнатиб, у ерлардаги исёнларга чек қўйди. Амир Темур вафотидан сўнг етти йил даво-



Амир Темур ва унинг авлодлари даври Марказий ва Олд Осиёга катта қизиқиш уйғотади, бу 1370 йилдан 1506 йилгача бўлган вақтнинг ўз ичига олади. Бунинг сабаблари сира-сида унинг (Амир Темурнинг) тарихий, шунингдек маданий-тарихий аҳамиятини, муайян даражада унинг ҳарбий-тарихий фаолиятини айтиб ўтиш жоиздир.

Р. Ромер





мида Хоразмни забт этиб турган Дашти Қипчоқ амирларига қарши Шохрух катта лашкар жўнатди ва ғолиб келиб, Хоразмни Темурийлар давлати таркибига киритди ҳамда ул вилоятни бошқаришга энг садоқатли саркарда амир Шох Маликни белгилади.

Шохрух кўпгина низоларни сулх йўли билан бартараф қилган ва бунда таниқли давлат арбоблари ва шайхлар хизматидан кенг фойдаланган. Умуман, Шохрух ҳукмронлиги даврида шарқда Мўғулистондан тортиб ғарбда Миср ва Рум ерларигача, жанубда Ҳиндистоннинг марказий қисмидан бошлаб шимолда то Дашти Қипчоқ чегараларигача жойлар Темурийлар давлати таркибига кирган.

Шохрух бағрикенглиги, меҳр-шафқатлилиги, кечиримли эканлиги билан қариндошлари, аркони давлат ва қўл остидаги амирларнинг меҳр-муҳаббатига, ҳурматига эришган. Қўл остидагиларнинг, уларнинг мавқеи ва даражасини эътиборга олиб, иззат-эҳтиромини ўз ўрнига қўйган. Салтанатни суюрғол тизими бўйича бошқарган; мамлакат ҳудудини ўғиллари, неваралари, қариндошлари, хизмат кўрсатган садоқатли амирларига суюрғол қилиб берганди. Амир Темур давридаги суюрғолларни ўз эгаларига қолдирган ҳоллари ҳам бўлган.

Шохрух буюк ҳукмдор бўлишига қарамай, жуда оддий, ўта диндор, такводор шахс бўлган. Тарихчи Ҳофизи Абрунинг (ваф. 1430 й.) «Зубдат ат-таворих» асарида ёзилишича, Шохрух кундалик ҳаётида давлат ишлари билан бир қаторда, ислом шариати қоидаларига тўла амал қилган; беш вақт намозни асло тарк қилмаган, тунлари кўшимча намозлар адо этган, Қуръони карим ва унинг арабча, форсча тафсириларини ўқиган. Ҳар ойда бир неча кун рўза тутган, машойихлар, улуғлар мазорларини зиёрат қилган, йўқсилларга садақалар улашган. Бу одатларга ҳатто сафарлар чоғида ҳам қатъий амал қилган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн» асарида ёзилишича, Шохрух 1441 йили шароб ичиш расмини йўқ қилиш тўғрисида фармон берган ва хумхоналардаги шаробларни тўқдирган.

Шохрух подшоҳлик девонида кундалик ишларни доим назорат қилиб борган; қарорлар қабул қилишда кенгаш ва маслаҳатга кенг ўрин ажратган, кўпчилик фикрини инобатга олган ҳолда адолатли ҳукмлар чиқарган. Шунингдек, девонда диний ва дунёвий масалалар юзасидан етук алломалар иштирокида суҳбатлар, фикх,

тиб, нужум, география, тилшунослик ва бошқа фан соҳалари бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилган, ўзи ҳам уларда фаол қатнашган; Қуръон хофизлари (қорилари)ни чорлаб, ҳар суҳбатда Қуръондан бир пора тартиб билан тиловат қилдирган.

Шохрух томонидан салтанат ҳудудида ички низоларнинг бартараф этилгани, марказлашган буюк давлат мавжудлиги, давлатчилик тизимида изчил, тўғри сиёсат олиб борилгани туфайли бунёдкорлик фаолияти учун катта имкониятлар юзага келди. Шаҳарсозлик, ҳунармандлик, савдо, деҳқончилик, илм-фан, маданият тез суръатлар билан ривожланди.

Шохрух бунёдкорлик ишларига, хусусан, шаҳарлар ободончилиги ва суғориш тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Ҳирот (1405 й.), Балх (1407 й.) шаҳарларини тиклаш тўғрисида олий фармон берди. Чингизхон юриши чоғида (1219 й.) хароб қилинган Марв шаҳри қайта барпо этилиб, унга Мурғоб дарёсидан ариқ қаздириб сув келтирилди. Бошқа ҳудудларда ҳам суғориш тизими яхшиланди, янги ерлар ўзлаштирилди, экин майдонлари кенгайди. Шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо ривожланди, кўплаб маданий-маънавий муассасалар — мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар қурилди. Ободончилик ишларига подшоҳ хонадонидан тортиб, бошқарув тизимидаги амалдорлар, зодагонлар, турли имкониятли шахсларгача ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шохрух илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратди; пойтахт Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Шероз ва бошқа шаҳарларда илм-фан кенг ривож топди. Моваруннаҳрда Мирзо Улуғбек Самарқанд шаҳрида обсерватория барпо этиб, аниқ фанлар ривожланди; Нақшбандия тариқати таълимоти ёзма мерос тарзида шаклланди ва шу йўналишда бир қанча асарлар ёзилди; Ҳирот ва Шероз шаҳарларида тарихнависликка катта эътибор қаратилди: Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид бир қанча йирик асарлар яратилди. Темурийлар давлатида китобат ва миниатюра санъати юксалди; Ҳиротда Мирзо Бойсунғур ва Шерозда Иброҳим Султон бу соҳаларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Шохрух ҳукмронлиги даврида Темурийлар давлатининг халқро микёсдаги нуфузи ортди; давлатлар ўртасидаги элчилик муносабатларига Шохрух жуда катта эътибор берган. Унинг ҳузурига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа, Дашти Қипчоқ ҳукмдорларидан элчилар келгани





ва Шохрух ҳам ўз элчиларини жўнатгани ҳақида Темурийлар даври тарихий манбаларида маълумотлар қайд этилган ва иккита элчилик ҳақида мукамал кундалик ҳам ёзилган. Чунончи, 1419—1422 йилларда Хитойга бориб келган сафар хотиротлари, унда бевосита катнашган Фиёсиддин Наққошнинг кундалигида ҳамда 1442—1444 йилларда Жанубий Ҳиндистонга бориб қайтган элчиларнинг сафар тафсилотлари уни бошқарган Абдураззоқ Самарқандийнинг сафарномасида акс этган.

Шохрухнинг элчилар воситасида йўлланган мактубларида савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро савдо-со-

тикни ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Буюк Ипак йўли орқали савдо ва элчилик қарвонлари мунтазам қатнаб турган. Шохрух ўзининг халқаро сиёсатида давлатлараро тотувлик ва дўстона муносабатлар таъминланишини устувор йўналиш деб билган.

Шохрух ўз давлатчилик сиёсатида бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратгани натижасида Темурийлар давлатида илм-фан ва маданият ривожидида ўзига хос Уйғониш (Ренессанс) бўлди ва бу, ўз навбатида, XV аср иккинчи ярмида Алишер Навоий даврида Хуросонда илм-фаннинг юксак ривожланиши учун замин яратди.

ТАҒАЙ ШОҲ БЕГИМ

Тағай Шох бегим Амир Темурнинг катта қизи бўлиб, туғилган йили номаълум. Соҳибқирон бу қизини эркалаб Ака Беги деб атади. Тағай Шох бегимнинг онаси Турмуш оқадир.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Ака Беги хоним хусн бобида тенги йўқ, ақл-идроқда беназир бўлган. Амир Темур бу қизини ниҳоятда яхши кўрган ва ўзига

яқин тутган экан. Ака Беги хонимни амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка никоҳ қилганлар. Ака Беги Муҳаммадбекдан бир ўғил туққан, исмини Султон Хусайн Мирзо деб атаганлар.

1382 йилда Ака Беги хоним тўсатдан бедаво дардга учрайди. Ҳозик табибларнинг қилган муолажалари фойда бермайди. Ака Беги хоним 1382 йил охирида вафот этади.

СУЛТОН БАХТ БЕГИМ

Султон Бахт бегим — Амир Темурнинг иккинчи қизи. Султон Бахт бегимнинг онаси Соҳибқироннинг иккинчи хотини Ўлжой Туркон оқа бегим эди. У 1366 йилдаёқ вафот этганлиги маълум. Шундан Султон Бахт бегимнинг туғилган йилини 1360—1366 йиллар орасида деб тахмин қилиш мумкин.

Султон Бахт бегим табиятан шаддод, ўжар ва эркакшода бўлиб, эркакларни унчалик ёқтирмаган. Султон Бахт бегим Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миркага никоҳ қилинган. Амир Темур Хутталон вилоятини куёви Муҳаммад Миркага инъом эт-

ган эди. Бироқ Муҳаммад Мирка Темур салтанатига қарши исён кўтаради. 1388 йилда исён бостирилиб, Муҳаммад Мирка укаси Абулфатҳ билан бирга қатл қилинади. Қатл Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзонинг фармонида биноан бажарилади.

1389 йилда малика Султон Бахт бегим амир Довуд дуглотнинг ўғли амир Сулаймоншоҳга никоҳ қилинади. Амир Сулаймоншоҳ Амир Темурнинг опаси Туркон оқанинги ўғли эди.

Малика Султон Бахт бегим 1430 йилда Нишопурда вафот этади.



АМИР ТЕМУР ВА
ТЕМУРИЙЛАРНИНГ
ЖАҲОН МАДАНИЯТИ
РИВОЖЛАНИШИГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ





мир Темур улкан ва қудратли салтанат барпо этиб, маънавий маданиятнинг юксалиши, гуллаб-яшнаши, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланиши учун шароит яратди. Амир Темур ижтимоий фаолиятининг сермахсул натижалари, аynиқса, маданият соҳасида яққол намоён бўлди.

XIV – XV асрлардаги энг юксак аклий ва ижодий муваффақиятлар тимсоли сифатида фан, адабиёт, миниатюра, амалий, мусика ва томоша санъатлари равнақ топди.

Фан

Илм-фан ва маданият аксари мусулмон оламида янгидан гуркираб ривожланиши Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ўша даврда Марказий Осиёда илмий ва адабий фаолият учун қулай шароит яратилганлиги туфайли кўплаб олимлар бу ерда хотиржам яшаб, баракали ижод қилдилар.

Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фанга бўлган қизиқишнинг ўсиши маънавий маданиятнинг умумий юксалишига,

ишлаб чиқариш ва ҳунармандликнинг ўсишига ёрдам берди. Айни вақтда ирригация, шахарсозлик, меъморликнинг илдам ривожланиши фандаги турли йўналишларнинг юксалишига туртки бўлди.

Тарих фани Амир Темур ҳаётлигидаёқ равнақ топди. Тадқиқотчиларнинг эътирофича, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг ўзи қаҳрамонлик билан йўғрилган эди. Соҳибқирон, унинг ўғиллари, невалари,

ҳарбий бошлиқлар ва жангчиларнинг ўзи асли баҳодир, мард инсон, эпик қаҳрамонлар эди. Унинг қўшинида мардлик, жанговарлик руҳи ҳамиша ҳукмрон

бўлган (1). Амир Темур ва Темурийлар учун шахсий қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатиш одатий иш ҳисобланарди.

Қуйидаги далиллар Амир Темур ва унинг авлодлари қаҳрамонлиги, жасоратидан гувоҳлик беради.

Амир Темур юриш пайтида, одатда, ўзи билан бирга доимо «воқеаларни махсус дафтарга ҳар куни ёзнб борадиган» одамни олиб юрарди. Уруш пайтида ҳам, тинчлик даврида ҳам унинг ёнида қўрган-эшитганларини ёзиб борадиган котиблар бўларди, кейинчалик бу ёзувларни шахсан ўзи кўздан ўтказарди. Бу дафтар-қундалиқлар Амир Темур ва Темурийлар расмий солномасининг асосини ташкил этди.

Амир Темур ҳақида ҳикоя қилувчи бизнинг даврпимизгача етиб келган илмий солномалар орасида хиротлик тарихчи Фасих Хавофий эслатиб ўтган эпик асар алоҳида эътиборга молик. Бу асар шайх Жамолиддин Маҳмуд Зангийи Ажам Кермоний томонидан маснавийда ёзилган бўлиб, «Жўш-у хўруш» деб аталади. Ўша пайтда (1403 й.) Гуржистонда бўлган Амир Темур ҳузурига бориб, ўз асарини тақдим этмокчи бўлган муаллиф Кура дарёсида чўкиб ўлган эди (2).

Камолотга эришган вазир улким, давлат муаммоларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрлик билан, асли-насли тозаллигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойидан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таққоловчи буйруқларида унинг аслиги ва тоза наслиги кўришиб турсин.

«Темур тузуклари»



Амир Темур котиби томонидан назмда ёзилган иккинчи солнома «Тарихи хоний» деб аталади.

Учинчи солнома ҳам XIV аср охирларида насрда ёзилган. Хондамир «Ҳабиб уссияр» асарида самарқандлик машҳур олим Мавлоно Сайфуддин Хутгалоний қаламига мансуб ўша хроникани эслатиб ўтади (3).

Амир Темурнинг айрим юришлари ҳам мунтазам ёзиб бориларди. Чунончи, унинг Ҳиндистонга 1398—1399 йиллардаги юришига оид кундаликни қозиул қуззот Насриддин Умар олиб борган.

Лекин аввалги саҳифаларда қайд қилинганидек, бу асарда воқеаларнинг кунма-кун санаб ўтилиши Амир Темурни қаноатлантирмади ва у юришни батафсил баён қилишни Гиёсиддин Али Яздийга топширди. Подшо унинг олдига кундалик «табиий, ҳаммага тушунарли бўладиган услубда, равон ёзилиши керак», деб шарт қўйди. Лекин диний илмлар билан кўпроқ машғул бўлган Гиёсиддин бу вазифанинг уддасидан чиқмади. Шунинг учун ҳам ҳукмдор унинг 1399 йилда ёзиб тугатган «Рўзномайи ғазавоти Ҳиндистон» китобини қабул қилмади (4).

Юқорида номлари тилга олинган муаллифларнинг ишларидан кўнгли тўлмаган Амир Темур табризлик олим Низомиддин Шомийга ўзининг батафсил тарихини ёзишни топширди.

Низомиддин 1393 йил ёзида Бағдод олинган пайтда ҳукмдор билан учрашади. У 1402 йилда Амир Темур топшириғи билан унинг тарихини батафсил ёзишга киришиб, 1404 йил мартада «Зафарнома» номи билан тугатди.

Муаллиф асарни етти йиллик юришдан кейин (1399—1404) Самарқандга қайтишга тараддуд кўраётган Соҳибқиронга, Қорабоғ (Озарбайжон)да тақдим этди.

Гарчи «Зафарнома» ҳам тўлиқ бўлмасида, Амир Темурга маъқул тушди.

1404 йил мартадан Амир Темур вафотигача бўлган вақт оралиғида содир бўлган воқеаларни Шохрухнинг буйруғи билан XV асрнинг машҳур тарихчиси Ҳофиз Аbru «Зайли Зафарномаи Шомий» асарида ёзган (5).

Руи Гонсалес де Клавихо ёзган йўл хотиралари Испан элчисининг 1403—1406 йилларда Самарқандга, Амир Темур саройига ташрифи тўғрисида ҳикоя қилади. Мазкур асар муҳим ҳужжат сифатида катта қизиқиш уйғотади, зеро унда XV аср бошларидаги Шарққа оид маълумотлар, воқеалар уларнинг бевосита шохиди бўлган

европалик киши тилидан ҳикоя қилинади. Бу асар ўзига хос саёхатномадир (6).

Форс ҳукмдори саройида хизмат қилган Мўъиниддин Натанзий 1413—1414 йилларда Шохрухга бағишланган «Мунтахаб аттаворих-и Мўъиний» тарихий асарини ёзиб тугатди. Мазкур асарда дунё яратилишидан бошлаб асар тугатилгунича бўлган даврда мусулмон давлатларида рўй берган воқеалар умум тарих нуқтаи назаридан баён этилади (7).

Шохрух ва унинг Форсда ҳукмронлик қилган (1415—1435) ўғли Иброҳим Султон даврида Шарафуддин Али Яздий форс тилида ўзининг мукаммал «Зафарнома» тарихий асарини ёзди. Муаллиф уни 1425 йилда Хиротда Шохрухга тақдим этди.

Шомий асаридан фойдаланган Шарафуддин Али Яздий тарихий воқеалар баёни устида кўшимча иш олиб борди. Иброҳим Султон хомийлигида подшо идораси ҳужжатхонасидан тўла фойдаланган муаллиф Амир Темур вафотидан кейинги дастлабки икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни ҳам китобга киритган.

Баён қилинган воқеалар ҳам ёзма, ҳам оғзаки манбалар билан тасдиқланган. Шарафуддин Али Яздийнинг асари бугунги кунда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи энг мукаммал, қимматбаҳо тарихий манбалардан биридир (8).

1423—1427 йилларда номаълум муаллиф томонидан «Муиззул-ансоб» асари тузилган бўлиб, унда Амир Темур шажараси келтирилади.

Ҳофиз Аbru Шохрух топшириғи билан икки йирик ва битта тарихий-географик асар ёзди.

Унинг «Мажмуайи Ҳофиз Аbru» тарихий асари 1412—1418 йилларда ёзилган бўлиб, у ўзидан олдин яшаган машҳур ва маълум муаллифлар — ат-Табарий (829—923), Фазлуллоҳ Рашидиддин (1247—1317) ва Низомиддин Шомийлар асарларининг давомидир. Унинг тарихий-географик асари 1414—1420 йилларда ёзилган.

Ҳофиз Аbru Бойсунғурнинг топшириғи билан 1423—1425 йилларда учинчи асари — «Мажма аттаворихи султония» (тўртинчи жилди — «Зубдат аттаворихи Бойсунғурий»)ни ёзди. Мазкур асарнинг охириги қисми, айниқса, муҳим, унда Амир Темур тарихи анча тўлиқ ёритилган (9).

Айни ўша даврда Тожиддин Салмоний «Тарихнома» асарини яратди, унда Шох-



Туркий «Манзума»нинг муаллифи, Ҳазрат (Амир Темур) шахсан ўзи бош бўлган гаройиб ишлардан баъзиларини, эҳтимол бундан сўнг одамлар ишонмасликлари ва ортиқча таърифу тавсифга йўйишлари мумкин деб, ёзиб қолдиришига йўл қўймади, деган.

Шарафуддин Али Яздий



рухнинг 1409 йилда Мовароуннахрни кандай ишрол қилгани акс эттирилган (10).

1401—1408 йилларда Самарқандда яшаган, ҳукмрон доираларга яқин бўлган Ибн Арабшоҳ Амир Темур саройида рўй берган кўпгина воқеаларнинг бевосита иштирокчиси ва шоҳиди бўлганди. У 1437 йили ватани Дамашққа қайтиб келиб, «Ажойиб алмакдур фи тарихи Темур» асарини ёзди. Лекин бу асар эҳтирос билан ёзилгани учун баъзи воқеалар бузиб кўрсатилган (11).

Темур ва Темурийлар даврида тарихий мажмуалар ёзиш кенг тарқалган бўлиб, уларда ўша даврнинг қарор топган анъаналарига мувофиқ дунё яратилишидан то асар ёзилган давргача бўлиб ўтган энг муҳим воқеалар сана тартибида берилган.

Хиротлик тарихчи Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Хавофий (1375—1442) қаламига мансуб, 1442 йилда ёзилган «Мужмали Фасихий» асари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асарнинг охириги қисмида муҳим тарихий воқеалар, атоқли давлат арбоблари, ўша даврнинг машҳур олимлари, шоирлари тўғрисида қисқача маълумот берилган. Унда энг йирик қурилишлар, иншоотлар — масжид ва мадрасалар, хонақоҳлар ва саройлар, боғ ва карвонсаройлар, ҳаммомлар хусусида хикоя қилинган. Темур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти, шажарасига оид маълумотлар ҳам берилган (12).

Абдураззоқ Самарқандий ҳам «Маглаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида воқеаларни йилма-йил баён қилиб беради, унда ўзининг Кермон, Хурмуз ва Форс орқали Ҳиндистонга қилган сафари тўғрисида ёзади. Асарда Эрон ва Ўрта Осиёнинг XIV—XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти кенг ёритилган, шунингдек Ҳиндистон ва Хитой билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари баён қилинган (13).

Умумий тарих бўйича «Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбий ва-л-мулк ва-л-хулафо» асарини машҳур тарихчи Мирхонд (Махдуми Амир Хованд Муҳаммад, 1434 йилда туғилган) ёзган. У умрининг кўп қисмини Хиротда ўтказган. Унга Алишер Навоий хомийлик қилган. Шоирнинг маслаҳати билан бу асарни ёзган, асарнинг охириги қисми XV аср иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга (14).

Хондамир номи билан машҳур Хумиддин Муҳаммад Хиротда туғилиб, таълим олган. Хондамир Хусайн Бойқаро, Бадиуззамон ва Хумоюн саройида хизмат қилган. У тарихга ўзининг ўн уч асари билан кириб келган, лекин улардан атиги саккизтаси, шу жумладан унинг машҳур «Хулосат ал-ахбор фи байон ал-аҳвол ал-аҳйор» (15), «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афроз ал-башар» (16) асарлари бизгача етиб келган. Уларда олимлар (тарихчи ва математиклар, астроном ва табиблар, конуншунос ва дин аҳли, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари ва хаттотлар, расом ва мусикачилар, созандалар) тўғрисида муҳим маълумотлар берилган.

Хондамир ўз асарларида Темур ва Темурийлар Хоразм, Хирот, Балх ва бошқа шаҳарларда амалга оширган қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларини ёритишга катта эътибор берган.

Мирза Муҳаммад Ҳайдар (1500 йилда Тошкентда туғилиб, 1551 йили Кашмирда вафот этган) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаваччаси бўлиб, таниқли давлат арбоби эди. У 1546 йилда эсдалик тарзидаги «Тарихи Рашидий» асарини яратиб, уни Абдурашидхон ибн Султон Саидхон ибн Юнусхонга (1510—1559) бағишлаган. Асарда Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистоннинг тарихий манзараси кенг ёритилган (17).

Астрономия ва математика соҳасида эришилган буюк муваффақиятлар Темурийлар давлатига катта шухрат келтирди. Бу шухрат, биринчи навбатда, Улуғбек номи билан боғлиқдир.

Улуғбек Мовароуннахрда илм-фанни ташкил этиш борасидаги фаолияти билан мусулмон олами кўплаб олимларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Қозизода Румий ҳам шу жумладан.

Кичик Осиёда, Мармар денгизи жанубидаги Бурса шаҳрида (тахминан 1360 йилда) туғилган бу олим дастлабки маълумоти она шаҳрида олгач, Шамсиддин Фанорийдан (18) математика ва астрономиядан сабоқ олди. Қозизода Фанорийдан Хуросон ва Мовароуннахр математиклари ҳамда астрономларининг шухрати тўғрисида кўп хикоятларни эшитди, тахминан йигирма ёшида (XIV аср 80-йилларининг бошлари) она шаҳрини бир умрга тарк этиб, шарққа йўл олди (19).

Манбаларда Қозизода Румий Улуғбекни илк бор қачон кўрганлиги хусусида маълумот йўқ. Лекин Улуғбек ўзининг

Яна ҳукм қилдимки, қайси бир ситоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб мазлум қўлига топширсинлар, токи унинг жазосини зулм кўрганлар берсин.

Кишлоқ оқсоқоли ва шаҳар улуглари кичикроқ даражадаги одамга зулм қилсалар, ўша зулмга яраша, ҳар кимнинг кўтаришича жарима солсинлар. Агар доругалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм этиб, уларни хароб қилган бўлсалар, ишларига лойиқ жазо берилсин.

«Темур тузуклари»

хомийлик қилган. Шоирнинг маслаҳати билан бу асарни ёзган, асарнинг охириги қисми XV аср иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга (14).



«Зиж» асарига ёзган муқаддимасида уни устозим деб атади (20).

1413 йилда, Улуғбек Мовароуннахр хукмдори бўлгандан кейин, устозини Ҳиротдан Самарқандга олиб келди ва у умрининг охиригача шу ерда қолди. Улуғбек мадрасаси биноси ва расадхонаси Қозизоданинг бевосита иштирокида барпо этилди. Қозизода Румий, шунингдек, «Зиж» асари устидаги ишнинг дастлабки босқичида иштирок этди. У 1437 йилда вафот этди, бу вақтда «Зиж» устидаги иш ҳали поёнига етмаган эди.

Қозизода Улуғбек мадрасасида дарс беришдан ташқари илмий иш билан ҳам шуғулланган, расадхонада кузатишлар олиб борган. У астрономия ва математика бўйича бир қанча машҳур асарлар яратди. Улар орасида қуйидаги икки асар айниқса катта шуҳрат қозонди.

Қозизода Румийнинг биринчи асари «Шарҳ ашкол ат-таъсис» бўлиб, унда Румий самарқандлик олим Шамсиддин ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (XIII аср) геометрик рисоласига изоҳлар берган. Бу рисола Мовароуннахр мадрасаларида геометрия бўйича дарслик вазифасини ўтарди. Мазкур изоҳ юзасидан кўплаб қўлёзмалар сақланиб қолган.

Қозизоданинг иккинчи асари «Шарҳ ал-мулаҳхас фи-л-ҳайъа ва-нужум» — ҳо-размлик олим Маҳмуд ибн Умар ал-Чағминий (1220 йилда вафот этган) рисоласига ёзилган шарҳдир. Қозизода шу асар асосида Улуғбек мадрасасида астрономиядан дарс берарди. Асарнинг русча таржимаси чиққан (21). Мазкур асар кенг тарқалган бўлиб, дунёнинг кўпгина китоб хазиналарида сақланмоқда.

Улуғбекнинг «Зиж»ида тилга олинган яна бир машҳур олим Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Коший аслида Ироқи Ажамнинг Кошон шахриданidir. У кейинчалик астрономик рисоласида таъкидлаб ўтганидек, ўз зижини тузиб чиқиш учун кўп зижларни қунт билан ўрганган ва кўплаб маълумотлар тўплаган.

У Ироқ мамлакатаида зижнинг бошқа тадқиқотчиларини топмагани учун ҳамда Улуғбекнинг зижларга бўлган чексиз қизиқшини эшитиб, бажонидил Самарқандга, унинг ҳузурига йўл олди. Бу ерда у ўз зижини тугатиб, совға сифатида Улуғбек кутубхонасига тақдим этди.

Мовароуннахр ва Туркистонда маълум ва машҳур олимлар кўп бўлгани учун у бу зижни «Зиж ҳоқоний дар такмили зиж Элхоний» (22) деб атади. Кошийнинг бу

асари Мовароуннахрда Улуғбек «Зиж»и-гача тузилган энг мукамал ва яхши астрономик асарлардан бўлиб, «Зиж ҳадиди Гурагоний»нинг ёзилишида ҳам аҳамияти бўлган.

Коший математика соҳасида анча салмоқли ва илмий жиҳатдан қимматли ютуқларга эришди. Унинг математик рисо-лаларидан «Мифтоҳ ал-ҳисоб» ва «Рисола ал-муҳитийа» ҳам Улуғбек кутубхонаси учун ёзилган. «Мифтоҳ ал-ҳисоб» муқад-димасидан рисола Самарқандда ёзилгани, яъни у Мовароуннахр илмий муҳитининг маҳсули эканини биламиз.

Коший муқаддимада, юқорида тилга олинган учта асардан ташқари, «Суллам ас-само», «Рисола ал-ватар ва-л-жайб» ва «Нузхат ал-ҳадойик» рисолаларини ёзган-лигини маълум қилади. Муқаддима қуйи-даги сўзлар билан тугайди: «Умид қила-манки, аъло ҳазратлари бу асарни қабул қилади, нотўғри жойларини тuzатади, ха-толарини кечиради ва кам-кўстини тўлди-ради» (23). Кошийнинг бу сўзларида Улуғбекнинг улкан илмий салоҳияти эъти-роф этилган.

Кошийнинг «Мифтоҳ ал-ҳисоб» рисола-си беш китобдан иборат: биринчиси — бу-тун сонлар арифметикасига, иккинчиси — каср арифметикасига, учинчиси — ол-мишлик ҳисоблашга, тўртинчиси — гео-метрик ўлчовларга ва бешинчиси — алгеб-рага бағишланган.

1417 йилда Самарқанд илмий мактаби тўғрисида Коший отасига ёзган хати қим-матли ёдгорлик ҳисобланади. Унда Самар-қанддаги илмий муҳит ҳақида баён этилган бўлиб, Улуғбек ҳам олим, ҳам илмий мак-таб ҳомийси сифатида таърифланган. Ко-ший Улуғбекнинг заковатини юксак ба-ҳолаган. Мазкур хат русча таржимада ик-ки марта босилиб чиққан (24).

Ушбу хатдан, шунингдек, Самарқанд астрономия мактабининг олим-лари Птолемей геоцентриқ ти-зимининг изчил тарафдорлари эканлигини, уларнинг Птоле-мейнинг «Алмажистий» асари-ни ўқиб-ўрганиб, Мароға ра-садхонаси олимлари ютуқла-рини аниқлаш йўлидан борган-ликларини, Носириддин Тусий (1201—1278) маълумотлари-ни ва Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асарларидан киритилган маъл-умотларни билиб оламиз.

Улуғбек «Зиж»и муқаддимасида тилга олган Самарқанднинг учинчи йирик оли-



Дўстлик ҳам унга (Амир Темурга) ҳузур бағишлар эди. Ёқимлиги туфайли дўстлар орттирди, уларни сақлай билди, уларга дўст ҳисоблашишдан ор қилмади. Зеро, Амир Темур дўстликка фақат дўстлик билангина жавоб бериш мумкинлигини яхши билар эди.

Л. Лангле



ми — Алоуддин Али ибн Муҳаммад Кушчидир (1402 йилда туғилган). Улуғбек у ҳақда катта меҳр ва самимият билан гапириб, Али Кушчи сарой кушчисининг ўғли бўлишига қарамай, уни «садоқатли фарзандим» (фарзанди аржуманд) деб атайди (25). Али Кушчи Улуғбекнинг тиришқоқ ва содиқ шогирди эди. Кейинчалик у йирик олим сифатида шаклланди, Шарқ ва Ғарб фанларини бир-бирига боғлади.

1449 йил кузидаги қонли, фожиали воқеалардан кейин Мовароуннаҳрда сиёсий вазият издан чиқди. Самарқанднинг Темурий ҳукмдорлари Улуғбекдан кейин дунёвий фанларга эътибор бермай қўйишди. Шунинг учун ҳам Али Кушчи XV аср 60-йилларида Самарқандни тарк этди.

Юқорида Улуғбек астрономия мактабининг асосини ташкил этувчи Самарқанд олимларидан энг забардастларининггина номлари тилга олинди. Фаннинг асосий ташаббускори ва ташкилотчиси, шубҳасиз, Улуғбекнинг ўзи бўлган.

Улуғбек «Зиж»дан ташқари, яна учта асар ёзди. Биринчиси «Рисола фи истихроҷ жайб даража воҳида» рисоласидир. Рисоладаги «Жадвалларнинг амал қилиш қоидалари ва уларни тузатиш» қисми Мирим Чалабий қаламига мансуб ва у Б.А. Розенфельднинг русча таржимасида Жамшид Кошийнинг юқорида тилга олинган рисоласида эълон қилинган деб ҳисоблаб келинади (26). Энди мазкур рисолани Улуғбекнинг ўзи ёзганлиги аниқланди (27). Улуғбек «Зиж»и устида ишлаётган вақтда олимлар «Зиж»га берган изоҳларида рисоланинг тўла нусхасини аниқлашга ва унинг русча таржимасини нашр этишга муваффақ бўлишган (28). Эндиликда рисоланинг алоҳида қўчирилган икки нусхаси маълум бўлиб, улар Берлин ва Қоҳирада сақланмоқда (29).

Улуғбекнинг бизгача етиб келган «Рисолаи Улуғбек» номли яна бир математик асари бир нусхада Алигархда (Ҳиндистон) сақланмоқда (30). Мазкур рисола ҳали мутлақо тадқиқ этилмаган.

Яқин-яқингача Улуғбек фанда фақат астроном ва математик сифатида машҳур эди, холбуки ўрта аср муаллифлари уни мумтоз араб ва форс адабиёти, мусиқаси ва тарихининг нозик билимдони деб таърифлашган.

Кейинги вақтларда Улуғбекнинг мўғуллар давлати тарихига оид «Тарихи арбаъ улус» асарини ёзганлиги аниқланди (31). Британия музейининг тўла бўлмаган қўлёзмаси бўйича ўзбекча таржимаси нашр этилди, ўша музейда асарнинг мукаммал қўлёзмаси ҳам сақланмоқда.

Улуғбекни дунёга машҳур қилган асосий асари «Зиж Улуғбек», «Зиж Султоний» ва «Зиж жадиди Гурагоний» номлари билан маълум. Улардан энг машҳури биринчисидир.

Улуғбек «Зиж»и дарҳол олимлар эътиборини тортди. 1444 йилда китоб тугатилганидан бошлаб ҳозирги кунгача мазкур асарга қўп марта лаб изоҳ ёзилган ва унинг парчалари ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда босилиб чиққан.

Улуғбекнинг «Зиж» асарига бўлган қизиқиши бизнинг кунларда ҳам сўнгани йўқ, чунки унда келтирилган шаҳарлар ва юлдузларнинг сферик координатлари китъалар дрейфи назарияси нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Самарқанд илмий мактаби олимларининг, айниқса Улуғбек билан Кошийнинг асарлари ўз даври учун янгилик бўлиб, замонасидан анча илгарилаб кетганди. Улар XV аср Уйғониш даври руҳи ва даражасида яратилган асарлардир.

Таълим

Темур ва Темурийлар даврида мадраса олий маълумот берадиган марказ вазифасини бажарган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда асосан давлат ва давлатманд шахсларнинг маблағларига қурилган қўплаб мадрасалар бор эди.

Мусулмон оламида биринчи мадраса X асрда Бухорода барпо этилган. Мадрасада илоҳиёт билан бир қаторда дунёвий фанлар: қонуншунослик (фикх), мантик, математика (риёзиёт), геометрия (ҳанда-

са), фалакиёт (илми хайъат), тиббиёт, тарих, жуғрофия, адабиёт, шеърият (илми аруз), араб тили ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган.

Мадрасада энг етук мутахассислар дарс беришган. Уларга алоҳида иш ҳақи тўланар эди. 1404 йили Амир Темурнинг хотини Сароймулк хоним Эридан рухсат олиб, ўз отаси — Қазонхондан қолган маблағга Самарқандда шундай мадраса қурдирган эдики, у ўз ҳашамати билан ўша даврдаги

бошқа иншоотлардан ажралиб турарди. Унда ўз даврининг машхур олимлари мударрислик қилганлар.

Хондамирнинг маълумотига кўра, Хирот худудининг ўзидагина 36 та мадраса бўлиб, бу мадрасаларда ва шу худудда жойлашган хонақоҳларда таълим олиш учун турли мамлакатлардан талабалар келар эди.

Хирот теварагида жойлашган амир Ферузшоҳ мадрасаси ва хонақоҳи айниқса шуҳрат қозонган эди. Инжил канали бўйида, Доруш-шифо шифохонасининг рўпарасида жойлашган Ихлосия мадрасаси ва Халосия хонақоҳи Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида барпо этилган. Бу мадрасада дунёнинг турли мамлакатларидан келган толиби илмлар таълим олишар эди.

Ўша даврнинг етук мударрислари бўлган амир Бурҳониддин Атоуллоҳ Нишопурий, кози Ихтиёруддин Хасан Журобий, Амир Муржоз ва Фасихуддин Муҳаммад Низомий шу мадрасада ўқишган. Ўқитиш танлов асосида олиб борилиб, ҳар ойлик танловда бўш талабалар тушириб қолдирилиб, ўқишни фақат кучлилари давом эттиришган.

Улуғбек тўрт мадраса — Бухоро ва Гиждувонда биттадан, Самарқандда икки та мадраса қурдирган.

Ўша даврда Самарқандда Улуғбек қурдирган мадрасалардан ташқари Хоним,

Қутбуддин Садр ва Муҳаммад Султон мадрасалари ҳам мавжуд эди.

Мадраса ва хонақоҳ тингловчилари фаннинг турли соҳаларидан кўпгина китобларни таҳлил қилар эдилар. Аммо Темур ва унинг авлодлари саройларида кўхна дунё ва ўрта асрнинг ноёб асарлари сақланиб келаётган бой кутубхоналар бор эди.

Самарқандда Амир Темур ва Улуғбекнинг, Хиротда — Шохрух, Бойсунғур, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг бой кутубхоналари зиё тарқатиш билан машғул эди. Алишер Навоий кутубхонасини 1499 йилдан Хондамир бошқарган. Ўрта асрнинг буюк санъаткори, миниатюра санъатининг забардаст вакили Камолиддин Беҳзод (1456—1537) дастлаб 1500 йили Хусайн Бойқаро саройидаги кутубхонага, кейинчалик, Хиротдан Табризга кетгач, шоҳ Исмоил I нинг кутубхонасига бошчилик қилган. Беҳзодни сарой кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлаш ҳақидаги шоҳ Исмоил I нинг 1500 йил 24 апрелдаги нишонининг нусхаси Хондамирнинг асарида келтирилган.

Ўша давр муаллифлари кўпинча ўз асарларини кутубхоналарга бағишлар эдилар. Масалан, Фиёсиддин Коший ўз асарларининг кириш қисмида таъкидлаганидек, уларни Улуғбек кутубхонасига бағишлаган.



Тиббиёт

Амир Темур ва Темурийлар даврида тиббат илмига, даволаш, орасталик ишларига, бу соҳадаги қурилишларга катта аҳамият берилган.

Манбаларда, шу жумладан Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасих Хавофийнинг «Мужмали Фасихий», Хондамирнинг «Хулосат ал-ахбор» ва бошқа асарларида келтирилган маълумотларга кўра, ўша давр шифохоналарида мадраса ва бошқа ўқув юртларида билим олган юзлаб табиблар ишлар эди.

Хиротда Умаршайхнинг хотини бўлган Маҳди улэ Милкат оқа қурдирган «Доруш-шифо» машхур эди. Юксак дид ва маҳорат билан бунёд этилган мазкур шифохона билан унинг шимол тарафида қурилган Дорал-хуффоз орасида ховуз бўлиб, унда табиблар беморларни даволар эдилар. Бундан ташқари, Боғи Зоғонда ҳам Доруш-шифо бор эди.

Ўша даврнинг етук шифокорлари шифохоналарда беморларни даволаш бароба-

рида мадрасаларда ва бошқа ўқув юртларида мударрислик ҳам қилишар эди. Уларнинг баъзилари ажойиб шеърлар ёки ўзга шоирларнинг шеърий асарларига татаббуъ (ўхшатиш) ҳамда ўзидан аввал ўтган олимларнинг тиббиётга оид асарларига араб, форс ва туркий тилларда шарҳлар ёзишган.

Шарафуддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳнинг маълумотларига кўра, Амир Темур Шом (Сурия)дан Самарқандга ўзи билан бирга табиблар сардори Мавлоно Жалолиддин, Мавлоно Сулаймонни олиб келган. Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий Амир Темурнинг шахсий табиби бўлган. Булардан ташқари, Амир Темур саройида Мавлоно Иззаддин Масъуд Шерозий ва Мавлоно Фаррух каби машхур табиблар ҳам хизмат қилишган.

Амир Темур Осиёда қарийб йигирма аср ҳукмронлик қилган жангчилар силсиласининг вакили эди. Унинг давлати миллоддан аввалги тўртинчи асрда, Буюк Искандар давридан бошлаб Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Русия даштлари ва Хитой сингари улкан худудни ўз ичига олган салтанатлардан бири эди. Уларнинг ўзаги Марказий Осиё эди.

Хильда Хукхэм



Машҳур табиб Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Юсуф ибн Фақиҳ Илёс тиббиётга оид бир неча асарлар яратган. «Ташрих-и Мансури» номи билан ҳам машҳур бўлган ва Амир Темурнинг набираси Пир Муҳаммад Баходирга бағишланган «Рисола дар ташрих-и бадан-и инсон» («Инсон анатомиясига оид рисола») шулар жумласидандир. Асар муқаддимасида одам танасининг турли аъзолари, жумладан, суяк, асаб, мускуллар ва қон томирлар тасвирланган. Асар хотимасида эса мураккаб аъзолар ҳақида сўз юритилган.

Унинг ўз устози — Мажоҳиддин номи билан аталган иккинчи асари «Кифояйи Мансури» ёки «Кифояйи Мажоҳидийа» («Мажоҳид учун муқаммал китоб») номи билан машҳур бўлиб, асар Зайналобиддин Кашмирийга (1420–1470) бағишланган. Бу асарда инсон танасининг соғлом ҳолати, касаллик сабаблари, саломатлик ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, баданнинг турли аъзолари, уларнинг касалликларини даволаш усуллари, оддий ва мураккаб дори тавсифи келтирилган. Хуросоннинг Тайобод қишлоғидан чиққан машҳур олим ва табиб Шамсиддин Одам ва Низомиддин Шерозий Шохрух саройида донғи кетган табиблардан эди.

1427 йили Шохрухнинг ўғли Бойсунғур Баходур бетоб бўлиб қолганида, мазкур икки табиб уни бир неча кун даволаб, оёққа тургазганлар.

Кермонлик табиблар оиласидан чиққан Бурхонуддин Нафис ибн Иваз ибн Ҳаким ал-Кермоний Улуғбек таклифига биноан Самарқандга келиб, унга шахсий табиблик қилган.

У 1424 йили Нажибуддин Самарқандийнинг (1222 йили вафот этган) араб тилидаги «Касалликларнинг сабаблари ва аломатлари» («Ал-асбоб ва-л-аломат») асарига шарҳ битиб, уни Улуғбекка бағишлаган. Ал-Кермоний ўз асарига шарҳланаётган асардан баъзи парчаларни ҳам киритган. Шу туфайли Нажибуддин Самарқандийнинг асари фанга маълум бўлиб қолган.

XIII асрда яшаб ижод этган қаршилик машҳур табиб Али ибн ан-Нафис ал-Қаршийнинг «Ал-Муъжаз» асарига ҳам ал-Кермоний шарҳ битган.

Шамсиддин Муҳаммад ибн Одам, Муҳаммад Муъмин, Кутбиддин Муҳаммад

Одам сингари олим табиблар Хусайн Бойқаро саройида хизмат қилганлар.

Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Жалолиддин табиб (1500 йили вафот этган) фаннинг турли соҳаларида билимдон эди. У «Муолажоти илоҳий» номли асарга қисқа, лекин мазмунли шарҳ тузиб, табобат илмида ўзини кўрсатган.

Дарвиш Алининг табиблик маҳоратини Алишер Навоий юқори баҳолаган. У Милкат оқанинг Доруш-шифосида мударрислик қилган ва шу шифохонада беморларни ҳам даволаган. Турли касалликларни даволашда махсус услубларни қўллар эди.

Мавлоно Камолиддин Масъуд Шервоний Гавҳаршод оқа ва Ихлосия мадрасаларида бир неча йил мударрислик қилган. У нафақат табибликда, балки шеърят ва мантиқ илмларида ҳам зўр маҳоратга эга эди. Кейинчалик у Ғиёсия мадрасасида дарс берган, томирдан қон чиқариш услубини пухта эгаллаган. У тиббиётга оид иккита асар ёзиб қолдирган. Бу асарлар талабалар учун дастуриламал бўлиб қолган.

Мавлоно Низомиддин Абдулхай табиб аввал Алишер Навоийнинг Доруш-шифосида беморларни даволаш билан шуғулланган. У шу қадар шухрат қозонган эдики, Хожа Аҳрор бетоб бўлиб қолганида, уни Самарқандга таклиф қилганлар ва у тез орада Хожа Аҳрорни даволаб, оёққа тургазган. Ҳиротга қайтач, у Хусайн Бойқаро саройида хизмат қилган ва ҳарамдаги беморларни даволаган.

Абдулхай табиб кўпроқ қон томирлар билан боғлиқ касалликларни даволаш услубларини пухта эгаллаган.

Амир Темур ва Темурийлар табобат фанига ҳомийлик қилиб, ушбу фан тармоғининг кенг ривожланишига кўмаклашдилар.

Амир Темур ва Темурийлар даврида орасталик ва озодаликка ҳам катта эътибор берилган.

Халқни ичимлик сув билан таъминлаш учун кўпгина ҳовуз, канал, ариқ қазилган.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Амир Темур ва Темурийлар даврида юқумли касалликлар тез-тез тарқалиб турар эди. Бунинг олдини олиш учун керакли чоралар кўрилган. Хусусан, тозалликка катта аҳамият берилган, айниқса ариқ ва ҳовулардаги сувлар ниҳоятда тоза тутилган.

Меъморлик ва шаҳарсозлик

Амир Темур ва Темурийлар давридан бизнинг кунларгача сақланиб қолган мухташам санъат обидалари ўз даврида Соҳибқирон хомийлигида мамлакатда меъморлик ва шаҳарсозлик ғоят ривожланганлигидан далолат беради. Бу даврда меъморлик айниқса раванқ топди. Соҳибқироннинг бунёдкорлик сўзларига кулоқ беринг: «Хар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим».

Яна бир ўринда Амир Темур таъкидлайди: «Яна амр этдимки, катта-кичик хар бир шаҳар, хар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, факиру мискинларга лангархона (мусофирхона) солсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Хар бир шаҳарда доруламорат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саройи) қурсинлар!» (1).

Бу каби қўллаб тарихий ҳужжатларда Амир Темурнинг меъморий даҳоси қўламини, бунёдкорлигининг бекиёслигини, кейинги асрлар меъморлик санъатига хомийлигини яққол кузатиш мумкин. Амир Темур даври улкан бунёдкорлигини ўз кўзи

билан қўрган муаррих Ибн Арабшоҳ дорулсалтана Самарқанддаги хайратомуз бинолар ҳақида ёзади.

Соҳибқироннинг меъморий бунёдкорлиги соҳасидаги бекиёс ишларини Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон шаҳарларида ҳозиргача сақланиб қолган ноёб ва нодир обидалар мисолида кўриб турибмиз. Темурийлар давридаги бундай улкан бунёдкорлик жараёни натижаси ўлароқ кенг қўламда меъморлик мўъжизалари яратилгани фикримиз дилидир.

Амир Темур вафотидан кейин улкан салтанати дарз кетди, секин-аста парчаланиб, бир қанча мустақил давлатлар пайдо бўлди. Шохрух, Улуғбек даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда умумий юксалиш узвий давом этди, ажойиб меъморий мажмуалар яратилди.

Хусайн Бойқаро даврида Ҳирот шаҳри меъморлиги катта ютуқларга эришди, жаҳон меъморлиги тарихида муносиб ўрин олган дурдоналар яратилди. Заҳириддин Мухаммад Бобур (1483—1530) ва Бобурийлар хонадони Ҳиндистон меъморлигида янги давр очди. У ерда янги меъморий услуб таркиб топди.

МЕЪМОР УСТАЛАР

Амир Темур даврида дорулсалтана Самарқандга мохир санъаткор усталарнинг кўчириб келтирилиши шаҳарнинг мисли кўрилмаган маданий раванқ топишига замин ҳозирлади. Самарқанд тез орада Марказий Осиё ва Ўрта Шарқнинг мохир меъморлари жам бўлган масканга айланди.

Маҳаллий ва четдан келган меъморлар ҳамда бинокор усталарнинг ҳамкор ижоди туфайли Мовароуннаҳр меъморлигининг энг сара анъаналари негизида меъморликда бадиий ижодиётнинг гўзал намуналари вужудга келди.

Бино лойиҳасини ишловчилар сифатида меъмор, муҳандис, ал-банно, устод номларини учратамиз. Ижодкор усталар доим Амир Темур атрофида бўлишган.

Амир Темур даврида лойиҳа тузиш санъати ривожланиб, ҳатто ижодкор меъмор ва муҳандислар ўртасида ўзаро танловлар ўтказилиб, энг мақбули тавсия этилган. Бунёд этилаётган меъморий обида хар жихатдан мукамал, хушқад, шаклу

шамойили мутаносиб, безаклари нафосат билан етук санъат асари даражасида бажарилган.

Амир Темур меъмор-муҳандисларни «салтанат корхонасига ривож берувчилар» қаторида ўз атрофида тушлади. «Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳатарҳини чиздирдим» (2), дейди Соҳибқирон.

Ўша давр тарихий ҳужжатларида меъморлардан Хожа Маҳмуд Довуд ва Мухаммад Жалд, Мухаммад ибн Маҳсуд Исфажоний, боғ тузиш устаси Шихобуддин Аҳмад Зардақаший, мусаввир ва наққош Абдулхай Бағдодий, тоштарошлик устаси заргар Олтин, меъморий ёзувлар хаттоти Шайх Мухаммад Табризий каби номларни учратиш мумкин. Бироқ устоз санъаткорлар номларининг аксарияти унут бўлиб кетган.

Ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат салтанат устуларини ушалар билан қувватлаб, мажлисларини шулар билан зийнатладим.

«Темур тузуқлари»





Шохрух даврида меъмор Қавомиддиннинг номи Хуросон шаҳарларида, айниқса, машҳур бўлган. Бобурийлар даври меъморлигининг шох асарларидан

бўлган Тожмахал безаклари орасида Муҳаммад Шариф Самарқандий ва Ота Муҳаммад Бухорий номлари сақланиб қолган.

БИНОКОРЛИК АШЁЛАРИ

Қурилиш соҳасида қадимда соз тупрок, хом ва пишиқ гишт, ганч, ганчхок, ёғоч, қамиш, тош каби маҳаллий ашёлардан фойдаланилган.

Синчкор иморатлар уй-жой қурилишининг асосини ташкил этган. Том вассажуфт (тоқи)лар билан беркитилган.

Ганчкорлик кенг қўлланилган. Ганчкор безак турлари жуда кўп. Бўртма ганч безакнинг энг нафис тури — кундал устидан, одатда, зарҳал берилган.

Наққошлиқда, асосан, маҳаллий маъдан бўёқлари ишлатилган. Наққошлик бино ичкарасидаги нозик ва нафис безакларда кенгрок ўрин эгаллаган.

Бино ташқарисидаги безакларда оддий сопол, сиркор сопол-парчин ва қошиқ кенг қўлланилган.

Бино пойдеворида тош парчалари ишлатилган; ташқи изора каби безакларда ҳар хил ўймакор, мукарнас, гириҳ шакллари билан тоштахталарни қўрамин.

Икки-уч қаватли уй қурилишида синч кенг қўлланилган. Кўчма ва йиғма бинолар асосида меъморий конструкцияларнинг янги имкониятлари синовдан ўтказилиб, сўнгра кенг қўлланишга тавсия этиларди. Амир Темурнинг бундай йиғма масжидини ҳайрат билан томоша қилган Клавихо: «Масжид шундай қурилган эдики, зарур ҳолларда уни бўлакларга ажратиб, тахлаб қўйиш ҳам мумкин» (3), — дейди.

Гишттин биноларда равок, гумбаз асосидаги конструкциялар кенг қўлланилган, кат-

та саҳнлар усти иложи борича беркитилган.

Амир Темур даври меъморлигида баланд току равоқларни кузатар эканмиз, Шарафуддин Али Яздийнинг: «Агар осмон гумбази бўлмаганида масжид гумбази оламда ягона бўлар эди», — деган муболагаси ёдга тушади.

Янги конструкция ғояларининг пайдо бўлиши току равоқли тизимларнинг илдам ривожига олиб келди. Бурчак равоқлари ташкил этган саккиз ёқли девор устига боғланадиган гумбаз қадами ўз ниҳоясига етгани учун ҳам, гумбазга ўтиш орасида бошқача поғоналар пайдо бўлди. Туркистондаги Аҳмад Яссавий хонакоҳ-мақбара-сида янги конструкциянинг содда ибтидо-сини кузатсак, Шаҳрисабз ва Самарқанддаги Оқсарой, Боғи Дилкушо кўшкы, Чўпонота биноларида анчагина мураккаб шакллари кўрамин.

Гумбазлар тузилишида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Қўшқобиқ гумбазлар кенг қўлланилди. Ғури Амир сингари баъзи ноёб меъморий ёдгорликларда уч қобиқли гумбазлар ҳам пайдо бўлди.

Машҳур мусаввир Камолиддин Бехзоднинг бир жажжи тасвири Самарқанддаги Жоме масжидининг қурилиш жараёнини жуда мукамал кўрсатган. Тасвирни диққат билан ўрганар эканмиз, беихтиёр Алишер Навоийнинг худди шундай «бино олий равоқи»га ҳавоза боғлангани, устунларга тошлардан пилпоя ясалгани, нажжор арраси билан ёғочни кесиши, лойкаш белқурак билан лойга ишлов бериши, хоротарош тепа билан тошни мўмдек йўниши, кордонлар нақш пардоз қилиши ҳақидаги хикояти эсга тушади.

Амир Темур ва унинг энг яқин ворислари даври ўз хусусиятига кура, Самарқанд шаҳрининг одатдан ташқари илдам ривожланиш давридир. Ташқи безакларга бой ажойиб, мухташам меъморлик обидаларининг аксарияти худди шу даврга мансубдирки, кўпинча қолган бутун тарихи унут булган Самарқанд ҳақидаги одатий тасавуirlар уларнинг қиёфаси билан чамбарчас боғлиқдир.

А. Якубовский

ШАҲРИСАБЗ — АМИР ТЕМУР ВАТАНИ

Амир Темур ватанининг Шаҳрисабз деб аталиши бежиз эмас: шаҳар, ҳақиқатан, ям-яшил, серсув, баҳаво жаннатмакон ерда жойлашган. Илгари унинг номи Кеш (Каш) бўлган. Исломият даврида иллар маркази сифатида «Қуббатул-илм вал-адаб», яъни «Илм ва адаб гумбази» де-

ган шарафли маком билан машҳур бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг киндик кони тўкилган Ватанига келган Испания элчилари (1404 йил, август оyi) уни «ката шаҳар» сифатида таърифлайдилар.

Қалъа деворлари, буржу дарвозалари



Амир Темурнинг амри билан ва шахсан унинг раҳбарлигида қурилган. Деворнинг узунлиги тахминан 5 километр бўлиб, тарҳи 770 х 1730 метр масофадаги тўғри тўртбурчак қалъа эди: хар тарафида қўш минора, пештоқли дарвозахона орқали ичкарига кириш мумкин бўлган.

Испаниялик элчилар Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти билан боғлиқ иморатларни диққат билан қўздан кечиришган. Уша вақт иморатлари бизгача дастлабки қиёфасини қисман йўқотган ва вайрон ҳолда етиб келган, баъзилари бутунлай бузилиб кетган. Шунинг учун ҳам уларни ўз кўзи билан кўрган Клавиҳонинг воқеий маълумотлари ҳозирги меъморлик тарихи ва амалиёти учун алоҳида қимматга эга (4).

Шамсуддин Кулол Шаҳрисабзда энг ҳурматли шайх ҳисобланган. У Амир Темур хонадонига жуда яқин бўлган. Отаси Амир Тарағай ўз пири олдига янги туғилган фарзандни олиб келганда, Шайх Қуръон кўриб, болага Темур исмини қўяди. Амир Темурнинг эътироф этишича, ёшлигидан авлиёнинг насиҳатларини олган, салтанатда эришган шавкатли зафарларга пир руҳияти ҳомийлиги ва ҳиммати катта ёрдам берган.

Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилингандан сўнг Шайх Шамсуддин Кулол руҳига катта иззат-икром билан Шаҳрисабзнинг жанубий сарҳадидаги манзилга, яъни Авлиё қабри устига гумбазли мақбара тикланди ва у ер муборак қабристонга айланди.

Амир Темур 1374 йилда пирининг қабри ёнига янги қурилган мақбарага отаси Амир Тарағайнинг қабрини кўчиртирди. Масжиди Жоме билан боғланиб ташкил топган меъморий мажмуа Дорут-тиловат, яъни марҳумлар руҳига тиловат қилинадиган маскан номи билан машҳур бўлди.

Мазкур муқаддас манзил шарқида, шаҳарнинг кўҳна Симхона дарвозаси ёнида бошқа бир улкан меъморий мажмуа — Дорус-сиёдат, яъни Пайғамбар авлодлари — саййидлар уйи қад кўтарди.

Шарафуддин Али Яздий таъкидлаганидек, Кеш — Шаҳрисабз шаҳрида Пайғамбар ҳадисларини тўплаб, шарҳловчи муҳаддислар қўп бўлган.

Булар орасида Ҳазрати Имом сифати билан элга танилган Ибн Наср ал-Кеший (865 йилда вафот этган) Кешнинг жануби-шарқий сарҳадида дафн этилган. Амир Темур томонидан бунёд эттирилган улугвор иморат ҳозир Ҳазрати Имом номи билан

аталади. Мазкур имомнинг муборак исми-шарифи 1868 йилда ўрнатилган ўймакор эшик китобасига битилган.

Хонақоҳ, иккита мақбара ва ҳовли атрофидаги бир неча хужралар меъморий мажмуа таркибига киради. Иморатнинг олд томони баланд ва кенг пештоқдан иборат бўлиб, пештоқнинг фақат шимолий қисми кулаҳий гумбази ва бурчакдаги минораси билан сақланиб қолган.

Меъморий мўъжиза ҳисобланган мухташам Оқсарой мажмуи қурилиши 1380 йилда бошланган бўлса, 1404 йил кузида ҳам бу афсонавор ва беқиёс саройда пардоз ишлари давом этар эди. Таърифи тилларда дoston бўлган Оқсарой бинолари замонлар ўтиши билан бузилиб кетган.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавиҳо синчковлик билан ёзиб қолдирган таасуротлар меъморлик тарихи учун ягона гувоҳ-хужжат бўлиб қолмоқда:

«Саройга кириш жойи жуда узун ва дарвозаси жуда баланд, шу ернинг ўзида, кираверишдаги ўнг ва чап томонларда кошинкор безатилган фиштин равоқлар жойлашган. Бу равоқлар ичида эшиксиз кичик хоналар, кошинкор сахни суфалар бор.

Дарвозадан ўтганда бошқаси кўзга ташлангани, унинг ортида эса оқ тоштахталар тўшалган катта ҳовли, атрофи ҳашаматли безатилган айвонлар билан қуршалган, ҳовли ўртасида катта ҳовуз бор. Ҳовлининг кенглиги чамаси уч юз қадам...».

Пештоқдан ўтгач, тўғри тўртбурчак кенг ҳовлининг бош ўқида икки тоқу равоқли айвон бўлган. Гумбазли катта хоналарда кўринишхона, девонхона хизматчиларининг йиғинлари ўтказилган. Пештоқ-айвонлар орасида унча катта бўлмаган қўшқават хужралар қатори бўлган.

Соҳибкирон саройида кўринишхона асосий ўринни эгаллаб, дабдабали, серхашам кўриниши билан ажралиб турарди. Кўркам, маҳобатли пештоқ тепасида Амир Темурнинг уч халқадан иборат туғроси Арслон ва Қуёш мужассами шаклларида берилган.

Элчи сарой ичкарисидаги зебу зийнатли безаклар ҳақида ҳайрат билан ёзади: «Бу эшик орқали чорси кўринишхонага киримиз: деворлари олтин ва ложувард кошинлар билан безатилган, шифти бутунлай зарҳалланган. Бу ердан элчилар юқори қаватга олиб чиқилган. Хонақоҳнинг ҳамма тарафи зарҳал бўлгани учун, уларнинг бири ҳақида муфассал сўзлаб бериш кифоя».

Оқсаройнинг ўтмишдаги беқиёс улугворлиги далили сифатида бош пештоқнинг





икки рукни вайроналари ҳозиргача сақланиб қолган. 22 метр кенгликдаги пешток равоқи, икки томондан минорасимон буржлар ва даҳанаси билан диққатни жалб этади. Пештокнинг тепа қисми сақланмаган. Худди шу ерда уч доира — Қуёш ва Арслон тасвири билан кошинкорий безаклар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Пештокнинг маҳобатига махлиё бўлган

Захириддин Бобур «Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро токидин бу буюкроқдир» (5), — деган эди. Чиндан ҳам, Марказий Осиё меъморлигида бундай буюк бино бўлмаган.

Оқсарой Марказий Осиё меъморлигида халқ меъморлари ижодининг энг юксак чўккиси сифатида сўнмас истеъдод ва меъморий изланишлар намунаси бўлиб қолади.

Самарқанд — фирдавсмонанд доруссалтана

Амир Темур Самарқанд шаҳрини ривожлантиришга, гуллаиб-яшнатишга алоҳида ихлос қўйган эди. Давлат пойтахтига айланган Самарқандда 1370 йил июнида курултой чақирилиб, унинг улкан шаҳарсозлик тadbирлари ҳақидаги режалар белгилаб олинди.

1371 йили қисқа муддат ичида шаҳар атрофига мудофаа истехкоми вазифасини бажарувчи қалъа девори буржлари билан олти дарвозахона барпо этилди. Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Гозуристон (Коризгоҳ), Бухоро ва Шайхзода (Чорраха) дарвозалари шаҳарнинг олти тарафидан келадиган йўллари белгилаб турарди. Дарвозалардан бошланган шаҳар кўчалари марказий бозорга бориб уланарди.

Самарқанд бинокорлик кўламининг кенглиги катта шаҳарсозлик ишлари бажарилишини тақозо этарди. Айрим хиёбон ва майдонлар янгича қиёфага эга бўлди. Чорсу бозорини Оҳанин дарвозаси олдидаги янги меъморий мажмуа билан қулай туташтириш учун янги хиёбонлар барпо этилди.

Меъморий хусусиятлари яққол намоён бўлган бу янги қурилиш анъанавий савдо растасининг ўзига хос намунасидир. Умуман бозорлар, улардаги дўкон, устахона ва ҳар хил бинолар шаҳарнинг меъморий қиёфасини белгилайди. Ҳозирги Регистон яқинида Амир Темур малика Туман оқа бегим учун қурдирган Токи Телпакфурушон деб аталувчи гумбазли бозор биноси бўлган.

(Соҳибқирон) подшоҳлик тахтида шундай буйруқ берардики, ҳузурига Рум қайсар ва Чин хоқони кирган тақдирда ҳам қурқув ва сиёсат босиб, хазонрез шамолдаги тола каби титраб турган бўлардилар.

Хофиз Абру

Кўксарой. Амир Темур бунёд эттирган иккинчи улкан иморат Кўксарой номи билан машҳур. Шаҳарнинг кун ботар томонидаги қалъа — Арки Олий қиёфаси анча

ўзгарди. Амир Темур бу ерда атрофи мустаҳкам ўралган қалъа бунёд эттирди, маҳобатли дарвозахоналар қурдирди, қалъа ичига махсус обмўри орқали сув келтирди.

Бу ерда қад кўтарган «тўрт ошёнлик» Кўксарой ҳар жиҳатдан ажралиб турарди. Сарой теварагини латиф Бўстонсарой боғи қуршаб турган.

Кўксаройнинг тўрт қаватли улкан иморат бўлганлиги унинг нақадар улғувор, маҳобатли ва ноёб эканлигидан дарак беради.

Амир Темур Жоме масжиди. Бу буюк меъморий обида Соҳибқирон тасдиқлаган лойиҳа асосида бошланиб, жуда тез суръатлар (1399—1404) билан қурилган. Бу иншоот ўша даврнинг энг катта ва энг мухташам Жоме масжиди бўлиши керак эди. Худди шундай қилиб қурилди. Масжиднинг сақланиб қолган қолдиқлари ҳам ўз маҳобати билан ҳайратга солади.

Туман оқа масжиди. Шохизинда меъморий ҳазираси — некрополи энг юқори сидаги ҳовлининг ғарбий томонида ўзаро боғланган икки бино — масжид ва макбара бор.

Масжиднинг чўзинчоқ хонасига учта эшикдан кириш мумкин. Ўртадаги эшикка чортоқ орқали ўтамиз. Масжиднинг меъморий конструктив тузилиши — равоқ ва гумбазлар, изора ва муқарнаслар ўзаро мутаносиб белгиланган. Жанубий эшик устидаги кошинли битик таржимаси: «Ҳазрати Малика Хайруннисо Туман оқа, одил Амир Мусонинг қизи, Аллоҳ уни ёрлақасин ва раҳматига мушарраф этсин, Аллоҳ таолонинг иродаси ила ушбу масжид пойдеворини қурдирди» (6). Ушбу тарихий битик муҳим аҳамиятга эга: дарвоқе,



масжидни бунёд этган шахс «Ҳазрати малика» Хайруннисо нисбаси берилган Туман оқа Амир Мусо кизи, унинг болалигидаги исми эканлиги тасдиқланади.

Масжиднинг шимол томонига туташ мақбара ҳам малика номи билан боғлиқ.

Туман оқа мақбараси. Мақбара мўъжазгина чорси хонадан иборат. Тўрт тарафидаги равоқлар юқорида саккиз рахли равоқчалар халқаси орқали гумбаз ости безакларига боғланган.

Ташқи томондан хушқад кошинкорий пештоқи ва баланд кўк гумбази билан киши диққатини жалб этади. Бинонинг ички ва ташқи безаклари ўз касбининг мохир усталари томонидан бажарилгани кўзга яққол ташланади. Бино пештоқи безаклари ичида муҳим тарихий маълумотлар қисман сақланиб қолган.

Бино санаси 808 ҳижрий, яъни 1405 йил деб кўрсатилган. «Аллоҳ унинг салтанатини давомий айласин» сўзлари Амир Темурга нисбатан айтилгани сезилиб турибди.

Ўлжаойим хонақоҳи. Кўшгумбазли бино Шохизинда меъморий мажмуидаги Амир Темур даврининг ажойиб ёдгорлигидир. Ўзаро боғланган икки чорси хона: каттаси — зиёратхона, шимол томонидаги кичигида — гўрхона жойлашган. Гўрхонада битта қабр тоши, унинг остида тағхона — сардоба бор. Хоналар баланд, усти кўк гумбазлар билан боғланган. Кошинкор ва безаклари жозибали. Ичкарида нақшли безаклари нозик ва нафис.

Қусам ибн Аббос меъморий мажмуи. Шохизинда номи билан машҳур зиёратгоҳдир. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом амакисининг авлоди шу манзилда шахид бўлган ва дафн этилган. Амир Темур замонида бу меъморий мажмуа анча кенгайтириб таъмирланди. Зеро, Амир Темур салтанат тутишдаги дастлабки шиори хақида: «Давлат ва салтанатимга боғланган, лекин биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим» (7), — деган эди.

Шохизинда қабристонининг учинчи чортоқининг кунчиқарида хайратангез нафис ва бадиий дид билан безатилган ўймакор эшик бор. Унда устоз Юсуф Шерозий номи ва 807 ҳижрий (1404) йил қайд этилган. Эшик ортидаги нимқоронғи миёнхонадан изораси ва меҳроби кошинкор безатилган

масжидга ўтилади. Бу масжидга туташ XII аср биносининг бир минораси ва ўймакор ёғоч арақи тўсин сақланиб қолган.

Масжиднинг иккинчи эшигидан гумбазли чорси зиёратхонага ўтилади. Унинг жанубига Қусам ибн Аббоснинг мўъжазгина гўрхонаси туташган. Ўртада сиркор ва нақшинкор безатилган ажойиб сағана. Бу ўша давр сиркор безакларининг энг кўркам намунасидир. Сағананинг учинчи поғонасида Куръони каримнинг «Аллоҳ йўлида ўлдирилганларни ўлик деб ҳисобламанг! Йўқ, улар тирикдирлар!» ояти битилган. Бу оят қабристонга берилган «Шохизинда» — «Тирикшоҳ» номига боғланиб кетади. (Баъзи талқинларга кўра — «шаҳид зинда»).

Хожа Аҳмад мақбараси — Шохизинданинг энг юқорисидаги гумбазли чорси хонадан иборат бино. Ташқи пештоқнинг сиркор безаклари ниҳоятда юксак санъаткорона бажарилган. Бу бинони XIV асрнинг 60-йилларида меъмор Фахрали бунёд этган.

Шохизинда меъморий ҳазирасидаги бири-бирдан ажойиб мақбаралар Амир Темур авлодлари, хусусан, унинг опаси Қутлуг Туркон оқа, синглиси Ширинбека оқа, малика Ўлжой Туркон оқа, қариндошларидан Шод Мулк оқа каби аёллар осойиш топган манзиллардир.


Шохизинда меъморий мажмуи Марказий Осиёнинг Амир Темур даврида меъморлик соҳасида эришилган безак намуналарининг комусидир.

Амир Темур ва Темурийлар мақбараси. Самарқанднинг Тошқўрғонида жойлашган, эл орасида Гўри Амир номи билан маълум ва машҳур бу бино катта меъморий мажмуанинг маркази ҳисобланади (XIV аср охири — XV аср бошлари). Тантанавор пештоқли даргоҳдан чорси ҳовлига ўтилади. Тўғрида улуғвор гумбазли мақбара, кунчиқарда — Муҳаммад Султон мадрасасининг қолдиқлари, кунботарда эса хонақоҳ бўлган.

Мақбара зиёратхона асоси — чорсичортоқ устига баланд пилтавор гумбаз боғланган. Ўртада Амир Темур, унинг ўғиллари Шохрух, Мироншоҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек ва бошқаларнинг қабр тошлари. Ҳар бир қабртош ўймакор битиклар билан безатилган.

Амр этдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда жон солиғи, уй солиғи олмасинлар. Сипоҳийлардан бирон киши раъиятнинг хонадонига зурлик билан келиб тушмасин, раъиятнинг от-уловини тортиб олмасин.

«Темур тузуклари»





1948 йилда А.А.Семёнов Амир Темурнинг қабридаги ёзувларни биринчи марта тўла-тўқис ўқиб, илмий таржима қилганда нефрит тахтачага тўқ кўк нефрит тошнинг келтирилиши ҳақидаги маълумотлар ёзилганлиги маълум бўлди. Семёновнинг бу иши Амир Темур номи билан боғлиқ тош ёзувлар ёдгорликларини ўрганишга қўшилган катта ҳисса бўлади.

Соҳибқироннинг бош томонида унинг пирларидан Мир Саййид Барака осойиш тоиғанлар. Мақбара тағхонасида ўша зоти шарифларнинг қабрлари жойлашган. Бу ерда ҳам қабр тошлари бор.

Зиёратхона ниҳоятда сербезак. Дево­рлар бўйлаб турли хил нақшли безаклар мавжуд. Гумбаз ости безакларида бўртма нақшлар — кундал кенг қўлланган. Зарҳал пардоз ва заминдаги зангори нақшлар, муқарнаслар, гирихлар зиёратхона ичига алоҳида маҳобат бағишлайди.

Даргоҳ пештоқи равонининг ичидаги кошинкор битикда «Ал-банно меъмор Мухаммад ибн Махмуд Исфаҳоний» номи сақ­ла­ниб қолган.

Рухобод. Тошқўрғондаги Мухаммад Султон меъморий мажмуи билан Арки Олий хиёбонга бирлаштирилган бўлиб, орасида мўъжаз боғлар ҳам бор эди. Шундай боғлардан бирида XIV аср 80-йиллари­да вафот этган шайх Бурхониддин Соғаржийнинг мақбараси бўлган.

Амир Темур шайхга алоҳида эхтиром кўрсатиб қурдирган мақбара ҳозир ҳам аҳоли орасида Рухобод номи билан муқаддас зиёратгоҳ сифатида ардоқланади.

Кутби чаҳордахум — «Ўн тўртинчи кутб» фахрли кунясига сазовор кароматгўй авлиё шайх Нуриддин Басир қабри устига тикланган мақбара Арки Олийнинг энг кўзга ташланадиган жойида бўлган. Рассом А.Верешчагин ишлаган тасвирда мақбаранинг шаклу шамойили, унинг кўркам қиё­фаси ягона ҳужжатдек муҳрланиб қолган.

Мақбара баъзи амалдор, хар­бийларга ёқмагани учун XX аср бошларида атайин портла­тиб юборилган.

Кўҳна Бухородаги қатор меъморий зиёратгоҳларнинг қайта таъмир этилиши, баъзи ўринларда янгидан қурилиши

Амир Темур номи билан боғлиқ.

Кулоҳий гумбази билан ажралиб тура­диган муқаддас қадамжо — Чашмаи Айюб биноси ичкарасида уни Амир Темур 1380 йилда қурдиргани қайд этилган.

Қадимги Намозгоҳ — шаҳар ташкари­сидаги сайиллар ўтадиган жойдаги мас­жид ҳам Амир Темур амри билан таъмир эти­либ, тартибга келтирилган.

Бухоро чеккасидаги Сайфиддин Бохар­зий ва Баёнқулихон мақбаралари ҳам Амир Темур даврида тикланиб, атрофлари обод этилган.

Амир Темур саъй-эҳтимоми билан бунёд бўлган турли бинолар бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд.

Зангиота мақбараси (Тошкент вилоя­ти). Зангиота — Яссавий муридларидан бирининг куняси­дир. Унинг номи — Ой­хўжа Тошхўжа ўғли. Бу авлиё Ҳаким ота номи билан машҳур маърифатпарвар шоир Сулаймон Бокирғонийнинг шогирди бўл­ган.

Мақбара икки чорси хонадан иборат: олдида — зиёратхона, унинг ортида — гўрхона. Иккала хона ҳам ҳар хил катта­ликдаги гумбазлар билан боғланган. Зиё­ратхона устидаги баланд гумбаз эса ўн ол­ти қиррали пастроқ асосга ўрнатилган.

Мақбара олд томонидаги пештоқ ва ик­ки ёнидаги хоналар билан кўркамлашган: кошинкор безаклар мақбарага маҳобат бағишлаган. Ичкаридаги оқ мрамрдан ўймакорлик ва нақшлар билан безатилган қабртош диққатга сазовор. Унда Занги ота номига аталган марсия сатрлари хушхат ёзилган.

Пештоқли кўшгумбаз мақбара ташқи кўри­ниши, бадиий кошинкор безаклари билан Амир Темур даври меъморлигининг ажойиб намунаси бўлиб қолади.

Хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақба­раси. Ҳазрат Аҳмад Яссавий истиқомат қилган, «хилват» тутган ва, ниҳоят, хоки осойиш топган оромгоҳ манзил — муборак Туркистон шаҳри замини неча-неча асрлардан бери муқаддас зиёратгоҳ бўлиб кел­моқда.

Меъморий мажмуа лойиҳа режаси ғоят санъаткорона тузилган. Ташқи томондан қараганда маҳобатли ягона иморат девор­лари тепасида учта йирик ҳажмли қурилма диққатни жалб этади: кунчиқарда — икки минорали баланд пештоқ, ўртада хонақоҳ устидаги катта гумбаз, кунботарда эса мақбара устидаги баланд ва бежирим пил­тавор гумбаз. Кичик гумбаз шаклан Са­марқанддаги Гўри Амир мақбарасининг машҳур гумбазини эслатади. Мақбарага тўрт томондан кириб, ўртадаги муқаддас қабрни зиёрат этиш мумкин. Пештоқ айво-

Амирлар ва аркони давлат узига доғ туширмаган, фаро­сатли. зийрак, ақлли, хушмуо­мала ва хушхулқ эди. буюк Соҳибқирон мизожининг ўзга­ришидан ўта кўрқувда турар­дилар.

Ҳофиз Абру



ни ичкарасида учта эшик бор, ўртадаги ажойиб ўймакор эшик, одатда, байрам тантаналарида очилган. Кундалик хизмат зарурати учун икки ёнидаги мўъжазроқ ўймакор эшиклардан фойдаланилган. Ичкарида улкан жамоатхона — гумбазли хонақоҳ тархи чорси. Асосий чорсура равокларининг кенглиги 7,2 метр. Зиёратхона тўрида мақбара жойлашган.

Мақбаранинг ғарб томонида масжид, шарқ томонида эса катта меҳмонхона — Катта Оксарой номи билан маълум. Унинг жанубида чоғроқ хона — Кичик Оксарой. Бундан ташқари, кутубхона, ошхона каби махсус хоналар ҳам бор.

Хонақоҳ-мақбара биносининг безаклари орасида ташқи ва ички арабий ёзувлар

алоҳида ўрин тутади: Куръони карим ва Хадиси шарифлардан кўплаб намуналар келтирилган.

Бино ташқарисидаги девор ва гумбазларнинг кошинкор безаклари орасида кўпроқ катта қўфий усулида битилган монументал ёзувлар кўзга ташланади. Мақбара гумбази ости ғўласидаги улкан ёзувлар баландлиги 5 метрдан ортиқ.

Улкан бино деворининг (баландлиги 16 метр) тепасидаги хошиясига хатти насх услубида Куръони карим оятларидан баландлиги 2,6 метр, узунлиги 163 метр ўлчамда анчагина намуналар ёзилган.

Зиёратхона ўртасига қўйилган қирқ қулоқли қозон санъат асари сифатида хар жиҳатдан диққатни ўзига тортади.

БОҒ ТУЗИШ САНЪАТИ

Мовароуннахр қадимдан боғ-роғлар мамлакати деб таърифлаб келинган. Унда боғ тузиш анъаналари юксак ривожланган ва ажойиб намуналари бўлган. Оқар сувли жаннатмакон боғлар яратилган.

Амир Темур даврида боғ тузиш санъати ўзгача шукуҳ касб этди. Шахсан Соҳибқирон бу соҳага алоҳида эътибор бериб, кўплаб боғлар яратгани маълум.

Испания элчиси Бойсун тоғ тизмасидаги Темур қапуқ номи билан машҳур дардан ўтар экан, тоғ ёнбағридаги «ажойиб бино»нинг кошинкор ва нақшинкор безакларини хайрат билан кузатади. Испания элчиси Шахрисабздан Самарқандгача бўлган йўл ёқаларидаги ва дорусалтана теварагидаги диққатга сазовор боғларни томоша қилади. Клавихонинг сафар кундаликлари кўп ҳолларда мазкур боғларнинг меъморий жиҳати хусусида муҳим маълумотлар берганлиги сабабли қуйида унинг тавсифларини келтирамыз.

Боғи Жаҳоннамо — Тахти Қорача. Шахрисабздан чиққан элчилар Амир Темурга қарашли «катта уйда» тушлик қилишди. «Бу уй анҳор бўйидаги текис ерда, улкан боғ ўртасида қад ростлаб турарди» (8). Боғ Самарқанддан 24 чақирим жанубда жойлашган ҳозирги Қоратепа қишлоғи яқинида бўлган. «Самария»да айтилишича, Амир Темурнинг еттинчи боғи Жаҳоннамо Ангор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бино қилинган (9). Шарафуддин Али Яздий анҳор бўйидаги боғни бошқача номда тасвирлайди: «Боғ ўртасида воқеъ

бўлган кўхбора устида эса бир қаср қуриш буюрилди. Бажарилиши вожиб бўлган бу амр ижро этилиб, қаср қурилиб, битгач, унга «Тахти Қорача» деб ном берилди (10).

Гулбоғ—Давлатобод. Самарқанд жанубидаги Миср қишлоғига туташ бир боғда тўхтаган Испан элчилари бир неча кун давомида боғни кузатиш имконига эга бўлишди. Шунинг учун ҳам Давлатобод, баъзан Гулбоғ деб аталган боғнинг тўлиқроқ тавсифи ёзиб қолдирилган.

«Боғ атрофи пахса девор билан ўралган бўлиб, девор айланаси тўла бир лига (6 километр)га баробар келарди. Боғда анвойи мевали дарахтлар бор эди. Унда олтига ҳовуз бўлиб, боғ ўртасида анҳор оқиб ўтарди.

Ҳовузлар баланд, серсоя дарахтлар қаторидан ҳосил бўлган йўлак орқали бир-бирлари билан туташтирилган. Ушбу яшил йўлак баландлик томон кўтарилган, серсоя йўллари қиялаб кетарди. Боғда тупроқдан кўтарилган, усти ёғоч панжаралар билан ўралган, текис баланд тепалик мавжуд. Унда ажойиб қаср қад кўтарган.

Қасрга тиллою ложувард ва рангли кошинлар билан тўқис ва мукамал сайқал берилган. Қаср жойлашган мазкур тепалик атрофи сувга лиммо-лим хандақ билан ўралган. Хандақда узлуксиз сув оқиб туради. Тепа устидаги саройнинг икки томонида унга ўтиладиган иккита кўприк қурилган.

Кўприкларнинг нариги тарафида иккита эшик бор. Эшиқдан қирилгач, тепаликка зинапоядан кўтарилади» (11).





Давлатобод боғининг қолдиқлари археологик ёдгорлик сифатида Дарғом анхори ёқасида сақланиб қолган. Боғ тасвирида Амир Темур даврида айниқса кўплаб бунёд этилган махсус боғлар тузилиши ва энг тор жойдаги қаср-қўшқнинг меъморий кўриниши тўлиқ ифодасини топган.

Боғи Дилкушо. Элчилар Самарқанд ташқарисидаги Боғи Дилкушога келиб тушдилар. Бу манзил шаҳар атрофидаги энг катта ва кўркам боғдир.

«Олтин ҳамда зангори кошинлар билан зеб берилган жуда кенг ва баланд дарвозадан боққа кирилади. Дарвоза олдида найзалар билан қуролланган посбонлар турар эдилар» (12).

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»-да Боғи Дилкушо ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирган:

Кўшқнинг тоқу равоқлари нақшинкорий ва сиркор фиштлар билан пардоз топди. Боғнинг тўрт бурчагида катта маҳорат ва дид билан серхашам шийпонлар қурилди. Боғ саҳни чорқирра ва бошқа турли хил шаклдаги чаманзор ва гулзорларга бўлинди.

Амир Темур хиёбон йўллари четига мевали дарахтлар, баъзиларига эса гул ўтқазишни хоҳларди. Боғ унинг майлига муносиб бўлгани учун ҳам Амир Темур уни Боғи Дилкушо деб атади.

Боғнинг ўртасида уч пештоқли юксак кўшқ тикладилар ва уни инсон нигоҳини лол қолдирувчи турфа нақшлар билан безадилар, мустаҳкам ва чидамли қурилган, безаклари турли-туман, ташқи изораси шоҳона маҳобат бағишлар эли (13).

Лойиҳаси Амир Темур томонидан тасдиқланиб, унинг бажарилиши қурилиш давомида шахсан қузатиб борилган Кўшқи Дилкушо ва улкан боғ соҳибжамол Тўқалхонимга бағишланган эди. Боғ ва кўшқнинг довуғи ўша даврдаёқ афсонага айланган эди (14).

Боғи Дилкушо ва унинг кўшқи жойлашган манзил ҳақида аниқроқ маълумотни фақат Заҳириддин Муҳаммад Бобур воқеаномасида учратамиз: «(Темурбек) Самарқанд шарқида икки боғ солибдур, бириким, йироқдур, Боғи Бўлду-дур, ёвуқроғи Боғи Дилкушо-дур. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафда терак йиғочлари эктурбтур. Дилкушода ҳам улуг кўшқ солдурбтур, ул кўшқта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар» (15).

Дилкушо боғининг тахминий манзили бирмунча аниқ нишонлар билан белгиланган. Гиёсиддин Али уни «шаҳар ташқарисидаги боғ» деб шаҳарга боғлаган бўлса, Шарафуддин Али Яздий уни Кониғил ўланги сарҳадида жойлаштирган.

Заҳириддин Бобур эса шарқий дарвоза—Ферузадан Дилкушо боғига элтувчи теракзор хиёбонни тилга олган. Худди ўша қадимги хиёбон бўйлаб шарқ томон борар эканмиз, Кониғил сарҳадида бир ажойиб меъморий ёдгорлик олдидан чиқамиз. Бу дунёга **Ишратхона** номи билан машҳур меъморий ёдгорликдир. Ишратхона биноси Амир Темур назорати асосида қурилган Боғи Дилкушо ўртасида барпо этилган буюк кўшқнинг худди ўзгинаси экан.

Даставвал, Ишратхона — Дилкушо кўшқини диққат билан қузатамиз. Унинг ўзида қурилиш даврини ва бино вазифасини тасдиқловчи ашъвий далиллар оз эмас.

Бино асоси ганч қоришмада 27 x 27 x 6 сантиметр ўлчамдаги чорси фиштдан тикланган. Ташқи либос — қоплама фиштлар ўлчами 25 x 25 x 5 сантиметр.

Тилларанг сингги фиштлар орасидаги чоклар мовий кошин тасмаси билан хошиялангани учун ҳам девор сатҳи бежирим тус олган. Пойдевор харсанг парчаларидан қўтарилган, чуқурлиги 5 метр. Худди шундай бинокорлик ашълари Амир Темур даври меъморлиги асосини ташкил этган.

Марказий чорси хона — меҳмонхона тўрт тарафи равоқли тўрт шохнинг ниши ташкил этади. Устига тўрт равоқнинг ўзаро кесишиши натижасида ироқи услубидаги мураккаб гумбаз боғланган. Изора эса нисбатан баланд белгиланган. Марказий хона атрофидаги қўшни хоналар икки қаватли. Шимол томонида чўзиқроқ хона — ётоқхона вазифасини ўтаган. Жануб томони серхашам бостирмадан иборат.

Бурчакларда чоғроқ ёрдамчи хоналар бор.

Марказий хонанинг тўрт чеккасидаги тўртта айланма зина орқали болохона ва томга чиқиш мумкин. Хона тагида эса — саккиз бурчакли хонадан иборат сардоба бор. Хона деворлари тош тахталар билан безатилган.

Марказий меҳмонхона ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. Баланд изора нозик кошинлар билан безатилган. Ўзаро кесишган ироқи равоқлар ўрамида нақшин бўртма безаклар — кундал кенг қўлланилган.

Катта хонанинг тўшамаси мрамрдан, бошқа хоналари — фиштлик.

(Соҳибқирон) хос ва хилват мажлисларда шу даражада кўп лутф ва тавозеъ кўрсатар эдики, ўта сертақаллуфлигидан малик (шоҳ) билан мамлук (қул)ни зоҳиран фарқлаб бўлмасди.

Хофизи Абрӯ

Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафда терак йиғочлари эктурбтур. Дилкушода ҳам улуг кўшқ солдурбтур, ул кўшқта Темурбекнинг Ҳиндистон урушини тасвир қилибтурлар» (15).





Кўшкнинг олд томони ўртасида баланд ва бежирим пештоқ мавжуд. Икки қанотида икки қават хоналар қатор тизилган. Бинонинг икки ён томонида кичик пештоқлари бўлган. Узокдан баланд кўк гумбаз кўзга ташланади.

Ишратхона шаклу шамоили билан маълум боғ кўшклари қўринишини эслатади. Худди шунга ўхшаш бинони Хирот шаҳридаги Боғи Сафеднинг Тарабхона номи билан машхур кўшк мисолида кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, Дилкушо кўшкни — Ишратхона тимсолида Амир Темур даврида боғдорлик санъати ва меъморлигининг етук намунаси сифатида намоён бўлади.

Боғи Чинор. Амир Темур Боғи Дилкушодан унинг яқинида янги бунёд этилган Боғи Чинорга ўтади. Клавиҳо таърифига кўра, бу «боғли жуда ҳашаматли уй» (16).

Боғи Чинорнинг қаерда жойлашгани ҳозиргача аниқ эмас. Баъзи тадқиқотчилар бу боғ Самарқанднинг шимол томонида бўлган, деб тахмин қилишади. «Самария»да эса Боғи Биҳишт ва Боғи Чинор шаҳарнинг кунчиқар томонида деб хато маълумот берилган.

Бизнингча, Заҳириддин Бобур аниқ йўналишни кўрсатган: «Самарқанднинг жанубида Боғи Чинордур, қалъага ёвуқтур» (17). Амир Темур кичик қалъа-тошқўрғонда Муҳаммад Султон маъракасини ўтказиб, янги мақбара биносини кузатар экан, шу манзил яқинидаги Боғи Чинорга чиқиб дам олгани маълум. Ўша жойларнинг топонимикасини кузатсак, ҳозирги Намозгоҳ боғи ўрни ўша қадимги Боғи Чинорнинг ўзи, деган хулосага келамиз.

Боғи Шимол. Амир Темур Самарқанднинг кунботарида Мироншоҳнинг қизи «олий ифбат соҳиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд бир қаср ва гўзал бир ишратгоҳ қурсинлар», — деб кескин фармон берган.

Шарафуддин Али Яздийнинг таъкид этишича, бу тадбирни амалга ошириш учун «Форс ўлкасининг барча вилоятлари, Ироқ, Озарбайжон, Доруссалом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан доруссалтана (Самарқанд)га жамъ бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарҳини ўткир фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар». Чамаси, бу гал ҳам, Амир Темур одатига кўра, меъмор-муҳандислар ўртасида энг яхши лойиҳа учун танлов ўтказилган.

Қаср кўшкнинг меъморий тузилишига доир маълумот ҳам бор: марказий хона тарҳи одатдагидек чорси-чортоқ бўлиб, ўртада яна тўртта устун бўлган. Устунлар Табриздан келтирилган мрамрдан ясалган. Демак, меҳмонхона «чор устун» услубида таркиб топган, устунлар ўзаро равоқлар орқали бирлаштирилган, ҳосил бўлган тўққиз гумбазча бино тузилишига ўзига хос жозиба бахш этган.

«Мустаҳкам рукнларни бағоят маҳкам ва пухта қилиб қўтардилар. Ҳар бир рукнига Табриздан келтирилганлари мрамр тошдан ишланган биттадан устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин ниғорхонасини уяту хижолат ғубори қолади.

Қасрнинг саҳнига мрамр тошлардан ва Кўхи Нур (Нурота)дан келтирилган тошлардан шундай чиройли қилиб ётқиздиларки, уларнинг латофатидан бошдан хуш учиб, ақл ҳайрон қолади. Ташқи деворнинг ичкари тарафидаги изорасини кошин билан безадилар» (18).


Бинокорлар жидду жаҳд билан беқиёс ғайрат кўрсатиб, кундуз ва кечаси узлуксиз ишлаганлар. Қаср бир ярим ой муддатда бунёд этилган ва шу муддат давомида Амир Темур боғ ичига ўрнатилган улкан сарпарда (шоҳона чодир)да истиқомат қилиб, Шимол кўшкнинг қурилишини шахсан кузатиб турган.

Боғи Биҳишт Амир Темур амрига биноан қурилган ва машхур чорбоқдир. Бу боғ Самарқанднинг кунботар томонида бўлган.

Янги боғ ва кўшкни Клавиҳо «ниҳоятда гўзал» деб таърифлайди: «Бу боғнинг гиштин ва нақшин, ложувард ва олтин билан безатилган баланд ва гўзал дарвозаси бор. Боғ ниҳоятда катта. Унда мевали ва серсоя дарахтлар кўп. Ёғоч панжаралар билан ихоталанган хиёбон ва йўлаклардан одамлар ўтиб туради.

Боғда ўрнатилган кўплаб чодирлар ва капалар гилам ва ранг-баранг шоҳи матолар, усти гулдор лахтақлар билан безатилган. Боғ ўртасида чортоқ қўринишидаги серҳашам безатилган жуда кўркам уй (кўшк) бор.

Уйнинг ичида эса чорпоялар қўйиш мумкин бўлган уч шоҳнишин мавжуд, саҳни ва деворлари кошинкор безатилган. Уй тўрида энг катта шоҳнишин, ўртасида олтин-кумуш ҳалли, кенлиги уч тирсак,





баландлиги одам бўйи хонтахта ўрнатилган, унинг олдида эса устма-уст ташланган зардўзи бахмал ва бошқа шохи матолардан тикилган кўрпачалар тўшалган тахт». Соҳибқирон шу ерда ўтиради, деворлар эса алвон ипак пардалар билан тўсилган.

Катта равоқли пешгоҳда ҳам шундай парда осилиб турар, у ҳам найзасимон таёқларга осилган, безатилган, ипга осилган ипак попуқлари ергача тегиб турарди.

Бошқа равоқлар ўзгача пардалар билан безатилган, хона сахнига эса бўйра устидан гилам тўшалган. Бу уйнинг ўртасида эшик қаршисида тўрт оёқли иккита олтин хонтахта турар, хонтахталар ҳам, уларнинг оёқлари ҳам бир бутунлик касб этарди. Уларнинг узунлиги беш, кенглиги уч қарич эди.

Боғи Нав. Клавихо Амир Темур қурдирган янги боғ — Боғи Навни шундай тасвирлайди: «Боғнинг тўрт тарафи баланд девор билан ўралган, ҳар бир (ташқи) бурчагида гўласимон бурж-минора. Девор жуда ҳам баланд ва безаклари худди миноралардаги каби. (Боғнинг) ўртасида катта чортоқ уй, олдида сарҳовуз. Бу кўшк бошқа боғлардаги шу каби бинолардан анчагина катта, олтин ва ложувард билан жуда мўл безатилган» (19).

Соҳибқирон томонидан алоҳида ихлос билан қурдирилган янги боғ ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган. Шу боисдан бу манзилда шоҳона қабуллар ўтказилган. Боғ Самарқанд Аркига шимол томондан яқин бўлган.

Самарқанд теварагида Амир Темур бунёд эттирган бири биридан гўзал, мукаммал, жозибадор боғ-роғлар, уларнинг кўшк саройлари кўпинча аҳоли истироҳати учун очиқ бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бу боғлар таърифи афсоналарга айланган, бадий асарлардаги афсонавий боғлар тавсиғига қиёс бўлган.

Хуллас, Амир Темур даври Марказий Осиё меъморлигида катта ўрин эгаллади, у янги услубий-бадий йўналишларга ҳаёт бахш этди. Маҳаллий усталар ўзга юртдан келганлар билан ҳамкорликда юксак бунёдкорлик намуналарини намойиш этдилар.

Турли мақсадларга мўлжалланган кенг кўламдаги иморат ва иншоотлар, юксак дид билан бунёд этилган меъморий мажмуа-ансамблларнинг пайдо бўлиши, кошкор ва нақшин безакларда ранг-баранг сирлар, бўёқларнинг қўлланиши, зеб-зийнатларнинг ўрнида ишлатилиши, ўймакорликнинг кенг қўлланиши, ўзаро мутаносиблик мазкур давр меъморлигининг умумий сийрату қиёфасини белгилайди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида лойиҳа тузиш санъати юксак поғонага кўтарилди. Бухорода топилган XV асрга оид уста чизмалари фикримизнинг далилидир. Меъморлик илми ҳам кенг ривожланди: махсус рисоаларда боғ тузиш санъати, меъморий шаклларни ясаш, геометрик нақшлар тузиш йўллари кўрсатиб берилган.

Зотан, «мусулмон меъморлигининг энг яхши даврларидан бири Амир Темур ва унинг авлоди номи билан боғлиқдир» (20).

Амалий санъат

МЕЪМОРЛИК БЕЗАГИ

Темурийлар замонида меъморий безаклар мисли кўрилмаган даражада шухрат қозонди. Буюк Амир Темур ҳукмронлик

қилган давр биноларининг барча қисмларини безатишда илгари мавжуд бўлган безак турлари билан биргаликда янгилари пайдо бўлиб, улар кенг кўламда жорий этилган. Уларнинг технологияси ва ижроси

катта маҳорат ва кўплаб маблағни талаб қиларди.

Ўша даврда кенг фойдаланилган безак турлари орасида меъморлик керамикаси ва

монументал (маҳобатли) рассомлик, шунингдек ёғоч ва тош ўймакорлиги анча ривож топди.

Меъморлик керамикаси. Амир Темур давлати барпо этилиши даврида Марказий Осиёда меъморлик керамикаси ўзига хос ривожланган анъанага эга эди.

Ёдгорликлардаги меъморлик керамикаси асосан сиркор пишиқ вришдан, нақшли парчиндан, рельефли сирли кошиндан, ўймакор терракотага ва онда-сонда учрайдиган нақшли мозаикадан иборат бўлган.

(Соҳибқирон) шунчалик давлат ва қудрат соҳиби бўлишига қарамай, муборак қош-қовоғида жаҳондорлик худбинлиги белгилари пайдо бўлмас эди.

Ҳофизу Абрӯ

катта маҳорат ва кўплаб маблағни талаб қиларди.

Ўша даврда кенг фойдаланилган безак турлари орасида меъморлик керамикаси ва



Сохибқирон ҳукмронлиги даврининг дастлабки йилларида безатилган ёдгорликларда меъморлик керамикаси жадал ривожланганлигини кузатиш мумкин, бу жараён ёдгорликдан ёдгорликка ўзгартирилган ҳолда ўта борди. Уни амалга ошириш техникаси кўпроқ таъсирчан воситаларни танлаш йўли билан мураккаблашди ва мукамаллашди, сирли кошин тахтачадаги нақшинкор мозаика, гиштли мозаика, сирли ўймакор терракота жорий қилиниб, улар XVI асргача кенг тарқалиб борди.

Парчин. Темурийлардан олдинги даврда ва XIV асрнинг 80-йилларигача парчиннинг бир неча тури мавжуд эди. Булар орасида кенг тарқалганларидан уч хилини ажратиш мумкин.

Биринчиси — кўп қумли аралашма билан ёрқин рангли нафис сопол тахтачада бажарилган парчин. Унинг ранглари бирмунча ёйилиб кетган. Унда қора рангдан ташқари, феруза ва оқ ранглардан фойдаланилган.

Иккинчиси — айрим ранглар, масалан, контур кўринишида олинган қизил ва оқ ранглар сопол тахтачанинг пиширилган томонига берилган. Ундаги сирларга яшил ранг ҳам қўшилган, лекин бўёқлари унчалик тоза ва тиниқ бўлмаганлигидан кўриниши хира. Расм биринчи парчинларга нисбатан дағал ва пала-партиш, айрим қисмлари зарҳал билан қопланган рангсиз совуқ усулда берилган.

Учинчиси — дастлабки кўринишида бирмунча дағал бўлса-да, сирларнинг кенг-роқ спектрини қўшиб, софлик ва тиниқликни ўзида намоён этади. Сопол тахтача турли рангларда — сарикдан тортиб, қизил ранггача бўлиб, ўта пишқилиги билан ажралиб туради. Темурийлар даврида ушбу парчин техникаси бошқа хилларни сиқиб чиқаради, оқ ва охра ранг фонида тилла ранг юритилади, кейин оловда пиширилади (1). Парчин тайёрланишининг бу техникаси бошқа хилларини сиқиб чиқарди.

Рельефли (бўртма) сирли терракота. Амир Темур даврида унинг икки хили — ўймакор ва босма гулли хиллари қўлланган. Буни Шаҳрисабздаги Оқсарой қасри тўртбурчак устунларида кузатиш мумкин.

Ўша даврда рельефли сирли терракота асосан икки рангда: тош қирраларида — феруза, композиция марказида — сарик рангда. Ўймакор безакли шаклга контур юритиб чиқилган. Дастлаб бўлак қолипга

қуйиб, пиширилган. Сир билан қоплангач, қайтадан пиширилган.

Мозаика. Текис кошин тоштахталардан ҳосил қилинади. Парчинли тоштахталар анча енгил. Унда майда эланган қум миқдори кўпайтирилиб, тупроқ таркиби камайтирилган.

Тоштахталар бўёққа ботириб сирланган. Рангли сир керакли дастлабки бўёқ рангини олиш учун қўрғошин тузлар (оксидлар) ва бошқа металлларни омукта қилиб, тайёрланган. Оловда унча юқори бўлмаган ҳароратда пиширилган.

Нақш тушириш жараёни кирои диккатни талаб этган ва у ниҳоятда сермашаққат бўлган. Юқори сифатли ганчдан тайёрланган мозаикали элементлар олд томони билан сурат контурига жойлаштирилган. Уларни бир-бирига мослашда чок мутлақо бўлмаслиги керак. У устанинг текисланган қирраларни қиялатиб қўйишида текшириб борилган.

Композиция нақши терилганидан кейин, унинг орқа томони замонавий энг мустаҳкам цементдан қолишмайдиган гипс аралаш қоричма билан ёпиштирилган.

Амир Темур даврида мозаикали элементларни моҳирона бажариш усуллари ривож топди: майда гул ва барглар марказида кичик тешикча учун бошқа ранг берилган. Дарвоқе, улар ўша даврда усталар жихозлаган махсус ускунада бажарилган. Улугбек ва ундан кейинги даврда улар тўла сақланиб қолмаган.

Мозаика ўрнини бора-бора меъморлик беази эгаллайди (2). Бунда Фарбий Эрон керамика мактаби таъсири сезила боради (3). Амир Темур давлатида қурувчилар рангли нақшинкор меъморлик керамикасининг кам таъсирли турларидан тортиб рангларга ғоят бой тарзда безатиш маҳоратига эга эдилар.

Темурийлар даври ёдгорликлари деворлари нашқли безаклар билан тўла қопланган. Бу давр меъморлик керамикасидаги сирларнинг соф ва тиниқ бўлганлиги сабабли, фойдаланилган совуқ ранглар уйғун, илик ранглар ёрқин ва жилвали берилган.

Темурийлар даврида нақшинкор мозаика ривожлана бориб, ислимий безакларни жорий этиш кенгайди.

Нақшинкор мозаика техникасида эпиграфикага ҳам катта эътибор берилган. Эпиграфика гоҳ кичик паннони, гоҳ кенг майдондаги қопламаларни эгаллаган. Қуръон оятлари ва Хадис намуналари, ҳикматли сўзлар айни вақтда ҳукмдор,





қолаверса, буюртмачи шаънини мадх этувчи ёзувлар бўлиб, улар бионинг безак элементи сифатида ҳам намоён бўлган. Қурувчи ва мусаввир исмлари ҳам нақшга камтарона уйғунлаштириб борилган.

Фиштли мозаика. Меъморлик беагининг бу тури Амир Темур даврида шакланган ва кейинчалик ривожлана борган. У хашамдор бинолар сиртини нақш безаклари билан қоплаш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлди. Фиштли мозаиканинг илк намуналари XIV аср бошларида, жумладан, Озарбайжонда мақбарани безатишда ишлатилган.

Фиштли мозаика Самарқандда дастлаб XIV аср охирида «Саккиз қиррали» мақбара деворлари кичик қирралари қопламасида ишлатилиб, кейинчалик Ширинбека оқа мақбарасининг гумбази нақшида мукаммал гирих шаклида қўлланган.

Меъморлик керамикасидан фойдаланиш самаралилигига ишонч ҳосил қилиш учун Оқсарой харобаларидаги серхашам безакларга назар солиш кифоя. XIV аср усталари Оқсаройни безатишда кенг фигурали усуллардан самарали фойдаланишган. Меъморлик керамикаси Афғонистон (4) ва Эроннинг (5) ўрта аср ёдгорликларида ҳам кўзга ташланади.

Темурийлар меъморлик керамикаси ташкил топишининг бошланғич даври икки гуруҳ ёдгорликларига бўлинган Шохизинда ансамблларида яққол ифодасини топган.

Биринчи гуруҳга Туркон оқа, Шод Мулк (1372), Туғлу-Текин (1376), Амирзода (1486) мақбаралари; XIV аср охиридаги ан-Насафий мақбараси мансубдир. Бу ерда тахтачали ва меъморий мозаика ҳали ишлатилмаган эди.

Иккинчи гуруҳга Ширинбека оқа (1385), «Саккиз қиррали» (XIV а.), Туман оқа (XIV а.) ва Қўшгумбазли (XIV аср биринчи ярми) мақбаралари киради. Ушбу ёдгорликларда мозаика безакнинг устувор турларидан хисобланади.

Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки даврида меъморлик керамикаси ривожланишидаги янги хусусиятлар

Ҳофизи Абру Туркон оқа мақбараси беагида намоён бўлган. Унда меъморлик керамикасининг 1382 йилгача мавжуд бўлган ҳамма турлари жамланган, фарқи ўймакорлик террактасини теранлаштиришда бўлган.

Туркон оқа мақбараси меъморлик беаги наққошлигида қўпгина янги мавзулар намоёниш этилган: уларда ислимий наққошлик услуби кенг ўрин эгаллайди. Безатиш услубийлиги наққошлик мавзуларининг ташқи қўриниши билан диққатни жалб этади. XIII аср бошларида ана шу бадий усул Рай ва Кошоннинг юксак қандилли тош тахталарига мансуб бўлган. Кейинчалик, XIV асрнинг биринчи ярмида у Хоразм парчиниди ҳам учрайди ва Темурийлар даври беагига мустақил равишда киради. У асосий ривожини деворий расомликда топди (6). Шу сабабли, эронлик уста Шамсиддин Табрзийнинг ва бухоролик усталарнинг исмлари (7) мақбара олд томонидаги ёзувда учраши бежиз эмас.

Туғлу-Текин мақбараси меъморлигида майда гул безакли олти қиррали тоштахталар парчин техникасида бажарилганлиги ўзига хос янгилик аломатидир, кейинчалик у ўймакорлик террактасини суриб чиқарди. Бу ерда ҳам жимжимадор тоштахталар ишлатилган. Уларни нақшинкор мозаика ўтмишдошлари деб хисоблаш мумкин (8). Ана шу тоштахталарда акс этган қўшалок шох бандлари кейинчалик нақшинкор мозаикада ривож топди. Бу мақбара содда геометрик нақшлар билан беагилган.

XIV аср охирларида нақшинкор сирли мозаика техникасини жорий қилишда муайян шароит юзага келди. Кейинчалик меъморлик керамикаси беаги хиллари кенг тармоқ отди.

Ширинбека оқа нақшинкор безатиш техникаси асосида яратилган илк мақбарадир. Янги безатиш техникасининг умумий композицион-нақшли ислимий усуллари ушбу бино деворини бутунлай қоплаган ҳолда, ислимий безакнинг бадий таъсирчанлигини кучайтиради. Бу эса ўрта асрлар мўйқалам соҳибларига ўсимликни ботаник аниқлигида бериш имкониятини яратади. Ёдгорлик атиргул гунчалари, наъма-так гуллари, гулсафсар, серяпроқ қўқонгуллар, шафтоли гули, лола гуллари билан нақшланган. Мақбара нақшларига киритилган янги, бой гуллар мавзуси нозик ва нафис эгик бандлар ва чиройли ислимий чизиқларда намоён бўлади.

Туман оқа мақбараси беаги нақшинкор мозаиканинг ўхшаш хилини сақлаб, ислимий нақшлар мавзулари билан бойитилган. Тасвир майдаланган ҳолда берилиши натижасида мақбаранинг мозаика беагида услуб нозиклиги қисман йўқотилган.

(Соҳибқирон) набийлик ден гизининг дури бўлмиш саййидларни ҳурматда мукаррам, пир ва муаззам биларди. Улар учун яхши меҳрибонлик, катта нафақа, алоҳида маош, яшаши ва саломатлиги учун зарур нарсаларни назорат қилиб, эғтибор қаратиб турарди. Йигинларда уларни ҳамма иззат-ҳурмат қилиши керак, деб биларди.



Ширинбека оқа ва «Саккиз қиррали» мақбараларида нақшинкор мозаика ўрнига ғиштли мозаика кенг қўлланилган. Улар Шохизинда мақбаралар ансамблига хос камер безатишдан Қўшгумбазли бино безаги орқали монументал биноларга — масжид, сарой ва мақбараларга тарқалган, Амир Темури давридаги иморатлар қиёфасига тантанаворлик ва улўфворлик бахш этган.

Хожа Аҳмад Яссавий масжидининг меъморлик безаги ҳам Темурийлар замонида мансубдир. Кичик қобирғали гумбазнинг олти бурчак парчинли тоштахтасида шезрозлик уста Хожа Ҳасан исми битилган (9). Ёдгорликни безатиш учун ғиштли мозаика ва парчин, бинонинг ташқи қисмлари ва интерьерларида — мозаика ишлатилган.

Амир Темури Жоме масжиди (1399—1403), Гўри Амир мақбараси (1404—1405) ташқи томонлари фақат меъморлик керамикаси билан безатилган, бу биноларнинг улўфворлигини оширган. Масжид ва мақбара безагида ғиштли мозаикага махсус ўрин берилган бўлиб, улардаги геометрик нақшлар аниқ тартибга солиниб, Аллоҳни тараннум этувчи услубий ёзувлар битилган (10).

Амир Темури Жоме масжидининг ғиштли мозаикаси анъанавий терракотали ғиштлар кўринишида бажарилган. Гўри Амир мақбарасида эса сиркор ғиштли мозаика киритилган, холос.

Темурийлар даври ёдгорликларида меъморлик керамикасининг ҳар хил турлари ривож топган. Буни Улуғбек давридаги иншоотлар безагида аниқ кўриш мумкин. Булар орасида, биринчи навбатда, Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувон масжидлари, Шахрисабз Қўкгумбаз масжиди ҳамда Шохизинда ансамблининг равоқини тилга олиш жоиз.

Улуғбек давридаги ёдгорликлар, асосан, кўк ва ҳаворанг сиркор ғиштлар ҳамда парчинли йирик мозаика билан безатилган.

Улуғбекдан кейинги давр меъморлик керамикасининг ажойиб намуналаридан бири Туркменистоннинг Анау масжидининг девор қопламасида сақланган. Бу ерда нафақат ислимий тасвир, балки бино тепасида икки аждаҳо тасвири ҳам мавжуд. Бу Марказий Осиёда шу тарздаги ягона меъморлик безагидир. Темурийлар даври охирларида меъморлик керамикасида рангининг ҳаддан ташқари тўйинтирилганлиги эътиборни тортади. Безак пардози камта-

рона ва айни вақтда сипо. Айни маҳалда ғиштли мозаика аста-секин йўқолиб, кейинчалик, XVII асрда Бухоро, Самарқанд меъморий ёдгорликларида яна тикланди. Оқсарой битказилганидан кейин босма гулли сиркор терракота умуман ишлатилмаган. Амир Темури даври меъморлигида керамикали парчин аста-секин суриб чиқарилди. Бу жараён, айниқса, Улуғбек даври бинолари қопламасида аниқ кўринади.

Монументал (маҳобатли) рассомлик. Темурийлар даври бошланишидан аввал барпо этилган Қусам ибн Аббос мақбараси маҳобатли рассомлик изини сақлаган. Мақбара зиёратхонасидаги безак қатламлари XIV асрга тааллуқлидир (11). Иккинчи қатлам безаги XV аср безагига яқин. Охирги безак санаси XIX аср бўлиб, пастки қатлам нақши мавзуи бўйича XIV аср иккинчи ярмидаги мақбараларнинг сирли қопламаларига яқин. Комиозициявий безак икки қисмга бўлинган, иккаласида ҳам ҳашаматли гулли ром солдирилган қизил ва кўк турунжлар тасвирланган. Йирик ҳажмли безак композицияга гилам суратини берувчи қизил ранг билан хошияланган.

Темурийлар даври монументал рассомлигининг бадий, услубий хусусиятларини назарга олганда, уларни мавзули, нақшли ва пейзаж (табиат манзаралари) турларига бўлиш мумкин. Нақшли тури, ўз навбатида, ўсимлик, эпиграфик ва геометрик хилларга бўлинади.

Бажариш техникаси бўйича рассомлик текис ва рельеф (бўртма) лига ажратилади. Рельефлиси, ўз навбатида, техник ижроси бўйича тошқоғоз (папье-маше), контур-рельеф, қуйма ва кундал хилларига бўлинади.

Темурийлар даври ёдгорликларида рельеф рассомлиги илк бор татбиқ этилганлиги муқаррар. Шу даврда текис пейзаж рассомлиги ташкил топиб, у қисман мазкур давр ёдгорликларида сақланиб қолган.

Мавзули рассомлик услуби XIV аср миниатюра услубига (12) ёки илк феодак Болаликтепа, Варахша ва Панжикент рассомлигига монанд бўлган. Улуғбек расадхонасида деворий тасвир анъаналари давом этганлиги кўзга ташланади (13).

Текис рассомлик (наққошлик) ўз техник услуби бўйича Амир Темури ва унинг



Яна буюрдимки, ҳар ернинг гаразғуй, тухматчи ва нафси бузук кишиларининг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч кимни жазоламасинлар. Фақат бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гуноҳига яраша жазоласинлар.

«Темури тузуқлари»



невараси Улугбек ҳукмронлиги даврига бўлинади. Амир Темури даври наққошлиги хонаки қатламда пухталики билан тайёрланган 0,2—0,3 миллиметр ўлчамдаги грунтга ишланган. Бўёқ қатлами тухумга елим аралаштириб тайёрланган (14).

Улугбек даври рассомлигида безак жуда юпка грунтга, деярли оқламага берилиб, айна вақтда сувоқ қатламини беркитмаган. Бўёқ қатлами ниҳоятда юпка, баъзан ярим шаффоф тарзда берилган.

Биринчи давр рассомлигига аксари холларда рельефли нақш элементлари ҳам киритилган.

Рельефли рассомликнинг энг таъсирчан ва сермеҳнат усули папье-машедир. Амир Темургача бўлган давр безакларида бу усул учрамайди. Папье-маше донадор қоғозда бажарилган. Унли клейстер боғловчи вазифасини бажарган. Шакл чеккаларига қирқилган йирик қоғоз бўлаклари қўйиб чиқилган.

Ҳамма бўлақлар сирти оқ грунт билан, тилла суви юритиладиган жойлар эса кизил грунт билан қопланган. Зарқоғоз япроқлари майда чакмоқ билан узум ширасига аралаштириб қопланган. Безак табиий кўк бўёқ, қизил кесак ва белила аралашмаси асосида туширилган. Тошқоғоз устига тилла ранг нақш берилган. Бунинг учун аввал қора рангга жуда аниқ чизилиб, кейин тилла ранг юритилган.

Пастки рельефнинг қўйма бўлаклари 2 миллиметргача қалинликда нам қоғоз ва рағида мойлама елимда тайёрланган. У кейинчалик майин янчилган ганч қоричмаси билан қопланган. Шундай қилиб, қоғоз бутун рельефни бир-бирига маҳкамлаб бириктирган. Рельеф бўлаклари тўлиқ қуригач, қоғоз сирти оқ грунт ва қизил кесак билан қопланган, кейин тилла суви юритилиб, нақш туширилган (15).

Контррельеф ганчли безатилган қатлам устидан ўйиб олинган. Ўйма чуқурлиги бажарилаётган нақшли мавзулар ўлчамига боғлиқ. Одатда, рельеф кундал бўтқа ёрдамида тайёрланган ва рельефнинг кесилган контури тўлғазилган.

Кундал атрофидаги ич томон сиртига оқ грунт берилиб, кўк бўёқ билан қопланиб, тилла суви, устидан шох ёки бурама чизик тарзида кўк бўёқ юритилган.

Темурийлар даври охирларида кундал мустақил нақшли тасвирий мавзулар техникаси тарзида қўллана бошланди. Кундал бўтқа бир неча марта — керакли кубба ҳосил бўлгунча ётқизилади. Бўтқа таркиби Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалиги-

дан кавлаб олинган қизил кесак тупроқдан, шунингдек гулчанг ва елимдан иборат бўлган.

Марказий Осиё монументал рассомлиги XIV—XV асрлар ёдгорликларининг ички сиртини безашда иккита гуруҳга бўлинади. Самарқанддаги Ширинбека оқа, «Саккиз қиррали», Туман оқа мақбараси, Қўшгумбазли бино, Шохизинда мажмуаси, Улугбек мадрасаси, Шахрисабз ёдгорликларидан Гумбази Саййидон мақбараси ва Кўк-гумбаз масжиди биринчи гуруҳга мансуб.

Иккинчи гуруҳга рельефли рассомлик ёдгорликлари кирган. Булар — Амир Темурнинг Жоме масжиди (Бибихоним масжиди), Гўри Амир, Оқсарой ва Дилқушо кўшки каби обидалар бўлиб, улар текис ва рельефли рассомлик усулларида қай даражада фойдаланилганига қараб ажратилган. Ёдгорликлар биринчи гуруҳини монументал рассомликнинг мавжуд бўлинишларига кўра, уларнинг бадиий-услубий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, эҳтимол, бир услубга ажратиш мумкиндир. (Бу ҳол Марказий Осиё минтақаси учун XII аср иккинчи ярмидан то XVII асргача ҳосдир).

Амир Темур даврида илк бор безатилган — Ширинбека оқа мақбарасининг меъморлик керамикаси каби монументал рассомлик ҳам Амир Темур даври ёдгорликларининг меъморлик декорига хос бўлиб, ганч сувоқдаги ҳамда гулдор сопол қошиндаги хушранг, жимжимадорлик асосида янги усуллар қўлланилганлигидан далолат беради ва уларнинг нодирлигини кўрсатиб туради.

Мақбарадаги тасвирлар техник жиҳатдан текис, ўсимликлар тасвирланган нақшли бино пештоқининг расмлари эса контррельеф воситасида берилган.

Ганч фундамента кўк, қора ва қизил ранглардаги бўёқларда текис тасвирлар сақланган. Пейзажли ва эпиграфик услубларга оид бўлган бу манзараларда дарахт, чангалзор ва қушлар тасвирланган. Ёзиш усули нафис ва жонли.

Ширинбека оқа мақбараси шимолий ва жанубий жавонлари панелларида тилла билан сирланган нақшлар изини ажратиш мумкин. Куннинг муайян вақтида тушадиган қуёш нурлари ярим юмуқ тумшугида чўп тутиб турган лайлак қиёфасини ёритади.

Оддий ва лўнда тасвирда нозик мўйқалам орқали қушнинг хушқадлиги, ҳаракат динамикаси берилган.

Туман оқа мақбараси деворларининг сирти ва гумбазлари текис расмли гул ганч

билан нақшланган. Гумбаздаги юлдузлар қизил ва кўк бўёқларда, девордаги пейзаж-ли панно эса кўк рангда берилган.

Бу ёдгорликда бута ва мевали дарахтлар Ширинбека оқа макбарасидан кўра бир мунча бошқачароқ усулда бажарилган, аммо услуб хусусияти ўшандай эканлиги баъзи элементларда кўзга ташланади.

Туман оқа макбараси панели мураккаб нақшлар изини сақлаб қолган.

Шуни айтиш керакки, Улуғбек даври рассомлигида фон сифатида кўк, сарик ва қизил ранглар ишлатилиши унинг нафислигини бузган.

Улуғбек мадрасаси масжидида бу ранг фақат эпиграфик камарда ишлатилган, эҳтимол, бизнинг кунларгача сақланиб қолмаган гумбазли бостирмаларда қўллангандир.

Гумбази Саййидон макбараси рассомлигининг иккинчи қатламида ҳам, Кўкгумбаз масжиди рассомлигида ҳам бу ранглар эпиграфик ёзувларда қўлланган.

Амир Темур макбарасида асосан геометрик ва эпиграфик нақш берилган. Бу ёдгорликда ўсимликка оид безак қўлланиши чекланган. Бу асосан бино пештоқидаги расмларнинг контррельеф тасвири ва тошқорозда ишланган деталлар ҳамда мрамар белбоғдаги эпиграфик нозик ўсимлик элементларидир.

Ёдгорлик деворлари полдан то шипгача нақш билан безатилган (16).

Амир Темур макбарасига улуғворлик ва муҳташамлик бахш этиш учун у тилла ҳал беришдан аввал йирик бўртма нақш бўлаклари билан қопланган.

Тош ўймакорлиги. Темурийлар даврида биноларни ўйма тош билан безаш асосий қурилиш ва безак ашёси бўлиб хизмат қиладиган Озарбайжон, Арманистон, Кичик Осиё ва Хиндистондан юқори малакали тош йўнувчи усталарнинг Марказий Осиёга келиши билан бошланди.

Улар маҳаллий усталар билан биргаликда дурдона асарлар яратдилар, турли бадий мактаб анъаналари умумлаштирилди. Аммо ушбу асарлар негизини маҳаллий Марказий Осиё усталарининг санъати ташкил этган.

Бу даврда ўйма нақшли тош билан асосан панеллар безатилган, қабр тошлари ўйилган, пойустунлар, панжаралар ва қалит солинадиган тешик қопламаси тайёрланган.

Бибихоним масжиди тош қоплама билан безатилган. Унинг деворлари пастки қисми сталактит панел билан ўралган.

Қаср бостирмасини тош устунлар кўтариб туради. Иншоотда меъморий ўймакор мрамардан фойдаланилганлиги ўзгача бир тароват бахш этган (17).

Гўри Амир макбарасида призма кўринишидаги қадама нақшли деворларга гулхошиялар айлантириб солинган, қимматбаҳо оникс ишлатилган.

Туртиб чиққан бурчаклар оч рангли ониксдан ишланган ним устунлар билан безатилган. Устунлар барча панеллар каби пастдан юқоригача ранг-баранг нақш билан безатилган.

Макбара ичкарасида панел устидан мрамар плитадан икки камар ўтади, пасткисида текис сталактитлар ўйилган, юқорисида ўлим ва охират ҳақида ҳикоя қилувчи икки қатор матн ўйилган (18).

Макбара ички қисмидаги қабр тоши ўсимлик нақши туширилган мрамар хошия билан ўралган.

Қабр тоши ёзувлари қимматбаҳо тошларга битилган: Амир Темур қабри нефрит билан қопланган, қопқоғи ониксдан йўнилган; Муҳаммад Султон қабри қопқоғи қора-кўк Табриз мрамаридан йўниланган.

Темурийлар сулоласи аъзоларининг Марказий Осиёнинг турли чеккаларида жойлашган кўплаб қабрлари оқ ва кўкимтир рангдаги мрамардан нафис ўймакорлик билан безатилган.

Темурийлар давридаги бинолар олд томонини безатишда ўсимликлар тасвирланган бир хил ўймакор мрамар тахтачалар ишлатилган.

Ёғоч ўймакорлиги. XIV – XV асрларда ёғочга ўйма нақш солишда қаттиқ ва қимматли дарахт турларидан ёнғоқ ва қайрағоч асқотган.

Ўйма нақшли ёғоч устун, эшик, ёндор, панжара ва бошқа ёғоч буюмлар қурилишда муҳим безак ҳисобланган.

Туркистонда Амир Темур ва Темурийлар даврида қаттиқ қайрағочдан йўғон нақшли устунлар ясалган (19).

Темурийлар давридаги Бухоро усталарининг ёғоч ўймакорлиги намунасини Чашмаи Айюб макбарасида кўриш мумкин.

Хусусан Хожа Аҳмад Ясавий макбараси, Шохизинда мажмуаси, Гўри Амир макбараси эшиклари ҳам (20) фикримизга далил бўла олади.

Эшик табақалари 3 бўлимли безакдан иборат бўлиб, юқори ва пасткиси квадрат, ўртадагиси эса тўғри тўртбурчак шаклда ишланган.




Амир Темур узининг янги салтанатида давлат тузил-шини ва қонунларни яратди.

Ф. К. Шлоссер

Қадимги Бухоро маркази.







Султон Ахмад Жалойирнинг Бағдоддан подшоҳнинг «Шамс» кайиғида қочиши.
 Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари қўлёзмасидан миниатюра.
 Шероз.



Султон Махмудхон асир
олинган Султон Боязид
Йилдиримни Амир Темур
хузурига келтираяпти.
Шарафуддин Али Яздий-
нинг «Зафарнома» асари
қўлёзмасидан миниатюра.
Шероз. 1553 йил.

تارم پادشاهانه در حرکت آمد و امر فرمود که اورا دست کشاده بجز
دیوان بستن ملاقی استماع یافت مور و انور ابداست از واکرام تلقی



Атирдон. XV аср.

хорижда, жумладан, Европа мамлакатларида ҳам юқори баҳоланарди.

Чинни керамика Марказий Осиё ва Эроннинг турли шаҳарлари, хусусан Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Марв, Урганч, Машҳад, Хирот, Кермонда ишлаб чиқариларди. Хитой услубида яратилган маҳсулот кенг тарқалган бўлиб, маҳаллий усталар тайёрлаган бундай маҳсулотларни баъзан асл намуналаридан фарқлаш мушкул эди. Мисол учун, XV асрда Марказий Осиё ёки Эронда ясалган лаган билан ўша вақтда Хитойдан келтирилган лаган рангларининг уйғунлиги, безаклари мажмуи, ишланиш услуби жиҳатидан худди бир устанинг қўлидан чиққандек туюларди.

Рассом-накшошлар яси лаганлар ёки бежирим косалар сиртига қуш, гул, афсонавий қанус ёки буғулар тасвири туширилган расмни бемалол жойлаштирардилар. Мамлакатда тасвирий мавзуларнинг ёйилиши Хитой чинниси таъсирида рўй берди, аммо Эрон ва Марказий Осиё усталари асарларида Узоқ Шарқ мавзулари қўпинча мўл нақшин безак ичига гўё сингиб кетарди. Тубида маҳаллий анъанавий безак бўлган олти бурчакли юлдуз ва оқ фонга зангори бўёқ билан ишланган хира нақшли қайрилма безак тасвир этилган XIV — XV асрлар Самарқанд сиркор лагани Темурийлар даври керамикасининг намунаси. Ундаги манзарада Хитой чиннисидан нусха қўчиришдан чекиниш ва маҳаллий безак намуналарини излашга интилиш кўзга ташланади.

Темурийлар даврида ранг-баранг бўлмаган, асосан муайян услубдаги ўта жўн геометрик расмлардан иборат қора сиркорий нақшли зангори керамика ҳам кенг тарқалди.

Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар даври керамикасининг мўвулларгача бўлган керамикадан фарқи ранглар уйғунлигида, безаклар мажмуида ва технологик усулларда ўз ифодасини топган. Темурийлар даври керамикасида умумий эстетик қоидалар сақланиб қолгани холда, бадиий услуб бирмунча эркинлашди.

Амир Темур ва Темурийлар даврини тадқиқ этиш билан шуғулланаётган кўпгина олимларнинг изланишлари натижасига кўра Марказий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларида сополни безатишда янги анъаналарнинг технологик асослари умумий тарзда «Темурийлар услуби» деб номланмоқда. Бу услуб XIII — XIV асрлардаги сирланган буюмлардагидан тубдан фарқ қилди ва келгуси XVI — XVII асрларга келиб бир оз ўзгарган тарзда давом этди.

Мовароуннахрнинг энг йирик шаҳар-марказлари: Бухоро, Тошкент, Ахсикент, Урганч, Шахрисабз ва салтанат пойтахти Самарқандда олиб борилган археологик изланишлар натижасида бадиий безаги жиҳатидан ноёб идиш намуналари топилди. Мазкур намуналар хашамдор ва кундалик турмушда ишлатилган оддий идишлар гуруҳига бўлинади. Яъни юқори сифатли хашамдор идишлар меҳмон кутиш тантаналарида дастурхон безатишда ёки меҳмонхона тоқчаларини ясатишда асқотган. Оддий идишлар эса, одатда, оиланинг кундалик турмушида ишлатишга мўлжалланган.

Ранги жиҳатидан идишлар монохром ва полихром турларга бўлинади. Монохром турида идиш асосий ёрқин фони бўйича кўк рангда (кобальт) нақшланади, бу энг оммавий тур ҳисобланган. Ёки қора ранг билан нақшланган идиш устидан ҳаворанг сир берилган бўлиб, у кам учрайди. Полихром турида кўк (кобальт), тўқ жигар ранг ва ҳаворанг бўёқлар намоёндыр.

Хашамдор идиш намуналари кўпроқ хитой чиннисига ўхшатма шаклида оқ силикат таркибидаги лой — кошиндан тайёрланиб, кўк нафис нақшлар билан безатилган. Хитой чиннилари нафислиги, ўзига хос манзара тасвири билан қадимдан то XIX асргача Яқин ва Ўрта Шарқ, Фарбий ва Шаркий Европа мамлакатларида жуда қимматбаҳо ва антика ҳисобланиб келган, замондошлар бадиий дидининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Дарвоқе, оқ идишларни кўк ранг билан нақшлаш усулини Яқин Шарқ ва Марказий Осиё усталари кашф қилган бўлиб, шу ҳудудларда XII асрдаёқ кенг тарқалган эди (22). Бу хашамдор идишларнинг намуналари, шубҳасиз, Узоқ Шарққа ҳам етиб борган. Аммо Эрон кобальтининг кўк рангини ёрқин хитой чиннисига мослаштириш ва ўзига хос миллий колоритни яратиш учун Узоқ Шарқ усталарига яна икки аср мобайнида кўпгина амалий тажрибалар ўтказишга тўғри келган. Оқ ёки пушти ранг маҳаллий кошинларнинг лойи юмшоқ бўлиб, Темурийлар даврида улардан фойдаланиш шаҳарларда оммавий тус олди. Шу билан бирга, Темурийлар даврининг кулолчиликдаги ютуқларидан бири кошин лойини каттиқлаштириш, асл чинни таркибига яқинлаштиришдан иборат бўлди. Темурийлар давлатида чинни яратиш устида мунтазам изланишлар олиб борилди.

Амир Темур санъатни юксак қадрлар эди. Унинг ўзи бадиий асарлар мажмуасига эга эди. Турли тоифадаги машшоқлар, сўхандонлар, ҳайкалтарошлар, боғбонлар, рассомлар жаҳоннинг ҳар хил давлатларидан Амир Темур саройига тўпланган эдилар.

Хильда Хукхэм



XV аср манбаларидан маълумки, сирли сопол усталари бу борада катта тажрибага эга бўлганлар. Шундай уста наққошлардан бирига Алишер Навоий хомийлик қилган. У Хиротда чинни тайёрлаш бўйича кўпгина тажрибалар ўтказиб, Хитой чиннисидан деярли қолишмайдиган идишлар тайёрлашга эришди, аммо бу идишнинг ранги айтарли тиниқ эмас эди (23).

Қаттиқ кошиндан ясалган камёб соф хитой чиннилариининг намуналари хашамдор идишлар гуруҳига кирган.

Одамли тасвирлар орасида зотдор от минган чавандоз ва ўсмир тасвирлари учрайди. Тоилмаларнинг асосий қисмини «манзарали мавзулар» — гул, бута ва хоказо композицияли идишлар ташкил қилади. Оддий сопол буюм намуналари бир хил рангли чизмаларда акс этирилган. Аксарият ҳолларда оқ ранг устидан қўқ рангда содда ўсимлик тасвирлари туширилган. Аммо буларда ҳам хитой чиннисидан олинган рамзли мавзу белгиларидан кенг фойдаланилган. Масалан, анор (тўкин-сочинлик), кўзикорин (абодий ҳаёт), шафтоли, ўсимлик мавзулари, аждаҳо ва бошқа тасвирлар (24) шулар жумласидан.

Темурийлар даврига келиб кулолчилик маданиятида катта ўзгаришлар рўй берди, эски услубдан воз кечиш жараёни кеча борди.

Шу билан бирга янги услуб, шакл, ранглarga ўтиш кенг қўламда жорий этилди. Шу кунгача сақланиб қолган мовий ранг Темурийлар давридан буён сеvimли рангга айланиб қолганки, у уй-рўзғор сопол буюмларида хануз ишлатилади.

Темурийлар давридан бери кенг қўламда фойдаланиб келинаётган буюмлардан бири лагандир. Лаган асосан куюқ овқат учун ишлатилиб, оилада, тўй-маъракаларда жамоавий идиш вазифасини ўтаб келади.

Бу даврда косалар хажм ва шакл жиҳатидан якуний ҳолатга келди. Уларнинг нақшли безаги олдинги даврдаги анъанага кўра, ички сатҳидан ташқи юзасига кўчади. Бундай анъана ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, косаларнинг ички сатҳи тозалик ва софлик рамзи сифатида оппоқлигича колдирилади.

Темурийлар даврида металлга бадий ишлов бериш санъати ниҳоятда ривож топди. Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари олтин, кумуш ва бронзадан ясалган хилма-хил идишлар, мисдан тайёрланган уй-рўзғор жиҳозлари, қурол, ҳарбий анжомлар, турли заргарлик зийнатлари ва ибодат

билан боғлиқ буюмлар ишлаб чиқарадиган марказлар эди.

Марказий Осиё ва Эрон усталари бронзадан ясаган буюмлар ўхшаш бўлишига қарамай, у ёки бу технологик ва бадий усулни қўллашда ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди. Мисол учун, мўғулларгача бўлган даврда Хуросон шаҳарларида тасвирий мавзу ва технологик усулларнинг кенгрок доирасидан истифода этилган идишларнинг турли қисмларини қуш ва ҳайвонларнинг яққол шакллари билан безатиш, бўртма манзараси ва қадама нақш техникаси бирмунча кўпроқ қўлланган. Бу услуб мўғулларгача бўлган даврда Марказий Осиё ҳудудида ишлаб чиқарилган буюмлар учун хос эмасди.

Амир Темур ва илк Темурийлар ҳукронлиги даврида Ўрта ва Яқин Шарқ ғарбий марказларининг Мовароуннаҳрда металлга бадий ишлов бериш санъати ривожланишига таъсири сезила бошлайди. Бу, кўп жиҳатдан Амир Темурнинг ҳарбий юришлари натижасида мазкур минтақалардан Самарқанд ва Мовароуннаҳрға усталарнинг олиб келиниши билан боғлиқ эди. Марказий Осиё усталари тайёрлаган махсулотларда нақшин безакни бўрттиришга, идишларнинг нафислигига, буюмлар учун таглик кўринишидаги фигурали безаклардан фойдаланишга интилиш кучайди. Бу таъсир техник усулларда ҳам ўз ифодасини топди.

Мовароуннаҳрда бронза ва мисдан ясалган буюмларга кумуш толалар қадаб нақш тушириш техникаси, шунингдек, подшоҳ ва сарой асбоб-анжомларида олтин ва кумуш буюмларни қимматбаҳо тошлар қадаб безатиш қўллана бошлайди.

Самарқанднинг Регистон майдони яқинидаги устахонадан топилган бронза буюмлар XIV — XV асрлар наққошлигининг бадий анъаналари ҳақида гувоҳлик беради. Бу турли мақсадлар учун яратилган 60 дан зиёд турдаги буюмлар: декча, коса, кўзалар, идиш қошқоғи ва тагликлари, уй-рўзғор анжомлари, мис қошиқ ва тарозилардир.

Мазкур хазинада оддий хунармандлик билан бир қаторда ҳақиқий санъат асарлари ҳам бор. Уларга безак беришда янги давр қирралари: янада майдалаштирилган ва нафис безак, сюжет тасвирининг ўзига хос талқини ва кумушдан қадама нақш тушириш техникаси намоён бўлган. Фигурали тасвирлар илгариги, мўғулларгача бўлган даврдан фарқли ўлароқ, алоҳида медальонларга ажратилган.



Мўъжазгина кенг бўғизли кўзалар, ко-
сасимон декчалар, кўп қатли шамчирок ва
шамдонлар кенг тарқалган. XV аср буюм-
ларига безак беришда горизонтал чизиклар
билан идишларнинг танасини қамраб олув-
чи майда ислимий нақш кўп учрайди.
Унинг фониди форсий битиклар мавжуд.
Бу даврнинг бронза буюмларида қадама
нақш кам учрайди.

Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги 11
та бронза буюм XIV—XV аср бошларига
хос буюмларнинг алоҳида гуруҳини таш-
кил этади. Улар орасида нодир бронза
қозон, олтига шамчирок, шунингдек, ра-
воққа кириладиган эшикдаги бир жуфт
даста ва асосий залдан даҳмага кирилади-
ган эшикдаги бир жуфт даста бор.

Олтига кўп қатли шамчироклар бегази-
да нақшлар билан бир қаторда ҳам тарихий
мазмундаги, ҳам эзгу истаклар билдирил-
ган ёзувлар мавжуд. Бу шамчироклар иш-
ланиш услубининг бир қатор хусусиятлари
уларнинг Шом-Миср бадий аънаналарига
алоқадорлигидан далолат беради. Айни
пайтда, Эрон металл ишлаш марказлари-
нинг аънаналарига яқинлик ҳам сезилиб
туради.

Эшикларнинг йирик даста қуймалари ўз
хусусияти жиҳатидан жуда ноёбдир. Улар
нақш безаклари ва ёзув хусусиятларига
кўра Шом-Миср ва Эрон бадий аънанала-
рининг ўзига хос чатишувидан иборат, де-
ган фикрга олиб келади. Бу эшик дастала-
ри катталигига қарамай, усталарнинг нозик
санъати туфайли бежирим чиққан — нафис
нақшнинг безак ва битиклар уларга алоҳида
ғўзаллик ва маҳобатлилик бахш этади.

Заргарлик буюмлари ва қурол-яроғ
ясаш металлга бадий ишлов беришнинг
махсус тармоғи эди. Заргарлар аёл тақин-
чоқлари, от абзали ва ҳарбий анжом
қисмлари ишлаб чиқаришда олтин, кумуш,
мис, бронза ва жездан фойдаланардилар.
Уларга зумрад, феруза, чакмоқтош, мар-
мар, марварид, лаъл, биллур ёки шишадан
кўз қўйиларди.

Ўрта аср заргарлари хилма-хил техник
усулларни яхши билардилар: металл қу-
йиш, ўймакорлик, зарҳаллаш, олтин ва ку-
муш бўлаклари билан қадама нақш солиш
усулидан моҳирона фойдаланишар, тош-
ларга ишлов беришнинг ранг-баранг усул-
ларини қўллашарди. Темурийлар даври-
нинг қимматбаҳо металл ва тошлардан иш-
ланган ноёб заргарлик буюмлари ўрта аср
миниатюраларида тасвир этилган.

Заргарлик буюмларининг шакл ва услу-
бида ўзгариш кўзга ташланади. XIV—XV

асрларда эркаклар бўйнига осиб юрадиган
оғир тилла ва йирик жиғалар йўқолиб, аёл-
ларнинг заргарлик тақинчоқларига эътибор
кучаяди.

Заргарлар камар, камзул ва чакмонлар-
га қимматбаҳо металл ва тошлар қадашга
алоҳида эътибор берар, ҳукмдорлар тожи
қимматбаҳо тошлар билан безатиларди.
Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темурнинг
бош кийимини шундай таърифлайди: «У
марварид ва қимматбаҳо тошлар билан бе-
затилган узунчоқ телпак кийиб юрарди.
Телпакнинг тепа қисмида олтин куббаси
бор эди».

Нафис нақш, қимматбаҳо металл ва
тошлардан ишланган қоплама зийнатлар
билан безатилган камар, дубулға, қилич,
жанг аслаҳалари асосан аслзода аъёнлар ва
саркардалар учун мўлжалланган эди.

Аёллар тақинчоқларини зийнатлашда
давр бадий услубининг умумий аънанала-
рига ҳамоҳанг шакл нафислиги ва ранг-ба-
ранглигига интилиш яққол сезилади. Ке-
йинчалик Марказий Осиёда келинлар зий-
натида кенг тарқалган хилма-хил серхашам
заргарлик буюмлари пайдо бўлди.

Ёғоч, суяк, шиша, мрамар, нефрит,
ақиқ билан боғлиқ хунармандлик турлари
роят ривож топди. Ёғоч, нефрит ва мрамар
ҳам маиший буюмлар, ҳам меъморлик
жихозларининг қисмлари бўлмиш устун,
эшик, панел, сағана ва шунга ўхшашларни
ясашда кенг қўлланилган.

Рангли шиша кўзлар дунёвий иншоот-
ларнинг ички қисмида витраж санъатининг
ўзига хос шакли сифатида истифода этил-
ган.

Суяк асосан қилич ва пичоқ дасталари,
ҳарбий анжом қисмлари, фил суяги эса
майда атторлик буюмлари,
турли ғаладон ва аёлларнинг
пардоз-андоз буюмлари сирти-
га қадама нақш солишда ишла-
тилган. Мусиқа асбоблари ус-
талари ҳам мўъжаз суяк пла-
стиналари билан қадама нақш
солиш усулидан фойдаланиш-
ган. Уларнинг қўплаб намуна-
лари ўша давр миниатюрала-
рида ўз аксини топган.

Сандиқ, ғаладон, китоб жа-
вонлари, лавҳлар, мусиқа ас-
боблари, пастак курсилар ва
тахт жихозлари, ҳарбий ас-
лаҳа қисмлари ва бошқа кўплаб буюмлар
турли нав ёғочдан ясаларди. Бунда омма-
вий маҳсулот билан бир қаторда чинакам
санъат асарлари, масалан, сандал дарахти-



*Амир Темурнинг ўзи ўртак
бўлди ва хопадоннинг айрим
аъзолари, шунингдек вазирлар
ҳамда мамлакатнинг бошқа
бадавлат кишилари мадраса,
масжидлар ва шифохоналар
барпо қилиш ва ҳаёда этишда
ўзаро мусобакалашишар эди;
шунинг учун Марказий Осиё-
нинг маънавий парвози бевоси-
та бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда,
Амир Темур хизматларидан
деб ҳисобланиши мумкин.*

Г. Вамбери



дан Улугбек учун ясалган ўймакор галадоннинг даста ва кулф-калитлари олтиндан ишланган.

Унинг беагида мусулмон олами нақш анъаналари билан Темурийлар салтанатида кенг тарқалган Хитой сюжетлари уйғунлашиб кетган. Бу галадонни безатиш услуби XIV аср ёғоч ўймакорлиги беаги билан қиёслаш муайян тадрижий ривожланишни кўрсатади. Усталарнинг безакларни нозиклаштиришга, безак туширилаётган буюмлар сиртини мумкин қадар тўлдиришга интилиши кучайди. Нақшлар тобора майдалашиб борди.

Сангтарошлар меҳнати айниқса сулолавий мақбаралар учун сағана плиталари тайёрлашда кенг қўлланган. Қора ва оқ нефритдан ҳамда йўл-йўл ақиқдан ишланган Эрон ва Марказий Осиёга тааллуқли коса, галадон ва бошқа бир неча ажойиб буюмлар сақланиб қолган. Уларда сангтарошнинг материалга сайқал ва бадий ишлов беришдаги юксак маҳорати ўз ифодасини топган.

Қизиғи шундаки, Ҳиротда 1470—1471 йилларда Хусайн Бойқаро учун йўл-йўл ақиқдан тайёрланган коса билан 1450—1500 йилларда Эрон ёки Марказий Осиёда қора нефритдан ишланган коса шакли, улардаги шаробни мадҳ этувчи битик моҳияти ва руҳи жихатидан бир-бирига ўхшаш.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари ҳаёти ва турмушида азалдан жун, ипак, зифир, пахта, теридан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар алоҳида ўрин тутган.

Газлама ва гилам ишлаб чиқариш Марказий Осиё ва Эронда мўғулларгача бўлган даврдаёқ кенг тарқалган эди, аммо XIV—XV асрларда у янада кенг қулоч олди. Тахт ўрнатилган зални безатишда ишлатилган гилам, парда ва бошқа материаллар, ипак, олтин ва қумуш толалар солиб тикилган, турли сергул матолардан кўз солиб безатилган ёстиқ ва суянчиқлар айниқса ранг-баранг эди.

Тахтни ўша давр миниатюраларида кўп-лаб акс эттирилган хашамдор нақшли гиламлар билан безатганлар. Гилам буюмларида безакнинг иккита асосий: геометрик шаклли (гириҳ) ва гул-ўсимлик тасвири (ислимий) тури қўлланилган.

Ҳукмдор ва сарой аслзодаларининг либоси ҳам бадий мода талабларига мос равишда ўзгариб турган. Тўқ қизил, кўк, яшил, зангори, оч бинафша ва жигар ранг газламалар баъзан нақш солиб тикилган ҳолда эгаги узун белбоғли камзуллар тайёрлашда ишлатилар ва уларни сарой аён-

лари, шахсий соқчи ва хизматкорлар кийиб юришарди.

Сарой либоси тез-тез ўзгариб турган: лекин халқ кийим-кечаги ўз барқарорлигини сақлаб қоларди. Амир Темур салтанатининг муайян мода бўйича ихтисослашган марказ шаҳарлари мавжуд эди. Уларга, шубҳасиз, Ҳирот, Самарқанд, Табриз, Шерозни киритиш мумкин.

XIV аср Марказий Осиё минтақаси сарой либосида яққол сезилиб турган мўғулхитой анъаналари таъсиридан халос бўлиш жараёни XIV—XV асрлар давомида кечди. Бу даврда халқаро алоқаларнинг кенгайиши туфайли Марказий Осиё халқлари либосига Эрон ва фарб анъаналари таъсири кучайди.

Самарқанднинг Амир Темур салтанати пойтахти сифатидаги қудратининг ўсиши ва унинг халқаро аҳамияти бу шаҳарни кийим-кечак ишлаб чиқариш билан боғлиқ бадий ғоялар тарқатувчи марказлардан бирига айлантди.

XV асрда моданинг Ҳирот ва Самарқанд сингари иккита асосий маркази маълум эди, аммо XV аср иккинчи ярмида Ҳирот мода тарқатувчи ягона марказ бўлиб қолди. Аслзодалар кийим-кечагида бурунгидек кўпинча кашта ва қимматбаҳо тошлар билан безак солинган ёрқин рангли газламалардан кенг фойдаланилган.

Жун ёки ипак камзулларда баъзан мўйна ишлатилган. Камзул ичидан жун ёки шойи кўйлак кийиларди. Бош кийим оқ дастор (салла) ўраладиган саёз телпақдан иборат эди. Аммо XV аср миниатюраларида четларига жияк тутилган оқ-қора турк-мўғул қалпоғи учраб туради.

Оёқ кийим, асосан, қўнжли этик ва учи қиррадор кавушдан иборат эди. Сарой аёнлари ва ҳукмдорларининг кийимларини қимматбаҳо тошлар қадаб нақш солинган хашамдор олтин камарлар, тўқалар, қурол ва узуклар беазаб турган.

Авом кийими одми бўлиб, у ҳам ўша давр миниатюраларида яхши акс этган. ҳунарманд ва бинокорлар, сангтарош ва ишчилар ички кўйлак билан қалта камзул кияр ва камзулини қайиш билан боғлаб юрардилар. Уларнинг кийими анча нурсиз: тўқ жигар ранг, яшил, кўк газламалардан тикиларди.

Устки кийим, хусусан пўстин ва почапўстин тикувчилар орасида ўз маҳсулотлари билан чўл аҳолисининг эҳтиёжларини қондирувчи усталар мавжуд эди. XV асрда Самарқандда маҳсус устки кийимлар рас-таси бўлиб, унда телпақ ва бошқа кийим-

лар тайёрлайдиган савдо дўконлари ишлаб турар эди.

Амир Темур ва Темурийлар даври бадиий ҳунармандлиги ўша давр маданиятининг бошқа соҳалари сингари жаҳон цивилизацияси тарихида ажойиб саҳифадир. У улкан минтақадаги беназир санъат дурдоналари яратган халқлар ижодий даҳосининг бекиёс юксалиш даври бўлди.



Адабиёт

Амир Темур фаолиятини, хусусан, унинг бой шахсиятини бадиий адабиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Амир Темурнинг давлат сиёсати туфайли туркий тилда ҳам бадиий адабиёт кенг ривожлана бошлади. Истеъдодли шоир Ҳайдар Хоразмий «Гулшани асрор» достонида бу даврдаги адабиётда туркий тил биринчи ўринга кўтарилганлигини таъкидлаб, бу кўтарилиш фақат тил ҳодисаси билангина эмас, балки умуман, ҳаётда туркий халқларнинг мавқеи орта бошлагани билан ҳам боғлиқ эканини изоҳлаб, шундай ёзган эди:

*Турк зуҳуридур очунда бу кун,
Бошла улук йир била туркона ул!
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яши аёлгу била кўкла қўбуз (1).*

Бунгача ҳам туркий тилда бой адабий мерос яратилган. Хусусан, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Аҳмад Югнакий каби ижодкорларнинг шеърий ва насрий асарлари туркийлар орасида кенг тарқалган эди.

Лекин, умуман олганда, Марказий Осиёда форсий тилдаги адабиёт етакчилик қилар, айрим ўринларда туркийлардан чиққан қатор истеъдод соҳиблари ҳам адабий анъанага риоя қилиб, форсий тилда ижод этар эдилар. Шунга қадар Олтин Ўрдада туркий адабиётнинг ажойиб бир мактаби юзага келган, бу мактабнинг «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий, «Лағофатнома» муаллифи Хўжандий, Сайфи Саройи, Кутб каби вакиллари ўзларининг ёрқин шеърий истеъдодлари билан бутун туркий оламга донг таратган эдилар. Амир Темур ва унинг авлодлари даврида шакланган шоирлар қадим Туркистон ва Олтин Ўрда адабий мактабининг анъаналарига суяниб, ўзбек адабиётини янги юксак поғоналарга кўтара бошладилар. XV асрнинг биринчи ярмида яшаган Юсуф Амрийнинг «Дахнома», Саййид Аҳмад Мироншоҳнинг «Таашшукнома», Саййид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома» каби асарларида нома жанри соҳасидаги шундай вориийлик кўзга яққол ташланиб туради.

Амир Темур даврида форсий шеъриятда жаҳонга машҳур Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Салмон Соважий кабилар, туркий шеъриятда Саййид Насимий, Сайфи Саройи, Лутфий, Дурбек кабилар ижод қилганлар ва ном чиқарганлар. Лекин уларнинг Соҳибқирон билан ўзаро муносабатлари ҳақида бизга жуда кам маълумот этиб келган. Марҳум адабиётшунос Ҳаким Ҳомидий ва таниқли тожик адабиётшуноси Отахон Сайфуллаев фикрига кўра, Амир Темур Камол Хўжандийнинг ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Камол Хўжандий Тўхтамишхон буйруғига кўра Олтин Ўрдага — Саройга банди қилиб олиб кетилган эди. Шоирнинг бир неча йиллик умри бу шаҳарда тутқунликда кечган. Амир Темур 1395 йилда Тўхтамишхонни енгизиши билан Камол Хўжандийга яна Табризга қайтиб кетишига имкон яратган. Камол ўз газалларидан бирининг мактаида ёзади:

*Камол он дамки, хоҳи дид бо ёрон
карим худо,
Бигў: — «Ин давлат аз юмни шаҳи
Соҳибқирон дидам» (2).*

Таржимаси:

*Камол, ҳар вақт агар бўлсанг
биродарлар билан ҳамдам,
Дегил: — «Они ул шаҳи Соҳибқирон
туфайли кўрдум».*

Маълумотларга кўра, Мироншоҳ Камол Хўжандий билан ўзаро ёзишмалар олиб борган.

Амир Темурнинг Ҳофиз Шерозий билан учрашуви бошқачароқ бўлган экан. Ҳикоя қилишларича, Амир Темур 1387 йили Шерозни забт этганида:

*Агар он турки Шерози ба даст орад
дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду
Бухороро,
яъни:
Агар кўнглимни олсайди ўшал Шероз
жонони,
Қора холига бергумдир Самарқанду
Бухорони,*



матлаи билан бошланган машҳур ғазални ёзган «Ҳофиз» лақабли шоир шу шаҳарда яшашини билиб қолади. Ҳофиз ўз ғазалининг бу байтида Амир Темур бутун умри давомида куч-ғайратини ишга солиб, обод қилган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўзи яхши қўрган жоннинг бир дона қора холига бериб юборишга тайёрлигини изҳор этганди. Ҳазал халқ орасида ниҳоятда кенг тарқалиб кетган, ҳатто ҳамма ерда қўшиқ қилиб ҳам айтилар эди. Ҳазални ёзган шоирнинг бундай тантилиги, саҳийлигидан дарғазаб бўлган Соҳибқирон дарҳол уни топиб келишларини буюради. Бу вақтда ёши олтмишлардан ошган, устига эски жанда кийган, аҳволи ночор шоирни Амир Темур ҳузурига олиб келишганида у шоирга ўта норозилик оҳангида:

— Мен Самарқанд билан Бухоронинг донғини кўтариш учун қанча мамлакат ва халқларни забт этсаму, сен уларни қандайдир бир жоннинг битта холига тухфа қилиб юборсанг! Бунга қандай ботиндинг? — дейди.

— Эй Соҳибқирон! — дебди бунга жавобан шоир. — Эгнимдаги жандамга, аҳволимга қара! Шундай исрофгарчилигим мени охири шу аҳволга солиб қўйди-да!

Шоирнинг Соҳибқирон олдида ўзини йўқотмай, ҳазил билан шундай чиройли, ҳаққоний жавоб қилгани Амир Темурга хуш келиб, у озор қўрмай уйига қайтиб кетган экан. Бу, албатта, ривоят. Лекин ҳар қандай ривоятда ҳам ҳақиқат зарраси бўлади-ку!

Умуман, Амир Темурнинг шахсий ҳаётида бадиий адабиёт қандай ўрин тутар эди? Соҳибқирон шоирликка ҳам қизиққанми? Унинг бадиий асардан завқланиш даражаси қандай бўлган? Бу каби саволларга энг мақбул жавобларни Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» тазкирасидан топиш мумкин. Навоий ёзишича, Соҳибқирон ҳаётида адабиёт жуда катта аҳамият касб этган. У, гарчи ўзи шеър ёзмаган бўлсада, лекин мавжуд шеърӣй ва насрий асарлардан шунча кўп ёд олган ва уларни ўз вақтида, ўз ўрнида шундай яхши ўқир эканки, бунга ҳамма қойил қолар экан.

Навоий ёзади:

«Мулуқ шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгири Соҳибқирон, яъни Темур Гура-

гон... — гарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ ҳўб маҳал ва мавқеида ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор».

Амир Темур шеърда жуда катта ижтимоий-фалсафӣй, ахлоқӣй маъно, нафосатни қўрган, сезган ва ундан бутун умри давомида фойдаланган, унинг завқи билан яшаган. Амир Темур ҳаётининг энг қийин дамларида шеър унга мураккаб масалаларни осон ечишга ёрдам берган. Бунга бир мисол.

Маълумки, Амир Темур ўзига тобеъ Эрон, Озарбайжон, Гуржистон ва унга туташ бир қанча мамлакатларни бошқаришни ўғли Мироншоҳга топширган. Аввалги саҳифаларда айтиб ўтилганидек, Мироншоҳ маълум даражада енгилтабиат йигит бўлиб, бир оз вақт ўтгандан кейин маишатга, майхўрликка берилиб кетади. Кунларнинг бирида ўғлининг бир қанча ножўя ишлари тўғрисида Амир Темурга Табриздан хабар келади. Бундан қаттиқ хафа бўлган Амир Темур аввало ўғлини ёмон ишларга бошлаган кишиларни жазоламоқчи бўлади. Мавлоно Коҳӣй, Қутб Нойӣ деганлар тутиб келиниб, дарҳол қатл этиладилар. Ўз даврининг катта олим ва санъаткори Хожа Абдулқодир эса қочиб қутулади.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин уни Ироқда Амир Темурнинг олдига олиб келганларида, у Амир Темурга яқинлашиши биланок чиройли ва баланд овозда Қуръон тиловати билан Соҳибқироннинг ғазабини юмшатишга муваффақ бўлади. Амир Темур унга раҳм қилиш билан бирга ўз фикрини бир мисра шеърда ифода этади ва уни яна кўп йил ўз даргоҳида олиб қолади. Бу воқеани Навоий «Мажолисуннафоис» тазкирасида шундай ҳикоя қилган:

«Хукм бўлдиким, тавочи миод била чоғиб бориб, учаласининг бошин келтурсун. Алардан бири Хожа Абдулқодир эрди ва яна бири Мавлоно Муҳаммад Коҳӣй эрди ва яна бири Устод Қутб Нойӣ эрди. Тавочи бориб, иккаласини ясоққа келтурди. Аммо Хожа Абдулқодир қочиб қаландар бўлуб, ўзини девоналикка солиб, мулкдин мулкка мутавори юрур эрди, то улким, ул ҳазрат (яъни Амир Темур. — *Мух.*) яна Ироқ юруши қилди. Ул мамоликда Хожанингу ул холи баъзига маълум бўлуб, юқори арз қилдилар. Хукм бўлдиким, тутуб келтурсунлар. Ул ҳазрат тахтада эдиларким, Хожаи фақирни девоналикка қўймай, судраб, тахт илайига келтурдилар. Андин бу-

Амир Темур Самарқандни кўркамлаштиришга эҳтирос билан ўзини бахшида этди. Бу борада у меъморлар тақдим этган лойиҳалар орасидан энг яхшисини танлаб олиш, улар билан режани муҳокама этиш, ўзига хос тўхтамага келиш, қурилишни ташкил этиш, баъзан эса бевосита қурилишга бошчилик қилиш, қайси юртдан келганлигидан қатъи назар энг моҳир усталарга ишонч билдиришидек ажойиб истеъдодини намоён этди.

Керэн Люсьен



рунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири Қуръон хифзи ва қирот илми эрди, филҳол бийик ун била Қуръон ўқумок бунёд қилдиким, ул ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори бокиб бу мисраъни ба вақт ўқидиким:

Абдол зи бийм чанг ба Мусҳаф зад.

(Мазмуни: Қаландар кўркувдан Қуръонга чанг солди). Андин сўнгра Хожаға илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди» (3).

Навоий насрининг бу гўзал намунасида воқеалар ўзининг тўла мураккаблиги ва драматизми билан мароқли баён қилинган. Навоий бу ўринда улуғ Амир Темурнинг кези билан нақадар қаҳрли бўлишини, жойи келганда эса раҳмдил бўла олишини фоят самимий ва ишончли тасвирлаб берган. Айни вақтда шу ерда Навоийнинг Темур оғзидан чиққан шеърий мисра ҳақидаги фикри ҳам эътиборлидир: «Идрок ва фаҳм аҳли билурларким, йиллар, балки қарнларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас» (4).

Бунда Навоий, бизнингча, Амир Темур табиатида шоирлик истеъдодининг муҳим аломатлари бўлган, демоқчи.

Амир Темурга мансуб бу мисра кейинчалик шуҳрат топиб, бошқа бир қанча шоирлар тазмин санъатига кўра ундан ўз шеърларида фойдаланиб, янги шеърлар ёзишган. Нақшбандия сулукининг машҳур арбобларидан Хожа Аҳрор Валий эса уларга шарҳлар битган (5). Шу билан бирга бошқа тарихий манбаларда, хусусан Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират-уш шуаро»сида, Амир Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»сида уни камситувчи шеърий мактуб олганда, ўзида шеърий иктидорнинг йўқлигидан афсусланиб гапирган, агар шоир бўлсам бу хатга ўзим шеърий жавоб ёзган бўлардим, деган экан. Шунда бу вазифани унинг ўғиллари бажарган экан (6). Соҳибқирон шоир ва олимлардан ҳеч вақт ор қилмаган, аксинча, уларнинг олижаноб ишларига ҳавас билан қараган.

Амир Темурнинг ўзбек адабиётига қилган катта хизматларидан бири унинг 1397—1398 йилларда Туркистон шаҳрида ўзбек адабиёти ва ўзбек тилининг асосчиларидан бири, буюк шоир ва тасаввуф шайхи — Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил) қабри устига буюк мақбара қурдирганлигидир. Бу бино Марказий Осиёдаги энг улуғ мейморий ёдгорликлардан бўлиши билан бирга Аҳмад Яссавий ва ўзбек адабиёти-

нинг шуҳратига шуҳрат қўшди. Бинонинг қурилиш жараёнида унинг тепасида кўп вақт Соҳибқироннинг ўзи турди. Яссавийга бундай ёдгорликнинг барпо этилиши унинг гўзал шеърятига бўлган ҳурмат ва муҳаббатнинг ҳам белгиси эди.

Амир Темур ўз авлодларига фақат катта салтанатни эмас, айни вақтда яхши анъаналарни ҳам мерос қолдирди. Деярли барча Темурийлар учун Амир Темурнинг ободончилик, мамлакатни адолат билан бошқариш, фан, маданият, санъат соҳаларидаги ишлари ундан кейин ҳам узоқ йиллар давомида ўрнак бўлди.

Масалан, Навоий ўзининг мактубларидан бирида Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамон ўз гувоҳномаларидан бири (нишон)да отасининг отини кўрсатмаганда, улуғ шоир унга танбех бериб: «Мирзога Темурбек тўртинчи насабдур, Мирзо хутбада бекнинг отига, шариф руҳига Масжиди Жомеда ҳар одина кунни дуо қилурлар. Сиз эса нишонингиз тугросидин Мирзонинг муборак отин чикорурсиз», — деб ёзган эди (7). Отаси тириклигидаёқ унга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатган Бадиуззамоннинг келгуси тақдири аянчли туггани ҳаммага маълум. Амир Темур маънавият соҳасида ҳам ўз авлодларига юксак намуна бўлди. Шохрух, Улуғбек, Абулқосим Бобур, Абу Саъид ва бошқалар Амир Темур шахси олдида ўзларини унинг шогирди ҳисоблаганлар. Унинг фазилатларини ўзида кўришни кироий фаҳр ҳисоблаганлар. Масалан, Ҳусайн Бойқаро қилич чопишда катта маҳоратга эга бўлган. Бу тўғрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзар экан, буни Темурдаги фазилат билан боғлашга ҳаракат қилади: «Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай» (8).

Ҳусайн Бойқаронинг кўп шеърни ёд билиши ва анжуманларда кетини узмай, ўз вақтида ёддан мароқ билан ўқий олиши ҳақида гап борар экан, буни ҳам Навоий «Мажолисун-нафоис»да Амир Темурда мавжуд бўлган фазилатларнинг давоми сифатида изоҳлайди: «То олам аҳли билгайларким, Султон Соҳибқиронгаким, мажолисда пайдар-пай ҳўб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур, — дағи маврусийдурким, нисбати ул жадди бузургвор Амир (Темур)га тuzатурким, ул бирининг макони равзай



Амир Темур ўз пойтахтида савдо-сотиқни жуда яхши йўлга қўйиш учун шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига ўтувчи кўчалар очиш ва уларнинг ҳар икки четига дуконлар қуришни буюрди. Нархни кўтариб юборган савдогарлар жазоланган. Жазо турларидан бири Самарқанддан бадарга қилиш эди.

Саид Жамолiddин



жинон ва бу бири жаҳон мулкида жовидон бўлсун!» (9).

Амир Темурдан кейинги давр ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бадиий адабиётда Амир Темур образини яратишга турли шаклларда уринишлар бошланди. Масалан, дostonнавис ўзбек шоири Хайдар Хоразмий «Гулшани асрор» дostonидаги ҳикоялардан бирида Темурбекнинг ниҳоятда жасоратли ва продали, ўз мақсади йўлида собит бўлгани ҳақида гап боради.

Бу ҳикояни «Темурбек ва чумоли» деб номлаш мумкин. Унда тасвирланишича, Темурбек ҳали ҳокимиятни қўлга киритмасдан бурун, душманларини енгиб, гоҳ енгилиб ўз омадини кидириб юрар экан, бир жангда қаттиқ яраланади. Жанг майдонида ярадор ҳолда мажолсиз ётар экан, уни кўриб, бир гуруҳ душман яна хужум қилади, бир қўл ва оёғини тамом ишдан чиқаради. У судралиб, бир томнинг соясига боради ва бирор одам келиб, унга мадад беришини кутади. Лекин ҳа деганда, ҳеч ким келмайди.

Умидсиз ҳолда у атрофга назар ташлаб ётар экан, бўксаси эзилган, оёғи ҳам йўк бир чумолига кўзи тушади. У шундай аянчли ҳолда томга чиқишга уринар, лекин озгина баландга кўтарилганда ерга йиқилиб тушар, бундан тушқунликка тушмай, яна тепага чиқишга интилар, шу ҳаракатни қайта-қайта такрорлар эди. Амир Темур уни кузатиб ҳаёлга чўмади. Сўнг қараса, ҳалиги чумоли йўк. Бир амаллаб томга чиқиб кетган эди.

Бундан Темурбек ўзига хулоса чиқаради: шу чумолики, уриниб ўз мақсадига эришган экан, нега мен ҳаракат қилмаслигим, ўз мақсадимга етиш йўлида матонат кўрсатмаслигим керак! — деб, судралиб, эмаклаб бўлса ҳам одамлар бор жойга етиб боради. Шу йўл билан у ўз жонини қутқариб, келажакда етти иқлимга подшоҳ бўлади. Шоир ўз ҳикоясини Амир Темур шахсиятини, унинг адолатли ҳукмдор сифатида ер юзида тинчлик ўрнатганини мадҳ этиш билан тугатади:

*Тутти жаҳон мулқатини якқалам,
Урди етти кишвар ичинда алам.
Тинди анинг даврида рўйи замин;
Бўлди бир элу бир улус Руму Чин.*

Соҳибқирон вафот этганда эса, Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида хабар берилишича, шоир Хожа Исматуллоҳ Бухорий маҳсус туркий марсия ёзган. Унда шундай сатрлар бор:

*Буз чодиринг, фалакким, Султон ўлди
гойиб.*

*Тун ичра эрди чун моҳи тобон бўлди гойиб.
Ёруқ жаҳон қуёши, ислом элини боши,
Дин эрди кўп талоши, дайён (10) ўлди
гойиб...*

*Нўширвондек одил, ҳам олим эрди, фозил,
Хар ишга ақли комил, фарзон ўлди гойиб...
Ғайратда мисли арслон, дашт ичра ёки
қоллон,*

*Баҳра наҳангу савбон, шўжобон ўлди
гойиб... (11).*

XV асрнинг биринчи ярмидан ўзбек адабиёти гуркираб ривожлана бошлади. Амир Темурдан сўнг давлатнинг иккига бўлиниши илмий-маданий, адабий ишларнинг таракқий этишига, бу икки мамлакат ўртасидаги адабий-маданий алоқаларга путур етказмади. Бу даврда қайси ижодкор ўзига қайси мамлакат ёки шаҳарни қулай деб билса, ўша ерда яшаб ижод қилар эди.

Масалан, Хайдар Хоразмий ўзи хоразмлик бўлатуриб, Шерозда Султон Искандар хузурида, Ҳофиз Хоразмий эса бошқа бир Темурий — Султон Иброҳим даргоҳида яшаб қалам тебратди. Шунингдек, Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида хабар беришича, Исмоил ота авлодларидан машҳур ўзбек шоири Шайхзода Атоғи қандайдир сабаблар билан Турбатдан (Тошкент яқинидаги қишлоқ) Балхга бориб қолган ва ўша ерда яшаб ижод қилган. Янги топилган маълумотларга кўра, Лутфий асли тошкентлик («Лутфийи Шоший») бўлиб, кейинчалик Хирот яқинидаги Дехи Канор қишлоғида муқим бўлиб қолган.

Амир Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида 22 Темурий ижодкорларнинг исм-шарифини зикр этиб, уларнинг ўзлари ва ижодларига қисқача тўхталиб ўтган. Хусайн Бойқаро ижоди ва девони таҳлилига маҳсус саккизинчи боб («мажлис»)ни бағишлаган.

Навоий зикр этган шоирлар орасида Халил Султон, Улуғбек, Бойсунғур, Абул Қосим Бобур, Султон Масъуд, Шоҳ Ғариб Мирзо ва бошқалар бор. Улар ҳаммаси ўзлари шеър ёзиш билан бирга шеър аҳлларига ҳомийлик ҳам қилганлар. «Мажмаъул-ахбор», «Гулшани роз», «Ҳақиқатнома», «Садоқатнома» каби насихатнома мазмунидаги дostonлар муаллифи Саййид Қосимий Абу Саъидга яқин туриб ижод этган. Халил Султон, Хусайн Бойқаро ўз шеърларидан девон тузганлари маълум.

Шохрух ва Улуғбек ҳукмронлик қилган даврларда Хуросонда ва Мовароуннаҳрда, «Мажолисун-нафоис»да хабар қилинишича, Амир Қосим Анвор, Котибий, Хожа Исмагуллоҳ, Бисотий, Яхё, Себак, Тусий, Бобо Савдойи, Мир Шохий, Шарафуддин Али Яздий, Муҳаммад Муаммойи, Хожа Қумий каби ўнлаб форсийзабон шоирлар шеъриятнинг турли жанрларида муваффақият билан ижод этганлар.

Бу даврда Хуросонда, Навоий қайд этишича, туркийгўй шоирлардан Лутфий, Атойи, Амирий, Яқиний, Гадоий, Муқимий, Латифий, Хайдар Хоразмий, Саййид Хасан Ардашер, Аҳмадий кабилар яшаб, ажойиб шеър ва дostonлар яратганлар.

Кейинги илмий изланишлар шуни кўрсатдики, Хофиз Хоразмий, Саййид Қосимий ҳам Хуросон худудида яшаб, ўзларидан бой адабий мерос қолдирганлар. Хайдар Хоразмий «Гулшани асрор» достонидан ташқари, «Гул ва Наврўз» достонини яратган.

Хижрий 812 йилда (милодий 1409 йил) ўзбек тилида номаълум муаллиф томонидан «Юсуф ва Зулайхо» достони ёзилган бўлиб, ҳозирча бу асар шартли равишда Дурбек шахсига нисбат бериб келинмоқда. Бу адабий жараёнда шоирлар ҳам, оддий косиб ва ҳунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган. Бу даврда фақат газал, дoston жанрининг эмас, балки нома, мунозара жанрларининг ҳам ғоят ривожланганлиги кўзга ташланади.

Хуросондаги адабий ҳаётнинг ривожиди Темурий шахзодалардан Бойсунғурнинг ўрни катта бўлди. У ўз ташаббуси, ғайрати, ақлу заковати билан Хуросонда барча фан соҳаларини, шу жумладан адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳаркат қилган. Унинг саройида бу ишлар қандай йўлга қўйилгани ҳақида Юсуф Амирий «Дахнома» асарининг кириш қисмида қимматли маълумотлар берган.

Шоир у қизикқан фаннинг йўналишларида ҳайъат (астрономия), ҳикмат (фалсафа), иқлидус ашқоли (ҳандаса), фикҳ (ҳуқуқшунослик), мантик, жуфри ҳуруф (харфлар бўйича фикр билдириш, фол очиш), тарих соҳаларида олимлар мунтазам илмий изланиш олиб бораётганларини айтиб, охирида шеърият ва мусикага ҳам эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлайди:

*Бири ашвор баҳринда сув сочиб,
Бири авлод рудинда сўз очиб (12).*

Бойсунғур раҳбарлигида бу даврда улуг форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий

«Шохнома»сининг кўп қўлёзмаларини бир-бирига қийслаш асосида унинг ишончли илмий матни яратилди. Чунки бу даврга келиб ушбу асар матнида кўп чалқашликлар юз берган эди. Бойсунғур шеърни яхши тушунган, ўзи ҳам шеърлар ёзган. Бизга шу пайтгача унинг форсий шеърлари маълум эди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асари туфайли унинг туркий тилда ҳам шеърлар ёзгани маълум бўлди. Мана, унинг туркий бир қитъаси:

*Фурқатинга сориг ўлди олмангиз,
Эй мусулмонлар, яроқон ўлмасун.
Ўлмакимдан фикрим онча йўқ турур,
Қўрқарам ўлсам яро қон ўлмасун.*

Хуллас, бу далиллар шуни кўрсатадики, XV асрнинг ўрталарида Хуросонда ўзбек адабиётининг янги мактаби юзага келди.

Мовароуннаҳрда ҳам бу йилларда ўзбек тилидаги адабиёт ўз ривожиди янги поғонага кўтарилди.

Адабий жараёнда ўзбек ва форсийзабон шоирлар баробар ҳуқуққа эга бўлиб, туркий шеър иштиёқмандлари қанча кўп бўлса, форсий шеър талабгорлари ҳам улاردан кам эмас эди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи бошқарар, Самарқандда ўша даврнинг энг ажойиб шоирлари жам бўлган эди. Бу ерда шоирларнинг сардори («Маликул калом») этиб Камол Бадахший тайинланган эди. Улуғбек ўзи ҳам шеърлар ёзар, шоирларга ўзини яқин тутар, унинг шеър ҳақидаги тушунчалари ниҳоятда юқори бўлганини Саккокий ўз қасидаларининг бирида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Улуғбек Мовароуннаҳрдаги шоирлар билангина эмас, Хуросондаги форсийзабон ва туркийзабон ижодкорлар билан ҳам дўстона муносабатда бўлган. Масалан, Улуғбекнинг Лутфий шеърларини XV асрнинг машҳур шоири Салмон Соважий шеърлари билан ёнма-ён қўйганлиги, яъни тирик шоирнинг яқинда ўтган мумтоз шоир билан тенглаштирилиши Лутфий учун катта шараф эди.

Улуғбек саройидаги энг обрўли ва номдор ўзбек шоири, шубҳасиз, Саккокий эди. Саккокийнинг дилрабо лирик шеърлари билан бир қаторда ўзбек тилида Улуғбек, Арслон Хожа Тархон, Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги қасидалари ҳам бу шеърий жанрнинг ёрқин ютуғи бўлди.



Самарқанд ҳайрон қоларли даражада обод шаҳар. Бу шаҳарнинг бошқа шаҳарларда учрамайдиган узига хос хусусияти бор: ҳар бир ҳунармандлик маҳсулоти учун алоҳида бозор ажратилган бўлиб, улар бир-бири билан аралаштириб юборилмайди. Бу ғоят ажойиб одат. Унда моҳир нонвой ва ошпазлар бор.

Заҳириддин Бобур



Унинг Улуғбек ҳақидаги қасидаларидан бирида олим-шоҳ тўғрисидагина эмас, ўзи ҳақида ҳам сўзлаб:

*Фалак йиллар керак айлансаю келтурса
илкига
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи
донони, —*

деб ёзганида маълум бир тарихий ҳақиқат бор эди, дейиш мумкин. Лекин биз Саккокий адабий меросига тўла баҳо бера олмаймиз. Чунки унинг бизгача етиб келган девонидан охириги бир қисми сақланиб қолган, холос.

Бироқ ўша даврда Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган шоирларнинг кўплари шу пайтгача бизга номаълум эди. Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида кўпроқ хуросонлик шоирлар ҳақида маълумот берган. Давлатшоҳ Самарқандий эса «Тазкират уш-шуаро» асарида кўпроқ ўтмишда ўтган қалам соҳибларига тўхталган.

1993 йили филолог олим Эргаш Умаров АҚШ дан олиб келган, XV асрнинг биринчи ярмида яшаган адабиётунос олим Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг 1436—1437 йилларда ўзбек тилида ёзган «Фунун ул-балоға» асари қўлёзмасининг фотонусхаси ўша даврда Мовароуннаҳр адабий ҳаёти ва унинг муаммоларини ўрганишда янги имкониятлар очди (13).

Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарида шеър назариясига доир илмий масалаларни ёритиш билан бир қаторда йўл-йўлакай шу пайтгача номлари бизга номаълум бўлиб келган бир қанча ўзбек ва форсийзабон шоирларнинг шеърларидан ҳам мисоллар келтиради. Бунда форсий тилда асар ёзган ва номлари бизга маълум бўлган мумтоз шоирлардан ташқари, Имом Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий, Хаёлий, Умид Камолий, Мавлоно Сайфиддин, Хожа Хасан Мухаммад, Мухаммад Ганжавий, Шайх Носир, Азрий, Мухаммад Асил, Хожа Тоҳириддин, Тоҳир Санжарий, Фаввос Гунбадий, Мужриддин Бойлақоний, Шайдо, Урбоний, Гулшаний каби номлари бизга номаълум бўлган ўнлаб ижодкорларга дуч келамизки, бу адабиёт тарихчилари олдига улар ижодини ўрганиш борасида янги масалаларни қўяди.

Қайси бир ситохий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманым бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча булар «ўз соҳибига вафо қилмагач, менга қилармиди» деб ўйладим.

«Темур тузуклари»

Мамлакат подшосининг шоир ҳақида шундай юксак фикрлар изҳор этиши уларнинг ўзаро муносабатлари, шонинг шеърий ютуқларига муносабаги ниҳоятда самимий бўлганидан дарак беради. Орадан кўп вақт ўтмай, Ироқда яшаб ижод этган улуғ озарбойжон шоири Мухаммад Фузулий ҳам ўзининг «Лайли ва Мажнун» достонининг кириш қисмида бу фикрни тўла тасдиқлаган:

Бу асарда бизга маълум шоирлардан Лутфий, Хайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, «Латофатнома» муаллифи Хўжданлий билан бир қаторда бизга бутунлай нотаниш хожи Акча Киндий, Бу Насак, Хотифий, Қутбуддин Саройи, Бу Сиёка, Жалололий, Шамс Хисорий, Мухаммад Темур Буғо кибиларнинг номлари бўлиб, уларнинг шеърий ижодидан парчалар келтирилган.

Умуман, Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асари шу давр ўзбек адабиёти тарихини чуқурроқ ўрганишда қимматли маълумот бериши шубҳасиз.

XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг юксак ривожланган даври бўлиб, бу юксалиш 1469 йилдан 1506 йилгача подшоҳлик қилган Темурий Хусайн Бойқаро ҳамда ўзбек адабиётининг порлоқ қуёши Алишер Навоий номлари билан боғлиқ. Хусайн Бойқаро қарийб 40 йиллик ҳукронлиги даврида Хуросонда адабиёт, санъат ва фаннинг ривожига катта аҳамият берди. Шоир сифатида «Хусайний» тахаллуси билан машҳур бўлган.

Хуросон шаҳарларида маънавий ҳаётда катта жонланиш юз берди.

Шу давр форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Абдурахмон Жомий (1414—1492) билан ҳамкорликда Алишер Навоий (1441—1501) Ҳирот ва бошқа шаҳарларда маънавият тараққиёти, адабиёт ва санъатнинг, турли фан соҳаларининг ривожига раҳнамолик қилди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий тимсолида бадиий адабиёт улкан ютуқларга эришди. Навоийнинг «Хамса»си, «Хазойинул-маоний» девони, Жомийнинг «Ҳафт авранг» ва кўплаб шеърий тўпламлари шу давр адабиётининг буюк намуналари бўлди. Хусайн Бойқаро ўз «Рисола»сида ўзи подшоҳлик қилган замонда шундай асарлар яратилганидан чексиз фахрлангани бежиз эмас. Хусусан, у Навоий ҳақида бу асарида шундай ёзган:

*Эрур сўз мулкнинг кишварситони;
Қаю кишварситон, — хисравнишони.
Дема хисравнишонким, — қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, Соҳибқирони.*

Мамлакат подшосининг шоир ҳақида шундай юксак фикрлар изҳор этиши уларнинг ўзаро муносабатлари, шонинг шеърий ютуқларига муносабаги ниҳоятда самимий бўлганидан дарак беради. Орадан кўп вақт ўтмай, Ироқда яшаб ижод этган улуғ озарбойжон шоири Мухаммад Фузулий ҳам ўзининг «Лайли ва Мажнун» достонининг кириш қисмида бу фикрни тўла тасдиқлаган:



Ўлмишиди Навоийи суҳандон
Манзури шаҳаншаҳи Хуросон (14).

Эътиборли жиҳати шундаки, бу даврда фақат шоҳнинг ўзи эмас, балки унинг ўғиллари ҳам адабиётдан узоқда турмаганлар. Масалан, Бадиуззамон, Шоҳ Ғариб, Кичик Мирзолар бошқа шоирлар билан ҳамсухбат бўлишган. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Бадиуззамон Мирзонинг куйидаги ўзбекча байтини мисол келтирган:

*Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммае,
ул сарвиноз,
Эврулуб бошига мен саргаштадин еткур
ниёз.*

Хусайн Бойқаронинг Шоҳ Ғариб Мирзо исмли ўғли ҳам, Навоий таърифича, гоятда салоҳиятли шоир бўлган, форсий ва туркийда баравар калам тебратган. Мана, унинг бир ўзбекча байти:

*Қайси бир гулчехра ул барги хандонимча
бор?
Қайси бир шамшодқад сарви хиромонимча
бор?*

Навоий ўзининг «Фарход ва Ширин» достонини унга бағишлагани, дoston охирида унга насиҳатлар қилиб, кўпгина ноёб фикрларни билдиргани асоссиз эмас.

«Мажолисун-нафоис»да хабар берилишича, бу даврда Осафий, Хилолий, Биноий, Хотифий, Шайхим Суҳайлий ва бошқалар Жомийнинг муносиб замондошлари сифатида ўз асарлари билан форс шеърятини янада бойитдилар. Шу билан бирга Саййид Ҳасан Ардашер, Биноий, Мавлоно Билол, Мавлоно Камолий, Дарвиш Нозукий, Мавлоно Тархоний, Ҳаримий Қаландар каби ўнлаб шоирлар ҳам форсий, ҳам туркийда ижод қилганлар.

Умунан олганда, Хуросон худудида, хусусан Ҳиротда аҳолининг форсийзабон қисми кўпчиликини ташкил этар эди. Шунинг учун бу даврда форс-тожик адабиёти

ҳам яхши ривожланиб, Абдурахмон Жомий, Хусайн Воиз Кошифий, Осафий, Хилолий, Биноий, Хотифий каби буюк истеъдод эгаларининг асарлари билан бойиди.

Ўзбек адабиёти эса ўз миллий анъаналари негизида ва форс-тожик адабиётининг, халқ оғзаки ижодининг бой тажрибаларини ижодий ўзлаштириш натижасида жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритди. Бунга, хусусан, Алишер Навоийнинг «Хамса», «Хазойинул-маоний», «Маҳбул-қуллуб», «Лисонут-тайр», «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-дугатайн», «Назмул-жавоҳир» каби асарлари ишончли мисол бўла олади.

Бу бой адабий мерос ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатди. Масалан, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари шу давр ўзбек адабиёти ва илмининг ҳаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

Адабиётшуносликда Темурийлар даври ўзбек адабиёти анча кенг ва чуқур ўрганилган. Бунга А.Фитрат, С.Айний, О.Шарафуддинов, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, Х.Зариф, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Э.Рустамов, Заки Валидий, Я.Экман, С.Эркинов, С.Ғаниева, Э.Аҳмадхўжаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ёркин мисол бўла олади. Шуниси диққатга сазоворки, бу вақтда ўзбек адабиёти, айниқса, Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуқтаи назаридан ҳам, гоъвий-бадий камолот жиҳатидан ҳам юксак чўққига кўтарилди. Ўзбек адабий тили шаклланди. Ўзбек назми ва насрида ўзига хос хуросон услуби пайдо бўлди. Бу адабий услубнинг хусусиятларидан бири адабий ва илмий асарларда фикр ифодасида форсий ва арабий сўз ҳамда иборалардан, атамалардан, форсий тилга хос жумла тизилиши қоидаларидан кенг фойдаланишдир. Бу ҳол шу ўлкадаги форсийзабон аҳолидан ташкил топган этник муҳит таъсирида юзага келган эди.

Қўлёзма санъати

Амир Темур давлатининг маънавий ҳаётида қўлёзма китоб алоҳида ўрин тутиб, бу ерда яшовчи халқлар уни ҳамма даврларда ҳам юксак қадрлаган.

Папирус, пергамент ва қоғоз қўлёзма китоб учун асосий ашё ҳисобланган. Хусусан, қўй, эчки, бузоқ ва оҳу терисидан тайёрланган пергамент қадим замонлардан бунга кенг қўлланиб келган.

Нисбатан арзон, лекин юқори сифатли ёзув қоғозининг кўплаб ишлаб чиқарилиши фан, адабиёт ва санъатнинг ривожланишида муҳим омил бўлди. Шу туфайли турли шаҳарларда қўлёзма китоблар кўплаб тайёрлана бошлади.

Самарқанд қоғози тайёрлаш усули кўп асрлар давомида деярли ўзгаришсиз сақланиб келди. Амир Темур ҳамда Темурийлар





даврининг талайгина маълум ва машхур қўлёзма китоблари шу қоғозда битилган.

Қадим Шарқ цивилизациясининг ворислари бўлмиш Амир Темур ва Темурийлар даври Марказий Осиё халқлари қўлёзма санъатини ривожлантиришда аждодлар таржибасидан фойдаланишган, уни бойитишган.

Қўлёзма китоб хаттот, наққош, музахиб, рассом ва саҳхоф сингари қатор усталар ижодининг уйғунлигидир (1).

Қўлёзма китобнинг бадий безаклари кўпинча содда, камгарона бўлган.

Китобда кўк, қизил, яшил, тилла ранг кўпроқ ишлатиларди.

Унвон (титул) чўзиқ, ярим юмалок, тўғри бурчакли қубба шаклида бажариларди. Гоҳида у ёйиқ варақдай қилиб ишланар ёки икки марта такрорланарди. Одатда, унвонга ёзув ёзилмасди, лекин баъзида унга асар номи битиларди, холос.

Махсус буюртмага кўра бажарилган, ҳашаматли безатилган китобнинг биринчи варағига миниатюра, нақш ишланарди. Куръони карим қўлёзмаси айниқса кўркам безатиларди.

Темурийлар даври бадий қўлёзмалари орасида миниатюра билан безатилган китобдан ташқари, хаттотлар яратган ва нақш билан безатилган китоблар ҳам кўп эди.

Бадий қўлёзма, Амир Темур даври санъатининг бошқа турлари каби, ўтган асрлар усталарининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириш асосида ривожланди.

Самарқанд, Бухоро, Хирот, Табриз шаҳарларининг оммавий ва хусусий кутубхоналарида XIV – XV асрларда қайта кўчирилган, нафис безакли ва расмлар ишланган кўплаб қўлёзмалар нусхаси сақланиб қолган.

(Соҳибқирон қурилшларидан бири) дорулсалтана Самарқанддаги Масжиди жоме эрур. Унинг пойдевори бамисоли тоғдай... гранит тошлар билан мустаҳкам этилди. Меҳроби пулатдан ва унга гаройиб шакллар ҳамда ажойиб нақшлар ишланган, китобалар чиройлилиги ва нафислиги шу даражада эдики, ундайини етти иқлимда бирорта кўрмаган.

Қўлёзмаларнинг бадий қиммати уларда миниатюралар бор-йўқлиги билан белгиланмасди, албатта.

Қимматбаҳо қўлёзмалар жуда катта маблағ эвазига сарой – Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Бойсунғур, Хусайн Бойқаро кутубхоналари учун сотиб олинарди.

Қўлёзмани безаш ғояси китоб санъати барча соҳалари усталарининг яқин ижодий ҳам-

корлигида рассом устахонасида туғиларди.

Ҳар бир бадий қўлёзмани яратишда безак услуби, тури ва ҳатто ҳажми, даставвал, унинг мазмуни ҳамда мақсадига қараб белгиланарди.

Масалан, Куръони карим, илоҳиётга оид адабиёт ва фалсафий асарлар қатъий нақшли тасвир билан безатиларди. Марказий Осиё фани ва маданиятининг кўплаб вакиллари асарларининг қўлёзмалари ёрқин бўёқлар билан безатиларди.

Нисбатан кам қўлланиладиган миниатюраларга зид ўларок, нақшдан кенг фойдаланиларди. Барча диний ва дунёвий адабиётда нақш қўлланиларди.

Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравий, Мир Имода ва бошқаларнинг гўзал, чиройли фрагментлари нақшчи-рассомлар томонидан дабдабали безатилиб, улар айрим ажойиб миниатюраларга қараганда анча қиммат турарди.

«Хаттотлар шоҳи» Султон Али Машҳадий, Хирот миниатюра мактабининг асосчиси Камолиддин Беҳзод ва китоб нақш устаси машхур наққош Мавлоно Ёриш бадий қўлёзма дурдоналарини яратиш устида ишлаган юзлаб усталарга устозлик қилишган. Бевосита уларнинг ўзи ёки уларнинг раҳбарлигида яратилган ҳар бир қўлёзма ноёблиги, бетакрорлиги билан ажралиб турган.

Қўлёзмани қандай безаш китоб ҳажмига ҳам боғлиқ эди. Айтайлик, Алишер Навоий «Хамса»сига ўхшаш китоб бир муқова ичига жойлаштирилган бир неча асар ёки дostonдан иборат бўлса, унда унинг учун катта ҳажм белгиланарди. Унча катта бўлмаган девонлар ёки рисоалар учун кичик ҳажм танланарди.

Бўлажак қўлёзма таркибига кирадиган асарларнинг жанр хусусиятлари, уларнинг сони ҳам бадий безак хусусиятини белгилаб берарди. Масалан, дастхатнинг йирик, ўртача ёки майдалиги, матннинг бир саҳифада икки ёки тўрт устунда жойлаштирилиши, фронтиспислар сони ва тури, асар ёки боб бошланишидаги безаклар, хошияларнинг безатилиши, сюжет ва миниатюралар сони, ҳатто муқова хусусияти ҳам ҳар бир қўлёзма учун алоҳида-алоҳида хал этиларди.

Ҳар бир ижодий гуруҳ турли усталарнинг ўз ижодий ғоя ва ўйларини Амир Темур даврининг юксак нафосат талабларига жавоб берадиган ягона бадий воситалар ёрдамида ифода этишга интилишлари тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келган.

Алишер Навоий «Хамса»сининг Санкт-Петербургда сақланаётган, 1492 – 1493 йилларда кўчирилган машхур нусхаси Темурийлар даврининг миниатюраларсиз безатилган бадий қўлёзмалари дурдоналари сирасига киреди.



Расмларнинг умумий услубини, уйғунлиги ва композициясини, колорити ва ритмини сақлаб қолган мазкур қўлёзма ҳар бир варағи нақшлари рассомнинг мустақил асари ҳисобланиб, улар бир-бирини такрорламайди. Фронтиспислар ўзининг ёрқин гўзаллиги ва шукуҳи билан китобхонни ром этади.

Зарҳалчи-наққош Мавлоно Ёрий ҳар бир дostonнинг айрим саҳифаларида нақш қисмларини турли уйғунликда берган, улар қўлёзма безагининг ўзига хос элементи ҳисобланади. Бу билан рассом бутун қўлёзма бўйича бадиий безакнинг зарурий яхлитлиги ва муштараклигига эришади.

Қўлёзма ниҳоясидаги чиройли ишланган безаклар навбатдаги асосий гуруҳ безакларидандир.

Қадимий қўлёзмаларнинг муқова намуналари кам сақланиб қолган. «Хамса» қўлёзмаси бизгача ўзининг энг биринчи муқовасида етиб келган бўлиб, уни Султон Али Марвий ишлаган.

Қўлёзма муқоваси ниҳоятда эскирганига қарамай ўзининг бетакрор гўзаллиги билан киши ақлини ҳамон лол қолдиради. Чарм қопқоқдаги нозик ва нафис нақшлар ва муқованинг соф олтиндан ясалган клапанлари, олтиннинг бир неча рангларда товланиши, нафис уйғунлиги ҳамон кишини ҳаяжонга солади. Бу Темурийлар даври бадиий муқовасозлигининг мумтоз намунасидир.

Шундай қилиб, «Хамса» қўлёзмасини, унда миниатюра йўқлигига қарамай, Темурийлар бадиий қўлёзмалари дурдоналари қаторига дадил киритиш, XV аср иккинчи ярмидаги Хирот мактабининг янги ўзига хос услубининг мумтоз намунаси деб ҳисоблаш мумкин.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Алишер Навоийнинг Султон Али Машҳадий кўчирган уч девони (2), шунингдек шоирнинг шахсий кутубхонаси учун кўчириб олинган «Хамса»нинг илк нусхаси сақланмоқда (3). Бу қўлёзмалар Хирот бадиий қўлёзмачилик мактабининг ажойиб намуналаридир. Улар XV аср охири чорагидаги турли рассомлар мўйқаламига мансуб.

Султон Али Машҳадий йирик дастхатларда кўчирган учта девон ҳам ўзига хос бадиий ечимга эга. Бошқалардан фарқли ўлароқ, уларда биттадан кенг ёйилган фронтиспис бўлиб, уларнинг нақшларида зарварақлар кўк, тўқ сариқ ва ҳаворанг-

ларда нозик уйғунлашиб, ажойиб сокин колорит ва гўзал манзара яратади. Қўлёзманинг рангли хошиялари ислимий ва гирих нақшлар билан безатилган.

Абду Жамил котиб кўчирган Алишер Навоий «Хамса»сининг илк нусхаси ўзининг бадиий безағи билан юқорида тилга олинган қўлёзмалардан кескин фарқ қилади. У Алишер Навоий беш дostonини ўз ичига олади.

Китоб Хиротнинг қора-қўнғир рангли ипак қоғозда майда чиройли ҳарфлар билан битилган. Дostonдаги ҳамма бобларнинг сарлавҳалари суюқ олтин ва киновар билан ёзилган.

Қўлёзманинг тўрт устунда жойлаштирилган матн тилла ва қора туш билан чизилган нигинхонага олинган. Қўлёзма дostonларидан ҳар бирининг бошланишида бештадан кичик лавҳа бўлиб, улар кўк бўёқларда чизилган ва тилларанг чизиқлар билан айлангириб чиқилган. Нимранг бўёқлар расмларга ихчамлик ва ўзига хос нафислик бахш этган.

Хусайн Бойқаронинг сарой кутубхонасида ўша даврнинг кўплаб машҳур рассомлари: Камолиддин Бехзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Махмуд Музаффар (зарҳалловчи уста), Шох Музаффар, Султон Муҳаммад, Дўст Муҳаммад, Абдураззоқ, хаттотлар Султон Али Машҳадий, Муҳаммад ибн Нур, Дарвиш Муҳаммад Тоқи, Муҳаммад Хандон, Муҳаммад ибн Асхор, Шер Али ва бошқалар ишлашган.

Темурийлар даври бадиий қўлёзмасининг энг юксак намуналари Самарқанд, Бухоро, Табриз, Машҳадда яратилган. Уларни безакларининг хусусияти бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин: миниатюралари бадиий қўлёзмалар; миниатюрасиз, нақшлар билан безатилган бадиий қўлёзмалар; кадр-қиммати, фазилати хаттот санъати билан белгиланадиган бадиий қўлёзмалар. Қўлёзма ижодкорлари ўртасида меҳнат тақсимланиши ва ҳар бир устанинг ўз санъатини мудом тақомиллаштириб бориши Амир Темур давлатида китоб санъатининг чексиз равнақига ёрдам берди.

Қўлёзмаларнинг бадиий қимматини баҳолашда илмий адабиётда (4) қуйидаги асосий элементлар алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Дастхат — бадиий қўлёзманинг бош омили. Матн мазмун ва мақсадидан келиб



Амир Темур умуман бадиий адабиётга, хусусан поэзияга доимо қизиққан ва диққат бериб ундан баҳраманд ҳам бўлган. Маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида Самарқанд, Хирот, Балхда туркий-ўзбек адабиётининг машҳур арбоблари, шунингдек форс-тожик тилида ҳам шеърлар ёзиб машҳур бўлган Атоий, Саккокий, Лутфий каби шоирлар яшаб ижод этдилар.

И. М. Мўминов



чиқиб Темурийлар давридаги асосий хат усули танлаб олинади, китобнинг биринчи бети, унвонлар ва майда сарлавҳалар учун хатнинг бошқа турлари танланади.

2. Матнни жойлаштириш — бу ҳам бадиий безашнинг муҳим омилidir. Асосий матн саҳифанинг ўртасида, икки-тўрт устунда жойлаштирилади. Айрим асарларда матн қўлёзма ҳошияларида маҳорат билан ёзилади. Кичик шакл матнлари — унвонлар, сарлавҳалар, колофонлар — хилма-хил равишда тартибга солиш ва нақшлар билан безаш воситасида зеб беришнинг ўзига хос элементларига айланади.

3. Матнни безаш асосан унвонларда, сарлавҳаларда учрайди, бунда ҳарфларнинг ташқи томони тилла суви юритилиб, рангли чизиқлар билан айлангириб олинади. Хилма-хил шаклдаги ярим доира чизиқлар билан ўраб олинган алоҳида ҳарфлар ёки ҳарфлар гуруҳи гилам гулларидай гўзал бир манзарани ҳосил қилади. Айрим қўлёзмаларда бутун саҳифадаги сатрлар ўртасидаги бўшлиқ юқоридагига ўхшаш безаклар билан тўлдирилади.

4. Бадиий безак берилган форзац камдан-кам ҳолларда, Темурийлар даврининг энг ноёб қўлёзмаларида, китоб боши ва охирида учрайди. Асар мавзуи билан уйғунлашиб кетган, икки варақда тўла ишланган миниатюралар баъзан форзац вазифасини ўтайди.

5. Нақш билан безатилган унвон бадиий қўлёзманинг узвий қисми ҳисобланади.

Хирот ва бошқа китобат мактаблари унвонларнинг икки қатъий шаклини — медальон унвоннинг юмалоқ шаклини, шунингдек икки саҳифага ёйилган фронтиспис хилидаги нақшин унвонни ишлаб чиқишди. Уларда муаллифларнинг исми-шарифи ва асар номи берилади.

6. Фронтиспис безакнинг муҳим элементи сифатида қўлёзма композициясига киради.

Одатда, фронтиспис марказида нақш билан мохирона ўраб олинган асар бош

қисмидаги кичик парча жойлаштирилади. Фронтиспислар икки бетда берилиб, бунда нақш, расм ва колорит ўртасидаги мутаносибликка қатъий амал қилинади.

7. Лавҳа — фронтисписга қараганда кичик ҳажмли безак бўлиб, тез-тез учрайди.

Лавҳа Шарқ китоб санъати бадиий анъаналари бўйича саҳифа юқори қисмининг учдан бир ёки тўртдан бир бўлагини эгаллайди. У ҳар қандай жанрдаги асар бошида, баъзан боб бошида берилади.

8. Қоғоз — қўлёзмани безаш учун муҳим асос. Қоғоз ишининг устаси зарур сифатга эга бўлган қоғозни синчковлик билан танлаган, баъзида матн ва ҳошия учун алоҳида-алоҳида қоғоз танлаган.

9. Темурийлар даврида бадиий қўлёзма ҳошияларини безаш китоб графикасининг муҳим хусусияти бўлган. Қўлёзма ҳошиялари бошқа бадиий элементларга уйғун равишда тилла ёки қумуш ҳоллар билан тўлдирилган гирих, ислимий ёки бошқа бирор нақш билан безатилган. Баъзан ҳошиялар сюжетли миниатюралар, ҳатто алоҳида портретлар билан бойитилган.

10. Бадиий муқова қўлёзма санъатининг алоҳида бир тури бўлиб, уни ҳисобга олмасдан Темурийлар даври қўлёзма дурдоналарини баҳолаб бўлмайди.

Муқова теридан ясалиб, босма зарҳал нақш солинган қатъий нақшлар билан безатилган ёки картондан ясалиб, нақш, баъзида сюжетли миниатюралар ишланган.

XV асрда китоб нақши бўйича олдинги асрларнинг энг яхши анъаналари ривожлангирилган. Китоб нақши нозик, нафис расмлари, ёрқин бўёқлари, графикасининг уйғунлиги билан профессионал санъатнинг юксак ривожланган жанри бўлиб қолди.

Бадиий қўлёзмани безашнинг Темурийлар даври услуби уларнинг тасарруфидаги кўпчилик шаҳарларда китоб санъатини, миниатюра санъатини янада ривожлантириш учун асос бўлди.

Миниатюра

Амир Темур ва Темурийлар даври тасвирий санъати деворий монументал расмлик ва китоб миниатюраси йўналишида ривож топди. Тасвирий санъатнинг ушбу турлари минтақа доирасида ўзига хос деворий расмлар, амалий санъат, пластикаларда ўз аксини топган қадимий, исломдан олдинги илдиз ва анъаналарга эга эди.

Маълумки, исломдан олдинги динлар ўз таълимотларини тарғиб этишда ҳашаматли безатилган китоблардан кенг қўламда фойдаланган.

Илк антик шаҳарларда (I—II аср Холчаёндаги Хоразм ҳукмдорлари саройи; Далварзинтепа манзилгоҳ ва ибодатхоналари; Ўзбекистон жанубидаги будда ибод

датхоналари: қадимги Бахтар ерларида (III аср Тупроққалъадаги Хоразм ҳукмдорлари саройи) ва илк ўрта асрлар шаҳарларида (Панжикент, Варахша, Афросиёб, Шахристон ва бошқа шаҳарлардаги юзлаб манзилгоҳлар ва ибодатхоналар VI—VIII асрларда турли рангда ишланган мавзули деворий расмлар билан безатилган) ўтказилган қазишмалар натижалари деворий расмларга хос машҳур кашфиётлар Марказий Осиёда тасвирий санъатнинг жуда қадимий, теран илдиз отган анъаналари билан бойиганлигидан далолат беради.

Ушбу тасвирларда тематик мавзунинг бой ва ранг-баранглиги кишини хайратга солади: чунки уларда юқори даражада ривож топган санъатга хос халқ ижодиётининг мифологик, дostonчилик, масал, эртак, фольклорга бой дунёси ўз аксини топган.

Амир Темур ўз давридаги йирик меъморий обидаларнинг асосий ижодкори бўлиб, деворий рассомликнинг тарғиб кучини сезгани ҳолда маҳобатли деворий расмларни тиклади.

Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Захриддин Бобур ўз рисолаларида Самарқанддаги Боғи Шимол, Боғи Дилкушо ва Хирот саройининг хашаматли деворий расм-безаклари ҳақида сўз юритганлар. Уларда Амир Темурнинг буюклигини тараннум этиш мақсадида Соҳибқирон ва унинг сулоласи сиймолари, сарой зиёфатлари, жаҳонгирнинг ҳаёт лавҳалари, Амир Темурнинг хуштабиат ёки қаттиққўл одам сифатидаги суратлари, унинг ўғил неваралари, жанг сахналари, шаҳар ва калбаларни қамал қилиш тасвири, хонимлар ва аслзодалар иштирокидаги дабдабали қабуллар, олимлар билан суҳбатлар, совғасалом тақдим этиш лавҳалари, овчилик, маликалар иштирокидаги лавҳалар, давлат ишлари билан шуғулланиш дақиқалари тасвирланган (1).

Баъзан воқеалар туркум расмларда намоён бўлган: «Дарвоқе ... унинг жасоратларини билмайдиганлар расмни ўз кўзлари билан кўриб, бамисоли ўзлари қатнашаётгандек тасаввур этишлари мумкин», — деб изоҳлайди Ибн Арабшоҳ.

Шундай қилиб, монументал рассомликда Амир Темур ҳукмронлигининг буюклиги ранг-баранг жанрларда портрет, жанг манзаралари, сарой ҳаёти тасвирланган лавҳаларда тараннум этилди. Бундай расмларда саройга хос мулозимат ва муомала, инсон ҳулқига хос гўзал фазилатлар, давлатни бошқаришдаги донишмандлик, олижаноблик яққол ифодасини топган.

Биографлар Пир Аҳмад Боғи Шимолий номини Амир Темур ҳукмронлиги ва ундан кейинги даврнинг машҳур мусаввирлари орасида кўпроқ тилга оладилар. Дарвоқе, Боғи Шимол саройининг деворий расмлари унинг мўйқаламига мансубдир. Ширинбека оқа, Амир Темур Жоме масжиди, Туман оқа мақбараларида табиат манзаралари тасвирланган расмлар қолдиги хануз сақланган.

Бадий тузилиши бўйича улар тик панно ҳолатида акс этирилган ва бой ўсимликлар олами манзараларини тасвирлайди. Унда гуллаб турган кўплаб мевали дарахтлар, адл ўсган кўм-кўк сарв ва тераклар осмонга бўй чўзган. Сершоҳ чинор ва қайрағочлар тепасида қушлар гужгон ўйнайди. Салкин сой соҳиллари майсазор ва ранг-баранг чангалзордан иборат. Ҳа, ушбу табиат манзаралари, кўзни қувнатадиган маскан жаннатнинг гўзал бир гўшасидан ўзга жой эмас, деган фикр келади киши хаёлига. Бу эса абадиятнинг бадий истиорасидир (2).

Ширинбека оқа мақбарасининг тоштахта панелида гуллар ва барглар тарзида парвоз қилаётган қушлар тасвирланган (3).

Улуғбек расадхонасидаги айрим тасвирлар ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган. Бино хусусиятига кўра, осмон гумбазида сайёралар, иқлимлар ва юлдуз туркумлари тасвирланган.

Қўлэзма китобдаги миниатюра-расм Амир Темур даврида тасвирий санъатнинг деворий рассомликдан кейинги иккинчи йўналиши сифатида баравж ривож топган.

Маънавият ва маърифат хомийси бўлган Амир Темур турли давлатлардан қўлэмаларни тинимсиз тўплаган ва буюртириб олган, натижада жуда бой кутубхона жамлаган.

Кутубхонада ўша даврдаги анъанага кўра қимматбаҳо китоблар тайёрлаш ва бадий жиҳатдан нафис безатишга ихтисослашган устахона ташкил этилган.

Шарафуддин Али Яздий ёзишича, Амир Темурнинг маҳсул ажойибхонасида (кунсткамера) — ноёб нарсалар сақланган жойда — ажиб буюмлар орасида Монийнинг бир неча нусхадаги машҳур расмлар альбому — «Аржанг» ҳам бўлган. XV аср Самарқанд мусаввирлари қадимий Моний рангтасвирининг ушбу машҳур намуналари билан таниш бўлишган. Ўрта Шарқда «Аржанг» расмлари рассомлик



Ўз пойтахти Самарқандга муҳим сиёсий аҳамият бериб Амир Темур уни гўзал ва муҳташам қилишга интилди. Амир Темур руҳонийлар тасвирини ҳам ҳисобга олган ва бу ҳол қурилишнинг асосий йўналишини белгилади: диний аҳамиятга молик бинолар — масжидлар, мақбаралар, хонақоҳлар барпо этилди. Бундан ташқари, муҳташам қасрлар бунёд этилди, шаҳар атрофида эса кўркам қушқлари булган боғлар ташкил этилди.

Т. Н. Қори-Нуёзий



санъати камолотининг юксак рамзи сифатида машхур бўлгани ҳолда, маҳаллий Самарқанд усталарининг ижодий изланишларига кўмакдош бўлган.

Ибн Арабшоҳ: «У кўп мусаввирларга эга бўлган, улар орасида энг устаси Абу ал-Хайъа ҳисобланган» (4), — деб хабар беради.

Амир Темур кутубхонасининг кўп сонли мусаввирларига машхур бағдодлик уста Абу ал-Хайъа бошчилик қилган. XIV аср мусаввирларининг таржимаи ҳолини таърифлаган Дўст Муҳаммад: «Хожа Абу ал-Хайъанинг вафотидан кейин ҳамма усталар унинг ишларига тақлид этишарди» (5), — деб ёзади.

Амир Темур буюк салтанатининг барпо этилиши даврида минтақада китоб безатиш санъати узоқ машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида у бир неча бадий марказларда — Самарқанд, Ҳирот, Бағдод, Шероз, Табриз, Язда жамланган эди.

Бирок турли миниатюра рассомлиги мактаблари орасидаги алоқалар тасодифий ва чекланган бўлган. Амир Темур марказлашган давлат барпо этганидан кейин Самарқанд, Ҳирот, Шероз, Бағдод мактаблари орасидаги алоқалар, айниқса, XV аср бошларида жонланди. Усталарнинг янги пойтахтга кўчириб келтирилиши, амалий ва ижодий фикр алмашиш бадий фикрнинг бойишига ва, айниқса, XV асрнинг биринчи ярми — XVI асрда миниатюра рассомлигидаги бадий воситаларнинг юксалишига олиб келди.

Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султон Шерозда бадий устахона барпо этиб, унда ишлашга Бағдод ва Табриздан машхур усталарни жалб этади. Шунинг натижасида XIV аср охиридан қатъий яссилик тизимига таянган Шероз мактаби табриз-бағдод мактабларининг кучли таъсирини берилади.

Бойсунғурнинг Ҳирот кутубхонаси учун Шерозда 1420 йили яратилган «Шеърят антологияси» бағдод услубининг тўлиқ сиқиб чиқарилгани ва яссилик, кам қиёфа-лилик ҳолатидаги Шероз миниатюра анъаналари ҳақида далолат беради.

XV аср бошларида Низомийнинг «Хамса»си ва Фирдавсийнинг «Шохнома»си Шероз мусаввирлари орасида энг машхур асарлар бўлган. Тасвирлаш учун танланган мавзулар инсоннинг маънавий ҳаётидаги долзарб мавзулар ёки кундалик реал ҳаёт мавзулари эди.

Низомий «Хамса»сида кўп учрайдиган миниатюра мавзулари орасида «Фарход-

нинг қоядан анҳор қазизи», «Мажнун саҳрода ҳайвонлар орасида», «Баҳромнинг аждар билан тўқнашуви», «Искандар қаландар ҳузурда» ва бошқа мавзулар бор эди.

Самарқанд Ўрта Шарқда қадимдан йирик маърифат ва маданият марказларидан бири бўлган. Араб олими Ибн ан-Надим ўзининг «Фихристул-улум» асарида шундай ёзган: «Араблар 706 йили Самарқандга келиб, улар ҳалигача учратмаган қоғоз ишлаб чиқариш устахоналарини кўриб, ҳайрон бўлишган». Афғидан, Самарқанд Мовароуннаҳрда китоб безаш ва миниатюра соҳасида йирик марказлардан бири бўлган. Чунончи, Самарқанд маданияти ўзига хос бўлиб, бу ерда Хитой қоғоз ишлаб чиқариш сири ўзлаштирилган. X асрга доир манбаларнинг бу ҳақидаги маълумотларига кўра, бу ердан қоғоз «бутун дунё мамлакатларига тарқалган». Самарқанд қоғози юксак сифати билан шухрат қозонган.

Мақдисий чет мамлакатларга чиқарилган Самарқанд қоғози «мислсиздир», деган экан. XI аср Ўрта Осиё ва Хуросон шоирлари машхур Самарқанд қоғоз устахоналарини ўз шеърларида таърифлашган. Бу борада Бобур: «Дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқанддан олинади», — дея қайд қилган эди. Қоғоз ишлаб чиқариш кейинчалик Самарқанддан Бухоро, Гурганч, Мавр, Шош, Термиз, Ҳирот каби кўпгина маданият марказларига ўтди.

XI аср бошларида саёхатчилар Самарқандни бозорлар ва кутубхоналарга бой шаҳар деб таърифлашган. Ўша даврда қоғоз кўплаб миқдорда қўлёзма китоблар тайёрлашга имкон яратди.

Мўғул босқинчилари томонидан шаҳар маданияти вайрон қилиниб, усталар қатл этилгач ёки олиб кетилгач, Амир Темур замонигача иқтисодиёт, ҳунармандликнинг тикланиши секин кечди. Амир Темур Самарқанд тахтига ўтиришига қадар ҳам бу ерда кичик, содда бўлса-да миниатюра мактаби иш олиб борган бўлиши мумкин ва у Соҳибқирон даврида музаффар юришлар ва салтанатни вужудга келтириш жараёнида рассомлар билан тўлдирилиб, такомиллаштириб борилган. Натижада бу ерда кучли миниатюрачилар мактаби юзага келди. Хожа Аҳрор Валийга оид 1489 йил вақф хужжатида санъаткор-рассомлар кўчаси — «Кўйи наққошон» тилга олиб ўтилган. Амир Темур замонисида қўлёзмалар расм билан безатилишига оид маълумотлар ҳалигача қайд қилинмаган. Лекин, мону-

ментал рассомликка ўхшаш расмий миниатюра санъати муҳим ўрин тутганлиги учун, шубҳасиз, сарой мусаввирлари Амир Темур сиймосини портретда абадийлаштиришлари лозим эди. XV асрга оид бир неча қўлёзмада комиозиция қисми сифатида портрет — расмлар сақланиб қолган.

Уларда Амир Темур табиат кучоғида, чаманзорларда, байрам тантаналарида ўз мулозимлари орасида тасвирланган.

XV аср бошларида Самарқандда жанг манзараларига оид «Шаҳар девори яқинидаги жанг» ва «Шоҳ овда» миниатюралари бажарилган эди. «Шаҳар девори яқинидаги жанг» Темур девонининг ҳужжатлар жилди намунаси ичига киритилган (Йилдиз кутубхонаси, Истанбул). Унда баланд, учли панжара, минора ва кунгурали қалъа девори тасвирланган. Олдинда девор яқинида икки гуруҳ қаттиқ жанг қиляпти. Лекин унда аскарлар эмас, балки бир хил қиёфали шаҳар фуқаролари тасвирланган. Марказий минорадан камондан ўқ отилмоқда, ҳужум қилаётганлар бошига тошлар улоқтирилмоқда. Мудофаага Халил Султон қўмондонлик қилмоқда (унинг номи расмга майда ҳарфда ёзилган). Қамал деворидаги кузатувчиларнинг бошларида туркий қайтарма кулоҳлар, айримлар салла ўраган.

Ҳужумчилар марказида тош, таёк, найза билан қизгин жанг кетаяпти. Бинобарин, расм ўша даврга оид одатдаги ғалаёни бостиришни акс эттирган. Ушбу расмда Халил Султоннинг ғалаёни бостириш ташкилотчиси сифатидаги тасвири у ҳукмдорлик қилган давр заруратидан келиб чиққан.

Расм ижроси унинг тажрибали рассом мўйқаламига мансублигидан далолат беради.

«Шоҳ овда» диптихи (икки шаклли расм) Жомийнинг «Силсилат уз-заҳаб» («Олгин занжир») достони асосида ишланган бўлиб, унда мансабдор суворийларнинг тоғ оралигидаги ҳашаматли ови лавҳаси таъсирчан ва жўшқин тасвирланган.

Жирға ичида ярим ҳалқа тарзида занжирбанд қаторда турган ов жирғачилари, мулозимлар ва товачилар, жигарранг-бинафшаранг тепаликлар орасида отларда елиб бораётган бир неча ёш суворийлар, тўда ҳалқаларида саросимага тушган охулар, тоғ қўчқорлари, қоилонлар, тўнғизларни отаётган овчилар тасвирланган.

Камонлар таранг тортилган, шиддатли найзалар ҳайвонларнинг семиз биқинларига санчилган. Узоқдаги тоғ манзаралари

бўйиқ рангларда шартли равишда берилганки, (куюк-яшил, кўк-жигарранг, тўқ-қизил туслар устуворлик қилади) улар қаҳрамонона-романтик довюраклик ва овчилик эҳтироси сифатида қабул қилинади. Жирғанинг ўнг томонида туғбардор туғ кўтариб турибди, созандалар карнайлар жўрнавозлигида нағма қиляптилар.

Тўда Самарқанд ҳукмдорининг тамғаси — чарақлаган қуёш нури тарзидаги шер тасвири. Машҳур овчилар орасида Амир Темур ворислари — Халил Султон ва Улуғбеклар тасвирланган. Суворийлар отда елиб бораётган ёввойи ҳайвонларга ўқ узмоқдалар, орқада — кузатувчилар. Ушбу диптих XV асрда Афросиёб суғд деворий расмлари анъаналари сақланганлигидан далолат беради.

Расмнинг айрим рамзий тафсилотлари (дарахтдаги илон, осмондаги оқ ва қора булутлар, қоплонга қарата боши узра тош кўтарган айик) ушбу лавҳа дунёвий маънодан ташқари, тасаввуфий маънога ҳам эғалигидан далолат беради. Маълумотларга кўра, ушбу миниатюра Самарқандда 1405—1415 йиллар орасида шаклланган мусаввир томонидан ишланган.

Улуғбек ҳукмронлиги даврида диққатга сазовор рангтасвирли қўлёзмалар ярагилди: 1) Абдурахмон Суфийнинг «Сувар ал-кавокиб ас-сабита» («Турғун юлдузлар китоби») номли астрономик рисоласи (Париж, Миллий кутубхона), унинг экслибрис (тамға) ва колофониди (хотима) Улуғбек исми сақланган; 2) қўлёзмадаги алоҳида миниатюрада Улуғбекнинг лочин билан боғ сайри тасвирланган. Бинонинг йиғма-синчли юқори қисмида виқор билан ўтирган Улуғбек тасвирланган ва бино пештоқида унинг исми кўрсатилган ёзув сақланган: «Буюк султон, Улуғбек Гурагоний, унинг ҳукмдорлигига шарафлар бўлсун» (Тўп-қопи саройи, Истанбул); 3) Низомийнинг «Хамса»си нусхаси, 18 та миниатюра билан (Тўпқопи саройи, Истанбул, Н-786).

Ас-Суфийнинг Улуғбек талабига кўра рангли тасвирланган астрономик рисоласи — «Турғун юлдузлар китоби» 1437 йили қайта кўчирилган. Миниатюралардаги расмлар илмий чизмалар ва бирлашма услубида. Уларда юлдузлар туркуми осмон гумбазида тасвирланган.



Амир Темур меъморликни ва декоратив санъатни яхши ҳис этар ва тушунар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Кешда бунёд этилган масжид, сарой, мадраса, хонақоҳлар форс ёки Хитой монументларининг хушомадгўйлик билан қилинган нусхаси эмас. Улар ўзига хос ва хилма-хил хусусият касб этади. Бу — буюк Амир ўз пойтахтини безатишни ишониб топшириш асносида бирлаштирган, маданияти ва техникаси турлича бўлган усталарнинг ижод маҳсулидир.

Керэн Люсьен



Хар бир юлдуз туркумининг харитаси график тарзда бажарилган қиёфа асосида берилган: Ромий — камон тортиб турувчи ўкчи; Тарози — тароз; Ҳамал, Шужоъ, Катта ва Кичик Айиқ — ҳаётий ёки ғаройиб ҳайвонлар кўринишида тасвирланган.

Лекин ушбу шаклларда тасвирланган расмлар ас-Суфий нусхасининг XIII—XIV асрлардаги арабий ва форсий расмларидан фарқ қилади. Кийим-кечаги оддий оёқ-яланг шахсларнинг теран халқчил қиёфаси диққатни жалб этади. Пастак бўйи, бақувват гавдаси, туркийлашган юзи, либоси уларнинг Туркистон заминига мансублигини кўрсатади (6). Нозик чизикчалар тортиб чизилган ушбу расмлар енгил ранглар билан безатилган.

Улуғбекнинг оила аъзолари ва мулозимлари билан қуш овидаги портрети Моваруннахр миниатюра рассомлигининг нодир тарихий ҳужжати ҳисобланади. Миниатюрада мулозимат тантанавор ифодаланган. Афтидан, у диптих тарзида бўлган, унинг чап қисми сақланиб қолган.

Варақ марказида тахтиравон устида шарқона тарзда ўтирган подшоҳнинг йириклаштирилган ёлғиз гавдаси кўзга ташланади. У катта гиламда ўтирибди, жиддий, лекин башанг қорамтир кийими тасвирини тўлдирган. Қиёфасидан иззатнафслилик ва айни вақтда хотиржамлик уфуриб турибди. Хушқоматлиги, нафис қўллари, нозик панжалари подшоҳнинг хушмуомалалигидан, диди нозиклигидан далолат беради. Варақнинг ўнг томонида Улуғбекнинг мулозимлари, яқинлари, ҳарамидаги аёллар, икки ўғли, қушбеги, хизматкорлари адаб доирасида тартиб билан жойлашган.

Аёллар мўғуллар андозасига кўра кенг либосларда, баланд бош кийимларида тасвирланган.

Маликаларнинг ўзига хос бош кийими, елкага тушган жиҳоз (убрус), жиға билан ўралган кенг либослари Амир Темур даври аслзодаларига хосдир. Улуғбек даврида Самарқандда бундай либосларни тикиш давом этган. Бу даврда Ҳирот ва Шерозда улар унут бўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳам ушбу шаҳарлар миниатюра мактабларида бу либослар учрамайди.

Эркакларнинг кўпчилиги кенг, қора қайтарма ёқали туркий либосларда тасвирланган. Жамоа қизиқарли овдан олдин майсазорда қувнаб дам оляпти. Бу миниатюра подшоҳнинг (сарой портретлари жанрига оид) қиёфасини тасвирлабгина қолмай, балки унинг ҳақиқий чехрасини асрлар оша авлодларга етказди.

Марказий Осиё одадига кўра, калта қиркилган қуюқ соқол, нафис лаб қийғи, ёйсимон қошлар ёқимли тасвирланган. Миниатюрада аслзодалар ва сарой ходимларининг табиат қўйнидаги жонли мулоқоти тасвирланганини таъкидлаш керак. Персонажлар — хизматкорлар ва аёллар жонли ҳаракатда суҳбат жараёнида равшан ифодаланган.

Низомий «Ҳамса»сининг теран, мазмундор, қаҳрамонларнинг мафтункор завқ билан руҳланган сюжетлари кўплаб бетакрор миниатюраларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Низомий «Ҳамса»сининг бир нусхаси Улуғбек ҳукмдорлиги даврига мансубдир. Нақшинкор-тасвирий композициянинг бошланғич варақасида медальонлар, парилар қўлларида жингалак булутлар билан тасвирланган. Ёзувда шундай дейилган: «Ушбу китоб дин хомийси бўлмиш Улуғбек Кўрагонийнинг ҳукмдорлиги даврида қайта кўчирилган, унинг ҳукмдорлиги абадий бўлсин» (1446—1447). Нусханинг колофонида Хожа Юсуфшоҳнинг исми, марҳум Амир Мирак ат-Табризий ўғиллари: котиб Али ибн Искандар Кўхистоний, наққош ва мусаввир Султон Али ал-Бовардий исмлари ҳам ёзилган.

Кўлёмзани текшириб чиққан олимларнинг фикрича, нусхадаги 18 миниатюрани икки тасвирчи бажарган: унинг 14 таси Султон Алига тегишли, қолган тўрттасини номаълум мусаввир ишлаган. Ушбу туркумининг асосий мусаввири ижодий диапазон кенг, турли наққошлик ва тасвирий безатиш усулларини ўзлаштирган уста эканлиги кўриниб туради.

Султон Али композицион кўринишларни таъсирчан ва мушоҳадали тасвирлайди. Мусаввир табиат манзарасига хос рангларга мойиллиги туфайли манзара жонли чиққан.

Мусаввир лавҳа ечимини ранг-баранг кўрсатган. Айрим миниатюраларда бир қабза йирик гуллаган, майсалар ер бағрни қоплаган, бошқаларида эса геометрик тўр бўйича тақсимланган ва уфқи қисқартирилган.

Сершоҳ дарахт ёрқин очик рангларда расмнинг текислигини сақлаган ҳолда янги чизикча билан тарашланган. Одамларнинг шакллари йирик, бир мунча мутаносиб ва салмоқли. Тилла рангнинг сероблиги иссиқ кундан яйраш таассуротини беради («Хусрав чўмилаётган Ширинни кўрмоқда») (7).

Иккинчи рассомнинг асари енгил, кескин сурагиде, колорити биринчи миниатюрачининг ёрқин колоритига қараганда ма-



йин. Иккинчи мусаввирнинг услуби Хирот рассомлигига яқин, холбуки ал-Бовардий композициялари бирмунча ўзгачадир. Бу қўлёзма Самарқандда ёки Мовароуннахрнинг бошқа бирор шахрида бажарилган бўлиши мумкин.

Келтирилган миниатюралар таҳлили улар XV асрнинг биринчи ярмидаги Шероз ва Хирот миниатюра мактабларига яқинлигига қарамай, ўзининг махсус манзарали кўринишлари билан ажралиб туришини кўрсатади.

Уларга ўзгача декоративлик, бадиий фикрнинг лўндалиги, композиция унсурлари нақшининг йириклаштирилганлиги, қиёфалар камлиги, композиция кўринишидаги батартиблик, маконнинг мутаносиблик-яссилик тамойиллари асосида тасвирланганлиги, вазминлик хосдир. Бу миниатюралар Самарқандда Улуғбек даврида миниатюра санъати юқори даражада ривож топганидан далолат беради.

1420 йилдан бошлаб Хирот бадиий маркази ривожланади. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Амир Темурнинг набираси, Шохрухнинг учинчи ўғли Бойсунғурнинг кенг қўламдаги ҳомийлик фаолияти ҳақида, жумладан, шундай деган эди: «Унинг ғамхўрлиги туфайли кўпгина ноёб хаттотлар, мусаввирлар, созанда ва хонандалар етишиб чиқишган, билмам, бирорта бошқа ҳукмдор даврида улар пайдо бўлармикан» (8).

Шаҳарда жўшқин маънавий ҳаёт ҳукм суради, катта қурилишлар борар эди. Хирот XV асрнинг биринчи ярмида, хусусан, Бойсунғурнинг сарой кутубхонаси билан машҳур бўлди. Хиротга бошқа шаҳарлардан ҳам кўпгина хаттотлар, наққошлар, мусаввирлар келтирилган. Жумладан, Бойсунғур фармони билан Хиротга Табриздан уста Саидий Аҳмад Наққош, Хўжа Мусаввир ва муқовачи Қавомиддин Табризий келтирилган. Устахонани машҳур хаттот Фаридиддин Жаъфар Табризий бошқарган.

Бу ерда кейинчалик турли мактаблар усталарининг ўзаро муносабати натижаси ўлароқ Хирот рассомлик мактаби услуби яратилди.

Хирот миниатюрасида XV аср иккинчи ярми — XVI асрларда учрайдиган айрим мавзулар ўз ифодасини топган. Булар севишганлар висоли, ҳукмдор қабулида сарой тасвирининг композицион қиёфаси, ов, жанг манзараси, тўкнашувлардир.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» қўлёзмаси устида энди иш бошлаган вақтда

унга ишланган миниатюралар эскизда бажарилган эди.

55 варақли миниатюрада Амир Темур лашкарининг жангга тайёрланиши, жанглар изчиллиги тасвирланган.

Маҳорат билан ишланган кўп шаклли ана шу лавҳада жанг анжомлари билан қуролланган оломон, ярқироқ қурол-аслаҳа тутган ва темир қалпоқ кийган чавандозлар, улар орасида боши узра соябон тўтилган Амир Темур, тоғ оралигидаги тор йўлдан ўтаётган жангчилар тасвирланган. Шижоатли жангчилар қилич кўтариб, камон тортиб олган интиломқдалар.

Усталик билан яратилган композиция ва қиёфалар жўплиги улғуворлик касб этиб, ўзига хос мушоҳада юритувчи мохир рассомнинг истеъдодини яққол ифодаб турибди.

Темурийлар миниатюраси Хиротда бу сулоланинг сўнгги ҳукмдори султон Хусайн Бойқаро ва унинг беназир вазири Алишер Навоий фаолият олиб борган вақтда юксак ривож топди.

Бобурнинг ёзишчи: «Султон Хусайн Мирзо даври ажиб даврдир». Хуросон, айниқса, Хирот олимлар, бетакрор ижодкорлар билан гавжум бўлган. Ҳар бир киши муайян ҳунармандлик билан шуғулланган, ўз мақсади ва иштиёқи билан камолот сари интилган (9).

Миниатюра рассомлигида бу даврга келиб янги рассомлик мактаблари дунёга келди: у бадиий ривожлангирди, ижодий изланишларга тўла мураккаб йўлни босиб ўтиб, ижодий тажрибаларини ошира борди. Рассомлик мактаблари ўзаро алоқада, таъсирда бўлиб, Ўрта Шарқ миниатюрасининг нодир намуналарини яратишга ҳар бири ўз улушини қўшди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хирот миниатюра санъатида эришилган ютуқлар мукамаллаштирилди. Бу даврда Хиротда забардаст усталар — Мирак Наққош, Бехзод, Хожа Муҳаммад Наққош, Шох Музаффар, Қосими Али ва бошқа истеъдодлар фаолият олиб борди.

Хирот миниатюра мактабининг ривожланишида Алишер Навоийнинг ҳомийлиги катта роль ўйнаган. Захириддин Муҳаммад Бобур таъкидлаганидек: «Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била бундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар».

Бу даврнинг донғи чиққан, дид билан ишланган расмлари орасида Низомий, Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоийларнинг «Хамса»лари ҳамда Саъдийнинг «Гу-





листон» ва «Бўстон», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларидаги расмлар эътиборга лойиқ.

«Зафарнома»нинг Темурий Абу Саъид Мирзо ҳукмронлиги даврида, 1467 йилда кўчирилган нусхасига кейинроқ, Султон Хусайн Бойкаро даврида, 1480—1490 йилларда Ҳиротда расм ишланган. Темурийлар сулоласининг пойдорлиги миниатюраларда Соҳибкироннинг жасорати ва матонатини, давлат қудратини ошириш, шаҳарларни ободонлаштириш борасидаги жўшқин фаолиятини, раиятга мушфиқлигини, енгилмаслигини васф этувчи мавзулар орқали тасвирланган. Мавзуи ранг-баранг, кўлами кенг бу безаклар орасида энг яхшилари Бехзод мўйқаламига мансуб бўлган. Уларда Амир Темури ҳаётидан турли лавҳалар, шоҳона қабул маросимлари, шаҳар ва қалъалар муҳосараси, кенг миқёсли қурилишлар жараёни ҳаётӣ куч билан йўғрилган ҳолда ишонарли тасвирланган.

Миниатюрачи рассомлар, шунингдек, XV асрнинг биринчи ярмида миниатюра санъати учун «Хамса»дан ҳам сюжет (мавзу)лар танлаб олишган.

«Лайли ва Мажнун», «Хусрав ва Ширин», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари кўплаб расмлар билан безатилган. Расмларда тасвирланган лавҳалар орасида

«Лайли ва Мажнун саҳрода», «Лайли ва Мажнун мактабда», «Ширин ва Фарҳод анҳор бўйида», «Баҳром Гўр аждаҳо билан курашда», «Баҳром Гўр етти гўзал шийпониди» ва бошқалар бор.

Саъдий асарларида «Шом подшоҳининг дарвишлар билан суҳбати», «Дарвишлар рақси», «Доро подшоҳ чўпонлар орасида» лавҳалари кўпгина расмлар билан безатилган.

Бехзод ижоди миниатюра санъатининг ривожига, у Ўрта Шарқда тасвирий санъат бўлиб қолишига кучли рағбат берди. Мумтоз тарихчи Хондамир Бехзод 23 ёшидаёқ ўз устози Мирак Наққош ижодиётининг давомчиси, етакчи миниатюрачи рассом бўлиб етишганини таъкидлайди. У кўлёмаларни безатадиган сарой бадийий устахонасига раҳбарлик қилган.

Бехзод ҳаётлигидаёқ «аср мўъжизаси», «ўз даврининг чўккиси» сифатларини олган. Унинг асарлари камолот чўккиси деб

баҳоланган. Бехзод мероси жуда бой. Замондошлари «у доим ўзи билан ажойиб расмлар олиб юрганини» таъкидлашган. Бехзод асарлари Қоҳирадаги миллий кутубхонада, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида, Санкт-Петербургдаги оммавий кутубхоналарда ва бошқа жойларда хануз томошабинларни маҳлиё этмоқда.

Ҳиротдаги барча мусаввирлар каби Бехзод ҳам турли жанрларда — лирик, ҳаётӣ, жанг манзаралари, маиший, ҳатто, ҳали мурғак портрет (чехракушой) жанрида ҳам ижод қилди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот миниатюраси, шу асрнинг биринчи ярмида барча миниатюра мактабларида қонунийлашган мукаммал композициявий шакллари кўллаб, бу санъатга ўз тузатиши ва янгиликларини киритди.

Ҳирот мусаввирлари миниатюранинг шартли чегараси доирасида маконнинг ҳаётӣ теранлиги ва ҳажмийлигини ривожлантиришга интилганлар. Бунга Бехзод манзара унсурларини жойлаштириш, меъморлик режаси, шакллари тухумсимон, ярим тухумсимон доира, диагонал бўйича жойлаштириш воситасида эришди.

Аниқ чизилган шакл жуда нозик, нафис расм билан уйғунлашиб, тасвирий фикр негизини ташкил этади. Нозик ранглар жилосида бажарилган меъморлик иншоотларида кўзни қамаштирувчи тилланинг кўп қўлланилиши, нақшинкор безатилиши, ҳашаматлиги композициянинг дабдабалилиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Миниатюра санъати ривожининг етуклиги пейзаж жанрида моҳирона кўрсатилган, табиат гўзаллиги жозибадор тасвирланган.

Пейзажларда ниҳоллару улкан кўм-кўк ёки қизғиш баргли чинорлар доимий яшил адл сарвлар билан ёнма-ён тасвирланган.

Пейзаж хусусияти мазмунга мос ҳолда ўзгариб боради: фожиали лавҳаларда қуриган дарахтларнинг қуруқ танаси, кесилган дарахт тўнкалари тасвири пайдо бўлади. Лирик-шоирона мавзули лавҳаларда қийғос ўсган буталар ёки нафосат билан яратилган рангли манзаралар акс этган.

Бехзод қонунлаштирилган усулларни такрорлаш ва уларни ўзгартириш, бой тасвирий воситалар захираларидан фойдаланиш билан қоникмас эди. У доим мукамал таъсирчан лавҳалар яратишда, мавзу ечимларини, уларнинг ўзаро алоқаларини ифодалашда ўз усулини топишга интилди ва изланди.

Амир Темури сулоласи синфий жиҳатдан яқин бўлган кишиларнинг ўзаро урушига қарамай... Марказий Осиёда бир асрдан кўпроқ умр кўрди. Шундай бўлса-да, у Хитой, Ҳиндистон, Фарбий Осиё билан фаол алоқада бўлиб келди. Самарқанд йирик илмий марказга айланди. Бу ерда Амир Темурининг невараси Улугбек расадхона барпо этди ва астрономик жадваллар ишлаб чиқди. Бу жадвалдан XVII асрда биринчи инглиз астрономи кенг фойдаланди. XV асрни Темурийлар Ренессанси даври дейиш мумкин, Ҳирот эса ажойиб миниатюрачилар мактаби туғилган жой бўлиб қолди. Бу миниатюрачиларнинг энг буюғи Бехзод эди.

Хильда Хукхэм





Мусаввир ўзининг ҳаётга бўлган жуда кенг қарашини, унинг ҳар хил кўринишларини чуқур ҳис этишини намоён қилди. Унинг ижоди — ақлий, шахсий ҳаётий тажриба, дунёқараш ва давр нафасини сезиш, мусаввирлар зехни ва унинг зийраклигининг ҳамоҳанг уйғунлигидан иборатдир.

Темурийлар салтанатининг барча мактабларидаги миниатюралар мавзуининг умумий ғоявий йўналиши ҳақида гапирганда (ҳар бирининг ўзига хослигини назарда тутган ҳолда) шуни таъкидлаш лозимки, уларда тарихан икки воқеа бир вақтда содир бўлган. Бу — Амир Темури ва Темурийларнинг тарих сахнасига чиқиши ва ислом минтақасида муҳим маънавий оқим — тасаввуф (бошланғич даври — VIII аср) фалсафий назариясининг тугал шаклланиши.

Ҳаққа етиш ва мукаммал жамият тузишнинг бу воситаси комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган. Темурийлар даврида минтақада, кўп асоратларни бошидан кечирган ва, ниҳоят, давлат ўзлигини яратишга киришганлар учун ҳаётни барча ижтимоий даражаларда тасаввуф таълимотига таянган ҳолда ҳаққоний ташкил этиш энг зарурий масалалардан бири эди.

Бунда баркамол ҳукмдор масаласи ўрта аср жамиятидаги гуруҳларнинг табақа моҳиятига кўра аҳамиятли эди. Ҳукмдор — давлатнинг биринчи шахси, халқнинг хотиржамлиги унинг фаолиятига боғлиқ.

Миниатюраларда адабий тимсоллардан сўнг подшоҳларни олқишлаш, расмий ҳолатлар ва зиёфат тантаналари лавҳаларидан, жанг, ов, табиат кучовида дам олиш ва бошқа лавҳалардан ташқари подшоҳ учун зарур лавҳалар — халқнинг доно раҳбари (чўпони) бўлиши, ҳаққонийлик ва сахийлик ҳомийси бўлиши, халқ фаровон-

лигини кўзлаши, халқни душмандан ҳимоя қилиши лавҳалари эътиборни жалб этади.

Зеро, халқ бундай подшоҳни қўллаб-қувватлайди, унинг ҳимоясида халқ тинч яшай олади ва, аксинча, қонхўр, золим подшоҳлардан юз ўгириши мумкин («Нўширвон ва унинг вазири ҳақида зарбулма-сал», «Султон Санжар ва кампир ҳақида рамзий хикоя», «Золим ва адолатли чол ҳақида зарбулмасал», «Мисрликлар Искандардан сўрайди» ва бошқалар).

Бунда подшоҳнинг оқил, доно, тадбирли бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикр алоҳида таъкидлаб ўтилган, чунки у қизиқувчанлиги ва илмга интилиши орқали замонасининг буюк донишмандлари билан тенг мулоқотда бўла олиши лозим («Искандарнинг етти донишманд билан махфий суҳбати», «Искандарнинг денгиздаги саёҳати», «Искандар Арасту ва Афлотунларнинг мулоқотида» ва бошқалар).

Бу миниатюралар туркумининг маъно йўналиши тасаввуфнинг комиллик йўлидаги хайрли сўз, эзгу иш, яхши хулқ, билим сингари асосий талабларига жавоб беради.

Темурий ҳукмдорлардан бўлган Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг миниатюра расомлиги тарихидаги гуллаб-яшнаш даври тугади. Марказий Осиё миниатюра расомлиги мактаби Яқин ва Ўрта Шарқда ушбу санъат турининг тарихий ривожланишининг сўнгида мислсиз ҳисса қўшди ва унинг келгуси йўлини белгилаб берди. Темурийлар миниатюраси ўзининг ижодий изланишлари ва ютуқлари, мактаблари билан Марказий Осиё минтақавий санъати тарихида ажойиб из қолдирди. Комилликка интилган истеъдодли, меҳнатсевар усталар томонидан яратилган ишлар билан жаҳон мумтоз санъатининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди.

Муסיқа

Амир Темури ва Темурийлар даври, муболагасиз, нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг муסיқа санъати жадал равнақ топган, камолот чўққисига эришган чинакам Уйғониш даври бўлган, дейиш мумкин. Зеро, бу халқлар ягона давлатни ташкил этиб, ўзаро самарали маданий алоқалар ўрнатибгина қолмай, Осиё ва Европанинг энг йирик мамлакатлари билан маънавий боғланиш имкониятига ҳам эга бўлганлар.

Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида хонанда ва созандалар расмий-дипломатик, ҳарбий ва бошқа тантаналарнинг доимий қатнашчиларига айланган. Халқ томошалари, оммавий байрамлар уларсиз ўтмас эди. Бу эса, ўз навбатида, муסיқанинг бошқа санъатлар қаторидан муҳим ўрин эгаллашини таъминлади.

Манбаларда келтирилишича, ўзбек халқ муסיқаси билан бирга ҳарбий-расмий муסיқа турлари, мумтоз мақом санъати, минтақанинг бошқа туркий ҳамда арабза-



бон, форсийгўй халқларининг мусиқавий фольклори, бастакорларнинг ўзига хос ижоди ҳам ривож топди. Энг муҳими, мусиқий анжомлар жасорат ва мардлик тимсолларига айланди.

Амир Темур салтанатида ҳам чолғу асбоблар давлат рамзи, куч-қудрат ва баҳодирлик тимсолига айланган. Бунинг илди-зи Соҳибқиронни илк бор қўллаб-қувватлаган пири Саййид Барака томонидан унга рухий мадад сифатида туғ ва ноғора тақдим этилганига бориб тақалса ажаб эмас. Чунки бу ҳодиса чуқур рамзий маънога эга.

«Амр қилдимки, — деб ёзади Амир Темур ўз «Тузуклар»ида, — қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: (биринчиси) фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар» (1).

Мазкур манбанинг яна бир бўлими Амир Темурнинг халқ чолғу асбобларига бўлган муносабатини яққол намоён қилади: «Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ (алам) ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай (нафир) берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора (табал) берсинлар. Аймақларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт беглар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар» (2).

Қизиғи шундаки, Соҳибқирон тадбири билан оддий халқ орасида кенг тарқалган миллий чолғу асбобларимиз ҳоким ва лашкарбошиларнинг ижтимоий ва ҳарбий мавқеини белгилаб берувчи давлат тимсолига қонуний равишда айланди.

Амир Темур даврига хос бўлган маънавий кўтаринкилик мусиқа санъатининг деярли барча жабҳалари учун кенг имконият туғдириб берди: созандалик ва хонандалик, мусиқа таълими, бастакорлик ижоди, мусиқа илми камол топди. Асрлар қаърида шаклланган анъанавий «устоз-шогирд» таълим тизими кенг қулоч ёзди.

Ўз моҳиятига кўра, том маънодаги Уйғониш ҳаракатини яратган бу жараён нафақат Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқандда, балки унинг авлодлари Шоҳрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро ва Бобур дав-

ридаги Бухоро, Хива, Шахрисабз, Балх, Кобул шаҳарларида ҳам қизгин кечди.

Ўрта асрлар анъанаси шаҳар аҳолиси касб-корига кўра жамоа (маҳалла) бўлиб яшашини тақозо этар эди. Халқ ичида танилган санъаткорлар ҳам ҳокимлар фармонига кўра ёки ўзига қулайлик яратиш мақсадида касбдошлари билан жамоа бўлиб яшашини афзал кўрар эдилар. Шунга бинан «хонандалар мавзеси», «созандалар маҳалласи», «бастакорлар кўчаси» жорий этилди. Бу касб соҳибларининг алоҳида обрў ва нуфузга сазовор бўлганлари атрофида махсус ижод ва ижро борасида мавқега эга ижодий мактаблар шаклланди.

Мусиқа устозини ҳаммадан устун қўйиб, «устозлар устози», деб улуғлаган Алишер Навоийнинг мусиқа санъати олдидаги улкан хизматларидан бири соз аҳлига қилган раҳнамолиги ва ҳомийлигидир. «Бобурнома»да бу ҳақда диққатга сазовор маълумотлар келтирилади: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромад эрдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар».

Мусиқий тарбиянинг аҳамиятини доимо диққат марказида тутган Алишер Навоий ўз даврининг кўзга кўринган донишмандларига мурожаат қилиб, бу илмга оид бешта рисола ёзилишига сабабчи бўлган. Шулардан учтаси — Абдурахмон Жомийнинг «Рисолайи мусиқий», Зайнулбидин Хусайнийнинг «Қонун», Камолиддин Биноийнинг «Мусиқа ҳақида» рисоалари ҳозир ҳам истифодада. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам мусиқий илмга эга бўлиб, бу борада муайян асарлар яратгани маълум. Унинг устози Хожа Юсуф Бурхон ўз даврининг йирик мусиқашуноси ва бастакори эди.

Бастакорлардан Абдулла Марварид, Ҳофиз Шарбатий, Паҳлавон Мухаммад, хонандалардан Мавлоно Айний, хофиз Қозоқ, созандалардан Хожа Камолиддин Удий, Али Кармал, Хожа Абдуллох Садр, мусиқий рисоалар муаллифлари Жомий, Биноий, Мавлона Салимий, Мавлоно Риёзийлар Алишер Навоийнинг энг яқин дўстлари бўлганлар. Буларнинг ҳар бири ва бошқа қатор мусиқа санъати намояндalари хусусида батафсил маълумотлар, ижодларига тавсиф, яратган асарларига муносабат «Мажолисун-нафоис» саккиз мажлисининг еттитасидан ўрин эгаллайди.

Амир Темур фақат маҳаллий муаллифларнигина рағбатлантормай, балки ўз пойтахтига чет эл олимлари ва шоирларини ҳам жалб этди ҳамда уларнинг ҳаммасига хотамтойларча мукофотлар ҳадаё этар ва ўз шахсий эътибори ва ҳомийлиги билан уларни қўллаб-қувватларди. Ана шу олимларнинг айримлари Амир Темур салтанатида ўз ватанидагидан кўпроқ таъминланган эди.

Г. Вамбери

Ўз моҳиятига кўра, том маънодаги Уйғониш ҳаракатини яратган бу жараён нафақат Амир Темур салтанатининг пойтахти Самарқандда, балки унинг авлодлари Шоҳрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро ва Бобур дав-



Аллома еттинчи мажлисда Амир Темур, Шохрух ва Темурийлар шажарасининг қарийб 20 вакилига (3) тавсиф берар экан, ўз эътиборини мазкур шахсларнинг санъатга, илмга бўлган муносабатини аниқлашга қаратди.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам муסיқа ижодиётига бевосита алоқадорлигини Захириддин Бобур эътироф этган. Унинг гувоҳлик беришича, «Алишербек иазирни йўқ киши эди ... муסיқада яхши нималар боғлабдур. Яхши нақш ва пешравлари бордур». Тузилиш жиҳатидан мураккаб бўлган бундай асарларни ярата олиш маҳорати нафақат Шарқ, балки Ғарб маданияти тарихида ҳам камдан-кам учрайди.

Қолаверса, ярим асрдан кейин, яъни XVI—XVII асрлар орасида яшаб ижод қилган олим Дарвиш Али Чангий, шу даврдаги оммабоп 24 усулдан бир қанчаси Удубек, 12 таси Хусайн Бойқаро, 7 таси эса Алишер Навоийга мансуб эканлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Амир Темур ва Темурийлар даври муסיқа асбоблари турли-туманлиги ва серқирралиги билан ажралиб туради. Масалан, уд (ёғочидан фойдаланилган дарахт номига кўра) созини араблар фақат Шарққа эмас, балки ғарбга ҳам тарқатишган (льютто, люгня ва бошқалар шу асбобдан келиб чиққан). Бу даврнинг муסיқа назариясида (муסיқий рисолаларда) интервал, тетрапентахордлар товушқаторлар белгилаш учун ҳамда яккахон ва ансамбл ижрочилигида қўлланилган.

Мукамал мақом тизими ва мақом ижрочилиги танбур асбоби билан узвий бирликда идрок этилади. Мақомлар чолғу бўлимларининг якканавоз ижросида ҳам, ашула бўлимларининг доира билан ижро этилишида ҳам танбур етакчилик қилади.

Муайян амалиётга мўлжалланган чолғуашула ва чолғу ансамблларнинг ҳарбий, маросим, сарой тадбирлари, оилавий ва бошқа турлари одат тусига киради.

Муסיқий амалиёт бутун ижодий жараённинг шиддат билан ривожланиши авлоддан авлодга ўтиб сайқаллана борган муסיқа илмининг равнақи учун алоҳида ва барчаси учун бирдай алломаларнинг майдонга келишига замин ҳозирлайди.

Амир Темур саройида машҳур муסיқачи Хожа Абдулқодир Мароғий (1340—1435) ижод этгани маълум. Бу аллома умрининг кўп қисмини Амир Темур ва Темурийлар саройида ўтказди.

Мароғийнинг муסיқачи сифатида юксак қобилиятдан хабардор бўлган Амир Те-

мур 1393 йилда уни Бағдоддан Самарқандга олиб келган. Бу ерда унга ижод этиши, эроний ва туркий халқлар муסיқаларини изчил ўрганиши учун барча шароит яратилди. Амир Темур вафотидан кейин Мароғий Шохрух, Халил Султон ва бошқа Темурийлар саройида хизмат қилди.

Маълумки, Мароғий бастакор сифатида 200 дан ортиқ асар яратган. Улар қаторида кўп қисмли туркум асарлар, шунингдек усулларнинг янги талқинлари — «Зарб ал-фатҳ», «Чаҳор зарб», «Майатайн», мақом бўлимларидан «Тасниф-и Хожа Абдулқодир», «Амал-и Гулистон», «Амал-и Хористон» каби асарларни айтиб ўтиш мумкин.

Минг афсуски, бизга қадар уларнинг номларигина етиб келди.

Абдулқодир Мароғийнинг муסיқа назариясига оид — «Гина ва алҳон», «Мақосид ал-алҳон», «Жавомеъ ал-алҳон», «Канз ал-алҳон», «Шарҳ ал-адвор» ва бошқа тадқиқотлари маълум ва машҳурдир.


Ўз салафлари (Сафиуддин Урмавий, аш-Шерозийлар) дан фарқли ўларок, Мароғий усул, куй, чолғучилик муаммоларини асосли ва ҳар томонлама тадқиқ этган. Унинг асарлари XIII—XV асрлар муסיқа ижодиёти, Марказий Осиё муסיқа атамалари хусусида бой маълумот беради.

Темурийлар замонида яшаб ижод этган яна бир йирик муסיқашунос Абдурахмон Жомийдир. Маълумки, Жомий муסיқий асарлар «Нақши Имома» ҳамда «Рисолайи муסיқий»нинг муаллифидир. Жомийнинг рисоласи асосзамин назарий мазмунга эга бўлиб, икки қисмдан иборатдир: «Илми таълиф», «Илми-иқоъ».

Асарнинг биринчи бўлимида анъанавий равишда муסיқанинг келиб чиқиши, «муסיқа» сўзининг мазмуни, санъатларнинг бурчи каби муаммолар ёритилади. Жомийнинг фикрига кўра, муסיқанинг таркибий қисмларини ўрганиш «янада гўзал ва нафис санъат» яратиш учун керакдир. Муаллиф ўз фикрларини ўртага ташлар экан, олдинги даврлар муסיқа илми (Абу Наср Форобий) ҳамда ўз замондошлари тажрибасига таянади.

Рисоланинг иккинчи қисмида ўша давр мутахассислари орасида кенг тарқалган усуллар батафсил ёритилган. Рисолада 20 дан ортиқ усуллар ҳақида маълумот бор. Жомийнинг янги усуллар яратишда «чеғара йўқлиги», «ихтиёр этган киши янги усул ярата олиши» ҳақидаги фикрлари, айниқса, қизиқарлидир.

Амир Темурнинг ўзи муסיқанинг ҳис-туйғуларга таъсир имкониятларидан боха-





бар бўлиб, амалиётда ундан мохирона фойдаланган. Саройда ўтказилган тантаналарда доимо мусикачиларнинг ижросини мароқ билан тинглаб, янги яратилган асарларга баҳо беришни хуш кўрган. Унинг бу фазилатларини меросхўрларидан тортиб саркардаларигача — бутун сарой аҳли яхши билган. Харбий юришларда ҳам муסיкий асбобларга бўлган ихлосини унутмаган. Жумладан, унинг харбий амалиёт тарихига киритилган қатор «кашфиётлари» ниҳоятда қизиқарлидир. Масалан, мўъжаз шаҳар ёки қишлоққа ҳужум бошлашдан олдин, у ерга яширин равишда карнайчи ва ноғорачилар киритилган. Эрта тонгда бу асбобларнинг беҳосдан янграши аҳолини доводиратиб, харбийларга катта ёрдам берган.

Амир Темурнинг муסיкий асбобларга бўлган меҳрини унинг харбий юришлари тасвирланган кўпгина миниатюралар ҳам тасдиқлайди.

Темурийлар даврида саройларнинг бош дарвозалари тепасига махсус ноғорахоналар қуриш одат тусини олган, бу ҳол муסיқа санъатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин далилидир. Маълумки, сарой муסיкий гуруҳларининг асосан карнайчи ва ноғорачилардан иборат етакчиларини ҳукмдорнинг шахсан ўзи тайинлар, уларни «меҳтар» деб аташар эди.

Мазкур тўдалар оммавий байрам ва тантаналарда, масалан, Рамазон ойида бозорларда кечаси ўтказиладиган удумларда (бозор-и-шаб) ва хоказоларда фаол катнашарди.

Катта ва кичик чолғу тўдалари Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларда кўп учрайди. Энг муҳими, уларни умумий безак сифатида эмас, балки фаолиятини кўрсатиш учун тасвирлашган.

Бизга қадар етиб келган кўлёмалар XIV—XV асрлар муסיқа маданияти хусусида бой маълумотга эга бўлиб, бу давр ҳақида тўлақонли таассурот ҳосил қилиш имконини беради. Шунга кўра бу даврнинг ўзига ҳослиги унда жўшқин ҳаракатчанлик етакчилик қилганлигидадир, дейиш мумкин.

Шу боисдан, айнан мазкур даврда, монументал мақомлар тизими — «Шашмақом»нинг шаклланиши мантқикий ниҳоясига етди. Бу жараёнга, яъни «Олти ма-

қом» туркумининг майдонга келишига адабий «Хамса»лар таъсир кўрсатгани эҳтимолдан холи эмас.

Ўтган даврлар тажрибасини ижодий ўзлаштириш бу икки ижодий тармоқда бирдай намоён бўлди. Бунда шеърый тўпламлар учун Низомий Ганжавий (1141—1209) ва Хусрав Дехлавий (1253—1325) «Хамса»лари асосзамин бўлган бўлса, «Шашмақом»нинг шаклланиш жараёнида мазкур «Хамса»лар замондоши «Дувоздахмақом» худди шу вазифани адо этди.

Асрлар давомида ривожланиб келган бу туркумининг бошқа бир шаклга ўтиши ғоят мураккаб ва кўп муддат талаб этадиган жараёндир. Шунга кўра, XII—XIII асрлар мобайнида шаклланган «Дувоздахмақом» айна Темурийлар даврида ўзининг барқарор кўринишида намоён бўлди. Абдуқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Зайнулобидин Хусайний рисоалари ҳам буни тасдиқлайди.

XIV асрдан эътиборан «Шашмақом» туркумининг шаклланиш жараёни бошланди. «Дувоздахмақом» ҳам мустақил равишда давом этган бўлса-да, унинг таркибий қисмлари янги туркумга сингдирила бошланди. (Бу ҳақда жадвалга қаранг.)

Илк даврда «Дувоздахмақом» бутун Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятига бирдай хос бўлган. Темурийлар давридан бошлаб эса бу жараёнга маҳаллий хислатлар таъсир эта бошлаган. Натижада яхлит тизимдан муайян даражада ажралган, миллий хусусиятларга эга бўлган туркум асарлар шакллана бошлаган. Бирламчи тизимдан фарқи ўлароқ, уларда тузилиш-композиция жиҳатидан ҳамда сонига кўра эркинлик устувор бўлади. Шу алфозда 12 та араб мақоми, 12 та уйғур мақоми, 7 та эрон дастгоҳи, 7 та озарбайжон муғоми, 6 та ўзбек ва тожик мақоми юзага келди. Бу туркумлар ҳам, ўз навбатида, маҳаллий муסיкий шева таъсирида янги мукамал туркумлар яратилишига туртки бўлди.

Шу тарзда ўзбек заминида Хоразм мақомлари, Фарғона—Тошкент мақом йўллари, турли-туман кўп қисмли чолғу асарлар юзага келди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида муסיкий ижод ва ижро муסיкий рисола нависликка ҳам таъсир этмай қолмади. Шу даврга оид сақланиб қолган қатор рисоалар муסיқа илмининг юқори савиясидан далолат берибгина қолмай, муסיқаниннг муҳим тимсоллари тизими, ўрганилаётган даврнинг муסיқа билан боғлиқ барча хусусиятлари ҳақида ҳам қимматли маълумот

Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг рассом ва ҳунармандларга, шунингдек унинг ҳомиёлиги остига келишни хоҳлаганлар учун у белгилаган юксак маҳорат андозасига қаттиқ боғланиб қолганлигини таъкидлаб ўтди. У шаҳзода ва амирлар ундан ўрناق оладилар деб ишонди ва барча йирик муслмон марказларидан мунтазам ўз ҳузурига тўплаган рассом ва ҳунармандларни тасарруфига олди.

Саид Жамолiddин



хозирлайди. Масалан, Зайнулобидин Хусайний «Қонун-и илми ва амали мусиқи» рисолаида халқ чолғу асбоби, хусусан хотин-қизлар орасида кенг тарқалган дуторни илк бор илмий таърифлайди. Бу маълумот рус шарқшунослари В.Наливкин, М.Наливкина, Н.Остроумов, мусиқашунослар С.Векслер, Т.Визголарнинг гўё ўзбек аёлларининг маданиятсизлиги, сарой билан халқ мусикаси ўртасида муносабат йўқлиги, рисоаларнинг мазмуни амалиёт билан боғланмаслиги... каби «концепциялари»нинг ҳақиқатга зид эканлигини кўрсатади.

Нажмиддин Кавкабий (1480 – 1535) йирик олим ва мусиқачи бўлиб, икки рисола — «Рисолаи мусиқи», «Рисолаи дар баёни Дувоздахмаком»нинг муаллифидир. Кавкабийнинг фикрига кўра, мусиқа нафис санъат бўлиб, илохий сирларга эгадир.

Шунинг учун уни идрок қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Темурийлар даври илмида мусиқани санъат тури сифатида идрок этиш тадқиқотлар кўламида янги босқич бўлиб, шу давр ижод ва ижро жараёнида ҳам бирдек кечди. Кавкабий куйларни таснифлаш бобида мусиқанинг мураккаб назарий муаммоларини насрий услубда ифодалаш каби кашфиётлар яратди.

Темурийлар даври мусиқа санъати бобидаги нуфузли манбалардан яна бири кўп қиррали олим Дарвиш Али Чангйининг «Тухфатус-сурур»идир. Унинг яна бир номи «Рисолаи мусиқи» (4). Бу асарда даврнинг анъанавий муаммолари қатори 350 га яқин бастакор, хонанда, созанда ва уларнинг хомийлари, шунингдек Амир Темур ва Темурийлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.



Халқ анъаналари, байрамлар, томошалар

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида санъат, шу жумладан ўйин ва томошаларнинг тараққий этиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Манбалар. Амир Темур ва Темурийлар даври томоша санъатлари ва байрамлар бўйича махсус манбалар жуда оз. Асосан куйидаги тўрт тоифа манбага таяниб, фикр юритилади. Бир тоифаси — сиёсий воқеалар, жанг жаддалар таърифига бағишланган тарихий асарлар. ҳофизи Абру, Шарофуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамирларнинг тадқиқотлари шулар жумласидан. Уларда баъзан санъатга оид қайдлар, далиллар учрайди.

Иккинчи тоифа манбалар воқеий ҳикоятлар, сафарномалардан иборат. Бундай манбалар орасида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», Заҳриддин Бобурнинг «Бобурнома», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул вақоеъ» асарлари томоша санъатлари хусусидаги маълумотларнинг кўплиги ва ишончлилиги билан алоҳида қимматга эга.

Учинчи тоифа манбалар мусаввирлар томонидан махсус ишланган ва турли хил кўлэмаларга лавҳалар тарзида киритилган расмлардир. Ўйин ва томошалар акс эттирилган бундай расмлар томоша санъати бўйича манба тарзида қабул қилиниши

мумкин, чунки мусаввирлар ҳатто афсонавий сюжетни акс эттираётганларида ҳам ўз даврлари ва ўз тасаввурлари доирасида ижод қиладилар.

Нихоят, томоша санъатига оид маълумотлар шоирларнинг ижодида сочилган бўлади. Уларни манба сифатида қараш мумкин, зеро, шоирлар ҳам қандай мавзу устида қалам тебратмасинлар, ўзлари яшаб турган ҳаётдан, воқеликдан, қарашлардан озиқланадилар. Бу ўринда, айниқса, Алишер Навоий асарларида инжудек сочилган маълумотлар инobatли ва ишонарлидир.

Манбалар орасида Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» рисолаи алоҳида қимматга эга. Чунки унда маърака ва аксар ижрочилик санъатлари, ўйин ва томошалар ҳақида қизиқарли маълумотлар, назарий хулосалар берилган.

Мана шундай манбаларда сочилган маълумотларни синчиклаб териб, бир-бирига солиштириб, Амир Темур ва Темурийлар даври ўйинлари ва томошала-

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини ога қаторида. кичикларини фарзанд урнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир улка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари билан дўст тутиндим. Уларнинг мизожларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайёрладим. Ҳар бир диёр аҳолисидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, ўрталаридаги алоқаларини хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Бордию эгри ёзганлари менга билдирилса, уларни жазоладим. Ҳокимлари, сипоҳ ва раиятдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

«Темур тузуқлари»



рини яхлит тасаввур қилишга, уларнинг таркиби, тур ва туркумлари, ўзаро муносабатлари доирасини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Оммавий байрамлар. Манбаларда Амир Темур ва Темурийлар давридаги давлат байрамлари муносабати билан уюштирилган сайиллар, намойиш ва томошалар ҳақида анчагина маълумотлар сақланиб қолган. Маъракаларда ҳар тоифа ижрочилар алоҳида-алоҳида, тарабхона ва хосхоналарда санъаткорларнинг аралаш гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, театрлашган сайиллар ва намойишларда минглаб ҳар хил ижрочилар қатнашган ва ўзаро беллашган. Хунар ва санъатни бор бўйича, тўлиқ намойиш этишга хизмат қилувчи бундай театрлашган намойишлар, ўйинлар ва томошалар Амир Темур ҳукмронлиги даврида кенг миқёсда бошланиб, қарийб бир ярим аср мобайнида давом этиб келган.

Амир Темур Мовароуннаҳрда яшаб келган анъанани давом эттириб, ўзининг ҳар бир ҳарбий ғалабаси, дипломатик муваффақиятини байрам, тўй билан нишонлаган, ҳар бир азиз меҳмонини зиёфат ва базм билан сийлаган. Оилавий маросимларни ҳам созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг каттакатта гуруҳларини жалб этган ҳолда ўтказишни ёқтирган. Бу даврда халқ байрамлари ҳам кенг нишонланган.

Тўй ва байрамлар ҳашаматли саройларнинг кенг ички саҳнлари ва айвонларида, Соҳибқироннинг, малика ва шахзодаларнинг боғларида ҳам ўтказилган, албатта.

Аммо аксарият ҳолларда шаҳар майдонларида, регистонларда, табиат қўйнида — яйловларда, дарё ва анҳорларнинг соҳилларида, махсус сайилгоҳларда ўтказилган. Бунга сабаб шуки, тўй ва байрамларда оддий фуқароларгина эмас, минглаб аскарлар, уларнинг оилалари, шунингдек, хизматда бўлган қуролсозлар, эгаржабудқчилар, темирчилар, мисгарлар, савдогарлар ҳам қатнашган. Жанговар спорт беллашувлари, майдон ўйинлари ва томошалари турли тоифа кишиларни, ижрочи ва томошабинларни бирлаштириб, ўзига хос тенглик ва ҳуррият оламини яратган.

Энг катта тўй ва байрамлар Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳиротда ўтказилган, уларда

ўн минглаб кишилар қатнашган. Бундай байрамларга пухта тайёргарлик қўрилган — шаҳар ва унинг майдонлари, кўчалари безатилган, муайян жойларда равоқлар, кўшклар, мезаналар қурилган, ранг-баранг чодирлар тикилган.

Минглаб санъаткорлар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, якка ижрочилар, ўйинчилар, чавандозлар, мерганлар, полвонлар жалб қилинган. Уларни тартиб билан ўйнатиш учун дастурлар тузиш ва уларни амалга ошириш билан юзлаб халқ режиссёрлари — корфармонлар ва баковуллар сикидилдан ишлаганлар. Зеро, етти кун, бир ой, қирқ кун, баъзан уч ойгача давом этган бундай улуг тўй ва байрамларни уюштириш, ўтказиш осон бўлмаган, албатта.

Манбаларга кўра, Амир Темур ва Темурийлар даврида маъракаларда ҳар бир гуруҳ ўзича мустақил ўйнаган бўлса, байрамларда барча гуруҳлар, ижрочилар биргаликда қатнашган.

Амир Темур базмлари, тўйлари, байрамларига оид дастлабки маълумот 1360 йилга тегишли. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибқирон Мовароуннаҳрдан Баён Сулдузни қувишда ёрдамлашган Амир Ҳизр Ясаурий шарафига Шаҳрисабзнинг Улуғ Майдон манзилида катта зиёфат ва базм беради (1).

Манбаларда шундан эътиборан қарийб ҳар йили бир неча бор уюштирилган тўй ва байрам, базм ва сайиллар тўғрисида маълумотлар учрайди. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз.

Амир Темур 1363 йилда Ҳусайн билан Шаҳрисабзда қурултой тузиб, Амир Ҳусайн шарафига тўй беради (2). 1367 йилда эса душманлик йўлига ўтган Ҳусайн билан ярашиб, шу муносабат билан «бир неча кун узлуксиз тўй бериб, ўйин-қулгу ва хурсандчилик қиладилар» (3).

1388 йили Самарқандда Амир Темур ўғиллари Умаршайх, Шохрух, неваралари Муҳаммад Султон ва Пир Муҳаммадни уйлантириш муносабати билан Боғи Биҳишда, 1392 йил баҳорида Рустам, Абу Бакр исмли невараларини уйлантириш муносабати билан Кониғилда катта тўй берган (4).

1391 йили Амир Темур Олтин Ўрда яқинидаги Қундузча деган жойда Тўхтамишни енганлигини бир ой оммавий байрам сифатида нишонлашга фармон беради. «Зиёфатларда ноз-неъматлар олтин идишларда, олтин жомларда шароб тортилди», махсус мусиқалар янгради. Бу воқеа Самарқандда ҳам байрам қилинади (5).

Самарқандда Сирожиддин Самарқандий, Бадахший ва бошқа шоирлар ижод этишиди. Улуғбек ёшлигида Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги шеърларни Шарқда машҳур бўлган достоннинг ижодкори Жубек оғзидан, қасидаларни туркий тилда битувчи Саккокийнинг уз оғзидан эшитиши мумкин эди. Улуғбекнинг ўзи ҳам шеърят билан кизиқиб, шеърлар битар ва у ёки бу Шарқ шоирининг ижоди ҳақида қизгин мунозара қиларди.

Н. И. Леонов

лари ва томошалари турли тоифа кишиларни, ижрочи ва томошабинларни бирлаштириб, ўзига хос тенглик ва ҳуррият оламини яратган.

Энг катта тўй ва байрамлар Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳиротда ўтказилган, уларда



1393 йилда Амир Темур Ҳамадон вилоятида кўкаламзорда боргоҳ, саропарда қурдириб, «комкорлик ва қудрат авжида айшу ишрат ва шодлик билан машғул бўлади. Сароймулк хоним ва Туман оқа подшоҳона тўйлар берадилар. Хушовоз ва ёқимли кўшиқ-оҳанглар билан халқнинг кўнглини оладилар» (6).

1395 йил. Ширвон малики Шайх Иброҳим Элбурз тоғидаги жангларда мардлик кўрсатгани учун унинг шарафига тўй берилади, тўққиз-тўққизлар тортиқ қилинади (7).

Соҳибқирон 1396 йил 6 июнда Ҳамадон вилоятида Ийд байрамини ўтказишни буюради. Бир ой байрам қилгач, Самарқандга қайтишга қарор қилади. Амударёдан ўтиб, Хузорга келади. У ерда Сароймулк хоним, амирозода Шохрух, оқолар билан учрашади. Ҳаммалари шаҳри Кешга йўл оладилар. Низомиддин Шомий ёзади: «Соҳибқирон бир қанча кун Кеш вилоятида Оқсаройда турди, тўйлар қилдилар, айшу ишрат додини бердилар, шодлик ва хурсандчилик билан кун ўтказдилар» (8).

1396 йили сафардан қайтган Амир Темурни кутиб олиш учун Шахрисабз ва Самарқанд шаҳарлари безатилган, кўшк ва чортоқлар қурилган, уларда санъат аҳли ўз маҳоратини намойиш этган. «Самарқанд аҳли, — деб ёзади Али Яздий, — бағрини ўйин-кулги ва шодликка очиб, шаҳарни безаш ва ҳар ёнда ажойиб кўшклар ва чортоқлар қуришга киришди, уларга хушхон хофизларни жойлаштирди» (9).

1403 йил. Амир Темурнинг Йилдириш Боязид устидан ғалаба қозониши муносабати билан Анқарадан олти манзил нари Сури деган жойда, сўнгра Кўтоҳия деган жойда байрам уюштирилади. Байраму базмларда «хушовоз чангчилар, пардасоз камонча чолувчилар, ой юзли соқийлар, ... шодлик таратувчи муғаннийлар хизматда бўлишган. Базмлардан бирида асирга тушган Боязид ҳам қатнашган. «Амир Соҳибқирон, — деб ёзади Низомиддин Шомий, — унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, умиди чўнтагини омонлик нақдинаси билан тўлдирди. Унга май косасини лиммо-лим тутдилар ва яна янги суюрғоллар билан фахрланиш бошини осмонга етказдилар» (10).

Афсуски, манбаларда томошалар тафсилоти берилмаган. Хос базмларда мақом куйлари чалинган, бу куйларга раққос ва раққосалар хиром этган, масҳара ва муқаллидлар қулдирган, байрамларда катта майдонлар ва маъракаларга ярашиқли томошалар кўрсатилган бўлиши керак.

Кониғилда тўй. Кониғил Самарқанд яқинидаги хушхаво, атрофи боғу роғларга бурканган ажиб бир сайилгоҳ бўлиб, умумхалқ ва давлат байрамларининг деярли барчаси ўша жойда ўтказилган.

1404 йили Амир Темур Самарқандда бешта неварасини, жумладан Мирзо Улуғбекни ҳам уйлантирди. Шу муносабат билан Самарқанд ва унинг атрофларидаги олий қасрлар ва майдонларда байрам ва сайиллар уюштирилиб, уларда хилма-хил томошалар намойиш этилди. Энг катта байрам Кониғил ўланида ўтди. Бу тўғрида Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо завқ-шавқ билан ёзганлар.

Бутун Самарқанд аҳолиси, лашкарлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, элчилар, савдогарлар, энг сара санъаткорлар Кониғилда жам бўлишган. Ўртада шаҳаншоҳ учун бир қанча чодир ва ўтовлар тикилган, бошқалар ҳам мансаблари ва наслу насабларига қараб унинг атрофида ўрнашган. Базмга мўлжалланган қирқ устунли олий, ҳашаматли чодир ва бошқа махсус жойлар ҳам бўлган.

Ибн Арабшоҳ шундай хикоя қилади: «Ҳар бир хунардан ўз хунарига боғлиқ нарсада жидду жаҳд кўрсатди, ҳар бир санъат аҳли ўз санъатига мансуб нарсада имконидан ҳам ошириб хунарини кўрсатдики, хатто бир бўйрачи (қамишдан) мукамал қурол-яроқли бир отликни ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, хатто тирноқларию киприкларини, ёй, қилич ва бошқа тааллуқли нарсаларнинг (ҳаммасини) дақиқ усулида камолига етказиб ясади... Пахта титувчилар пахтадан тиклиги ярашган, баланд, пишиқ ишланган, гўзал суратли нафис ва чиройли мезана ясадилар... Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, ёй ясовчилар ва бошқа тоифа хунардандлар, мусиқа, ҳазил-мутойиба ва латифалар соҳиблари ҳам ўз хунару санъатларини намоен қилдилар...

Халойикка турли-туман ўйин-кулги ва лаззатлардан баҳраманд бўлиб, истифода қилиш тизгини бўшатиб юборилди... Шаҳар аҳли (гўё) бекиниб ётган кийиклар эдию (энди) улар бемалол уяларида керилиб ётган шерларга айланди. Улар... ўйин-кулги жаннатига тушдилар. (Улардаги) мавжуд ғализлик ва дағаллик латофат ва зарофат билан алмашди...

Агар шу ерда бўлсанг эди, фақат чалинаётган уд созини, сузилиб узатилаётган қадаҳни, қуйлаётган ашуланини, соқийлик қилаётган жорияни, юриб шароб тутаетган





соқияни, хушбўй гул юзлини, гул юзли маъшукани ..., киши ганимат биладиган маишат фурсатлари ёки холи ҳақида нашида этиб, тараннум қилаётган лисонни кўрардинг» (11).

Ибн Арабшоҳ таърифида баъзан киноя ва қочиримлар сезилиб турса-да, аммо у бари бир Конибилдаги бу катта тўю тантаналарга нарх-наво арзонлиги, орзу-хавас ушалиши, замон мўътадиллиги, султон одиллиги, тани-бадан сиҳатлиги, вақти чоғлиқ, нафрат кўтарилиши, матлубга етишиш, махбубга висоллик ҳосил бўлди, деб баҳо бергач, бундай хашамат, улувворлик, дабдаба қадим ўтган халифаларнинг ҳеч бирига, ҳатто ал-Маъмунга ҳам насиб этмаган, деб яқун ясади (12).

Шарафуддин Али Яздийнинг Конибилдаги тантаналар, намойишлар, байрамлар ҳақидаги таъриф у тавсифлари ҳам қизиқарли. У хар тоифа хунармандлар томонидан қурилган мезана, равоқ ва кўшклар, уларда кўрсатилган томошалар тўғрисида бошқаларга қараганда тўлароқ маълумот беради.

Сўз, аввало, заргарлар маҳорати хусусида боради. Улар кўшкларни нодир тошларнинг шодалари билан беаган. Узук, зирак, билагузук ва бошқа тақинчоқлардан бу кекса дунё келинчакка ўхшайди. Дуру гавҳарлар билан безатилган шоҳ кулоҳини айтмайсизми. Боринги, моҳир заргарлар Конибилни бамисоли тилла конига айлантиришган. Заргарлар рақс усталарини келин-куёвлардай ясантириб, ўйинга туширган бўлсалар ажаб эмас.

Базозлар шоҳи ва адасдан баланд кўшк қурганлар. Афтидан, кўшк икки, балки уч ошёнлик бўлиб, уларда тўшалган ипак гиламларда гўзаллар жойлашган, созандалар соз чалган, хофизлар куйлаган. Улар ўз наволари билан Зухро юлдузини ҳаяжонга солдилар.

Қассоблар билан мўйнадўзлар тайёрлаган мезаналарда ниқобдорлар театрининг бутун бир томошалари намойиш қилинган. Али Яздий қассоблар қасабаси филоф ва ниқоблардан фойдаланиб, уй ҳайвонларидан қўй ва эчкилар, қўлга ўргатилган филлар қиёфаларига кирган, шу қиёфаларда муайян томоша кўрсатган, деб ёзади. Бунда одат тусида бўлган тарихий бир афсона акс эттирилган. Тахминимизча, бу Рустам тимсолига айланган қуёш маъбуди Митра билан боғлиқ сахнавий афсонадир. Фил, қўй, айниқса, олтин шоҳли эчкиларнинг тимсоллари шунга ишора. Шубҳасиз, бунда қассоблар қасабаси номидан малакали ўйинчилар қатнашган. Али Яздий бежиз

ижрочиларни киши қалби ва ақлини ўғирловчи париларга ўхшатмаган.

Мўйнадўзлар ҳам шунга яқин томоша кўрсатишган.

Арқон эшувчилар ёғоч, қамиш, арқон ва палослардан бир қанча туя ясаганлар, уларнинг ичига яшириниб олган одамлар ўз маҳоратларини намойиш этишган.

Пахта тозаловчилар пахтадан патли ва қанотли қушлар, пахтаю қамишдан осмон ўпар минора ясаб, минора тепасига лайлак ўрнатишган.

Чармгарлар туя ва унга ўрнатилган тахтиравон ясаганлар. Тахтиравонга чакқонликда, гўзал ва ёрқин ҳаракатларда бири-бирдан қолишмайдиган икки ой юзли, офатижон раққос ўтириб олган.

Хуллас, барча қасабалар ўз кўшк, мезана ёки чортоқларини қуриб, уларни ўз меҳнат маҳсулоти билан беаганлар. Муқим ёки ҳаракатланувчи хар бир қурилмада порлоқ чехра хонандалар, созандалар, ўйинчилар тўлиб-тошган бўлиб, уларнинг ранг-баранг наволари, усуллари, тимсоллари, ўйинлари, ҳумор ва жоду кўзлари, писта даҳанларидан сочилган шакар сўзлари — ҳаммаси ҳайратга солади. Шарафуддин Али Яздий бундай кўшк, мезана ва чортоқлар сонини 104 та деб кўрсатади. Бу минглаб санъаткорлар ва хунармандлар қатнашган, деган сўз.

Кўшк, мезана ва чортоқларнинг орқа томонида расталар бўлиб, уларда ҳам юзлаб карнайчи ва сурнайчи, афсунгар ва найрангбозлар, муқаллид ва масҳарабозлар, дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этганлар. Шарафуддин Али Яздий уларни бозингар (ўйинчи) деб атайди. Унинг тасвирлашича, дор жуда баланд тикилган бўлиб, нақд кўк тоқига тегиб тураркан: дорбоз ойга эмас, қуёшга ўхшар экан. У дорга енгил ва чакқон чиқиб, шундай ўйинлар кўрсатибдики, одамлар ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, ҳайратланиб томоша қилибдилар. Клавиҳонинг ёзишича, дор шоҳ чодирини рўпарасидаги майдонда ўрнатилган экан (13).

Бундан ташқари, махсус майдонларда кураш, чавандозлик ва фил ўйинлари ҳам кўрсатилган. Бу тўғрида ҳам Клавиҳо маълумотлари инobatли.

Клавиҳо ўйинчи филларга дастлаб Боғи Дилқушода дуч келган. Сайлда эса Клавиҳо биратўла 14 та филни кўрган. У ёзади: «Шоҳнинг 14 та фили бўлиб, уларнинг устида ёғоч айвончалар бор эди. Шоҳи пардалар билан ўралган хар бир айвончанинг устига тўрттадан сариқ ва яшил байроқ ти-

килган. ҳар бир айвончада беш-олтитадан одам, шунингдек, ҳар қайси фил гарданида сим қамчин ушлаган яна бир киши бўлиб, филни югуриб ҳар хил ўйинлар кўрсатишга мажбур этарди...» (14). Шубҳа йўқки, филлар устидаги кажаваларда ўрнашган кишилар созанда, хонанда, ўйинчилар бўлиб, томоша кўрсатишган. Филларнинг ўзлари ўйнаганда улар пастга тушиб турган бўлсалар керак.

Булардан ташқари, Амир Темурнинг катта кўшида Сароймулк хоним, Хонзода бегим, шаҳзодаларнинг саропардаларида ҳам маҳсус томошасоз гуруҳлар иш қўрган.

Маданиятларнинг ўзаро таъсири.

Амир Темур турли мамлакатлар маданиятида бўлган ҳар қандай нодир, гўзал, ажойиб нарсадан фойдаланиш чорасини излаб топарди. Ўрта ва Яқин Шарқдаги кўзга қўринган санъаткорлар, ҳунармандлар, олиму фозилларнинг Самарқандда тўпланиши шундан.

Байрам, тўй ва базмларда турли элат ва насабларга тааллуқли минглаб малакали ва ҳаваскор ижрочилар қатнашган. Конибилда ўтказилган умумхалқ байрамига ўз китобидан бутун бир бобни ажратган Ҳофизи Аbru мана шу минглаб санъатчиларнинг турли иқлим, турли мамлакатлардан келган ҳунармандлар сингари ўз жойларининг одати бўйича ҳар хил кийинганлари, санъатда ҳам ўзларига хос куй ва усуллари билан намоеън бўлганлари ҳақида гувоҳлик беради.

Афтидан, хорижий санъаткорлар Ҳофизи Аbru санаб ўтган Хитой, Олтой, чекка Мағриб (Марокаш), Миср, Фаранг (Фарбий Европа) ва Ҳиндистон мамлакатларидан таъриф буюрган элчилар билан бирга келишган ва улуг байрамда иштирок этиш шарафига мўяссар бўлишган (15). Уларнинг орасида араб ва ҳинд рақс усталари, Чин-Мочиннинг мохир циркчилари, мўғул, олтой ва қалмоқ чавандозлари, эронлик ҳофизлар, турли юртлардан келган масҳара ва муқаллидлар ҳам бўлганлиги шубҳасиздир. Зеро, Амир Темур хорижий санъаткорларнинг Мовароуннаҳрда муттасил бўлиб, маҳаллий ҳамкасблари билан алоқаларини мустаҳкамлашига монелик қилмаган, аксинча, узоқ ва яқиндан келган санъаткорларга шароит яратиб берган. Бугина эмас. Мовароуннаҳр ва Фарғона томошасозлари ҳам Буюк Ипак йўлидаги қарвонларга қўшилиб, ўз санъатларини ўзга юртларда намойиш этганлар.

Санъаткорлар орасида аёл созанда, хонанда, раққоса ва қиссагўйлар ҳам бўлган. Улар эрақлар билан бир қаторда байрамларда, намойишларда, маросимларда қатнашганлар.

Ижодий алоқалар, турли бадиий маданиятларнинг ўзаро таъсири мусиқа ва томоша санъатлари ривожидан ижобий натижалар берди. Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона томоша маданиятида туркий тилли аҳолининг хизмати сезиларли бўла борди.

Тўдалар ва ижрочилар. Амир Темур мақом қўйларини тинглашни, муайян маъноли ва тарбия қувватига эга бўлган томошаларни хуш қўрган. Санъат асарлари, томоша ва байрамлар аҳолини, халқларни бирлаштиришини истаган. Соҳибқироннинг Самарқанддаги Ўрдасида ҳам, аскарлар орасида ҳам созанда, хонанда, рақс усталарининг 7—9 кишидан иборат тўдалардан бирини замонасининг буюк созанда ва бастакори Хожа Абдулқодир Мароғий бошқарган. Тўдада Қутб ал-Мовсилий, Мавлоно Мухаммад Кохий, Ардашер Чангий, Абдулмўмин гўянда, Абдулқодирнинг ўғли — Сафиуддин ва куёви Насрийн ва бошқалар бўлган (16). Дехлида босилган «Темурнома» мураккасидаги миниатюрада айнан шу тўда тасвирланган бўлса керак: турли чолгуларда ўйнаётган 4 нафар созанда, қолганлари ашулачи ва ўйинчилардир.

Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг қиссахонларни хуш қўрганини шундай таърифлайди: «Темур тарих китоблари — анбиёлар қиссаларини, аввал ўтган подшолар сийратлари ва қадим салафлар ҳақидаги хикоятларни доимо — сафарда бўлганида ҳам, қадарда (бир жойда муқим) турганида ҳам ўқитиб, қунт билан тинглади эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу хикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқирилиши, улар нағмаларининг ўз қулоғига муттасил чалиниши натижасида Темур ушбу хикоятлар жиловини қўлга олиб, батамом ўзлаштириб олган эди. Бу хол шу даражага бориб етгандики, агар ўқиётган қиссахон бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб савоб (тўғри) йўлга солар эди» (17).

Амир Темурнинг қадрдон қиссахони Мавлоно Убайд деган киши бўлган. Йўлида дуч келган бошқа қиссахон, воиз, муҳаддисларни тинглашни, доно ва мута-



Амир Темур ҳукмронлиги, шак-шубҳасиз, Оксининг нариги томонидаги мўъжаз ер учун ажойиб даврни ташкил этди ва туркий халққа шундай куйи ато этдики, унинг нурларидан бугунги кунда ҳам кўнлаб қабилалар баҳраманд бўлмоқдалар.

Г. Вамбери



факкир кишилар суҳбатида бўлишни одат қилган. Аввал айтиб ўтилганидек, 1400 йилда Дамашқда бўлганида, Мисрдан келган араб шоҳлари тарихи билимдони Ибн Халдун хикояларини тинглаган.

Қиссахонлар таъсирли овоз ва жозибали кифогага эга бўлиб, тингловчи-томошабинларга кучли таъсир кўрсатганлар. Амир Темурнинг уларни кадрлаши шундан. «Темур тузуклари»да қиссахонлар саййидлар ва олимлар қаторига қўйилган.

Манбаларга қараганда, Амир Темур томоша санъатлари ичида рақсга алоҳида эътибор берган. Буни Соҳибқирон ҳузурида ўтган базм, тўю томошаларда раққос ва раққосаларнинг фаол иштирок этишидангина эмас, завққа тўлган, илҳоми жўш урган пайтларда шахсан ўзи ҳам тўлиб-тошиб ўйнашидан билиб оламиз. Шундай бир лавҳа муаррих Ибн Арабшоҳ томонидан қайд этилади:

«Чанг, уд, урғун, гижжак, най наволари янграб, ашула авж олиб, раққосалар ўйинга тушиб, ниҳоят ўйин-кулги, хурсандчилик Амир Темурни тўлқинлантириб, шод-хуррамлигу мағрурлик уни қулғутди. У мадақдордан ёрдам сўраб... тик тургач, кексалигига қарамай, ўртада тебрана-тебрана рақсга тушди...

Шунда... Амир Темур бошидан жавохирлар, марваридлар, кумуш ва тиллолар, турли-туман нафис, қимматбаҳо ашёлар сочдилар... Жамоат тарқамагунча Амир Темур шу аҳволда давом этди» (18).

Темурийлар даврида байрам ва томошалар. Амир Темур ҳаётлигида расм бўлган байрам, сайил, намойиш ва томошалар унинг вафотидан кейин ҳам давом этган. Негаки, аксар Темурий шоҳлар Соҳибқирон расм-русумлари ва одатларига содиқ қолишган. Чунончи, Хиротда 1412 йилда Шохрух ва 1469 йилда Хусайн Бойқаро томонидан, 1462 йили Самарқандда Абу Саъид Мирзо томонидан катта байрам ва томошалар уюштирилган. Умуман, истеъдодли, хунарманд кишиларни кадрлаш, ўзга юртлардан келадиган санъаткорларни яхши қабул қилиб, уларга шароит яратиб бериш,

ижодий изланишлар, янгиликларга кенг йўл очиш бутун Темурийлар ҳукмронлиги давомида анъанага айланган. Тахтга ўтирган аксар Темурий подшо-

лар ва темурийзодалар Соҳибқирон Амир Темур тамойиллари ва одатларини ўзлаштириб, унинг йўлида рағбат кўрсатганлар, лекин маишатга, ўйин-кулгига ортиқ берилмаганлар. Шулардан бири Шохрухдир. Ҳазрат Алишер Навоий «Ҳоқони саъид Шохрух Мирзоким, авлод ва амжод орасида Соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди» деб ёзади (19).

Аксар темурийларнинг Куръон тиловат қилувчи ўз ҳофизлари, Ҳадис айтувчи муҳаддислари, ҳикоя ва қисса сўзловчи қиссахонлари, ваъз айтувчи воизлари, севимли ва ардоқли созандалари, хонандалари, рақс ва кулги усталари бўлган.

XV асрнинг биринчи ярмида Шохрух ва унинг ўғли Улуғбекнинг оқилона ҳукмронлиги туфайли шаҳар маданияти янада ривожланиб, шеърят, мусиқа, тасвирий санъат, хунармандчилик тараккий топди. Кулги усталари — масҳара ва муқаллидлар, раққослар, қовурчоқчилар, афсунгар ва кўзбоғловчи шўъбадабозлар, ромчилар ва бошқалар қасабаларга уюшдилар.

Самарқанддаги Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Майдон, шунингдек, Кониғил ўланида Мовароуннахрнинг энг сара созандалари ва ўйинчилари иштирокида муттасил қабул маросимлари ва байрамлар ўтказиб турилган.

Мирзо Улуғбек анъанавий Наврўз ва Меҳржон байрамлари яхши ўтишини таъминлаб, рағбатлантириб турган. Шунинг учун ҳам ўша даврнинг таниқли шоири Саккокий ўзининг Улуғбекка атаб ёзган қасидаларидан бирида бутун бир бобни Наврўзга бағишлайди. Унда, жумладан, шундай мисралар бор:

*Гулистон аҳлини бу кун эрур ҳам ийди
Наврўз,
Улар гул сочдилар, ман ҳам кетурдим хуш
бу ҳалвони.
Ёхуд гул васлаларидин тикиб бир хилъати
зебо,
Бу мажлисга кетурмакка тиладим асли
волони (20).*

Хондамирнинг маълумотига қараганда, илм олиш ва санъат соҳаларида аёлларнинг эркаклар билан тенглигини эълон қилган Мирзо Улуғбек фақат саройда эмас, бошқа жойларда ҳам хотин-кизлар орасидан етишиб чиққан созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, бирга ашула айтишларига, ўйин-кулги қилишларига йўл берган.

XV аср ўрталарида, Шохрух вафотидан кейин кучайган ўзаро низолар, тахт тала-

Амир Темур мусулмон мамлакатларидаги мавжуд хилма-хил санъат ва хунармандлик таъсирида бўлди. У айрим уста ва хунармандларни оиласи билан бирга Марказий Осиё шаҳарларида жойлаштириш учун танларди. Уста ва хунармандлар, уламолар сингари, ўтмишдан ҳозирга ўттида сиёсий тунтарувни бошидан кечирган шаҳар ҳаётига жилва бахш эта оладиган кишилар эди.

Саид Жамолiddин

ижодий изланишлар, янгиликларга кенг йўл очиш бутун Темурийлар ҳукмронлиги давомида анъанага айланган.

Тахтга ўтирган аксар Темурий подшо-



шув оқибатида томоша санъати, айникса, оммавий байрамларга путур етди. Султон Абу Саъид ва унинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида бир оз жонланиш рўй берди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг гувоҳлик беришича, Султон Абу Саъиднинг ўғиллари Султон Аҳмад ва Умаршайх майдон томошалари ва беллашувларни ёктиришган. Султон Абу Саъиднинг учинчи ўғли Султон Маҳмуднинг масхаралар тўдаси ҳам бўлган. «Бобурнома»да ўқиймиз: «ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шанъ ҳаракатлар килурлар эди» (21).

XV асрнинг иккинчи ярми — XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда санъат, жумладан, сахнавий томоша турларининг ривожига Темурийлардан, хусусан, Ҳусайн Бойқаро билан Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳиссаси катта бўлган.

Маълумки, Ҳусайн Бойқаро Хуросонда 37 йил (1469—1506) ҳукмронлик қилиб, хунар, адабиёт ва санъатнинг кенг ривожланиши учун шароит яратди, туркий (ўзбек) тилини давлат тили деб эълон қилди, шахсан ўзи дўсти Алишер Навоий каби туркийда ғазаллар битиб, девон тузди. Манбаларда келтирилишича, Ҳусайн Бойқаро даврида мингга яқин ижодкор фаолият кўрсатган, мақомхонлик, рақс, қиссахонлик, воизлик, масхара, тақлид, майдон томошалари яхши ривожланган.

Айнан шу даврда Амир Темур замонидаёқ шакллана бошлаган томоша санъати тизими ниҳоясига етди.

Рақс санъати. Бу даврда мусиқа ва унинг таркибий қисмлари бўлмиш чолғу, ашула, бастакорлик, мусиқа тарихи ва назариясига оид йўналишлар яхши ривожланди. Шу билан боғлиқ рақс санъати, айникса, эркаклар ижро этадиган рақслар тараққий этди. Рақслар чолғучилар дастаси куйларига, баъзан доира усулига ижро этилган.

Ҳусайн Бойқаро амирларидан бўлмиш буюк раққос Саййид Бадр созанда ва хонандалар жўрлигида рақсга тушган. «Саййид Бадр бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши эди, — деб ёзади Бобур. — Ажаб соҳиб усул киши эди. Ғариб ҳўб рақс килур эди» (22). Саййид Бадр мавжуд рақсларни ўзлаштириш билан чекланмаган, балки рақсларини ўзи ижод қилган. Бобурнинг «Қайри муққаррар рақс килур эди, ғолибо, ул рақс анинг ихтироидур» деган гапи шуни билдиради (23).

Бобур 1506 йили Ҳиротда 20 кун меҳмон бўлиб тураркан, Музаффар Мирзо хузурида Саййид Бадр рақсини ўз кўзи билан кўрган ва унинг чинакам ижодкорлигига тан берган.

Саййид Бадрга Жалолиддин Маҳмуд найчи, Шоди чангчи, Ҳожи хофиз, Миржон хофиз жўр бўлиб туришган. Базмда Катта Моҳ ва Кичик Моҳ деган раққослар, муқаллидлар ҳам қатнашган.

Бобур шарафига берилган базмлардан бирида Ҳиротда унга ҳамроҳ бўлиб юрган Юсуф Али Кўкалдош ҳам ўйнаган. «Соҳиб усул киши эди, яхши рақс қилди», — деб ёзади Бобур бу хусусда (24).

Мақсудали, Моҳчучук деган рақс усталари тўғрисида ҳам маълумот сақланган. Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Мақсудали Миржон хофиз бошчилигидаги тўққиз кишилик тўда билан Ҳиротдан йўлга чиқиб, Термиз, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухорода томошалар кўрсатган. Созандалар таркибига қараганда (уд, қонун, чанг, вижжак, най), Мақсудали асосан мақом куйларига ўйнаган.

Тўдада биргина Миржон хофизнинг ўзи хонанда, қолганлар — чолғучилар. Бу ҳам тўданинг Мақсудали раққосга хизмат қилишига мўлжалланганини кўрсатади. Миржон хофиз ўз хонишлари билан Мақсудалини мадҳ этган, чолғучилар жўр бўлишган. Мақсудалининг рақслари тўда дастурининг негизини ташкил этган (25).

XV асрнинг иккинчи ярми — XVI аср бошида суфий тариқатлари орасида зикри самоъ кенг ёйилган. Созанда, хонанда, ўйинчиларнинг баъзилари мутасаввиф бўлишган, асосан нақшбандия тариқатига эргашиб, зикри самоъ қилиб туришган.

Зикри самоъ Камолиддин Бехзоднинг «Дарвишлар рақси» мўъжаз расми ва бошқа шу каби миниатюраларида ўз аксини топган.

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида анъанавий театрнинг қиссағўйлик, воизлик, маддоҳлик каби турлари яхши ривожланган. Таъсирчанлиги, романтик руҳи билан улар зикри самога яқин. Аммо улар тор доирага эмас, кўпчилик томошабинларга мўлжалланган.

Кулги театри. XV асрнинг биринчи ярми — XVI аср бошидаги анъанавий кулги театри ҳам эътиборлидир. Бунда масхаралар, муқаллидлар ҳамда бадихагўйлик билан сўз ва шеър тўқиб завқ бағишловчи зарифлар кенг фаолият кўрсатишган.





Масхаралар 4—5 киши бўлиб тўй ва байрамларда хизмат қилишган. Улар махсус либос, қалпоқ, никоб, ясама соқол кабилардан фойдаланиб, жамият ҳаёти ва одамлар хулқ-атворидаги нуқсонлар устидан қулишган. Улар орасида ўз чиқишларида беъмани сўз ва хатти-ҳаракатлар ишлатувчилар, кимгадир ёқиш учун бировни калака қилувчилар ҳам бўлган, албатта.

Алишер Навоий «Хайратул-аброр» дostonида шундайларни ҳажв қилади:

*Харза эрур чунки мушаъбид сўзи,
Ўз тилини, кўрки, кесар ҳам ўзи.
Улки соқол боғлабон эл кулдирур,
Кулгу соқолига ўзи келтирур.
Қилмоқ учун кўзга фузун кўркини,
Бошига маймун чу қўяр бўркини.
Кулгу учун келса улус қошига,
Кулмас улус ёлғиз онинг бошига.
Масхараким кулгу учун бож ер,
Бир дирам олгунча ики кож ер.
Шаклда чун масхараваши булъажаб,
Дафъ бўлур келса ҳаёву адаб (26).*

Бу даврда виёс масхара машҳур бўлган. У Хусайн Бойқаро, Бобур мажлисларида қатнашган. Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида уни меҳр билан эслайди.

Масхаралар кўпроқ маърака ва майдонларда чиқишган бўлса, муқаллидлар ўз кийимларида кичик йиғинларда кўпроқ сўз ва юз-кўз ифодалари билан ҳайвонот, қуш ва одамлар тақлидини қилиб кулдиришган. Бу соҳада Абдулло Девона, Хожа Дехдор, Амир Низом муқаллид, Мир Муртоз (Вали Шалойин) машҳур бўлишган.

Ковурчоқ ўйин. Бу даврда коворчоқ ўйин кенг расм бўлган. Бу ўйин кўғирчоқларни қўлга кийиб, иплар воситасида ва фонусларга (балки матоларга ҳам) суратлари туширилиб ўйнатиладиган томошалардан ташкил топган. Улар «чодир жамол», «чодир хаёл» ва «фонус хаёл» деб юритилган. Шундан, айникса, қўлга кийиб ўйнатиладиган «чодир жамол» тури ҳаётий воқеаларни ёритиши, қаҳрамонларнинг халқчиллиги, ижро этишда қулайлиги билан Мовароуннаҳр ва Хуросонда оддий кишилар орасида кенг шухрат топган.

Ковурчоқчиларнинг томошалари тўғрисида Алишер Навоийнинг «Хамса»сида ва Хусайн Воиз Кошифий рисоласида қизиқарли маълумотлар сақланган.

Хусайн Воиз Кошифий коворчоқ ўйини томоша санъатлари сирасига киритиб,

унинг асосий турларига, томоша мазмуни, ижро услубига таъриф-таъсиф беради. Чодир жамол томошаси хусусида шундай дейди: «Бир лаҳв (ўйинчи) хангомасида ҳозир бўлдим, бошига чодир тортиб ва ундан икки сурат (кўғирчоқ) кўрсатиб ўтирган кимсани кўрдим. У гоҳи эркак овози билан бир сурат тилида савол беради, гоҳи бошқа сурат тилида қизнинг ингичка ва нозик овози билан жавоб беради.

Ҳолатини ўзгартирмасдан сўзларни чунон айтирдики, (икки суратнинг) ҳар хил овозда айтилган савол ва жавобларини (бемалол) эшитиш (ва англаш) мумкин эди... Бу ҳаммаси чодир ичидаги кишининг қавлу феъли (сўзи ва ҳаракати) эдики, мен бундан таажжубландим» (27).

Халқ цирки. Ниҳоят, бу даврда ҳозирги «халқ цирки» атамасига тўғри келадиган ранг-баранг томошалар ҳам кўп бўлган.

Айникса, дор ўйинининг эътибори баланд бўлиб, ҳеч бир байрам усиз ўтмаган. Аслзодалар ҳам, халқ ҳам дорбозликни мардлик ва поклик намунаси деб билиб, унга эътиқод қўйган. Дор катта майдонларда, бозор жойларида тикилиб, минглаб одамларни тўплаган, томошабинларда матонат, ҳиммат, меҳр-мурувват туйғуларини уйғотган. Дор ўйинлари тасаввуф руҳидаги байтлар, қизиқарли таърифлар ва яхши тиллақлар билан олиб борилган.

Дор устида, чинириқларда дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этсалар, дор тагида шўъбадабозлар, олов пурковчилар, ханжар ютувчилар, коса ва ликопча ўйнатувчилар, ёғочот ва ёғочоёқ ижрочилари, муаллақчилар, чамбардан сакровчилар, бесуяқлар ўйин кўрсатганлар. Ижрочилар алоҳида-алоҳида мустақил томошалар ҳам кўрсатган, албатта. Чунончи, мушаъбидлар, олов ўйинчилар, ханжар ютувчилар алоҳида, муаллақчилар, коса ва ликопча ўйнатувчилар, ёғочот ва ёғочоёқчилар алоҳида маърака тутганлар.

Уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушларни ўйнатувчилар ҳам ўз ҳолларича, мустақил томошалар беришган. Бу даврда Ҳиротда фаолият кўрсатган Бобо Жамол, масалан, бир ўзи шатранжбоз маймунни, «ўғри»ни топиб берувчи кўк эчкини, Чамандар исмли эшакни, сепоя устига чиқиб наъма кўрсатувчи туяни, отилган тангаларни ҳавода илиб олувчи қушни гапга солиб, турли мураккаб топшириқларни бажартириб маърақани қизитган.

Шунингдек, майдонларда, тўйхоналарда, сайилгоҳларда сурнай чалиб илон ўйна-



тувчилар, «Ҳазил китоби»да ҳар хил суратлар иайдо қилувчи ҳамда шишадан ва тунукадан ясалган ҳар хил идишлар ёрдамида йўқ нарсаларни пайдо, бор нарсаларни ғойиб қилувчи қўз боғловчилар, одамларни турли ҳолатларда қотириб қўювчи, маълум топшириқларни бажартирувчи афсунгарлар, мис косачалар остидаги соққаларни ўта чаққонлик билан биридан бирига ўткази олувчи ҳуққабозларни қўплаб учратиш мумкин эди.

Булардан ташқари, чавандозликдан ажралиб чиққан от ўйин, куч синови мусобақаси сифатида пайдо бўлиб, сўнг соф томошага айланган зўргарлик ҳам танилган бўлиб, санъат даражасига кўтарилган. Чунки уларда чаваидоз ва пахлавон шунчаки мусобақада қатнашувчи киши эмас, балки ўз қадди-қомати, кучи, мохирлигини кўз-кўз қилувчи артистдир.

Муסיқа ва томоша санъатлари ривожига Темурийлардан Захириддин Мухаммад Бобур ҳам муҳим хисса қўшган. Унинг атрофида Андижон, Самарқанд, Тошкент, Шахрисабз ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларидан етишиб чиққан олиму фозиллар, санъаткорлар кўп бўлган. Буни биз «Бобурнома»дан биламиз.

Шунга қўра, умри от устида, жангу жадалларда ўтган бўлса-да, Бобурнинг ҳар куни, ҳар қадами, ҳатто нотинч, уруш кезларида ҳам нафосат билан ҳамнафас кечганини кўрамиз. Қаерга бормасин, ўша жойни кўркам, обод қилишни ўйлаган. Майдон томошалари, турли беллашувларни қанча ёқтирса, нафис санъатларни ҳам шунча хуш кўрган. Унинг девони ва лашкарбошиларига ўзига хос санъатчилар тўдаси хизмат қилган. Мазкур дастада Рухдам, Бобожон Қанбузий, Қосим Али, Юсуф Али Тарёкий, Тенгрикули, Абулқосим, Рамазон лўли бўлган. Булар асосан созанда, хонанда ва ўйинчилардир.

Ора-чора уларга муқаллид ва масхара-лар қўшилиб турган. Чунончи, Кобул яқинидаги Чинор боғидаги суҳбатда Ғиёс масхара ҳам қатнашган (28).

Шунингдек, Бобур Турди Мухаммад, Мулло Шамс, Мухаммад Паргорий, Гадойи Мухаммад деган кулги усталарининг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб турган.

«Бобурнома»да Хулхул энага деган аёл масхара ҳам тилга олинади. «Хулхул энага келиб, менга бисёр шалойинликлар қилди», — деб ёзади Бобур (29).

Бобур зарофатга, ҳазил-мутойибага ҳам эътибор берган. Ўз яқинлари билан қўпинча Андижон шеvasида ҳазил-мутойиба

қилиб турган. Шулардан бири Дарвиш Мухаммад сарбондир. Бобур уни «хослар таянчи, ихтисос эгаларининг зубдаси (сараси)» деб атади (30). Бундан ташқари, Бобур атрофида Мир Ғиёс, Вайс Лоғарий, Амир Айюб деган сўз усталари — зарифлар бўлган экан.

Ижрочилик савияси. Умуман, Амир Темур ва Темурийлар даврида томоша кўрсатувчи ижрочиларнинг савияси баланд, маҳорати юксак бўлган. Машхур, малакали ижрочиларнинг аксарияти саройларда хизмат қилишган, лекин улар ҳеч қачон аҳолидан ажралиб қолмаган. Улуғ байрамлар, катта тўю тантаналарда қатнашар экан, улар жамиятнинг барча табақаларига хизмат қилганлар.

Айнан шу даврда санъаткорларнинг дасталар, фирқаларга уюшуви кучаяди, ижрочиларнинг фаолиятини тартибга солувчи рисоалар ниҳоясига етади, шогирд тайёрлаш, уста-шогирд муносабатлари тизими қарор топади.

Байрам, сайил, тўй, маъракаларнинг тартиб-қоидалари, ахлоқий асослари амалий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам ишлаб чиқилган. Чунончи, Хусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарининг 6-бобини маърака маъноларига бағишлайди.

Унда ёзилишича, «маърака аслида жанггоҳдир, лекин кўчма маънода у — одамлар тўпланадиган ва ҳар хил шахслар ўртага чиқиб, қобиляти, ҳупарини намойиш этадиган мавзёдир» (31). Унда маърака тузувчи, унинг сўзлари, ҳаракатлари ҳамда шуларни қабул этадиган халойиқ бўлади. Бири «файз етказса», иккинчиси «файз олади». Бунинг учун маърака жойи кенг, баҳаво ва тоза бўлиши керак.

Маърака тузувчи маъракага покланиб, яхши ният билан кириши, одамларга ёқиш учун очиқ юзли, ширинсухан, сертабассум бўлиши, йиғилганлардан ҳиммат ва мадад тилаши, устозларни, ўша жойдан ўтган азиз-авлиёларни ёдга олиши, дуои фотиҳа ўқиб, ҳаммага яхшилик тилаб, ҳунарини кўрсатиши лозим. Ҳунарини намойиш қилаётганида сўзларни шундай бурро, раван ва маъноли айтсинки, «эшитувчиларнинг кўнгли роҳатлансин» (32). Умуман, маърака тутувчилар иймон-этиқодли, карамли, саховатли, сабрли,



Амир Темурнинг вориси, Улуғбекнинг отаси Шохрух Ҳиротни ўз пойтахти қилиб олди. Амир Темур сизгари у ҳам Ҳиротга кўплаб олимларни, айниқса тарихчиларни жалб этди. Ҳиротда поди қўл-ёзмаларнинг ажойиб кутубхонаси тўпланди.

Н. И. Леонов



халим, андишали, тавозеъли, хоксор бўлсинлар, деб ёзади Кошифий (33).

Хусайн Воиз Кошифий маърака тутувчиларни уч тоифага, яъни сўз аҳли, зўр аҳли ва ўйинчиларга ажратади ва ҳар тоифага алоҳида таъриф-тавсиф беради. Сўз аҳлига маддоҳлар ва ғазалхонларни, қиссагўй ва қиссасозларни, ҳатто мешкобчи, дорифуруш, газмолфурушларни ҳам киритади. Зўр аҳлига полвонлар, тошотарлар, гурзибонлар, зўргарлар, дорбозлар, ҳатто лой ташувчилар, ҳаммолларни ҳам қўшади. Томоша кўрсатувчи ўйин аҳли уч тоифа бўлади деб, косабозлар, қўғирчокбозлар ва соққабозларни кўрсатади.

Кошифий ўз асаридида барча ижрочиларни алоҳида тавсифлайди. Шундан курашга, масалан, илм билан боғланган куч, амалдаги илм, «одамлар кўп қизиқадиган ҳамда султонлар, шоҳларга макбул бўлган хунарлардир», деган таъриф берилади. Кураш икки турдан иборат деб кўрсатилади: биринчиси — қабз усули, яъни қўл ушлаб кураш тушиш, иккинчиси — изтирор, яъни эркин кураш.

Зўргарлар одам кўтариб, тош ва суяк синдириб, тош отиб, тегирмон тошини кўтариб, фил билан олишиб ўз куч ва маҳоратларини намойиш этганлар. Кошифий камондан ўқ узиш, сакраш ва ҳатто дорбозликни ҳам шу тоифага қўшади. Ҳақиқий зўргар куч-қувватга учмаслиги, нафс ҳавосидан воз кечиши лозим, дейди (34).

Ўйин ва томошалар тизими. Бу даврда сахнада инсон ва уни қуршаб турган воқелик ҳамда афсонавий-хаёлий дунёни тасвирлаш авж олган. Самарқанд ва Хиротда Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, зафарлари акс эттирилган деворий тасвирларни, Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб портретларини эшлаш кифоя.

Инсонни ва унинг ҳаётини мана шундай икки йўналишда — ҳам монументал, ҳам мўъжаз шаклларда ёритиш мусиқада, томоша санъатида ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўйин ва томошаларнинг бир қисми тор доираларга, маъракаларга мўлжалланса, бир қисми катта майдонларга, байрам ва сайилларга мўлжалланган.

Айнан шу даврда томоша санъатлари бутун бир тизим сифатида шаклланган. Унинг умумий таркиби театрлашган маросимлар, намойишлар, майдон томошалари, анъанавий театр, рақс санъати, халқ циркидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси яна, ўз навбатида, бир қатор тур ва туркумларга бўлинган.

Театрлашган маросимларга Наврўз ва Мехржон билан боғлиқ хилма-хил қизикарли, уюшган оммавий сайиллар, урф-одатларни, суннат тўйи ва уйланиш маросимларини, қизил гул байрамини, зардуштийлик билан боғлиқ баъзи сайиллар, ўйин ва томошаларни, шунингдек, келиб чиқishi хийла қадимий даврларга бориб тақалувчи зикри жаҳрия ва садр йиғинларини киритиш мумкин.

Бундай маросимларнинг аксарияти оммавий шаклларда бўлиб, юзлаб ижрочилар ва томошабинларни қамраган. Фақат зикр ва садрларгина сайланма кишилар қатнашадиган тор доирадаги йиғинлардир.

Театрлашган намойишларга, авваламбор, сувга бўлган эътиқоддан келиб чиққан «Сус хотин», «Хўббим» маросимларини, дарвеш ва қаландарларнинг махсус либосларда тўда-тўда бўлиб, байт ва қўшиқ айтиб юришларини, шунингдек, хунар ва санъатнинг биргаликдаги умумхалқ намойишларини киритса бўлади. Амир Темур ва темурийлар даврида зеб-зийнатларни, антиқа буюмларни, ажойиб ҳайвон ва паррандаларни махсус жойларда намойиш этиш одат тусига кирган.

Бундай кўргазма ва маросимларни театрлашган дейишимизга сабаб шуки, уларда ҳам томоша объекти (баъзан ижрочи) ва томошабин бор, томошабин хушнуд бўлади, яйрайди, айрим ҳолларда мулоқотга киришади.

Майдон томошалари. Амир Темур ва темурийлар даврида ўйин ва томошалар силсиласида майдон томошалари алоҳида ажралиб турган. Зардуштийлик эътиқоди билан боғлиқ баъзи томошалар ҳам майдонларда кўрсатилган. Аммо аксар майдон томошалари туркий уруғ ва қабилаларнинг турмуш тарзи, эътиқоди, эстетик майллари билан, Амир Темур ва Темурийзодаларнинг армияси, навкарлари ва зобитларининг жанговар ҳаёти, рухияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боисдан майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улоқ чопиш (қўпқари), отдан ағдариш, чавгон, қабоқ ўйин қабилар, ҳаққоний куч синови ҳисобланмиш кураш (гуштигирлик), қилич, найза, гурзи ва бошқа жанговар қурооллар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, қўчқор, хўроз уриштириш қабил қадимий ўйин ва мусобақалар етакчилик қилган.

Майдон томошаларида кўп сонли чаван-

дозлар, пахлавонлар, камонбоз ва қилич-бозлар, бошқа ўйинчилар қатнашган, томошабин сифатида бутун аҳоли жалб этилган; ҳаммада яхши кайфият, кўтаринки рух, янгиланиш ва яшариш завқи ҳукм сурган.

Томошабинлар ўта фаол бўлишган: ҳар гуруҳ, жамоа ёки уруғ майдонда куч ёки моҳирлигини синаётган вакилини (ёхуд ўргатган оти, қўчқорини) қувватлаб, тарафини олиб, рухлантириб турган; бутун ўйин-томоша жараёнини у билан бирга кечирган, ютувидан қувонган, мағлубиятидан ачинган. Аммо иштирокчилар ҳам, томо-

шабинлар ҳам танти бўлишган, голибларни тан олиб, тетик рух, янги йиғинларга умид-ишонч билан тарқалишган.

Шундай қилиб, Амир Темур ва те-мурийлар даврида Марказий Осиё бадий маданияти, шу жумладан томоша санъатлари гуллаб-яшнади. Ҳам шаҳар, ҳам кин-лок ва дашт маданиятлари билан бо-лиқ бўлган ўйин, томоша, байрам, театр-лашган маросим ва намоийшларнинг бутун бир тизими вужудга келди. Шулар ҳам-маси касб-кори, насл-насаби, миллий-эт-ник келиб чиқиши турлича бўлган киши-ларни бирлаштиришга хизмат қилди.



* * *

XIV—XVI асрларда жаҳон тарихи сах-насига Амир Темур ва унинг ворислари — те-мурийлар келиши Марказий Осиёда дав-лат қурилиши ва маданий ривожланиш-нинг ўзига хос тараққиётини бошлаб бер-ди.

Амир Темур ва унинг ворислари ҳукм-ронлиги даврида Буюк Ипак йўли бўйича Ғарбдан Шарққа ва, аксинча, савдо кар-вонлари катнови тикланди. Худди шу ерда Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Араб мамлакат-ларининг маданий анъаналари билан маҳаллий, Марказий Осиё бадий мадани-яти ўзига хос хусусиятларининг ноёб уй-гунлашуви жараёни рўй берди. Марказий Осиё фақат савдо ва карвон йўлларининг кесишув жойи бўлмай, балки маънавий ма-даниятнинг янги ғоялар вужудга келади-ган, янги услуб шаклланадиган маркази ҳам бўлиб қолди.

Қадимги карвон йўлларининг тиклани-ши савдо-иқтисодий аҳамиятгагина эга бўлмай, балки салтанатнинг улкан худуди-да ва ундан ташқарида ҳам маданиятлар-нинг бир-бирини бойитиши ва ўзаро таъси-рида улкан роль ўйнади.

Турли мамлакат ва худудлар санъати-нинг оҳанг, ғоя ва шакллари Марказий Осиёда янги бадий мазмун касб этиб, Ев-ропа — Осиё китъаларининг бутун худуди бўйлаб тарқалди.

Амир Темурнинг улкан интилишлари унинг Самарқандни жаҳон миқёсидаги пойтахтга айлантиришга қаратилган ҳара-катларида ўз ифодасини топди. Бу ерга Ўрта ва Яқин Шарқнинг турли мамлакат-ларидан энг яхши усталар, меъморлар, шо-ирлар, олимлар, санъаткорлар олиб келин-ди.

Самарқанд ва Марказий Осиёнинг бош-қа шаҳарлари узок йиллар санъат, ҳунар-мандлик, бинокорлик, назм ва адабиёт, му-сиқа, тантаналар ва оммавий томошалар соҳасида янгиликлар чиқарувчи ўзига хос маданий ва илмий тараққиёт марказига ай-ланди.

Ўша даврнинг муҳим хусусияти кенг халқ оммаси маънавий маданият бойликла-рини яратиш ва улардан баҳраманд бўлиш-га жалб этилганлигидир. Умумий маъна-вий юксалиш айрим истеъдодли шахслар-гагина эмас, балки турли ижтимоий қат-ламларга ҳам хос эди. Шаҳар савдо-ҳунар-манд доираларининг вакиллари хилма-хил моддий ва маданий бойликларни яратувчи ва тарқатувчи вазифасини бажаришди.

Маданий ҳаётнинг бундай демократла-шуви ва унинг кенг кўламдаги маърифий ифодаси давлат раҳбарларининг қўллаб-қувватлашлари ва ҳомийлиги натижасидагина рўй берди. Бинобарин, Амир Темур фао-лиятида маърифий асослар-нинг умумий раънақини рағ-батлантирувчи маданий сиё-сатнинг асосий тамойиллари яққол кўзга ташланади. Унинг шахси умумий барқарорлик-нинг ўзига хос кафолати бўл-ди, сиёсати эса диний ва дунёвий асослар-нинг баб-баравар ўзаро муносабатда бўли-шига имкон берди.

Амир Темур узокни кўра биладиган ва зукко сиёсатдон сифатида исломнинг дав-лат қурилиши ҳамда ижтимоий ҳаётни би-риктирувчи, батартиб сақловчи ва жипс-лаштирувчи омил сифатидаги улкан аҳа-миятини яхши тушуниб етганди. Унинг ўзи

Ислом маданиятининг эле-ментлари Марказий Осиёда ҳар вақт мавжуд бўлди. Амир Темур тасарруфга олинган ис-лом давлатларидан мусулмон маданиятининг айрим янги эле-ментларини олиб келиб уларга янги куч бахш этди.

Саид Жамолiddин



шариат қонунлари ва ислом аҳкомларига қатъий амал қилар ва мамлакатда барчанинг бунга амал қилишини мудом кузатиб турарди.

Айни вақтда у дунёвий маданият, илм-фан, адабиёт, меъморлик, нафис ва томоша санъатларининг хилма-хил турларини яхши тушунар ва юқори баҳоларди, дунёвий маданият турларининг ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантирарди. Бундай сиёсат ўзига хос ноёб ходисага олиб келди — Амир Темур ва унинг ворислари давлатида яққол намоён бўлган диний асослар ва юқори даражада ривожланган дунёвий маданият баб-баравар мавжуд бўлди.

Бу ерга олиб келинган усталар, меъмор ва рассомларнинг моҳирона санъати, шоирларнинг нафис ижоди, ўз навбатида, маҳаллий бадий маданиятнинг юксак анъаналари билан ўзаро алоқада бўлди.

Бу маданиятда Амир Темур давлатининг этно-ижтимоий мағзини ташкил этувчи ва ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи туркий ва эроний халқлар маданияти ҳамда санъа-

тининг ўзига хослигини белгиловчи анъаналари кўп асрлар давомида ўзаро самарали таъсирда бўлди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида туркий адабиёт ва шеърият гуркираб ривожланди, туркий тилнинг шаклланиши ниҳоясига етди ҳамда у нафис шеърият ва адабиёт тили бўлиб қолди.

Ҳозирги замон фани Амир Темур ва Темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс — Уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Зеро, бу даврда ўтмиш даврлар тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга ва янгича ёндашувларга олимлар, меъмор ва хунармандлар, миниатюрачи рассомлар, шоирлар, муסיкачилар, янги давр томоша санъати вакиллари олдида турган масалаларни ҳал этишда жиддий янгилеклар киритишга асосланган энг яхши анъаналари тикланди.

Амир Темур ва Темурийлар даври маданиятининг ҳаётбахш фалсафаси, унинг юксак бадий муваффақиятлари кейинги даврлар санъатининг ривожига самарали таъсир кўрсатди.

АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХНАВИСЛИГИ





Амир Темур манбаларда



мир Темур ҳаёти ва фаолиятини гавдалантириш унинг замони моҳияти, руҳи, муҳитини тасвирлаш учун гапни тарих фани таяниб келган ва бундан буён ҳам таянадиган асосзаминли энг муҳим ёзма манбалардан бошлаш макбул. Амир

Темур ҳаёт даврида замондошлари томонидан ва унинг ҳомийлигида ёки Соҳибқирон вафотидан кейин ҳали воқеаларнинг оҳори тўқилмай ва салафларнинг меросини эътиборга олган ҳолда яратилган асарлар илк манбалар сифатида ғоят қимматлидир.

Ўша давр тақозосига кўра бу асарлар форсий тилда ёзилган.

Буюк олим Фиёсиддин Али ибн Жамол ал-Ислом Яздийнинг «Рўзномаи ғазавоти Хиндистон» («Хиндистонга юриш кундалиги») рисоласи Амир Темур фаолиятига оид илк асар ҳисобланади. Бу рисола Амир Темурнинг шахсий кўрсатмаси билан 1399–1403 йиллар оралиғида ёзилган. Унда 1398–1399 йиллардаги юриш батафсил тасвирланган (1).

Фиёсиддин Али рисоласига Амир Темурнинг муносабати эътиборга сазовордир. Бу муносабат Амир Темур шахсий хислатларининг айрим жиҳатларини бирмунча ёритиб беради. Юқорида таъкидланганидек, бу асар «Ғайритабиий ибораларсиз ва китобхон учун тушунарли услубда» ёзилиши лозим эди. Шу сабабли Фиёсиддин Алининг кўпинча асосий ишга алоқаси бўлмаган ва баён мавзуини хиралаштирадиган, тушуниш қийин бўлган дабдабали ва жимжимадор тасвирлари Амир Темурга унчалик ёқмади.

Аммо шундай бўлса ҳам, Фиёсиддин Али Яздийнинг рисоласи унда аниқ маълум

моғлар баён этилгани жиҳатидан қимматли манба ҳисобланади.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ёзилган тарихий асарлар орасида Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари, ўзига хослиги ва қимматли далилларга бойлиги билан, шубҳасиз, биринчи ўринда туради.

Низомиддин Шомий (тахминан 1409 йилда вафот этган) ўз асарини 1402–1404 йиллар орасида Амир Темурнинг тошшириги билан ёзган. Асарда Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишидан (1370) то унинг Ғарбий Эрон, Ирок, Шом, Кичик Осиёга қилган етти йиллик юриши (1399–1404) воқеалари баён этилган.

Асарнинг оддий тил ва содда услубда ёзилганлиги ундан фойдаланишни енгиллаштиради. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си бизгача икки тахрирда етиб келган. Биринчи таҳрири 1404 йил июнь ойида Амир Темурнинг Эрондан Моваруннаҳрга қайтиш пайтида унга тақдим қилинган нусха бўлиб, ҳали унга ном берилмаган эди. Иккинчи таҳрири ўша пайтларда Озарбайжон ва Ирокни идора қилиб турган Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга тақдим қилинган нусхадир. Муаллиф уни бир қадар тахрир қилган. Муқаддимага баъзи қўшимчалар киритган.

Машҳур тарихшунос олим Ҳофиз Абу Шомийнинг бу асарига қўшимча ёзган ва у «Зайли Зафарномаи Шомий» деб аталади. Унда Амир Темур вафотигача (1405 й. 18 февраль) бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари жуда кам бўлиб, Туркия ҳамда Арманистон кутубхоналарида сақланади.

Асардан кўп парчалар рус тилида «Сборник материалов, относящихся к истории Золотой орды» (М., 1941) ва «Материалы по истории туркмен и Туркмении»



(М., 1939) номли мажмуаларда эълон қилинган. Низомиддин Шомий «Зафарнома»сининг матни, зарур изоҳлар ва кўрсаткичлар билан тўлдирилиб, чех шарқшунос олими Феликс Тауэр тарафидан чои этилган. Асарнинг Нажотий Луғат қилган туркча ва ўзбекча (1996 й.) таржималари ҳам бор.

Яна бир «Зафарнома» Шарафуддин Али Яздий (1454 й. вафот топган)нинг қаламига мансуб бўлиб, кўтаринки услубда баҳодирлик қиссаси тарзида ёзилган. Асар «Зафарномаи Темурий», «Тарихи жаҳонкушойи Темурий», «Фатхномаи Соҳибқироний» номлари билан ҳам аталган бўлиб, Низомиддин Шомий асари асосида ёзилган. Шарафуддин Али Яздий асарининг бир қанча афзал тарафлари бор. Масалан, кўплаб далил ва ходисалар аниқлаб ёзилган. Халил Султон ҳукмронлиги йиллари воқеаларини ҳам ўз ичига олган. Асарнинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, унинг катта муқаддима қисми ҳам бўлиб, унда Жўжи, Чигатой улуслари ҳамда Элхонийлар давлатининг Амир Темургача бўлган тарихи қисқача баён этилган. Муқаддима «Тарихи Жаҳонгирий» ва «Муқаддимаи Зафарнома» номлари билан маълум. Шарафуддин Али Яздий бу асарини Форс ҳокими, Темурийзода Иброҳим Султоннинг топиши билан ёзган (1425).

Асар Амир Темур тарихи, унинг таваллуд топишидан (1336) то Халил Султон ҳукмронлигига чек қўйилишигача (1409) бўлган даврда Мовароуннаҳр, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда кечган воқеаларни ўз ичига олади.

Асарнинг қўлёзма нусхаларини Осиё ва Европадаги талайгина мамлакатларнинг кутубхоналарида учратиш мумкин.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг матни икки жилдда Калкутта (1885—1888) ва Техрон (1957)да Мавлавий Мухаммад Илоҳдод ва Мухаммад Аббосийлар тарафидан чоп этилган. Француз (Пети де Ла Круа, 1722) ва инглиз (Ж. Дарби, 1723) тилларига қисқача таржималари ҳам бор. Асарнинг Шайбонийхонлардан Кўчкунчихон (1510—1529) замонида Мухаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорий ўзбек тилига қилган дурустгина таржимаси ҳам бизгача етиб келган.

XIX асрда шоир ва вазир Муниснинг топишигача биноан Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақий қилган таржима ва Яроқбий Қўнғиротнинг кўрсатмаси билан номаълум таржимон қилган ўзбекча таржималари, шунингдек Мустафо Раҳимнинг

туркча таржимаси (Истанбул, 1929) ҳам мавжуд.

Асардан айрим парчалар француз, инглиз, рус, итальян ва ўзбек тилларида чоп этилган. Парчалар Олтин Ўрда ҳамда Амир Темурнинг 1360—1370 (Мовароуннаҳр), 1398—1399 йиллардаги (Ҳиндистон юриши) тарихига оиддир.

Ҳар иккала «Зафарнома» Мовароуннаҳр, Эрон ва Озарбайжоннинг ижтимоий-сиёсий ва этник тарихини, халқининг маданий ҳаётини, шунингдек Амир Темур ва Темурийлар давлатининг бошқа мамлакатлар билан сиёсий муносабатини ўрганишда муҳим манбадир.

Шарафуддин Али Яздий асарининг ўзига хос хусусияти шундаки, у хассос йилномачи сифатидагина эмас, балки истеъодли адиб, мохир баёнчи сифатида ҳам намоён бўлади. Кейинчалик улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий рисолаининг шу жихатини алоҳида уқдириб, Шарафуддин Али Яздийнинг асарини маҳорат билан ёзилган энг мукамал рисолалар жумласига киритади (2). Ҳозирги замон илмий адабиётида «Зафарнома» «Марказий Осиё тарихнавислигининг дурдонаси» сифатида баҳоланади.

XX асрнинг йирик шарқшуноси ва форсий манбалар билағони А.К.Арендс Шомий ва Яздий «Зафарнома»ларини солиштириб, ушбу ҳаққоний гапни айтган эди: «Амир Темур ҳақидаги дастлабки асарлардан бири Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» номли расмий тарихи бўлиб, бу асар ҳали Амир Темур ҳаётлик вақтидаёқ тузилган эди.

Бироқ Амир Темур даври тарихига оид анчагина тўлиқ маълумот Шарафуддин Али Яздийнинг илм-фанда «Зафарнома» номи билан машҳур бўлган асарида берилган...»

Тарихчи ва олим Шарафуддин Али Яздий Амир Темур тарихини ёритишга катта эҳтиёткорлик билан ёндашади. Муаллиф ўз китобини имкони борича ишончли фактик материаллар, Амир Темур буйруғига асосан унинг котиблари томонидан ёзиб қолдирилган воқеалар, бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишилар маълумоти асосида бадиий тарзда баён этган...

Шунинг учун ҳам, ортиқча мақтовлар бўлишига қарамай, Шарафуддин Али Яздий Амир Темур шахсиятидаги зиддиятларни анча ҳаққоний тасвирлаган (3).

Амир Темур бир қанча шайхларни ўзига маънавий устоз қилиб олди. Булар орасида шахрисабзлик шайх Шамсуддин Кулол, шайх Зайниддин Тайободий ва бошқалар бор эди. У мунтазам азиз авлиёлар хузурига таъриф буюрар ва ўз фаолиятида улардан мадад қутарди.

Саид Жамолiddин



Яздий келтирган хабарларнинг ҳаққонийлигига «Зафарнома»нинг ношири А. Ўринбоев ҳам қатор асосли далиллар келтиради. У бундай ёзади: «Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим Султон (Шохрухнинг ўғли) Темур ҳақида махсус китоб ёзиришни ният қилган ва 822/1419—1420 йилларда ўз даврида котиблар — бахши ва муншийлар томонидан Темур ҳақида туркий ҳамда форсий тилда ёзиб қолдирилган мавжуд маълумотларни унга келтириб бериш ҳақида фармон чиқарган. Кейин эса материаллар ўрганила бошланган...

Асарнинг Амир Темур тарихидан баён этувчи асосий қисмида ёзилишича, подшоҳликнинг барча томонларидан Амир Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърӣй ва насрий нусхалари тўпланиб бўлгач, материаллар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган.

Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб Амир Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар у воқеани ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни топиш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, мазкур воқеани Амир Темурнинг бошқа замондошларидан суриштирган ёки кўшимча маълумотлар тўплаган.

Бошқа гувоҳларнинг ҳикояларини ҳам эшитгач, Иброҳим Султон айтиб турган ва дастлабки хомакиси ёзиб борилган. Ана шу материаллар асосида эса Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган.

Иброҳим Султоннинг буйруғига асосан бу китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши шарт бўлган.

Шарафуддин Али Яздий олдида асарни жонли ҳамда тушунарли қилиб ёзиш талаби қўйилган, шунингдек у ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита назорати остида амалга оширилган дастлабки хомакиси ёзувдан четга чиқмаслиги ҳамда нарсани бўяб кўрсатмаслиги керак эди» (4).

Шундай қилиб, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си Амир Темур ҳақидаги ёзма манбалар орасидаги аниқ ҳужжатларга асосланган энг ҳаққоний ва энг ишончлисидир.

Демак, бу асардаги барча кишиларнинг, жойларнинг номлари, воқеаларнинг сана-

лари тарихий ҳақиқат бўлиб, барча хабарлар рост ва ҳаққонийдир.

Тарихчи ва элшунос олим Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофӣй (Ҳофизӣ Абрӯ) ҳам Амир Темур тарихнавислигининг яна бир намояндаси бўлиб майдонга келди. Унинг ўз сўзларига қараганда, у Амир Темур саройида хизматда бўлган, муайян даражада унга яқин турган. Ҳофизӣ Абрӯ Амир Темурнинг хизматида Шарқнинг бир қанча мамлакатларида бўлган, Амир Темурнинг вафотидан кейин унинг ўғли Шохрух саройида тарихнавис бўлган. Ҳофизӣ Абрӯ 1431 йилда вафот этган.

Ҳофизӣ Абрӯ Амир Темур ва Шохрухга яқин одам бўлгани учун ҳам у келтирган маълумотлар ўта муҳим.

Ҳофизӣ Абрӯ бир неча муҳим тарихий асарлар ёзиб қолдирган. Улардан бири «Мажмуъайи Ҳофизӣ Абрӯ» деб аталади. Ундан машҳур арабийнавис тарихчи Табарӣй (839—923)нинг «Китоби русул ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи») китобининг Балъамӣй қилган форсча таҳрири, аниқроғи, халифа Муқтадир замони (908—932)дан то халифа ал-Мустаъсим (1242—1258) давригача бўлган тарих, шунингдек, «Зайли Жомеъ ат-таворихи Рашидуддин» (Эроннинг 1306—1393 йилларидаги тарихи) ва «Зайли Зафарномаи Шомӣй» асари ўрин олган. «Мажмуъайи Ҳофизӣ Абрӯ»дан айрим парчалар матни Хонбобо Баёний (1938), Феликс Тауэр ва К.М.Майт-ра (1934) томонидан нашр этилган.

Ҳофизӣ Абрӯнинг иккинчи асари «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» («Бойсунғур Мирзонинг сараланган тарихи») номи билан машҳур ва умумӣй тарих тарзида ёзилган асардир. Унда Оламнинг «яратилиши»дан то 1426 йилгача бўлиб ўтган воқеалар қайд қилиб ўтилади. Асарнинг тўртинчи қисмида Амир Темур тарихи Шомӣйнинг «Зафарнома»си асосида қисқа тарзда ва Шохрух Мирзо тарихи (1430 йилга қадар) батафсил баён этилади.

«Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»нинг нусхалари кам, улар Англия, Франция, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Россия кутубхоналарида сақланмоқда.

Ҳофизӣ Абрӯ асаридаги Амир Темур ҳақида баён этилган айрим маълумотлар тадқиқотчилар эътиборини тортди. Масалан, Ҳофизӣ Абрӯнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур дин ва шариатни мустаҳкамлаш борасида сидқидилдан ғамхўрлик қилган. Амир Темур замонида Самар-



қанд яқинидаги Ангор туманида ва Мурғоб дарёси хавзасининг юқори қисмида ариқ ва зовурлар қазилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам шу асарда баён этилган.

Хофизи Аbru ўз рисоласи мазмунига Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сидан матнларни қўшиб (5), шу тариқа уларни авлодлар учун сақлаб қолди (6).

Мовароуннахр ва Хуросоннинг 1404—1409 йиллардаги сиёсий тарихини ўрганишда Хожа Тожиддин ас-Салмонийнинг «Тарихнома» китоби катта аҳамият касб этади. Асар «Зайли Зафарнома» («Зафарнома»га қўшимча) номи билан ҳам маълум.

Асар муаллифи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Фақат унинг асли Исфаҳондан эканлиги, мохир хаттот ва девони иншо (ёзишмалар девони)нинг кўзга кўринган ходими сифатида маълумлиги, музаффарийлар даврида 1397 йили Шероздан Самарқандга келганлиги, 1409 йили уни Шохрух Хуросонга олиб кетганлиги ва унинг топшириғи билан мазкур асарни ёзишга киришганлиги маълум, холос. Лекин у китобни ёзиб тамомлай олмади. Саройда вазир Сайид Фахриддинга қарши фитнада иштирок этгани учун қамокка олинди.

Хожа Тожиддин ас-Салмоний Амир Темурнинг сўнги кунлари ва Шохрух тарихини ёзишни мўлжаллаган эди. Лекин муддаосига етолмади. Фақат 5—6 йиллик тарихини ёзиб улгурди, холос. Хуллас, «Тарихнома»да 1404 йилнинг кузида Кониғилда бўлган тантана ва тўю томошалар, Амир Темурнинг Хитойга юришининг бошланиши, унинг вафоти, Халил Султоннинг марказий ҳокимиятни тортиб олиши (1405 йил март ойининг ўрталарида) ва 1409 йил март ойи охирларида унинг Худойдод бошлиқ бир гуруҳ амирлар тарафидан асир олиниши тарихидан сўз юритилади.

«Тарихнома»нинг учта нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган. Улардан бири қусурли ва Англиянинг Британия музейида (тартиб рақами OR 159), қолган иккитаси Туркияда Сулаймон Фотиҳ (тартиб рақами 4305) ва Лола Исмоил афанди кутубхонасида (тартиб рақами 304) сақланмоқда. Сўнги нусха тўлароқ бўлиб, фойдаланишга қулай. Асарни немис тилига Ганс Роберт Ремер ва рус тилига З. М. Буниётов таржима қилган.

Амир Темур тарихи эронлик тарихчи олим Мўбиниддин Натанзийнинг шарқшунослар орасида «Мунтахаб ут-таворихи Мўбиний» («Мўбинийнинг сайланма тари-

хи») номи билан машҳур бўлган асарида ҳам қисқа тарзда баён этилган. Асар 1413 йили Шерозда Темурий Искандар Мирзо саройида ёзилган.

«Мунтахаб ут-таворихи Мўбиний»нинг иккита таҳрири мавжуд: бири юқорида номи зикр этилган Искандар Мирзога бағишланган, иккинчиси Шохрухга тақдим этилган нусха, Искандар Мирзо Шохрух томонидан тор-мор қилинганидан кейин (1414 йил 20 июль) таҳрирдан чиқарилган. Унда Искандар Мирзо ҳақидаги ҳикоятлар бирмунча қисқартирилган, унинг шаънига айтилган ҳамду санолар олиб ташланган.

Асарда энг қадимги даврлардан то Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 февраль) бир қатор ўлкаларда юз берган муҳим тарихий воқеалар қисқача баён қилинган. Кўп ҳолларда муаллиф ҳар бир сулола тарихига алоҳида боб бағишлаган. Асарнинг сўнги қисмлари Марказий Осиё тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Асарда Амир Темур яшаган ва ҳукмронлик қилган даврда юз берган тарихий воқеалар бирмунча муфассал баён қилинган. Ушбу давр тарихини муаллиф асосан ўзи тўплаган материаллар асосида ёзган. Амир Темур замонасидаги воқеа-ҳодисалар Натанзийга яхши маълум бўлган, шунингдек, у сарой солномаларидан фойдаланиш, машҳур тарихий воқеаларнинг ҳали ҳаёт бўлган иштирокчиларидан ўзига керакли маълумотларни сўраб-суриштириб билиб олиш имкониятига эга бўлган. Баъзи ўринларда муаллиф шохидлардан эшитиб ёзганига ишора этади. «Мунтахаб ут-таворих»даги айрим хронологик чалкашликлар, назаримизда, Натанзий оғзаки маълумотлардан кўп фойдалангани натижасидир. Асарда Амир Темурнинг ватанпарвар лашкарбоши ва тадбиркор давлат арбоби сифатида камол топиб бориши ёрқин акс эттирилган. Муаллиф мамлакатдаги тарқоқликни тугатишда ва мўғул хонларининг Мовароуннахрга босқинчилик тажовузларига чек қўйишда Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолияти ғоят катта роль ўйнаганини таъкидлайди.

Амир Темур ҳукмронлиги даври тарихи кўтаринки услубда баён этилади. Ўтган бир ярим аср давомида таназулдан боши чиқмаган Туронда улкан ўзгаришлар юз бера бошлайди: «Андак фурсатда Самарқанд шу қадар гўзал ва обод бўлдики, Олий жаннатга таъна қилиб, ер юзининг беҳиштига айланди. Шахар-



Шохрух китоб, айниқса ноёб китобларнинг ашаддий шайдоси сифатида машҳур эди. У дунёнинг ҳамма бурчакларидан китоб йиғиб ва ҳар қанча баҳода ноёб қўлёзмаларни харид этиб, бой кутубхона ташкил этишга муваффақ бўлди.

Т. Н. Қори-Ниёзий



нинг теваарак-атрофида ҳам кўркем боғлар ва дилкаш иморатлар бунёд эттирди. Рубъи маскуннинг барча жойларидан жуда кўп одамлар бу муборак шаҳарга отланиб, ҳазрат Амир Соҳибқироннинг адолати ва марҳамати соясидан паноҳ топишди.

Ҳазрат барча йўлларда ёмлар (махсус бекатлар) барпо этишни буюрди ва халқ ўтиб-кечадиган жойлардаги харобаларни тузатиб, обод қилди. Олий рабоблар ва хонақоҳлар қурдириб, фақир мискинлар учун хайрия тарзида уларнинг эшикларини очиб қўйди. Чунончи, Амир Соҳибқирон кўп муддатгача заминнинг бепоён гиламида яшовчи халойиқнинг шоду хуррамлигига боис бўлиб, улкан бир давлатни идора этди».

«Мунтахаб ут-таворих»да Амир Темурнинг шахсий хислатлари, қайси илмларга кизиққани ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор. «Амир Соҳибқирон илму ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда дўстлашган эди. Тарих китоблариини эшитиш орқали умматлар насаби ва шарҳи ҳолларини, турк, араб ва аҷам подшоларининг турган жойлари ва қилган ишлари ва бу илмнинг бошқа тармоқларини жуда чуқур эгаллаган эди. Тиб ва нуҷум илмларининг машҳур масалаларида ҳам етарли маълумотга эга эди. Ўзининг ақсар вақтини саййидлар, олимлар ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди».

«Мунтахаб ут-таворих»нинг манба сифатидаги қимматли жиҳатларидан яна бири шуки, Амир Темурнинг ҳарбий даҳоси ва лашқарининг жанговарлиги ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган баъзи муҳим маълумотлар баён қилинган. Натанзий келтирган туркий тилдаги ўша даврга оид бир қанча ҳарбий атамалар ҳатто Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»ларида ҳам учрамайди. Бу ҳол Натанзий асарининг оригиналиги, муҳаррир ўз даврига оид ҳарбий атамаларини синчиклаб ўрганганини тасдиқлайди ҳамда, эҳтимол, у Амир Темур лашқарида жанг қилган баъзи йирик саркардалардан ҳам ўз асари учун муҳим маълумотларни сўраб олганини тахмин этишга асос беради.

«Мунтахаб ут-таворихи Мўъиний»нинг нусхалари Буюк Британия, Франция, Россия ва Эрон кутубхоналарида сақланади.

Унинг баъзи нусхаларининг русча таржимаси «Олтин Ўрда тарихига оид материаллар» тўпламида (№28, Париж, 1814, 244–258-бетлар) нашр этилган. Асарнинг тўла французча таржимасини Жак Обен нашр қилган.

Ҳофиз Абу ва Мўъиниддин Натанзийдан кейин Камолиддин Абдураззоқ ибн Мавлон Жалолиддин Исҳоқ ас-Самарқандийнинг номи алоҳида ажралиб туради. У 1413 йилда Шохрух саройига яқин бўлган имом оиласида туғилган.

Абдураззоқ Самарқандий, аввалги саҳифаларда таъкидлаганидек, Шохрухнинг дипломатия соҳасидаги топшириқларини бажарган. Шохрух вафотидан кейин бошқа теурийзодалар ҳузурида хизмат қилган, 1463 йилдан бошлаб Хирот мадрасаларидан бирида шайх бўлган ва шу ерда тахминан 1483 йилда вафот этган. Ғоят машҳур бўлган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши жойи») асари Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансубдир. Бу асар XIV–XV асрларга оид воқеаларни ўз ичига олади (7). Муаллиф қўлёзмани 1470 йилда ёзиб тугатди, кейинчалик унга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритди.

Юқорида тилга олганимиздек, Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асари Абдураззоқ Самарқандий учун асосий манба бўлди. Тадқиқотчилар Абдураззоқ Самарқандийни Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома»лардан (8) ва бошқа баъзи муаллифларнинг асарларидан ҳам баҳраманд бўлганлиги, аммо унинг асарида мазкур асарларда учрамайдиган бир қанча тафсилотлар ҳам борлигини таъкидлайдилар. Шу жиҳатдан Абдураззоқ Самарқандий асари Амир Темур ва унинг даври тарихини ўрганишга оид муҳим манбалардан ҳисобланади.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си билан бирга Абдураззоқ Самарқандийнинг бу китобида Амир Темур ва Теурийзодалар тарихи батафсил баён қилинган, мазкур китоб Шарқ ва Ғарбда кўп марталаб нашр этилишининг сабаби ҳам шунда.

Амир Темур замондоши — машҳур араб тарихчиси Абдурахмон Абу Зайд ибн Халдуннинг (1332–1406) фикрлари диққатга сазовор. Унинг кўп жилдли асосий тарихий-ижтимоий асари «Китоб ал-ибор» («Насихатомуз мисоллар китоби») жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотга ҳамда мусулмон Шарқи халқлари ва Мағриб халқлари тарихини ўрганишга қўшилган қатга ҳисса деб тан олинган.

Ибн Халдун Дамашқ шаҳрининг Амир Темурга топширилиши шартлари ҳақида музокара олиб борган Дамашқ делегацияси



таркибига кирган эди. Шу тариқа Ибн Халдун Амир Темур билан шахсан суҳбатлашишга мушарраф бўлган. Ибн Халдуннинг Амир Темур ташқи сиёсий фаолиятига қандай муносабатда бўлишидан ва унга қандай назар билан қарашидан қатъи назар, у Амир Темурнинг бетакрор ва ёрқин шахсига холис баҳо бермасдан иложи йўқ эди. Ибн Халдун Амир Темурнинг ҳарбий тарих соҳасидаги теран билимидан ҳайратга тушди (9). Ибн Халдун ўша пайтда Амир Темур сеҳргарлик ва жодугарлик кучига ҳам эга, деган тасаввурларни қатъиян рад қилди, унинг мунозара ва баҳсларни яхши кўрадиган ўтқир заковатли ва теран зеҳнли инсон эканлигини таъкидлади.

Ибн Халдуннинг далолат беришича, Амир Темур ундан «ўзингизнинг Мағриб мамлакатингизни, унинг манзиллари ва шаҳарларини батафсилроқ баён этиб берингиз», — деб илтимос қилган (10). Амир Темур ўз суҳбатдошининг ат-Табарий (Х аср бошларида яшаган тарихчи) қарашларини шахсан қандай баҳолашини сўради. Мана шуларнинг ҳаммаси Амир Темурнинг кенг билимли ва синчков донишманд сифатидаги қиёфасини қимматли жиҳатлар билан тўлдирди.

Амир Темур замондошларидан бири Ибн Арабшоҳ (Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим (1389–1450) асари Амир Темур ҳақидаги манбалар қаторидан алоҳида ўрин олади. Ибн Арабшоҳ Дамашқда туғилиб ўсган. Бу шаҳар Амир Темур қўл остига ўтганида у 12 ёшда эди. У ака-укалари ҳамда онаси билан бирга Самарқандга олиб кетилади, бу ерда 1401 йилдан 1408 йилгача яшайди. Ибн Арабшоҳ шу ерда таълим олади, шарқ тилларидан бир нечтасини ўрганади, ҳарҳолда Амир Темурнинг ўз саройига бўлма-са-да, Темурийлардан бирининг саройига яқинроқ турганлиги сезилади. 1408 йилдан кейин Шарқ мамлакатлари бўйлаб кўп саёҳат қилгач, она шаҳри Дамашққа қайтади, сўнгра Қоҳирада яшайди ва шу ерда вафот топади.

Ибн Арабшоҳ тарих, адабиёт, грамматикага оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг қаламига мансуб «Ажойиб ал-мақдур фи ахбори ат-Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») Амир Темурга ва унинг замонига бағишланган салмоқли асардир.

Ибн Арабшоҳ Амир Темурга нисбатан душманлик руҳидаги муаллифлар жумласидан эди. Бу ҳол унинг асарида тўла акс этди.

Шундай бўлиши табиий эди, чунки жаҳон тарихидаги энг йирик арбоблардан ҳеч бири ва ҳеч қачон адабиётда бир хил, бир маънода баҳоланган эмас. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги билимлар жамланиши жараёнида уларнинг тарафдорлари билан ғанимлари ўртасида, табиий, баҳслар бўлиб турган, ижобий ва салбий ёки бетараф тарздаги ва шу каби турли-туман фикрлар айтиб келинган.

Мана шундай муайян бир ҳолатда, Ибн Арабшоҳнинг Темур давлати ва унга чега-радош мамлакатлар сиёсий, ҳўжалик ва маданий турмушини кўшимча равишда ойдинлаштириб берувчи кўпдан-кўп диққатга сазовор мисолларни баён қилиши гоят муҳимдир. Дунёдаги кўпгина шарқшунослар, тарихчилар, санъатшунослар Ибн Арабшоҳ асарининг ана шу жиҳатига зўр эътибор билан қараб келмоқдалар. Диққатга молик яна бир жиҳати шундан иборатки, Ибн Халдун каби Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темурга нақадар салбий назар билан қарамасин, ҳарҳолда, унинг шахсини муносиб баҳолади: «Етмиш ёшли Темурнинг фикрлари ҳали ҳам қатъий, жисмоний жиҳатдан кучли ва бақувватдир... — деб ёзади Ибн Арабшоҳ. — У истехзо ва сохталикни ёқтирмайди, бахтсиз ходиса рўй берганда ғамга ботмайди, доим сергак ва мардона туради, унинг олдида ҳамма итоатгўй бўлиб қолади ва ҳурмат бажо келтиради. У мард ва жасур одамларни ёқтиради... У масаланинг моҳиятини дарҳол пайқаб оладиган моҳир баҳсчи эди... У фаросати билан ҳақгўй — ёлғончини дарров фарқлар эди, самимий маслаҳатчиларни сохта насихатгўйлардан фарқлар эди» (11). Лекин шундай бўлса-да, Ибн Арабшоҳнинг фақат ўзи кўрганлари ҳақида ёзганлари ишончга сазовор. Бировлардан эшитиб ёзганлари эса кўпинча уйдирма ва ҳатто афсонадан иборат. Муаллиф асарни ёзишда бирорга ишончли манбага асосланмаган.

«Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Таймур» асарининг қўл-ёзма нусхалари Франция, Миср, Сурия, Туркия ва Россия кутубхоналарида сақланмоқда.

Матни Лейден (Голландия), Қоҳира (Миср), Калкутта (Ҳиндистон)да чоп этилган. Ундан кўпгина парчалар лотин (С.Н. Мангер), француз (П. Ватье), инглиз (И.И. Сандерс), рус (А. Э. Шмидт) тилларида нашр



Амир Темурнинг ақлий қобилиятлари ва қизиқишлари кўлами кишини айниқса ҳайратга солади. Унинг ҳукмронлиги битилган тарихларда тиббиёт, астрономия ва айниқса, араблар, форслар ва туркийлар тарихи соҳасидаги билимлари мадҳ этилади. У завқ билан олимларнинг мунозараларига киришиб, кўпинча голиб чиқарди...

В. Ф. Манс



этилган. Ўзбек тилида икки жилддан иборат китобда (У.Уватов) чоп қилинган.

Ибн Арабшоҳ баён этган яна бир маълумот диққатга сазовордир. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур замонида (албатта, ижтимоий тузум, диний ахлоқ ва расм-русмлар доирасида) халқ оммаси Соҳибқирон амри билан ўтказилган барча катта байрам ва зиёфатларда иштирок этарди. Темур шаҳарда бўлмаган вақтларда унинг саройларидаги катта боғларга Самарқанднинг аҳолиси бемалол кираверарди. Ибн Арабшоҳнинг далолат беришича, подшоҳ оиласидаги катта байрамлар шарафига Самарқанд халқини ҳар хил тўловлардан озод қилиш одати ҳам амал қилар эди.

XV асрда яшаган арман тарихчиси Фома Мецопесининг асари ҳам Амир Темурга ашаддий душман ўрдуга мансуб манбалар қаторига киради. Аммо ундан ҳам баъзи бир эътиборга лойиқ маълумотлар топса бўлади (12).

Амир Темур ва унинг соҳиби тож фарзандлари тарихи яна бир йирик тарихшунос олим — Муҳаммад Ибн Ховандшоҳ ибн Муҳаммад (у кўпинча Мирхонд номи билан машҳур) тарафидан ёзилган.

Мирхонднинг бу асари «Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафаларнинг таржимаи холи ҳақида жаннат боғи» номи билан машҳур бўлиб, етти жилддан иборат. Асарнинг еттинчи жилди (то 1467 йилгача бўлган воқеалар), муаллифнинг бетоблиги ва замоннинг носозлиги туфайли, ниҳоясига етмай қолиб кетган. Ўзига хос жуғрофий қўшимча бўлган асар хотимаси ва ёзилмасдан қолган қисмлар олимнинг набираси Хондамир тарафидан охирига етказилган. Алишер Навоийнинг топшириғи билан ёзилган бу асар умумий тарих тарзидаги асардир. У дунёнинг «яратилиши»дан то 1523 йилга қадар Мовароуннаҳр, Эрон ва Мусулмон Шарқидаги бошқа мамлакатларда кечган воқеалар ҳақида хикоя қилади. Асарнинг I—V жилдлари термадир, сўнгги икки жилди, аниқроғи VI жилди XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта аҳамиятга

Азму жазм билан иш тутдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вуҷудим билан боғланиб, битирмағушимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим ва ҳеч бир танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг этмасин деб.

«Темур тузуклари»

эга. Унда Амир Темур ва Темурийлар тарихи Султон Бойқаро ва унинг авлоди замониғача, яъни 1523 йилгача баён этилган.

«Равзат ус-сафо»нинг қўлёзма нусхаларини Англия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон,

Россия, Югославия, Миср, Франция, Таркистон, Арманистон, Тожикистон, Швеция, Қуддуси Шариф, Голландия ва Ўзбекистон кутубхоналарида учратиш мумкин.

Асар матни Ҳиндистон ва Эронда чоп этилган. Ундан айрим парчалар француз, швед, лотин, немис ва бошқа тилларга таржима қилиниб, чоп этилган.

«Равзат ус-сафо»нинг усмонли туркча ва ўзбекча таржималари ҳам бор. Ўзбекча таржимаси Хивада Мунис, Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф тарафидан амалга оширилган. «Описание тюркских рукописей Института народов Азии» каталоги (Ленинград, 1965) тузувчиларининг сўзларига қараганда, асарнинг Фозил Мулла Кичик тарафидан 1737 йили қилинган уйғурча таржимаси ҳам бизгача етиб келган.

Давлатшоҳ Самарқандий (1435—1495)нинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикрида») асарида (1486 йили ёзилган) хатто махсус тарихий асарларда учрамайдиган ўта фойдали маълумотлар мавжуд. Бу асар муқаддима, хотима ва етти қисмдан иборат. Темур ва Темурийлар даврида ўтган шоирлар (уларнинг орасида темурийзода шоирлар ҳам бор), асарнинг VI—VII қисмларида ва асар хотимасида қайд этилган тарихий воқеалар, Хуросон сарбадорлари ҳақида келтирилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асари матни Бомбай (1887), Лондон (1901) ва Техрон (1958) шаҳарларида чоп этилган. Ундан айрим парчалар рус, француз, турк ва немис тилларида эълон қилинган. Асарнинг инглизча тўла нашри Э.Г. Браун томонидан амалга оширилган. Унинг ўзбек тилига таржимаси 1900 йили Хивада Муҳаммад Рафиъ тарафидан амалга оширилган. Битта қўлёзма ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг кутубхонасида 7016-рақами остида сақланмоқда.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср сўнгги чорағи ва XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афроз ул-башар» («Инсон хабарлари ва фарзларида дўстнинг таржимаи холи») ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида кенг баён этилган.

Хондамир (1475/76—1535) истейдолли, сермахсул олим бўлиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг XV аср—XVI аср биринчи чорағидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига бағишланган ўнга яқин йирик асар



ёзиб қолдирган. Улар орасида олимнинг «Хабиб ус-сияр фи ахбор ва афроз ул-башар» асари алоҳида ўрин тутати. Бу катта асар умумий тарих тарзида ёзилган ва уч жилддан иборат. Олим уни гарчи 1524 йили ёзиб тамомлаган бўлса-да, лекин асар устида яна кўп йил иш олиб борди ва 1529 йили уни поёнига етказди. Ушбу асарнинг факат бир қисми — учинчи жилднинг учинчи ва тўртинчи қисмларигина оригинал бўлиб, уларда катта далилий маълумот асосида Хуросон ва Мовароуннаҳрда сўнги темурийлар: Султон Аҳмад, Султон Муҳаммад ва Ҳусайн Бойқаро даври тарихи кенг ёритиб берилган.

«Хабиб ус-сияр»да бой тарихий маълумотлардан ташқари, этнографик (турк қавмларидан барлос, арғин, кипчок, жалойир, кўнғирот ва бошқаларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни), ижтимоий-иқтисодий тарздаги тарихий (амирлар ва суюрғол эгаларининг давлат ва жамиятда тутган ўрни, солиқ ва жарималар ҳақида) далилий маълумотлар, Темурийлар давлатининг маъмурий тузилиши, Марказий давлат аппарати, каттакичик мансабдорлар ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда вазифалари, мамлакатнинг маданий ҳаёти, хусусан олимлар, шоирлар, муסיқашунослар ва хаттотларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учратамиз.

Асардан айрим парчалар инглиз, француз, ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, нашр эттирилган.

«Хабиб ус-сияр» иккита мукамал нашрининг матни мавжуд. Манбалар ҳақида сўз юритганда темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонга шухрат тاراتган, ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома»сини тилга олиш жоиздир.

Бобурнинг «Бобурнома»си ва умуман бу улуг инсоннинг илмий-адабий мероси жаҳон илмий жамоатчилигига маълум. Бу ҳақда кўп ёзилган. Шунинг учун ҳам биз «Бобурнома»да Мовароуннаҳрнинг XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида келтирилган далил-маълумотларнигина эслатиб ўтишни лозим топдик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давр ҳақида келтирилган маълумот ва хулосалари ўзининг ҳаққонийлиги, муфассаллиги билан ажралиб туради. Масала шундаки, у бу воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, ўзи гувоҳлик берган. Бобур Темурийлар салтанатининг инқирози улар ўртасида бирлик ва яқдиллик йўқлигидан, ўза-

ро феодал қураш кучайиб кетганлигидан, деб ҳисоблайди.

«Бобурнома»да XV аср ва XVI аср бошларида Фарғона водийсида, Тошкент ва унинг теваарак атрофида, Хўжанд, Самарқанд ва Ҳисор вилоятларида истикомат қилиб турган турк ва мўғул қавмлари, хусусан дулдой, кипчок, баҳрин, чарос, мўғул, барлос, минг, чўғроқ, манғит, ўтарчи ва Туркистон теваарагида кўчиб юрган қорақўйлук, баҳоргу қавмлари, уларнинг урф-одати ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар этнограф олимлар учун, хусусан ўзбек, қозоқ ва Марказий Осиёдаги бошқа туркий халқларнинг этник тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарда қарвон йўллари, Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Бадахшоннинг шаҳар ва мустаҳкамланган қишлоқлари, меъморий ёдгорликлари, ўша ерларда истикомат қилиб турган халқлар, уларнинг урф-одатлари ва машғулотлари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Бобур эсдаликларида ўзи босиб ўтган юртларнинг табиати, жуғрофияси, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотлар алоҳида ўрин тутати. Бобур темурийлар армияси ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовор.

Умуман олганда, «Бобурнома» серкира асар бўлиб, у нафақат тарихий, балки жуғрофия, ботаника, иқтисодиёт соҳаларида ҳам қимматли манбадир.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Буюк Британия, Ҳиндистон, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Унинг эски ўзбек тилидаги матни И.Н.Ильминский (1857), А.Бевереж (1905), С.Мирзаев ва П.Шамсиев (1960) томонидан чоп этилган. Асарнинг форсча (1583), инглизча (1826, 1921), французча (1871, 1986), усмонли туркча (1943—1946), русча (1958) наشري «Бобурнома»нинг энг яхши наشري ҳисобланади.

Амир Темур саройида муҳитни, у ердаги тартиб-қоидаларни ўрганишда Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиги» катта аҳамиятга эга. Клавихо Амир Темурнинг хотинлари, келинлари ва набираларини ҳам кўрган, унинг ўзи билан учрашган, саройдаги ҳаётни, жаннатмакон шаҳарни кўрган, кузатган. Шу сабабдан унинг «Кундалиги» Амир Темур давлати-



Дунёда энг яхши қогоз Самарқандда олинади. Самарқанднинг яна бир маҳсулотлари тўққизил баҳмалдир. Уни барча улка ва мамлакатларга юборадилар.

Заҳириддин Бобур



нинг ички ҳаётини, унинг Европа давлатлари билан олиб борган муносабатлари тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этди. Клавихонинг «Кундалиги»да Амир Темурнинг келиб чиқиши, унинг ота-боболари, Амир Темур ва авлоди тасарруфида бўлган халқлар ва мамлакатларнинг умумий аҳволи, уларнинг урф-одати ҳақида, шунингдек Соҳибқирон амри билан барпо қилинган ва ўша пайтда бунёд этилаётган маҳобатли қасрлар, масжиду мадрасалар, бозор расталари, боғлар ҳақида қимматли маълумотлар учратамиз.

Клавихонинг «Кундалиги» эски испан тилида 1582 йили Севилья (Испания)да босилиб чиққан, орадан икки аср ўтиб, уни 1779 йили Амироло, 1782 йили Антонио Санчо чоп эттирган. Булар орасида энг қимматлиси 1582 ва 1782 йиллардаги нашрлардир. Асарни 1943 йили Мадридда Ф.Лопес зарур изохлар билан қайта нашр қилди.

Клавихонинг мазкур асари рус тилига ҳам таржима қилиниб, 1881 йили Н.И.Срезневский, 1990 йилда эса И.С.Мирокова томонидан чоп этилди. Кейинги нашр мукаммал ҳисобланади.

Амир Темур даври тарихини тадқиқ этишда, айниқса, Олтин Ўрда, Туркия ва Болқон мамлакатларининг XIV аср сўнги чораги — XV аср бошларидаги сиёсий аҳволини ўрганишда бавариялик Иоганн Шильтбергернинг «Саёхатнома»си диққатга сазовордир. Бу асар XV—XIX асрларда Европа мамлакатларида шухрат топди. Шу давр мобайнида асар олти марта нашр этилди, шундан тўрттаси XV асрда, 1559 ва 1859 йилларда эса немис ва инглиз тилларида чоп этилди. И.Шильтбергер асарининг аҳамияти Катимер, Девизак, Сен-Мартин, Ҳаммер-Пургшталь каби бир гуруҳ европалик шарқшунос олимлар тарафидан эътироф этилди. И.Шильтбергер «Саёхатнома»сининг жиддий камчиликлари ҳам йўқ эмас. Буни ўз вақтида муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этган. У бундай деб ёзган: «Таъриф ва тавсифларим унчалик тўла эмас. Чунки асирликда бўлганим сабабли истаганимни ололмадим».

*Саййидлар, уламо, машо-
йих, оқилу донолар, муҳаддис-
лар, тарихчиларни сара, эъти-
борли одамлар ҳисоблаб, изза-
ту ҳурматларини ўрнига қўй-
дим. Шижоатли кишиларни
дўст тутардим, чунки Таггри
таоло жасур кишиларни ар-
доқлайди. Уламо билан суҳ-
батда бўлдим ва пок ниятли,
тоза қалбли кишиларга тал-
пундим, уларнинг ҳимматла-
ридан улуш тилаб, муборак
нафаслари билан дуо-фотиҳа
беришларини илтимос қилдим.*

«Темур тузуклари»

Асар билан синчиклаб танишиш шуни кўрсатадики, унда Кичик Осие, Болқон мамлакатлари ва Олтин Ўрданинг XIV аср 80—90-йиллардаги сиёсий аҳволи ҳақида муҳим далил ва маълумотлар мавжуд.

Асарнинг XIV—XXIV боблари Амир Темур ва унинг Эрон билан Озарбайжонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихига бағишланган. Хусусан, XXIV бобда бу ҳақда кўпроқ маълумот учратамиз.

Яна икки муҳим асар: «Муъизз ул-ансоб» («Ҳурматли кишиларнинг насабномаси») ва Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Хавофийнинг «Мужмали Фасихий» («Фасихий тўплами») хусусида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

«Муъизз ул-ансоб» тарихчи Рашидиддин (1247—1318)нинг «Шуъаби панжгона» асарининг қисқартирилган вариантыдир. «Муъизз ул-ансоб»нинг муаллифи юқорида тилга олинган Ҳофиз Абру деб фараз қилинади. Ҳофиз Абру «Шуъаби панжгона»дан араблар, ҳиндлар, хитойлар ва фарангийларнинг келиб чиқишига оид қисмини чиқариб ташлаган ва XIII—XIV асарларда Мовароуннахрни идора қилган Чигатойхон авлоди, Амир Темур ва Темурийлар шажарасини қўшган. Амир Темур ва темурийларнинг келиб чиқишини ўрганишда бу асар муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

«Муъизз ул-ансоб»нинг бизгача учта нусхаси етиб келган. Булардан биттаси Туркияда Тўпқоии сарой кутубхонасида 2152-рақами билан сақланади. У тўлиқ эмас, Бойсунгур Мирзо «Альбоми»дан олинган миниатюралари бор. Иккинчиси Париж миллий кутубхонасида сақланади (тартиб рақами OR 467; тўлиқ эмас). Ва, ниҳоят, Британия музейида сақланиб турган нусха (безакли, XVII аср). Америкалик таниқли шарқшунос олим Ж.Вудс шу нусха асосида Амир Темур ва унинг тўрт ўғли авлодининг шажарасини тузди ва китоб холида эълон қилди.

Фасих Аҳмад ибн Жалолиддин Хавофийнинг «Мужмали Фасихий» асари ўзига хос солнома бўлиб, «дунёнинг яратилиши»дан муаллифнинг замонигача Шарқ мамлакатларида, шунингдек Мовароуннахр билан Хуросонда бўлиб ўтган муҳим воқеалар, машҳур кишилар, олимлар, шоирлар, давлат арбоблари, рассомлар, бунёд этилган мухташам бинолар (масжид, мадраса, карвонсарой ва сув иншоотлари) ҳақида қимматли маълумот беради. Бўлиб ўтган воқеалар асарда йилма-йил кўрсатилган, бу хол ундан фойдаланишни бирмунча енгиллаштиради.

«Мужмали Фасихий»нинг матни 1961—1963 йилларда Эронда, унинг рус тилига қилинган таржимаси (фақат иккинчи қисми) Тошкентда 1980 йили чоп этилган.



Номаълум муаллифнинг «Дастурил амал» деб аталган, айтарли машхур бўлмаган асари ҳам диққатга лойиқдир. Чамаси, бу асар Мовароуннаҳрда 1714 йилда ёзилган. Унда Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг Бобур ва унинг ўғли Хумоюн замониғача бўлган қисқача тавсифини учратамиз.

Амир Темурга оид рус манбалари ўша даврда кам учраши табиийдир. Россия Амир Темур кўлга киритишга интилган жаҳоншумул савдо йўлларида четроқда турар эди. Амир Темурнинг салобатли номи аҳолисига етиб борган бўлса-да, бу ҳол асосан Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши юришлар билан боғлиқ эди, чунки Россия Олтин Ўрдага сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам эди (13).

Москвадагилар Амир Темурнинг Россия ерларига ичкарилаб кириб боришидан, Москвага юриш қилишидан хавфсирар эдилар. Рус солномаларида Амир Темур бевосита Москвага бормаган, деб ҳисобланади (14).

Айни пайтда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Амир Темур Москвага бориб, унинг ичкарисини ва ташқарисини олганлиги, у ердаги арбобларни асир қилганлиги ҳақида айтилади. Бунини Ғарб тарихнавислиги ҳам тан олади (Ж.Сартон, К.Э.Босворт, Б.Манц). Бу муаммога тўла аниқлик киритиш тарих фани олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади. Харҳолда рус тарихчиларининг Амир Темур Москвани ололмаган, чунки у Оканинг нариги қирғоғида турган Василий Дмитриевич бошчилигидаги рус кучларидан қўрққан, деган гаплари ҳақиқатдан жуда узокдир. Чунки у пайтда Амир Темурни қўрқита оладиган ёки чўчитадиган кучнинг ўзи йўқ эди. Демак, рус солномаларидаги Амир Темур ҳақидаги маълумотларда катта қусур бор ва улар ишонарли эмас.

Вақт ўтиши билан Амир Темур ҳақидаги оғзаки маълумотлар Россияга тарқала бошлаган. XV аср бошларида эски рус адабиётининг эртақ тусидаги қиссаси — ўзига хос ноёб ёдгорлиги юзага келди (15). Бошқа кўпгина ривоятлар, афсоналар, ҳикоятларда бўлгани каби, бу қиссада ҳам тўқиб чиқарилган воқеалар ва сеҳргарлик кучига соддадилларча ишонч ҳақиқий тарихдаги у ёки бу воқеалар билан ғаройиб тарзда чатишиб кетган.

Сохибқирон ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбаларнинг қисқача шарҳи мана шундан иборат. Мазкур манбаларнинг бениҳоя кўплиги ва хилма-

хиллиги Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги роли беқиёс эканлигидан ва унинг номи ғоят машхурлигидан далолат беради. Улуғ жаҳонгирнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишда унинг қаламига мансуб «Тузуки Темурий» («Темур тузуқлари») деб аталган асарнинг қиммати бениҳоя каттадир.

«Тузуки Темурий» (бошқа номлари: «Малфузоти Темурий» — «Темурнинг айтганлари» ва «Воқиоти Темурий» («Темур ҳақида хотиралар») ўзига хос тарихий асар бўлиб, унда Амир Темурнинг таржимаи холи ва унинг оғир, хавф-хатарларга тўлиқ фаолиятида юз берган воқеалар, йирик давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида шуҳрат топган бу шахснинг давлат ва армия тузилиши ҳамда уларни бошқариш хусусидаги фикр-мулоҳаза ва қарашлари ўз ифодасини топган.

Асар дастлаб эски ўзбек (чиғатой-туркий) тилида ёзилган бўлиб, шарқшунослар Н.Д.Миклухо-Маклай, Ч. Рёе, Х. Эте, Ч.А.Стори ва бошқа мутахассис олимларнинг сўзларига қараганда, унинг бир нусхаси XVII асргача Яман ҳукмдори Жаъфар подшонинг кутубхонасида сақланган (16). Асарга ёзган сўз бошисида «Тузуки Темурий»ни форс тилига таржима қилган Мир Абу Толиб ат-Турбатий Арабистоннинг муқаддас шаҳарлари — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара зиёратидан қайтишда Яманга тушиб ўтганлиги ва юқорида номи зикр этилган ҳукмдор — Жаъфар подшонинг кутубхонасида туркийча ёзилган бир асарни учратиб қолганлигини, асар билан танишув натижасида у Амир Темурнинг таржимаи холи бўлиб чиққанини айтади (17).

Лекин, афсуски, асарнинг асл (эски ўзбекча) нусхаси бизнинг замонамизгача етиб келмаган, балки бирон эски кутубхонанинг бир бурчагида ётгандир-у, биз ундан беҳабардирмиз. Шундай бўлса-да, бир нарсга ҳақиқат. «Тузуки Темурий» даставвал эски ўзбек тилида (туркийчада) ёзилган ва бунга Шарқ қўлёзмалари каталогларининг барча мусаннифлари гувоҳлик бериб турибдилар.

Ат-Турбатий Арабистондан қайтишда Аграда ҳукмдор Бобурий Шох Жаҳон (1628—1657)нинг хизмагига кирган ва ўшанда унинг илтимоси билан «Тузуки Темурий»ни эски ўзбекчадан форс тилига таржима қилиб, мазкур



Амир Темур қўлишида ўз ишининг усталари хизмат қилишган. Моҳир суворий елдай учиб бораётган от устида найза билан узукни илиб олар, отдан тушиб ва хандақ тўсиги ортига беркинган ҳолда таранг ёйдан отар, лашкарбошилар эса мураккаб вазиятлардаги ҳаракатларга ўргатилган эди.

Л. Н. Гумилёв



Ундан ташқари, ёзилган ҳар бир асар мусаввада (қоралама — муҳ.)лигида Соҳибқироннинг ўзига ва унинг саройидаги олимларга бир неча бор ўқиб бериларди. Ҳамманинг тасдиғидан ўтгандан кейингина асар кўчириш учун махсус котибларнинг кўлига тоширилларди. «Темур тузуклари» ҳам шундай текширишлардан ўтган, албатта.

Яна бир факт. «Темур тузуклари» жаҳонга машҳур асар. Унинг қўлёзма нусхалари дунёнинг деярли барча мамлакатлари (Ҳиндистон, Эрон, Англия, Дания, Франция, Германия, Арманистон, Ўзбекистон ва ҳ.к.)нинг кутубхоналарида мавжуд. Матни кўп марта тошбосма усулида чоп этилган. Инглиз, француз, форс, рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган.

«Темур тузуклари» Соҳибқироннинг таржимаи холи, ҳаёти, давлати ва қўшинининг ташкил топишини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб қолаверади.

Амир Темурнинг «Тузуклар» муаллифи эканлигига шубҳани В.В. Бартольд 1918 йилда чоп эттирган «Улугбек ва унинг даври» асарида билдирган эди. У, Амир Темурнинг расмий историографияси (тарихнавислиги)да Соҳибқироннинг 1360 йилгача бўлган ҳаётида рўй берган воқеалар хусусида ҳеч нима дейилмаслиги ва «Қазағоннинг ҳукмронлиги тўғрисида хикояларда Амир Темур ҳам, отаси Тарағай

ҳам тилга олинмаслиги» тўғрисидаги ўз сўзларини шарҳлар экан, жумладан, шундай ёзади: «Амир Темурнинг мавҳум таржимаи холи, маълумки, Амир Темурни ана ўша ҳикояларнинг ҳаммасига киритади, шунинг ўзиёқ мазкур асар қалбакилигининг энг яхши исботларидан биридир. Агар Амир Темур чиндан ҳам Қазағон жангларида қатнашганида расмий тарих бу ҳақда ёзган бўлур эди» (39).

Лекин В.В.Бартольд Амир Темур таржимаи холининг «қалбакилиги» тўғрисидаги ўз фикрини исботлаш учун, юқорида айтганларидан бўлак бирон-бир далил келтирмайди. У, шунингдек, Шарафуддин Али Яздий Амир Темур учун тузилган туркий шеърлар солномаси муаллифи тўғрисида келтирган маълумотларни ҳам асосламай шубҳа остига олади. Ўша муаллиф, кўп воқеалар, айниқса, фаолия-

тининг илк давридаги воқеалар, ходисалар Амир Темурнинг ўз хоҳишига кўра солномага киритилмаган, чунки уларга китобхонлар ишонмасди, ҳақиқатдан узоқ бўлиб туюларди, деб ёзади.

Амир Темурнинг ёшлигида бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни қандай мулоҳазалар асосида солномага киритишга розилик бермаганлиги тўғрисида биз ҳозир турли фараз ва гумонларга боришимиз мумкин. Лекин биз барча эътироф этган Шарафуддин Али Яздийдек тарихчининг айтганларига ишонмаслигимиз мумкин эмас (40).

Бундан ташқари, Бартольд, Амир Темур Қазағонга — Марказий Осиёнинг Иккидарё оралиғи ва Афғонистоннинг шимолӣ ярмини ўз ичига олган шундай йирик давлат ҳукмдорига қандай қилиб бунчалар яқин бўлиб қолганлиги, 1355 йилда ҳукмдор унга ўз неварасини турмушга берганлиги тўғрисида мутлақо ўйлаб кўрмайди. Агар Амир Темур Қазағон ҳаётлигида Мовароуннахрнинг йирик ҳарбий-сиёсий арбоби бўлмаган бўлса, нега энди у 1360 йил январида хон қароргоҳига улус ўша қисмининг ҳукмдори сифатида бир ўзи келди?

Бартольд бу саволларни ўзига онгли равишда, жўртгага бермайди, чунки агар уларга жавоб берса, Амир Темурнинг 1355—1360 йилларда Мовароуннахрнинг энг буюк арбобларидан бўлганлигини, «Тузуклар»нинг таржимаи хол қисмида берилган ўша даврларга оид воқеаларнинг қалбаки эмас, балки ҳақиқийлигини, тўғрилигини ўз-ўзидан эътироф этган бўларди.

Ана шундан кейин 1920 йилда инглиз шарқшуноси Э.Г.Браун В.В.Бартольдни рўқач қилиб, «Тузуклар»ни қалбаки деб атади (41), лекин, афсуски, у ҳам ҳеч бир далил-исбот келтирмайди.

Кейинчалик В.В.Бартольд ўзининг 1928 йилда чоп этилган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли асарида яна шу масалага қайтиб, Темур «Тузуклар»и қалбаки бўлиб, XVII асрда Ҳиндистонда битилган ва улар XV асрдаги Эрон учун мутлақ хос эмас» (42), деб ёзади. Мазкур асарида В.В.Бартольд Франция шарқшуноси Л.Бувени (43) ва рус шарқшуноси М.Никитскийни (44) улар Темур «Тузуклар»ини тарихий манбалар рўйхатига киритганлари учун танқид қилади. Бартольд бу ерда ҳам ўз фикрини исботламайди.

Орада анча вақт ўтгандан кейин инглиз шарқшуноси Ч.А.Стори В.В.Бартольд ва Э.Г.Брауннинг юқорида тилга олинган икки асарини дастак қилиб, «Тузуклар»га

Темურიёлар даврида фан ва шеърятга қизиқиш шу даражада катта эдики, Самарқандда қўлёзма кўчирувчи машҳур хаттотлар муваффақият билан ва баракали иш олиб бордилар. Хаттотлар ҳусни хат борасида бир-бирдан узишарди. Қўлёзмалар рассомлар чизган расмлар билан безатишган. Қўлёзмаларни кўчириш ва матнни нақш-лавҳа ҳамда миниатюралар билан безашда ҳукмдорлар ва сарой аъёнлари қўлаб буюртмалар беришарди. Самарқандда хаттотлик санъатининг ажойиб обидаларини қолдирган машҳур хаттотлар Абдурахмон Хоруший ва унинг икки ўғли яшаган.

Н. И. Леонов

тузилган туркий шеърлар солномаси муаллифи тўғрисида келтирган маълумотларни ҳам асосламай шубҳа остига олади. Ўша муаллиф, кўп воқеалар, айниқса, фаолия-



хам, «Таржимаи ҳол»га ҳам қалбаки асарлар сифатида қаралапти», деган.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, икки инглиз шарқшуносининг Амир Темурнинг «Тузуқлар» муаллифи эканлигига шубҳа билан қараши В.В.Бартольднинг асоссиз фикрларига асосланган (46). Ҳолбуки, Европа олимларининг асосий кўпчилиги Амир Темур «Тузуқлар» муаллифи эканлигига мутлақо шубҳа қилмайди.

В.В. Бартольднинг Марказий Осиё халқларининг ўрта аср тарихини ўрганиш, тадқиқ этишдаги катта хизматларини эътироф қилган ҳолда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, унинг айрим чекланган фикр-мулоҳазалари ўз давридаги ҳукмрон сиёсатга ҳамоҳанг айтилганлиги шубҳасиздир.

Бартольд фикрлари яна шунинг учун ҳам шубҳа тувдирадигани, у Шоҳ Жаҳонда нега «Тузуқлар»ни ўздан икки ярим аср аввал яшаган бобоси ёзган деб уқтиришга эҳтиёж туғилганини исботлашга уриниб ҳам кўрмайди. Шоҳ Жаҳонни бундай дейишга нима мажбур қилган, бундан у нима манфаат кўрди? Шоҳ Жаҳон аслида Ҳиндистондан бу қадар узоқда бўлган тарихий воқеани замон ва макон ўлчовида қандай қилиб тиклай олган? Мўътабар манбашунос ҳисобланмиш Бартольд «Тузуқлар»ни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилишга эҳтиёж кўрмай, сиёсийлаштирилган фикр билдириши ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган «Тузуқлар»нинг саккиз қўлёзмаси (38, 1503, 1989, 7783, 9386, 3717,

2730, 8201) таҳлили шуни кўрсатдики, матн форсча бўлишига қарамай, унда XVII асрга эмас, балки XV асрнинг биринчи ярмига хос туркий сўзлар кўплаб учрайди. Бундан ташқари, ҳарбий тарихчилар (жумладан, М.М.Иваниннинг) тадқиқотлари «Тузуқлар» Амир Темур даври учун ҳослигини кўрсатди.

Амир Темурнинг «Тузуқлар» муаллифи эканлиги ва асарнинг муҳимлигини эътироф этадиган олимлар кўпчилигини ташкил этади. Булар орасида «Темур тузуқлари»нинг инглизча таржимонлари ва ноширлари Дэви ва Уайтлар, машҳур турк қомусий олими Шамсуддин Сомий, қўлёзмаларнинг йирик тадқиқотчиси Н.Д. Миклухо-Маклайлар ҳам бор.

Шамсуддин Сомий ёзадики: «Темур «Тузуқот» номли қонунлар мажмуасини ёзган ва унда ўз таржимаи ҳолини баён этган... Чигатой тилида битилган бу асар форс ва Европа тилларига таржима қилинган». Машҳур венгр шарқшунос олими Г. Вамберининг мана бу сўзлари диққатга сазовордир: «(Унинг саройида) туркий тил ҳамма вақт расмий мақомни эгаллаб келди. Темурнинг ўзи соф ва жайдари туркий шевада ёзар эди. «Тузуқлар» фикримизнинг далилидир».

«Темур тузуқлари»ни ўша замонларда ёзилган бошқа тарихий асарлар билан, хусусан Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си билан солиштириб ўрганиб чиқарилган ҳулоса шуки, у Амир Темурнинг бевосита иштирокида ёзилган асл ва ноёб асардир.

Илмий изланишлар

Амир Темур ва унинг даври тарихига оид асосий манбалар шарҳидан сўнг илмий адабиётга мурожаат этмоқ керак. Бу мавзудаги илмий адабиёт йил сайин кўпайиб, жаҳон тарих адабиётининг муҳим бир тармовини ҳосил қилди.

Шундай бўлиши табиий эди, чунки Амир Темур ҳаётлик даврида нечоғлиқ машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин Шарқда ҳам, Фарбда ҳам янада шухрат қозонди. Унинг буюк, бетакрор ва ёрқин шахси, қудратли иродаси ва кенг қамровли, тобора илгарилаб боровчи ҳаракатлари ўз доврига таъсирини тобора кучайтириб, бир қатор мамлакатлар ва давлатлардаги миллион-миллион халқ оммасининг онги ва шуурига ўрнашиб қолди.

Амир Темурнинг давлат арбоби, ташкилотчи ва бунёдкор, сиёсатчи ва дипломат сифатидаги кўп қиррали таржимаи ҳолини унинг ички ва ташқи сиёсати доирасига кирган халқлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганишга дунё олимларининг қизиқиши ортиб бораётганлиги боиси ҳам мана шунда.

Жумладан, машҳур инглиз тарихчиси, қудратли Рим салтанатининг таназзулга учраб, барбод бўлишига бағишланган салмоқли асар муаллифи Эдвард Гиббон (1737–1794) Фарбий Европа ва Шарқнинг ўрта аср тарихини тасвирлаганда Амир Темур шахсига ҳам эътибор берди. «...Амир Темур дунёни забт этиб, унга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган эди...





Авлодлар хотирасида ҳурмат қозониш унинг олижаноб қалбининг иккинчи истаги эди... Унинг васиятлари (чамаси, «Темур тузуклари» назарда тутилаётган бўлса керак) Европага нотанишлигича қолди». Гиббон «Темурнинг оддий бекдан Осиё ҳукмдоригача кўтарилиши»га лол қолган эди (47).

Хейдельберг тарихчилар мактабининг намоёниси бўлмиш Фридрих Шлоссернинг (1776—1861) салмоқли «Ялпи тарих»ида ҳам Амир Темур номи учрайди. Шлоссернинг халқчиллик ва маънавий маърифатпарварлик руҳидаги асари дунёдаги кўпгина илғор жамоат арбобларининг эътиборини ўзига тортди (48).

Шлоссернинг сўзларига қараганда, Амир Темур — «омадли жангчи, дунёнинг янги ҳукмдори..., тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган зот».

Айни вақтда Шлоссер Амир Темур киёфасини тасвирлашдаги дабдабозликни рад этди ва сарой солномачилари хушомадгўйлигини қайд қилди. Шу билан бирга Шлоссер Амир Темурнинг сафарлардан Бухоро ва Самарқандга қайтиб келганида «ўзининг янги давлатига тузук ва қонунлар ҳада этганини» таъкидлади (49).

Машхур «Умумий тарих» муаллифи Георг Вебер таъкидлашча, «буюк саркарда, ҳукмдор ва қонуншунос истеъдодига эга бўлган Амир Темур турли билимларга кизиққан, олимлар ва санъаткорларга ҳомийлик қилган».

Шу нуқтаи назардан Вебер: Амир Темур «инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Боязид (Усманийлар салтанатининг султони)дан юқори турар эди», деган хулосага келди. Боязид фақат тиллолар ҳақида

ўйлаб ва давлатни идора қилиш ишини менсимай, уни очкўз, маишатпараст ва шухратпараст қозилар қўлига бериб қўйган эди, дея хулоса чиқарди (50).

Янги замоннинг бошқа кўпгина тарихчилари каби Гиббон, Шлоссер, Вебер ҳам (манбалардаги маълумотларга эргашиб) Амир Темур замонидagi ҳарбий юришлар шиддатли бўлганини қайд этдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида Петербургда хизмат қилган француз шарқшуноси М.Шармуа Амир Темурнинг 1391 йилдаги Тўхтамишга қарши юришини батафсил ёритувчи катта асар тайёрлаб, нашр қилди. Шармуа ўша пайт-

да Низомиддин Шомийнинг Францияда ҳали маълум бўлмаган китобидан ташқари, шу масалага оид бир қанча манбаларга таянди. Шармуа бу асарларни француз тилига таржима қилди (51). Шармуанинг китоби 1391 йилги юриш тарихини ўрганиш учун ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Кўпгина рус тарихчи олимлари, шу жумладан Т.М.Грановский (1813—1855) ҳам Амир Темур шахсига кизиқдилар.

Грановский «жаҳон тарихининг буюк арбоблари»дан бири бўлган Амир Темур «Хориб-чарчаш нималигини билмайдиган фаолият соҳиби» эканини тўғри таъкидлаб ўтди, бироқ айни вақтда Амир Темурнинг «муайян ва аниқ идрок этилган сиёсий мақсади бўлмаган эди», деган нотўғри фикрга борди, бу фикр Соҳибқирон таржимаи ҳолининг ҳақиқий воқеаларига мос келмас эди (52).

Таниқли рус тарихчиси С.М.Соловьев (1820—1879) ҳам Амир Темур шахсига эътибор билан қаради. Унинг таъкидлашча, Амир Темурнинг ҳарбий қўшинлари ўжар ва бетайин Тўхтамишга қарши курашда «Россия ҳудудларига кириб, Елецни ишғол қилди». Соловьев XIV аср ўргаларида тарих сахнасида пайдо бўлган Амир Темур «1371 йилда Каспий денгизидан Манжуриягача бўлган ерларни қўлга олганлиги»дан иборат унутилмас воқеани таъкидлаб ўтади (53). Унинг тан олишича, Амир Темур томонидан тор-мор этилган Олтин Ўрда узоқ вақтгача Москва князлигига хавф сола олмади...

М.И.Иванининг ўз замониси учун жуда муфассал, лекин эндиликда эскириб қолган асарини ҳам тилга олиш жоиз. У Амир Темур саркардалик санъати асосларини манбалар ва қўлланмалар асосида муфассал баён этишни мақсад қилиб олган эди (54).

Академик В.В.Бартольд илмий меросида Амир Темур ва ўша замон ҳақидаги маълумотлар жуда кўп. Бу маълумотлар уйғунликда каттагина билим хазинасини ташкил этади.

Амир Темур ҳақидаги адабиётда унинг шахсига хос кизиқувчанлик, олимларга, адабиёт ва санъат арбобларига ҳомийлик, шатранж ўйинига кизиқиш, ташқи ва ички сиёсат масалаларидан хабардорлик каби фазилатлар тез-тез таъкидлаб ўтилади. Соҳибқироннинг бу муҳим жиҳатлари В.В.Бартольд томонидан лўнда, аниқ ва ифодали тарзда акс эттирилган.

Умумий тарихга оид 37 та манбада номи келтирилган бир қимматли асар Улуғбекнинг мусикага қизиққанлигидан далолат беради. Унда ниҳоятда қизиқ маълумотлар келтирилади. Ушбу асарда Улуғбек мусикашунос ва кичик ҳамда катта: булужи, шодиёна, ахлоқий, усули равон, усули ноғораларида ижро этилган бошқа мусика асарининг муаллифи сифатида тасвирланган.

Б. А. Аҳмедов





«Темур, — деб ёзган эди В. В. Бартольд, — ўз она (туркий) тилидан ташқари форс тилида ҳам сўзлашар, олимлар билан суҳбатлашишни, айниқса тарихий асарларни ўқитиб тинглашни яхши кўрар эди; ўзининг тарих соҳасидаги билимлари билан муслмон тарихчиларининг энг буюги бўлмиш Ибн Халдунни хайратга солди; Амир Темур ўз жангчиларининг руҳини кўтариш учун тарихдаги шавкатли ва афсонавий қахрамонлар ҳақидаги ривоятлардан фойдаланарди... Темур ҳарбий кучлар ташкил этилишининг барча икир-чикирларини шахсан суриштириб турар, душманларнинг кучи ва улар ўлкасининг аҳволи ҳақида батафсил маълумот олар эди. Амир Темурнинг шахсан иштирокида бунёд этилган иморатлар ноёб бадиий дид билан бино қилингани сезилиб турибди...»

Олимнинг яна бир хулосаси диққатга моликдир: Амир Темур муслмон руҳонийларига нисбатан «аввало сиёсий мулоҳаза билан иш тутар эди. Амир Темур диндорларга сиртдан иззат-икром кўрсатар, диний мол-мулкни бошқаришга аралашмас... ўз фуқаролари дин ақидаларига риоя этишлари ҳақида ғамхўрлик қилар эди... Аммо ҳарбий қурилиш ва аҳолининг турмуши фақат қонунлар билан белгиланар эди» (55).

Амир Темур давлатда тартиб бўлиши ғояларини илгари сурганлигини, Мовароуннаҳр аҳолисининг фароғати учун шундай бўлиши зарур эканини ва бир-бирига душман бўлган майда ҳукмдорлар мавжудлиги шароитида бунга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблаганини ҳам Бартольд таъкидлаб ўтади.

Амир Темур «серғайрат қурувчи» бўлганини Бартольд бир неча бор таъкидлаб ўтди. У гўзал боғлар билан қуршалган мухташам бинолар бунёд этди, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклади, ариқ ва зовурлар қазирди ва уларни тузаттирди; расмий тарихдаги (Шарафуддин Али Яздий асаридаги) иборага кўра, у бирон-бир экин экиш мумкин бўлган ерларнинг бўш ётишига йўл қўймас эди. Матннинг руҳига қараганда, бу ўринда Бартольд айни Мовароуннаҳр ерларини назарда тутган бўлса керак. Аммо бошқа бир ўринда Бартольд «Темур ўзи туғилиб ўсган Мовароуннаҳрдагина эмас, Хуросонда ҳам, Муғон дашти ва Кобул ҳавзаси каби олис жойларда ҳам улкан суғориш иншоотлари қурдирганини» таъкидлаб ўтади (Шарафуддин Али Яздий ва Фиёсиддин Алининг асарларида ҳам шу фикр учрайди).

Амир Темур барпо этган салтанат унинг ворислари даврида унчалик узоқ давом этмаганлиги хусусида фикр юритилганда В.В.Бартольднинг сезгирлик билан қилган кузатуви диққатга сазовордир. В.В.Бартольд Шарқ турмуши фақат сулолалар тартибигагина боғлиқ, деган фикрни эскириб қолган ва нотўғри деб ҳисоблайди ва «Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам вайронгарчиликларга анча мураккаб баҳоналар сабаб бўлганлиги аллақачон аниқланган», деган фикрни билдиради.

Туркистондаги давлатчилик тарихи юзасидан В.В.Бартольд тузган ва шу вақтгача эълон қилинмай қолган матннинг Амир Темурга бағишланган учинчи қисми алоҳида аҳамиятга моликдир. Унда 1370 йилги қурултой, Темурнинг олиб борган урушлари ва уларнинг аҳамияти; мамлакат иқтисодий салоҳияти, маданияти ва санъатининг ривожланиши, савдо-сотик, алоқа йўллари ва суғориш иншоотлари ҳақидаги ғамхўрлик, мамлакатни идора қилиш соҳасида Амир Темур томонидан ривожлантирилган бошқарув усуллари; давлат ҳокимияти тузилмасида акс эттирилган ижтимоий шарт-шароитлар; руҳонийлар ва савдогарларнинг роли (деҳқон қатламлари) каби масалалар қамраб олинган.

А.Ю.Якубовскийнинг Амир Темурга бағишланган асари биринчи марта 1946 йилда босилиб чиқди (56). У Сохибқироннинг довюраклик, сахийлик, одамларнинг яхши хислатларини сезиш, ўзига керакли ёрдамчилар танлай олиш, раҳбарлик қила олиш каби фазилатларини алоҳида уқтириб ўтади. У Мовароуннаҳрнинг барча ҳукмдорлари орасида биринчи ва яккаю ягона ҳоким бўлиб олгач, айрим жойларда итоатсиз ва жангари ҳокимларга қарши курашни кучайтирди, «кўпгина шаҳарларнинг аҳолиси ва деҳқонлар, шунингдек, муслмон руҳонийларнинг намояндалари унинг бу ишини бажону дил қўллаб-қувватладилар».

Якубовскийнинг таъкидлашича, Амир Темур «катта миқёсда ҳукмдор сифатида савдо-сотикнинг фойдали эканини яхши тушунар», «дунё карвон савдоси йўлларида ҳукмронлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди». У Олтин Ўрдани узилкесил тор-мор этганида, шу ниятни кўзлаган эди.

Зўр ташкилотчилик истеъдодига ва букилмас иродага эга бўлган Амир Темур «том маънода ўз даврининг фарзанди эди». Амир Темур бепоён феодал салтанатни барпо этиш билан бирга уни майда ер-мулк-





ларга (суюрғол тизими) парчалаб ташлади. Факат Мовароуннахргина (Фарғонадан ташқари) бўлинмади, бу ерда маъмурий бирликлар (туманлар) сақланиб қолди.

Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди «икки соҳада: қўшин ташкилотчиси ва саркарда сифатида намоён бўлди».

Сиёсатчи сифатида Амир Темур айниқса амалий фойда келтириши мумкин бўлган билимларни кадрлар эди. Хукмдорнинг муслмон руҳонийлари билан дўстона муносабати унинг машхур бўлишига кўмаклашди.

А.Ю.Якубовскийнинг пировард хулосаси шундан иборатки, Марказий Осиёда Амир Темур фаолияти «кўпгина ижобий жиҳатларга эга эди. У феодал бошбошдоқликларни ва феодал парокандаликни тугатишга интилди, катта қурилиш ишлари олиб борди» (57).

А.Ю. Якубовскийнинг Амир Темур шахси ва фаолияти хусусидаги фикрлари, В.В.Бартольднинг қарашлари каби, замонамиздаги, шу жумладан, ғарбдаги «Темур тарихнавислиги»га каттагина таъсир ўтказди.

Бироқ А.Ю.Якубовский томонидан Амир Темурнинг Мовароуннахрдан хорижга юришлари «босқинчилик мақсадини кўзлар эди» деб баҳоланиши унинг XIV аср охири ва XV аср бошидаги Яқин ва Ўрта Шарқнинг ниҳоятда мураккаб ҳалқаро сиёсий вазияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаганлигидан далолат беради.

Таниқли шарқшунос А.Е.Снесаревнинг (1865—1937) Амир Темур ҳақидаги фикрлари ҳам тарихнавислик нуқтаи назаридан аҳамиятга моликдир. У европалик кўпгина тадқиқотчиларнинг ғарбдаги буюк ва машхур саркардалар (македониялик Александр, Ганнибал, Цезарь ва бошқалар)ни осийлик лашкарбошиларга қарама-қарши қўйиш йўлидаги бачкана уринишларига қарши қатъий норозилик билдирган эди.

А.Е.Снесарев Амир Темурнинг саркардалик, ташкилотчилик фаолиятини ўрганишга ғоят қизиқиб қараган йирик ҳарбий арбоб ҳам эди. У Европа тарихнавислиги намояндаларининг «Осиёнинг ҳақли равишда шухрат қозонган ҳарбий йўлбошчиларини камситиб», Амир Темур каби атоқли саркардаларни «мамлакатни шафқатсизларча вайрон этган», «қонхўр», «телбанамо» кимсалар қаторига қўшишларини ғаразғўйлик, ғайри илмий тарзда бирёқлама ёндашиш деб, қаттиқ қоралади. «Масаланинг тафсилотига берилмай, буни «ўтакетган англашилмовчилик ёки ноҳақ-

лик» деб ҳисоблашга ижозат бергайсиз», — деб ёзган эди А.Е.Снесарев.

У «мана шу буюк зотларга холисона ёндашиш йўлидаги уринишларни» табрикледи, «Европада ҳатто илмийликни даъво қилувчи матбуотнинг бу масаладаги нафратомуз руҳи»га йўл қўймасликка, «тарихий ҳақиқат» тамойилларига амал қилишга чақирди. Амир Темур ҳақида «тухматсиз ва тахқирсиз» холисона атрофлича фикр юритмоқ керак (58).

И.П.Петрушевскийнинг фикри ҳам эътиборга сазовор. Унинг фикрича, Амир Темурнинг ҳарбий юришларига «Европа — Осиё карвон йўллари устидан тўла назорат қилишни кўзловчи муайян иқтисодий режа» асос қилиб олинган эди. Эронни, Кавказорти ва Кичик Осиёни эгаллаб олиш характери ҳам шу режага киритилган эди, чунки карвон йўллари асосан шу мамлакатлар орқали ўтар эди (59).

Н.И.Конраднинг Амир Темурда Искандар (македониялик Александр) ва Кушон шоҳи Канишканинг руҳи намоён бўлди, деган фикри янглик эди. «Ҳа, янглишганим йўқ, — деб ёзди Н.И.Конрад, — айни Искандар ва Канишканинг руҳи — антик даврда эски дунёнинг марказий зонасида аниқ шаклланган ва ўрта асрларда зўр бериб гуркираб яшнаган чинакам жаҳоншумул ғоя Амир Темур кийёфасида яққол ифодаланди. Буюк Амир Темурнинг ўзи тушундими ёки тушунмадими, айтиш қийин, бироқ мазкур буюк ғоя туғилган ерда вояга етган Амир Темурда ва унинг ғояларида бу руҳнинг таъсири сезилмай қолмади» (60).

60-йиллар охирида И.М.Мўминовнинг Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг роли ва ўрни ҳақидаги рисоласи нашр этилиши жамоатчиликнинг бу мавзуга қизиқишини янада авж олдириб юборди (61). Айни пайтда ушбу асар шафқатсиз танқидга учради. И.М.Мўминовнинг тадқиқотчилик руҳи билан суғорилган рисоласи, умуман олганда, илмий-оммабоп тарзда ёзилган эди, унинг матни асосан Амир Темур ва унинг замонини ўрганишга оид маълум манбалар доирасидан чикмасди. Шу билан бирга муаллиф Амир Темурнинг Марказий Осиё тарихида майда феодал тузилмалар ўрнида марказлашган давлат барпо этишдаги хизматларини ҳаққоний ёритишга интилан эди. Унда Амир Темурнинг Марказий Осиёда катта давлат барпо этган сиёсий арбоб, бинокорликни ривожлантирган ва маданиятни кадрлаган инсон сифатидаги хизматлари ўз ифодасини топганди.

Асарнинг айни шу жиҳати танқидчиларнинг эътиборини тортди. И.М.Мўминов рисоласи «зарарли» асарлар жумласига кириб қолди.

П.Н.Федосеев, А.Н.Яковлев ва бошқа мансабдор шахсларнинг И.М.Мўминов рисоласига қарши шу руҳдаги мақолалари газета ва журналлар саҳифаларида пайдо бўлди. «История СССР» журналида тарихчи М.А.Абдураимовнинг рисола хусусидаги қораловчи мақоласи эълон қилинди (62).

Москвалик тарихчилар бу воқеа юзасидан Амир Темур ҳақида каттагина мақола эълон қилдилар. Бу мақола Кавказорти, Эрон ва Россиядаги феодализм муаммолари бўйича мутахассис А.П.Новосельцев номи билан чоп этилди. «Вопросы истории» журнаlining таҳририяти бу мақолани «Темурни идеаллаштиришга қарши» руқни остида эълон қилиш орқали унинг йўналишини олдиндан ошқора белгилаб қўйган эди (63).

Бу мақолада Амир Темурга истеъдодли саркарда, мохир ташкилотчи ва дипломат сифатида муносиб баҳо бериш билан бирга муаллиф Бартольд, айниқса, Якубовский билан баҳслашиб, улар маданият тарихига ва маданий алоқаларга катта аҳамият берганлар ва шу тариқа Темур шахсини идеаллаштиришга йўл қўйганлар, Якубовский эса, «Темур — яхши тадбиркор ҳукмдор эди» деган ҳаддан ташқари юқори баҳо берган, деб ҳисоблайди. Мақолада И.М.Мўминов Якубовскийга эргашиб, «Темурни идеаллаштиришни ниҳоясига етказди», деган хулоса чиқарилди.

И.М.Мўминов рисоласини кескин қоралаганлар орасида тарихчи М.Ф.Ваҳобов ҳам бор эди. Унинг сўзларига қараганда, у «Темур ҳақидаги китобча босилиб чиқиши биланок 1969 йил мартада уни «Марксизмга зид ва зарарли» асар деб атаган. Менинг вазифам марксизм-ленинизм назариясининг софлиги учун курашдан, Темур шахсини идеаллаштиришни фош қилишдан» иборат бўлди, — деб ёзди у. — Темур шахсини идеаллаштириш эса «ёшларнинг онгини захарлайди» ва «оммани коммунистик руҳда тарбиялашга катта зиён етказди» (64).

Тарихчиларнинг 1973 йил мартада Москвада чақирилган бутуниттифоқ кенгаши И.М.Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги рисоласи билан боғлиқ бўлган машаманинг якунловчи босқичи бўлди. Қабул қилинган қарорда шундай дейилган эди: «Бошқа асарларда Лениннинг тарихий жа-

раён концепциясини янгича талқин этишга уринишлар ва ўтмишни идеаллаштириш, айрим воқеаларга ва Темур каби шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекинишга йўл қўйилганлиги қоралансин» (65).

Сўнгги йилларда эълон қилинган асарлардан «Тамерлан» номли китобни кўрсатиб ўтиш лозим (66). Унда Амир Темур ҳақидаги манба ва асарлар баён этилган, унинг ҳақидаги турли маълумотлар ўзига хос жамлаб берилган. Шундай асарга эҳтиёж борлиги шак-шубҳасиз. Бироқ, китобга яқиндан назар ташланганда, унинг шошма-шошарлик ва ҳафсаласизлик билан тайёрланганлиги маълум бўлади. Бу каби қатор китобларда энг муҳим манбалардан мисол келтирилмайди, материаллар баёнида шажара тамойилига риоя этилмайди, манба матнларини эълон қилган таржимонларнинг номлари тилга олинмайди. Матнлар ўзбошимчалик билан ва ҳеч бир изохсиз қисқартирилишига ва ҳатто, уларга ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилади, матнлар шарҳланмайди, илмий аппарат буткул тушириб қолдирилади ва хоказо (67).

Хорижий илмий адабиётга келганда, Европа олимларининг Амир Темур шахси ва унинг фаолиятига қизиқиши бундан 400 йил аввал бошланган эди. Гап шундаки, 1553 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Перондино деган олимнинг «Скифиялик Тамерланнинг улдуғворлиги» асари босилиб чиқди. Бу Европа олимларининг Амир Темур ҳақидаги биринчи тадқиқоти эди.

Шу ўринда XVI—XIX асрларда француз маданиятида Амир Темур мавзуси тутган ўринга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори Винсеней Фурньо тадқиқотларига кўра, Францияда Амир Темурнинг тарихий шахси бўйича икки хил анъана мавжуд бўлган: катъий тарихий йўналиш манбаларни тадқиқ қилишга асосланиб, академик фан шуғулланадиган жиддий тарихий методологияга таянса, адабий афсоналарда у хаёлий персонаж сифатида намоён бўлади. Фурньо фикрича, Амир Темурда уни Марказий Осиё тарихидаги фавқуллодда ёрқин шахсга айлантирган қатор фазилатлар бўлиб, шулардан бири — унинг фатҳ этмаган ёки тасарруфига олмаган худудлардаги машҳурлигидир. Бунда гап Мар-

Бора-бора чуқур билимларга эга бўлиш ва уз устида мунтазам зўр бериб ишлаш натижасида Улуғбек қўлаб замондошларидан ўзиб, улкан зехнга эга бўлди. Шундай қилиб, асосан аجدодларининг — Марказий Осиё қадимги халқларининг маданий мероси Улуғбек учун маънавий озۇқа бўлди.

Т. Н. Қори-Ниёзий



казий Осиёдан анча йироқ (Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва, айниқса, Усмонлилар салтанати)даги маданиятлар ҳақида бормоқда. Фарб маданиятига, энг аввало, адабиёт ва мусиқа соҳаларига сингиган Амир Темур мавзуси ушбу жаҳоншумул шухратнинг энг буюк кўринишларидан биридир.

Француз маданияти турли фалсафий асотирларда, насрий ва шеърий асарларда, театр учун ёзилган пьесаларда, опера либреттоларида ушбу мавзуга катта ўрин ажратди. Бу ишлар тарихшунос олимларнинг илмий асарлари ёки уларнинг таржималари юзага келгунича ёхуд улар билан айна бир вақтда рўй берди. XVI аср бошидан бошлаб ва ундан кейин Мишель Монтеннинг (1533—1592) «Тажрибалар»ида ҳамда ҳозирги кунга қадар француз адабиётида Амир Темур мавзуси турли жанрлардаги асарларда бирон-бир фикрни тасдиқлаш, қийслаш ёки ўхшашликни топиш учун хизмат қиладиган ибратли образ шаклида воқеъ бўлади. XIX аср катта изоҳли луғатлари тасдиқлашчи, француз ёзма тилида у муҳим роль ўйнаган Марказий Осиёлик ягона тарихий шахсдирки, ҳатто унинг исми у ерда умумлашма сўзга айланиб кетган.

Амир Темурнинг яна бир фазилати шундан иборатки, у ҳаётлигидаёқ ўз давлати билан Фарб ўртасида алоқа ўрнатган. Ўша пайтда бу истисноли бир ҳодиса эди, чунки на ундан олдин, на ундан кейин ҳеч ким Фарбий Европа билан бундай бевосита алоқаларни ўрнатмаган. Инглиз сайёҳи Антони Женкинсон 1558 йилда Бухорога келган, бироқ унинг мақсади Россия бўлиб, сўнг Россия ҳукумати унга бундан 30 йил муқаддам Иван IV томонидан қабул қилинган Бухоро ва Хоразм элчилигига жавобан, Мовароуннаҳрга боришни қўшимча равишда топширган.

Айни маҳалда Людовик XIV нинг олисдаги ушбу ҳукмдорга йўлламоқчи бўлган, бироқ жўнатилмай қолиб кетган «Ўзбек қиролига икки мактуби» ҳам маълум.

Фурньонинг фикрича, Кастилия ва Франция билан элчилар айирбошланганлиги, Карл VI билан ёзишмалар олиб борилганлиги, Султония шаҳри руҳонийлари бошлиғи архиепископ Жаннинг Парижда бўлиши, шунингдек Руи Гонсалес де Клавихонинг саёҳати давлатлараро муносабатларда янги босқич бўлди

ва ундан архиепископ Жаннинг «Эсдаликлар»и ҳамда Клавихонинг йўл хотиралари сингари кўплаб ёзма ёдгорликлар қолди.

Шунингдек, кўплаб европаликларнинг бевосита шохидлиги асосида битилган, Амир Темурга тааллуқли бўлган асарларнинг юзага келишини Амир Темур давлати, Кастилия ва Франциянинг ўзаро манфаатдорлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу асарлар маршал Бусиконинг (1366—1421) хотиралари, Смирна яқинида Соҳибқирондан мағлуб бўлган Қуддуси шарифлик Авлиё Иоанн ордени аъзоларининг гувоҳликлари, Султон Боязид I томонидан 1396 йилда Никопол яқинидаги жангда асир олинган ва Амир Темур томонидан 1402 йилда Анкарадаги жангда зафар қозонилгач, озод этилган европалик аскарларнинг ҳикояларидир. Улар орасида И. Шильдбергернинг (1380—1440) ҳикояси машҳур бўлиб, унинг китобининг биринчи нашри 1460 йилда Аугсбургда чоп этилган. Бу китоб XV асрда тўрт марта, XVI асрда олти марта қайта нашр қилинган. XIX асрда немис, рус ва инглиз тилларида икки мартадан нашр қилинган.

Фурньо Марказий Осиё орқали Фарб томон турли даврларда ва турли шахслар томонидан амалга оширилган юришлар, кўпинча асоссиз равишда ҳамда Марказий Осиё ҳудуди ва унинг ортидаги ҳудудларни билмаслик оқибатида, Амир Темур номи билан боғлаб келинганини таассуф билан таъкидлайди.

Мишель Монтен, XVI асрдаги бошқа муаллифлар сингари, ўзининг «Тажрибалар» китобида Амир Темур ҳақида эслаб ўтади. Бу китоб 1571 йилдан 1592 йилгача бўлган давр ичида, яъни Соҳибқирон вафотидан сўнг 170 йил ўтгач, Францияда Марказий Осиё тўғрисида ҳеч нарса маълум бўлмаган вақтда ёзилган.

Монтенга қадар Жан Бодэн (1530—1596) ўз тадқиқотларида Боязидни асир олган Амир Темур ҳақида мақтаб ёзган. Гильом Постель (1520—1581) ҳам Усмонли турклар салтанати тўғрисидаги асарида «Буюк турк — Боязидни асир олган Темурланг»га кўпгина саҳифаларни бағишлаган.

«Тажрибалар» нашрларининг бирида ёзилишича, Амир Темурнинг европалик тадқиқотчилари, шу жумладан Монтен Соҳибқирон ҳақида маълумотларни византиялик тарихчи Лаоник Калкондилнинг «Юнон империясининг таназзули ва Турклар салтанатининг қарор топиш тарихи» асаридан олган. XV асрнинг иккинчи ярмида ёзилган бу асар 1583 йилда француз ти-

XVI асрнинг 80-йилларида қиролича шоири Кристофер Марло «Буюк Тамерлан» номи драмасини оқ шеърда ёзган эди. Шундан эътиборан буюк саркарданинг ҳаёти Европада афсонага айланиб кетган. Марло фойдаланган манбалар (Педро Мексика ва Педрос Перондинус) чинакам тарихдан кўра кўпроқ романтик тарих эди.

Хильда Хукхэм



лига таржима қилинган. Асар ўн жилддан иборат. 14 бобдан ташкил топган бир жилд бошдан-оёқ Амир Темурга бағишланган, унда Соҳибқироннинг исми Темур, Тамерлан, Тамбурлан сифатида келтириладики, бошқа муаллифларнинг асарларидан улар шундан фойдалангани кўринади.

XV асрдан бошлаб Ғарбий европалик олимлар ва сиёсий-диний арбобларнинг Шарққа бағишланган китобларида Амир Темур тарихи олдинги ўринга чиқади.

Масалан, Италияда катта тарихий ва шеърӣ асарни мерос қилиб қолдирган папа Пий I (папалик йиллари 1458–1464) Амир Темурга бутун бир бобни бағишлаган, бир неча саҳифада Скифия, Суғдиёна ва Бактрияни тавсифлаган.

Паоло Джовио (1483–1552), Пьетро Перондионинг (вафоти 1553) асарларида ҳам Амир Темур бош қахрамон сифатида намоён бўлади. Лекин Амир Темур ҳақидаги энг дастлабки тадқиқот Флоренция канцлери ва тарихшуноси Погжио Браччиолинига (1380–1459) тааллуқли бўлиб, сўнг Праго, Пий II (1405–1464), Камбини, Батиста Фрегазо (1454–1504) асарларида давом эттирилганди.

Француз тилида Амир Темур ҳақида маълумотлар Теодоро Спандужинининг «Буюк Турк шажараси» асарида юзага келади. Бу асар 1519 йилда Парижда чоп этилган. Швейцариялик ислоҳотчи Пьеро Вире Амир Темур образини 1561 йилда нашр қилинган асарларидан бирида кiritган. Соҳибқирон образини, шунингдек, Ортелиининг асарида ва Уйғониш даври бошқа асарларида ҳам учратиш мумкин.

Биобарин, Амир Темур XV–XVI асрларда Европада сиёсий доираларда (католик черкови ва ўша даврдаги энг қудратли мустабидлар орасида) машҳур бўлган, у ҳақда Пий II, 1513 йилда папа Лев X ва папа Клемент VII саройига келган Джовио, 1575 йилда испан қироли Филипп II нинг харитакаши бўлган географ Ортелий, Карл Vнинг муаррихи Педро Мексиялар ёзишган.

Бу асарларда Амир Темур айна вақтда воқеалар ва даврлардан ташқари турувчи ҳам мифик, ҳам реал шахс сифатида талқин қилинган.

Фурньо Амир Темур мавзуи Ғарбий Европада Клавихо ва Женкинсонларнинг сафарномалари эълон қилинмасидан, шунингдек Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий сингари тарихчиларнинг асарлари таржима қилинмасидан олдин тарихий ва

адабий мавзу сифатида мавжуд бўлган, деган хулосага келади. Бу даврни у 1500–1580 йиллар деб белгилайди.

1996 йил бошларида чет эл тадқиқотчиларининг Парижда эълон қилинган Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги тадқиқотлари библиографияси рўйхатига 450 дан ортиқ асар (68) киритилган эди. Ўшандан буён ўтган вақт мобайнида яна 50 дан зиёд тадқиқот мавжудлиги аниқланди.

Улар 33 мамлакатда – Англия, Австрия, Аргентина, АҚШ, Бельгия, Венгрия, Германия, Испания, Канада, Ливан, Малайзия, Миср, Португалия, Руминия, Сурия, Тайван, Туркия, Франция, Хитой, Чехия, Эрон, Япония ва Ҳиндистонда, шунингдек Арманистон, Гуржистон, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Қирғизистонда чоп этилган.

Амир Темур ва Темурийлар тўғрисида эълон қилинган илмий ишларни ўз хусусияти ва тарихий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Араб, форс, туркий тиллардаги, Кавказорти халқлари тилларидаги, Европа тилларидаги ёзма манбалар.
2. Амир Темурнинг бир қатор Европа давлатлари (Англия, Испания, Франция) бошлиқларига йўллаган мактублари ва уларга келган жавоб номалари.
3. Чоп этилган нумизматик манбалар.
4. Нашр қилинган эпиграфик манбалар.
5. Умумлашма тарздаги илмий тадқиқотлар.
6. Айрим йирик муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар.
7. Алоҳида масалалар бўйича тадқиқотлар.
8. Илмий-оммабоп нашрлар.

Бугунги кунга келиб Амир Темур ҳақидаги ўрта асрларга оид кўплаб ёзма манбалар Европа тилларида босилиб чиққан. Етакчи муаллифлар орасида Шарафуддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Хофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Аҳмад Фасихий ва бошқаларнинг асарлари бор. Шуни таъкидлаш керакки, таржималарнинг аксарияти эскирган. Чунончи, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари Петий де ла Круа гомонидан таржима қилиниб, Парижда 1722 йили нашр этилган. Бу таржимада кўпгина хатоликлар, ноаниқликлар, қисқартирма жойлар

*Ким менга дўстлик қилса
қадрладим, унутмадим ва унга
мурувват, эҳсон, иззату икром
кўрсатдим. Кимки менинг
хизматимни қилса, хизмат
ҳақини адо этдим. Кимки менга
душманлик қилса-ю, кейин
пушаймон бўлиб, илтижо билан
ҳимоя истаб, тиз чўкиб
ҳузуримга келса, душманлигини
унутиб, мурувват ва дўстлик
кўрсатдим.*

«Темур тузуклари»



бор, лекин тузатилган янги таржимаси ҳамон йўқ.

Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» асарини Р.Вотье француз тилига таржима қилиб, 1658 йили Парижда чоп эттирган. Абдураззоқ Самарқандийнинг Е.Катрмер таржимасидаги «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари 1843 йили Парижда босилиб чиқди. Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарининг Феликс Тауэр томонидан қилинган мумтоз таржимаси эса изоҳи билан Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асари қўшилган ҳолда Прагада 1937 ва 1953 йилларда икки жилдда нашр этилди.

Ўрта аср Шарқ қўлёзма манбалари бўйича инглиз олимлари бирмунча камрок, лекин анча сифатли асарлар нашр қилдиришган. Чунончи, 1887—1888 йилларда Калькуттада Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг танқидий матни икки жилдда босилиб чиқди, биз улардан хануз фойдаланиб келамиз.

Ж.Сандерс 1936 йили Ибн Арабшоҳ асарини биринчи марта инглиз тилида нашр эттирди. Америкада 1956 йили Ибн Халдуннинг «Чингизхон ва татарлар тарихи бўйича манбалар» асари чоп этилди. 1954 йили эса Ибн Тағрибердининг «Миср тарихи» (1382—1411) асари таржима қилиндики, унда Амир Темурнинг мамлук султони билан ўзаро алоқаларига қатта ўрин берилган. Ниҳоят, 1988 йили В.Такстон Кембрижда (АҚШ) «Шаҳзодалар юз йиллиги: Темурийлар тарихи ва санъатига оид манбалар» номли китоб чоп эттирди.

Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор Европа олимлари бутун манбани тўлиқ эмас, балки у ёки бу асардан муҳим тарихий муаммога бағишланган парчаларгина эълон қилишган.

Хинд олими К.М.Майтра 1943 йили Лоҳурда «Форс манбалари Хитойда. Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асаридан парчалар» номли китобини (асар Нью-Йоркда 1970 йили таржима қилинган) нашр этди. Бу ўринда муҳим илмий муаммоларни нотўғри шарҳлашга олиб келувчи кўпгина Фарб олимларига хос айрим терминологик жиҳатлар хусусида тўхталиб ўтиш зарур кўринади. Масалан, Амир Темур ва Темурийлар давлатидан жўнатилган барча элчиларни зўр бериб форслар деб аташади, ҳолбуки, аслида, мутлақо бундай эмас. Ёки Амир Темур ва Темурийлар Хитой императори саройига юборган совғаларни ўлпон деб аташади. Бу мутлақо нотўғри. Ахир

Шарқнинг қудратли ҳукмдори Хитой императорига ўлпон тўлаши ақлданми?

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги» (1403—1406) асари Европа тилларида (испан, инглиз, француз) босилиб чиққан ёзма манбалар орасида биринчи ўринда туради, албатта. Бу асарни биринчи марта Гонсал Арготе де Молина Мадридда нашр эттирган. 1582 йилдан то профессор Л.Керэн сўнгги таржимани кенг изоҳлар билан эълон қилган 1990 йилгача «Кундалик»нинг жами 10 та таржимаси, шу жумладан Аргентинада, 1958 йили эса форс тилидаги таржимаси босилиб чиқди.

Бавариялик немис рицари Иоанн Шильтбергернинг мактублари инглиз (1879) ва немис (1859) тилларида босилиб чиқди. Уларда Амир Темурнинг турк султони Боязидга қарши жангига оид кизиқарли маълумотлар берилган.

Агар юқорида тилга олинган манбалар анчагина маълум бўлса, Италиянинг католик руҳонийси Бертрано де Мигнанеллининг «Темурланг ҳаёти» асари бизнинг олимларимизга мутлақо номаълум эди. Асар 1415 йили лотин тилида ёзилган бўлиб, унинг 1400—1401 йилларда Дамашқнинг олинишига бағишланган парчасини 1956 йилдагина Вальтер Фишер инглиз тилида нашр эттирди.

Асосан Амир Темур ва Темурийларнинг Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой билан дипломатик ва савдо соҳасидаги ўзаро алоқаларига бағишланган ва бизнинг олимларимиз жуда кам фойдаланадиган Хитой ёзма манбалари ниҳоятда кизиқарлидир. Булар ҳатлар, расмий ҳужжатлар, элчиларнинг ҳисоботларидир. Улар орасида Темурийлар давлатида 1395 йилдан 1407 йилгача ўн икки йил бўлган Хитойнинг биринчи элчиси Фу Аннинг Амир Темурга ҳисоботи, айниқса Мин сулоласи ҳукмронлиги давридаги Хитой элчиси Чен Ченнинг Шохрухга ҳисоботи алоҳида ажралиб туради.

Чен Ченнинг Марказий Осиё тўғрисидаги кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлган ҳисоботи узок вақт йўқолган деб келинади. 1930 йилдагина у хусусий коллекцияда топилиб, Тайбейда нашр этилган. Чен Чен ҳисоботининг Хиротга бағишланган қисми Б.Панкратов томонидан рус тилига таржима қилинган. Чен Чен Хиротдан ташқари, Марказий Осиёнинг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Кеш ва Термизда бўлиб, уларнинг хар бирига таъриф берган.



Чет эл тадқиқотчилари Амир Темур ва Темурийларнинг Хитой билан ўзаро алоқаларига катта эътибор берадилар. Мазкур муаммога бағишлаб кўплаб илмий тадқиқотлар нашр эттирилди, улар орасида Бельгия олими Х.Сервуснинг Брюсселда 1967 йили нашр этилган «Хитойшунослик ва буддизм» тўпламига кирган «Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида Син-Мўғул муносабатлари. Яйни тизими ва дипломатик муносабатлар» (1400—1600) мумтоз асари, шунингдек америкалик олимлар Г.Гудрини ва Морис Россати ҳамда япон олими Кадзуо Еноки асарлари алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Кадзуо Еноки Фу Аннинг ҳамма ҳисоботларини инглиз тилида нашр эттирган, ҳозирги кунда унинг рус тилига таржимаси тайёрланган. Бу муаммога бағишланган энг сўнги тадқиқот 1993 йили Лондонда Кириллик Осиеё жамияти журналида Хитойнинг Хиротдаги дипломати (Чен Чен) тўғрисида мақола чоп эттирган Флий Хекер қаламига мансуб.

Европа ва Осиеёда, биринчи навбатда япон тадқиқотчилари томонидан Амир Темур ва темурийлар тўғрисида кўплаб монография ва мақолалар ёзилиб, нашр этилган. Уларда Амир Темурнинг давлат ижтимоий-сиёсий қурилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маъмурий тизим, ҳарбий юришлар, дипломатия, дин, фан, маданият, санъат соҳасидаги кўп қиррали фаолияти ёритилган. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жаҳон шарқшунослигида мустақил илмий йўналиш — «Темуршунослик» шаклланди.

Умумлаштирувчи асарлар орасида Франция олимлари Р.Груссенинг «Жаҳон забткори» (Париж, 1953) ва «Саҳролар салтанати» (Париж, 1980), Л.Керэннинг «Темурланг» (Невшатель, 1978), унинг тўлдирилган наشري (Париж, 1980), Ле Рунинг «Темурланг» (Париж, 1991), инглиз тадқиқотчилари Е.Россинг «Темурланг ва Боязид 1402 йилда» (Лондон, 1940), Х.Хукхэмнинг «Темурланг истилочи» (Лондон, 1962), америкалик олимлар Л.Комаровнинг «Олтин гардиш. Темурийлар Эрони металлидан тайёрланган буюмлар» (Кости Месса ва Нью-Йорк, 1992), Ф.Манцнинг «Темурлангнинг вужудга келиши ва ҳукмдорлиги» (Кембриж, 1990), канадалик тадқиқотчи Г.Голомбекнинг икки жилдли «Эрон ва Туроннинг темурийлар меъморлиги» (Принсетти, 1988), румин олими Александреску Дергнинг «Темурнинг 1402 йилда Анатолияга юриши»

(Бухарест, 1942) асарларини ва бошқа кўплаб монографияларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ғарбий Европа, Америка ва Осиеёда (Япония, Эрон, Туркия) нашр қилинган айрим мақолаларда ҳам Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятининг ғоят муҳим муаммолари таҳлил этилган.

Япон олимлари Кадзуо Енокининг Мин сулоласи давридаги Хитойнинг Амир Темур ҳамда темурийлар билан ўзаро дипломатик муносабатларига бағишланган асарлари, Ендзи Манунинг «Амир Темур Гурагоний. Темурийлар генеалогияси», Гори Хансдининг «Темур ва император Юн-Ле», Хироши Ватанабенинг «Мин даврида мусулмон мамлакатларидан келган элчилар ва хирож тўловчилар миссияси рўйхати» асарларига қизиқиш катта.

Америкалик олим Морис Россати бу давр тўғрисида кўплаб мақолалар эълон қилган.

Жумладан, «Чен Хо ва Темур: уларнинг ўзаро муносабатлари» мақоласи унинг қаламига мансуб бўлиб, унда Тайбей олими Шу-у-хунинг XV аср бошларида Жануби-шарқий Осиеё ва Ҳиндистон атрофларига тўрт марта денгиз экспедицияси уюштирган ва ҳатто Ҳурмуз бўғозига етиб борган машҳур адмирал, ҳарам оғаси Чен-хо тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилади.

Асари 1958 йилда эълон қилинган Тайбей олимнинг фикрича, бу экспедициялар Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Ҳинд давлатларининг Амир Темурга қарши ҳарбий иттифоқини тузиш мақсадида амалга оширилган. Бу фикрни Вольфрам Эберхарт ва Морис Россати ҳам қўллаб-қувватлаган.

Бизни қизиқтирувчи давр бўйича бошқирд олими Закий Валидий Тўғон ҳам қатор мақолалар ёзган. Улар орасида, жумладан, АҚШдаги Украина санъати ва фани академияси асарларида чоп этилган «Темурнинг ғарбга нисбатан сиёсати» ва «Темурнинг 1395 йилда Украина ва Шимолий Кавказга юриши» мақолалари диққатга сазовор.

Шунингдек, Кембрижда нашр этилган, Эрон тарихига бағишланган, атоқли темуршунос олимлар томонидан ёзилган Амир Темур ва Темурийлар тарихи ҳамда маданиятининг кўпгина масалаларини акс эттирувчи мақолаларни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Француз олимларининг ўша давр тўғрисидаги тадқиқотлари кейинги вақтларда фанда катта ва муҳим ўрин тутмоқда.



Амир Темур кўп вақтини шатранж ўйини устида ўтказган. У ўз даврининг машҳур шатранжчилари билан бемалол беллаша олган.

Хильда Хукхэм



Люсьен Керэн ва Фредерик Брессандлар фаолияти туфайли Парижда дунёда ягона махсус «Темурийлар» журнали нашр этилмокда. Ҳозирча унинг 15 та сони босмадан чиқди.

Хуллас, Амир Темур тарихнавислиги босиб ўтган йўлга фикран назар ташлаб, шуни қайд этиш мумкинки, жаҳон тарих адабиётида замонлар ўтиши билан Амир Темур шахсини бирёклама, тор ва бир хил тарзда талқин этишдан иборат дастлабки кўникмалардан уни чуқур, кенг ва ҳарёклама идрок этишга аста-секин ўтиш тадрижи содир бўлди. «Темур — атоқли (буюк, шавкатли, истеъдодли ва ҳоказо) истилочи саркарда» деган биргина ибора, биргина тавсиф билан чекланиш нотўғри эканлиги тобора равшанланиб борди. Зеро, Амир Темур юксак иқтидорли, табиатан донишманд, буюк давлат арбоби, башоратли ва иродали сиёсатчи, ўткир зехнли дипломат, Марказий Осиёда марказлашган кучли давлатнинг мохир ташкилотчиси, ҳукмдори ва бунёдкори сифатларини ўз қиёфасида узвий равишда мужассамлаштирувчи шахс сифатида тарихдан муносиб ўрин олган.

Амир Темурга оид тарихнависликнинг юқорида кўрсатиб ўтилган энг муҳим мисоллари бу фикрни тасдиқлайди. Амир Темур ва унинг замони тарихига бағишланган асарларнинг ҳозирги замон муаллифлари ўрганилаётган муаммонинг турли жиҳатлари хусусида ҳар хил фикрлар айтаётганликлари табиий. Бироқ, қандай бўлмасин, тарих фанида жаҳон тарихининг энг буюк сиймоларидан бўлмиш Амир Темурнинг кўпқиррали жўшқин фаолиятининг барча жиҳатларини, ҳамма хусусиятларини тўла-тўқис ва атрофлича ёритишга интилиш кучайиб бораётганлиги кўриниб турибди.

Ўзбекистонда Амир Темур тарихини ўрганиш шўролар даврининг сўнгги, «ошкоралик» йилларида бошланди. Айниқса, мустақиллик йилларида Амир Темур, Улугбек юбилейлари муносабати билан А.Ўрибоев, А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов, Т.Файзиев, О.Бўриев ва бошқалар Амир Темур тарихига оид ёзма манбаларни ўзбек тилига таржима қилишди ва қатор илмий тадқиқотлар ҳамда оммабоп асарлар эълон қилишди. (Адабиётлар рўйхатига қаранг.)

Амир Темур сиймоси халқ ижодида

Амир Темур каби улуг зотнинг шахси билан боғлиқ афсона, ривоят, хикоятлар кўплаб тўқилиши мутлақо табиийдир.

Шу мавзудаги барча маълумотларни тўплаш киройи мақбул иш бўлур эди. Бундай тўплам Амир Темур таржимаи ҳолидаги қандай фазилатлар ва воқеалар халқ хотирасида узоқ вақтгача мустаҳкам ўрнашиб қолганини тасаввур этиш имконини беради.

Бу ўринда айрим мисоллар билангина чекланамиз. Амир Темур мўғул халқлари эпосида тез-тез учрайдиган персонаж деса бўлади. Қозоқлар, қорақалпоқлар, кўчманчи ўзбеклар, ноғойлар, туркманлар, Қрим дашти ва Жанубий Сибирда яшовчи туркий халқлар орасида кенг тарқалган «Идига тўғрисида эртақ»ни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Бу шеърий асар Амир Темур билан Тўхтамишнинг ўзаро кураши билан боғлиқ ҳақиқий воқеалар яққол акс этган (69) ва бу эпос ўша арбоблар «хаётлик давридаёқ» тўқила бошлаган (70).

Мирзо Румузнинг «Темур ҳақида китоб» (ёки «Бахтиёр Амир Темур Гурагоний тарихи») 1712 йилда ёзиб тамомланган.

Аввалги муаллифларнинг бир қанча тарихий асарлари асосида тузилган мазкур йиғма асар кўпгина афсонавий ва ривоят тусидаги, халқ оғзаки ижоди тарзидаги маълумотларни қамраши билан диққатга сазовордир (71).

Абдурахмон Сиротнинг XVIII аср бошларида дунёга келган, Амир Темурнинг туғилишидан вафотигача бўлган тарихини ўз ичига олган «Беҳисоб хазина» асарига алоҳида эътибор бермоқ керак. Унда тарихий манбалар билан халқ оғзаки ижодидаги афсонавий маълумотларнинг чамбарчас боғланиб кетиши кўзга яққол ташланади. Амир Темурнинг исмоилий шоир ва тарғиботчи Носири Хусрав (1078 йилда вафот этган) билан муносабатлари ва кураши, Дашти Қипчоққа ва Русияга юриши, шундан кейин Русиядан Шохрух ҳукмронлиги давригача келиб турган ўлпонлар ва ҳоказолар ҳақидаги хикоятлар ривоят эканлиги очиқ равшан (72). Шарқшунос В.А.Жуковский шу асардан Амир Темур ҳақидаги афсоналарнинг бирини таржима қилган (73).

XIX аср рўйхатларида номи ноаниқ муаллифнинг эски ўзбек тилидаги асари — «Амир Темур ҳақидаги ҳикоядан парча» ҳам мавжуд бўлиб, унга Амир Темур ҳақидаги халқ ривоятлари ва ҳикоятлари асос қилиб олинган.

Арабларнинг «Сирот Аби Зайд» халқ эпосида Амир Темур араб қабилаларидан бири олиб борган афсонавий жанрлардаги персонажлар орасида тилга олинади.

Баъзан Амир Темур шартли персонаж ва аллегория тарзида намоён бўлади. Масалан, замонавий араб мумтоз адабиётининг намояндаси Махмуд Таймур ўзининг ҳаёлий сатирасида (1946) Амир Темурни (Антоний ва Клеопатра сингари) замонамизда мисрлик пацифистлар ғоясининг асосчилиги хусусидаги баҳсларда қатнашувчи нариги дунё одами сифатида шартли тасвирлайди (74).

Халқимиз аввалги замонлардаги барча азим қурилишларни Амир Темур номи билан боғлаши эса халқнинг Амир Темур ҳақидаги хотираси боқий эканлигини билдиради (75).

Журналист Е.Марковнинг Марказий Осиё бўйлаб сафари шоҳидлиги ҳам диққатга сазовор. У Марказий Осиёдаги турли даврларга мансуб қайси меъморий ёдгорликни (мачит, мазор, карвонсарой, мадраса, сардоба ва шу қабиларни) кўздан

кечирмасин, маҳаллий аҳоли уларни албатта Амир Темурнинг бинокорлик фаолияти билан боғлайди. Шу сабабли у ўз эсдаликларида Амир Темурни «Марказий Осиё халқлари назаридаги суюкли қаҳрамон ва энг буюк подшоҳ» деб тилга олади. Алаут дарасида («Темур дарвозаси»да) қояга ёзилган машҳур ёзувларда Марков «Мана шу тоғларни Темур ўз қўллари билан нари сурган» деган афсонани ўқиди, энг катта сардобалардан бирини кўздан кечириш вақтида Марковнинг ҳамроҳи унга: «Сардоба — Қудук Сув! Темур қурган..., туяларни, отларни суғорган, одамларни, бутун дунёни суғорган», деб айтган (76).

Шу ўринда Амир Темурнинг Самарқанддаги кутубхонаси тақдири билан боғлиқ масала шу пайтгача вақти-вақти билан кўтарилиб келаётганини эслатиб ўтмоқчимиз. Бу кутубхона Амир Темур амри билан, шу жумладан Арманистон, Сурия ва бошқа мамлакатлардан келтирилган «юнонча, римча, арабча ва арманча» нодир ва қимматбаҳо қўлёзмалардан бунёдга келтирилган эди. Бу ҳақдаги маълумотлар ўша замон ривоятларидан шу пайтгача етиб келган. Ҳар ҳолда, ҳозиргача бу кутубхонанинг изи топилгани йўқ. Г.Вамбери (77), А.Л.Кун (78) ва бошқа шарқшуносларнинг бу борадаги барча уринишлари зое кетди (79).



Амир Темур тимсоли бадиий адабиёт ва санъатда

Амир Темур каби яққол ва салобатли шахс бадиий адабиёт (шу жумладан, бадиий публицистика) ва санъат намояндаси, ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, мусиқачилар ва бошқаларнинг эътиборини тортмай қолмас эди.

Шу соҳадан олинган баъзи бир маълумотларнинг ўзи ҳам қифоя.

Бадиий адабиёт. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларида Амир Темур номи илм-фан, маданият, санъат аҳллари ҳомийси сифатида кўп марта тилга олинади. Шунингдек буюк шоир «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида мавлоно Лutfий тарихчи Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»си асосида туркий тилда Соҳибқирон ҳақида дoston ёзгани ҳақида маълумот беради. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган, Аммо ўтмишда тур-

кий ва форсий тилларда Соҳибқирон сиймоси акс эттирилган бошқа бир қанча бадиий асарлар ҳам яратилган. Шулардан бири улўф шоир Абдурахмон Жомийнинг жияни Хотифийнинг (вафоти 1521 й.) «Темурнома» дostonидир. Мазкур асар «Зафарномаи Темурий» деб ҳам аталади.

Хуросондаги Жом вилоятининг Харжирд қишлоғида туғилган Абдуллоҳ Хотифий кўп йиллар Хиротда яшаб, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий атрофидаги Хирот адабий муҳитидаги шоирлардан бири бўлган. Хотифийнинг улўф мусаввир Камолиддин Бехзод томонидан ишланган сурати бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Абдуллоҳ Хотифийда Низомий Ганжавий, Хисрав Дехлавий каби улўф шоирлар

Амир Темур... ўзининг ноёб қобилиятлари, фаолияти ва ўз иззатини билиши тўғрисида бағоят омадли эди.

Хильда Хукхэм



«Хамса»ларига пайрав тарзида форс тилида «Хамса» яратиш нияти туғилади ва тоғаси Абдурахмон Жомийнинг фотиҳасини олади. Айни шу даврда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам «Хамса» ёзаётган эдилар.

Абдуллоҳ Хотифий даставвал «Лайли ва Мажнун», «Ширин ва Хисрав», «Хафт манзар» каби дostonларни ёзади. Аммо навбатдаги дoston «Искандарнома» ўрнига у Амир Темур ҳақида бир назмий асар ёзишга қарор қилади. Бу хамсанависликда янгилик эди. Бу ҳолнинг сабабини муаллиф: «Мен рўзгор саҳифасида Искандардан қолган бирон ёдгорликни кўрмадим. Дўстларим менга Искандар ҳақида афсона сўзлагандан кўра, ҳақиқий ғалабалар ҳақидаги «Зафарнома»ни назм ишига тилишни маслаҳат беришди», — деб изоҳлайди. «Ширин ва Хисрав» дostonини шоир Алишер Навоийга бағишлаган бўлса, «Темурнома»ни Султон Хусайн Бойқарога бағишлайди. Номаълум сабабларга кўра Хотифий «Хамса»сининг бешинчи дostonи ёзилмай қолган. Аммо унинг ёзиб тугатилган тўрт дostonи Шарқ адабиёти тарихида муносиб ўрнига эга. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Абдуллоҳ Хотифий ҳақида «Шеъри эл орасида бағоят машхур» деган ва шоирнинг, айниқса, жанг манзараларини зўр маҳорат билан тасвирлаганини қайд этган. Хотифий дostonларидан энг кўп кўчирилгани ва ўтмишда севиб ўқилгани «Темурнома»дир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида мазкур дostonнинг йигирмадан ошиқ кўлёзма нусхаси сақланади. Булардан 2102-рақамли нусха Эрон шоҳи Аббос (1587–1629) даврида яшаган машхур хаттот ва мусаввир Али Ризо Котиб томонидан кўчирилган. Китобни асар мазмунига кўра ишланган олти донна нафис миниатюра безаб туради.

Соҳибқироннинг аждодлари туркий эканлиги таъкидланади. Масалан, унинг отаси амир Тарағай ҳақида «Ки буд аз нажоди салотини турк», яъни «у турк султонлари наслдан эди», — дейилган. Навбатдаги боблар Амир Темурнинг Амир Хусайн билан низолашиши ва уни мағлуб қилиб, тахтга ўтириши ҳақидадир. Дostonнинг қатга қисми Амир Темур ҳукмронлиги даврига бағишланган. Асарда, айниқса, Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари муфассал тасвирланган. Жумладан, Соҳибқироннинг Хоразмга юришлари, амирзода Жаҳонгирнинг Хоразм маликасига уйлани-

ши, Хуросон ва Эроннинг забт этилиши, Дашти Қипчоққа юриш ва Тўхтамишхон билан бўлган муҳорабалар, Боязид билан уруш ва унинг асир олинishi каби воқеалар дostonда зўр бадиий маҳорат билан акс эттирилган. Муаллиф Амир Темур сиймосини бирламчи манбаларга таянган ҳолда холисона тасвирлашга интилади. Соҳибқироннинг Тўхтамишхон ва Боязидни инсофга чақириб ва сулҳга ундаб ёзган мактубларида буюк давлат арбобига хос бўлган оқиллик, мулоҳазакорлик, ўзининг ва душманнинг куч-қудрати ва имкониятларига етарли баҳо бериш каби ҳислатлар яққол кўриниб туради. Ҳазрат асир олинган Боязидга шоҳона иззат-икром кўрсатади.

Дoston Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги бобдан сўнг қисқача хотима билан тугайди. Хотимада муаллиф агар Фирдавсий қадимги Эрон шоҳлари, бошқа шоирлар Искандар Зулқарнайн ҳақида ёзган бўлсалар, мен подишоҳларнинг энг улуғи ҳақида дoston ёздим, дея ифтихор қилади.

Асл манбаларга асосланган, қарийб олти ярим минг байтдан иборат «Темурнома» дostonи бадиий асар бўлиши билан бирга, тарихий манба сифатида ҳам хизмат қилади.

Амир Темурнинг бадиий образи Фарбий Европада кўп асрлардан буён яратиб келинган. Италиялик ёзувчи Бертрано Мигнанелли (1370–1455) Амир Темур ҳақидаги китобини («Дамашқ вайроналари») бўлиб ўтган воқеалар изидан ёзган. Италиялик таракқийпарвар ёзувчи Жан Франческо Браччоли (1380–1459) ва француз таракқийпарвар мутафаккири Жак Боден (1530–1590) асарларида Темур ҳақида кўп маълумотлар берилган. Жан Бодэн феодал тарқоқликни бартараф этишда кучли конституциявий монархия зарур ва фойдали эканлиги ҳақидаги қатъий фикрни тасдиқлаш учун Амир Темур шахсига мурожаат қилган. Ўрта аср охирларидаги бошқа муаллифлар — П.Мехиа ва П.Перандинуслар ҳам Амир Темурга бағишланган асарлар ёзишган. Амир Темур қиёфаси Гёте (1749–1832) шеърларида ҳам гавдалантирилди.

Амир Темур шахси ва ижтимоий-сиёсий, маданий фаолиятига нисбатан синфий ва ғайри илмий қараш ҳукмрон бўлгани учун тоталитар тузум даврида Ватанимизда унинг тўғрисида, А.Фитратнинг асари ва Ойбекнинг «Темур» дostonини ҳисобга олмаганда, яхшироқ бир асар яратилмади. Мустақиллик йилларида унинг ҳақида



Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар», «Улуғ салтанат» романлари, А.Ориповнинг «Сохибқирон», О.Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири» пьесалари, А.Орипов, Э.Воҳидовнинг шеърлари, Х.Давроннинг «Сохибқирон набираси», Ж.Субҳоннинг «Безовта рух» каби ривоят ва ҳикоялари ярилди.

Театр. Шекспирнинг салафи, машҳур инглиз шоири, киролича Елизаветанинг драматурги Кристофер Марло (1564–1593) Амир Темур қиёфасини театрда ўзига хос тарзда талқин этди. У 1587–1588 йилларда «Буюк Темурланг» трагедиясини ёзиб, 1590 йилда нашр эттирди. Амир Темур ҳаёти эркин талқин этилган ва ҳаяжонли тарзда ифодаланган бу асарда Марло Амир Темур тилидан эркин фикрли ваъзларни айтади (80).

Марло асаригадаги Амир Темур зўр жисмоний кучга эга бўлган, енгилмас, иродали, «оддий кишлоқ йигитлари» орасидан чиққан жангчиларнинг йўлбошчиси бўлган афсонавий қаҳрамондир. Амир Темур Боязид Йилдирымнинг қудратли армиясини тор-мор этиб, туркларнинг Константинополни босиб олишини ярим асрга кечиктирганлиги ва шу туфайли Европада зўр доғруғ ва обрў қозонганлиги бу асарда ўз ифодасини топган.

Устига-устак Марло билан Шекспир замонидаги Елизавета ҳукмронлик қилаётган Англия тобора кучайиб, қудрат орттириб бораётган, дунёга ҳукмрон бўлиш режаларини тузаётган сергайрат мамлакат эди. Мана шундай ижтимоий-сиёсий муҳитда ҳамманинг фикри-зикри беихтиёр букилмас иродали, кўп мамлакатлар ва халқлар тақдирини ўзгартириб юборган Амир Темур шахсига ва ҳукмронлик тарихига қаратилган эди.

Русияда ҳам Амир Темурнинг номи тилларда дoston бўлган. Русия театрида «Темурланг ва Боязид тўғрисида» ёки «Темурланг ёшлиги» пьесаси сахнага қўйилганлиги диққатга сазовордир. (Бу асар Кристофер Марлонинг «Буюк Темурланг» фожиаси якунловчи қисмининг қайта ишланган варианты эди).

Муסיқа. Улуғ бобомиз образини итальян ва немис композиторлари муסיқада изчил гавдалантирганлар. Бу мавзунинг асосчиси – Неаполь опера мактабининг вакили Алекссандрo Скарлатти (1660–1725). Унинг 125 дан ортиқ опералари орасида опер-серия услубида ёзилган, 1706 йилда Римда сахнага қўйилган ва муаллиф томо-

нидан «Буюк Темурланг» деб аталган асар бор. Скарлатти Амир Темур образига мурожаат қилганда унинг ижоди шухрат чўққисида бўлиб, бунгача у ўнлаб опера партитураларини ёзган эди.

Опера-буфф услубида яратилган, марказида Темур образи бўлган кейинги опера Неаполь опера мактабининг бошқа вакили – Леонардо Лео (1694–1744) қаламига мансубдир. У ўз операсини «Боязид, Туркия императори» деб номлади. Премьера 1722 йилда Неаполда бўлиб ўтди. Леонардо Лео барча қаҳрамонларнинг образларини (Боязид, Темур) ўзига хос буффонада шаклида талқин этган. Маълум бўлишича, бу опера Л.Лео ижодидаги энг яхши асар экан.

Амир Темурни ўз асарларига бош қаҳрамон қилиб танлаган италиялик машҳур композиторлар қаторига Николло Порпора (1686–1768) ҳам қиради. Унинг «Темурланг» операси 1730 йилда Туринда сахнага қўйилган. Бу асар Николло Порпоранинг экзотик опера-серия асарлари қаторидан ўрин олган. Темур образини буюк Антонио Вивальди ҳам четлаб ўтгани йўқ. «Темурланг» операси (1735, Верона) унинг ижодида бурилиш ясаган асарлардан биридир.

XVIII–XIX асрлар оралигида яна икки италиялик – Антонио Саккини (1730–1786) ва Антонио Сапиенца (кичиги, 1794–1855) «Темурланг» деб бир хил номланган икки операни яратдилар. Шуниси қизиқки, иккала асар ҳам биринчи бор Италияда эмас, ундан анча нарида сахнага қўйилган. Саккини ўз операсини 1773 йилда Лондонда, Сапиенца эса 1828 йилда Петербургда сахнага қўйдилар.

Немис муסיқа маданиятида Амир Темур образининг акс эттирилишига ҳозирча ягона мисол – Георг Фридрих Генделнинг (1685–1759) «Темурланг» операси партитурасидир. Опера немис миллатига мансуб италиялик антрепренер Николло Франческо Хайм (1679–1729) либреттосига ёзилган. Бу опера ўзида опер-серия ва катта муסיқа драмаларининг ўхшаш хусусиятларини мужассамлаштирган.

Георг Генделнинг «Темурланг» операсининг яратилиш вақти унинг 1724 йилда Лондонда премьераси бўлиб ўтган машҳур «Юлий Цезарь» операсининг яратилиш



Амир Темур олимларга хайрихоҳ муносабатда булар ва билими билан бирга ҳалоллигини кўрган олимларга ишонар эди. У тарихчи ва файласуфлар, илм-фан ва маъмурий соҳада билимдон бўлган кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтидан ҳам тушар эди. Амир Темур ўзидаги кишиларни бўйсундириш қобилиятига уларни ўз ҳукмронлиги остида бахтиёр қилиш истеъдодини ҳам қўшган эди.

Л. Лангле



вақтига яқин. Маълумотларга қараганда, «Темурланг» операсини Гендель ўша йили 31 октябрда ёзиб тугатган, лекин унинг саҳнага қўйилиши бир мунча чўзилиб кетган.

Албатта, немис композитори аллақандай «таргар хони» тўғрисида (либреттода шундай ёзилган), ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалардан 324 йил ўтгандан сўнг яратган операдан тарихий ҳаққонийликни кутиш қийин. Шу сабабли, оригиналда Амир Темурга 64 ёшли ҳукмдорга мос келмайдиган овоз (альт) берилганлигини тушуниш мумкин.

1925 йилда операнинг клавираусцугини нашрга тайёрлаган Херман Ротт ҳам буларни яхши тушунган бўлса керак. У операнинг номига аниқлик киритди («Тамерлано» эмас, «Тамерлан»), марказий персонажни ғайритабиий юқори алъдан бас-ба-

ритонга ўзгартирди, либреттога купюралар киритди.

Бугун бутун дунёда Амир Темур шахси тўғрисида тарихий ҳақиқат ғалаба қилмоқда. Буюк Гендель операси қайта туғилишни бошдан кечираётган экан, бу мусикага янада диққат билан қулоқ тутмоқ, турли мамлакатлар композиторларининг улуғ аждодимизга бағишланган асарларига янгича ёндошмоқ керак.

Таҳлил этилган асарларда Амир Темурнинг буюк салтанатни барпо этишдаги саъй-ҳаракатлари, юксак ҳарбий заковати, яратувчилик истеъдодига оид ажойиб далиллар келтирилганки, улар Соҳибқироннинг ана шу соҳалардаги фаолиятини ёритишда ниҳоятда асқотади. Буни эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу асар мазмунидан бемалол илғаб олиш мумкин.

* * *

Амир Темур фаолияти даврнинг ижтимоий ва маданий тараққиётига, жаҳон цивилизациясининг ривожланишига ва умуман жаҳон тарихининг юксалишига улкан ҳисса қўшди. Бундай буюк ҳақиқатни ҳисобга олмай ва эътироф этмай туриб даврни, унинг кейинги асрлардаги таъсир қирраларини тиклаш, умумжаҳон тарихий жараёни бойликларининг силсиласидаги чинакам аҳамиятини англаб етиш ғоят мушкул.

Амир Темурнинг сиёсий қудрати ва эзгу мақсадли фаолияти туфайли давлат, ижтимоий ва ҳарбий бошқарув тартиботлари тубдан янгиланиб, мавжудлари такомиллаштирилди, мулоҳаза асосида олиб борилган самарали молия, пул ва солиқ ислохотлари туфайли жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари, хунармандлик ишлаб чиқариши, иқтисодиёт ва савдо, шаҳарсозлик гуркираб ривожланди.

Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти воқеаномаси унинг муайян мақсадга йўналтирилганидан, ҳокимият ва давлат қурилиши назарияси чуқур мулоҳаза қилинганлигидан далолат беради. Бу эса қудратли ҳукмдорнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси тўғрисида муайян хулоса чиқариш имконини беради.


Биринчидан, Амир Темур Мовароуннахрда феодал тарқоқлик ва бошбошдоқликка чек қўйди ва бу ерда кучли марказлаштирилган давлат барпо этди.

Иккинчидан, XIV аср 90-йилларнинг ўрталарида Амир Темур Эрон, Хуросон ва Мовароуннахр ерларини иқтисодиёти умумий ва маънавий маданияти яқин бўлган ягона давлатга бирлаштирди.


Учинчидан, Олтин Ўрдани тор-мор келтириб, Рус давлатининг татар-мўғул зулмидан қутулишига имкон берди. Москва атрофида Русия давлати ташкил топишига, Польша-Литва уния давлати мустақкамланишига олиб келди.

Тўртинчидан, турк султони Боязид устидан ғалабаси Европанинг асоратга солиниши хавфини бартараф этди ва Константинополни турклар босиб олишини бир неча ўн йил орқага сурди. Натижада Европа халқлари ҳеч бир монеликсиз ижтимоий ҳамда ақлий ривожланиш имконига эга бўлдилар.


Амир Темур Эгей денгизи, Ўрта денгиз ва Мисрдан тортиб Хитой сарҳадларигача, Дашти Қипчоқдан Арабистон денгизигача яхлит салтанат барпо этиб, Буюк Ипак йўлининг тўлиқ хавфсизлигини таъминлади.

The background features a complex, repeating geometric pattern of interlocking lines forming various polygons. This pattern is overlaid on a lighter, textured background of smaller, repeating floral or geometric motifs. In the top right corner, there is a partial view of a dark, cylindrical object with a textured surface, possibly a traditional smoking pipe or a similar artifact. The overall aesthetic is reminiscent of traditional Islamic or Central Asian art.

И.ЛОВАЛАР





«Дувоздахмақом» — «Шашмақом» туркумига сингдирилиши





**Мовароуннахр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур ва унинг авлодлари
(1370—1507 йиллар)**


1-жадвал

















ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР СОЛНОМАСИ



- 1220—1334** Чингизхон ва унинг ўғиллари Жўжи ва Чигатой бошчилигидаги мўғулларнинг Марказий Осиёни забт этиши. Марказий Осиёда Чингизхоннинг иккинчи ўғли — Чигатой улусининг вужудга келиши ва унинг авлодлари — чигатойлар ҳукмронлиги.
- 1256** Эрон ва Ироқда Элхонлар улусининг асосчиси, Эроннинг чингизий ҳукмдори Хулогухои қўшинларининг Мовароуннаҳрга бостириб кириши.
- 1266** Мовароуннаҳрга жалойирлар ва барлосларнинг кўчиб ўтиши. Муборакхоннинг Мовароуннаҳр тахтига ўтириши.
- 1295—1304** Эронда Ғазонхон ҳукмронлиги.
- 1312—1341** Олтин Ўрдада Ўзбекхон ҳукмронлиги.
- 1312** Олтин Ўрданинг мусулмонлашуви.
- 1316—1335** Эронда Хулогухон авлодидан бўлган Абу Саъид ҳукмронлиги.
- 1318—1326** Чигатой хони Қўшакнинг ҳукмронлиги.
- 1323** Мўғул шахзодаларнинг доимий урушлари оқибатида Чигатой улусининг харобага айланиши.
- 1326—1334** Чигатойлар томонидан Туркистоннинг бирлаштирилиши.
- 1333** Чигатойлар хони Тармаширин ҳукмронлиги.
- 1334** Ибн Батутанинг Туркистонга саёҳати.
- 1334—1346** Қорақум ва Бешбалиқ яқинида чигатой қўшинларининг юанлар билан тўқишуви.
- 1334—1346** Чигатой улусида Ғазонхон ҳукмронлиги.
- 1336, 8 апрель** Амир Тарағайнинг ўғли Темурнинг таваллуди.
- 1337** Хуросонда Сарбадорлар давлатининг ташкил топиши.
- 1337—1381** Хуросонда маркази Сабзавор бўлган Сарбадорлар давлати ҳукм сурди.
- 1340** Шимоли-ғарбий Эрон ва Ироқда Жалойирлар давлатининг ташкил топиши.
- 1342, июль** Сарбадорларнинг Ҳиротга талончилик ҳужуми.
- 1344** Малик Ашрафиинг Эронда ҳокимиятни эгаллаши.
- 1346** Қазонхоннинг амир Қазағон билан жангда ҳалок бўлиши. Сохта хонлар Донишмандча ва Баёнқулининг тахтга ўтириши.
- 1346—1358** Мовароуннаҳрда амир Қазағон ҳукмронлиги.
- 1355** Амир Темурнинг Турмуш оқа ва Ўлжой Туркон оқага уйланиши.
- 1356** Амир Темур ўғиллари Мухаммад Жаҳонгир ва Умаршайхнинг таваллуди.
- 1357** Мовароуннаҳрда ҳокимиятнинг улус амирлари қўлига ўтиши.
- 1358—1360** Мовароуннаҳрда Қазағоннинг ўғли Абдуллонинг ҳукмронлиги.
- 1360** Мўғулистон хони Туғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга биринчи марта бостириб кириши.
- 1361** Амир Темурнинг Туғлуқ Темур хизматида кириши.
- 1361** Туғлуқ Темурнинг Мовароуннаҳрга иккинчи марта бостириб кириши.
- 1361** Амир Темурнинг отаси амир Тарағайнинг вафоти.
- 1361** Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёс Хожа ўғлоннинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлиги.
- 1361—1365** Илёс Хожа ва Амир Темур ўртасидаги келишмовчиликлар. Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб кетиши. Хоразмнинг Олтин Ўрдадан ажралиши.
- 1361—1365** Туғлуқ Темур томонидан Чигатой улусининг бирлаштирилиши.
- 1361—1365** Амир Темур билан амир Қазағоннинг невараси Хусайн ўртасидаги иттифок.
- 1362** Амир Темур билан Хусайннинг туркманлар бошлиғи Алибек Жоникурбоний томонидан асир олинishi.
- 1362** Сеистонда Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраланиши.
- 1364** Амир Темур ва Хусайннинг Илёс Хожа устидан ғалабаси.
- 1365** Амир Темур ва Хусайн қўшинларининг Илёс Хожа билан жанги. У Чинос билан Тошкент оралиғида бўлиб ўтган «Жанги лой» номи билан машҳур бўлиб, унда Амир Темур ва Хусайн мағлубиятга учраган.



